

Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти

БОСИТХОН ИБН ЗОҲИДХОН
ШОШИЙ



ҚОНУНИ
БОСИТИЙ
ЁКИ
ҚОНУН АЛ-МАБСУТ



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2003



ТАҲРИР ҲАЙАТИ:

М.М.Хайруллаев, А.Усмонхўжаев, С.Каримова, М.Ҳасанний

Қўлингиздаги «Қонуни Боситгий» ёки «Қонун ал-Мабсут» («Кенгайтирилган Қонун») китоби ҳозир табиб, шоир, моҳир таржимон, ҳаттот ва rassom Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийнинг (1878-1959) қаламига мансуб бўлиб, муаллиф илм аҳдларининг илтимосига кўра ўзбек тилида табобатта оид «Қонун» ёзишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У Абу Али ибн Сино «Гиб қонунлари» китоби ҳамда ўтмишда яшаган кўплаб табибларнинг асарларига суянган ҳолда икки жилддан иборат мазкур «Қонун ал-Мабсут» китобини ёзиб тугаллайди. Муаллиф ўтмиш ҳақимларининг фикрларини шарҳлабгина қолмай, балки асримиздаги фан ва техника ютуқларига асосланган ҳолда уларни мукамал тушунтириб беради, ўзининг чуқур фикр ва мулоҳазалари орқали улар йўл қўйган айрим хатоларини ҳам очиб беради.

Ўтган боболарининг меҳнатини юзага чиқариб, руҳларини шод қилиш ниятида ҳомийлик қилган Боситхонов Тоҳирхон Шокирхоновичга, шунингдек ушбу асарнинг нашрдан чиқиш жараёнидаги барча ташкилий ишларга бош-қош бўлган Қ.С.Зоилов номидаги Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейи раҳбариятига таҳририят номидан чуқур миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Китоб Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шаҳшунослик институти Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилди.

Табдил, изоҳ ва луғатлар
муаллифи Маҳмуд ҲАСАНИЙ

ISBN 5-633-01172-4

© «Янги аср авлоди», Тошкент, 2003 й.

УЛУҒ МЕРОСНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДА

Мустақиллик шарофати туфайли ҳурматли президентимиз И.А. Каримов диққатимизни маънавиятимизни чуқур ўрганиш, отабоболаримиздан қолган илмий меросни ҳар томонлама тадқиқ этиш, тарихимизни қўлэзма мерослар асосида ёритиш, миллий мафкурамизни ишлаб чиқиш масалаларига қаратдилар. Президентимиз қўйган масалалар, шубҳасиз, шарқшунос олимлар елкасига катта маъсулиятни қўяди.

Марказий Осиёда, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида минг-минглаб олимлар, шоирлар, адиблар, борингки, фаннинг турли соҳалари бўйича қалам тебратган улуғ зотлар ижод қилдилар ва илму фаннинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшидилар. Президентимиз: «Ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун дунё тан олмоқда» деб ҳаққоний фикр билдирган эдилар.¹ Бунинг ёрқин мисоли сифатида Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Имом Бухорий, Улугбек, Алишер Навоий, Бобур каби юзлаб улуғ зотларни кўрсатиш мумкин. Яна қанча-қанча олиму уламо, фозилу фузалолар ўтганки, уларнинг ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг Қўлэзмлар хазинасида 60 мингдан ортиқ қўлэзма, 50 мингга яқин тошбосма асарлар сақланмоқда. Уларнинг энг қадимийси Қуръони Карим бўлиб, қадимий куфий хати билан IX асрда китобат қилинган. Бу ердаги асарлар тарих, адабиёт, фалсафа, ҳуқуқ, тасаввуф, тафсир, фалакиёт, физика, кимё, таботат, тил, география, доришунослик, муסיқа, математика, маъданишунослик,

¹ И. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент «Шарқ» нашриёт матбаа концерни Бош таҳририяти, 1998, 3-бет.

зираот ҳамда бошқа фанларга бағишланган. Улар ўзбек, форс, араб, турк, ҳинд, урду, озарбайжон, татар, пушту, тожик тилларида ёзилган. Шу сонларнинг ўзидеъ маънавий меросимизнинг нақадар улкан эканини кўрсатиб турибди. Буларни ўрганиш эса катта меҳнат ва фидойиликни талаб этади. Шунинг учун ҳам: «Маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виеждон ишидир. Маърифатчи фидоий бўлмаги керак», - деган эдилар президентимиз¹. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти олимлари президентимиз кўрсатмаларига амал қила бориб, маънавий меросимизни тўлиқ ва ҳаққоний ўрганиш борасида катта ишларга қўл урганлар. Институтида еттигата бўлим фаолият кўрсатади ва ҳар бир бўлим ўз олдига тарихимизнинг маълум бир томонини ёритишни мақсад қилиб қўйган.

Шарқшунослик институти 1943 йилда ташкил топган бўлиб, шундан буён олимлар томонидан анчагина ишлар амалга оширилди. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Абу Бакр Розий каби ўнлаб олимларнинг ижоди ҳар томонлама ўрганилди ва асарлари ўзбек ва рус тилларига таржима қилинди. Институти олимлари томонидан чоп қилинган асарларнинг рўйхати тузилса, бу рўйхатнинг ўзи катта бир китобни ташкил қилган бўлар эди.

Мустақиллик йилларида институти олимларининг илмий фаолиятлари янада ривожланади. Авваллари гапириши мумкин бўлмаган олимлар, давлат ва дин арбоблари, баъзи тамга урилган асарлар устида тадқиқот ишлари амалга оширила бошланди. Юбилейлар муносабати билан олимларимиз Аҳмад Фарғоний ва Имом Бухорийлар ҳақида рисола ва мақолалар ёздилар. Баҳоуддин Нақибанд, Аҳмад Яссавий, Занги Ота, Хожжа Аҳрорлар ҳақида рисола ва мақолалар эълон қилинди. Амир Темур ва унинг авлодларига бағишланган асарлар вужудга келди. Жалолуддин Мангубердига аталган тўплам ва рисолалар бунёд қилинди. Шарафуддин Али Яздий ҳамда Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома», Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарларининг босилиб чиқиши ҳам маънавиятимиз тарихини ўрганишдаги катта ишлардан биридир.

Институтининг хорижий мамлакат олимлари билан алоқаларига кенг йўл очилди. Ўзаро ҳамкорлик натижасида айрим асарлар вужудга кела бошлади. Масалан, Германия олимлари билан ҳамкорлик натижа-

¹ Ўша асар, 8-бет.



сида аниқ фанларга бағишланган икки жилдли фикҳрист, тасаввуф адабиётига бағишланган бир жилдли фикҳрист наирдан чиқди. Эрон олимлари билан ҳамкорлик туфайли форс тилидаги асарларнинг уч китобдан иборат фикҳристи босиб чиқарилди. Араб олимлари билан ҳамкорликда араб тилидаги асарларнинг бир жилдли фикҳристи дунёга келди. Бундан ташқари, Америка, Япония ва Эрон олимлари билан ҳам ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Фаннинг турли соҳалари бўйича ёзилган асарларни ўрганиши билан бирга таъбабатга оид асарларни тадқиқ этиши ишлари ҳам кенг йўлга қўйилган. Бу соҳада ҳам институтимиз олимлари анчагина муваффақиятларга эришдилар. Қўлёзмалар фондида мингга яқин нуسخада тиббий асарлар сақланмоқда. Уларнинг орасида бундан минг йиллар аввал ёзилган қимматбаҳо асарлар мавжуд, масалан, аббосийлардан халифа ал-Мутаваккил (847-877) даврида таржумонлар мактабига раҳбарлик қилган Хунайн ибн Исҳоқ (808-877)нинг ўзи ижод қилган ва юнон тилидан таржума қилган асарларнинг барчаси етиб келган. Ибн Сино ва Беруний ўз устозлари деб тан олган ва фаннинг турли соҳалари бўйича 184 та асар ёзиб қолдирган Абу Бакр ар-Розий (865-925)нинг араб тилида ёзилган бир қанча асарлари ҳам фонддан ўрин олган.

Мовароуннаҳр олимлари фаннинг бошқа соҳаларида бўлгани каби таъбабатда ҳам етакчи ўринни эгаллаганлар. Бунга мисол қилиб, хоразмишоҳ Абулаббос Маъмун ибн Маъмун (1009-1017) ташиқил этган ва тарихга «Маъмун академияси» номи билан кирган илм масканини кўрсатиши мумкин. Бу ерда жам бўлган олимлардан Абул Хайр ибн Хаммор (942-1030), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Сахл ал-Масиҳий (970-1010), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ (ваф. 1034 й.) кабилар таъбабат фанига оид кўп асарлар ижод қилган бўлиб, улар томонидан ёзилган асарлар ҳам хазинадан ўрин олган.

Ватандошимиз Абу Али ибн Сино номини алоҳида таъкидлаш керакки, қомусий билимлар соҳиби бўлиб, фаннинг турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ асар ёзган олимнинг 43 та асари таъбабатга бағишланган эди. Унинг «Ал-Қонун фи-т-тибб» (Тиб қонунлари) асари кўп асарлардан буён Фарб ва Шарқда ўрганилди, таржума ва тадқиқ этилди. Мусулмон Шарқда «Тиб қонунлари»га эргашиб олимлар кўп асарлар бунёд қилдилар, уни шарҳладилар, кенгайтирдилар, қисқартмалар туздилар, таржума қилдилар. Унга эргашиб, яна бир ватандошимиз

Исмоил Журжоний (ваф. 1136 й.) ўзининг «Захирайи Хоразмиоҳий» («Хоразмиоҳ захираси») номли қомусий асарини ёзди ва катта шуҳрат қозонди. Юртимизда ҳатто подшоҳлар ҳам табобат билан шугулландилар. Масалан, Хоразм хони, машҳур муаррих Абулғози Баҳодурхон (1603-1664) «Манофиъ ул-инсон» («Одамларга фойдалар») номли асар ёзиши билан бирга беморларни шаҳсан ўзи даволади. Бухоро хони Субҳонқулихон (ҳукмронлик йиллари – 1680-1702) «Иҳё ут-тибби Субҳоний» («Субҳонқулихоннинг табобатни тирилтириши») номли асар ёзди ва ўзи ҳам даволаш ишлари билан ҳам шугулланди. Бухорода даволаш уйи ҳам очди.

Юқорида зикр этилган олимларнинг бу соҳадаги асарлари ҳам хазинамизда сақланмоқда. Шундай катта тиббий хазина бор экан, уларни ўрганиш қайси даражада кетмоқда, деган савол туғилиши табиийдир. Бизда тиббий асарларни ўрганиш 1950 йиллардан бошланган. Институт олимлари шифокор олимлар билан ҳамкорликда Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»ни ўзбек ва рус тилларига таржима ва тадқиқ қилдилар. Бу асар «Фан» нашриёти томонидан икки марта нашр қилинди. «Ибн Сино нашриёти» эса уни яқинда учинчи марта нашр қилди. Академик олим У.И.Каримов Абу Райҳон Берунийнинг «Сайдана фи-т-тибб» («Табобатда доришунослик») номли асарини таржима ва тадқиқ этди ва бу фанимиз ютуқларидан бири бўлди. Ибн Синонинг бошқа асарларини ўз ичига олган «Тиббий рисолалар» нашр қилинди ва рисолага олимнинг табобатга оид янги асарлари киритилди. Арабишунос олим Ҳ.Ҳикматуллаев Абу Бакр Розий эмродини ўрганиб, унинг Шарқда биринчи бўлиб касалликлар тарихини қўлланганини исботлади ва «Абу Бакр Розийнинг шогирди ёзиб қолдирган касалликлар тарихи» номли монографик асарни чоп этди. У яна Ибн Синонинг «Ал-Адвият ул-қалбийя» («Юрак дорилари рисоласи»)ни таржима ва тадқиқ қилиб, нашр эттирди. 1990 йилларга келиб, бу олимнинг «Касалликлар тарихи» ва «Шарқ табобати» номли китоблари ҳам чоп қилинди.

Кейинги йилларда табобат тарихи билан шугулланувчи олимларнинг сафи кенгая бориб, институтда яна қатор китоблар нашр қилинди. Буларга мисол қилиб, «Табобат хазинаси дурдоналаридан», «Табобат уммонидан томчилар», «Табобат дурдоналари», «Мизож ҳақида рисола», «Ҳақимлар ҳикояти», «Луқмони ҳақим ўғитлари» (М.Ҳасаний), «Навоий даври табобати» (М.Ҳасаний, С.Каримова), «Тиббий ўғитлар» (С.Каримова) каби китобларни кўрсатиши мумкин.

Шу кунларда ҳам табобатга оид асарларни ўрганиши ва тадқиқ этиши қизгин давом этмоқда. Иститутда сақланаётган тиббий асарларнинг «Фихрист»и тайёрланди. Ҳ.Ҳикматуллаев ва С.Каримова томонидан тайёрланган бу «Фихрист» олмониялик олимлар билан ҳамкорликда нашрдан чиқди. С.Каримова кимё ва табобатга бағишланган асарлар ҳақида йирик илмий ишни амалга оширди. М.Ҳасаний эса табобатга оид назмда ёзилган барча асарларни тадқиқ этувчи монографиясини тугаллаш арафасида турибди. Бундан ташқари, янги келган ёшлар ҳам табобатнинг ҳар хил соҳаларига оид ўзларининг илмий ишларини давом эттирмоқдалар.

Бугун қўлингизда турган «Қонуни Боситий» ёки «Қонун ал-Мабсут» («Кенгайтирилган Қонун») асари ҳам шу йўлда қўйилган хайрли қадамлардан биридир. Бу асарнинг муаллифи Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший (1878-1959) бўлиб, у етук табиб, шоир, таржимон эди. Боситхон «Қонун ал-Мабсут»нинг биринчи ва иккинчи китобларини 1942 йилда ёзиб тугатган. 1944 йилда эса табобатга оид «Фарҳанг ал-Мабсут» («Кенгайтирилган лугат») ёки бошқача «Истилоҳот ул-атиббо фи интифоъот ул-аҳиббо» («Дўстларнинг фойдаланиши учун тузилган тиббий истилоҳлар китоби») деб аталади. Унинг яна бир тиббий асари «Фавоид ул-адвия ва мавоид ул-аззия» («Фойдали дорилар ва ҳар хил таомлар») деб аталади. Мазкур асарларнинг ягона дастхат нусхалари ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

«Қонуни Боситий» ёки «Қонун ал-Мабсут» деб аталувчи мазкур асарни яратишда муаллиф Ибн Сино «Тиб қонунлари» ва аввал ўтган жуда кўп олимларнинг асарларидан фойдаланган. Аҳамиятли томони ишондаки, Боситхон ҳозирги замон фани ютуқлари асосида ўтмиш олимларининг фикрларини исботлаб беришдан ташқари, уларнинг хатоларини ҳам очиб берган.

«Қонуни Боситий»нинг шарқшунослик институтида сақланаётган нусхаларига марҳум олим А.Носиров табиб ва унинг асари ҳақида ўз маълумотларини илова қилган. Унда ёзилишича, табибнинг отаси Зоҳидхон ҳам ўз даврининг етук табибларидан бўлиб, табобат илмини «Жоми шароб» лақаби билан машҳур бўлган Мулло Муҳаммад Расул Ҳаким ибн Мулла Худойбергандан ўрганган.

А.Носировнинг ёзишича, Боситхон ибн Зоҳидхон шоир ҳам бўлиб, шеъриятда «Ҳариқий» тахаллусини қўллаган ва шеърларини тўплаб

«Мажмуаи ашъори Ҳариқий» номли девон тузган. Бироқ бу мажмуа ҳали топилган эмас. Боситхон таржимон сифатида бир қанча асарларни араб тилидан ўзбек тилига ўгириб, чоп қилдирган. Шулардан «Ҳадиси Усфурий» ва «Ҳақойиқ ул-асрор» китоблари мустақиллик йиллари Тошкентда чоп этилди.

Хулоса қилиб айтганда, улуг ва бой меросиизни, жумладан, табобат тарихини ўрганиш ҳам шарқшунос олимлар томонидан давом этмоқда. Боситхон ибн Зоҳидхоннинг тиббга оид мероси ҳам тўлалигича дунё юзини кўради, деган умиддамиз.

Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,
ЎзР ФА академиги, Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институтининг директори

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Тарих фанлари номзоди, ЎзР ФА Шарқшунослик
институтининг Шарқ қўлёзмалари фонди мудири

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ БИРИНЧИ «ҚОНУН»

1. Тиб тарихига қисқача назар¹

Мусулмон Шарқи фаннинг бошқа соҳаларида бўлгани каби табобат борасида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллагани тарихдан маълум. Ибн Синогача ва ундан кейин ҳам ҳозик табиблар ва табобатга оид кўплаб асарлар вужудга келди. Бироқ уларнинг ҳеч бири буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синодан ўзиб кетолмадилар. Ибн Сино табобат оламида ёрқин юлдуз каби чарақлаб турди. У нафақат Шарқнинг, балки Ғарбнинг ҳам диққатини ўзига тортди. Унинг «Тиб қонунлари» асрлар давомида дунё халқларининг даволаш соҳасидаги қўлланмасига айланди.

Абу Али ибн Синонинг ўлмас асарлари, айниқса, унинг табобати ўзидан кейин ўтган табибларга йўлчи юлдуз бўлди. Табиблар Ибн Сино асарларини ўрганиб камолга етдилар, ундан илҳомландилар, унга эргашиб, асарлар яратдилар. Унинг «Ал-Қонун фит-т-тибб» («Тиб қонунлари») асари Шарқ табобитини ривожлантиришида улуғ вазифани адо этди. «Қонун» асосида ўнлаб тиббий асарлар вужудга келди ва бу асарлар Мовароуннаҳр табиблари томонидан ўрганилди, ундаги янгиликлар амалга тадбиқ этилди.

Ибн Синогача ва ундан кейин ёзилган тиббий асарларнинг деярли барчаси араб ёки форс тилида эди. 450 дан ортиқ асар ёзган Ибн Синонинг биргина асаридан ташқари, бошқа барча асарларининг араб тилида ёзилгани ҳам бунинг ёрқин гувоҳи бўла олади. Абу Бакр ар-Розий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий каби юзлаб олимлар ҳам деярли араб тилида ижод қилганлар. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ёзилган тиббий асарларнинг ҳам кўпчилиги форс-тожик тилида эди. Абулғози Баҳодурхон ва Ҳозорасийларгина ўзларининг табобатга оид асарларини ўзбек тилида ёзган эдилар.

Ибн Сино вафотидан минг йилдан ошиқ вақт ўтса-да, бироқ мамлакатимиз ҳудудида табобатнинг ривожланиши тўхтаб қолмади. Янгидан-янги табиблар ва тиббий асарлар дунё юзини кўришида давом

¹ Бу ҳақда яна тўлиқроқ маълумот олиш учун бундан аввалги мақолага қаранг.

этди. Айниқса, собиқ Иттифоқ даврида халқ табоботи билан шугулланувчи табиблар қувғин остига олиншига қарамай, ўтмиш табоботининг вакиллари яширинча бўлса ҳам, ўз фаолиятини давом эттиравердилар. Албатта, бундай табиблар орасида сохталари ҳам йўқ эмас эди. Бироқ халқ табоботини мукамал билган, араб ва форс тилидан чуқур хабардор, Ибн Сино ва ундан кейин ўтган табибларнинг асарларини ўз асл тилида ўқиб, тушуна оладиганлари ҳам йўқ эмас эди. Шундай олим-табибларга мисол қилиб Боситхон табибни кўрсатиш мумкин.

2. Боситхон табибнинг қисқача таржиماи ҳоли

Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший 1878 йили Тошкентда етук табиб оиласида дунёга келди. Унинг отаси Зоҳидхон ҳаким ибн Муҳаммад Содиқхон Себзор даҳасида яшаган бўлиб, ҳозик табибликда ном чиқарган кишилардан бири эди. Зоҳидхон ҳаким табоботни ўша даврда Тошкентда ном қозонган Мулла Муҳаммад Расул ҳаким ибн Мулла Худойбергандан таълим олган. Бу табибнинг тахаллуси Жами Шароб (Шароб жами) бўлиб, Зоҳидхон ҳаким тиб илмини шу киши қўлида хатм қилган эди. Бундан ташқари Зоҳидхон ҳаким Сиддиқхўжа ҳакимдан ҳам табобот сирларини ўрганган.

Боситхон табиб гўдакликдан ўз отаси Зоҳидхон ҳакимнинг даволаш ишларини кузатиб борган. Боситхон ўзи ёзган китобларидан бирининг муқаддимасида: «Отам мени етти ёшлик вақтимдан бошлаб тибга оид китобларни ўқитиш билан тарбия қилган эдилар» деб ёзган эди.¹ Зоҳидхон ҳаким 1908 йили 67 ёшида вафот этган. Боситхон табиб, демак ўз отасига шогирд бўлиб, табоботни ўрганган ва бу соҳада камолот ҳосил қилган.

Шу ўринда Боситхон табибнинг акаси Ҳомидхон ибн Зоҳидхон Шошийни ҳам эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ҳомидхон Шоший 1870 йилда Тошкентда тугилди. У ўз укаси Боситхон билан бирга оталаридан табоботни ўрганганлар. Ҳомидхон ҳам ўз отаси ва укаси каби араб ва форс тилларини мукамал билган. Шеърят билан қизиққан ва шеърлар машқ қилган. Таржимонлик фаолияти билан ҳам шугулланган. Ҳомидхон ўз укаси Боситхон табиб билан елкама-елка, ҳамжор сифатида иш олиб борган. Ҳомидхон укаси Боситхон томонидан ёзилган

¹ Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. «Қонуни Боситий». А.Носиров маълумотидан. ЎзР ФА ШИ Қўлёмаси, инв. № 8921, 2-бет.

«Қонун ал-Мабсут» китобини қисқартириб, фойдаланишга қулай ҳолга келтирган. Букротнинг араб тилидаги «Ар-Рисолат ул-қабрия» («Қабрдан чиққан рисола») асарини ўзбек тилига таржима қилган, бундан ташқари у котиблик билан ҳам ишгулланган.¹

3. Боситхон табибнинг илмий мероси

Боситхон табиб вояга етгач, даволаш ишлари билан бир қаторда ижод билан машгул бўлди. Араб ва форс тилидан баъзи асарларни ўзбек тилига таржима қилди ва ўзи ҳам асарлар ёзди. Унинг қаламига мансуб бўлган қуйидаги асарларни санаб ўтамиз.

1. Қонун ал-Мабсут (Кенгайтирилган Қонун китоби). Унинг муаллиф қўли билан кўчирилган ягона нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг Қўлғезмалар фондида 8921 рақами билан сақланмоқда. Бу асарнинг 1-жилди бўлиб, 1942 йили ёзилган.

2. Қонун ал-Мабсут. Юқоридаги асарнинг 2-жилди. 1942 йил ёзиб тугатилган. Муаллиф қўли билан кўчирилган нусхаси 8922 рақами билан ЎЗР ФА ШИ фондида сақланмоқда.

3. Фарҳанг ал-мабсут (Кенгайтирилган лугат) ёки бошқача номи «Истилоҳот ул-аттиббо фи интифиъот ул-аҳиббо» (Дўстларнинг фойдаланишлари учун тузилган тиббий истилоқлар лугати) 1944 йилда ёзиб тугатилган. Муаллиф қўли билан кўчирилган ягона нусхаси ЎЗР ФА ШИ нинг қўлғезмалар фондида 8921 рақами билан сақланмоқда.

4. Фавоид ул-адвия ва мавоид ул-ағзия (Дориларнинг фойдалари ва тузалган дастурхон овқатларининг манфаатлари). 13 фаслдан иборат бу асарда табобатнинг турли масалалари ўз ифодасини топган.

5. Амали ҳандаса (Геометрия амаллари ҳақида китоб). Бу асар 11258 рақами билан ЎЗР ФФ ШИ фондида сақланмоқда.

6. Муқаддимаш илми фаройиз (Мерос тақсими илмининг муқаддимаси). Бу ҳам ЎЗР ФА ШИ фондида сақланмоқда.

7. Фовойид ул-муслимийн (Мусулмонларга фойдалар). Бу китоб Имом Суйутийнинг «Анис ул-жаллис» китобидан таржима қилинган. ЎЗР ФА ШИ фондидаги инвентар рақами 1237. Китоб 1913 йилда Тошкентда тошбосмада нашр этилган.

¹ Шарқ табobati. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1994й., 107-б.

8. «Манбаъ ул-маъориф» таржимаи «Мажмаъ ул-латойиф» («Мажмаъ ул-латойиф» китобининг таржимаси бўлган «Манбаъ ул-маъориф» асари). У 1914 йилда Тошкентда чоп этилган.

9. Дўзд ва қози (Ўғри билан қози). 1907 йилда Тошкентда нашир қилинган.

10. Ҳақойиқ ул-асрор (Ҳақиқатлар сири). Тошкентда тошбосмада нашир қилинган. Мустақиллик йилларида олим С.Ҳасанов томонидан чоп қилинган.

11. «Ҳадиси Усфурий» ёки «Мисбоҳ ул-анвор» (Нурлар чирози). 1910 йилда Тошкентда чоп қилинган. 1993 йили М.Ҳасаний томонидан Адабиёт ва санъат наشريёти орқали чоп қилинган.

Юқорида санаб ўтилган асарларнинг номлариёқ табиб-олимнинг билим доираси кенг ва тиниб-тинчимас инсон бўлганини кўрсатиб турибди. Библиограф олим А.Носировнинг ёзишича, Боситхон табибнинг саҳхоф (муқовасозлик) бозорида китоб сотадиган дўкони ҳам бўлган. Айни пайтда соатсозлик касби билан ҳам шуғулланган. Боситхон табиб яшигини шоир ҳам бўлган. А.Носировнинг ёзишича, Боситхон табиб ўз шеърларини тўплаб, «Мажмуаи ашғори Ҳариқий» (Ҳариқий шеърларининг тўплами) деган бир тўплам тузган. Яна «Ҳадийат ус-сибён» («Болаларга туҳфа») номли асар ҳам ёзган. Бироқ булар нашир бўлмаган. А.Носиров бу икки китоб Боситхон табибнинг ўғиллари қўлида сақланаётгани ҳақида хабар қилади.

4. «Қонун ал-Мабсут»нинг яратилиши

Боситхон табиб қаерда ва қайси касбда бўлмасин, у том маънода табиб эди. У ёшлигидан шуғулланган ва ота мерос бўлган табобатни ташиаб кетолмас эди. У 1940 йиллардан бошлаб табобатга оид асар ёзиш иштиёқида бўлади. Унинг атрофидаги обрў-эътиборли кишилар ҳам табобат соҳасидаги билимлари беҳуда йўқ бўлиб кетмаслигини, уларни тўплаб, бир асар ёзини илтимос қиладилар. Бу ҳақда табибнинг ўзи: «Хукамойи замон ва зурафойи овон (давр донолари) миздин бир неча аҳли инжлос (ҳамсуҳбат)лар ушбу хусусда Туркистон шеваси (тилли) да ҳам бир «Қонуни туркий» мудаваан (ёзилган) бўлса, аҳли Туркистон учун бир ҳидоят ва раҳбарлик бўлур эди деб, ... фақирга илтимос қилдилар», – дейди. Нима учун «Қонуни туркий» ёзилиши керак бўлиб

қолганини эса қуйидагича тушунтиради: «Туркистон қитъасининг ҳукамои файласуфларидин Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Шоҳобуддин Форёбий, Муҳаммад Ҳусайн, Али Акбар Ҳусайний каби зотларнинг ташаббуслари ила кўб муфассал ва мўътабар девони ҳикмат асарлар зуҳур этиб, эжилвагар бўлди, лекин аларнинг таҳриротлари (ёзганлари) лисони арабий (араб тили) да баён бўлгонликдин аҳли Туркистонга мутолааси ҳараж (қийин) бўлгони каби нўкоти гомизаси (ҳикматли фикрлари) ва тафсилоти амиқаси (чуқур тафсилот)лари тоқат зарфи (идиши) дин хориж эди».

Демак, аввал ёзилган тиббий асарлар араб ва форс тилларида бўлгани учун табиб туркий тилда «Қонун» ёзишни мақсад қилади ва бунга илм аҳлиларининг илтимослари туртки бўлади. Муаллиф ўз «Қонун»ини 1942 йилда ёзиб тугатади. Асар 10 мақоладан иборат бўлиб, икки жилдди ташкил этади. Боситхон табиб ўз асарини туркий тилда ёзганини алоҳида таъкидлайди. У ҳозирги ўзбек тилида ёзиши ҳам мумкин эди, бироқ қадимий анъанани давом эттириши мақсадида эски ўзбек тилида ёзишни афзал кўради. Чунки унгача ёзилган ўзбек тилидаги асарлар, жумладан, Абулғози Баҳодурхоннинг «Манофиъ ул-инсон», Ҳаким Яйпонийнинг «Тариқ ул-илож», Ҳозораспийнинг «Мултақит ат-тибб» асарлари ҳам туркий тилда битилган эди. Бундан ташқари, XIX аср ҳамда XX асрнинг бошларида тиббий асарларни туркий тилга таржима қилиши авж олган эди. Тошкентлик Муҳаммад Шоҳхўжа Маҳмуд Чағмийнинг «Ал-Қонунча», Юсуфийнинг «Жомиъ ул-фавойид» асарларини туркий тилга таржима қилади. Султон Али табибнинг «Муқаддимаи дастур ул-илож» асари ҳамда бошқа бир неча рисолалар ҳам туркий тилга таржима қилинган бўлиб, улардаги таржима усуллари бир-бирини такрорлар ва анъана асосида эди. Демак, Боситхон табиб ҳам айнан шу усулга ва анъанага амал қилган.

Муаллиф ўз асарини 10 мақоладан иборат қилиб ёзмоқчи экани ҳақида гапирса ҳам, бироқ унинг 1 ва 2-китобларида фақат 5 та мақола борлигини кўраимиз. Биринчи китоб ўз ичига кириши ва уч мақола олади. Биринчи мақола – тиббий ишлар баёнида. Иккинчи мақола – ташириҳ, яъни инсон баданининг анатомияси ҳақида. Учинчи мақола инсон баданининг ҳолатлари ва уларни келтириб чиқарадиган нарсалар баёнида. Мақолалар ичида кўплаб фасллар мавжуд.

Боситхон табиб асарни «Қонуни Боситий» мавсум ба «Қонун ал-Мабсут» («Қонун ал-Мабсут» деб аталувчи «Қонуни Боситий») деб

атайди. Демак, уни «Қонун Боситий» («Боситхон «Қонун»и») ёки «Қонун ал-Мабсут» («Кенгайтирилган Қонун») деб аташ ҳам мумкин. Қонун ал-Мабсут»даги «мабсут» сўзининг «Босит» сўзи билан ўзаги бир бўлиб, муаллиф ўзининг Босит исмидан фойдаланиб, «Мабсут» сўзини ишлатган.

5. «Қонун ал-Мабсут»нинг манбалари

Бирор олим фаннинг соҳаси бўйича асар ёзар экан, ўздан олдин ўтган олимларнинг асарларидан ва унда ёзилган фикрлардан фойдаланади, уларни умумлаштиради, ютуқ ва камчиликларини кўрсатади, ўзининг хулосаларини баён қилади. Бундай ҳолатни табобатга оид ёзилган кўплаб асарларда ҳам кўриш мумкин. Бу фандаги табиий ҳолдир. Яқинда ЎзР ФА Шарқишунослик институтининг бўлим мудури, олима С.Каримова қизиқ воқеани айтиб берди. Олима ўзининг табобат ва кимё тарихига оид илмий-тадқиқот ишини муҳокамадан ўтказиш учун институтлардан бирига олиб боради. Муҳокама аъло даражада ўтади. Муҳокамадан сўнг олимлардан бири унинг олдига келиб: «Ибн Сино ўз асарларида бошқалардан фойдаланган, деб гапирманг, бу Ибн Сино номига доғ туширади» дейди. Гап шундаки, олима биринчилардан бўлиб, Ибн Сино «Тиб қонунлари»ни ёзишида ўз устози Абу Саҳл ал-Масиҳий асаридан унумли фойдалангани ҳақидаги фикрларини фактлар асосида ишбатлаб берган эди.

Ибн Сино ва ундан кейин ўтган табиблар ҳам, айтиб ўтганимиздек, бир-бирларининг асарларидан илҳомланган ва ўз ишларида фойдаланган. Бироқ, шуниси борки, улардан баъзилари фойдаланган асарларининг номини саҳифама-саҳифа кўрсатиб борганлар, баъзилари эса умуман ҳеч қандай асарга ишора қилмаганлар. Ишора қилувчилар қаторига Абу Райҳон Берунийни, ишора қилмайдиган ёки жуда кам ишора қилувчилар қаторига Ибн Синони киритиш мумкин. Бироқ, ўтмишида ишора қилса ҳам, қилмаса ҳам, айб ҳисобланмаган ва бу ўша давр учун табиий бир ҳол бўлган.

Боситхон табиб ўз асарини «Қонун» деб аталгани учун дастлаб бу асар Ибн Сино «Қонун»ининг таржимаси ёки шарҳи экан, деган фикр тушлади. Етук олим Маҳмуд Чағминий ҳам ўзининг табобатга оид «Ал-Қонунча» («Кичик Қонун») асарини ёзган бўлиб, олимлар бу асар Ибн Сино «Қонун»ининг сайланмаси, деб нотўғри хулосага келганлар.

Биз ўзимизнинг «Хоразмшоҳлар даври табобати» номли мақоламизда «Ал-Қонунча» мустақил асар эканини исботлаб берган эдик.¹ Боситхон табибнинг «Қонун» китоби ҳам, аввалги ўтган табибларнинг асарлари асосида ёзилган бўлиб, муаллиф, жумладан, Ибн Сино «Тиб қонунлари»дан самарали фойдаланган. Бироқ Боситхон табиб бошқа баъзи бир табиблар каби оддий кўчирувчи эмас, балки ўтмиш табибларининг кўплаб асарларини мутолаа қилган ҳолда, уларнинг фикрларини тартибга солиб, бир ерга жамлаб, сўнг бу ҳақда ўз фикрини изҳор қилган олимдир.

Асарни мутолаа қилар эканмиз, унда Букрот (Гиппократ, эрамизгача 460-355 йй.), Арасту (Аристотель, эрамизгача 384-322 йй.), Жолинус (Гален, 129-200 йй.), Дисқуридус (Диоскорид), Боқуни Юноний номларини учратамиз. Табиб асарининг кўпгина ерида Ибн Синони Мавлоно Шайх ур-раис номлари билан тилга олади. Муаллиф Собит ибн Қурра (834-901), Абу Бакр ар-Розий (865-925) асарларидан ҳам кўп фойдаланган бўлиб, улардан иқтибослар келтирган.

Боситхон табиб, айниқса, Абу Саҳл Масиҳий (1010 йилда вафот қилган) номини тез-тез тилга олади. Абу Саҳл Масиҳий Хоразмда Маъмуи (1009-1017) академиясида Ибн Сино, Беруний, Абул Хайр ибн Хамморлар билан бирга ишлаган. Султон Маҳмуд Ғазнавий таъқибидан Ибн Сино билан бирга қочиб кетаётди, йўлда вафот қилади. Ибн Сино табобат бўйича ундан кўп нарса ўрганган.² Абу Саҳл ўзининг 12 та асарини Берунийга бағишлаган эди.³ Абу Саҳл Масиҳий «Табобат санъатига оид юз китоб», «Умумий табобат ҳақида китоб» ва Маъмунга бағишланган «Вабо ҳақида китоб» каби асарларнинг муаллифидир. Боситхон табиб, шубҳасиз, мазкур асарлар билан таниш бўлган.

Асарда Имом Фахруддин Розий (1149-1209) номини тез-тез учратамиз. Шарқда Имом номини олган бу етук зот ўзбек китобхонлирига яхши таниш эмас. Райда тугилган бу файласуф, муфассир, плоҳиётчи, табиб ва шоир Бухоро, Хоразм ва Ҳиротда яшаган. Ибн Сино «Қонун»ига шарҳ ёзган, умрининг охирида эса «Ат-Тибб ул-кабир»

¹ М.Ҳасаний. Хоразмшоҳлар даври табобати. «Жалолитдин Мангуберди» тўпламида. Тошкент «Фан», 1999 й., 38-б.

² С.Каримова. Ибн Синонинг устози. «Шарқ табобати» ойномаси. 2000 йил, № 1, 29-б.

³ Беруний. Фармакогнозия в медицине. Исследование, перевод, примечания и указатели У.И.Каримова, Ташкент, «Фан», 1973, с. 102.

(«Катта тиб китоби») номли асарни ёзишга киришиб уни тугатолмаган. Олимнинг Қуръонга ёзган тафсири кенг истеъмолда бўлган. Олим табобатда Ибн Сино изидан борган бўлиб, ҳатто шеърятда ҳам Ибн Синога тақлид қилади. У Ибн Синонинг:

*Билимим ҳақида чуқур ўйласам
Билдимки ҳеч нарса маълум бўлмаган, –*

деган рубойисига асосланиб ёзади:

*Ҳаргиз дили ман зи илм маҳрум нашуд,
Кам монд зи асрор, ки мафҳум нашуд.
Ҳафтоду ду сол умр ҳосил кардам,
Маълум шудам, ки ҳеч маълум нашуд.*

*(Қалбим ҳеч қачон илмдан маҳрум бўлмади,
Мен билмаган сирлар жуда кам қолди.
Етмиши икки йиллик умрга эга бўлдим,
Маълум бўлдики, ҳеч нарса маълум бўлмади).¹*

Демак, Боситхон табиб Фахруддин Розийнинг араб тилида Ибн Сино «Қонун»ига ёзган шарҳидан фойдаланган.

«Қонун ал-Мабесут»да Қариший деган номга тез-тез дуч келамиз. Бу Шарқда Ибн ан-Нафис номи билан машҳур бўлган Алоуддин Али Абул Ҳазам ал-Қаришийнинг (вафоти – 1288 й.) номи бўлиб, у Ибн Сино «Қонун»ни фойдаланишга қулай бўлиши учун қисқартирган ва бу қисқартмани «Муъжаз ал-Қонун» («Қонунни қисқартмаси») деб атаган. «Муъжаз» кейинги даврда ўтган табибларнинг ижодига кучли таъсир кўрсатган бўлиб, ундан ижодий фойдаланганлар. Жумладан, Боситхон табиб ҳам бундан четда қолмаган.

Боситхон Чағминий номини кўп тилга олади ва унинг асарини мақтаб, айрим фикрларини Чағминий асари асосида баён қилади. Тулиқ исми Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий (вафоти – 1121 й.) бўлган бу олим Хоразмда тугилган. Унинг астрономияга бағишланган «Ал-Мулаххас фи-л-ҳайъа» асари Шарқда машҳур бўлган ва унга кўплаб

¹ К.Эльгуд. Гарнхи пезешкийи Эрон. Теҳрон. 1371 ҳ, 252-6.

шарҳлар ёзилган. Табобатга оид «Ал-Қонунча» асари эса ўзбек тилига таржима қилинган, шарҳлар ёзилган. Боситхон булардан ташиқари Ал-Оқсаройнинг (XIV) аср «Халл ал-мўъжаз», Муҳаммад Акбар Арзонийнинг «Тибби Акбарий», Муҳаммад Ҳусайннинг «Махзан ул-адвия», Али Акбар Ҳусайнийнинг «Ситтаи заруриййа», ҳамда бошқа бир қанча асарлардан ҳам фойдаланганини кўриш мумкин. Бироқ, Боситхон табиб энг кўп фойдаланган асар Ибн Синонинг «Қонун»и эди. Бу ҳақда унинг ўзи «Қонун ал-Мабсут»нинг 99-бетиде ёзади: «Бу фақирини ночиз аҳённан баъзи ривоятини вофия (кўп ривоятлар)ни баъзи ҳукамодан нақлим мустасно (фойдаланиб) бўлганда боқий ҳамма таҳриротим (ёзганларим) Шайх раҳматуллоҳи алайҳини «Қонуни кабир»идан интиҳоб (сайланма)дур». Демак, муаллиф ўзга табибларнинг асарларидан фойдаланиши жараёнида бошқа кўплаб масалаларни Ибн Сино «Қонун»ига асосланиб ҳал қилган.

6. Боситхон табибнинг айрим фикрлари ҳиқада

Юқоридеги фикрлардан маълум бўлдики, демак, Боситхон табиб ўзбек тилида Ибн Сино «Қонун»ига ўхшаган «Қонун» ёзишига аҳд қилган олимлардан биридир. У ўз «Қонун»ининг 1 ва 2-китобларини ва унга бағишланган «Фарҳанг ал-Мабсут» лугатини ёзиб тугатгандан сўнг «Қонун»нинг бошқа жилдларини ёзишини давом эттирмаган. У кейинчалик Ўз ФА томонидан табобатга оид кўп жилдли асар ёзишига кўрсатма олган. У мазкур буюртма асосида 1950 йилда «Фавоид ул-адвия ва мавоид ул-азвия» асарини ёзиб тугатади. Шарқшунос олим Ҳ.Ҳикматуллаевнинг ёзишича, 1950 йилдан сўнг табибнинг соғлиги ёмонлашиб, қолган ишларни давом эттиролмайди.¹

Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчимизки, Боситхон табиб оддий таржимон ёки кўчирувчи эмас эди. У ўтмиш табибларининг асарларини кўриб чиқиб, ундаги фикрларни ўзбек тилида ягона ерга жамлаган, фойдаланишига қулай ҳолатга келтирган ижодкор эди. У фақат қўлланмагина бунёд қилмади, балки ўтмиш ҳақимларининг фикрларига баъзан ижобий, баъзан танқидий нуқтаи назардан қаради, уларнинг айрим фикрларига қўшилолмаслигини изҳор қилди. Асарда у баъзан Букрот ва баъзан Қариший фикрларини ботил ва нотўғри эканини исботлаб берар

¹ Шарқ табобати, 108 б.

экан, бу пайтда у ўзини фақир, фақири ҳечмадон, бу ночиз каби сўзлар билан атаб, фикри қосиримча (нуқсонли фикрим бўйича) каби камтарона жумлаларни ишлатади. Олим бундай фикрларини асарнинг саҳифаларида тез-тез учраб турадиган «Фоида, «Интибоҳ», «Танбиҳ», «Нукта» каби фаслларда баён қилади. Улардан айримларига назар солайлик.

Боситхон табибнинг ёзишича, «Мўъжаз ал-Қонун»нинг муаллифи Қариший табиий сафрони ширин бўлиши ва буни ўзида кўргани ҳақида ёзади. Бунга қариши Боситхон табиб табиий сафро ширин бўлмаслигини, қонли сафро ширин бўлишини кенг тушунтиради. Қаришийнинг бу фикри ўздан кейинги табибларни ҳам хатога олиб келганини айтади.

Али Акбар Файзободий ва унинг ҳамфикрлари Жануб тарафнинг ҳавосида ҳарорат кучли бўлиб, бу ҳарорат ҳавони ҳам қуруқ мизомга айлантириши ҳақида ёзадилар. Боситхон уларнинг фикрини рад қилиб, ердаги ҳарорат ердаги сувларнинг буг бўлиб ҳавога кўтарилишини, натижада ҳаво рутубатли бўлишини кўрсатиб беради ва ёзади: «Бас нақадар сув ҳаво бўлиб, ҳавога қўшулса, шул қадар ҳавода ҳўллик ҳосил бўлур». Сўн: «Бу фикрда улар зўр хато қилгондурлар» дейди.

Қадимги табибларнинг заҳарли дориларни тайёрлашда хатога йўл қўйганлари ҳақида танқидий фикрда бўлган табибларга қарата Боситхон табиб ўтмиши одамлари бақувват, жуссаси катта бўлганини, улар қабул қилган доза ҳозирги кишиларга тўғри келмаслигини уқтиради. «Бинобарин, аларга таъйин бўлган миқдори шўрбат (доза) ҳозирги инсонлар учун зўрлик қилур, шунинг учун атиббойи мутақаддиминни галатга (хатога) нисбат бермоқ тухматни маҳздор» дейди у.

Боситхон табиб одам танасидаги мўйларнинг пайдо бўлиши ва йўгон ёки ингичкалиги ҳақидаги тортишувларга ҳам ўз муносабатини билдиради. «Билмоқ керакки, - деб ёзади у, - «Қонунча»нинг шориҳ (шарҳ қилувчи)ларидан баъзиси мўйнинг йўгон бўлмоғи сабабида саҳван (хато ҳолда) номулойим мутолаа бирлан нолойиқ баён қилиб, фикрлари туллоб (талабалар) миёнаси (ораси)да боиси иштибоҳ (хатolik сабаби) дур... Бу фикрда аларнинг хатолари сариҳ (равшан) ва зътибордин соқит (зътиборга молик эмас) дур». Шундан сўнг у ўз фикрларини баён қилиб, сочининг йўгон ва ингичка бўлиш сабабларини очиб беради.

Асарнинг «Касалик пайдо қилувчи сабаблар» деган учинчи фаслида Боситхон Қаришийнинг табиий ҳарорат ва унинг ички аъзоларда

совуши ҳақидаги фикрларидан хато топади. «Ҳаммадин ажиброғи шулки, - деб ёзади Боситхон, - соҳиби Нафисий (яъни Қарший)ни ўзлари қоил (гапирувчи) дурларки, гизойи мусаххин, яъни қизитадургон тамомни ифрот (ортиқча) даражада қизуғлиги боиси бурудати ботин (ични совутиши сабаби) дур. Чунончи ўз китобларида зикр қилгондурлар. Бас, гоаят даражада ажиб кўрунарки, иссиғ гизо (овқат)ни қизутмоғи мўвжиби табрид (совутиши сабаби) экан, энди иссиқ давони емоқни мўвжиби табрид (совутиши сабаби) лиги на учун ул кишига махфий бўлгондур...?»

Боситхон табибнинг айрим ҳолларда Буқрот ҳаким (Гиппократ)-нинг фикрларига ҳам қўшилолмаслигини кўриши мумкин. Эрақ ва аёлларда маний (сперма)нинг пайдо бўлиши ҳақидаги Буқрот фикрлари табибни қониқтирмайди. Бу ҳақда у ўз фикрларини баён қилар экан: «Бас, маълум бўлдики, Буқротни даъвоси лойиқи таслим (қабулга лойиқ) эмас» дейди.

Инсон аъзосининг тузилиши, аъзоларнинг вазифалари, бадандаги руҳлар ҳақида Боситхон табибнинг фикрлари жуда кўп бўлиб, уларнинг ҳаммасини бу ерда санаб ўтиши қийин. Қадимий табобат тарихи билан шуғулланувчи олимлар мазкур асарни диққат билан ўқисалар, умид қиламизки, уларнинг барчасидан воқиф бўладилар.

Хулоса қилиб айтганда, Боситхон ибн Зоҳидхоннинг «Қонун ал-Мабусут» асари ўтмиши табобати қоидаларини ўзида жамлаган ва биринчи марта «Қонун» сифатида ўзбек тилида ёзилган табобатга оид ноёб ёзма меросдир. Шифокор олимлар, табобат тарихи билан шуғулланувчилар ҳамда бу соҳага қизиқувчи барча кишилар учун мазкур асарнинг аҳамияти катта деб ўйлаймиз.

Асарда биринчидан, араб ва форс тилида ёзилган тиббий асарларнинг қаймоғи жамланган. Бундай асарлар билан танишиши учун мазкур тилларни ўрганиши ва асл тилда ўқиб чиқиши ҳаммага ҳам насиб қилмаслиги ҳисобга олинса, Боситхон табибнинг меҳнати нақадар улкан экани ўз-ўзидан намоён бўлади.

Иккинчидан, ўтмиши табибларининг фикрлари махсус бобларга ажратилган бўлиб, ўзига керакли фикрларни топиб олишида китобхон учун қулай қилиб ёзилган.

Учинчидан, Боситхоннинг фикрларига суянган ҳолда ўтмиши табиблари у ёки бу масалада қандай муваффақиятга эришгани ёхуд қандай хатоларга йўл қўйганларидан осонгина воқиф бўлиши мумкин.

Умид қиламизки, ишфокор олимлар мазкур асарни тадқиқ этадилар ва бу ҳақдаги фикрларини изҳор қиладилар ва ундан ўз илмий ишлари ва фаолиятида фойдаланадилар.

Боситхон ибн Зоҳидхоннинг илмий меросини ўрганиши ва барчасини нашр этиб, илмий жамоатчиликка етказиши олдимизда турган муҳим вазифалардан бири эканини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

«Қонуни Боситий»нинг Биринчи китоби муаллиф услуби бўйича нашрга тайёрланди, унинг охирига қисқача лугат ва изоҳлар илова қилинди. Матн ичида қавсда берилган сўзлар нашрга тайёрловчи томонидан қўшилди. Иккинчи жилди ҳам нашрга тайёрланмоқда ва у ҳам лугат ва изоҳлар билан бойитилади. Боситхон табибнинг «Қонун ал-Мабусут»га ўзи тузган «Фарҳанг ал-мабусут» лугатининг нашири ҳам унинг асарларини янада яхшироқ тушунишига ёрдам қилади ва, умуман, қадимий таъбабат истилоҳларини ўрганишида унинг аҳамияти каттадир.

АБДУКАРИМ УСМОНХЎЖАЕВ,
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

МАҲМУД ҲАСАНИЙ,
тарих фанлари номзоди

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Ҳамду сепос ул Қодири азалийғаким, шаммаъи қудратидин вужуди ижроми муҳташам пайдодур. Ва шукри беқиёс ўл Ҳакими ламязалийғаким, нуктаи ҳикматидин намуди ажсом ҳувайдодур. Ва ситойиши беғоят ул Сониъи бемасалийғаким, иътои амзижасидин зарроти вужуди олам зебодур. Ва нийойиши бениҳоят ул Карими бебадалийғаким, арзоқи маънавиясидин атфоли аносире мо фий батни торами шукргўёдир. Ва саловоти тоза ва таҳийёти беандоза ул табиби амрози осом Расулиғаким, шифои шафоатидин афроди бану Одам давогузирдур. Ва ҳидоятидин аҳолийи золлийни рўйи олам иложпазирдур. Ва дуруди номаълум ани авлоду асҳобиғаким, ҳар бирлари мафизе илму ҳикмат баройи эҳдойи умматдур.

Аммо баъд, билмоқ керакки, кулли мавжудот агарчи мазҳари қудрати Илоҳийдур, лекин шарафи ҳайвоноти сойири мавжудотдин муфаззалдур. Хусусан унвон ул-ҳаёт ва султон ул-ҳайвонот бўлгон бану Одам жумлаи оламдин афзалдур. Лиқавлиҳи таоло: «Валақад каррамна баний адама ва ҳаммалнаҳум фил-барри вал-баҳри ва разақнаҳум минат-таййиботи ва фаззалнаҳум ғала касийрин мимман халақна тафзийла».¹

Билмоқ керакки, Ҳазрати Вожиб таъолонинг сифотларидин бири Мусаббаб ул-асбобдурки, агарчи қудрати ҳеч ҳикматға муҳтож эмас, лекин одати ва асари ҳикмату сабабдин холи эрмас. Инчунин инсонни сойири ҳайвонотдин афзаллигиға сабаб шулки, Борий таъоло замири инсонға гавҳари ақлни вадийъат қилгондурки, бу неъматдин бошқа ҳайвонот маҳрумдурлар. Бас, гавҳари ақлни фазилати шул эътибор иладурки, ҳар бир тажриба ва имтиҳонға қодир ва қобиллиғидин ой-

¹ Сури Бани Исроил, 70-оят: «Батаҳқиқ иззат бердик биз Одам авлодига қуруқликда ва дарёда минадиган нарса бердик, уларга пок нарсалардан ризқ бердик, уларни фазилат билан махлуқларимизнинг кўпидан афзал қилдик».

наи мазҳари улумдир. Ва шул фазилат бану инсон тоъати Илоҳийя ва саодати сармадийяга мукаллафдур. Ва таклифи Илоҳийнинг афзали ва аввали илмдурки, инсонга биринчи фарз бўлгондур. Лиқавлиҳи алайҳис салом: «Талаб ул-илми фаризатун ьала кулли муслимин ва муслиматин минал-маҳди илал-лаҳди».¹ Валиқавлиҳи алайҳис салом: «Утлубул-илма ва лав бис-сийни»² мазмунича ҳар бир инсонга то ўлгунча ҳар жавонибдин мумкин қадар илм ўрганмоқ фарздур. Бас, илми гарчи анвои бениҳоя бўлса ҳам, лекин ҳадиси шариф мазмунича мўътабари икки навдурки, биринчиси муҳимроғи «илми абдон», ьъни илми тиббдур. Иккинчиси илми диндур. Лиқавлиҳи алайҳис-салом: «Ал-илму навъани илм ул-абдони ва илм ул-адъани».³ Бас, илми баданни муқаддам зикр этилмоғи аҳамиятига ишоратдур, ҳаттоки мавлоно Шайхур-раис Абу Али ибн Сино раҳматуллоҳи алайҳ айтдики, илми дин ҳам икки навъ бўлиб, бири илми эътиқод, иккинчиси илми амалиётдурки, ушбудин биринчиси бўлгон эътиқод ҳам илми бадан ила комил бўлур, дебдурлар. Шул мазмунга қавли Набий алайҳис саломки: «Ман ьарафа нафсаҳу фақод ьарафа Роббаҳу», ьъни ҳар ким ўзини қандай махлуқ эканини яхши таниса, бас, албатта ул киши Парвардигорини яхши таниган бўлур, деган ҳадис ҳам илми тибб(нинг) илми диндин афзаллиғига ва ҳам илми динни жузьи ашрафилиғига далилдур.

Ва ҳам амалиётни адоси баданнинг саломатлиғига мавқуф бўлур. Бинобарин, илми тиббни ташриҳ ва тавзиҳларини мумкин қадар муфассал ва мукамал билмоқ ҳар бир инсонга лобуддийдур. Шунинг учун бул хусусда биз, аҳли исломни аксар уламолари, хусусан, Туркистон қитъасининг ҳукамои файласуфларидин Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Шаҳобиддин Фарёбий, Муҳаммад Хусайн, Али Акбар Хусайний каби зотларнинг ташаббуслари ила кўб мўътабар ва муфассал девони ҳикмат асарлар зуҳур этуб, жилвагари жаҳон бўлди. Лекин аларни тақриротлари лисони арабийяда баён бўлгон сабабиндин аҳли Туркистонга мутолааси ҳараж бўлғони каби ани нўкоти ғомизаси ва тафсилоти амийқаси ҳам тоқат зарфидин хорижда қолди.

¹ Илм қидирмоқ ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга бешиқдан то қабргача фарздир.

² Илм гарчи Чинда бўлса ҳам ўрганингллар.

³ Илм иккидир: бадан илм ва дин илми

Лиҳозо ҳукамои замон ва зурафои оворларимиздин бир неча аҳли ижлослар ушбу хусусда Туркистон шевазида ҳам бир «Қонуни туркий» мудаваан бўлса, аҳли Туркистон учун бир ҳидоят ва раҳбарлик бўлур эди, деб шундоқ ҳикмати нафийсаға хизмат этмоқни фақири бебизоат ва ҳақири бемунзаъат Боситхон ибни Зоҳидхон Шошийға сазовор кўруб, илтимос қилдилар. Бас, фақир агарчи қалил ул-қувват вал-қудрат ва касийр ул-жаҳл вал-ғафлатдин бу каби хизмати муқаддасаға мустаъид эмасман, лекин «ва-амма-с-саила фало танҳар»¹ мазмуниға имтисол учун аларни бу гавҳари бебаҳоларини риштаи қабулға интизом айлаб, муътасиман би-ҳаблит тавфиқи бақадри тоқат мақсадға шуруъ қилдим. Лекин «Каллиму н-наса ала қадри уқулиҳим»² мазмунича зиёда тафсилотдин ихтирозни лозим билдим. Ва ҳам онча мақсуд камоли изоҳ бўлғон сабабли баъзи мубҳамотни ҳал қилмоқда татвили каломдин ҳам кечмадим. Ва тиббий илмни асос ва мабдаълари мутанаввиа бўлгонлиқдин ҳар навъини алоҳида бир мақолаға мундариж қилуб, тамом мақсудни ўн мақола ила баён қилинур, иншааллоҳу таъоло азза зикруҳу ва ла наъбуду ва ла настаййину илла иййаҳу ла ҳавла ва ла қуввата илла биллоҳ.³

МАҚОЛАИ АВВАЛДА ИНСОНДАГИ ТАБИЙИ ИШЛАРНИ БАЁН ҚИЛИНУР

Билмоқ керакки, табиатни маъноси луғатда ҳар ажсом ва аърозни вақти хилқатидин вақти фаносиғача онча Аллоҳ таъоло тарафидин берилган кайфияти интизомни айтилар. Бас, инсонда мавжуд табиат беш фаслға тақсим қилинур. Биринчи фаслда аркон ва амзижани баён қилинур.

Аммо аркон, яъни рукнлар демақдур. Ва рукн деб ҳар нимарсани вужудиға сабаб бўлиб турғон ажзои аслиясини айтурларки, арабда ани аносир деб ҳам атарлар, яъни унсурлар демақдур. Ва билмоқ керакки, инсонни, балки ҳамма маволиди салоса, яъни ҳайвонот ва на-

¹ «Ваз-Зухо сураси, 10-оят: «Тиланчини жеркиб қайтарма».

² Ҳадис: «Одамларга уларнинг ақлига яраша гапиринглар».

³ Иншааллоҳ. Унинг зикри улуг бўлсин, фақат Унгагина ибодат қиламиз ва Ундангина кўмак сўраймиз, Ундан кўра кучли ва қудратли зот йўқ.

ботот ва жамодотни вужудларида мавжуд бўладиган руки тўрт хил-
дурки, бири сув, бири ўт, бири туфроқ, бири ҳаводур. Бас, шу тўрт
нимарсани бир-бирларига баҳасби миқдор қўшилмоғи ила андин мав-
жудот ҳосил бўлур. Аммо ўтни мизожи иссиқ ва қуруқдур, шунинг учун
осмон тарафиға ҳаракат ва майл қилурки, табиатан ҳар нимарса иссиғ
ва қуруқ бўлса, вазни енгил бўлур. Ва бир нимадин устун ва баланд
чиқмоқға майл қилур. Ва ўтни мақоми биринчи фалак, яъни фалаки
қамарға бориб етар. Аммо ҳавонинг мизожи иссиқ ва ҳўлдур. Бас, ис-
сиғлиги ҳўллигининг ғолибдур. Ва ҳам иссиғлиги ўтни иссиқлик дара-
жасиға етмас. Ва ҳам ҳўллиги фил-л-жумла оғирликка мойилдур. Шу-
нинг учун бул ҳам иссиқлик табиатининг ғалабаси ила муҳит, яъни фа-
лак тарафиға ҳаракат қилур. Лекин вазни ўтни даражасида енгил бўл-
маган сабабдин табақаи норийадин, яъни ўтдин пастроқда таваққуф
қилур. Ва бул мақомни табақаи ҳавонийа дерлар. Ва бу табақани базъ-
тибори кайфийяти ҳавонийа уч даражаға тақсим этуб, биринчи мақом
танаффусий, иккинчи мақом тавассутий, учинчи мақом замҳаририй ис-
млари ила тасмия қилинурки, иншааллоҳ ўз маҳалида муфассалан баён
қилурмиз.

Ва бул икки рукни руки улё деб тасмия қилинур. Ва боқий ру-
кни руки суфло деб айтилур. Аммо сувни мизожи совуқ ва ҳўлдур.
Лекин совуқлиги ҳўллигининг йигирма етти марта ортиқдур. Ва бо-
шқа жамний аносирға сувни совуқлигининг таъсир кўб етиб турар.
Аммо сувға бошқа ҳар аносирдин таъсир озроқдур, ҳатто сувни таъби
жомид, яъни муздур. Лекин офтобни таъсирининг эруб суюқ ҳолда
бўлиб турар. Ва шунга далил учун Баҳри Мунжамиди Шимолийни
тафаккури лозимдурки, ул мавзеъ офтобни тобишидин узоқ бўлгон
сабабли офтоб анга яхши таъсир қилолмас. Шунинг учун сув ҳам
ўзини табиий вазиятида, яъни музлик ҳолда боқий қолгондир. Ва ҳам
Туркистон қитъасидин қиш фаслларида офтоб узоқ кетганда сув бу-
хоротлари офтобдин таъсирсиз қолиб муз, яъни қор бўлиб тушмоқ-
лари ҳам сувни асли таъби жомидлигиға далилдур. Ва инчунин, ба-
данға етган вақтда ҳам бошқа аносирдин совуқроқ тегмоғи маълум-
дир. Ҳатто ёз фаслларида офтобни тобишиға муқобил турган замин
қизиб оёқни куйдирар. Аммо офтобға муқобил турган ҳавз исмас.
Бас, маълум бўлдики, сувни табиати гоят даражада совуқ ва жомид-
лик вазияти бадиҳийдур.

Аммо сувни ҳўллиги ғоят даражада оздур ва совуқлик даражасини йигирма етти ҳиссадин бир ҳиссаси баробаридадур. Чунки ҳўл деб ўз жисмини ўзи бир шакли махсусада сақлаб турмоқға қодир бўлғон ва ўзи турган маконни шаклига таъбан муташокил бўлғон нимарсани ай-типур. Бас, ҳаво шул эътибор ила ҳўлдур, аммо сув ҳам ўзи турган зарфни шаклу ҳайъатиға муташокил бўлур. Лекин асли таъби жомид-дур. Магар офтобни адно таъсиридин мутаассир бўлиб, ўз жисмини сурати махсусада тута олмас. Шул эътибор ила ҳўллиги жиҳати бор-дур. Ва сувни таъби шириндур. Аммо баъзи сувлардин эҳсос этиладур-ғон шўрликлар жавҳари арзийяни сувға замин табиатидин аралашған таъмдур. Ва бунга борон суви ва ариқ сувининг ширинлиги далилдур. Ва сувларнинг табиати ушбудур. Аммо сувларни қайси навъи покроқ ва аз рўйи ҳикмат нофиъроқлиги ва ҳақиқати қандоқ ва ҳозир мавжуд сувларда қандоқ нимарсалар мураккаблиги хусусида баёнот кўб бўлса ҳам, иншааллоҳ, ўз маҳалида баён қилурмиз ва бул мавридда шул қадар кофийдур.

ФОИДА. Юқорида баён қилиндики, ўт иссиқ ва қуруқдир, шунинг учун фалаки қамарға мутасоид бўлуб, анда тваққуф қилур. Бас, ани курраи норийъа дерлар, яъни ўтни курраси демақдур. Ва курра деб кофтоб ва ғўлак каби нимарсани айтурлар. Осмон, яъни фалакни ичи-да бевосита бўлиб, бутун жаҳонни ўраб турган курра курраи норийъа-дур. Ва ани ичида бевосита курраи духонийя бордурки, ани баъзи ҳукамо курраи норийъаға ва аксари ҳукамо курраи ҳавоийяға ҳисоб этарлар. Ва курраи духонийяға бевосита турған курра курраи ҳаво-ийядур, чунки ҳаво иссиқ ва ҳўл эди. Бас, иссиқлиги ўтға мутаносиб ва ҳўлликда сувға мутаносиб бўлғон сабаблик ўт ила сувни ўртасида турмоғи лозимдур. Ва сув ила заминни ҳаво курраси ўраб олғондир. Ва ани ичида бевосита сув курраси бордурки, заминни ўрагандур. Лекин бошқа курралардек қоплаб бутун ўраган эмас, чунки Ҳазрати Қодир мутлақ иродаи азалийясида бу қадар ҳайвонот ва наботот ва маъодин яратмоқни ихтиёр қилғон эрди. Ва аларни вужудиға каво-кибларни таъсирини боис қилғон эрди. Шунинг учун курраи замин-нинг текис қилмай, пасту баландлик қилиб яратғондурки, ани паст жойла-риға сувлар курраси ўз мизожининг совуқлиги муқтазосича табиати суфло бўлиб, фалак тарафиға муҳолиф ва марказ тарафиға мойилликдин қарор олғондур ва баланд жойлари юлдузларни маҳалли тобишлари ва маволиди

салосани маконлари учун сувдин холи қилғондур. Ва бул куррани курраи моййя ва урфда денгиз дерлар. Мундин сўнг охиринча курра, яъни заминдур.

Аммо туфроқнинг мизожи қуруқ ва совуқдир. Чунки замин бошқа аносирга назаран ниҳоятда касийфдурки, бул касийфлик албатта совуқликнинг асаридур. Ва шул сабабли ҳамма куррани ўртасидадур. Чунки, агар иссиқ бўлса эди, ўт ва ҳаво каби табиати улё бўлиб, фалак тарафиға мойил ва сувдин баланд бўлур эди. Бас, маълумдирки замин марказдур. Ва замин ўртасида бир нуқтаи мафруза фараз қилинурки, шул нуқтани ҳар тарафидин фалакға нисбатан масофаси баробардур. Ва шул нуқта тамоми оламнинг марказидурки, ҳамма оғирлик шул нуқтаға ружуъ ва майлондин иборатдур. Чунки Ҳазрати Халлоқи бечун бул нуқтада бир қуввати жозиба халқ қилғондурки, бутун жаҳонни ўз тарафиға оҳанрабодек жазб қилиб турар. Лекин мавжудотнинг мизожлари мутафовит бўлгон сабабдин қувваи жозиба ҳам ўзиға мутаносиб мизожни қоттиғроқ тортур. Ва баъзи ғайри мутаносиб нимарсани бўшроқ тортур. Шунинг учун баъзи нимарсани вазни оғирроқ ва баъзи вазни енгилроқ бўлур. Хусусан ҳар нимарсани агар иситулса аввалги вазнидин енгилроқ ва каттароқ бўлур. Чунки иссиқлик марказни қувваи жозибасиға муҳолиф ул-мизождурки, ани кўб қаттиқ тортмас ва бошқа совуқ нимарсани қаттиқ тортгон сабабдин алар марказ тарафға мойил бўлуб, пастдин жой олмоқ учун иссиқ нимарсани баланд тарафға ситиб чиқармоқға ҳаракат этарлар. Ва аларни ёрдами ила иссиқ нимарса муҳит тарафиға кўтарилиб, вазни енгил ҳис этилур, аммо жисми катта бўлур, масалан, бир шишаға сув тўлатуб тарозуға тортилгонда вазни юз мисқол бўлса, сўнгра ани ўтға қўюб иситилгонда вазни юз мисқолға етмас, аммо жисми шишаға ҳам сиғмас. Бас, бундин маълум бўлдики, совуқ нимарса марказ жозибасиға хўб мутаносибдур. Ва замини ҳам марказга бевосита яқинлиғи заминнинг мизожи совуқлиғини исбот қилур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳар нимарсани иситмоғидан вазни енгил бўлмоғи мутлақ ва иссиқлигини сифати махсусасидир. Аммо жисми катта бўлмоғи мутлақан ва сифати махсуса эмас, балки совуқда ҳам бир даража бордурки, шул даражаға келгунча нақадар совуса, шу қадар жисми кичик бўлур. Аммо бу даражадин ўтса яна бильакс нақадар совуқлиғи зиёда бўлса шу қадар жисми ҳам варам

пайдо қилиб катта бўлур. Чунончи музлаган сув зарфиға сигмай, зарфни синдирар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, аксари ҳукамонинг наздларида қувваи жозиба марказдалиғи баён этулди. Аммо баъзи ҳукамо наздларида қувваи жозиба ва қувваи дофиъа фалаки аввалдалиғи ҳам китобларда баён этилгандур. Бас, бул қавлда фалакни қувваи жозибаси нақадар иссиқ нимарсаға мутаносиб бўлур. Қаттиқроқ тортмоғи қувваи дофиъаси совуқ нимарсани марказ тарафға дафъ қилмоғи даъво этилгандур. Фал-ҳаққу инда-л-Ҳақими-л-мутлақ. Аммо заминнинг қуруқлиғиға далил заминнинг қаттиғлиғидурки, бир-биридин ажрамоғи, сўнгра бир-бириға қўшилмоғи ва ташақкулни қабул қилмоғи қийинлиғидур. Аммо ушлаб кўрмоқ ила билинмас, чунки қуруқлик ва ҳўллик фақат эҳсос қилинадурган нимарсани ўзиға махсус кайфиятдурки, иссиқ ва ё совуқдек ушлоғувчининг баданиға сироят қилмас. Балки ушлаган кишини ғамзини, яъни босмоғини қабул қилса, ақл ҳукм қилурки, қабули ғамз - қабули ташақкулдир. Бас, бул нимарса ҳўл экан дер, агар ғамзни қабул қилмаса, қабули ташақкул ҳам қилмас деб, ақл ҳукм қилурки, бул нимарса қуруқдур. Масалан, сувни ушлаб кўрганда сувни жирми мулойимлиги совуқлигини ёрдами ила билинур. Чунончи, ибтидоан қўлни учи сувға етган вақтда қўлни учиға бир совуқ эҳсос қилинур. Сўнгра қўлни юқори тарафиға совуқлик батадриж эҳсос қилинурки, қўлни пастга чўкғониға ва сувни қабули ташақкулиға ишорадур. Бас, ақлан маълум бўлурки, сув ҳўлдур. Ва феълан маълум бўлурки, мулойимдур. Ва ҳиссан маълум бўлурки, совуқдур. Аммо замин мунча хилофлиғидин қуруқлиги собитдур. Бас, тўрт аркони жаҳон ушбулардин иборатдурки, бир-бирлариға мутаҳаввил ва мустаҳил бўлурлар, яъни ҳар бирлари бошқаларини таъсири бирлан ўз кайфиятидин чиқиб, бошқасини кайфиятиға кирар. Масалан, туфроғ ҳаво бўлур ва ҳаво сув бўлур ва сув туфроғ бўлур ва ўт ҳаво бўлур ва ҳоказо. Ва мунға мисол учун тафаккур қилмоқ керакки, ёниб турғон ўт ҳамиша осмон тарафиға чиқмоқға ҳаракат қилур. Лекин бир газдин юқориға чиқғонини кўз кўрмас, чунки то бир газға чиққунча ўтлик кайфияти ўзгарилиб, ҳавоға қўшилиб кетиб турар. Ва пайваста сўнғидин ўт ёниб чиқиб, бурунғи фано бўлғон ўтни ўрнини тўлатиб турган сабабидин кўз эҳсос қилолмас. Фаразан бир газ баланд ёниб турган ўтни ўртасида бир туника ё тахта каби нимарсани

ҳоил қилинса тахта устида қўриниб турган ўт ғойиб бўлур. Бас, маълум бўлдики, ўт ҳаво бўлди. Ва ани ўрнига бадал учун бошқа ўт тахта ҳоиллик сабабидин чиқолмади, шунинг учун аввалги ўт ғойиб бўлди. Инчунин, офтобни ҳаракатидин сув бухорот бўлиб, ҳаво табиатиға кириб, баландға чиқиб кетар ва ҳавои замҳарирдин совуқлик асар қилса яна сув ҳолиға келиб, шабнам бўлиб тушар. Ҳоказо бутун коинотни аносири доим бир-бирларини табиатиға ўзгарилиб турмоқдурлар. Ушбу тариқада Жаноби Ҳакими мутлақ ўз ҳикмати ғомизаси бирлан курраи заминни ғайри мутасовий ут-тадвир, яъни баланд тоғлик ва чуқур сойлик қилиб яратгандурки, сув курраси мутасовий ут-тадвирлик сабабдин ўз табиати суфлияси муқтазосича марказға мойил заминни сойлик жойлариға жамъ бўлуб, денгиз бўлғондир ва баланд жойлари сувдин холи ва ҳавоға муттасилдир. Ва бул қуруқлик жой денгизни вусъатиға назаран тақрибан чоряк ҳисса ҳисоб этилиб, рубъи маскун исми ила тасмия қилинур. Чунки Ҳазрати Вожиб улвужуд иродаи азалийясида бану Одам яратмоқни ва ани эҳтиёжи учун соири ҳайвонотни яратмоқни ва аларни рўзилариға наботот яратмоқни ихтиёр қилиб, аларға макон учун заминдин чоряк ҳисса қадрини сув куррасидин баландроқ яратгандир. Ва бул мавжудотни хилқатлариға кавокиб, яъни юлдузларни дахлдор қилиб яратди, яъни юлдузларға Вожиб таъоло бир ҳосият ато қилғондурки, ани бирла коинотни ижодиға асар этарлар. Масалан, офтоб юлдузларни аъзам ва ашрафидур. Ва ани таъсири шулки, ўз тобиши ила замин тарафға қуввати норийя, яъни ҳарорат солур. Ва бошқа аносирни иситар, шу сабаб бирла денгиздин буғ ва заминдин дуд ҳосил қилиб, ҳавода ҳаммаларини бирға қўшар, яна замҳарирни таъсири бирлан совуқ марказ тарафға тушуб, заминға ўрнашурлар. Шул тариқа ила рўйи заминда аносири арбаъани ихтилотидин бир табақа ҳосил бўлурки, ул табақада наботот ҳосил бўлур.

Бас, бул ихтилофда қаю бир унсур ғолиб бўлса, ани таъбиға мувофиқ табиатда набот ҳосил бўлур. Масалан, шолининг асли аносирида сув унсури ғолиб эрди, бинобарин, доим сув бирла тарбияланурки, буғдойдек озроқ сув берилса ани унсури ўлғон рутубати зотийясиға фанолик ориз бўлуб, нобуд бўлур. Ва буғдойнинг асли таркибида ҳаво аносири ғолиб эди. Шунинг учун шолидек сув ичида қолса ҳаво унсуриға нуқсон бўлуб, ривожланмас. Инчунин, ҳаво иссиқ ва ҳавонинг қуввати

норияси голиб вақтда агар ҳубуб, яъни совуқ шамол юриб турмаса буғдойга ҳавонинг қувваи норияси ғалаба қилиб, куйдирар ва дон ҳосил қилолмай, оғиб кетар. Ҳоказо ҳар наботнинг асли таркиби аносирίδα бир миқдори бордурки, анга нисбатан бир мизож истиҳсол этгандур ва ани тухми ҳам ўшал мизожга мумтазидурки, ўзиға муносиб тарбия ила ўзиға монанд хирман ҳосил қилур. Ва агар андоғ бўлмаса эди, арпа тухмидин буғдой ва буғдойдин шоли ҳосил бўлмоқ ҳам эҳтимол тутур эди. Ва-лайса фа-лайса. Инчунин, офтоб таъсири, яъни қувваи нория ила бошқа аносир ихтилот топиб, замин юзида бир табақан манбита ҳосил бўлмоғига далил шулки, агар заминдин беш газ ё ўн газ масофалик чуқур қазиб ани ичиға дон экилса, албатта кўкармагай, чуруб фосид бўлур. Чунки анда жавҳари арзия мавжуд бўлса ҳам бошқа аносирдин холийдур. Инчунин офтобни тобиши камроқ ёки суви голиброқ жойга ҳайвонотни гўнгидин солиб экин экилса, заминнинг остида гўнг қизиб қуввати нория ҳосил қилур ва офтобни таъсириға ёрдам бериб, экинни камолға етқурар. Бас, маълум бўлдики, рўйи заминда табақан аносирийя борлиғи собитдур. Ва инчунин, офтобни тобиши ерға тушганда ер жавҳари арзияликдин ўзгарилиб, духон, яъни дуд шаклида ва ўтни ҳукмида бўлиб, ҳавоға қўшилиб кетар ва ани чиққон жойи кавак бўлиб қолур, чунки ани ўрнини тўлатмоқ учун замин қуруқлик қилур. Ва сувдек сойил эмас, бас, они қавакиға сув ила ҳаво ўз табиатлари муқтазосича марказға мурожаат қилмоқ учун кирарлар ва замин ила имтизож топулар ва батадриж замин бўлурлар. Аммо аносирни ҳеч бири бошқа унсуриға қўшилмоқ бирлан озаймас, чунки ани ададиға доим кўб унсулардин қўшилиб турмоқдадур.

Аносирни бир-бирлариға мустаҳил ва мутаҳаввил бўлмоғи шундин иборатдур ва шунинг ила бақойи олам боқийдур. Ва офтобни тобиши кўб таъсир қилғон жойларида заминни ихтилоти аносирийясини миқдориға мутаносиб қувваи норийя заминни пиширар ва андин хумдон масал дудлар ва ишқоллар ва бошқалар ҳосил бўлур. Масалан, аносирни салоса мўътадил бўлуб, қувваи нория голиб жой бўлса андин мўътадил пишғони олтин ва куйгани мис ва хом қолғони жез ва бошқа маъданиёт ҳосил бўлур. Ва ани дудиға духният, яъни ёғ ва жавҳари арз ихтилот этиб, қувваи норияси голиб бўлса гугурт ҳосил бўлур ва агар нория ва духнияти мағлуб бўлуб, дуди ва жавҳари арзи голиб бўлса тошкўмир ҳосил бўлур.

Ва агар қувван мойя аглаб ва норийя голиб ва боқий мўътадил бўлса қувваи норийяи офтоб заминни пишурганда мўътадил пишгани кумуш, куйгани рух, хомроғи қальий (қалай) ва ундан ҳам хомроғ ва куйгани мухталит бўлиб, хоми куйганига голиб бўлса қурғошим ва жуда хоми симоб бўлур. Ва темур жинси ва жавоҳир жинси ва бошқа маъданийлар ҳам, казолика, баҳасби таркиби аносир ҳосил бўлур. Бас, аносирни таркиби маълум бўлди, лекин миқдори таркибда офтобни тобишига мутаносиб ҳар бир қитъа мутафовитдур. Инчунин, ҳар жойни набототиға мутаносиб ҳайвонотининг таркиби аносири ҳам мутафовит бўлур. Чунки нутфаи вужуди ҳайвонот ҳам набототни ҳосиласидур. Чунончи, ҳар тухм ўз таркиби аносириға қараб ўз жинсида дон ҳосил қилғони кабидур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бул аносири арбаъани инсон вужудиға бир жузв бўлмоғи биринчи мартабадур. Ва мундин бошқа иккинчи ва учинчи мартабалик жузв ҳам бордурки, жузъи аввалийя ва жузъи сонийя ва жузъи солиса деб айтилуру. Ва аларни ўз жойларида баён қилурмиз, иншааллоҳу таъоло.

Билмоқ керакки, бу тўрт аносирни ҳар бирини ўзида махсус манфати бордурки, ани бирлан коинот мунтафиъа бўлурлар. Масалан, ўтни нафъи коинотни ва бошқа аносирни латиф ва мулойим қилмоқ ва пиширмоқ ва ҳавони латиф қилмоғи ила коинотни жисмларға киргузмоқ ва сув ила заминни совуқлигини кесмоқдур. Ва ҳавони нафъи жисмларни орасиға кириб, ўтни таъсиридаги қуруқликни кесмоқ ва сувни ва заминни совуқликларини ва заминни қуруқлигини кесуб, ҳаммаларини мулойим ва латиф қилмоқдур. Аммо сувни нафъи ўт ила ҳавони иссиқлигини ва ўт ила заминни қуруқлигини кесиб, бошқа аносирларни қоришиб, қобили ҳайъат бўлмоқлариға сабаб ва восита бўлмоқдур. Ва заминни нафъи сув ила ҳавони ҳўллигини ва ўт ила ҳавони иссиқлигини кесмоқ ва бошқа аносирни устувор ва барпо турмоғиға сабаб ва ёрдамчи бўлмоқдур.

Ва билмоқ керакки, бу аносири арбаъадаги ўт ва ҳаво ва сув ва туфроқдин мурод ҳозир дунёда мавжуд бўлиб турган ўт, ҳаво, сув, туфроқ эмас, балки буларни(нг) асл моддасидурки, таваллуди ахлот мавридида муфассал баён қилурмиз, иншааллоҳу таъоло.

ТАНБИҲ. Юқорида баён бўлгон сўзлар ҳаммаси ҳукамои мотақаддамни истидлоли ақлийлариға мабнийдур. Лекин шаръи шарифда

бу сўзларни баъзисини хилофи зоҳир бўлур. Ва ма фиш-шаръи фаҳува ҳаққун.¹ Зероки, ҳукамони(нг) қавллари(нинг) ҳаммаси истидлолий-дурки, истидлолға истиқлол йўқдур. Чунончи, мавлоно Румий раҳматуллоҳи алайҳ айтурларки, байт:

Пойи истидлолийн чубин бувад,
Пойи чубин сахт бетамкин бувад.²

АММО АМЗИЖА, ЯЪНИ МИЗОЖЛАР ДЕМАҚДУР

Ва мизожни маъниси аралаштирмақдур. Аммо, мажозан бўлгон аносирдин ҳосил бўлгон кайфиятни айтурлар ва ушбу тариқадаки, аносири арбаъа бир-бирлариға қўшулгонда ҳўб, ниҳоят даражада майда ва жуъи фард бўлуб, ҳар бирларини(нг) жуъи фардларини он дигарини(нг) жуъи фардиға тегиб турадирган бўлиб, ҳар бирининг кайфияти ўзиға зид бўлгон унсурни(нг) кайфиятини синдурса, ўртала-рида бир кайфияти мутавассита ҳосил бўлурки, ул кайфият шул мажмуъи аносирни ҳаммасини жуъини кайфиятиға ўхшаш бўлур. Бас, шул кайфият мизождур.

Билмоқ керакки, бул имтизожи аносирда бир-бирлариға қўшилиб, бир-бирларини синдирадурган зид ва мухалиф нимарсалар зоҳирда тўрт аносир бўлса ҳам, лекин ҳақиқатда ҳукамои муҳаққиқийн наздларида қўшила-дирган мутазоддалар йиғирма адад деб эътибор этилурки, тўрти асли мод-даи аносир ва тўрти саврати модда, яъни моддани тез ва тундлик ҳиддати ва тўрти суврати навъийя, яъни норни норийяти ва моъни моъийятиға қоби-лият ҳосил қилгон кайфийяти моънавийядур. Тўрти – суврати кайфийят ва тўрти табиатдур, яъни иссиқ, совуқ, ҳўл, қуруқ, иссиқ-қуруқ, иссиқ-ҳўл, совуқ-қуруқ, совуқ-ҳўллик табиатлардур ва буларни бир-бирлариға имти-зожлари хусусида ҳукамоларни(нг) мубоҳасалари кўб бўлгондур. Аммо бу мақомда татвили калом лозим кўрилмади, фақат кайфияти имтизож учун ҳукамо уч хил ихтилоф ила мухталиф бўлгон эдиларки, ҳар қаюларини-

¹ Шариатда нимаки бўлса, бас, ул ҳақдир.

² Далил кўрсатувчиларнинг оёғи ёғочдандир, ёғоч оёқ эса мустаҳкам бўлмайди.

ни(нг) қавли ақраб ба савоб эди. Шул ихтилофни баён этмак ила қанот лозим кўрилди.

Биринчи қавл шулки, аносирни имтизожидин ҳосил бўлгон кайфиятни ҳамма ажзон аносирни кайфийятига мушобиҳ бўлмоғи ҳақиқатандур, ба ин тариқаки, ҳамма аносир ўзларидаги бошқаларига зид бўлуб турган кайфиятларини тарк этуб, ҳаммаларини кайфиятларидин бошқа бир кайфийяти мутаввасита ҳосил қилур, деб баъзи ҳукамо даъво қилибдурлар. Аммо ҳақирни фикри қосиримға назаран, аносирни коинотда таъсири албатта, баҳасби кайфият бўлса керак. То модомики, ҳар бир аносирни кайфияти маҳсусаси бўлма-са, унсурлик эътибори боқий қолмас. Ва коинотни(нг) вужудига таъсир ҳам қилолмас.

Иккинчи қавл шулки, ташобиҳдин мурод ташобиҳи ҳасбийдур, яъни унсур бир-бирлариға аралашгандин сўнгра ҳосил бўлгон кайфиятни бир-бириға ўхшамоғи аз рўйи эҳсос бўлурки, бул кайфият ўтни кайфияти ва бул кайфият сувни кайфияти, деб эҳсос қилиб бўлмас. Чунончи, сиканжубини асалийда сиркани(нг) кайфияти турш эди ва асал ширин эди. Ҳар иккиси кўшилгондин сўнг бир кайфияти муътадила ҳосил қилгондурки, туршлик ва ширинликни эҳсос қилиб бўлмас ва аносирни имтизожлари ҳам инчуниндур, деб баъзи ҳукамо айтурлар.

Аммо ҳақирни дилимға бул маъни ҳам ноошинодур, чунки ақл тақозо қилурки, аносирни бир-бирларидин муғойирликларини ҳисси инсоний эҳсос қилолмаслиги хилқати имтизожиға кифоя қилмас, чунки ҳис эҳсос қилолмас демакдин маълум бўлурки, ҳануз кайфияти мутазоддаи ғайри муҳсуса боқий бўлса. Ҳолбуки, агар мутазоддалик боқий бўлса, имтизожи ҳақиқий бўлолмас. Агар имтизожи ҳақиқий бўлса, мутазоддалик бўлмоғи мумкин эмас. Фаразан, агар кайфияти мутазоддаи ғайри маҳсуса бўлса эди, бирлари он дигарини кесиб, фано қилмоқға таъбан муқовамат қилур эди. Ва баъзи кайфият баъзи дигарига голиб бўлса, ўз кайфияти табиийяси ила ажсомни ифсод ва абтол қилур эди. Ва ҳам кўрсатган мисолларини қилгон даъволарига мушобаҳати гўё даъволаридаги кайфиятни мушобаҳатидек ночаспондурки, сиканжубинда ҳам сиркани турши ва ҳам асални ширинлиги маҳсусдурки, таъми турш ва шириндур. Бас, агар туршлик ва ширинлик маҳсус бўлма-са эди, сиканжубиннинг бетаъм бўлмоғи лозим келур эди. Ва-лайса фалайса.

Ва учинчи қавл шулки, аносирни арбаъаи мутаоздат ул-кайфиёт-лар бир-бирлариға қўшилғонда ҳар бирлари ўз муҳолифларини қувватини кесмоқ учун мутаважжиҳ бўлурлар. Лекин бир-бирлариға голиб ё мағлуб бўлмаслар. Фақат бир-бирлариға муқовамат қилмоқдин ҳаммалариға баробар ҳоримоқ ва чарчамоқ ориз бўлуб, ўз қувватлари ўзинча мункасир бўлиб, ўртада бир кайфияти муътадилан мутавассита ҳодис бўлурки, мизож шул кайфиятдин иборатдур. Масалан, иссиқ сувга совуқ сув қўшилса иссиғи совуғини иситмоқға ва совуғи иссиғини совутмоқға мутаважжиҳ бўлурлар. Ва бул муқовамат ила ҳар иккиси ўзларидаги иссиқ ва совуқлик ҳиддатларидин чарчаб, бир кайфияти муътадилаға келурларки, андин ортиқ муқовамат қилмоқға муқобилда зидлик қолмас. Ва бир-бирлариға иссиқлик ва совуқлик бетафовут мушобиҳ бўлурлар. Бас, аносирни ҳам бир-бирлариға имтизождаги мушобаҳатлари шул тариқадурки, ани номини ташобуҳи навъий дерлар. Чунки бу ташобуҳда аввалги қавл ихтилоф мазмунидек аносир ўз кайфиятларини бутун йўқотган ҳам бўлмас.

Ва иккинчи қавлни мазмунидек кайфияти махсусаи ғайри маҳсусаси боқий ҳам турмаган ва баъзи ақволи мардудаларни(нг) мазмунидек аносирни зотлари ўзларини тамом йўқотгандек ҳам бўлмас, балки ўтни ўтлик навъийяти ва сувни сувлик навъийятигина ўзгарилиб, кайфийяти мутавасситаи муътадила эҳсос қилғон бўлурларки, шул кайфият ҳодисаи мизождур. Ва шу қавли ахир мавлоно Шайх ур-раиснинг қавлларида, ва ҳувал-мухтор.¹ Бас, бул мизож ақлни муқтазосича, икки эҳтимолдин ҳоли бўлмаски, аз рўйи таркиб ё муътадил бўлур ё ғайри муътадил бўлур. Бас, муътадил бўлғон тақдирда ё муътидили ҳақиқий бўлур ёки фаразий бўлур. Аммо мизожи муътидили ҳақиқий деб мажмуъи кайфиёти арбаъани миқдорда ва таъсирда баробар бўлмоғини айтилурки, бу эътидолни вужудий бўлмоғи мумкин эмас, чунки аносирни арбаъада тўрт хил майл, яъни таъсир бордур, яъни бир унсурни жисмида бир майл ва таъсир бордурки, ани бирлан суврати навъийя, яъни ўтлик ҳолатга кирмоқ учун қобилият ҳосил қилур ва бул қобилият ҳароратни ҳосил қилур ва бошқа аносир ҳам инчуниндур.

¹ Ва шу ихтиёр қилинган.

Бас, агар мизожда ҳарорат ва бурудат баробар бўлса, ҳосил қилиб турган суврати навъийяси баробар бўлолмас. Ва агар суврати навъийяси ҳам баробар бўлса, ани ҳосил қилиб турган майл баробар бўлолмас. Агар майл ҳам баробар бўлса, аносир жисмлари баробар бўлолмаслар. Чунки ўтти жисми оз бўлса ҳам ани майли, яъни суврати навъийяси ҳосил қиладирган таъсири кўбдур. Ва ҳам ўтти суврати навъийяси озроқ бўлса ҳам ани ҳосил қиладирган ҳарорати зиёдадур.

Аммо сувни жисмига назаран суврати навъийяси ҳосил қилувчи таъсири оздур. Ва инчунин, бул суврати навъийяси ҳосили ўлгон бурудат ҳам ўтти ҳароратиға қиёсан яна оздур. Ва инчунин ўтти ҳарорати қаю даражада бўлса ани йубусати, яъни қуруқлиги ҳам шул даража эрмас, балки камроқдур. Инчунин, сувни совуқлигиға назаран ҳўллиги камроқ ва бошқа аносир ҳам инчуниндур. Маълумдурки, мизож иссиғу совуқликда баробар бўлса, ҳўлу қуруқликда баробар бўлолмас. Ва агар ҳўлу қуруқликда баробар бўлса, иссиғу совуқликда баробар бўлолмас. Ва инчунин, фаразан ҳамма кайфиятда баробар бўлгон тақдирда суврати навъийяси ила жисмда баробар бўлолмас. Агар суврати навъийясида баробар бўлса, жисм аносир ила кайфиятда баробар бўлолмас ва ҳоказо.

Бас, собит бўлдики, мизожи мўътадили ҳақиқийнинг вужуди мумкин эрмас. Аммо мизожи мўътадили аснофий шулки, бошқа мизожларға нисбатан ани мўътадил деб ҳукм қилурлар.

Бас, бу мўътадил аснофи бошқа мизожларға нисбатан ани мўътадил деб ҳукамо ҳукм қилурлар. Бас, бул мўътадил аснофи шундоқ мизождурки, ҳар бир мавжудни(нг) вужудиға Аллоҳу таъоло бир миқдор унсур ато қилгондур. Ва ул унсурлардин кайфияти мутазодда таркиби ила бир тариқа мизож ҳосил бўлгондурки, ул мизож ўшал нимарсани ўз ҳолиға ҳўб муносиб мизождур. Ва шул муносиблигини «эътидоли табиий» дерлар. Масалан, йўлбарсни(нг) ҳолиға муносиб феъл шижоатдурки, анга боиси ҳароратдур. Бас, йўлбарсни мизожи иссиғ бўлмоғи ўзи учун эътидолдир. Ва қуённи(нг) ҳолиға муносиб феъл хавф ва ҳуркишликдурки, анга боиси бурудатдур. Қуённи(нг) совуқ мизожлик бўлмоғи ўзи учун ҳўб мўътадил мизождур. Ва билмоқ керакки, бу эътидол баҳасби эътибор тўққиз хил бўлур:

Биринчи мўътадили навъийки, бошқа навға назарандур. Масалан, инсон навъининг мизожи инсондин бошқа навъи коинотға назаран мўътадилдр. Чунки осори фаззоний ва ақлу улум ила фазли Илоҳийдин музайян бўлгон нимарса албатта инсондурки, бул қадар фазилатни

ижоди ва таҳмилиға муқтадир бўлгон мизожи инсон учун албатта муносиб ва мўътадилдур.

Иккинчи мўътадили навъийки, ўз навлариға назарандур. Масалан, бутун инсонни(нг) мизожлариға назаран бир кишини(нг) мизожи мўътадил, яъни хўб яхши мизожда бўлмоғидур.

Учинчи мўътадили синфийдурки, инсоннинг баъзи бир синфининг мизожи бошқа синфларға назарн мўътадил бўлмоғидур. Масалан, рубъи маскунни етти ҳиссаға тақсим этилуб, ҳар бирини иқлим исми ила тасмия қилинурки, бутун куруқлик етти иқлимдур. Ва бул жумладин миёнаси тўртинчи иқлим, яъни Ҳиндустон қитъасидурки, Ҳинд халқининг мизожи Ҳабаш ва Араб халқини мизожларидин совуқ ва хўлроқ ва Туркистон халқининг мизожларидин иссиқ ва куруқроқ бўлиб, арабу турк мизожлариға назаран мўътадилдурки, агар бул мизожи тағйир топса, ҳиндлик синфидин хориж бўлур, ҳатто сабаби мараз бўлур.

Ва билмоқ керакки, бу эътидол ва ҳасби макондурки, бул маконда иссиқ ва совуқ мўътадил бўлгон сабабли аҳли ўз баданларини совуқдин сақламоқ учун қалин либосға муҳтож ҳам эмаслар. Ва иссиқдин сақламоқ учун тарвиҳ, яъни елпинмоқға ҳам муҳтож эмасларки, шул эътибор ила мўътадилдур. Аммо шундин бошқа мўътадил баҳасби замон ҳам бордурки, бул эътидол ҳукамон мутақаддимининг китобларида марқум бўлмоғон эркан.

Ҳақирмуаллиф¹ буни ҳам изофа қилиб ўтаманки, фасли рабиъ ила фасли харифни мизожи ва ул замон аҳлининг мизожи ҳам мўътадилдур. Ва ёз фаслини эрта бирлан баъд аз тулуъ ва кеч қариби ғуруб вақти ҳам мўътадилдурки, ул вақтда инсонни руҳи иссиқдин малул бўлмағай ва жисми ҳам совуқдин озурда бўлмағайки, хўб мўътадил вақт ва мўътадил мизождурлар. Фатаъамул.²

Тўртинчи мўътадили синфийки, масалан, бир синфдин фаразан бир кишини мизожи ўшал синфдаги кишиларни(нг) мизожиға назаран ғоят даражада мўътадил бўлмоғидур. Ва билмоқ керакки, мўътадил деган сўз бир чегарани номидурки, агар ондин бир тарафға ўтса, андин иссиқ тарафға ўтган бўлур. Ва иккинчи тарафға ўтса, совуқ тарафға ўтган бўлур. Лекин ҳақиқатан бул чегарани ҳам аввал даражаси ва охир даражаси

¹ Бу ерда Боситхон ибн Зоҳидхон ўзини назарда тутмоқда.

² Бас, бу ҳақда ўйлаб кўр, маъносида.

ва ўрта даражаси бордурки, они ўрта даражасини номини ҳоққ дерлар. Бас, бу тўртинчи мўътадили синфий шундин иборатки, шул синфдаги бошқа одамларни мизождлари чегарани ичида бўлса, бул мўътадил мизож соҳиби мизожи ҳоққда, яъни чегаранинг марказида бўлур.

Бешинчи мўътадили шахсийки, муайян бир одамни(нг) мизожи ўзиндин бошқа афродларини мизожига назаран мўътадил бўлсаки, ул одамни(нг) саҳиҳ ва саломатлигиға шул мизож сабаб бўлса, яъни бир синфдаги одамлардин бир муайян кишини кўрармизки, бошқа ўн афродиға назаран саҳиҳроқ ва яхшироқ ҳолдадур. Бас, ани(нг) мизожи аз рўйи кайфияти аносир мўътадил бўлмаса ҳам, лекин шул одамни ўз ҳақиға муносиб ва саҳиҳлигиға боис бўлиб турган сабаблик бул мизож шул одамнинг ҳақиға мўътадил дермиз. Гўёки иссиғлик йўлбарсининг ҳақиға ва совуқлик қуённи(нг) ҳақиға мўътадил бўлғони кабилдур.

Олтинчи мўътадили шахсийки, мизож соҳибининг ўзини(нг) аҳволиға назаран мўътадил бўлур. Масалан, бир одам аксар вақтларда таъби фаж бўлиб, аҳволи ўз таъбиға номувофиқ бўлур ва баъзи вақтларда ҳоли таъбиға мувофиқ бўлуб, таъби равшан бўлур. Бас, шул вақтдаги мизож они ҳақиға мўътадилдур.

Еттинчи мўътадили узвийдурки, бошқа аъзоға назаран мизожи мўътадил бўлур. Масалан, инсонни(нг) ҳамма аъзоси агарчи ўзиға муносиб ва мўътадил мизождадур, лекин жилдни, яъни терининг мизожи ҳаммадин мўътадилроқдур. Чунончи, димоғни мизожи агарчи совуғу ҳўл бўлса ҳам ўзиға ҳўб мўътадилдур. Чунки совуқлиги ул миқдордин камроқ бўлса жасаддин, хусусан дил ва меъдадин чиқиб турган ҳароратдин эриб, фосид бўлур эди. Ва агар ҳўллиги шундин камроқ бўлса эди, пайларға рутубат еткузуб туролмас эди. Ва бутун аъзоға томир тортишув касали ҳамда жунун ориз бўлур эди. Ва инчунин дилни(нг) мизожи ғоят даражада иссиқдурки, бул ҳам дилни(нг) ўз ҳақиға мўътадилдур. Чунки агар шул даражада иссиғ бўлмаса эди, мабдаъи руҳ бўлиб, баданга ҳарорати ҳайвоний ҳосил қилолмас эди. Ва моддаи ҳарорат бўлғон бул ҳарорат бўлмаса, ҳаётлик мумкин бўлмас эди. Бас, маълум бўлдики, ҳар узвнинг мизожи маҳсусаси ўз ҳақиға мўътадилдур. Лекин бу ҳасби аносир мўътадил бўлмоғон сабаблик назди ҳукамода мўътабар эрмас, балки онча мўътабари бул мавридда жилддурки, аносири арбаъани(нг) ҳаммасини ва кайфият-

ларига нисбатан ва дил ила димоғ мизожиға назаран мўътадилдур. Чунончи, аъзонинг бобида муфассалан баён қилурмиз, иншааллоҳу таъоло.

Саккизинчи мўътадили узвийки, баъзи аҳволиға назаран эътибор ўлунур, чунончи, олтинчи мўътадили шахсий каби, чунончи, одамни(нг) димоғи ёз фаслларида офтобни(нг) тобишидин қизиб турар.

Ва қиш фасларида агар иссиғ жойда бўлса, инчунин ҳам хориждаги ҳавони таъсиридин бадан ҳарорати мунфаъил бўлиб, дохили баданға ружуъ қилғон сабабдин ва ҳам қиш фаслининг физоси куллиятан гарм ва хушқ бўлғон сабабдин ва ҳам қиш фаслида физо фил-л-жумла кўпроғ тановул бўлғон сабаблик меъдадин бухороти духоний суъуд қилиб, димоғни аҳволини тағйир бериб турмоғи табиийдур.

Агар қиш фаслида очиқ ҳавода бўлса, ҳавони(нг) совуғлигининг димоғ мутаассир бўлиб, касиф ва ғализ бўлмоғи ҳам табиийдур. Аммо баҳор ва куз вақтда димоғни мизожи мўътадил бўлурки, мўътадил узви «бин-назари ила баъзи аҳволиҳи»¹ дин иборатдур ва бошқа узвлар ҳам инчуниндир.

Тўққизинчи эътидоли синнийдурки, масалан, инсон сағир ва сабийликда ҳарорати ва рутубати ғолиб бўлур. Ва шайхликда рутубати фазлияси кўп бўлса ҳам, лекин рутубати табиийяси ва ҳарорати табиийяси ғоятда кам бўлур. Ва совуқлик ва ҳарорати анда кам бўлур. Аммо йигитлик даврини мизожи эса ёшлик ва қарилик ҳолни мизожиға нисбатан мўътадилдур.

Аммо мизожи ғайри мўътадил ҳам ҳукамонинг истилоҳларинча саккиз қисм бўлур.

Биринчи қисм иссиғдур, яъни коинотни(нг) жисмларидаги аносири арбаъани(нг) бир-бирлариға имтизожларидин ҳосил бўлғон кайфиятни ҳадди эътидолға кўра иссиқ тарафиға мойил бўлмоғидур.

Иккинчи қисми совуқдур, яъни кайфияти мазкурани ҳадди эътидолдин совуқ тарафиға мойил бўлмоғидур.

Учинчи қисми ҳўлдур, яъни кайфияти мазкурани ҳадди эътидолдин ҳўллик тарафиға мойил бўлмоғидур.

Тўртинчи қисми қуруқдур, яъни кайфияти мазкурани ҳадди эътидолдин қуруқлик тарафиға мойил бўлмоғидур.

¹ Баъзи аҳволиға қараган ҳолда.

Бешинчи қисми иссиғу қуруқдур, яъни кайфияти мазкурани ҳадди эътидолдин ҳам қуруқлик тарафиға мойил бўлмоғидур.

Олтинчи қисми иссиғу ҳўлдур, яъни кайфияти мазкурани ҳадди эътидолдин ҳам иссиғу, ҳам ҳўллик тарафиға мойил бўлмоғидур.

Еттинчи қисми совуғу қуруқдур, яъни кайфияти мазкурани ҳадди эътидолдин ҳам совуқ, ҳам қуруқ тарафиға мойил бўлмоғидур.

Саккизинчи қисми совуғу ҳўлдур, яъни кайфияти мазкурани ҳадди эътидолдин ҳам совуқ, ҳам ҳўл тарафиға мойил бўлмоғидур.

Ва бул саккиз қисмидин бошқа мизож бўлмоғи мумкин эмас. Чунки мизожи ғайри мўътадил деб аносир арбаъани(нг) имтизожидаги кайфиятда қўб хил кайфиятдин бири ёки иккинчисини(нг) ғолиб бўлмоғини айтурлар. Аммо уч хил кайфият бир кайфиятға ғолиб бўлмоғини(нг) эҳтимоли йўқдур, чунки ғалаба эҳтимолки, бир кайфиятда бўлур. Бул эҳтимолға биноан тўрт хил мизож мутаҳаққиқдурки, ё ғалаба иссиғда ёки ҳўлда ёки қуруқда бўлур. Ё эҳтимолки, ғалаба икки кайфиятда бўлурки, алар бир-бирлариға зид бўлмаслар, яъни бир-бирларини ғалабаларига иккинчилари монё бўлмас. Ва бул эҳтимолға биноан яна тўрт мизож мутаҳаққиқдурки, иссиғ-қуруғ, иссиғ-ҳўл, совуғ-қуруғ, совуғ-ҳўл. Аммо уч кайфият бир кайфиятға ғалаба қилолмаслиғиға сабаб шулки, бул тўрт кайфиятдин ҳеч тариқа бирлан уч хили бир-бириға мувофиқ эмаслар ва бир-бирлариға зидликлари сабабидин бирини(нг) ғалабасиға бир бошқаси монё бўлур. Масалан, бир нимарсани(нг) мизожида иссиғу совуғ ва ҳўллик ёки иссиғ ва ҳўл ва қуруқлик ёки совуғу ҳўлу қуруқлик ёки совуғу иссиғу ҳўллик ғолиб бўлмоғи мумкин эмаски, бир-бирлариға зиддурлар.

ИККИНЧИ ФАСЛДА АХЛОТНИ(НГ) БАЁНИДУР

Ахлот, яъни хилтлар демакдур. Хилт деб меъдага боргон таом ҳазм бўлгон сабаблик ўз кайфиятидин ўзгарилиб, биринчи мартабада бақои инсонийя учун тутқон шаклини айтилуру. Ва ул жисми сайёл, яъни суюқ нимарса бўлур.

Билмоқ керакки, физо меъдага бориб ҳазм бўлгонда ўзини(нг) суврати зоҳирийясидин бошқа бир сувратга айланурки, ани «ҳазми кайлу» дерлар. Лекин бу хилт эмас, физони(нг) ўзгарилувчи ҳақиқий ўзгарилуру ҳам эмас. Чунки бул ҳазмда физони(нг) суврати кайфияти ўзгарса ҳам, лекин суврати навъийяси ўзгарилмоғон бўлур. Шунинг учун қай қилинганда суврати ўзгача кўринса ҳам ҳануз, лекин таомлиқ таъми боқийдур. Бас, бу ўзгарилуру назди атиббода мўътабар эмас. Шунинг учун хилт ҳосил бўладирган ўзгарилувни биринчи дафъаси деб эътибор қилинур ва хилтни суюқ жисм демакдин мақсуд ҳўл демак эмас, балки ҳар нимарса ўз жисмини ўзи забт этолмай, паст тарафга мойил бўлса, ани истилоҳи атиббода суюқ дерлар. Масалан, симоб ўзи ҳарчанд қуруқдир, лекин паст тарафга сайлон қилур. Аммо ҳаво ҳам симобдек ўз жисмини бир маконда забт этолмас, лекин паст тарафга майлон қилмас, юқориға кўтарилур, шунинг учун ҳавони суюқ деб бўлмас.

Ва билмоқ керакка, мавлоно Шайх ур-раис раҳматуллоҳи алайҳ «Қонун»ларида: «Ал-хилту жисмун ратабун саййалун тастаҳилу илайҳил физо истаҳолатан аввалийятан»¹ деб қилгон таърифларидаги «ратаби саййол»дин муродлари суюқ демакдур, аммо ҳўл демак мурод эмас. Чунки шул хилт жумласидин сафро ва савдонинг мизожи қуруқдур. Ва Шайх ур-раиснинг ўзлари ҳам ани мизожини қуруқ деб баён қилгондурлар. Ва ул кишини(нг) ратаб демаклари гўшт ва устихондин эҳтироз учундурки, алар қаттиқ ва қуюқдур.

Ва сайёл демаклари чарвидин эҳтироз учундур, чунки чарби баданни ҳарорати табиийяси сабаби ила эриб, мулойим бўлиб турар. Аммо сайлон қилиб оқмас, шунинг учун хилтни таърифидин хориждур.

Ва билмоқ керакки, балгами жасий ва балгами зижожийлар ҳам хилт таърафиға дохилдурлар, чунки балгами жасийнинг гажға ўхша-

¹ Хилт – суюқ ҳўл жисм бўлиб, унда овқат биринчи мартабада ўзгарган бўлур.

моғи балғами зижожийнинг эриган шишага ўхшамоғи рангини(нг) эътибори иландур, аммо қуюқлик эътибори билан эмас.

Ва ҳам «ратаби сайёл» демақдин мурод баэътибори табиатдур ва баъзи нимарсани хилтга аралашмаги ила хилтни ғализ қилмоғи таърифга мунофий бўлмас. Аммо қозуврот ҳам ғизоликдин суврати навъийяси ўзгарилиб, ҳосил бўлган нимарсадур. Лекин бақойи инсонийя учун тутилгон шакл эмас, балки бақо ҳожатидин зойид фазладур, чунки ҳайвонотнинг бақоси учун лозим бўлуб, баданни тарбиятига ва танни саломатига хизмат қилувчи нимарса ғизони(нг) энг хулосаи жавҳари бўлурки, баъд аз истиҳолаи адно яна бошқа ўзгарилув ила баданга ғизо бўлмоқ учун қобил бўлур, яъни баданга жузь бўлиб қўшилур. Ва инсон баданига аркон биринчи жузь бўлғони каби ғизо, яъни ғизони ҳосиласи ўлгон ахлот иккинчи жузьдур. Ва қозуврот таомни(нг) тафлидур ва жавҳар эмас ва инчунин, хамр ва мо ул-лаҳм ҳам хилт эмаслар, чунки агарчи хамри турш ҳам қонлик кайфият, ҳам сафролик кайфиятни ҳосил қилғондур ва хамри ширин ила мо ул-лаҳм фақат қонлик кайфиятни ҳосил қилғондур. Лекин бул кайфият қаб лаз ҳазм, яъни ичилмоқдин бурун хорижда ҳосил қилинғондур. Аммо хилт бўлмоқга бавоситаи ҳазм бўлмоқ шартдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бутун олам ҳар доим фано бўлиб турмоқдадур ва ҳеч дақиқа фанодин холи эрмас. Ва ҳайвонот ҳам инчуниндурки, ҳар дақиқада бадандин бир ҳиссаси фано бўлуб, ҳавога қўшилуб кетар, ани ўрниғи яна гўшт пайдо бўлиб, етилуб турмоғи албатта лозимдур. Бас, баданнинг нақадар фано бўлғони бадалига ичдин бориб тўлатиб турғон нимарсани ғизо дерлар. Ва бул ғизо албатта, таомни(нг) кучи ва жавҳаридурки, тўрт мартаба ўзгарилув ила жузви бадан бўлурлар. Аммо бадандин доим бир ҳисса фано бўлуб, ани ўрнига яна бир ҳисса бориб қўшилиб, жузви бадан бўлиб турганига далил шулки, ҳайвонот таомни батартиб ҳазм қилув шарти ила қўб еса семирар, агар таоми қадри ҳожатдин оз бўлса ариқлар. Бас, маълум бўлдики, бадандин баромад, яъни фано бордур. Таомдин даромад, яъни баданга ҳусул бордур. Бас, агар даромад ила баромад баробар бўлса ҳайвон бир ҳолда яшар. Агар даромади баромадидан зиёда бўлса, зиёдаси батадриж жамъ бўлиб семирар. Ва агар баромади даромадидин зиёда бўлса, батадриж нуқсон топиб ориғлар.

Билмоқ керакки, ҳукамони(нг) истилоҳларида ғизони(нг) икки маъноси бордур. Биринчи маъноси рутубати солисадур, яъни ғизодин

суврати ғизоиниясини ўзгартирүб суврати узвийяга кирған, лекин ҳануз узв бўлмағон рутубатни айтилуp. Ва ани номи истилоҳда ғизои бил-феълдурки, бир ўзгарилув ила узв бўлуpлар.

Ва иккинчи маъноси яна икки тариқа бўлуpки, биринчи «ғизои бил-қувват ил-қарийба» ва бирини «ғизои бил-қувват ил-баъийда» деб айтилуp. Бас, ғизои бил-қувват ил-қарийба шулки, рутубати сониядурки, рутубати солисадин сарф бўлғоннини ўрниға бадал ва қойим мақом бўлғувчи рутубатдур. Ва инчунин ахлоти арбаъадурки, рутубати сонийядин сарф бўлғонини(нг) ўрниға бадал ва қойим мақом бўлғувчидур. Ва бул ахлот ва рутубат ғизои бил-қуввати қарийбадур. Аммо ғизои бил-қуввати баъийда деб ҳануз тановул қилинмаган ёки ҳазм бўлмаган, лекин бир неча ўзгарилув ила жузви бадан бўлмоқға қобилиятлик нимарсани, масалан, нон, гўшт ва бошқа шунга ўхшаш таомларни айтилуpки, бир-неча мартаба ўзгарилув ила жузви бадан бўлмоғини анқарийб муфассал баён қилурмиз, иншааллоҳу таъоло.

Бас, жаноби мавлоно Шайх ур-раиснинг қавлларидаги «тастаҳий-лу иллайҳил-ғизо»дин мурод шул маънийи ахирдурким, ғизо бил-қуввати баъийдадур. Ва инчунин «истиҳалатан аввалийятан» деган қавллари азбаройи рутубати сониядин эҳтироз учундур, чунки бул рутубат хилтликдин иккинчи мартаба ўзгарилуб ҳосил бўлғондур. Лекин мажозан хилт деб айтилуp.

Ва билмоқ керакки, бул рутубати сонияки, баёни иншааллоҳ таваллуди ахлот кайфиятини(нг) асносида зикр қилинур, бу рутубатни умури табиийядин эканиға ҳеч хилоф йўқдур. Ва аммо умури табиийя жамийки ҳукамо наздларида билохилоф етти ададдурки, аркон ва амзижа ва ахлот ва аъзо ва арвоҳ ва қуво ва афъолдур. Бас, бу етти ададни(нг) табиатға нисбатлари шул тариқаки, аркон, ахлот, аъзо, арвоҳ – тўрти табиатни(нг) моддасидур. Аммо амзижа табиатни суврати увлосидур ва қуво табиатни суврати сониясидур. Аммо афъол табиатни(нг) ғоясидур, яъни қувватни лозими албатта феълдурки, агарчи феъл ҳақиқатан умури табиийядин бўлмаса ҳам, лекин қувватни муқтазоси бўлғон сабабдин ҳукамолар феъл ҳам умури табиийя жумласидин, деб ҳисоб этгандурлар. Бас, бул етти адад умури табиийяни ичида рутубати сония зикр қилинмади, чунки агарчи ўзи хилт бўлмаса ҳам хилтлик даражада қаробатини эътибор қилиб, мажозан бул ҳам хилт, деб иктифо қилинди. Чунки ул киши жузви бадан бўлмоқ учун қон кўпроқ миқдорда қўши-

луви лозимлигини эътибор қилгондурлар ва ҳам ул киши жузви бадан бўлмоқ учун асл модда фақат қонлиги ва бошқа хилтлар анга муслиҳ ва ёрдамчилигини даъво қилгондурлар. Аммо Шайх ур-раисни(нг) назарларида жузви бадан бўлмоқ учун ахлооти арбаъани(нг) ҳаммасида ҳожат борлиғига иловатан сафро ўт ҳукмида бўлиб, бошқа хилтларни ҳам ҳусули ва жузви бадан бўлмоғига биринчи муассир сафродурки, буни иллоти фобилийясини эътибор ила баёнда биринчи хилтга сафро лойиқ кўрилди.

АММАС-САФРАУ (АММО САФРО БАЁНИДА)

Билмоқ керакки, сафронинг мизожи иссиқ ва қуруқдур ва ўтнинг табиатидадур. Ва шунинг учун исҳол вақтида мақъадга лазъ ва сўзиш пайдо бўлур ва ҳам қайт қилгонда меъдада ҳирқат ва сўзиш ва оғизда талхлик пайдо бўлур ва иссиқ ва қуруқ касаллар пайдо бўлур. Ва совуғу ҳўл мизожлик нимарсалардин фойдаманд бўлинув. Ва сафронни(нг) инсон учун фойдаси шулки, сафро гоят даражада суюқдур ва шунинг учун қонга аралаш бўлиб суюлтирар. Ва бадандаги ниҳоятда танг бўлгон тешиқлариға кирмоғи учун қонга ёрдам берур. Ва яна қоннинг ўзининг иссиғлигининг зиёдароқ иситар.

Бас, табиийдурки, ҳар нимарса исиганда жисми кўпайиб, аввалги макониға сиғмай, тошиб чиқмоқға мажбур бўлур, инчунин қон ҳам исиганда турган макониға сиғмас. Чунончи руьоф касалида мушоҳада қилинув. Бас, ночор майда тешуқлардин баданға бормоқға таважжуҳ қилур ва баданға бориб қўшилур, жузви бадан бўлмоғига сафро ёрдам этган бўлур. Ва яна инсонни(нг) баданида баъзи узвлар бордурки, ниҳоятда латифдур ва ўзиға муносиб ғизои латифға ниҳоятда муҳтождур. Шунинг учун анинг ғизосиға сафрои латифни қўшилмоғи лозимдур. Ва яна қонни(нг) иссиғи гоятда оздурки, хориждаги ҳавонинг совуқлиғига яқин тоқати келмай, ивиб қолиб, фосид бўлмоғи эҳтимолдур. Бинобарин ани иситиб, ёрдам бериб турғувчи бир ёрдамчиға муҳтождур. Шунинг учун Жаноби Ҳакими мутлақ қонга ёрдам учун сафро халқ қилгондир. Ва яна қазои ҳожат вақтида инсонни огоҳ қилур ва қозувротни баъд аз ҳусули суврат ичакда тўхтатмай тушурмоқға хизмат этар. Ва ушбу тариқадаки, меъдада таомни жавҳари

ажраб, жигар тарафиға раги мосариқо воситаси ила ўтуб, тафли ҳам ичакға ўтганидин сўнгра соим номлик ичакға борғонда, агар ул тафлда жавҳари ғизоийядин ҳануз боқий бўлса, раги мосариқойи суфло воситаси ила жигар жазб қилур. Сўнгра боқий тафлни ичакдин дафъ қилмоқ учун махус мосариқолар воситаси ила ўтдин сафро қуюб, гўё ичакни ювгай. Ва сафрони(нг) аччиқлигинин ичак озурда бўлган сабабидин ани дафъи учун ичакни(нг) қуввати дафиъаси ҳаракатға кирар ва ҳам сафрони(нг) аччиғидин ичак озурда бўлгон сабабдин мунқабиз бўлиб йиғилур, анинг учун ичидаги қозувротни паст тарафға мундафиъ бўлмоқға мажбур этар. Ҳоказо сафрони(нг) инсон учун зарурлик ҳикмати бениҳоядурки, ани фақат илми Илоҳий ихота қилур ва бандани(нг) илми қосирдур.

АММАД-ДАМУ (АММО ҚОН БАЁНИДА)

Билмоқ керакки, ахлоти арбаъадин иккинчи қисми қондур ва буни мизожи иссиғу ҳўл бўлиб, ҳаво табиатидадур. Чунки инсонда мушоҳада қилурмизки, баданда қон кўп бўлса ҳарорат ва рутубат ғолиб бўлур ва ҳарорату рутубатлик касаллар ҳодис қилур. Ва иссиғу ҳўл мизожлик таомлардин қон кўпроқ ҳосил бўлур. Ва ҳам синни намузда, яъни ёшлиқдин ўсиб-улғайиб турган вақтдаки, бул вақт онча ҳарорат ва рутубатни мавсимидир ва ҳам фасли баҳорки, ҳарорат ва рутубатнинг мавсимидирки, шул вақтларда қоннинг ғалаба қилмоғи албатта, мизожи иссиғу ҳўллигига далилдур.

Аммо баъзан ҳукамо қоннинг мизожи совуқ деб шубҳа қилгондурлар. Далиллари шулки, хотинларда қон кўпроқ бўлур, токи ҳожати бадандин зиёдаси ҳар ойда ҳайз тариқасида мундафиъ бўлиб турар ва хотинларни(нг) мизожи эркакни(нг) мизожиға назаран совуқлиги билохилофдур. Бас, совуқ мизожли кишида қонни(нг) кўп бўлмоғи мизожининг совуқлигига далилдур, дерлар. Бас, бул шубҳаларни зойил қилмоқ учун шу тариқа жавоб бермоқ лозимки, хотинларни(нг) мизожи эркак кишиға нисбатан совуқ бўлмоғи муқаррардур. Лекин аларни(нг) баданида қон кўб бўлмоғи мусаллам эрмас, балки оз бўлур, аммо аларни ҳайзлариға ҳам боис мизожларини(нг) совуқлигидур. Аммо ҳайзни қони баданни(нг) ҳожатидин зиёдаси эмас, чунки аларни баданида қон оз бўлур, шул

озгина қон ҳам баданни(нг) масом ва тешуклариға тамом кирмоғи учун мизожларини(нг) совуқлигинин ва ўзларини(нг) кам ҳаракатлиги сабабидин масомлар касиф ва қон ғализ бўлмоғи монёъ бўлур. Бас, ночор қондин баъзи иссиқ ва суюкроғи баданға кира олур ва баъзилари кира олмай жамланиб қолур. Сўнгра Ҳазрати Халлоқи Акбарни изни ила ани табиат батариқай ҳайз дафъ қилур.

Ва билмоқ керакки, ҳамма хилтларнинг энг яхшироғи ва баданни(нг) бақосиға сабаб бўлғувчиси қондур ва ани(нг) фойдаси шулки, тамоми бадан мурури замон ила ҳар доим фано бўлмоқдадур ва ул фаноликни(нг) бадалиға қойим мақом ва жузви бадан бўлиб, ҳамма жасадни саломат ва боқий турмоғиға сабаб бўлиб турғон ғизоси қондур. Лекин ғизолиқ миқдориди ҳамма вақт баробар бўлмай, мутафовутдур. Чунки жамийки ҳайвонот ва набототни умри табиийсиға нисбатан умрида учхил давр бордурки, бири даври намув, яъни ўсмақ даври ва бири даври таваққуф, яъни ўсувдин тўхтамақ даври ва даври инҳитот, яъни фано тарафиға қайтмоқ ва шайхухат давридур.

Аммо даври намувда ҳайвонотни табиати ғоят даражада иссиқ ва ҳўл бўлур, чунки ани қаб лаз таваллуд аносини батнида ҳосил қилгон ҳарорати ғаризийя ва ҳарорати табиийяси хорижий ва дохилий совуқларға дучор ва мунфаъил бўлмагон вақти бўлур. Ва ҳам ғизодин ниҳоятда ғизои латиф бирлан тарбияланур. Бас, иссиғу ҳўл мизожли кишини қуввати ҳозимаси бақувват бўлур ва ғизои латифи ҳам сарий ул-ҳазм бўлур, бинобарин ани баданиға бир ҳисса фанолик ориз бўлса, икки ҳисса анга бадал ҳосил бўлур. Ва шу зиёда ҳусули ила ҳайвонот ўсар. Аммо даври таваққуфда ҳайвонот хорижий ва дохилий совуқларға дучор ва мунфаъил бўлиб, ғизои латиф ва ғизои ғализалардин тановул қилиб, фил-жумла қувваи ҳозимасиға малолат ва ҳазмиға футур етуб, жавҳарни, яъни қонни кўб миқдор еткизолмас ва ҳам ҳарна еткурған миқдори ҳам жасадни ўсиб зиёдалашған миқдорига кифоя қилса ҳам, лекин зиёдалиқ қилолмас. Ва ҳам ҳаракати ҳаётийяси ёшлиқ ҳолиға назаран кўб бўлғони сабаблиқ баданни(нг) рутубати кўброқ сарф бўлур ва хилтлар куюб, хилти нотабиий зиёдароқ бўлур, шул сабабли баданни даромади ва баромади баробар бўлиб ўсмоқдин тўхтар ва фанолик ҳам бўлмас. Аммо даври инҳитотда ҳаракат ва тафаккурдин бадан ғоятда чарчаган бўлур ва бадандан рутубатлар кўб таҳлил топуб турар. Аммо даври таваққуфда зикр қилинган

нуқсоноти ҳам зиёдалашган бўлур. Шул сабабдин баданни баромади кўброқ, даромади озроқ бўлур. Анинг учун баданга батадриж нуқсон ориз бўлур.

Бас, маълум бўлдики, даври намувда қон кўпроқ ҳосил бўлуб, ғизои бадан бўлур. Ва даври таваққуфда миёна ҳосил бўлур. Ва даври инҳитотда озроқ ҳосил бўлур. Ва қоннинг аҳволу кайфиёти хусусидаги баёнотларни анқариб таваллуди ахлот мавридида баён қилинур, иншаллоҳу таъоло.

АММАЛ-БАЛҒАМУ (АММО БАЛҒАМ БАЁНИДА)

Билмоқ керакки, балғамни мизожи совуғу ҳўлдурки, сув мизожи-дадур, чунки балғам зиёда бўлғонда совуқ ва ҳўл касаллар ҳодис қилур, чунончи, истирхо, фолиж, лақва, раъша, ихтилож, нисён, субот, ташаннужи имтилоий, ғайри касаллар ориз қилур. Ва иссиғу қуруқ даволар ва ғизолардин ва риёзатдин камаюр. Ва ҳам совуқ мизожли кишиларда кўпаюр. Ва совуқ ва ҳўл вақтларда, яъни қиш фаслида кўпаюр ва совуғу ҳўл ғизолардин ҳосил бўлур.

Ва ани фойдаси шулки, баъзи вақтда ғизо мавжуд бўлмоғон сабабдин ёки ғизо учун фурсат бўлмоғон сабабдин баданни(нг) фаносиға бадал учун қон етишмаган ҳолда уруқ балғамни яна ҳазм қилиб, қонлик даражаға етказур. Ва баданға ғизо қилиб турар. Чунки балғам қонни(нг) хоми ва нотайёридрики, таваллуди ахлот мавридида баёни келур. Яъни, балғам қон етишмаганда истеъмол қилмоқ учун захирадур ва ҳам кўб ҳаракатни сабабидин қизиб, фосид бўлмасин учун мафсилларни, гўё машиналарни мойлаб тургандек ҳўллаб турар. Ва ҳам димоғ меъдадин суъуд қиладурғон бухорот ва ҳароратға муқобил бўлган сабабдин ва ҳам кўб фикру хаёлни(нг) макони бўлган сабабдин ва ҳам бутун аъзони ҳаракат қилдирғувчи пайларни мабдаъи бўлғон сабабдин ҳаракатни ҳарорати ва меъдани ва тафаккурни ҳароратларидин мутаассир бўлиб, қуруб кетмаслик учун совуқ ва ҳўл мизожлик ғизоға муҳтождур. Ва инчунин, ўпка доим дилни елфитуб турмоқ учун ҳаводин бетаваққуф нафас олиб турғон сабабли рутубати қуруб, фосид бўлмасин учун совуқ ва ҳўл ғизоға муҳтождур. Ва инчунин, узлалар ҳам доим ҳаракати аъзоға мутасадди бўлғон сабабдин ҳара-

катни ҳарорати ила рутубатлари фоний бўлиб турар. Шунинг учун совуқ ва ҳўл мизожли ғизоға муҳтождур. Бинобарин Ҳазрати Раззоқи бемисол димоғ, ҳаром мағз, пай, узла, ўпка ва бошқаларға ғизо учун ҳайвонотға балғам яратди.

АММАС-САВДАУ (АММО САВДО БАЁНИДА)

Билмоқ керакки, савдони(нг) табиати совуқ ва қуруқдурки, замин табиатидадур, чунки совуқ ва қуруқ ғизодин кўпроқ ҳосил бўлур. Ва совуғу қуруқ мизожлик касалларға сабаб бўлур. Ва иссиғу ҳўл мизожлик даво ва ғизолардин савдовий касаллар фойда кўрарлар. Ани фойдаси шулки, қон узвға қўшилуб, жузви бадан бўлур вақтида қонға қўшилуб, ани ғализ ва маҳкам қилурки, гўё савдони қонға таъсири баманзалаи қатиғни(нг) сутға томизғининг таъсиридек бўлур. Ва савдони(нг) қонға бул тариқа таъсири сафрони фойдасидаги сафро қонни суюлтирар, деган сўзға мунофий эмас, чунки қон баданға сироят қилмасдин бурун баданни(нг) танг масомлариға кирмоқға қонни салоҳиятли қилмоқ учун сафро қўшилуб суюлтирар. Аммо қон баданға тамом сироят қилуб бўлгондин сўнгра жузви бадан қилмоқ учун савдо қўшилуб қуюлтирарки, Жаноби Ҳакими Мутлақ табиати ҳайвонийға бу қадар тасарруфот учун қудрати комила ато қилғандур. Яна бир фойдаси шулки, суяклар, тоғайлар, ватрлар, работлар, пайлар ва бошқа маҳкам ва метин халқ қилингон аъзоларни ғизосидур. Яна бир фойдаси шулки, таомға ҳожат бўлгон, яъни меъда таомдин холи бўлгон вақтда меъдаға савдодин бир ози қуйилиб, ўз ҳиддат ва туршлиги ила меъдани ачитарки, очлик шундин иборатдур, яъни меъда таомдин холи қолгонлигининг инсонни огоҳ қилур.

Билмоқ керакки, ҳукамон муҳаққиқийн наздларида балғамни(нг) совуқлиги савдони(нг) совуқлигининг ортиғроқдур. Ва сафрони(нг) иссиғлиги қонни(нг) иссиғлигининг ортиғроқдир. Ва инчунин, сафрони(нг) қуруқлиги савдони(нг) қуруқлигининг ғолибдур. Ва балғамни(нг) ҳўллиги қонни(нг) ҳўллигининг зиёдароқдир.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ахлоти арбаъани ҳаммадан афзали қондур. Чунки баданни(нг) ҳақиқий ғизосидур. Аммо бошқа ахлот гўё абозир, яъни мурч ва пиёздек ғизони мусолиҳи ҳисоб этилурки,

ҳожати аслий учун эмас, балки ҳожат туфайли учун демак мумкин даражададур. Ва яна қон баданға ҳусну жамол ва жило берур ва табиатни суюклик маҳбубидурки, ҳаё ва руҳни(нг) мизожи учун хўб муносибдур. Чунончи, агар мусҳил ичилса табиат ҳар қаю хилтни дафъ қилур, аммо маҳбуи бўлгон қонни ҳаргиз дафъ қилмас. Ва қондин сўнгра балғамни(нг) фазилати бошқа икки хилтдин ортиқдур. Чунки бил-қувва қондур ва қонға қойим мақомдур. Ва сўнгра сафро савдодин фозилроқдур, чунки ҳароратда қонға мувофиқ ва муайяндур. Сўнгра савдодурки, агарчи қонға азруйи кайфият тамом муҳолифдур, лекин қонға жузви бадан бўлмоқда бил-жумла ёрдами бордур. Аммо баёнда сафрони қондин муқаддам зикр қилинмоғи азбаройи уч ишорат учундир.

Бири шулки, сафрони(нг) табиати иссиқ ва қуруқдир. Бас, бул табиати улёдорки, улёлигиға ишорат учун муқаддам зикр қилинмоғи муносиб кўрилди.

Иккинчиси, сафро ўтни табиатидадурки, ўтни курраси фалаки қамарға муттасил биринчи куррадур ва ҳама аркондин баланддур. Бас, шунга ишорат учун муқаддам зикр қилинмоғи лозим кўрилди.

Учинчиси, сафро ҳазми каймусда ҳама ахлотни(нг) устидаги кўпукдин ҳосил бўлурки, иншааллоҳ анқарийб батафсил баён қилинур. Бас, шунга ишорат учун муқаддам зикри муносиб кўрилди.

Билмоқ керакки, бул тўрт ахлотни ҳар бирлари яна икки навъ бўлурларки, табиий ва ғайри табиий деб исм берилур.

АММО ТАБИЙ ҚОН шулки, ранги қизил бўлур. Лекин қизиллиги ҳақиқий миқдорда, яъни зоҳиран эҳсос қилинган миқдорда эмас, балки оловрангға мойилроқ оч пушти рангдур, лекин зоҳиран қизил кўринур. Чунки қон ҳақиқатан кўз бирлан эҳсос қилмоқ мумтаниъ даражада гоятда майда курра шаклидадурки, «қуравиёти ҳамро» исми ила тасмия қилинур. Бас, бир қатра қонда бир неча милйўн курра мавжуддур. Шунинг учун қизил кўринур. Чунончи, гоят даражада суюқ рангни бир кичик шишаға солинса миқдори озлик сабабидин оқ кўруниб, катта шишаға солинса миқдори кўб ва ҳажми қалин сабабдин ранги қуюқ кўрингондек қуюқ рангда кўринур ва қизил бўлмоғи табиатидин хориж бўлгондурки, ҳар нимарса мўтадил иссиқ бўлса қизил носий бўлур, яъни ўт (олов) ранглик бўлур. Чунончи, сариғлик иссиғни ўткурлигинин ғолиб бўлғони кабидурки, жигар они ўзига ўхшатиб

ишлар. Ва яна бири шулки, табиий қон жигарда ҳосил бўлур ва жигарни ранги қизил бўлғони учун ани(нг) физосини ранги ҳам табиатан қизил бўлмоғи лозимдур. Ва рангни(нг) қаролиги совуқнинг истилосидин ва оқлиги ҳануз хомлигидин хориж бўлғони кабидур. Шунинг учун ҳазм кайлусини(нг) оқлиги қачон зойил бўлса ва таомни(нг) рангида қизиллик ҳосил бўлса они истиҳолаи каймус деб ҳисоб этарлар. Ва инчунин, қонни(нг) ранги баэътибори макон ҳам мутафовутдир, чунончи дилда ва шароиндаги қон ҳам ранги пушти бўлур ва жигар авридадаги қон қизил бўлур ва бу тафовут оризийдур, иншааллоҳ ўз маҳалида баён қилурмиз. Ва илло асли қонни(нг) ранги носий ул-ҳурмат, яъни ўт рангиға мойил қизилдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, сафро ҳам носий, яъни ўт рангликдур, чунончи ўз мавридида шундоқ таъриф қилинур. Бинобарин тафовут баён қилмоқ лозимдурки, сафро агарчи ўт рангликдур, лекин табиати ғоятда иссиқ бўлган сабабли ранги сариқ рангта тоблар. Чунончи, танурда чўғ бўлиб турган ўтни кўрармизки, устида ва ёнида турғони қизилроқ бўлур. Чунки ўзини(нг) ҳарорати бирланғина мутакаййифдур. Аммо остида турғон чўғ ҳам ўз ҳароратидин мутакаййиф, ҳам атрофидаги чўғлари(нг) ҳароратидин мутаассирдурки, ҳарорати ғолибдур, ҳаттоки ани яқиниға бир чўбни юборулса, етмасдан бурун чўбни тутатмасдин дафъатан ёндира. Шунинг учун ани ранги ҳатто сариқға мойил бўлиб кўринур.

Бас, қон била сафро ҳам бири қизил, бири сариқ бўлмоғи шул эътибор иладур. Ва инчунин, сафро ҳам баэътибори макон носийликда тафовут қилур. Масалан, агар шароинда бўлса, ўз ҳароратини(нг) устиға яна дилни ва руҳи ҳайвонийнинг ҳароратидин мутаассир бўлуб, ранги оқ-сариқ бўлур.

Агар аврида ва жигарда бўлса қон кайфиятидин мунфаъил бўлуб, ранги қизил бўлур, ҳатто шароиндаги пушти ранг қонни(нг) рангинин ҳам қуюқроқ бўлур. Ва қоннинг яна бир сифати бадбўйлигидин холийлигидур, яъни туршлик ва уфунат ва афусат бўйидин пок бўлур. Ва ширинликдин ҳис этиладурган бўй албатта қонда мавжуд бўлмоғи табиийдур.

Чунки бўйсизлик бурудатни ғалабасидурки, табиий қонлик мартаба ҳосил бўлмоғанликға аломатдур. Ва яна табиий қонни(нг) бир сифати мўътадил ўл-қивом бўлмоғидур, яъни сафродек суюқ бўлмас-

лигидур. Чунки кўб сууюқ бўлса устихонларға ғизо бўлмоқ учун салоҳияти қолмас. Ва инчунин бошқа икки хилтдек қуюқ ҳам бўлмаслигидур, чунки зиёда қуюқ бўлса руҳ учун муносиб ва шойнсталиги қолмас. Аммо мўътадил бўлса ҳар иккисига мувофиқ бўлур. Бас, бул сифат ғоятда зоҳир ва маълум бўлгонлигига иктифо қилиб, мавлоно Шайх ур-раис «Қонун»ларида зикр қилмоғондурлар. Ва қонни(нг) бир сифати ширинликдур, яъни таъми гўё асал ёки шакар қўшилгонидек ширин бўлмоғидур, аммо худ асал ёки шакардек ўткур ширин эмас. Ва қонни(нг) ширинлигини нафъи азбаройи баданға ва табиатға марғуб бўлуб, бадан тезроқ ва кўпроқ жазб қилсин учундур.

АММО ҒАЙРИТАБИИЙ ҚОН табиий қонни(нг) таърифига муҳолиф бўлур. Билмоқ керакки, муҳолифлик икки хилдин холи бўлмаски, ё жамиъи сифатида муҳолиф бўлур ёки баъзи сифатда муҳолиф бўлур. Бас, агар жамиъи сифатда муҳолиф бўлса, масалан оқ, бадбўй бўлиб, бетаъм бўлса, ани ғайри табиийи мутлақ дерлар. Ва агар баъзи сифатда муҳолиф бўлса, масалан, рангда ёки таъмда ёки бўйда ёки қивомда муҳолиф бўлса, ани ғайри табиийи муҳолиф дар сифат дерлар. Чунончи, агар қизил бўлмаса ғайри табиий дар лавн дерлар ва агар бадбўй бўлса, ғайритабиий дар роиҳа дерлар. Ва агар таъмида ва қивомда бўлса ҳам инчуниндир. Ва бу ҳар икки нотабиий қон ҳам бул навъ бўлурки, ё ахлоти салосаға имтизож топиб, нотабиий бўлур ва мунга мисол кўрсатмоқ ҳожат эмас, чунки аксари амрозда бил-бидоя мушоҳада қилинур ёки куймоқ ва кайфияти тағйир топмоқдин ғайри табиий бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, инсонни(нг) баданида ахлоти арбаъаи табиийси доим аралашиб юрар. Ва шул хилтларни(нг) ранги соф бўлса қонда ва ҳам баданда ва ҳам бадандин чиққан вақтда зоҳир бўлур. Ва маризни рангидин қайси хилт ғолиблигини эҳсос қилиб бўлур, яъни ҳар жойдаги қон бўлса албатта онча аралаш бошқа хилт ҳам борлиги муқаррардур. Шунинг учун гумон қилинмасинки, агар қон нотабиий бўлиб бузилса, бошқа ахлоти салоса бирлан аралаш бўлгон сабабдин аларни ҳам бузулмоғи лозим келур. Бас, андоғ бўлса амрози дамавийи сирф асло мумкин бўлмаса керак, деб асло гумон қилинмасин. Чунки қон, агарчи бошқа ахлот ила мураккаб бўлса ҳам, лекин бирини фасоди иккинчисининг фасодини лозим тутарлик даражада якзот бўлгон эмас, балки қонни(нг) ўзини қонлик басотати боқийдур. Ва инчунин ҳар қайси хилт ҳам агарчи томурда қонға мураккаб бўлсалар

ҳам, лекин басотати аслиялари боқийлик сабабдин бир-бирларидин имтиёз ва тафриқалари бордур. Шунинг учун ҳар қаю хилтнинг ўзиға маҳсус муҳил ичилғонда ўшал хилг томурдин чиқиб келур ва бир хилтни(нг) уфунати бир бошқа хилтни(нг) уфунатиға сабаб бўлмас. Чунки ҳар хилтни моддаси бошқасини(нг) моддасиға муҳолифдур. Ва инчунин, ҳар хилтни тағйир берувчи сабаб бошқа хилтни тағйир берувчи сабабиға муғоирдур. Бас, маълум бўлдики, қонни(нг) фасоди бошқа хилтни(нг) фасодини лозим тутмас.

ВА ИККИНЧИ НАВЪ ҒАЙРИ ТАБИИЙ ҚОН бошқа ахлотнинг таъсиридин бўлмас, балки кайфийяти зотийясиға тағйир ориз бўлғон сабабдин бўлур. Чунончи, билмоқ керакки, қонни(нг) табиий бўлмоғи ҳатто суюқликда шул даражаға етарки, терлаганда тер билан чиқар. Ва бу ҳолни айнан мушаҳода қилинғондур. Ва қуюқликда ҳатто жомид, яъни ивиган ҳолға етарки, бу ҳолатни марраган баъда марротин мушоҳада қилдим ва баъзи одамдин фасд қилинғонда аввалан қон қатъийян чиқмай қолиб, сўнгра далк ва молиш ила фатила-фатила бўлуб чиқиб, бироздин сўнгр равон бўлиб чиқмоғи бир неча дафъа воқеъ бўлди. Ва жузомни қони мунжамид бўлғон бўлур. Ва муаллими аввал, яъни ҳақим Арастуни(нг) қавлиға назаран ҳар махлуқотни қони мунжамид бўлур, магар тева ила қуённи қони мунжамид бўлмас. Ва ҳар ҳайвонки, жусаси катта бўлса қони қуюқ бўлур. Ва ҳар ҳайвонки, қони бўлса албатта ани димоғи ва жигари ва дили ва ҳижоби ҳам бўлур, дебдур. Аммо нотабиий қонни бошқа ахлоти салосадин мутаассир бўлмай, балки бошқа сабаблардин бузулмоғи учун сабаб кўбдур. Чунончи, кўб ҳаракатни(нг) сабабидин ёки кўб терламоқни(нг) сабабидин ёки ҳавони(нг) иссиқ фурсатида кўп фурсат ташналик бирлан сафарда юрғон сабабдин ёки ҳарорати дамавийдин ва ё тапи диққ сабабидин ва ё бошқа сабаблардин қонни(нг) рутубати ташкил топиб қуюлур, ёки узоқ фурсат захда ёки офтобдин бебаҳра салқин жойда маҳбус бўлуб, салқин ҳаво(нинг) таъсиридин ва беҳаракатликдин қон касийф ва ғализ бўлур. Ёки ҳавонинг башиддат совуқ вақтида юпқа либос бирла сафарға чиқиб ёки қаттиқ совуқ вақтида сувға йиқилиб, совуқни(нг) таъсиридин қон ҳадди инжимодға яқин ғализ бўлурки, ҳарорати табиийядин лозиминча баҳра ололмоғон бўлур. Чунончи, фолиж бўлғон кишини мафлуж узвидағи қони ғализ бўлур.

АММАС-САФРА УТ-ТАБИИЙЯ (АММО ТАБИИЙ САФРО БАЁНИДА)

Билмоқ керакки, сафрои табиий истилои каймуc вақтидаги табиий қонни(нг) устида ҳосил бўлгон кўпигидур. Ва ранги олов ранглик ва энгил ва аччиғдур. Ва юқорида маълум бўлдики, ҳар хилти табиийнинг ҳосил бўлмоғи жигарда бўлур. Ва аларни(нг) устидаги кўпиги сафрои табиийдур ва сафрои ғайри табиийни уч хил сифати ҳам маълум бўлди. Аммо сабабларини билмоқ керакки, сафрои табиийни(нг) олов рангда бўлмоғи камоли латифлиғидиндур. Чунки қизил нимарса агар латиф бўлса, сариг рангга мойил бўлур. Иккинчи сифати, яъни энгил бўлмоғи ўтти(нг) табиатида бўлгонлиғидиндур ва ўт хафиф ул-вазндур, шунинг учун сафро ҳамма хилтнинг устида ҳосил бўлур. Учинчи сифати, яъни аччиғлик ҳиддати кўб қайнаганлигини(нг) асаридурки, кўб қайнамоқ ҳарофатга сабабдур. Чунончи, асал кўб қайнаса ҳарофат ва ҳиддат пайдо қилур. Ва исҳол тариқи ила ичакга ва қай тариқи ила ўнгачга сафро келгонда эҳсос қилинадурғон ҳиддат кўб қайнаб пишганликни(нг) ҳиддатидур.

АММО САФРОЙИ ҒАЙРИ ТАБИИЙНИНГ НАВЪИ беш навъдур. Биринчи, мирраи сафродурки, бу сафро суюқ рутубат, яъни хом балғам ила аралашган бўлур. Билмоқ керакки, мирра бакасири мим ва ташдиди рои мафтўҳа маъал ҳо луғатда шиддат ва қувват маъносидадур. Бас, шиддат таъми сафрони(нг) ҳама навъида ҳам бордур. Лекин бошқалари ва савдони(нг) ҳар бирлари баъътибори ташбиҳ исми махсусалари бордур. Аммо бул қисм сафрони(нг) мушобиҳи бўлмоғон сабабдин исми миррани бу қисмга тахсис этилди.

Иккинчи важҳи шулки, бу қисм сафро бошқа қисм сафроға назаран кўб ва касир ул-вужуддур. Шунинг учун гўё мирраи сафро шул қисмга гўё мирраи маҳсур ва бошқа қисм гўёки йўқдур, деб фараз қилингандур. Бул қисм сафро сариг бўлур, чунки сафро олов-ранг қизилдур ва балғам оқтур ва ҳар иккиси қўшилса сариг ранг ҳосил бўлур.

Иккинчи сафрои муҳийядур, яъни тухумни(нг) саригига ўхшаш сафродур.

Муҳ ба замми мим ҳойи муҳмала бамаънийи зардаи байзадур ва бу қисм сафро ҳам рангда ва ҳам қивомда ва шираликда тухумни(нг) са-

ригидекдур. Шунинг учун сафрои муҳий деб от қўйилгондур. Ва бул ҳам биринчидағи сабаб бирлан сариғдур. Лекин рутубати балғамийи гализага аралашган сабабдин қуюқдур.

Учинчиси, сафрои курросиядур, яъни ганданони(нг) рангида тўқ сабз бўлур. Ва таркиби сафрои муҳтариқага мирраи сафро аралашгандин ҳосил бўлур. Ва бул қисмни Шайх ур-раис раҳматуллоҳи алайҳ «инна-ма якуну фил-миъда», яъни «бул қисм сафро меъдадин бошқа жойда бўлмас» демаклари, эҳтимолки, бу қисмни(нг) зуҳури қай бирлан зоҳир бўлмоғиға ва бошқа узвағи сафро қай бирлан келмаслиғиға биноандур. Ва илло жигарни(нг) захираси ўлгон ўтни ичида тургон сафро ҳам сафрои курросиядур. Чунки жигар сафрои табиийни баданға физо учун юборуб турар ва ғайри табиийни хамирмоя қилуб, меъда ва ичакға томузиб турмоқ учун ўтға тобшурар ва захира қилур.

Бас, ул сафрои нотабиийда албатта сафрони(нг) мирраси ва муҳийси ва курросийси аралаш бўлур. Ва сўхта бўлиб куяр. Ва ҳар дамда меъда ва ичакдин онча сарф бўлиб турар ва бадалиға ҳар дамда жигардин мирраи сафро кўшилиб турар, яъни демак ўтдаги сафро ҳам сафрои курросиядур.

Ва бул қисм сафрони курросийи сабзранглиқ бўлғониға сабаб шулки, сафрои муҳтариқани ранги қаро бўлур ва мирраи сафрони ранги сариқ бўлур. Бас, ҳар вақт қароға сариқ аралашса, албатта, сабзранг ҳосил бўлур.

Тўртинчиси, сафройи занжорийядурки, рангги зангор рангликдур. Ва табиати сафрони(нг) ҳамма аснофидин иссиқроқ, ҳатто заҳарлик даражаға яқиндур ва бул қисм сафро ҳақиқатда учинчи қисм сафродиндур. Лекин бироз фарқ бордурки, мирраи сафроға кўшилгон сафрои муҳтариқани куйганлиги кўб бўлса сафройи зангори бўлур, чунки ҳар жисмға иссиғлик қаттиқ асар қилса жисмни(нг) табиатидаги рутубати фано бўлур. Ва табиатиға ҳаво ҳам таҳлил топиб, жисми оқға мойил бўлур. Чунончи, кул ила кўмурни тафаккур қилинса шул маъни собит бўлурки, ўтинға ҳарорат оз таъсир қилса, куйиб кўмир бўлурки, ранги қаро бўлур ва агар ҳарорат кўб таъсир қилса куйиб кул бўлурки, ранги оқға мойил бўлур. Чунки, кўмир агарчи куйган бўлса ҳам табиатидаги рутубати ҳануз боқийдур. Ва ҳам табиатидаги ҳаво таҳлил топуб, тамом бўлмоғондур. Шунинг учун кул бўлиб кетмай, ҳануз суврати кайфийясини сақлаб тургандур.

Бас, агар кул ранглик сафроға мирраи сафро, яъни сариф аралашса андин зангор ранг ҳосил бўлур.

Бешинчи, сафройи савдовийдурки, сафройи нотабийи андак савдойи нотабийиға аралашган бўлурки, фил-ҳақиқат сафройи муҳтариқ шул сафродур. Аммо сафройи курросий ва зангорийни сафройи муҳтариқ демак мажозандур ва ани ранги камудатға мойил қизил бўлур, яъни оч бинафшаранг бўлур. Ва андак савдони нотабийи демакдин мақсад шулки, агар савдо кўпроқ бўлса ғолибға ҳукм қилиб, ҳаммасини савдо дерлар ва сафройи синфиға ҳисоб бўлмас. Ва инчунин, сафройи курросий ва сафройи зангорийни(нг) ҳам ранги шулки, сафройи муҳтариқ ила мирраи сафро бир-бирларига ниҳоят даражада аралашиб, бирини(нг) ҳар бир жузъи иккинчисининг ҳар бир жузъиға тегуб турмоғи керак, яъни ҳўб аралаш бўлмоғи керак. Ҳаттоки муҳтариқ ва ғайри муҳтариқни кўз билан қараганда имтиёз қилиб бўлмаслиги шартдур. Ва илло ани сафройи курросий ёки зангорий деб бўлмас, балки ул ҳам сафройи савдовий бўлур. Аммо бул бешинчи синф сафройи муҳтариқни мавлоно Шайх ур-раис «Қонун»да баён қилмагандурлар, эҳтимолки, сафройи холисни(нг) баёнини зикр этуб, сафройи мухталит бо ғайрни холис бўлмаган сабабидин тарк этган бўлсалар ёки нисён монӣ бўлгон бўлса, валлоҳу аълам.

ИНТИБОҲ. Баъзи атиббо сафройи табиийни гўё асалдек ширин бўлур ҳам дебдурлар ва шул қавлни ҳаким Қарший ҳам тажвиз қилиб, «Шарҳи Қонун»ларида ҳикоятан «инна маразна биҳумийн кунна тақиуна фийҳа сафроа муҳйатан ва кана таъмуҳа ҳулван», яъни «биз ҳам иситма касали бўлиб, шул касал асносида сафройи муҳйия қай қилдикки, қайни таъми ширин эди», дебдурлар. Лекин ҳақирни дилимға бул қавлдин бир шубҳа ориз бўлурки, ҳаким Қарший эҳтимолки, шиддати ҳароратдин ва ранжиши касолатдин шуъурлари зойил бўлиб, сафройи қай бирлан келғониға ёки ани таъмиға саҳв қилгон бўлсалар, шояд. Ва дигар инки, баъзи атиббо сафройи табиийни ширин бўлмоғини даъво қилғондурлар. Ва бул қавлни тақвийяси учун ҳаким Қарший сафройи муҳйияни, яъни сафройи табиийни(нг) ширинлиғига тажрибаларини баён этмишлар. Лиҳозо саҳвдин холи бўлмаса керак.

Билмоқ керакки, қон сафроға қўшилмоғи ила сафро нотабийи бўлмас, чунки агар қон камроқ бўлса ани сафро ўзига қўшуб, сафро қилуб

олур. Ва агар қон қўб бўлса ани хуни сафровий дерлар. Аммо сафрои нотабий демаслар.

Бас, маълум бўлдики, сафро балғамға аралашиб, балғамға ани кайфийяти ва ҳиддати ғолиб бўлса ёки савдоға аралашуб анга миқдори ғолиб бўлса, ани сафрои нотабий дерлар. Ва илло қонға аралашган бирлан асло нотабий бўлмас.

ФОИДА. Мизожи мўътадили ғайри ҳақиқийни мавридида баён қилдики, эътидол деб бир чегарани айтилулки, бу чегарани(нг) аввал даражаси ва охир даражаси ва ўрта даражаси, яъни маркази бордулки, ани номини ҳоққ дерлар деб эдук. Инчунин, жигарда ҳазми каймусдин ҳосил бўладурган савдо ва балғам ва қон ва сафроларни ўзлариға махсус чегаралари бордулки, бул чегарани ҳам аввал даражаси ва ўрта даражаси ва охир даражаси бордур. Бас, ушбу даражаларини(нг) ичидаги хилтлар табиийдур ва бул даражадин ўтса нотабий бўлур. Бас, мундин маълум бўлулки, сафрои табиий ҳам бир мартабада бўлмай, аъло ва адноси бўлур, яъни баъзисини(нг) ҳиддати камроқ ва баъзисини(нг) ҳиддати ўткирроқ бўлур.

Бас, жигар сафрои табиийни кам ҳиддатроғини қонға қўшуб баданға юборур, токи ул баданни(нг) ғизосиға муносибдур. Ва ҳиддатлигини ўтга юборур, токи ани ҳиддати меъда ва ичак ва мақъад узлаларини огоҳ қилмоқға мувофиқ ва муносибдур.

Аммо балғами табиий деб тезда қон бўлмоқға салоҳиятли рутубатни айтилулки, яъни гўё чала пишган қонни айтилулки, бул хом яна пишуб, қон бўлуб, баданға ғизо бўлур ва тезда демакдин ғараз балғами нотабийяни бул таърифдин хориж қилмоқдур. Чунки балғами ҳомиз ва балғами таффалар аз жумлайи балғами нотабийядур. Лекин аларни(нг) қон бўлмоғиға салоҳиятлари бўлса ҳам баъид ул-истиҳола, яъни кечикуб боруб қон бўлулар. Аммо балғами таффа балғами ҳомизға назаран фил-жумла қарийб ул-истиҳолароқдур.

Билмоқ керакки, балғами табиийки, сафро ва савдолардек махсус макони йўқдур, балки қон бирлан аралашуб, томирларни(нг) ичида юрар ва ҳожат вақтида қон бўлуб баданға ғизо бўлур.

Билмоқ керакки, балғами табиий агарчи зоҳиран сувдек кўринса ҳам, ҳақиқатан бул ҳам қонға ўхшаш майда курралардин иборатдулки, ани «куравийёти байзо» дерлар ва ани(нг) қонға нисбатан миқдори инсонни(нг) мизожиға кўра мутафовутдур.

Ва балғами табиийнинг икки сифати бордур. Бири шулки, таъми андак ширин бўлур, чунки қонлик даражаға яқиндур ва ширинлик қонни(нг) лозимасидур.

Иккинчиси, мўътадил ул-қивомликдур, яъни қонға назаран андак ғализроқ бўлур, чунки пишуб етишулмоғондур ва табиати ҳам ўткир совуқ бўлмас, балки баданни(нг) мизожиға нисбатан андак совуғроқ ва қон мизожиға нисбатан совуғлиги қўброқдур.

Аммо балғами ғайритабиий аз рўйи таъм беш қисм ва аз рўйи қивом тўрт қисм бўлурки, мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ аз рўйи таъм тақсимини баён қилуб, аз рўйи қивом тақсимға илтифот қилмабдурлар. Чунки бул қисм ҳам аввалғи қисмларға муттаҳид биз-зотдур.

Ва билмоқ керакки, балғами нотабиий деб қон бўлмоқ учун ҳануз даражаси қўб узоқ бўлгон рутубатни ва ҳам қон бўлмоқ учун асло салоҳияти бўлмоғон рутубатни айтурлар. Хоҳ бу рутубатни таваллуди жигарда бўлсун, хоҳ меъда ва мосариқода бўлсун, ҳар тарийқода бўлса ҳам ҳоли табиийдин ўзгалиги аз рўйи таъм ва аз рўйи қивом бўлур. Аммо аз рўйи ранг ва бўй бўлмас, чунки балғамни ҳамма ақсоми ҳам совуқдурки, совуқлик оқлик ва бўйсизликға сабабдур. Ва шунинг учун ҳамма ақсоми ҳам оқ ва бўйсиздур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, балғами табиий агар уфунат пайдо қилса ҳам нотабиий бўлмас, чунки уфунат бир қисмға хос эмас ва табиий ва нотабиийға баробардур. Зероки, балғами табиий деб истилоҳда жигарда ҳосил бўлгон балғамни айтурларки, болода зикр қилинган сифатларда бўлур. Бас, агар шу сифатлари ўзгарилмай боқий турса, ани тааффунидин мақсудға зарар бўлмас.

Бас, беш қисм балғами нотабиийнинг биринчи қисми балғами шириндурки, балғамға андак қон аралашган бўлур. Аммо рангдин қизиллик эҳсос қилиб бўлмаслик миқдорда аралашур ва бу қисм балғам аксар китобларда баён бўлмоғондур.

Иккинчи қисми балғами шўрдурки, анга мирраи сафрон муҳтариқа аралашган бўлур. Лекин рангидин сариқлик эҳсос қилиб бўлмаслик даражада қўшилур ва бу қисм балғам ҳамма балғамлардин иссиғроқ ва қуруғроғидур. Ҳатттоки Шайх ур-раис ҳадди эътидолдин кўра иссиқ ва қуруқликға мойил, дерлар. Ва бул сўз ҳукамо ўрталарида кулли балғам совуқ ва ҳўл деган куллийя сўзлариға муҳолиф бўлмас. Чунки балғамни(нг) совуқлиги қонға назарандурки,

ҳарчанд балғам иссиғ бўлса ҳам, лекин қондек иссиқ эмас ва андин совуқроқдур. Ва инчунин балғам ҳарчанд қуруқ бўлса ҳам сафродин ҳўлдур. Ва инчунин балғамни(нг) совуқ ва ҳўллиғи табиатини эътибори иладур. Бас, ҳарчанд ҳарорат ва йбусат ориз бўлса ҳам они табиий мизожиға монё бўлмас, чунончи, сувни ҳарчанд иситилса ҳам табиий совуқлиғи боқий турар.

Ва бул балғамни шўр бўлмоғининг сабаби шулки, сафродин бир миқдор мўтадил аралашса балғамнинг баъзи ажзосини куйдирар ва шул сабабдин андин тахирлик ориз бўлур. Ва тахирликни устиға сафронни аччиғи қўшилса балғамда бир ҳиддат ҳосил бўлурки, номини шўр дерлар.

Учинчи қисми нордон балғамдурки, бошқа балғаи собиқаларға назаран бунга ҳарорат озроқ таъсир этган бўлур ва бу балғамни табиати совуқ ва қуруқға мойилдур. Аммо нордон бўлмоғиға тўрт сабаб бордур. Бирини шулки, балғамда андак савдон турш аралаш бўлур ва балғамни турш қилур. Иккинчиси шулки, ширин балғамға ўзини ҳарорати ғаризийясининг ғолиброқ ҳарорати ғариба ориз бўлиб балғамни қиздирур ва тарбия қилиб тургон ҳарорати ғаризийясини таҳлил берар. Шунинг учун балғам турш бўлур, чунончи ширин узумнинг шарбатини офтобга қўйилса турш очор бўлур. Учинчиси балғамни ширинға совуқ асар қилиб, ани ҳарорати ғаризийясини камайтирур, шунинг учун балғам турш бўлур. Чунончи хамр ва набизлар совуқни(нг) шиддатида турш бўлур.

Тўртинчиси, балғаи таффа, яъни ниҳоятда хом балғамға ҳарорати ғаризий камроқ таъсир қилур ва ширин қилиб еткиза олмас. Чунончи, ўрик ёки узум янги ҳосил бўлиб гулдин чиқғонда таффа, яъни бетаъм бўлур. Сўнгра онча ҳарорат камроқ таъсир қилса турш ғўра бўлур.

Бешинчиси, балғаи афсдурки, аччиқтошни таъмида бўлур, яъни бул балғамға жавҳари арзий ғолибдур ва бошқа хил балғамларни(нг) ҳаммасидин касийфроқдур ва бул балғам икки хил сабаб ила ҳодис бўлур. Бирини шулки, балғамға хом савдодин бироз миқдор қўшилиб, таъминини афс қилур, чунки хом савдони(нг) таъми афс бўлур ва пишғондин сўнг турш бўлур. Иккинчиси шулки, балғамға қаттиқ совуқ асар қилиб, моъийятини ҳадди инжимодға, яъни муз ҳукмиға еткизар

ва шул сабабли бул балғам жавҳари моъийятидин жавҳари арзийға айланиб, афусат ҳосил қилур ва бу қисм ҳам совуқ ва қуруға мойилдур ёки балгами туршдин зиёдароқ мойилдур.

Бас, бул балғам ниҳоятда хом ва бетаъм бўлмоғиға сабаб шулки, анга сув жавҳари ғолибдур ва ҳамма балғамлардин совуқроқдур. Ва баънид ул-истиҳола, яъни қон бўлмоқ учун даражаси узоқроқдур. Ва буни номини масих ҳам дерларки, бамаънийи бетаъмдур. Ва бетаъмлигиға сабаб ҳануз хомлиги ва янгилигинин уфунат ҳосил қилмаганлиги ва бошқа бир таъмлик хилтға қўшилмағони ва анда сув жавҳари ғолиблигидур. Лекин фақат ин-жимод сабаби бирлан афусат ҳосил қилгон бўлур.

АММО АЗ РЎЙИ ҚИВОМ ТЎРТ ҚИСМНИ БАЁНИДА

Билмоқ керакки, балгами нотабий аз рўйи қивом икки хил эҳти-молда бўлурки, ани қивоми бир маромда бўлур ёки баъзиси суюқ, баъзиси қуюқ бўлур. Ва агар қивоми бир маромда бўлса ани мутта-фиқ ул-қивом дерлар. Агар суюқ ва қуюқ аралаш бўлса мухталиф ул-қивом дерлар ва буларни(нг) ҳар бири яна икки хилдин бўлуб, маж-муъи тўрт хил бўлур.

Биринчиси муттафиқ ул-қивом ур-рақиқдурки, ниҳоятда суюқ бўлур, чунки анга сув ажзоси ғолибдур ва ўзи ҳам сувға ўхшаш кўри-нурки, номини «балгами мойи» дерлар.

Иккинчиси ғоятда ғализ бўлурки, ани балгами жасий дерлар. Чун-ки сувға қўшуб атола қилгон гажға ўхшар. Ва бул ҳамма балғамлардин қуюқроғидур.

Учинчи, мухталиф ул-қивоми муҳсусадир ва ани балгами мухотий дерлар. Чунки мухотдек суюқ ва қуюқ аралашлиги кўзға маҳсус бўлур.

Ва мухот деб бурундин келган рутубатни айтилуру.

Тўртинчи, мухталиф ул-қивоми ғайри маҳсусадурки, ғайри маҳсуса-ни(нг) мухталиф ул-қивомлиги ани баъзи ажзоси жисмға тезроқ сингиб, баъзи ажзоси тездин синголмоғонидин тажриба ила ҳукм қилинур.

АММАС-САВДО УТ-ТАБИИЙЯ, яъни савдои табиийя деб қонни дурдасини айтилуруки, истиҳолаи каймусийяда ажраб таҳнишин бўлур

ва бошқа ахлот, яъни балғам ва сафродин бу дурда ажрамаски, сабаби отийда зикр қилинур. Ва табиати совуғ ва қуруқ бўлур.

Ва билмоқ керакки, савдони нисбати бошқа ахлотга назаран ба-манзалаи заминдур. Шунинг учун ҳосил бўлмоқда ҳам таҳнишин бўлур. Инчунин, бошқа ахлотдин ажрамоқда ҳам гўё суюқ нимарсадин лойқа ажрагандек ажрар ва баёни таваллуди ахлот мавридида мафассал зикр қилинур, иншааллоҳу таъоло.

Бас, савдони(нг) табиийлиги қонға қараб бўлурки, агар қон табиий бўлса, андин савдои табиий ажрар. Агар қон нотабиий бўлса, андин савдои нотабиий ажрар. Лекин бу маъни ибтидои ҳусулдадур. Аммо баъд аз-ҳусул баъзи сабаб бирлан савдойи табиий нотабиийликга ўзга-рилмоғи ҳам мумкин дур.

Ва билмоқ керакки, савдои табиийни таҳнишин бўлиб ажрамоғи учун қобилиятлик хилт қондур. Ва бошқа ахлотдин савдои табиий ажрамоғи мумкин эрмас. Чунки, масалан, балғам ғоятда лузужатлик ва ширадорлик сабабидин ҳамма ажзоси бир-бирига боғлиқ ва марбут-дур. Ва ҳам қонға назаран балғам софроқ ва покроқ бўлиб, жавҳари арзийяси, яъни дурдаси ғоятда оздур. Ва бул дурдани миқдори вази лузужатлик балғамни ёриб тушиб, таҳнишин бўлмоғига кифоя қилмас. Аммо сафродин дурда ажрамаслиғига сабаб уч важҳдиндур.

Бири шулки, сафро ниҳоятда суюқ ва сафолик бўлурки, гўё анда дурда мутлақо йўқ қаторида оздур. Бас, оз миқдорлик дурда кўб миқдорлик сафрони ёруб келиб, таҳнишин бўлмоқга етиша олмас.

Иккинчи важҳ шулки, сафро доим ҳаракатдадур ва баданнинг ҳар бир жузъидаги қонларни латиф қилиб, тегишлик жойларига кирмоғига ёрдам бермоқ учун тамоми баданда сайр қилиб айланиб юрар. Ҳаттоки, андак фурсатда бутун баданни бир неча маротаба айланиб келур.

Бас, мундоқ сайри ҳаракат нимарсани(нг) ичидаги ғоятда оз миқдорлик дурдани(нг) таҳнишин бўлмоғи мумкин эмас. Чунончи, бир жойда турган сувни лойқаси ажраб таҳнишин бўлур, аммо тез оқиб турган сувни(нг) дурдаси чўкмоқдин зиёда ариқни ковлаб, лойини оқизиб кетар.

Учинчи важҳ шулки, баданда сафрони(нг) миқдори ғоятда оз бўлур ва яна ғоятда сафоликдур. Бас, ани(нг) дурдаси йўқ даражада оз бўлур. Аммо сафрода ҳарорати ғаризийя хўб ғолиб бўлурки, агар дурда паст тарафга чўкмоқни тақозо қилса, ҳарорат ани кўтармоқни тақозо қилур. Чунончи, лойқа сувни қайнатилса, лойи кўпикдек сувни(нг)

юзига чиқар. Аммо онча ҳарорати ғариба ориз бўлса, ул дурдани му-тааффин қилур ва табъидаги латиф ажзосини таҳлил берур. Ва касиф ажзоси куюб рамл, яъни майда қум ҳукмида оғирлик табиат ҳосил қилиб чўкар. Лекин у куйгандурки, савдои нотабийидур ва табиий эрмас. Бас, маълум бўлдики, ахлотдин дурда ажрамоғиға бу қадар шароит лозим экан. Бас, балғам ва сафродин ажралмоғон дурда сав-додин батариқаи авло ажралмас.

АММО САВДОИ ҒАЙРИТАБИЙ деб ҳар қаю ахлотни куйга-нини айтилуру, чунки ҳақиқатда савдои табиий ҳам ҳазми каймусдаги жавҳарини(нг) куйганидин иборатдур. Бас, савдои мутлақдин мурод куйганликдурки, хоҳ табиий, хоҳ нотабий бўлсин, албатта шул маъ-ниға мусталзимдур. Бас, агар савдои табиий куйса, ани савдои нота-бий бўлмоғида шубҳа йўқдурки, савдои нотабийийи ҳақиқий дер-лар. Ва бошқа ахлот куюб савдо бўлса, ани савдон эҳтироқий дерлар-ки, эҳтироқ агарчи савдои нотабийийи ҳақиқийда бўлса ҳам, лекин ул ҳақиқийлик сифати бирлан мумтоздур. Шунинг учун истилоҳи атиб-бода эҳтироқнинг ахлоти салосанинг куйғониға махсус қилинғондур ва инчунин миррайи савдо ҳам дерлар. Чунки мирра бамаънийи ҳид-датдур, яъни куйиб ҳосил қилғон ҳиддат деган мазмундир. Лекин сав-дои эҳтироқийнинг ҳиддати куйган хилтни(нг) ҳиддатиға қиёсан та-фовутлик бўлар. Масалан, сафронинг эҳтироқи қонни(нг) эҳтироқи-дин ўткирроқ бўлур ва казолика баданға зарарни(нг) миқдори ва таъ-сирининг суръат ва носуръатининг таъсири ҳам хилтиға қиёсан мута-фовутдур. Масалан, қон ҳамма ахлотдин афзал ва ҳаёт ва сиҳҳатға муносиб бўлғон сабабидин ани(нг) эҳтироқининг зарари баданға оз-роқ ва ҳам таъсири кечроқ бўлур. Ва сафрони ҳиддати ва баданни нуфузининг суръати ва баифрот бўлғон сабабидин баданға зарари ҳам шиддатлик ва таъсири ҳам тезроқдур. Лекин зотан ўзини моддаси ла-тиф бўлғон сабабли тезроқ илож қабул қилиб, андак муддатда тамом бўлур. Ва савдои рақиқни эҳтироқи савдои ғализни(нг) эҳтироқидин ёмонроқ бўлур. Лекин латофати сабаблик иложпазирроқ бўлур. Ва савдон ғализни эҳтироқи савдои рақиқдек баданға сарни ун-нуфуз эмас, чунки ғализдур, шул сабабли таҳлил беруруб тарқатмоқ ёки мун-зиж бирлан пишируруб, латиф қилмоқға қобилияти бўлмоғон сабабдин иложпазир эмас. Ва савдои балғамий хоҳ рақиқ, хоҳ ғализ балғамдин бўлсунки, радоатни кўб қабул қилмас.

Аммо зотан шира ва лузужати бўлгон сабабдин таҳлилни ҳам тез қабул қилмас. Ва агарчи самара камроқ бўлса ҳам, лекин асари кўпроқ фурсатга борур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, савдои дамавийда қонни(нг) ҳама ажзоси куйган бўлса, таъми аччиқ бўлур ва агар баъзи ажзоси куйган бўлса, таъми ширинга мойилроқ шўр бўлур. Ва савдои сафровий савдои дамавийдин аччиғроқ бўлур. Савдои балғамий агар балғами мойидин ҳосил бўлгон бўлса, таъми шўрға мойил аччиғ бўлур. Ва агар балғами гализдин ҳосил бўлгон бўлса, таъми туршға мойил аччиғ бўлур. Агар балғами афсдин ҳосил бўлгон бўлса, таъми мозу ёки аччиқтош таъмига мойилроқ аччиқ бўлур. Ва савдовий сувоқ савдодин ҳосил бўлгон бўлса, таъми ўткир нордон бўлурки, ҳам таъми ва ҳам иси ўткир сиркага ўхшар.

ИНТИБОҲ. Бир навъ савдои нотабий бўлурки, ахлоти салосадин қаю бирига агар хориждин ёки дохилдин қаттиқ совоқ асар қилиб, инжимод даражасига еткурса, инжимод сабабидин жавҳари арзийяга мустаҳил бўлуб, савдои нотабий бўлур. Лекин бул савдо ғоят даражада кам воқия бўлур, чунки совоқ таъсирига мутаассир бўлмоқға ҳама ахлотдин қобилроғи балғамдурки, агар анга совоқни асари кам бўлуб, муз ҳолига еткуролмаса, ул вақтда балғами афс бўлур, савдо бўла олмас. Ва агар музлатурлик даражада совоқ асар қилса аксаран ҳалок бўлур, фаразан саломат қолса, анда балғами савдои нотабий бўлур.

Бас, бу хил савдои нотабий ниҳоят даражада кам воқеъ бўлмоғидин агар ҳукамои мутақаддимийнинг китобларида мазкур бўлса ҳам мавлоно Шайх ур-раис «Қонун»ларида эътибордин соқит қилдилар. Бас, мазкур бўлгон савдоларни ҳамма ақсомларини ранги қаро бўлур.

ТАВАЛЛУДИ АХЛОТ БАЁНИ

Билмоқ керакки, ғизо деб инсоннинг баданидан бир жузь бўлиб қўшилмоқға салоҳиятлик нимарсани айтурларки, бул нимарсалар меъдада ўзгарилиб, қуюқ кашкобдек жавҳари ажралар ва бу ҳолни(нг) номи «ҳазми кайлус»дир. Ва бу жавҳарни тафли ичак тарафиға кетар ва жавҳарни меъда «қуввати дофиъа»си бирлан рағи мосариқо воситаси

ила дафъ қилур. Ва жигар ҳам ўзини(нг) қуввати жозибаси ила мазкур мосариқо воситаси ила жазб қилур.

Бас, мазкур жавҳар шул тариқа ила жигарга борур, лекин жигар меъдадек ковак эмас, балки сувни шимиған пахтадек мағзиға сўруб олур. Ва жавҳарни(нг) ҳам бир жузъи жигарни(нг) ҳар бир жузъиға тегиб турар. Ва жигар ўзининг ҳарорати зотийяси ила жавҳарни иситиб пиширар ва бу ҳолатни «ҳазми каймуси аввал» дерлар. Ва бу ҳазмда мўътадил пишган жавҳар қондур. Ва юзига чиқғон кўпиги сафродур. Ва тагиға чўкиб қолғон дурдаси савдодур. Ва чалароқ қолғон хомроғи балғамдур. Ва бул ахлотни(нг) нисбатлари биайниҳи арконни(нг) нисбатидекдурки, аркон бадани инсонға жузви аввалия эди. Ахлот жузъи сониядур, яъни аркон ўзгарилиб ахлот бўлғондур. Ва ушбу тариқадаки, Ҳазрати Ҳакими мутлақ коинотни бир неча мартаба тўрт хил нимарсадин яратғондур. Масалан, биринчи тўрт аркони арбаъаки, ўт, ҳаво, сув, туфроқдур. Ва иккинчи мизождурки, баҳасби фурудо иссиғ, совуқ, ҳўл, куруқдур. Ё баҳасби таркиб иссиғу қуруқ, иссиғу ҳўл, совуғу қуруқ, совуғу ҳўлдур.

Учинчи тўрт савроти арбаъа, ахлоти арбаъаки, қон, сафро, балғам ва савдодур. Тўртинчи тўрт, яъни кайлус, каймуси аввал, каймуси сонийки, рутубати сонийя дерлар, каймуси солиски, рутубати солиса дерлар. Ва инчунин, бақойи инсонға тўрт нимарсани сабаб қилғондурки, димоғ, дил, жигар, унсайайндур. Ва ҳаёти инсонға тўрт нимарсани сабаб қилғондурки, руҳи Илоҳий, руҳи нафсоний, руҳи ҳайвоний, руҳи табиийдур. Ва инчунин, инсон тарбияси учун тўрт фаслни муҳаввил қилғондурки, баҳор, ёз, куз, қишдур. Бас, шул мазкур бўлғон арбаъот, яъни тўртларки, мажмуъи ўн етти тўртдур ва «арбаъоти сабъата ашара» исми ила мусаммодир. Ҳаммаси нисбатан бир тўртға, яъни арконға мувофиқ, балки ҳақиқатлари аркондур. Ва ҳаммаларини муфассалан баён қилинур, иншааллоҳу таъоло.

Билмоқ керакки, арконнинг бобида биз аркондин мурод ўт, ҳаво, сув, туфроқ деб ижмолан зикр қилиб эдук, аммо ҳақиқатда аркон бу дунёда мавжуд бўлиб турган ўт, ҳаво, сув, туфроқ эмас, балки буларнинг асл моддаларидур. Ва бул моддалар кўзға кўринмоқ ёки эҳсос этилмоқ учун яна тўрт нарсаға муҳтождурларки, бири майл, бири саврат, бири суврати навъийя, бири суврати кайфийядур, яъни моддани бир қуввати бордурки, ани бирлан ҳиддат ва қобилият вужуд ҳосил

қилур. Бас, бул қувватни(нг) номи истилоҳи атиббода майлдур. Ва майлини маъноси мойил бўлмоқдур. Ва модда ҳам вужудини зоҳир қилмоққа мойил бўлғонда биринчи дафъа сабаб шу қувват бўлғонликдин номини майл дерлар.

Иккинчи саврат, яъни ҳиддатдурки, ўт моддаси ўзини қувваи майлияси куйдириш ҳиддатини ва сув ҳам ўз қувваи майлияси ила совутиш ҳиддатини ҳосил қилур. Ва бошқа аркон моддалари ҳам инчуниндур.

Бас, модда бул майл ва саврат ила суврати навъийя ҳосил қилур, яъни дунёда мавжуд бўлмоқлик учун қобилият ҳосил қилур.

Тўртинчи суврати кайфийядурки, модда ўз қувваи майлийяси ва саврати ва суврати навъийяси ила суврати кайфийя, яъни вужуди зоҳирий ҳосил қилиб, ўт моддасидин ўт ва сув моддасидин сув ва ҳаво моддасидин ҳаво ва туфроқ моддасидин туфроқ мавжуд бўлур. Лекин бул ҳам ҳозирғи мавжуд бўлиб турган ўт, сув, ҳаво ва туфроқларни биайниҳи ўзи эрмас. Балки, ғолиброқ жузвидур, чунки фасли арконда ижмолан зикр қилингандек, ҳар бир аносир ўзгарилиб, ҳар бири ўзини кайфиятини йўқотиб, бошқасининг кайфиятига кирар, масалан, ўт ҳавога қўшилур ва ҳаво сувга қўшилур ва сув тупроққа қўшилур ва тупроқ ўтга қўшилур ва шунинг учун ҳозирғи ўтда сув, ҳаво, тупроқ аралаш бўлур ва ҳавода ҳам ўт, сув, тупроқ аралаш бўлур ва сувда ҳам ўт, ҳаво, тупроқ аралаш бўлур ва тупроқда ҳам ўт, ҳаво, сув аралаш бўлур. Лекин ҳар бирларини(нг) ўз моддалари бошқа аралашган моддага назаран ғолиб бўлур. Аммо холис эрмас, шунинг учун дунёдаги махсус ўт, ҳаво, сув, тупроқларни аркон ва аносир деб бўлмас, чунки аносирни холис модда бўлмоғи шартдурки, андин бошқа бир нимарсани(нг) ажрамаги мумкин бўлмаслиги шартдур. Бас, аносирни(нг) шартлари бу тариқа бўлганликдин, замонамиздаги моддийюн фирқаларини аносир етмиш тўрт хил ёки саксон хил бўлур, деган сўзларни(нг) ботиллиги ўз-ўзидан собитдур. Чунки аларни(нг) кўрсатган аносирлари жумласидан, чунончи калий, яъни туз жавҳари ва натрий, яъни тахир шўрлик жавҳари ва гугурд ва фосфор, яъни ёнар моддаси ва симоб ва олтин ва темир ва бошқалардур. Бас, агар биз гугурдни ёндирсамиз ёнар. Бас, маълум бўлдики, гугурдда ёғ бор экан, ёнди. Ва ҳам андин дуд ва бўй чиқар. Бас, маълум бўлдики, анда ҳомиз ул-қорбун ва жавҳари арзиййи духония бор экан. Ва қолғони кул бўлди. Бас, маълум бўлдики, анда тупроқ бор экан. Бас, мод-

дийюн фирқалари ўзлари қойилдурларки, ҳамма кулда поташ, яъни ишқор мавжуддур ва ишқор деган албатта уч нимарсадин холи бўлмаски, бири кули холис, яъни жавҳари арзийя ва бири калий, яъни туз жавҳари ва бири натрий, яъни тахирлик жавҳаридур ва буларнинг ҳар биридан яна тўрт нарсани ажратмоқ мумкиндурки, биринчи азот, иккинчи муваллид ул-мо ва учинчи муваллид ул-ҳамуза, тўртинчи ҳомиз ул-қорбундур.

Бас, тафаккур қилмоқ лозим бўлдики, унсур деганлари гугурддин, иккинчи ва учинчи «унсури мустақилла» деганлари калий ва натрийлар ҳосил бўлди. Бас, калий ва натрийни аносир ададига яна алоҳида қўшиб ҳисоб этмаклари ва гугурдни шул қадар нимарсадин мураккаб бўлиб турган ҳолида ани бир унсур деб ҳисоб этмаклари, нақадар равшан хато экани муҳтожи баён эрмас. Ва инчунин, темир ва олтун ва симобларни ҳам нақадар жабоис ва фузалот ва жавҳари арзийя ва бошқаларга ажрамоғи маълумдур ва тариқан хусуллари боби арконда ижмолан мазкурдур ва зиёда тафсилотга муқтазий зотлар «Мабодийи улуми табийи»ни кимёвий қисмига назар қилмоқлариға таклиф этуб, сўзни мухтасар қилинди.

Билмоқ керакки, моддийюларни аносир деган етмиш тўрт хил нимарсалари бадани инсонда мавжуддур, лекин аркондин бул нимарсаларни айнан зоти мавжуд бўлур, аммо ахлоти арбаъадин буларнинг кайфияти ҳосил бўлур, яъни темирлик қуввати ва симоблик қуввати ва гугурд қуввати ва бошқалар қуввати худ ахлоти арбаъадин ҳосил бўлурки, бизлар ани салобат, салобати бадан ва матонати бадан дермиз. Ва гугурд ва олтунлар аркони арбаъани ўз нафсидин ҳосил бўлгон эдики, алар коинотни жузви аввалияси эрдилар ва алардин гугурдлар ва олтинлар ва темирларни жузви аввалияси, яъни зоти мавжуд бўлгон эрди. Аммо ахлоти арбаъа аркондин бир неча маротаба ўзгарилуви ила ҳосил бўлгон аъжзон сониядур, шунинг учун булардин ҳосил бўлгон гугурд ва олтин ва темирларни ҳам аъжицаи сониялари, яъни табийи қувватларидан ҳам ҳосил бўлурларки, ҳаммаларини ҳақиқатлари фақат аркони арбаъадур.

ВА АРБАЪОТНИНГ ИККИНЧИСИ амзижаи арбаъадурки, бул ҳам икки навъ бўлуб, амзижаи зотий ва амзижаи кавоифий ёки оризий деб тасмия қилинур. Масалан, арконни бир-бирлариға қўшилуб, ҳар қаюлари ўз зидлариға муқовамат ва қаршилиқ қилиб, бир-бир-

лариға ғолиб ё мағлуб бўлолмай, чарчаб ҳар қаюларининг кайфиятлари ўз-ўзидин мункасир бўлгон сабаблик, ўртада бир кайфияти муштариқа ҳосил бўлурки, бул кайфият мизожи зотий, яъни арконнинг зотиға ориз бўлгон мизождур. Ва бул мизож бирлан аркондин қуввати мунбита ва қуввати мусаввира ҳосил бўлуб, маволиди салоса ҳосил қилур. Иккинчи, мизожи кавоифдурки, бул ҳам уч хил бўлиб, бири маволиднинг, яъни наботот ва маъданиётни ўзгарилуви ила ҳосил бўлгон ахлоти арбаъани мизождур. Ва биринчи мизож арконға офтобни тобиши ила ҳосил бўлгондек, иккинчи мизож ахлотға қувваи табиийяни тобиши ила ҳосил бўлур. Ва учинчи мизожи кавоиф ахлоти арбаъани таркибидин мураккаб ва мавжуд ўлгон инсон ва сойири ҳайвонот мизождур. Ва наботот ва маъданиёт мизожлари ҳам шул қисмдиндур.

Ва учинчи мизожи кавоиф инсон баданиға жузви бадан бўлмоқ учун ахлотни инсоннинг ҳожати салоҳияси миқдорида таркиб топганларидин ҳосил бўлгон кайфияти мутавасситадурки, ҳусули лабан ва ҳусули маний шул мизож ила ҳосил бўлур ва бул мизожи ҳусулийға ҳам қувваи табиийя ҳам қувваи ҳайвонийяни тобиши муассирдур.

ВА АРБАЪОТНИНГ УЧУНЧИСИ савроти арбаъадурки, азот, муваллид ул-мо ва муваллид ул-ҳамуза, ҳомиз ул-қорбун исмлари ила мусаммодур ва саврот, яъни ҳиддатлар демақдур. Ва бу ҳиддат ҳам аркондан, ҳам амзижадин, яъни жамийки мавжудотда ориз ва ҳосил бўлгон кайфиятдур. Аммо, бу кайфиятни тариқаи ҳусуллари ҳам гўё ахлоти арбаъани тариқаи ҳусулларидекдурки, анвоъи мухталифадин мураккаб бўлгон жавҳарларни қивомида мўътадил пишган азотдурки, ахлоти арбаъаға қиёсан қон ҳукмидадур ва бошқа ахлотға назаран қонни миқдори кўпдур, табияти ҳам қон ва ҳаво табиятидадур. Ва хомроқ қолғони муваллид ул-модурки, гўё балғамдек азотдин кейинги даражада кўб миқдордаги шулдур ва тиабияти ҳам балғам ва сув табиятидадур. Ва кўпроқ пишғони муваллид ул-ҳамузадурки, гўё сафродек муваллид ул-модин кейинги даражада озроқ миқдордадур, табияти ҳам сафро ва ўт ҳукмидадур. Ва куйган дурдаси ҳомиз ул-қорбундурки, гўё савдодек ҳаммадин оз миқдорда бўлур ва табияти ҳам савдо ва тупроқ табиятидадур. Аммо савроти арбаъани арконда бўлмоғи ушбу тариқададурки, дафъаи аввалда майл, савротти аслия, суврати навъия, суврати кайфияларға муттасиф бўлуб, бир

ҳолати рукнияди тайёр бўлгонларида аксар жирмлари ҳолати эътидолда бўлурки, азот шундин иборатдур. Ва баъзи жирмлари ҳолати эътидолдин камроқ пишган бўлурки, муваллид ул-мо шундин иборатдур. Ва баъзи жирми ўтиброқ пишган бўлурки, муваллид ул-ҳамуза шундин иборатдур. Ва баъзи жирми тўйиб кетган, яъни салоҳиятдин чиқиб дурда бўлгон бўлурки, ҳомиз ул-қорбун шундан иборатдур.

Аммо, савроти арбаъани амзижада бўлмоғи ушбу тариқадаки, аркони арбаъа бир-бирларига қўшилиб имтизож топгонда кайфияти мўтадилада мумтазиж бўлгонлари азотдур. Ва хомроғи муваллид ул-модур ва ўтиброқ пишгани муваллид ул-ҳамузадур ва куйиб кетгани ҳомиз ул-қорбундур. Масалан, ҳар нимарсаики, анда қаю бир аркон ғолиб бўлиб, ани яна ҳомиз ул-қорбуни ғолиб бўлса, у нимарса заҳардур. Ва ҳар нимарсаики, анда бўлгон арконни муваллид ул-мои ғолиб бўлса, анинг қуввати озу кам таъсир бўлур. Ва ҳар нимарсаики, ани ғолиб арконида муваллид ул-ҳамуза ғолиб бўлса, анинг таъсири ғолиб бўлур. Ва ҳар нимарсаики, ани ғолиб арконида азот ғолиб бўлса, ани таъсири мўътадил ва басалоҳ бўлур. Масалан, ҳавода азот, муваллид ул-мо, муваллид ул-ҳамуза, ҳомиз ул-қорбун ҳаммалари мавдждудур. Ва аларнинг манфаатлари шулки, ахлоти арбаъадин бадани инсон тарбия ва баҳра топгонидек, бул савроти арбаъаи ҳавониядин бутун жаҳон бадани баҳра олур. Чунончи, муваллид ул-мони табиати сув табиатида бўлгон сабаблик анинг таъсиридин дарахтларнинг баданида сув пайдо бўлур. Ва азотни табиати қон табиатида бўлгон сабабдин ани таъсири ила дарахтларни баданига жузви бадан ҳосил бўлуб, кўкарур ва мева ҳосил қилур. Ва муваллид ул-ҳамузани табиати сафро ва ўт табиатида бўлгонликдин анинг таъсири ила меваларга ҳарорат пайдо бўлуб пишарлар ва ҳомиз ул-қорбунни табиати савдо табиатида бўлгон сабабдин анинг таъсири ила дарахтларга хазонлик кайфияти ориз бўлур. Ва инчунин, ҳамма маволиди салосаага обдорлик муваллид ул-модин ва жисм азотдин ва латофат муваллид ул-ҳамузадин ва салобат ҳомиз ул-қорбундин ҳосил бўлур. Ва ҳавонин бошқа арконларда ҳам инчундур.

Ва бул савроти арбаъани миқдори бир минг ҳисса ҳаводин, тўққиз юз бир ҳиссаси азот, етмиш беш ҳиссаси муваллид ул-ҳамуза ва тўрт ҳиссаси ҳомиз ул-қорбун бўлгонлигини ҳукамойи мутааххирин таҳмин қилибдурларки, шул миқдорда бўлмоғи ҳавонинг мўътадиллиги

ва низоми оламини баржолоғига боисдур. Бас, агар шул миқдордин ҳомиз ул-қорбун ошиб кетса, хўшкياتлик касаллар ва зуком, бош оғриғи ва ис текканга ўхшаш касаллар кўб бўлур ва худ ис тегмоқ ҳам ўтни таъсиридин ҳавонинг ҳомиз ул-қорбунни зиёдаланиб, инсонга таъсир қилмоғидин иборатдур.

Ва агар муваллид ул-ҳамуза ўз миқдоридин ошиб кетса, тоъун, сарсом, бўҳрон касаллари кўб бўлур. Ва агар муваллид ул-мо ўз миқдоридин ошиб кетса, безгак ва иситма ва бошқа амрози балғамийлар кўб бўлур. Ва азот ўз миқдоридин ошиб кетса, руъоф, рамад, зотилжам, сарамас ва бошқа қон ғалабасидин ориз бўладиган касаллар пайдо бўлур.

Билмоқ керакки, ҳукамои мутааххириннинг бул тариқа таъйини миқдор қилувлари ўрта ҳисоб тахминига биноандур ва илло ҳар иқлимни ўз ҳавосига назаран ани миқдори савроти ҳам тафовутлик бўлур. Инчунин, ҳар фаслни ўз табиатиға махсус муқтазосига назаран бошқа фаслни савротидин буни миқдори савроти батафовут бўлур ва ҳоказо ва ҳоказо кўб тафовутларнинг сабаби бордур, фатаъаммул.

ВА АРБАЪОТНИНГ ТЎРТИНЧИСИ ахлоти арбаъадурки, юқорида фил-жумла ижмолан баён қилинди ва тафсили шулки, ғизони жавҳари латифи жигарда ҳазми каймуси увлода пишган вақтидаги юзига чиққан кўпиги сафрои табиийдур ва тагига ўрнаган дурдаси савдои табиийдур ва куйган жавҳарни суюғи сафрои нотабиийдур ва қуюқроғи савдои нотабиийдур ва хом қолғон бўлса, ул балғами табиий бўлур. Лекин ҳар қаю ғизодин хом қолиб, балғам ҳосил бўлмоғи лозим эмас ва агарчи, баъзи аъзони ғизоси учун балғамни вужуди зарурий бўлса ҳам ани гоҳо бўлғон миқдори кифоя қилур. Чунончи, ташналик учун инсонға сув ичмоқлик зарурий бўлса ҳам, лекин ҳар соатда ичиб турмоқ лозим бўлмас. Ва балғам учун эҳтиёж ҳам шунга ўхшашдур, аммо балғами нотабиий ва сафрои нотабиий ва савдои нотабиийларни ҳар доим бўлиб турмоқлари мутлақо лозим эмас, чунки алар ҳаёти инсонияға лозим эмаслар.

Ва ахлотни мўътадил пишгани қондур ва қон мавжуд бўлмоғи учун тўрт сабаб бордурки, бири сабаби моддийдур ва моддаси ғизои латифдур. Ва бири сабаби суварийки, назжи фозилдур, яъни яхши етилиб пишмоқдур ва бири сабаби фобъилийдурки, ҳарорати мўътадилдур. Ва бири

сабаби ғойдурки, тағзияйи бадан ва тасхини бадан ва тартиби бадан-дур, яъни қон ғизои латифадин ҳосил бўлур ва комил сувратда пишмак ила ҳосил бўлур. Ва ҳарорати табиийяи мўътадила ила ҳосил бўлур ва баданға ғизо бўлмоқ учун ҳосил бўлур. Ва хом қолғони балғамдур ва ани сабаби моддийси ғизонинг совуқ ва ғализ ва мизож рутубатидур ва сабаби суварийси назжи қосирдурки, яхши етилиб пишолмасликдур. Ва сабаби фойлийси ҳарорати ноқисадур ва сабаби ғойиси баъзи бир вақт-да ғизо мавжуд бўлмоғонда ёки ғизо тановулиға фурсат бўлмоғонда ва яна қон бўлиб жузви бадан бўлмоқ ва баданни, хусусан, мафосилни ҳўллаб турмоқ ва димоғ ва пай ва ватр ва работ ва гиш о каби узвларға хусусий ғизо бўлмоқдур. Ва ўтиброқ пишгани сафродур ва ани табиий-сининг сабаби моддийси ғизои латифи ширин ёки тез ва ғизон латифи серёғлардур. Ва сабаби суварийси комил даражада пишмоқдур ва сабаби фойлийси ҳарорати мўътадиладур, сабаби ғойиси қонни баъзи танг масомларға кирмоқ учун суюлтириб ёрдам бермоқ ва қонни ҳарорати табиийясини кўпайтириб, руҳларға ёрдам ва қувват бермоқ ва баъзи аъзон махсусаларға хусусий ғизо бўлмоқдур.

Ва мосариқои вусто воситаси ила меъдага тушиб ҳазми кайлусға ёр-дамчи бўлмоқ ва мосариқои суфло воситаси ила сойим ичакка тушиб, ўз лазъи ва ҳиддати ила қазои ҳожат вақтидин ичакни огоҳ қилиб, қуваин дофиъасини ҳаракатиға киргизмоқ ва мунга ўхшаш хислатлардур. Аммо сафрои ғайри табиийни сабаби моддийси ғизои гарми ғализки боҳиддат, яъни иссиқ ва қуруқ ғизоларни сермурч ва гармдори ёки шўр қилиб емоқ, ташналикка зиёда сабр қилиб сув ичмаслик ва сабаби су-варийси назжи комилдин ўтиб пишмоқ, яъни куйганлик даражага мой-ил бўлмоқдур.

Ва сабаби фойлийси ҳарорати муфритдур ва риёзати муфрит ва ғам ва андуҳ ва офтоб ва ўт тобишиға қўб фурсат таҳаммул қилмоқ-дур ва ҳақозо. Ва ҳазми каймусни таҳнишин ва дурдаси савдодур ва ани сабаби моддийси кам рутубатлик ғализ ғизодур, чунончи, балиқ, мощ, бодинжон ва бунга ўхшаш ғизолар, хусусан, мазкурлардан на-қадар иссиқ мизожлари кўпроқ савдо бўлурлар ва сабаби суварийси ҳазми каймусдаги ҳосил бўлгон тафл ва дурдадурки, сайлон қилмоқ ва таҳлил топмоқ учун қобилиятсиз ва ғализ бўлур ва сабаби фой-лийси савдои табиийда ҳарорати мўътадилдур ва савдои муҳтариқа-да ҳарорати муфритдур ва сабаби ғойиси ҳамма аъзоға, хусусан усту-

хон, гузруф, пай, ватр, работ ва гишоларға гизо бўлмоқ ва қоннинг баданға гизо ва жузви бадан бўлмоғида ёрдам бериб, ғализ қилмоқ ва меъда таомдин холи бўлган вақтда меъдани оғзига талоқдин савдо ризиш қилиб, афслик таъми ила меъдани оғзини очмоқ ва туршлик таъми ила меъдаға сўзиш пайдо қилиб, меъдани холи бўлгондин инсонни огоҳ қилмоқдурки, очлик ва иштаҳан содиқа шул огоҳликдин иборатдур.

Аммо меъдада сафро ва садойи собиқаи муҳтариқа ёки гизои фосидаи раддийалар йиғилиб қолган бўлса, ул вақтда агарчи меъда таомдин холи бўлмаса ҳам, мазкур хилтларни лазъи бирлан иштаҳа боқий бўлур, ҳаттоки шаҳвати калбияда иштаҳа доимий бўлур, лекин ани иштаҳайи козиба дерларки, атиббо наздларида эътибордин соқитдур, чунки бу иштаҳа табиатни ҳақиқий матлубидин бошқа бир кайфияти маразийяи ғайритабийядур.

Ва ахлоти арбаъи табиийяни ҳаммаларини суюқроқ ва қуюқроқ дегон эътибор ила тақсим қилиниб, аларни суюқроқлари тамоми баданда бир-бирларига аралашиб юриб, жузви бадан бўлурки, бир макони муқаррарда турмаслар ва баданға ҳақиқий гизо шул қисмидурки, иншааллоҳ ҳазми каймусда алоҳида баён қилурмиз.

Ва қуюқ қисмларига макони муқаррара бордур, чунончи қон ва балғами табиийларни қуюғи аврида томурида бўлур ва сафрони қуюғи ўтда турар ва савдонинг қуюғи талоқда турар. Аммо тамоми бадандин айланиб юрган ахлоти арбаъани микроскоп, яъни пурбин ойна ила қарагонда кўрилулки, ғоят даражада майда оловранглик қизил нимарса кура сувратида юмалоқ бўлурки, қон ушбудир. Ва ани фанниюн куравиёти ҳамро дерлар ва Оврўпо ҳукамолари истилоҳларича «красные кровяные шарики» дерлар.

Ва яна мазкур тариқада оқ рангли куралар кўринурки, балғам ушбудур ва ани аҳли фан куравиёти байзо дерлар. Оврўпо истилоҳларича «белые кровяные шарики» дерлар.

Ва яна мазкур кураларни бир-бирига қўшиб юрган сув бўлурки, ранги андек сариқроқ кўринур, аммо ани куралиги эҳсос қилинмас ва ғоятда суюқ бўлур ва сафро шундин иборатдур, ани аҳли фан сайёлаи мавсила дерлар ва ё Оврўпо истилоҳларича «сыворотка крови» ё ҳам «желтый сок» дер эрмишлар.

Ва яна мазкурларни ичида ғоят оз миқдорда қорага мойил қизил рангли нимарса кўринурки, суврати курага ўхшамас, балки япроқ суврати бўлур ва савдо ушбудур. Ва ани Оврўпочада «черный желч» дер эрмишлар, аммо зоҳиран ушбуларни бир-биридан имтиёз мумкин бўлмоғони учун мажмуъини номини урфда қон дерлар.

Ва бу қоннинг бир кишида неча миқдор мавжуд бўлмоғи батафовутдур, масалан, иқлимни эътибори ва фаслни эътибори ва турмушу рўзгорнинг эътибори ва аксари тановул қилинувчи ғизонинг эътибори ва синний намув, яъни ёшнинг эътибори ва мизожнинг эътибори ва сиҳҳату мараз эътиборлари ила тафовутлик бўлур.

Лекин шул эътиборотнинг ҳаммасида мўътадил ва жисмда миёна бўлгон бир кишида ўн ратл ва чорак қон бўлмоғини тахмин этилурки, ҳозирги замонимизнинг вазни ҳисобинча тўққиз ярим қадоғу ним чорак бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, миёна кишида тўққиз ярим қадоғу ним чорак қон бўлур, демакдин мурод шул кишини фаразан бўғизланган тақдирда шул қадар қон тўкилур, демак мурод эрмас, балки шул кишининг баданида шул қадар қон мавжуддур, демак муроддур. Аммо бўғизланганда тақрибан беш қадоқдин ортиқ қон тўкилмас, чунки бўғизланганда фақат томирлардаги қон тўкилур, аммо қоннинг қарийб нисби томирдин ўтиб, гўштга сингиб, жузви бадан бўлмоққа яқинлашган бўлурки, алар гўштдин қайтиб томирга ўтмаслар. Ва бўғизламак ила аларни тўкилмоғи мумкин эрмас, шунинг учун гўштни ранги қизил бўлур ва шариятда сайлон қилмаган қонни ҳаром бўлмағонини сабаби шулдур.

Аммо табиати инсонийядин бошқа бир сабаб қон қуюлиб сайлондин ожиз бўлса, ул қон соила ҳукмида бўлур, бинобарин ивиган қон шариятда ҳаром ва монёи салотдур ва қонни жузви бадан бўлмоқ тариқаси ва ҳар қаю узвға етмоқ сайрининг тариқаси анқариб баён қилинур, иншааллоҳу таъоло.

АРБАЪОТНИНГ БЕШИНЧИСИ ҳузуми арбаъадур. Билмоқ керакки, агар ҳар бир ғизо тўрт мартаба ҳазм бўлиб, сўнгра жузви бадан бўлур. Биринчи ҳазм қоринда бўлур ва ани ҳазми кайлус дерларки, юқорида мазкур бўлди. Бас, ани ўзгарилмоқ муҳлати баъътибори фасл ва баъътибори қуввати ҳозима ва баъътибори ғилзат ва латофати таом мутафовут бўлур. Масалан, қиш фаслида хориждаги совуқни асариндин мутаассир бўлгон сабабдин ҳарорати ғаризийя ижтиноб қилиб, дохил тарафға мутаважжиҳ ва мойил бўлур ва шул сабабдин меъда ҳарорати ғолиб бўлиб, таомни тезроқ ҳазм қилур.

Ва яна қиш фаслини таоми иссиқ ва қуруқ бўлур. Бинобарин, ҳазми тезроқ ва осонроқ бўлур. Аммо ёз фаслида бўлса, билъакс бўлур ва аксар тар мевалар ва совуқ сув ва қимиз ва бунга ўхшаш нимарсаларни истеъмоли меъдани ҳарорати камаймоғига сабаб бўлур. Шунинг учун бу фаслда таом кечроқ ҳазм бўлур ва хом мизожнинг тафовути ила меъдани қувваи ҳозимаси ҳам тафовутлик бўлур. Бас, бул ҳазми кайлусни икки даражаси бордурки, бирини кайлуси увло ва кайлуси суварий дерлар.

Ва иккинчисини кайлуси соний ва кайлуси ҳақиқий дерлар. Аммо кайлуси увлони ибтидоси оғизда бўлурки, таомни чайнагондаги эзилиб майда бўлмоғи ибтидоий ҳазми кайлусдур ва охири шул таомни ўзини суврати маҳсусаси ўзгарилиб, бир жинсдек қивомда бўлмоғидурки, анда ҳануз у таомни рангги ва бўйи ва таъми боқий бўлур.

Ва бул даражага етмак муҳлати мўътадил фаслда, мўътадил таомни мўътадил мизожли одам еса, тақрибан уч соату ўн дақиқа фурсатда етса керак деб, фараз қилингандур.

Ва тез бўлгонда икки соату беш дақиқа ва кеч бўлгонда тўрт соату ўттиз беш дақиқада эзилиб тайёр бўлмоғини тахмин қилингандур. Ва бул муҳлатдин тезроқ ва кечроқ қолса, иллат ва касалга ҳисоб қилинур. Аммо кайлуси ҳақиқий ушбу кайлуси увлони ниҳоятини бошланур ва таомни хусусий таъм ва бўй ва рангини зоил қилиб, ўзини қуюқроқ кашқобни қивомига ўхшаш қилиб суюлтирадур ва рангини ҳам андақ қизилга мойил қилур ва шул вақтда ҳазми кайлуси ҳақиқийни вазифаси тамом бўлгонга ҳисоб бўлур.

Лекин бир навъ ҳазми кайлус ичакда ҳам бўлур, чунончи, анқарийб баён қилинур.

Ва меъдада бўлгон кайлусни устида гўё шўрбони ёғидек ёғ ҳосил бўлурки, ани чарби ўзига жазб қилур ва сувни баъзи соф ва покизасини буйрак жазб қилиб, агар ёғидин боқий бўлса олиб, чарбийга топшириб, холис сувни масонага юборурки, шоша шундин иборатдур.

Ва тафли ила ғайри покиза сувни меъда ичакка ўтқизар ва хулосаи жавҳарини жигарга топширурки, анда ҳазми кайлус бўлур. Бас, ичакка ўтган тафлда агар ҳазми кайлусдин чала қолгани бўлса, мосариқойи суфло воситаси ила жигардин сафро келиб, сойим ичакка тушиб, тафлни пастга ўткизмоққа ва ҳам ўзи хуруш бўлиб, мазкур чала қолган тафлни янадин ҳазм бўлмоғига ёрдам қилур. Бас,

чала қолган тафл пўконда ҳазм бўлур. Ва ани хулосан жавҳари ёки меъдадаги тайёр бўлиб, янги тафл ила аралаш келиб қолган жавҳар бўлса, ани жигар мосариқон суфло воситаси ила жазб қилур ва ёғини ҳасип ичаги жазб қилиб, ўзини хориж тарафига чиқариб турар ва сувни буйракка юборур ва тафл ғализ бўлиб тушар. Шунинг учун юқори ичакдаги тафл суюқ бўлиб, пўкондин ҳасипга ўтгандин сўнг ғоятда ғализ бўлур ва бу кайфият ҳам ҳазми кайлус жумласидиндур.

Лекин пўконни қувваи ҳозимаси ғоятда заифликдин меъдани салқутини ҳазм қилмоқға қодир бўлса ҳам, лекин мундин зиёда миқдорни ҳазм қилолмас, чунончи зарб касалида мушоҳада қилинурки, меъдадин ҳазм бўлмай ўтган ғизони сурати кайфияси тамоман ўз ҳолича тушар ва ани қувваи ҳозимасини заифлик сабабидин бўлса керак.

Мавлоно Шайх ур-раис ва аксари муаллифин баёнда илтифот қилмагандурлар ва фақат меъдани кайлусининг баёни ила қанот қилмишлар ва меъдани кайлуси ҳақиқийсининг муҳлати мўътадил ҳисоб ила тўрт соату эллик дақиқа ва тезроқ ҳазм бўлғонда бир соату етти дақиқа ва кайлуси увло муҳлати ила уч соату ўн икки дақиқада ва кеч қолғони икки соату беш дақиқа, кайлуси увло муҳлати ила олти соату қирқ дақиқада ҳазми кайлус тамом бўлиб, ғизо меъдадин бутун ўтмоғини имоми Фаҳри Розий тайин этмишлар.

Ва одоби акл ва шўрбада бир ғизони тановулидин сўнгра олти ярим соат ўтмасдин бошқа ғизонинг тановули мамнуълигининг сабаби имоми Фаҳри Розийнинг раъйларига мабнийдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳазми кайлусдин ҳосил бўлғон сувни буйрак жазб қилиб, андин баъзи ёғларини ажратиб олмоғини баён қилиб эди. Бас, буйракни ушбу хизматини ҳам баъзилар бир ҳазм деб гумон қилмишлар, лекин жумҳури атиббони наздларида ани ҳазм деб бўлмас, чунки ҳазмға ўзгарилув, яъни аввалғи сувратидин ўзға бир сувратға айланишлик шартдур ва ўзгарилув албатта назж ила бўлур. Аммо буйракға борғон сувда назж ва ўзгарилув йўқдур, балки меъдада тайёрланиб борғон тайёр ёғни сувдин сузиб ажратгандек ажратур.

ИККИНЧИ ҲАЗМ жигарда бўлурки, ани ҳазми каймуси увло дерлар ва баёни юқорида ижмолан ўтуб эрдикки, меъдада хулоса бўлиб ажраган жавҳари кайлусни меъда ўз қувваи дафийаси ила дафъ қилур ва жигар ҳам ўз қувваи жозибаси ила мосариқои вусто воситаси ила

жазб қилур, токи жавҳари кайлус тамоман жигарга берур. Ва жигарни ичи меъдага ўхшаш ковак эмас, балки гўё сувни шимиган пахтадек жигар ўз мағзига шимиб, сўриб олур ва жигарда туриб жавҳари кайлус ҳарорати табиийяни таъсири ила пишар ва андин кўпик мисли зардоб ҳосил бўлиб, уст тарафда жам бўлурки, сафро ушбудур. Ва андин дурда масал ғализ нимарса ҳосил бўлиб, паст тарафда ўрнашурки, савдо ушбудур. Ва ўртадаги жавҳарни мўътадил пишгани қондур ва андак хомроқ қолгани балғамдур. Ва бул пишмоқни номи ҳазми каймуси увлодур.

Бас, бу ахлоти арбаъа ҳосил бўлгондин сўнг жигар ўз ғизосига лойиқ миқдорини ўзида қолдириб, зиёдасини ўзинин чиқариб юбориб, иккинчи жавҳари кайлус учун мунтазир бўлур ва ўзида ишланган кайлусни сафросидин ғоят соф ва латиф ва рақиқларини қон ва балғамлар ила қўшуб, ўзинин кўкариб чиқмиш варид номлик томирға юборур, токи андин бориб, яъни икки маротаба ҳазм ила баданға ғизо бўлурлар ва сафрои ғализни сузиб олиб, ўзидаги ўт номлик харитасиға солур. Ва ҳожат вақтида мазкурдин ўрта мосариқо воситаси ила меъдага ва ичакға томизуб, ҳазми таомға ўғут қилиб турар.

Ва ичакдин тафлни дафъиға сабаб бўлур ва савдонинг ҳам латифроғини қонлар бирлан қўшиб ғизои бадан учун юборур ва ғализроғини талоққа юборур, токи меъда таомдин холи қолган вақтида меъдани оғзига талоқдин бир оз ушбу савдодин тўкиб, очликдин инсонни огоҳ қилмоқ учун сарф қилинур. Ва булардин ажраб қолган зардобни жигар буйракка юборур. Бас, агар ушбуларни тейишлик ўринлариға тамоман юборолмаса, жигарда варам ва судда пайдо бўлиб, соҳибиға бетоблик ориз бўлур. Масалан, агар жигар сафрои ғализни ўтға юборолмаса ночор қон ила баданға тарқаб кетар, лекин ғализликдин жузви бадан бўлмоққа салоҳияти бўлмас. Бас, ночор ани табиат зоҳири баданға дафъ қилиб ярақони асфар, яъни сариқ касал пайдо бўлур ва меъдани ҳазми оғир бўлур ва савдони талоққа юборолмаса, ночор савдо ҳам баданға тарқаб кетар. Лекин ғализликдин жузви бадан бўлолмас. Ва ани ҳам табиат зоҳири баданға дафъ қилиб, ярақони асвад пайдо бўлур.

Ва агар қонни авридаға тамоман юборолмаса, ночор қон яна мосариқо воситаси ила меъдага қуюб, исҳол уд-дам, яъни ичидин қон ўтар касали пайдо бўлар ва баданда кунба-кун оруғлик ва камқувватлик зиёдалашур.

Ва агар зардобни буйракка юборолмаса, ночор баданга зардоб тарқаб кетуб, истисқо касали пайдо бўлур. Ва агар ушбуларни қаёқга тамоман юборолмай, жигарни ўзида ҳам оз-оз қолур бўлса варам улкабид, яъни жигар шишган касали пайдо бўлур. Ва жигар ҳазми кайлусни яхшилаб пиширолмай кайлус ила каймус аралашлик ҳолда баданга юборса кайлус баданга жузв бўлолмай, истисқои лаҳмий пайдо бўлур. Ҳосили калом, саломатлик ҳазми кайлусда ҳосил бўлгон нимарсалар бетаваққуф жигардин ўтиб, муносиб ўринлариға тарқашмоқларидадур ва ҳазми каймусни тайёр бўлмоқ муҳлати ҳам жигарни қуввати ва ҳам ғизо ва фаслни эътибори ила муттафот бўлур. Лекин ўрта ҳисоб ила тақрибан икки соат қирқ дақиқада тамом бўлмоғини фараз қилибдурлар.

УЧИНЧИ ҲАЗМ – ДАВРОН УД-ДАМ (ҚОН АЙЛАНИШИ)

Билмоқ керакки, ҳазрати Ҳакими Мутлақ ўз санъати комиласи ила жигардин бир неча томурлар кўкартируб, ҳар бир узвға вобаста қилгондур. Мазкурдин меъдаға ва ичакға ва дилға муттасил бўлғонини мосариқо дерлар. Ва ўтға ва буйракға ва масонаға ва талоқға ва унсайинға муттасил бўлғонини манфаз дерларки, бу исмлар исми хоссадур. Аммо буларнинг ҳар бирини ва ҳам ўпкаға ва бошқа баданларға муттасил бўлғон томирларни ҳар бирини исми мутлақ ила варид дерлар. Ва бул томирларни ҳар бир узвға бориб муттасил бўлиб турган учини афвоҳ ул-уруқ дерлар. Ва бошқа жойларида ғоят даражада танг тешиклари бўлурки, ани масом ул-уруқ дерлар ва буларнинг ҳар бирини варид деганидек, ҳаммасини аврида дерларки, варидлар демакдур, яъни ҳаракатсиз томирлар деган сўздур. Аммо ҳаракатлик томур дилдин кўкарган бўлурки, ани шараён дерлар. Ва шароин шараёнлар демакдур.

Ва ҳаракатлик ва ҳаракатсиз томурларни мутлақ исми ирқ бўлиб, ани жамъи уруқдур ва буларни танаси бир ададғина бўлса ҳам, лекин беадад шохлаб, тамоми баданға тарқагондурлар. Ва шароин шохларини ҳар бирини учи авридани шохларини ҳар бирини учиға муттасилдур. Ва баёни «Ташриҳ боби»да муфассал баён қилинур, иншааллоҳ. Ва бул

маврidda азбарoйи даврон уд-дамини таълими учун шул қадар ижмол баён кофийдур. Ва қон юрар йўли ва ҳазм бўлар маконларини амалий сувратида тушунмак учун бир расм ила кўрсатиб ўтмак лозимдур.


Бас, ушбу расмда (1-шакл) биринчи нуқта жигардур. Иккинчи нуқта дил, учинчи нуқта мосариқон улё исмли варид, тўртинчи ўпка вари-ди, бешинчи бош вариди, олтинчи тана вариди, еттинчи ўпка шараёни, саккизинчи бош шараёни, тўққизинчи тана шараёни, ўнинчи нафас ва-риди, ўн биринчи дилға ёғ етиб турмак варидидур.

Ва, билмоқ керакқи, ҳазми кайлус ва ҳазми каймуси увло фақат руҳи табиийяни таъсири ила бўлур эди, аммо меъдаға сафро қуйганда ва сойим ичакға қуйганда, ва ҳам меъдаға савдо қуйганда ани эҳсос этмак учун руҳи нафсонияни таъсири бўлса ҳам, ҳазм учун дахли йўқ эрди. Аммо, каймуси сонийда руҳи табиийя ила баробар руҳи ҳайвонийя ҳам ишлаб турар. Ва ушбу тариқадаги жигар доимо ўзидаги қон-ни мосариқон улё воситаси ила дилға юбориб турар. Ва дил ҳам доим тапиш ва ҳаракатда бўлур. Ва ҳаракатида гўё насос машинадек доим бир тарафдин, яъни авридадин қон тортиб иккинчи тарафға, яъни ша-раён тарафға ўтқазиб турар. Чунки аврида томурида руҳи табиий кўпроқ бўлса ҳам, ани мизожи мўътадилроқдур. Аммо руҳи ҳайвоний ўткур иссиқ бўлса ҳам, лекин аврида томурида ғоят даражада оз бўлур ва ҳам авридадаги қон ҳазм бўлмагандур, шунинг учун ҳам қорароқ ҳам ғализроқ бўлур.

Бинобарин, баданға тарқамоқ жузви бадан бўлмоқ учун қобилиятсиз-дур. Бас, ани кувада пишган айрондек пишиб суюлтирмак ва бутун бадан-ға еткурмоқ учун Ҳазрати Ҳакими бемисол дилға бу қадар ҳаракат ато қилғондур ва бул ҳаракат икки навъдурки, бирини ҳаракати инқибоз ва бирини ҳаракати инбисот дерлар. Бас, ҳар бир инбисотда авридадин қонни жазб қилур ва ҳар бир инқибозда шараёнға дафъ қилур ва шараённи учи яна варидларға муттасил бўлғон сабабдин қон шараёндин яна авридаға ўтиб турар. Лекин бул мавзёё ғоятда танг бўлғон сабабдин ҳаракати инқ-ибозда шараёндаги қон суюқлигинин авридаға тамоман ўтар. Гўё элак-дин сузилғонда шамаси қолғондек варидда қолур.

Ушбу тариқа ила варидлардин шароинға ва шароиндин варидлар-ға ўтиб юриб, чайқав ила ҳазми каймуси соний бўлур ва бу тариқа айланиб юрувни даврон уд-дам дерлар. Ва айланмоқни миқдори суръ-ати ушбу тариқададурки, дилни ҳар бир садмасида, яъни тепув ҳарака-

тида қонларни итариб, оқизиб юрмоқ учун руҳи ҳайвоний шароиндин югуриб, сайр қилиб бориб, шароинни учидин авридага ўтиб, авридадин яна дилга келиб, дилдин шароинга ўтиб айланиб турар ва руҳи ҳайвонийнинг мизожи то хўб иссиқ ва латиф бўлгонликдин ва пайваста онга дилдин янги ҳароратлик руҳ ёрдамга етиб турган сабабдин шароиндаги руҳи ҳайвоний ўткир ва тез бўлиб, қонни яхши тарбия қилур. Шунинг учун ва ҳам қон шароинга сузилиб, мусаффо бўлиб киргани учун шараённи қони нимпушти ранг қизил ва суяқ бўлур. Аммо руҳи ҳайвоний авридага ўтганда қон ҳануз хомлиги ва қуюқлиги ва сербалғамлигини таъсиридин мутаассир бўлиб, ҳарорати озаюр ва қон дилни тарбиясидин бир миқдор фурсат ўтиб, баданда фил-жумла эски бўлғони учун баданни ҳарорати таъсиридин ҳосил бўлгон бухороти духонияси (ҳомизул-қорбунни) кўпайғони учун ранги қорароқ ва қивоми қуюқроқ бўлур. Шунинг учун ва ҳам қоннинг ҳануз хом ва ғализлик сабабидин ани ранги қорароқ қизил бўлур. Хулоса, шароинда руҳи ҳайвония кўпроқ ва ғолиброқ бўлур ва қон озроқ ва латифроқ бўлур. Аммо авридада руҳ озроқ ва сустроқ бўлур ва қон кўпроқ ва ғализроқ бўлур. Бас, руҳни даври



1-шакл

камоли латофатидин ғоятда тез бўлиб, гўё электр ток қувватидек бир дақиқада бир юз ўн олти минг мартаба бадандин айланмоқини фараз этилурки, ҳар сонияда ўттиз икки чорак мартаба давр қилғон бўлур. Аммо сафро ва қон ва балғам ва савдолар жирмлик ахлот бўлғони учун агарчи, руҳдек тез бўлмасалар ҳам, лекин даврлари муқаррар бўлиб, ҳар бир хилт бошқасига нисбатан давридаги суръати тавофугликдур. Чунки, руҳ ҳаммадин латифроқдурки, ахлоти арбаъани агарчи оқизмоққа таъсири бўлса ҳам, лекин ўзини латофатидин тезроқ кетадур. Чунончи, ариқдаги кумни оқизғон сувни ўзи кумдин тезроқ оққанига ўхшар. Ва руҳдин сўнг ҳаммадин латифроғи сафродурки, бошқа ахлотдин тезроқ оқур. Сўнгра қондурки, балғам ва савдодин латифдур. Сўнгра балғам, агарчи қонга назаран лузужатлик ва ширадор бўлса ҳам, лекин савдога назаран моиятлик ва обдордур. Сўнгра савдодур ва шу тариқада қонларни айлантируб, пишуб, доим бетаваққуф ҳаракат қилуб турган сабаблик дилни ҳарорати зиёда бўлиб, куйиб кетмоғи лозим келур. Шунинг учун дилни муҳофазат қилиб, елпитуб турмоқ учун Худованди Акбар ўпка яратгандурки, ва ҳам нафас олиб, дилни елпитиб турар ва ҳам дилдаги қизиб ҳомиз ул-қорбунга айланган ҳавойи духонияни нафас бирлан чиқариб турар. Бас, ўпкани бериб турган янги азот ва муваллид ул-мо ҳавосидин ҳам дил салқинланур ва ҳам руҳ қувват олур ва ҳам қон баҳра олур ва шу тариқа бирлан ҳазми каймуси соний тамом бўлур.

Ва тамоми ҳазм бўлғон қонлар шараён ва варидларни масом номлик тешукларидин чиқуб, гўштга сингиб турарлар ва ўрнига каймуси увлодин янги қон келиб турар, яъни каймуси сонийлар аввалги кайлус ва каймуси увлодек бир вақт жавҳарни ҳазмига меъда ёки жигардек машҳур бўлиб, иккинчи вақтда ҳазмдин фориг бўлган сабаблик жавҳарни ўзидин хориж қилиб, ўзи холий қолганидек эмас, балки уруқлар ҳеч вақт қондин холий қолмас. Ва батадриж ҳазм бўлғонлари уруқни масомларидин чиқиб турар ва ҳам батадриж ҳазм бўлғон янги қон бориб қўшилиб турар.

Ва билмоқ керакки, бул ҳазмни комил бўлғонидин мурод шул қонни жавҳарини ҳар қаю аъзога айланмоқ учун қобилият ҳосил қилмоқларидурки, то шул даражагача ҳам руҳи табиий, ҳам руҳи ҳайвоний ишлашурлар. Лекин руҳи ҳайвонийни хизмати ва таъсири кўпроқ бўлур, аммо бул даражадин сўнгра танҳо руҳи табиий иш

лар, фақат сут ва манийни ҳусулиғағина руҳи табиий ва руҳи ҳайвонийнинг дахли бўлур. Чунончи, қон ҳазм бўлиб узв бўлмоққа қобилият ҳосил қилгондин сўнг руҳи табиийяни қувватларидин қуввати физойя номлик қисми ушбу қондин устухон бўлмоққа қобилини бир бошқа ва гўшт бўлмоққа қобилини бир бошқа ва пай бўлмоққа қобилини ва ҳоказо ҳар узвға муносиб жавҳарни бир-биридин ажратиб, ҳар бирини ўз муносиб узвиға етказур. Магар сут ила маний бўлмоқға бул жавҳар фақат руҳи табиийяни таъсири иланғина қобилият ҳосил қилолмас. Балки ҳам руҳи табиий ва ҳам руҳи ҳайвонияни таъсири ила ҳосил бўлур. Чунки фарзандни муҳаббати дилни мутаважжих қилгани сабабидин дил муҳаббат садмаси ила руҳи ҳайвониясини зиёда ҳароратлик ва ҳаяжонлик ҳол ила қонға юборур ва руҳи ҳайвония ўз ҳарорати ва ҳаяжони ила қонни бир навъи махсусада тарбия ва тасарруф қилиб, қонни моюти балғамиясини бир кайфияти махсусада пишурарки, ул моюти балғамия тўртинчи ҳазмда сут бўлмоққа қобил бўлур ва дилда муҳаббат бўлмагон вақтида бул мойияти балғамия ҳам қон бўлиб, жузви бадан бўлиб кетар ва сут бўлмас. Чунончи, ҳомила хотинларни вазъи ҳамалиға ҳануз фурсат узоқ бўлган вақтда фарзандни таваллудидин дил маъюс бўлгон сабабдин дилда фарзандлик муҳаббати чандон жойнишин бўлмаган бўлур, шунинг учун ул хотунда сут бўлмас.

Агар вазъи ҳамли қариб бўлса, фақат умидни таъсири ила хотинни эмчаги ўсиб, ширдони комил бўла бошлар ва вазъи ҳамл бўлган баробарида фарзанди муҳаббати дилға жой олиб, шу соатдин бошлаб сут ҳосил бўла бошлар. Ва фарзанд катта бўлиб, бошқа гизо ила тарбияланмоғи мумкин бўлгон вақтда хотинни эмузмак учун бўлган ихлоси ва муҳаббати суст бўлиб, сути камая бошлар. Ва агар ёш бола вафот қилса ани муддати ҳаётидаги муҳаббати таъсири ила ҳосил бўлган сут жавҳари агарчи, бир-икки кунғина эмчағига тиқилиб озор берса ҳам, лекин анинг вафотиндин дилға ориз бўлгон маъюсликни таъсири ила яна сут ўз-ўзидин йўқ бўлиб кетар. Ва инчунин маний ҳам дилға ориз бўлгон муҳаббатни таъсири ила ҳосил бўлур. Чунончи, бола ҳадди балоғатға яқинлашган сари ани дилиға ишрат муҳаббати ўрнаша бошлар. Ва муҳаббатни таъсири ила руҳи ҳайвония ҳароратли ва ҳаяжонли бўлиб, қонни рутубати лизажасидин маний бўлмоққа қобил жавҳар ҳосил қилур. Шунинг учун баъзи одам илмға ёки бошқа ни-

марсаға қаттиқ муҳаббат ила машғул бўлсаки, ондин бошқа нимарса асли анинг дилига сиғмаса, шул одамни дафъатан нохост бир хотинга тазвиж қилинса, ул киши мужомаъатга қодир бўлмас, ҳаттоки мутлақо эҳтиломи бўлмас. Ва инчунин, ахта қилинган хожасаро кишилар ўзлари мардгарчиликдин бутун ноумид бўлгон сабабдин аларни физоларидин мутлақо маний ҳосил бўлмас. Бас, маълум бўлдики, сут ила маний руҳи ҳайвониянинг таъсири ила ҳосил бўлур ва ани асли моддаси бўлгон руҳи табиий, яъни таъсиридин бўлур ва бошқалари ҳам руҳи ҳайвония, ҳам руҳи табиий, яъни таъсиридин ҳосил бўлурлар. Ва бул ҳосил бўлгон жавҳарни истилоҳи атиббода рутубати сонияи бадан дерлар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, рутубати сония икки ҳолдин холи бўлмаски, ё ҳожати бадан учун сазовор бўлурки, ани ҳожати аслия дерлар. Ёки ҳожати бадан учун ноқобил бўлур ва ани фазла дерларки, ул ахлоти нотабиийга қўшилар ва ани ихрож қилмоқ лозимдурки, мувжиби мараздур. Чунки, алар ихрож қилинмаса уфунат пайдо қилиб, иситма касали ориз қилур. Аммо ҳожати бадан учун сазовор бўлгон жавҳарга яна тўрт мартаба бордур.

Биринчи мартабадаги жавҳар ҳануз уруқи диқоқда, яъни шароин ва авридаларни энг учи бўлгон ғоятда ингичка томирларда боқий бўлур.

Иккинчи мартабалиги шулки, бул жавҳарни мизожи узвни мизожиға айланган бўлур, яъни бу қон жавҳарини баъзи жузъининг устихон мизожиға ва баъзи жузъи пай мизожиға ва баъзи жузъи гўшт мизожиға ва ҳоказо ҳаммизож бўлгон бўлурки, асли ҳақиқати каймудин мурад ушбу мартабадур.

Ва учинчи мартабадаги жавҳар тамоми баданга гўё шабнамдек мунташир бўлур.

Ва тўртинчи мартабадаги жавҳар шулки, ҳамма аъзога ёпишган бўлур ва аъзони илтиём ва илтисоқи шул рутубот ила бўлур. Чунончи, ҳар узвдин бир қитъа гўшт кесилиб тушган бўлса ёки бир катта жароҳат ёки ёрилиб фасоди оқиб, ўрни чуқур тушиб қолса, шул ўриндин яна гўшт бўлиб, ўсиб чиқувчи шул рутубатдур. Ва қувваи номияни таъсири илағина эмас, чунки фақат қувваи номия таъсири ила бўлса эрди, жавҳари физо ҳамма баданга баробар тақсим бўлиб, ҳамма аъзо ҳам баробар ўсиб турган сабаблик жароҳатнинг ўрни бошқа аъзога нисбатан ҳамон ноқис бўлур эди. Ҳаттоки, даври намувдин ўтган даври тавақ-

қуф ё даври инҳитотдаги кишиларни жароҳати қатъиян гўшт ила тўлмас эрди. Ва-лайса фа-лайса.

Бас, маълум бўлдики, жароҳатни илтиёми ушбу рутубат илағина бўлурки, бошқа аъзодин кўра бу маҳали жароҳатга рутубатни силжиб келмоғи осонроқ бўлгондин бу жойдин гўшт тезроқ ўсар ва агар жароҳат соҳибни ёш бола бўлса, ани қуввати номийаси ҳам ёрдам берган сабаблик ани жароҳатидин гўшт яна тезроқ ўсар.

ТЎРТИНЧИ ҲАЗМ ШУЛКИ, жавҳари каймуси соний бўлгон рутубати сонияни узв ва жузви бадан бўлмоқға қобилиятлик кайфиятга айланмоғидурки, ғизои бил-фёъл шулдур. Зероки, рутубати сония бул ҳолға келгонда модда ғизои узв бўлур. Бас, ҳар узвни ўз зотида бўлгон қуввати ғаризиясининг жазби ила баданға ёпишиб жузви бадан бўлур ва бу ҳазмни истилоҳи атиббода каймуси солиса ва рутубати солиса дерлар. Ва учинчи ҳазмдин ажралган рутубати зондалар ва бу тўртинчи ҳазмдин ҳосил бўлгон фазлаларни обияти тер бўлиб бадандин чиқиб кетар ва бухороти ғализа ва духониялари димоғ тарафиға чиқиб, бурун ва қулоқдин чирк бўлиб чиқар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳазми каймуси увлода ҳосил бўлгон рутубатни рутубати увлои бадан дерлар. Ва ҳазми каймуси сонийда ҳосил бўлгон рутубатни рутубати сония дерлар. Ва каймуси сонияда ҳосил бўлган рутубатни рутубати солисаи бадан дерларки, ҳаммаси ҳам аъзон бадан бўлиб, бирининг сўнггидин бири етилуб турар ва табиати фонияни таъсиридин фано бўлгон баданни нуқсонини тўлатиб турарлар. Ва шу тартиб ила бақои шахси инсонияни муҳофаза қилурлар.

Бас, агар бул рутубатларни миқдори миқдори табиийдин камроқ ҳосил бўлиб қолса, ул вақтда бадандин фоний бўлгон миқдорни тўлатмоққа кифоя қилмағани сабаблик кунба-кун баданда ориқлик ва нуқсон зиёда бўлур. Масалан, сил касали ва таби диқ касали ва бошқа иситмалик касаллардан мушоҳада қилинурки, сил касалида дил ва ўпкани жароҳатидин озурда бўлган сабаблик бир ҳарорати нотабиий ихдос қилиб, шараён воситаси ила ҳамма аъзоға таратурки, маризнинг баданида ҳарорати хафифа эҳсос қилинур.

Ва шул ҳарорати нотабиийнинг таъсиридин бул рутубатлар қуруб камаюрлар. Ва миқдори табиийдин камроқ ҳосил бўлурлар ва бадандин фоний бўлгон миқдорни тўлата олмаслар, шунинг учун батадриж ориғлиқ бўлур. Ва ориғлиқни лозим тутган сабабидан бу касални сил дерлар-

ки, сил бамаънийи ориг демакдур. Ва инчунин, таби диқда томирларни ичида уфунат пайдо қилгон ахлотни(нг) уфунати ва ҳарорати томир воситаси ила дилға етар ва дилни шароинға берган садмаси ва зарбасини воситаси ила бутун аъзоға сироят қилур. Ва ани таъсиридин биринчи даражада каймуси увлодаги рутубати увлонинг қивоми ғализроқ бўлуб ҳосил бўлур. Сўнгра шароинға ўтар ва шароинда ҳам ҳарорати нотабиий асар қилиб, қон жавҳарини куйдирар ва обиятини фано қилур. Ва хулоса бўлгон рутубати сонийя яна оз миқдор ҳосил бўлур. Сўнгра бул оз миқдор рутубати баданға ўтгон вақтда то тўртинчи ҳазм бўлуб, жузви бадан бўлгунча яна бадандаги ҳарорати нотабиийнинг таъсири ила куруб, камайиб, оздин ҳам озроқ қолурки, баданнинг ҳожатиға кифоя қилмас. Ва шунинг учун кунба-кун нозикланиб ариглаб кетарки, бу касални диқ деб исм қўймоқни сабаби шулдур. Ва диқнинг маъниси озгин ва ориқ демакдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, арбаъоти собиқанинг ҳаммаларини кайфиятларида эътидоли назжни шарт қилинди. Аммо назждин мурад нима экани таъриф қилинмади. Шунинг учун шул мавридда назжнинг маънисини баён қилмоқ лозим бўлдики, ҳақиқатдан бул ҳам арбаъоти сабъата ашарани(нг) биридур.

НУЗУЖИ АРБАЪА (ТЎРТТА НАЗЖЛАР)

Билмоқ керакки, назжни таърифида ҳукамо «ан-назжу ҳува иҳолатун мин ал-ҳарорати ли-л-жисми зи-р-рутубати ила мувофиқатил-ғоятил матлуб», яъни назж деб рутубатли ва ҳўл нарсанинг ҳарорат асаридин мутаассир бўлуб, муддаоға мувофиқ ҳолға ўзгарилмоғини айтилдур. Бас, бул таърифдин баъзи шубҳалар кўнгилга келмоқ эҳтимоли бордурки, масалан, сафро ғоятда иссиқдур ва ани мунзижи совуқ бўлмоғиға ҳамма ҳукамо иттифоқдурлар.

Бас, энди назж деб ҳароратни(нг) асаридин ориз бўлгон ҳолатни айтилдур, деган сўз сафрони ҳақиға номувофиқдур, деб шубҳа қилинмасун. Чунки ҳамма сафрони(нг) мунзижи ҳақиқатан табиатдур. Ва ҳарорат анга олатдур.

Бас, табиат ҳар бир хилтни назж қилмоқда шул хилтни(нг) кайфиятиға муносиб бўлгон ёрдамчиға муҳтождур. Ва сафромизож кишини(нг) истеъмол қилгон совуқлиги фақат табиатға ёрдамчи бўлур. Ва назжни ҳамон табиат қилур, яъни совуқ мизожлик балғамни кўб

ҳарорат ила назж бергани каби кўб ҳароратлик сафрони ҳароратини озайтируб, оз ҳарорат ила назж қилур. Ва мутлақо ҳароратини йўқ қилмаски, ҳар ҳолда назж учун ҳарорат лозимдур. Ва таъриф ила назж мувофиқдур.

Ва яна бир шубҳа кўнгилига келурки, таърифда ҳўл ва рутубатли жисмга ҳарорат таъсир қилмоғидин ориз бўлгон ҳолатни назж дерлар, дегандин маълум бўлурки, сафро ва савдо қуруқдур. Бас, ани назжи учун қобилият бўлмаса керак. Ва ҳам қуруқ нон, талқон каби рутубатсиз ғизоларни назжи мутлақо мумкин бўлмаса керак. Ҳолбуки, ани(нг) хилофидур. Бас, бул таъриф дуруст бўлмаса керак, деган шубҳани(нг) дафъи учун ушбу тавжиҳ кифоядурки, бул таърифдаги рутубатдин мурод рутубати мизожийя эмас, балки рутубати зоҳирийядур. Бул шубҳа худ-бахуд зойилдур, чунки сафро ва савдони(нг) рутубати собитдур. Ва далилга муҳтож эрмас. Аммо нон ва талқон каби ғизолар зоҳирда қуруқ бўлса ҳам, лекин баъд аз тановул албатта меъдани(нг) рутубати ила ҳўл бўлур. Ҳаттоки луъоби даҳан ҳўлланмагунча ютуб ҳам бўлмас.

Бас, ушбу рутубатни(нг) сабаби ила назж мумкиндур. Ва таъриф дурустдур. Ҳаттоки ҳўлдин мурод зоҳирий ҳўл бўлмай, балки мизожий ҳўл бўлгон тақдирда ҳам таъриф дурустдурки, сафро ва савдомизож хиллар қуруқ бўлса ҳам, лекин мизож аносирийяларида албатта ҳўл моддадин ҳам мураккабдурки, ҳўллик содиқ келур. Ва қуруқ ғизолар ҳам инчуниндур, яъни назж деб албатта ҳўл жисмни ҳарорат асаридин мутаассир бўлиб, ҳосил қилгон ҳолатини айтидур.

Ва ҳарорат зотан тўрт хил бўлур, шунинг учун ани асаридин бўлгон назж ҳам тўрт хил бўлурки, биринчи назжи шамсий, иккинчи назжи норий, учинчи назжи таъбий, тўртинчи назжи руҳийдур.

БАС, НУЗУЖИ АРБАЪДИН БИРИНЧИ НАЗЖИ ШАМСИЙ шулки, офтобни(нг) тобишидин ориз бўлгон ҳарорати ҳавони ва заминни қизитуб, коинотда назж ҳосил қилур. Чунончи, заминда бир неча хил маъданиётларнинг ҳусули ҳам назжи шамсийдур. Ва бул маъданиётларни(нг) ҳамма анвоъини ва тариқаи ҳусулларини ва шул жойда муфассал баён қилмоқни «Боби аркон»да ваъда қилгон эдим. Лекин мунинг учун ғоятда татвили калом лозимлигидин ва бизнинг асл мақсадимиз бўлгон илми бадандин маъдан илми бошқа ва илми кимё қисми бўлгон сабабдин садади баёнидин хориж қилмоқ лозим кўрилди. Ва

инчунин, офтобни тобиши ҳавони ҳам иситар в ҳавони муваллид ул-моларини иситиб муваллид ул-ҳамузаликға айлантирар. Шу сабаб ила наботот ва ашжоротдин мевалар пиширар.

ИККИНЧИ НАЗЖИ НОРИЙДУР, яъни бир жисмики, ўт ҳароратини асаридин ўзгарилуб, бир ҳолатиға келсаки, оқил кишилар ғайри музтарликда ҳам ул жисмни тановул қилмоқға муносиб кўрар бўлсалар, ул ҳолатни назжи норий дерлар. Ва бу назж уч навъ бўлур. Чунончи, жисм ила ўтни миёнаси бевосита бўлур. Ва ани мисоли қўр оловға кўмилгон беҳидур масалан, ва ани номини истилоҳда такбиб дерлар. Ва иккинчи навда жисм ила ўт миёнасида фақат ҳаво восита бўлур ва мисоли кабобдур. Ва истилоҳда ани шай дерлар. Ва учинчи навда ҳаводин бошқа нимарса, чунончи қозон ёки това восита бўлур. Бул назж яна уч хил бўлурки, биринчи хил фақат жисмни холис ўзини қозонға солиб қовурулурки, ани истилоҳда қалий ва ҳимс дерлар. Ва туркда қовурмоч дерлар. Иккинчи хил шулки, жисмға ёғ қўшуб қовурулурки, ани истилоҳи атиббода назжийн дерлар ва туркда қовурдоқ дерлар. Ва учинчи хилда жисмни сув бирлан қайнатирурки, ани истилоҳда табх дерлар. Ва гоҳи табхни бошқа маъниларға ҳам итлоқ қилинурки, мақомни қаринаси ила маълум бўлур.

УЧИНЧИ НАЗЖИ ТАБЪИЙДУРКИ, табиатни ҳарорати ила ҳосил бўлур. Ва ғизони меъдада назж топувчи ва жавҳари каймуси увлони жигарда назж топуви ва ахлоти табиийларни назж топуви, ҳаммаси назжи табъийдур. Ва бу аввалги икки хилини исми махсусаси ҳазмдур. Ва ахлотни назжидин мурод аларни ғализлари рақиқроқ бўлуб ва рақиқлари ғализроқ бўлуб, онча лузужатликларини(нг) шираси зонил бўлуб, осонлик ила бадандин мундафъ бўлмоқға қобил бўлмоқларидур, яъни ҳаммалари мўътадил қивомға келмоқларидур. Чунки савдо ғализдур ва суюлтирмоқға муҳтождур. Ва балғам ҳам ғализ ва ҳам лузужатликдур. Бас, суюлтирмоқ ҳам кўчирмоқға, яъни ширасини зойил қилмоқға муҳтождур. Ва сафро ғоятда суюқдур. Бас, қуюлтирмоқға муҳтождур. Аммо қон ўзи фий-зотиҳи назжға муҳтож эмас. Лекин бошқа ахлоти салосалар доим қонға аралаш бўлгон сабаблардин аларни ғалаба ва таъсирларига нисбатан андак суюлтирмоқ қуюлтирмоқ учун ҳожат бўлур.

ТЎРТИНЧИ НАЗЖИ РУҲИЙДУРКИ, рутубати соний ва солисаларни жузви бадан бўлмоқға қобилятлик ҳолға келмоқлари-

дур. Ва бул ҳолат фақат руҳи ҳайвонийя ва руҳи табиийларни таъсири илагина бўлур.

Ва билмоқ керакки, юқоридаги арбаъотларни ҳаммаларини вужуд ҳам кайфиятларида сабаблар малҳуз ва мазкур бўлиб келган сабабдин ҳам арбаъоти сабаъата ашарани бири асбоби арбаъа бўлгонликдин шул мавзуда бироз ижмолан зикр қилинурки, аслида маънийи сабаб арғамчи демакдурки, ани арабда ҳабл ва форсийда ресмон дерлар. Аммо урфи оммада сабаб деб бир нимарсани фусули учун васила қилинган нимарсани айтурлар. Аммо урфи хос бўлгон истилоҳи ҳукамода сабаб деб бир нимарсани вужудиға ёки моҳиятиға боис бўлгон нимарсани айтурлар. Ва бул сабаб икки хил бўлурки, бирини сабаби томма (тўлиқ сабаб) ва бирини сабаби ноқиса (нуқсонли сабаб) дерлар. Аммо сабаби томма деб шундоқ сабабни айтурларки, ани вужудиға мусаббабни вужуди вожиб бўлса, чунончи равшанликнинг вужуди офтобнинг вужудиға вожибдурки, ҳеч вақт офтоб равшанликдин холи бўлмас. Бас, офтоб равшанликға сабаби томмадир. Ва инчунин, ўтнинг вужудиға ҳароратнинг вужуди вожибдур. Ҳеч вақтда ўт ҳам ҳароратдин холи бўлмас. Бас, ҳароратға ўт сабаби томмадир. Ва ҳукамони наздида сабаби томма деб жамиъи нимарсаларни вужудиға боис бўлгон нимарсани айтилур. Ва бул қавлга назаран сабаби томма деб ҳақиқатан Ҳазрати Вожиб таъолони айтурмизки, жамиъи нимарсани халқ қилгон Холиқи бечундур. Ва мажозан аносири арбаъани айтурларки, жамиъи мавжудотни(нг) вужудиға боисдур. Ва ҳам лақаби мутаҳҳараи Набавийя салавотуллоҳи алайҳ сабаби томмадурки, бамазмуни «Лавлақа халақтул афлак» жамиъи оламнинг вужудиға боисдурлар. Аммо сабаби ноқиса сабаби томмани хилофидур. Ва муроди атиббо ҳам шул сабаби ноқисадур.

ВА БУЛ САБАБИ НОҚИСА ТЎРТ ХИЛ БЎЛУРКИ, асбоби арбаъа ва илали арбаъа ҳам дерлар. Чунки сабаб масаббабни ичида дохил бўлур ёки мусаббабдин хориж бўлур. Ва дохил бўлгон тақдирда ҳам ё бил-қувва дохил бўлур, яъни мусаббабни зоти жисми ила муттаҳид бўлур ва ани сабаби моддий дерлар. Ёки бил-фeyл дохил бўлур, яъни мусаббабда ориз бўлгон кайфият бўлур. Ва ани сабаби суварий дерлар. Ва агар мусаббабдан хориж бўлса, яна икки эҳтимолки, ё мусаббабни вужудиға боис бўлур ва ани сабаби фoъилий дерлар. Балки мусаббабни вужудидин мақсуд бўлур ва ани сабаби гоий дерлар. Масалан, бир қиличнинг вужудиға тўрт сабаб борки, иккиси қиличнинг вужудидадур ва ани бири қиличнинг асли

жисми ила мутгаҳидурки, ул пўлатдур ва ани қиличга сабаби моддий дерлар. Ва иккинчиси қиличнинг вужудиға ориз бўлгон кайфиятдурки, қадди узун бўлиб, ўзи юпқа, бир тарафи дамлик бўлмоғидур. Бас, то шу сувратда бўлмаса қуруқ пўлатни қилич деб бўлмас. Ва бул кайфиятни сабаби суварий дерлар.

Ва қилични вужудидин хориж бўлгон икки сабабни бири қиличнинг вужудиға боисдурки, ул сабаб чилангар устоддур. Бас, агар чилангар бўлмаса, қилич ҳам бўлмас эрди. Ва буни сабаби фоъилий дерлар. Ва қилични вужудидин хориж бўлуб, қиличдин мақсад бўлгон сабаб ғазот (уруш)дурки, агар ғазот қилмоқ мақсуд бўлмаса эрди, қилич ҳам ишланмас эди. Бас, бул сабабни сабаби ғойи дерлар.

Хулоса, қилични қилич бўлмоғиға боис тўрт сабабни бири сабаби моддийки, пўлатдур. Ва бири сабаби суварийки, шакли махсусадур. Ва бири сабаби фоъилийки, устоддур. Ва бири сабаби ғойики, ғазотдур. Бас, шул тўрт сабаб бўлмаса қилич ҳам бўлмас. Чунончи, «Таваллуди ахлот» хусусида ҳам фил-жумла баён бўлуб эди. Ва шул қадар баён кофийдурки, зиёда тафсилотга ҳожат йўқдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, юқорида баён бўлгон ҳамма арбаётлар инсоннинг суврати кайфийясиға сабабдурлар. Аммо ҳаёти инсонийяға сабаб бўлолмаслар. Онча ҳаёти инсонийяға сабаб арвоҳи арбаядурки, ҳамма арбаёти сабъата ашарани султонидур. Лекин арвоҳни жисмлари латиф бўлғони учун маконға муҳтождурлар ва маконлари аъзодур. Шунинг учун арвоҳнинг баёнини аъзонинг баёнидин сўнгра айтмоқ муносиб кўринуб, аввал аъзони баёниға шуруъ қилдим.

УЧИНЧИ ФАСЛДА АЪЗОНИНГ БАЁНИ

Билмоқ керакки, мавлоно Шайх ур-раис раҳматуллоҳи алайҳ аъзонинг баёнида: «Ваҳийа ажсомун мутаваллидатун мин аввали мизожил ахлоти камо анна-л-ахлота мутаваллидатун мин аввали мизож-ил-аркони», яъни аъзо ахлотни аввалги даражадаги бир-бирларига аралашганларидин ҳосил бўлур, ҳамчуноники, ахлот арконни бир-бирларига аввалги даражада аралашганларидин ҳосил бўлғони каби дебдурлар.

Бас, бул қавлға назаран кўнгилга бир неча шубҳалар келур. Биринчи шубҳалар шулки, арконни аввалги даражадаги имтизожидин ахлот ҳосил бўлгон эмас, балки наботот ҳосил бўлиб, сўнгра набототдин ахлот ҳосил бўлгондур.

Иккинчи шубҳа шулки, ахлотни ҳам биринчи даражада имтизожидин аъзо ҳосил бўлмай, балки рутубати сонийа ва солиса ҳосил бўлиб, сўнгра бу рутубатдин аъзо ҳосил бўлгондур.

Учинчи шубҳа шулки, арвоҳ ҳам ахлотдин ҳосилдур. Бас, бул таърифға назаран арвоҳ ҳам аъзодин бўлмоғи лозим келур. Ҳолбуки аъзодин эмас. Ва бул шубҳаларни зойил қилмоқ учун тавсифотини баён қилиб ўтмоқ лозимдур.

Билмоқ керакки, мавлоно Шайх ур-раиснинг аъзо ахлотини аввал даражадаги имтизожидин ҳосил бўлур, деганларидин муродлари, яъни аъзо бир жисмидин ҳосил бўлурки, ул жисм ахлотни аввалги даражаси имтизожидин ҳосил бўлур демақдур. Ва ўртада бир жисм восита бўлур. Лекин мавлоно Шайх ур-раис восита бўлгон жисмни сароҳатан зикр қилмадилар, чунки ўртадаги восита бўлгон жисм хилқати инсон учун мақсуд би-з-зот эмас. Ва инчунин, ўртада ғайри мақсуд би-з-зот бўлгон оммдурки, хоҳ бир жисм восита бўлур, хоҳ бир неча жисмлар восита бўлур. Бизни мақсудға мунофий эрмас.

Бас, таъриф дурустдур, чунки ахлотни бир ўзгартирилувидин рутубати сонийа ҳосил бўлурки, хилқати инсон учун мақсуд би-з-зот эмас эди. Ва андин рутубати солиса ҳосил бўлурки, ул ҳам мақсуд би-з-зот эмас. Ва андин узв ҳосил бўлурки, мақсуд би-з-зотдир. Бас, ғайри мақсуд би-з-зот ғайри мўътабар бўлгонда гўё хилтгни биринчи ўзгарилувидин узв ҳосил бўлгон бўлур. Ва инчунин, восита бир адад ё бир неча адад бўлмоғини таълим қилмак ила аъзойи олийя, яъни аъзойи мураккабларға ҳам таъриф содиқ келур. Чунки аъзойи мураккабалар аъзойи муфрададин ҳосил бўлур ва аъзойи муфрадалар рутубатдин ва рутубат хилтдин ҳосил бўлур. Ва инчунин, арконнинг ҳам биринчи ўзгарилувидин ахлот ҳосил бўлмас, балки наботот ҳосил бўлурки, ғайри мақсуд би-з-зотдур. Ва андин ахлот ҳосил бўлур. Ва инчунин, восита мутаъаддид бўлур. Чунончи, аркондин наботот ҳосил бўлур. Ва андин ахлоти ҳайвонот ва аъзойи ҳайвонот ҳосил бўлур ва андин физо қилиб, инсонда ахлот ҳосил бўлур. Ва ҳам восита бўлгон жисмдин мурод жисми касийфдур. Ва ани воситалигидин мурод аъзони шул восита бўлгон жисмдин ҳосил бўлмоғи батариқаи вужуб

бўлмоғидур, яъни шул восита жисм бўлмаса, аъзонинг ҳусули мумкин бўлмаслиғидур.

Бас, бул тақдирда арвоҳни аъзо деб шубҳа қилинмас, чунки арвоҳ агарчи жисм бўлса ҳам, лекин жисми латифдур. Ва ҳам арвоҳни ҳусули фақат рутубатдин бўлмоқға хос эрмас. Балки гоҳи рутубатдин ҳосил бўлур, гоҳи бевосита ахлотнинг ўзи ҳам латофат ҳосил қилиб, бухорот пайдо қилур. Ва шул бухороти латифа руҳлик мизож ҳосил қилиб руҳ бўлур. Ва бу тавжиҳларни қайд қилмоқ бирлан Шайх ур-раиснинг таърифлари аъзонинг ҳақиға хўб муносибдур.

Ва билмоқ керакки, мутлақ ул-аъзо тўрт навъ бўлурки, ё раиса бўлур ёки ходимаи раиса бўлур ёки маръуса бўлур фақат ёки маръуса ҳам бўлмас.

БАС, УЗВИРАИСА деб инсоннинг ўзини бақосиға ёки наслининг бақосиға сабаб бўлиб турган ва ҳамма аъзонинг қувватиға мабдаъ бўлуб турган узвни айтилур. Аммо инсонни ўзининг бақосиға сабаб бўлгон узви раисаси уч ададдурки, бири дил ва бири мия ва бири жигардур.

АММО ДИЛ қуввати ҳайвонийянинг пойтахти ва мабдаъидур. Қуввати ҳайвонийя деб руҳи ҳайвонийянинг баданға таъсир учун истеъмол этгувчи қуввайи нуфузийясини айтурлар. Ва бул қувват учун ҳайвонотни икки хил ҳожатлари бордурки, бири азбаройи ҳаётдур, чунки бул қувват руҳнинг таъсиридин иборатдур. Ва бири шулки, ҳайвонотнинг жисмлари аносирини арбаъадин мураккаб бўлгондур. Ва аносирини арбаъаға бир-бирларидин ажраб, ҳар қаюлари ўз ҳолатларига мурожаат қилмоқға муқтазийдурлар.

Бас, ҳар ҳайвон ўз аносирини бир-бирларидин ажрашиб кетмоқларига монез бўлғувчи ва имтизожларига мажбур этуб турғувчи бир қувватға муҳтождурки, ул қувват қуввати ҳайвонийядур. Ва зиёда тафсилини иншааллоҳ, ўз фаслида баён қилурмиз.

Ва бул қувватнинг мабдаъи дил эканини икки тариқа далил ила собитдур. Бири шулки, дил ибтидои вужудға ҳамма аъзодин аввал сувратға келур. Ва ҳамма аъзодин аввал ҳаракат қилур. Ва инчунин, вақти мамот (ўлим вақти)да ҳамма аъзодин сўнг сокин бўлур. Бас, мабдаъи ҳаёт (ҳаётнинг бошланиши) дилдур.

Ва иккинчи далил шулки, жамийи ҳукамо наздларида мутаҳаққиқдурки, шараён тамурининг мабдаъи (бошланиши жойи) дилдур. Ва шараённи агар бир мавзеъдин банд қилинса, ушбу бандни дил тарафи саломат ва ҳаёт турар. Аммо иккинчи тарафи гўёки ўликни узвидек

ҳаётликни йўқотиб, мутааффин ва фосид бўлур. Чунки бу тараф қувваи ҳайвонийдин маҳрум қолиб, ани аносири интизом мажбуриятидин қутилурлар. Ва ҳар бирлари ўз асл ҳолатлариға ружуъ қилурлар. Шунинг учун мазкур узвнинг сурати узвийяси вайрон бўлурки, фосид бўлмоқ шул ҳолдин иборатдур. Бас, шул ваҳҳдин ҳам собитдурки, қувваи ҳайвонийнинг мабдаъи дидур. Ва бул ҳикматни тажриба қилинмоғи ҳукамои юнонийдин Боқун номли бир ҳақим тарафидин бўлгонини нақл қилингандурки, мазкур ҳақимни замонида бир одам бош оғриғиға мубтало бўлиб келиб эди. Ҳақим шараёндин доғ солди. Бас, дафъатан маризи (бемори) мазкурға беихтиёрлик ва беҳаракатлик ориз бўлиб, шараёндин маҳалли доғни иккинчи тарафи, яъни бош тараф батадриж мутааффин ва фосид бўлиб, оз фурсатда ҳалок бўлди.

Чунки димоғ қувваи ҳаётийдин бенасиб қолгон сабабдин ўз қуввати нафсонийясини истеъмолиға ожиз бўлиб, беҳисус ҳаракатлик ориз бўлгон эрди. Ва ҳаётликдин маҳрум сабабидин мутааффин ва фосид бўла бошлаб эди. Ва бутун аъзодин қуввати нафсоний фоний бўлгон сабабдин дил ҳам қуввати нафсонийдан маҳрум бўлиб, фақат қувваи ҳайвонийяси ила ўзи тарбияланмак ва баданни тарбияламакдин ожизланиб, ҳалок бўлиб эди. Лекин бул дафъа ҳақим Боқун нима сабаб ила бундай воқеа содир бўлгонини тушуна олмади. Сўнгра бир замонида бир одамни биллагини ўроқ кесиб, шараённини узиб юборди ва они ҳақим Боқунға олиб келдилар. Ва ҳақим Боқун кесилган шараённи учини боғлаб, қонни тўхтатди, лекин андак фурсатда шул одамнинг қўлини панжа тарафи сасиб чириб, тўкилиб тушди. Сўнгра ҳақим Боқун тушундики, қувваи ҳавонийянинг мабдаъи дил бўлиб, шараён воситаси ила баданға ҳаётлик бериб турар экан.

АММО МИЯ қувваи нафсонийяни мабдаъидур ва бул қувват учун ҳайвонотнинг маҳтозликлари шул тариқададурки, ҳайвонотни жисмлари аносири арбаъаи мутазоддат ул-кайфиятлар (зид ҳолатлар)дин мураккаб бўлгон ва гоят даражада нозик ва дақиқ (нозик) кайфият ила барпо бўлиб турган жисмлардурки, андак сабабни асаридин бул кайфиятни тағйир (ўзгариш) топмоғи мумкиндур. Бас, ани эътидолдин ўзгарилмоғи ҳайвонотнинг вужудлариға зарарлик ва боиси фано бўлур. Ва инчунин, мурури замон (замон ўтиши) ила ориз бўлғувчи фаноий табиийнинг бадаллиға ҳам андак нимарсанинг таъсири сабаб бўлиб, эътидолға тортурки, бул таъсир ҳайвонот учун фоида, балки сабаби бақо-

дур, яъни ҳайвонотнинг вужудларида ориз бўладурғон фойда ва зарарлар борлиғи муқаррардур.

Бас, ҳайвонот ўз баданларида бир нимарсаи бўлуб, ани сабаби ила ўзлариға фойдалиқ бўлгон нимарсалардин огоҳ бўлмоқға ва ҳам ани сабаби ила ўзлариға фойдалиқ нимарсани талаби ва ҳам зарарлиқ нимарсадин ижтиноб учун ҳаракат қилмоқға муҳтождурларки, ул нимарса қувваи нафсонийдур. Ва бул қувват икки қисм бўлиб, фойда ва зарардин огоҳ қилгувчи қисмини қувваи ҳассоса ва фойда ва зарарни талаби ва ижтиноби учун истеъмол қилинадургон қисмини қувваи муҳаррика деб тасмия қилинур. Ва бул қуввати мутлақани қувваи нафсония демакға ҳам сабаб шулки, табиати ҳайвонотда бир қувваи иқтизоий бордурки, доимо фойда ва зарар учун тараддудда бўлиб, фойдани жалбиға ва зарарни дафъиға мутаважжиҳдур. Ва ани номини уруфда нафс дерлар.

Бас, бул қуввати нафсонийя ҳам баданни доимо фойда ва зарарида мутаважжиҳ бўлгон сабабдин нафсға нисбат бериб, қуввати нафсонийя деб тасмия қилгондурлар. Ва бул қувватни мияда бўлмоғиға етти хил далил бордур.

БИРИНЧИ ДАЛИЛ шулки, агар димоғ ила ҳароммағзни миёнаси банд бўлса сакта касали воқеъ бўлурки, анда мутлақо ҳис ва ҳаракат бўлмас. Бас, собит бўлурки, қуввати нафсонийя миядин аъзоға етиб турган йўли банд бўлгон сабабдин ҳис ва ҳаракат маҳв бўлди. Ва ҳароммағз ила миёнинг миёнаси банд бўлмоғи агар хилтдин бўлса, ушбу сакта касали ориз бўлур. Агар хилтдан бошқа сабаб ила банд бўлса ҳам ҳис ва ҳаракат маҳв бўлур. Чунончи, агар бошға бир қаттиқ зарба етса мия ўз жойидин қўзғалиб, бир тарафға мойилроқ бўлиб қолса, ҳароммағзға муносабатлик йўли ҳам бир тараф устихонға келиб сиқилгон сабаблиқ банд бўлур. Шул сабабдин ҳис ва ҳаракат тамоми аъзодан ботил бўлур. Бас, маълум бўлдики, қувваи нафсонийя миёнадур.

ИККИНЧИ ДАЛИЛ шулки, агар мия бир зўр зарбани ёки шиддатлик варамни сабаби ила ўз шаклидин ўзгарса, ани ҳоли мушавваш ва музтар бўлгон сабабдин ўз хизматидин тахтамоқға мажбур бўлур ва тамоми аъзода ҳис ва ҳаракат ботил бўлур. Бас, собит бўлдики, қувваи нафсонийя миёнадур.

УЧИНЧИ ДАЛИЛ шулки, агар бир кишини бели, яъни фақраи устихонларидин бириға зарба етиб ўз жойидин андақ сурилса, ўрта-

даги ҳароммағзни сиқиб банд қилур. Бас, шул маъруф жойдин юқорида ҳис ва ҳаракат ҳамон боқий турар ва паст тарафнинг ҳис ва ҳаракати ботил бўлур. Бас, собит бўлдики, қувваи нафсония миядин бошқа аъзога етиб турар эди, маъруф бўлгон жой банд бўлғони учун паст тарафга таъсир этолмади.

ТҶРТИНЧИ ДАЛИЛ шулки, агар ҳароммағзни бир тараф палласи банд бўлса шул тараф аъзога фолиж касали ориз бўлиб, ҳис ва ҳаракати ботил бўлур. Бас, собит бўлдики, қувваи нафсоний миядин таралур эрди, ушбу банд бўлгон жойдин ўтолмоғони сабабидин бул тарафни ҳис ва ҳаракати ботил бўлди.

БЕШИНЧИ ДАЛИЛ шулки, миядин кўқарган пайлар бирон сабаб билан банд бўлурлар. Ва шул сабаблик банд бўлгон пайни паст тарафи ҳис ва ҳаракатдин маҳрум қолур. Чунончи, лақва ва тааззур ул-ажфон (кўз қовоғи) касалларида шул ҳол мушоҳада қилинур. Бас, маълум бўлдики, қувваи нафсоний мияда бўлуб, бошқа аъзога миядин таралур эди. Ушбуни банд бўлгон сабабидин лабга ёки кўзни пилкига ўтолмади. Шунинг учун бул узв ҳис ва ҳаракатдин маҳрум қолди.

ОЛИТИНЧИ ДАЛИЛ шулки, ҳароммағздин кўқарган пайлардин бири зарб топиб янчилса ёки кесилса ўшал кесилган мавзеъдин паст тарафида ҳис ва ҳаракат ботил бўлур. Аммо юқори тарафда ҳис ва ҳаракат ҳамон боқий бўлур. Бас, маълум бўлдики, қувваи нафсоний миядин келиб турар экан. Пай кесилгандин сўнг паст тарафга ўтолмади, шунинг учун бир узв ҳис ва ҳаракатдин маҳрум қолиб, шал бўлди.

ЕТТИНЧИ ДАЛИЛ шулки, агар бир пайни маҳкам бўғиб боғланса ёки бир нимага босиб сиқилса, ани паст тарафида ҳис ва ҳаракат ботил ёки ноқис бўлиб, увишар. Чунончи, аксар вақтда оёқни пайини босиб ўлтирилса оёқ увишиб, ҳис ва ҳаракат зойил бўлур. Бас, маълум бўлдики, қувваи нафсоний миядин етиб турар экан. Бул жойдаги пай босилиб банд бўлғони сабабидин паст тарафга ўтолмади. Ва оёқнинг ҳис ва ҳаракати зойил бўлди. Чунки ҳамма пайларнинг асли миядин кўқаргандур. Ва баъзи пайлар агарчи ҳароммағздин кўқарган бўлса ҳам, ҳароммағзнинг ўзи миядин кўқаргандур. Бас, ҳаммаларини асли миядур.

АММО ЖИГАР қуввати табиийянинг мабдаъидур. Ва бул қувват учун ҳайвонотнинг муҳтожликлари шул тариқададурки, олами табиат уч хил маволиди салосадин иборат бўлиб, аларнинг биринчиси ҳайвонот бўлгон-

ликдин албатта, олами табиатнинг муқтазоси бўлгон ўзгарилувлар ҳайвонотда ҳам доимий бўлуб турмоғи лозимдур. Чунончи, табиат муқтазосича бадандин доимо бир қадар фано бўлиб турмоқ ва ани бадали учун тўлдириб турмоқ, ўсмоқ ва семирмоқ ва озмоқ ва туғмоқ ва туғдирмоқ ва шунга ўхшаш ўзгарилувларга таъсир этиб турғувчи ва бу ўзгарилувдин бақойи ҳайвонотга путур етмаслик равишда интизом сақлағувчи бир нимарсаға ҳайвонот муҳтождурки, у нимарса қуввати табиийдур. Ва бул қувват доимо умури табиийға мутасадди бўлғони учун қуввати табиийя деб исм қўйилди. Ва бул қувватни мабдаи жигар эканиға аксар ҳукамо муттафиқдурлар. Магар баъзиларини заъам (фикр)ларича Ҳақ Субҳонаҳу ҳар бир узвға қуввати тағзия (озиклантириш қуввати) халқ қилғонлиги ва ҳеч узвға бошқа аъзодин ғизо етмаслиги даъво қилинган бўлса ҳам, лекин ани ботиллиги пастда баён қилинадурган далил ила собитдур.

Аммо қуввати табиийяни мабдаи жигар эканиға муттафиқ бўлгон ҳукамо ўрталарида яна қуввати табиийя ҳам бамисоли қуввати ҳайвонийя ва нафсонийлардек аъзоға ҳар доим етиб турмоқ ёки асли хилқатдағина жигардин қуввати табиийя аъзоға борғонлиги ва бошқа вақтда бормаслиги хусусида қўб музокара бўлгон. Оқибат ул-амр қуввати табиийя жигардин чиқиб, бошқа аъзоға ҳар доим таралиб турмоғи учун бир қатъий далиллари бўлмоғон сабаблик ва аврида томирларидин бири банд бўлгон тақдирда мазкур бандни паст тарафидаги узв ғизодин бебаҳра қолмаслиги тажриба қилинган. Сўнгидин қуввати табиийя аъзоға жигардин асли хилқатда борғонлигиға ва ҳар доим бориб турмаслигиға қабул қилмишлар.

Ва ҳақири ночизда¹ ул ҳукамои дақиқшуносларни фикри нафисалариға таслим қилмасға ва хилофи раъйлариға бир ҳарф такаллум қилмоқға на тоқату ва на нитоқат (қувват) йўқдур. Лекин ўз нофаҳму нодонлигим самараси бўлгон шубҳа ва гумонимни қоринийни улуллубоб ва нозирини олийжаноблар хотирлариға тақдим учун арзу баён қилурманки, фикри қосиримча қувваи табиийя аъзоға жигардин доим етиб турса керак. Чунончи, суи мизожи жигарда мушоҳада қилинурки, аъзойи муғтазий (овқатдан баҳра олувчи)ларни аҳволиға путур ориз бўлур. Масалан, истисқо касалининг мабдаи албатта жигар экани било-хилофдур. Аммо асари варами (шиши) тамоми аъзода-

¹ Бу ерда муаллиф ўзини назарда тутмоқда.

дур. Ва инчунин, тадбири шифо учун фақат жигарни тақвийя ва ислоҳ қилинур. Аммо натижаи шифо тамоми баданда ҳосил бўлур. Бас, мундин собит бўлурки, аъзоға ҳам ғизо ва ҳам қувват жигардин доим етиб турар. Ва бутун аъзонинг ҳаёти ва саломатлиги, ҳатто, бул уч аъзойи раисани ўзларини ҳаёт ва саломатликлари доим ва ҳар онда шул уч қуввати табиийя ва ҳайвонийя ва нафсонийлардин бир-бирларига тарбия ва ёрдамлари етуб турмак иладур. Масалан, жигарда ҳар чанд қувваи табиийя бўлса ҳам, лекин ўзининг ҳаёти учун қувваи ҳайвонийяға ва ҳаракати феълийяси учун қувваи нафсонийяға муҳтождур. Бас, агар бирон қувваи ҳайвонийя жигарға етмаса ҳаётлик фоний бўлуб, узви мавто (ўлик аъзо) дек фосид бўлур. Ва агар қувваи нафсонийя бироз етмаса жигар беҳис ва беҳаракат бўлиб, афъоли ҳозимасидин муътал қолур. Ва инчунин, мияда ҳар чанд қуввати нафсонийя бўлса ҳам, лекин ўзини ҳаёти учун ҳар он дилдин қувваи ҳайвонийя етиб турмоғига ва ҳам ўзини бақоси ва ҳам ғизоси учун ҳар дамда жигардин қувваи табиийя ва ғизо етиб турмоғига муҳтождурки, агар бир он қувваи ҳайвонийя етмаса миядин ҳаётлик маҳв бўлуб, мутаффин ҳосил бўлур.

Ва агар жигардин қувваи табиийя ва ғизо етмаса ўзини ҳис ва ҳаракатини истеммоли учун бўлгон таважжуҳи табиийяси фоний бўлиб, ҳис ва ҳаракатни истеммолидин ожиз бўлур. Ва ғизодин бебахралик сабабдин батадриж хўшкийя ва фанолик ориз бўлиб, андак фурсатда фосид ва нобуд бўлур. Ва инчунин, дилни ўзида ҳар чанд қувваи ҳайвонийя бўлса ҳам, лекин доим миядин қувваи нафсонийя етиб, тарбия қилмоғига муҳтождур. Ва жигардин доим қувваи табиийя ва ғизо етиб турмоғига муҳтождур. Бас, агар миядин бир он қувваи нафсонийя етмаса, дил тапиш ва ҳаракатдин қолур ва ўпка ҳам ҳаракатдин қолур, яъни нафас олиб, дилни елпитмоқдин ожиз қолур. Бас, ҳайвон нафас ололмаи, димиқиб ўлар. Ва агар жигардин қувваи табиийя бир он етмаса, ул вақтда дил ўзини қувваи ҳайвонийясини аъзоға таратур учун бўлгон таважжуҳи табиийяси маҳв бўлур, яъни агарчи қувваи ҳайвонийяси бўлса ҳам, лекин аъзоға таратмоқ учун майлу ихтиёри бўлмас. Шунинг учун ҳамма аъзо ҳаётлик неъматларидин маҳрум қолмоқлари лозим келур.

Ва агар жигардин ғизо етмаса дил ўзининг ҳаракат ва ҳароратидин рутубати фоний бўлиб, ҳалок бўлур. Ва яна ўзини қувваи ҳайвонийя ва руҳи ҳайвонийяси ғизон латифдин ҳосил бўлуб турган сабаблик ўзини руҳи

ва қувваи ҳайвонийясиға ҳам путур етар. Бас, маълум бўлдики, ҳар бир аъзойи раиса ўз қувватини доимо ҳамма аъзоға етқузиб турмоқдадур. Бас, аъзойи раисаи салоса гўё аносирдек бир-бирлариға ҳам муҳтож, ҳам муҳтожун илайҳудурларки, ҳамма ҳолда бир-бирлари ила ифода ва истифодаи бил-феъл ва бил-қувва қилиб турмоқлари ила ҳайвонотни бақои шахсийси боқий бўлур. Ҳаттоки зиёда дақиқ фикр ва нозик далилдин қатъий назар қилғонда шул қадар далил кофийдурки, ҳайвонотни вужудидағи фано ва таҳлилни бадали учун ҳар он жигардин ғизо етиб турғони ҳувайдо (очиқ)-дур. Ва яна ҳар ҳайвон туғилғон вақтда жисми кичик бўлиб, сўнгра батадриж ўсмағи ва ҳар бир узви ўзиға мутаносиб миқдорда ўсмағи ҳаммага ҳам маълумдур. Бас, агар ибтидоий хилқатдин сўнг аъзоға жигардин қуввати табиийя етиб турмаса ва ғизо бориб турмаса намув ҳам мумкин бўлмас эди. Ва-лайса фа-лайса.

Ва маълумдурки, аларни ҳаёт ва бақолари учун танҳо ғизо етиб турмоғи кифоя қилмас, чунки ҳар доим бадан ажзоси таҳлил топиб камайгани каби қувват ва руҳ ҳам таҳлил топиб камаймоқдадур. Ва ани нуқсонини тўлдирмоқ учун ҳар доим янги қувват ва янги руҳ бориб турмоғи лозим бўлса керак.

Ва яна ҳамма ҳукамо ўзлари муттафиқдурларки, қувват руҳни суврати ва ҳосиласидур ва руҳ эса покиза қондан ҳосил бўладурган бухори латифдур. Бас, баданни ажзойи фонийсиға мадад учун ғизодин доим ҳосил бўлиб турғон янги қоннинг бухори латифлари руҳ бўлиб баданға етиб турса, энди ул руҳни суврати ва ҳосиласи қуввати табиийяси ҳам баданға таралиб турмаса, қайда қолур. Ажабо!

Бас, қонки баданға жигардин доим бормоғи муқаррар экан, албатта ани ҳосиласи бўлғон қувватни ҳам доим жигардин етиб турмоғи лозим ва шубҳасиздур, валлоҳу аълам.

Ва бақойи ҳайвонни навъи учун аъзойи раиса тўрт ададдурки, тўртинчиси мойкдур ва баёни «Ташриҳ»да зикр қилинур. Аносири арбаъадек бир-бирлариға ҳар онда алоқалик бўлурлар. Ва баёни отий (келгусида)да келур, иншааллоҳу таъоло.

Аммо аврида томуридин бирини банд қилинса ҳам мазкур бандни паст тарафи ғизодин бебаҳра қолмаслиғи аввал узвни қуввати табиийядин ва жигардин борадурғон ғизодин мустағнийлигини ва анга қуввати табиийя мутлақо бормаслигини лозим тутмас. Чунки қувваи табиийя агарчи банд бўлғон вариддин ўтолмаса ҳам, лекин шараён

тарафини ҳар он етиб турмоғи учун йўл очиқлиги «Тариқан даврон уд-дам»да собит бўлғондур. Такрор баёни лозим кўрилмади.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, арбаёти сабаъата ашарадин бири ушбу аъзон арбаёи раисадурки, буларни раёсатлари икки навъ бўлур. Чунончи, азбаройи бақойи шахс, яъни шул аъзойи раиса соҳиби бўлган зотнинг ўзини саломатлиги ва бақосига сабаб бўлур. Ёки азбаройи бақойи навъ, яъни шул аъзойи раиса бўлган зотнинг навъи дунёдин маҳв бўлиб кетмаслиги яъни насли мунқатиъ (кесилган) бўлиб кетмаслиги учун сабаб бўлур. Аммо бақойи шахсга сабаб бўлғувчи аъзои раиса уч адад бўлиб, мия, дил, жигардин иборат экани зикр қилинди.

Аммо бақойи навъ учун сабаб бўладурган аъзойи раиса шул уч раиса ила яна хуся (мояк) дурки, ҳаммалари аъзойи арбаёадурлар. Бас, бақойи навъ учун аввалғи уч аъзони дахли шулки, бақойи навъ, яъни тано-силни ҳусули албатта тавлид (туғдириш) ва таваллуд ила бўлмоғи маълум-дур. Бас, бунинг учун бақойи шахс лозимдурки, то ҳар ҳайвонотни ўзида ҳаётлик бўлмаса, андин насл бўлмоғи мумкин эмас. Ва ҳам насл манийдин вужудга келур. Ва маний (эрлик уруғи) қон моддасидин ҳосил бўлурки, агар бул моддани жигар ишлаб еткузиб бермаса, маний ҳосил бўлолмас.

Ва инчунин, агар мужомаъат (жинсий алоқа)дин лаззат ва роҳат эҳсос қилмоқ ва анга саъй ва кўшиш (ҳаракат) қилмоқ учун мияни қуввати ҳассо-са ва қуввати муҳаррикаси бўлмаса, мужомаъат учун ҳаракат ҳам, андин лаззат ва инзол (уруғ оқиши) бўлмас. Ва инчунин, ушбу лаззат учун шавқ ва насл учун муҳаббат бўлмаса мутлақо ҳайвонот миёналарида мужомаъ-ат воқеъ бўлмас. Бас, маълум бўлдики, бул уч аъзойи раисани таносилга дахллари собитдур.

Аммо хуся (мояк)ни дахли шулки, манийнинг назж (стилиш) ва ҳусули ани таъсир ва тасарруфи ила бўлур. Чунончи, табиатдаги ҳазми комил ила ҳосил бўлғон қонлардин маний бўлмоқга қобилларини таби-ат авъийяи манийга (уруғ идишига) дафъ қилур ва авъийяда туриб, мазкур қон манийлик даражага яқинлашиб назж топур, аммо маний бўлмас. Сўнгра хусяга ўтиб, маний бўлур. Бас, авъийяи маний ҳам му-валлиди маний (уруғ пайдо қилувчи) дур. Лекин авъийя назжи назжи увло ва хусяни назжи назжи сонийдурки, нисбатда гўёки бири кайлус ва бири каймус ҳазмидекдур. Ва ҳосил бўлғон манийнинг махзани захира-си сўлб деган варидга бориб жамъ бўлур. Ва сўлб деб белнинг устихо-нини айтилур.

Ва бул варидни мавзеи белда бўлмоқ муносабати ила мажозан сўлб исми итлоқ қилингандур. Аммо авъийи хусяға (мояк идишиға) яқин жойда гўё ичакдек ўз-ўзиға ўралгон бир варид тамуридулки, ани атрофи ва ораси гўшт бирлан ўралгандурки, ҳатто зоҳир назарда қарамак ила бул мавзеда томур борлиги кўринмас. Ва хотинларни хусялари фарж (жинсий аъзо)ни дохилида бўлур. Ва фаржни даҳанидин тақрибан бир ўрта панжани қадди миқдорича дохил тарафда бўлур. Ва авъиялари хуся бирла раҳм (бачадон)ни мобайниға тортулгон бўлиб, вақти мужомаъатда раҳмға шу авъиядин маний тўкулур. Ва тафсилотини, иншааллоҳ, «Боби ташриҳ»да баён қилурмиз.

АММО ХОДИМИ РАИСА деб аъзойи раисийани, яъни феъл ва таъсириларини баданға еткузмоқ учун ўзлариға бир васийла (во-сита) ва олат қилгон узвларини айтилулур. Чунончи, мияни ходими пайлар ва дилни ходими шараёнлар ва жигарни ходими аврида ва хусятини (икки мояк)ни ходими авъийи маний ва сўлб ва аҳлилдур. Ва узви ходима икки навдурки, бир навъи ўз махдумиға даркорлик нимарсани шул махдумни феълиға ва таъсириға қобил ва мувофиқ ҳолатға айлантуруб, тайёрлаб берувчи узвдир. Масалан, жигарни ходими меъдадурки, физони жигарни ҳазмиға осонроқ ва қобилроқ ҳолға, яъни ҳазми каймусға келтуруб тайёрлаб, сўнгра жигарға топшурулур. Ва ўпка дилни ходимидурки, аввал ҳавони ўзиға тортиб, дилға номувофиқ бўлган зиёда совуқликдин андак иситиб, сўнгра дилға топширар. Ва меъда ва жигар ва бошқа аъзойи физолар мияни ходимидур. Ва авъийи маний хусяни ходимидур. Бул ходимни истилоҳи атиббода ходими муҳаййий дерлар. Ва иккинчи ходим шулки, ўз махдумининг феъл ва асарини бошқа аъзоға еткузмоқ учун хизмат қилур. Чунончи, пай, шараён, варид, аҳлил ва сулблар шундоқ ходимдурлар. Ва бул ходимни истилоҳда ходими муаддий дерлар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ходими муҳаййийдин бири ўпка экани маълум бўлди. Бас, ўпка ўзиға тортган ҳавони аввал андак ислоҳ қилиб, сўнгра ани бирла дилни тарвиҳ қилмоқ (шамоллатмоқ)да ҳамма ҳукамо иттифоқдурлар. Лекин дилға ислоҳ топиб боргон ҳавои латифи басит руҳ бўлурму бўлмасму, деган мазмунда ихтилоф бўлгондир. Ва ҳукамо ҳавои басит, яъни хориждаги ҳаво ўпкадин ислоҳ топиб дилға борса руҳ бўлур дегандур.

Лекин мавлоно Шайх ур-раис раҳматуллоҳи алайҳ бул сўзни рад этиб, ҳавои басит танҳо бир унсур бўлиб туриб, аносир и арбаъадин мураккаб бўлиб ҳосил бўладургон руҳлик ҳолатға айланмоғи мумкин эмаслигини, фақат ҳавои басит дилдағи қонларға, агар камоли ихтилот ила имтизож топса, қондағи бошқа аносир ила мураккаб бўлиб, руҳлик кайфият ҳосил қилмоғи мумкинлигини баён этгандурлар ва бул тариқа ила ҳавои баситни руҳ бўлмоғида ҳамма ҳукамо иттифоқдурлар.

АММО АЪЗОИ МАРЪУСА деб аъзои раисадин қувват ва таъсир олувчи аъзони айтурларки, бу маръусалиқда уч мартаба бордур.

Биринчи мартаба шулки, ҳам раис, ҳам ходим, ҳам маръус бўлур. Чунончи аъзои раисаи арбаъаларни ҳаммаси ҳам ўз қувватини баданға таратмоқда, раис ва бошқа аъзои раисанинг қувватидин баҳра олмоқда маръуса ва ҳар бирлари баҳра олмоқлари учун бошқалари баҳра еткурмоқда ходимдурларки, тариқаи маръусалиқ ва ходимликлари юқориди жигарни қувваи табиийяси хусусида баён бўлди.

Иккинчи мартаба маръусалиқ шулки, ҳам ходим, ҳам маръус бўлур, аммо раис бўлмас. Чунончи, меъда, талоқ, ўпка, буйрак ва бошқа хизмат қилувчи аъзолардир.

Ва учинчи мартабалиқ маръуса шулки, фақат маръуса бўлур. Аммо раис ва ходим бўлмас, чунончи гўштур. Аммо раис ҳам, ходим ҳам бўлмагон ва баъзи раисаға маръуса бўлиб, баъзи раисаға маръус ҳам бўлмагон аъзо устихон ва ғузруфдурки, булар аъзои раисадин қувват олмаслар. Балки ўзларини ғизодин баҳра олмоқлари учун ўз зотларидағи қуввати ғаризиялари ила кифояланурлар.

Лекин, билмоқ керакки, аъзои раисани қуввати бунга етмас, демакдин мурод фақат қуввати нафсонийдур. Аммо қуввати нафсоний устихон ва ғузруфға етиб турмоғи било хилофдур. Ва алар ҳам ҳаётлик ила муттасифдурлар, чунки агар ҳаётлик бўлмаса қуввати ғаризийя ҳам бўлмас ва алар ғизо ҳам олмаслар ва фосид бўлурлар. Ва инчунин, қуввати табиийя ҳам етиб турар. Чунки устихонда намув бордурки, ўзиға мутаносиб миқдорда ўсиб турар ва намув қуввати табиийянинг қувваи номийя деган қисмининг феъли эканида ҳукамо иттифоқдур. Бас, устихон ҳам икки жиҳатдинғина маръусадур ва бир жиҳатдинғина маръуса эмас.

Ва билмоқ керакки, мутлақ ул-аъзо икки қисм бўлурки, узви муфрад (ёлғиз аъзо) ва узви мураккаб (кўп аъзо) исмлари ила тасмия қили-

нурлар. Бас, узви муфрад деб ҳар узвики, андин бир қитъасини олинган тақдирда шул бир қитъанинг номини ўшал бутун узвининг номи ила ай-тилуру бўлса, андоқ узвни муфрад дерлар. Чунончи устихонни бутуни ҳам устихондур. Ва ани бир қитъасини олиб ва бир одамга кўрсатиб, бул нима, деб сўралса, албатта, бул устихон, деб жавоб берур. Бас, маълум бўлдики, устихон узви муфраддур.

Аммо узви мураккаб ани хилофидур. Чунончи, қўл узви мураккабдур, чунки ани бутунини қўл дерлар, аммо андин бир қитъа ажратилса, ани гўшт дерлар. Ва қўл демаслар ва андин қолгонини устихон дерлар. Ва баъзи жузьини панжа ёки кафт дерларки, ҳар бир жузьини номи ҳам бошқа бўлур. Бас, бул узв узви мураккабдурки, ани узви олийя ҳам дерлар. Чунки узви мураккаб нафсни тамоман афъол ва ҳаракатида истеъмол қиладирган ҳолатидур ва мураккаб бўлмоғидин ҳикмат ҳам олоти ҳаракат бўлмоғидур. Аммо баъзи аъзойи муфрад ҳам олоти танаффусдур. Чунончи, пайлар азбаройи нуфузи руҳи нафсонийя учун ҳам ҳаракати аъзо ва ҳисси аъзо учун олатдур. Ва инчунин, шароин ҳам дилдин аъзога руҳи ҳайвонийяни нуфузи учун ва аврида ҳам жигардин аъзога руҳи табиийяни ва қонни нуфузи учун олатдурлар. Лекин ҳамма аъзои муфрадлар ҳам олат эмаслар. Аларни хилқатларидин ҳам мақсуд олатлиқ эмас. Лекин олатдин мурод олати бил-фёъллиқдур. Ва илло бил-қувва олатлиқдин ҳеч ўзи холи эрмаски, масалан, тамоми аъзони таҳаммулига устихон олатдур. Ва хорижи ҳаводин ҳарорати ғаризийяни муҳофазасига гўшт олатдур ва ҳоказо ҳеч нимарса беманфаъат махлуқ бўлгон эмаслиги муқаррардур. Ва бас, бил-фёъл олат бўлмогон узвлар аъзойи мураккабни таркибиға жузв учун халқ қилингандур. Чунки, агар мақсуд андоқ бўлмаса эди, хилқати бадан учун узви муфрад кифоя қилур эди ва узви мураккабга ҳожат бўлмас эди. Ва-лайса фа-лайса.

Бас, маълум бўлдики, узви мураккаб фақат узви олатдур. Ва узви муфрад оммдурки, баъзиси олат бўлса ҳам, аксари олат эмас. Бинобарин, узви мураккабни олийя демакга муносиброқдур. Ва ҳам онча таркибдин мақсуд олатлиги бўлгон сабабдин олийялик жисмиға махсусдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, аъзони юқорида баён бўлгон тариқа тақсим қилмоқ, яъни раиса ва маръуса ва ходима деб тақсим қилмоқ аксари ҳукамони наздларида мўтабардур. Ва жумладин Шайх ур-раис, имоми Форобий, Муҳаммад Хусайний, Абу Наср Фароҳий, Муҳаммад ибни Маҳмуд Чағминий, Абдуллоҳ ибни Довуд Антокий ва имом Фахри Розийларни

мазҳабларидур. Аммо ҳақим Собит ибн Қурра ва Салмони Ҳиндий каби бошқа баъзи ҳукамо бошқа тариқа бирла аъзони тақсим қилгондурларки, андак тафовут ила бир мазмунға келур. Бас, шул тафовутни сабаби ила мазкур тақсимни ҳам баён қилиб ўтмоқ лозим кўринди.

Ва тақсим шулдурки, ҳар узвни ўзида қуввати ғаризия бордурки, ани ёрдами ила ғизодин баҳравар бўла олур. Ва буни устиға яна баъзи узв қувват юборурму ё йўқму, қувват юборғонда бул узв қабул қилурму ё йўқму? Бас, қувват юборғувчи узвни мўъттий ва қувват қабул қилғувчи узвни қобил ва қувват юбормағувини ғайри мўъттий ва қабул қилмоғувчи узвни ғайри қобил деб исм берурлар, яъни бутун аъзо тўрт қисмға тақсим қилинур.

Ва биринчи узви мўъттий қобилдурки, мисоли мия ва жигардур, чунки булар ҳам ўз қуввати нафсонийялари ва табиийяларини аъзоға еткизмак ила мўъттийдур. Ва ҳам қувваи ҳайвонийяни қабул қилмак ила қобилдурлар.

Иккинчи узви мўъттий ғайри қобилдурки, мисоли дилдур. Чунки мазкур ҳукамони наздларида дил ўзи ҳама аъзоға қуввати ҳайвонийя ва табиийя таратур. Аммо ўзи қуввати нафсонийяни қабул қилмас.

Учинчи узви ғайри мўъттий қобилдурки, мисоли меъда ва ўпка, талоқ, ичак, гўшт, пай, шараён, варид ва бошқалардур.

Тўртинчи ғайри мўъттий ғайри қобилдур, мисоли устихон ва ғузруфдур, чунки бу қоиллар (айтувчилар)ни наздларида ҳамма узвда қуввати ғаризийя собит бўлуб, ани ёрдами ила ғизолатмаклари мумкинлиги даъво қилинур. Ва ҳам устихон ва ғузруфларни бақосига фақат ғизоси шартлиги ва бошқа қувватларға ҳожат йўқлиги даъво қилинур. Агар ҳамма аъзодаги қуввати ғаризийя ғизоланмоқ ила бошқа қувватлардин мустағний бўлсаки, ҳатто моддаи ҳаёт бўлгон қуввати ҳайвонийядин мустағний бўлса, бас, бул қивон салосанинг хилқатларидин на фойда бор, ё Рабб?

ТҮРТИНЧИ ФАСЛДА ҚУВВАТЛАРНИ БАЁНИДУР

Билмоқ керакки, ҳайвонот ила жамодот ва набототнинг ҳаммаси ҳам жисмдур. Лекин ҳайвонотни таърифлари жисми номийи мутаҳаррик ба иродадур. Бас, жамодот агарчи жисм бўлсалар ҳам, лекин номий, яъни ўсадирган эмаслар. Шунинг учун аларни ҳайвон деб бўлмас. Ва инчунин, наботот жисми ҳам номийдурлар. Лекин мутаҳаррик баирода, яъни ўз ихтиёрлари ила ҳаракат қилгувчи эмаслар. Шунинг учун аларни ҳайвон деб бўлмас. Бас, ҳайвонотни жамодот ва набототдин мумтоз қилгон бу фазилат, яъни ҳаракати ихтиёрийнинг вужуди. Албатта ҳайвонотнинг баданида бир хислат бўлиб, ўшал хислатнинг самараси шул ҳаракати ихтиёрий эканини тақозо қилурки, агар андоғ хислат бўлмаса ҳайвонот ҳаракатсиз бўлмоғи лозим келур.

Агар ҳаракат ҳеч хислатни тақозо қилмай, ўз-ўзича бўлмоғи мумкин деган тақдирда бошқа жамодотлар ҳам ўз ихтиёрларича мутаҳаррик (ҳаракатли) бўлмоқлари лозим келур. Ва-лайса фа-лайса.

Бас, маълум бўлдики, ҳаракати ихтиёрийни боиси бўлгон бир хислатни ҳайвонот баданида борлиги собитдур. Ва ул хислатни ҳукамо қувват деб исм бергандурлар. Ва бул қувват ҳам аз жумлаи арбаоти сабъата ашарадурки, **ҚУВОИ АРБАЪА** (тўрт қувват) деб тасмия қилинур, чунки мутлақ ул-қувват икки хилдур.

Биринчи қувват ул-мунтақила ва бирини қувват ул-мустақила деб айтилур. Ва мунтақиласи яна уч эҳтимолдин холи бўлмаски, бири аъзоға интиқол қилмоқда (ўтмоқда) ё баданнинг табиий ҳожатларига хизмат ва ислоҳ учун интиқол қилур ва ани қуввати табиий дерлар. Иккинчи, аъзоға азбаройи баданни ҳожати нафсонийяси учун хизмат қилур ва ани қуввати нафсонийя дерлар. Ва учинчи, аъзоға азбаройи ҳожати ҳаётнийяси учун хизмат қилур, ани қуввати ҳайвонийя дерлар. Ва тўртинчи, ҳамма баданға мунташир ва ҳамма қувватға муъиндур, аммо ўз феълини ишламоқда бошқа қувватларни ёрдамға муҳтож эрмас. Ва ани қуввати ғаризийя дерлар.

АММО ҚУВВАТИ ТАБИИЙЯ яна икки навъ бўлурки, ё ходима бўлур ё маҳдума бўлур. Маҳдума бўлғони яна икки хил бўлурки, ё азбаройи бақойи шахсға физо учун ишлатгувчи қувват бўлур. Ёки азбаройи бақойи навға физо учун ишлагувчи қувват бўлур. Бас, агар азбаройи физоий бақойи шахс учун ишлар бўлса, яна ул ҳам икки навъ бўлурки,

бирини қуввати ғозийя (озиқлантирувчи қувват), бирини қуввати номийя (ўстирувчи қувват) дерлар.

Инчунин, азбаройи ғизойи бақойи навъ учун ишлағувчи қувват яна икки қисм бўлиб, бирини қуввати муваллида ва бирини мусаввира дерлар.

Ва қуввати ходима ҳам тўрт қисм бўлиб, бирини қуввати жозиба (тортувчи қувват) ва бирини қуввати мосика (ушлаб турувчи қувват) ва бирини қуввати ҳозима (ҳазм қилувчи қувват) ва бирини қуввати дофиъа (ҳайдовчи қувват) дерларки, мажмуи ақсом саккиз қисм бўлиб, ҳаммасини асл мабдаъи жигардур. Ва маҳалли иштиғолиялари (машғул жойлари) ҳар қаю аъзодур. Ва ҳар қисм қувватни алоҳида баён қилурмиз, иншааллоҳу таъоло.

Билмоқ керакки, қувои табиийяни ходими бўлган қисмидин биринчиси **ҚУВВАТИ ЖОЗИБАДУР**, яъни тортмоқ қувватидур. Ва бул қувват жамиъики баданда мавжуддур. Чунончи, оғиздаги ғизони ўнгач жазб қилурки, урфда бул жазбни номини ютмоқ дерлар. Ва бул жазб зоҳиран ўнгачда эҳсос қилинган сабабли мажозан ўнгачга нисбат берилгандур. Аммо ҳақиқатан бул жазб меъдани қувватидур. Сўнгра жигарда ва буйракда ва масонада ва талоқда ва дилда ва соири (бошқа) аъзоларда қуввати жозиба борлиги «Таваллуди ахлот» ва «Даврон уд-дамм» ва «Хузуми арбаъа» мавридларида маълум бўлиб эрди. Такроран баёни ҳожат эмас. Ва ҳам жамиъи аъзо доим ғизоға муҳтож бўлгон сабабдин албатта, ўзлариға лозим ғизони жазб қилмоқлари ақлан ҳам лозимдур.

Ва иккинчи қуввати ходима **ҚУВВАТИ МОСИКАДУРКИ**, бул ҳам тамоми аъзода мавжуддур, чунки ҳар узв ўзиға фойдалиқ ғизо ва кайфиятларни ўзида бўлиб турмоғиға муҳтождур. Бас, ул фойдалиқ нимарсани муҳтож узвда сақлағувчи албатта қувваи мосикадур. Хусусан мавзиъи ҳазм бўлгон ёки мавзиъи тасфия ёки мавзиъи захира бўлгон аъзо, чунончи меъда, жигар, аврида, шароин, ичак, ўт, талоқ, буйрак, масона (қовуқ) ва бошқа узвларда бўлгон ғизони то ҳазми тамом бўлғунча тўхтатиб турмоқ ва ҳам ўзида бўлгон нимарсани тасфия (соф) қилиб, сувини, тафлини ва ёғини ажратиб бўлғунча мазкур нимарсани шул жойда сақлаб турмоқ ва ҳам захира бўлгон моддаларни то ҳожат вақтиғача сақлаб турмоқ учун қуввати мосика мавжуддур.

Ва учинчи ходима **ҚУВВАИ ҲОЗИМАДУРКИ**, бу фақат меъда, жигар ва шароин ва аврида ва пўконда бўлур. Аммо бошқа аъзода

бўлмас, чунки бошқа аъзо мавзиъи ҳазм эмаслиги «Ҳузуми арбаъа» ва «Таваллуди ахлот» хусусида зикр қилингондур.

Ва тўртинчи **ҚУВВАИ ДОФИЪАДУРКИ**, бул қувват тамоми аъзода бўлур. Чунончи, ғизо ҳазм бўлгондин сўнг ёки тасфия тамом бўлгондин сўнг ёки захира тамом бўлгондин сўнг шул жавҳар тургон узвлар ўзларидаги жавҳарни бошқа муносиб ёки муҳтож узвга юбормаклари ва ўз тарафидин дафъ қилмоқлари учун бир қуввати дофиъага албатта муҳтождурлар. Ва ҳам бошқа аъзоларга ўзларини ғизолари учун қобилиятсиз фазла (чиқинди) ҳосил бўлгонда ани ўзларидин чиқариб ташламоқга муҳтождурлар. Бас, бул нимарсани чиқарувчи қувват қуввати дофиъадур.

Чунончи, меъда баъд аз каймус ўзидаги холис жавҳарни жигарга, ёғни чарбиға ва сувни буйракға ва тафлни ичакға дафъ қилур. Ва жигар ҳам баъд аз каймус ичакда бўлгон кўпигини ўтға, дурдасини талоқға ва суюғини буйракға ва холис жавҳарни авридаға дафъ қилур. Ва пўкон ҳам меъдадин чалалик ила боргон ғизони ҳазм қилгондин сўнг ани хулосасини жигарга ва ёғини ҳасиф чарбисиға ва сувини масонаға ва тафлини ҳасифға дафъ қилур. Ва буйрак ўзиға келган обиятни тасфия қилгондин сўнг ёғини чарбиға ва сувини масонаға ва масона хорижға дафъ қилур.

Ва ўт ила талоқ ҳам меъда муҳтож бўлган вақтида ўзларидаги сафро ва савдодин қадри ҳожатни меъдаға дафъ қилурлар.

Ва соири аъзолар ўзларида ҳосил бўлгон фазлаларни ўзларидин дафъ қилур. Чунончи, ўпка балғамни йўталиб дафъ қилур ва мия назлани акса ила дафъ қилур.

Ва соири аъзо тер ёки чирк ва ё жароҳатлар ила дафъ қилур. Чунончи, чечак, қизамиқ ва сарамас касалликларида мушоҳада қилинур.

Аммо қувваи маҳдуманинг биринчи қисми бўлгон **ҚУВВАИ ҒОЗИЯДУРКИ**, қувваи ҳозималардин ҳосил бўлгон жавҳарни баданға бил-феъл жузви бадан бўлмоқға қобил, яъни узвга мушобиҳ ҳолға келтирғувчи қувватдур. Ва бул қувват тамоми аъзода бўлур. Агар устихон ва ғузруфда бўлмоғида ихтилоф бўлса ҳам, лекин қавли асаҳҳ (тўғри фикр)да қувваи ғозия аларда ҳам бўлур. Чунки ҳар жавҳарики қувваи жозиба, мосика, ҳозима, дофиъаларни тасарруфидин тайёрланиб, аъзоға жузви бадан бўлсалар, албатта, мазкур қувватларнинг тасарруфидин сўнгра қуввати ғозийяни тасарруфиға кирарлар, токи

ани таъсири ила мушобиҳи бадан бўлурлар. Ва бул қувватни тасарруфидин чиқиб, қувваи гаризийнинг тасарруфига кирарлар, токи ҳақиқий жузви бадан бўлурлар, яъни қувваи ходимаи арбаъаларга жозиба, мосика, ҳозима, дофиъалар қуввати ғозийя ходимидурки, ғизони қувваи ғозийяни тасарруфига қобил даражаға еткизуб, ҳазм қилиб бергувчи ходимдурлар.

Ва қувваи ғозияни ҳар бир узвда бўлғони бошқа узвда бўлғониға иштироклари бўлмас. Балки ҳар узвни ғозияси шул узвға керак ғизолиғини тасарруф қилур, чунки ҳар узвни моддаси бошқа узвни моддасиға муғоир бўлғонидек, ғизоси ҳам ани ғизосиға муғоир бўлур. Бинобарин, бир узвни ғизосидин иккинчи узвни ғизосиға ҳеч баҳра бўлмас, ҳаттоки бир узвни ғизоси бошқа узвни ҳаққиға фазладур. Масалан, гўшт бўлмоқ учун қобил бўлғон жавҳари ғизо пай бўлмоқға албатта, ноқобилдур ва пай бўлмоққа муносиб ғизо устихон бўлмоқға нолойқдур ва ҳоказо.

Аммо фақат жигарни қуввати ғозияси ҳамма аъзони қуввати ғозиясиға мутаносиб ва муштаракдур. Чунки жигарни ғозияси жавҳари ғизони қон қилур ва қонни салоҳияти ҳар қаю узв бўлмоқ учун баробардур.

Бас, бул тақриротни хулосаи натижаси ушбудурки, кайлус ва каймуси увло қувваи ҳозимани феълидурки, ғизони узви бадан бўлмоқға қобилиятлик модда қилиб ишламоқдур. Лекин ҳануз анда ғизолик навъийяти фил-жумла боқий бўлур. Ва аммо каймуси соний ва каймуси солис қуввати ғозияни феълидурки, мазкур қобилиятлик мизожда ва қивомда ва рангда ва жавҳарда узвға ўхшаш қилиб ишламоқдур. Лекин қувваи ғозияни таъсирини ҳукамолар икки даражаға тақсим қилгондурлар.

Бирини шулки, ғизои қобилни баданға пайваста ва мултасиқ қилмоқдур. Ва иккинчи даражаси шу мултасиқ бўлғон жавҳарни мушобиҳи узв қилмоқдур. Бас, қуввати ғозияни биринчи даражадаги феълида нуқсон бўлса истисқойи лаҳмий ориз бўлур. Ва агар иккинчи даражалик феълида нуқсон бўлса, барас (пес) ва баҳақ (тери оқи) касаллари ориз бўлур.

АММО ҚУВВАИ НОМИЙЯ (ўстирувчи қувват) шулки, қувваи ғозия бирлан тамоми хизматда баробардур. Ҳамма вақт ҳамроҳдур. Лекин ўзига махсус хизмати бордур. Чунончи қувваи ғозия жавҳарни ишлаб аъзоға мушобиҳ қилмоғи зикр қилинди. Бас, шул жавҳардин қаю узвға мушобиҳ бўлғонини ўшал узвға қўшмоқ, масалан, гўшт бўлмоқға муносиб ва мушобиҳ бўлғон моддани ажратиб олиб

гүштга құшмоқ ва устихон бұлмоқға лойиқ моддани ажратиб олиб устихонға құшмоқ ва пай бұлмоқға муносиб бұлғон моддани ажратиб олиб пайға құшмоқ ва ҳоказо, бул хизмат қувваи номияни хизматидур.

Ва инчунин, ҳар моддани ўз жинсиға қўшғонда ҳам ани қутриға муносиб тартибда пайванд қилмоқ, яъни бир узвни расмий сувратидин қадди қисқароқ ва эни йўғонроқ бўлиб кетмасин учун ёки қадди дароз ва эни ингичка бўлиб кетмасин учун ҳар узвни ўз шакли махсусасиға муносиб равишда муносиб миқдор моддани пайванд қилмоқ. Ва инчунин, ҳамма аъзонинг ҳажмини риоя қилиб, моддани бутун аъзоға баробар ва муносиб ҳолда тақсим қилмоқ, чунончи, танаға назаран бош каттароқ ёки кичикроқ бўлмасин учун ёки ўнг қўлга назаран чап қўл каттароқ ёки кичикроқ ёки эгри бўлмасин учун ёки оёқ каттароқ ёки кичикроқ бўлмасин учун ва ҳоказо, жамиъи аъзони ўз ҳолиға нисбатан лойиқ ва муносиб миқдорда модда тақсим қилмоқ қувваи номийянинг хизматидур. Токи ушбу усул ила намув (ўсиш) комил бўлғай.

Ва билмоқ керакки, қуввати номийянинг хизмати фақат даври намувға хос эмас. Балки ҳама вақт баданда ҳодис бўлғон фаноликни бадали учун ҳам намув лозимдур. Чунончи, «Боби ахлот»да зикр қилинди. Бас, қувваи номийяни бул баён қилинғон тасарруфоти ҳаммаси ғизоии бақойи шахс учундур.

Аммо ғизоии бақойи навъ учун ҳам ғизо тасарруф қилур. Масалан, ушбу жавҳари физодин маний бўлмоқға қобил бўлғон моддани ажратиб олиб, авъийяи манийға (уруғ идишига) еткурмоқ ва ҳам бул жавҳардин сут бўлмоқға қобил моддани ажратиб олиб эмчакға юбормоқ қувваи номийяни хизматидур. Лекин бул хусусда бул қувватни ҳаракат ва тасарруфға киришмоғиға дилдаги қувваи ҳайвонийяни шўъбаси бўлғон муҳаббат боис бўлур. Чунончи «Хузуми арбаъа»ни учинчи қисмида баён қилинди.

Аммо қувваи табиийяи маҳдуманинг ғизоии бақойи навъ учун ишлағувчи қисмининг биринчиси бўлғон қуввати муваллида авъийяи маний ва хусяда бўлур. Ва бу қувват яна икки навъ бўлиб, бири эркак ҳам ургочини авъийясидаги маний бўлмоқға қобилиятлик қонни маний (уруғ) қилур. Ва бири манийнинг гүшт бўлмоқға қобил бўлган моддасини гүштга ва устихон бўлмоқ учун қобилини устихонға ва

пай бўлмоқ учун қобилини пайға ва томур бўлмоқ учун қобилини томурға ва ҳоказо, ҳар бир узви муфрад бўлмоқға қобил бўлгон моддаларни бир-биридан ажратиб, яна ушбу моддаларни бутун аъзоға тақсим қилиб, ҳар бир аъзоға лозимича мазкур моддалардин қўшуб, тартиб ила имтизож берур. Масалан, ҳар бир қўл бўлмоқ учун қанча устихон моддаси лозим ва қанча миқдор гўшт моддаси лозим ва қанча миқдор пай моддаси лозим бўлса, шул миқдорда алат-таносиб тақсим қилур. Яъни, бир қатра манийнинг бир жузви бош ва бир жузви оёқ бўлмоқға ва жузви тана бўлмоқға ва ҳоказо, бир суврати ҳайвонийя интизомида аъзо бўлмоқға қобил қилур. Ва ҳам мазкур жузвларни неча жузвға тақсим қилиб, андин бир қисмини гўшт ва бир жузвини устихон ва бошқалар бўлмоқға қобилиятлик қилур.

Бас, гўё бул қуввати муваллидани биринчиси, яъни маний тайёр қилғувчиси баманзалаи ҳазми каймуси увлодурки, қон тайёр қилур. Ва иккинчи муваллида, яъни манийдин ҳар хил моддани ажратиб, ҳар узв бўлмоқ учун қобил бўлгон муваллида баманзалаи ғозиядурки, қонни ҳар хил моддасини ажратиб ҳар хил аъзоға мушобиҳ қилур. Ва қувваи мусаввира баманзалаи қуввати ғаризийядурки, худ суврати аъзо қилур.

Ва муваллидаи аввалки, маний ҳосил қилур, ул доим хусяда бўлур ва ҳаргиз бошқа жойға интиқол қилмас. Аммо муваллидаи сонийя маний ила ҳамроҳдурки, маний хуся (мойк)да бўлганда бул ҳам хусяда ва маний авъийяда бўлганда бул ҳам авъийяда ва маний раҳмға интиқол қилса, бул ҳам интиқол қилур. Ва ҳам муваллидаи увло ҳар қачон авъийяға қон борса, ани маний қилмоқға таважжуҳ ва ҳаракат қилур.

Аммо муваллидаи сонийяни феъли икки навъ бўлиб, бири хусяда бўлур ва иккинчи феъли баъд аз интиқол фақат раҳмда бўлур ва бошқа жойда бўлмас. Чунки агар хусяда ҳам манийнинг тартиб бериб, гўшт ва устихонларға қобил моддаларни аъзойи ҳайвонийя интизомига солса, у вақтда баъд аз интиқол эркак ва урғочининг бир-бирларига имтизожи ила бурунги интизом бузулиб, яна раҳмда бошқа интизом бермак лозим келур.

Аммо ҳукамон юнонийянинг баъзиларини наздларида интизом фақат эркакнинг хусясида бўлмоғи ва урғочиди мутлақо интизом бўлмаслиги, балки эркакнинг манийси раҳмға мунтазам бўлиб боргон сабабли ани ҳар хил моддаси ўз жозибаси ила урғочининг манийсидан ўзига муташокил

бўлгон моддаларни жазб қилиб олмоқлари ва бул интизомда ургочини мудохаласи (дахли) йўқлиги ва ургочиларда муваллидаи сонийя бўлмаслиги даъво қилинур.

Аммо баъзилар, чунончи ҳукамои юнонийядин ҳаким Боқун ва насронийядин ҳаким Жолинус, ҳукамои исломийядин Салмони Ҳиндий ва ҳаким Фарҳати Румийларни наздларида муваллидаи сонийя фақат ургочиди бўлмоғи ва эркакда бўлмаслиги даъво қилингандур. Ва буларни далиллари шулки, ҳар узв вақтики баданға жузв бўлса, шул жузвға нафсни тааллуқи фазлаға бўлгон тааллуқиға назаран кўпроқ бўлур. Бас, агар ул узв кесилиб, бадандин жудо бўлса, сўнгра анга нафсни тааллуқи ҳам кесилиб, ул узв мутааффин ва фосид бўлур. Бас, маний ўзи фазла бўлган сабабдин анга нафсни тааллуқи оздур. Яна бул маний эркакнинг баданидин жудо бўлгонда нафсни тааллуқидан ҳам жудо бўлур. Бас, узви маййита (ўлик аъзо) ҳукмида бўлур ва ул узви маййита неча вақт раҳмда туриб, суврат ҳосил қилғунча эркакни тааллуқи нафси ўлгон қуввати муваллида боқий турмоғи мумкин эмас, дерлар.

Аммо аксари ҳукамои юнонийя ва ҳукамои исломийлар ва бул жумладин Арасту. Зиймус, Буқрот, Афлотун ва Дискуридус ва Довуд Антокийлар, Фаҳри Розий, имом Форобий, Шайх ур-раис, Муҳаммад ибни Маҳмуд Чағминий, ҳаким Фароҳийларни наздларида қувваи муваллидаи сонийя ҳам эркак, ҳам ургочиди бўлур. Ва лекин эркакни муваллидаи сонийясида икки хил феъл бордурки, бири манийдаги ҳар хил жавҳарни ҳар хил узв бўлмоқға қобил қилиб ишламоқ ва бул феъл хусяда ва авъийяда бўлур. Иккинчиси, мазкур ишланган моддани суврати ҳайвонийяға тартиб ва интизом бермоқ феъли фақат раҳмда бўлур. Лекин муваллидаи сонияни биринчи феъли хусяда бўлмоғлигини Муҳаммад ибн Маҳмуд Чағминий хилоф қилурлар. Ва эркак ва ургочини муваллидаи сониялари амалда бир-бирларига мувофиқ ва муовин дерлар. Ва шул қавл саҳиҳ (тўғри)дур.

Лекин бу ҳакимларнинг аксари мутақаддимийн (қадимда ўтган) бўлгон сабабларидин бўлса керак, аввалғи қавлни раддиға ҳеч жавоб ёзмабдурлар. Бас, ҳақири ночиз (яъни муаллиф) агарчи ҳечмадондурман, лекин аз жумлаи лавозими пешаи устоиди киром ўлмоқ орзуси ила бақадри тоқат, мутасаддийи жавоб бўлурманки, эркакни манийсида муваллидаи сонийя бўлмоғи муқаррардур. Ва маний эркакдин интиқол қилмоқ ила тааллуқи нафс андин зойил бўлмас, чунки узвдин ке-

силиб жудо бўлгон қитъани тааффунига ани бадандин жудо бўлмоғи шарт ва сабаб эмас. Балки ҳавони фасоди шарт ва сабабдур. Ва маний эса хорижий ҳавога мулоқот қилмас. Балки бевосита бадандин баданга инзол қилур. Бас, ани узви маййита ҳукмида қувваи ҳаётийяси маҳв бўлгон демак нодурустдур. Чунки эҳёи баъд аз мавтни олами табиатда вуқуи мумтаниълиғиға мазкур ҳукамо ўзлари мўътариф бил-иттифоқдурлар.

Бас, эркакни манийси бадандин муфорақат қилмоғи ила қуввайи ҳаётийясини йўқотиб, узви маййита бўлса, бул маййитани раҳм (бачадон)да яна иккинчи тирилмоғи нечун мумкин бўлур? Албатта, мумкин эмаски, бир олами табиатда туруб баъд ал-мавт, яъни тирилмоқ мумтанитьдур. Бас, маълум бўлдики, эркакни манийсида қувваи муваллидаи сонийя боқий турар. Ва хотинни қувваи муваллидаси анга муъин ўлуб, камолот ҳосил қилур. Ва мунга далил шулки, дарахтни ҳамма аъзоси ўзиға заминдин қувваи ҳаёт бўлгон рутубатни олиб турар. Ва агар ани шохини кесилса, танадин ажраган сабабдин рутубат жазб қилолмас. Ва ҳавои хорижийнинг таъсири ила батадриж ҳаётини йўқотиб қурур, лекин агар шохни кесилгандан сўнг ҳануз қуввати ҳаётийяси, яъни рутубати боқийлик вақтда бошқа дарахтга уланса, бирини қуввати ҳаётийясиға иккинчисини қуввати ҳаётийяси муъин ўлуб кўқарур. Бас, маълум бўлдики, асли бадандин муфорақатни ўзи сабаби фасод бўлмас. Ва дигар инки, худ ҳаким Жолинуснинг ўзи ҳам бир ичаги фасод олгон одамни ичагидин фосид бўлгон миқдорини олиб ташлаб, ўрниға маймунни ичагидин улаганини ва шул одам яна сиҳат ҳолиға кириб, яна йигирма олти йил умр кўргондин сўнг сарсом касали ила ўлгонини «Мужарработ»ида баён қилгондур.

Ва ҳаким Боқун ҳам бир одамни кекирдагидан «акола» касали ила бир миқдор жой фосид бўлгон сабаблик ани фосид бўлгон миқдорини олиб ташлаб, ўрниға итни кекирдагидин бир қитъани анга улаб яхши қилгани ва бул тажрибасидин сўнг бир зубаҳа касалиға мубтало бўлгон кишини кекирдагидин тешиб кўюб, нафас олдириб, зубаҳа касали яхши бўлгондин сўнг, мазкур тариқада итни кекирдагини улаб яхши қилгонини, лекин бул амал учун мазкур итни янги сўйилган кекирдаги совумоғон бўлмоғи шартлигини ҳаким Боқун ўзи баён қилгондур.

Бас, маълум бўлдики, бир узвни фақат бадандин жудо бўлмоғи сабаби фасод эмас. Ва бул тариқа пайвандларни амсоли ҳозирги замонимизда кўпдур. Бас, бандани пайванди мундоғ бехато амалға келган

бўлса, эмди эркак ва хотинни манийларидин бўлгон фарзанд Ҳакими Бемисол ва Худойи лоязолнинг пайвандидурки, бу хусусда чуну чаро демакга банда ожиздур. Ва таборакаллоҳу аҳсан ул-холиқийн.

АММО ҚУВВАИ МУССАВВИРА қувваи табиғийи махдумани ғизойи бақойи навъ учун амал қиладурган иккинчи қисми қуввати мусаввирадурки, қувваи муваллидани амали ила тайёр бўлгон мунтазам манийни суврати ҳайвонийга киргизар.

Ва бул қувват ҳам эркак ва хотинда баробар бўлур ва буни макони фақат манийдадур. Лекин феъли фақат раҳмда бўлур. Ва раҳмда Ҳазрати Халлоқи Акбар бир даража ҳарорати мўътадилаи мушаввиқа халқ қилгандур. Бул ҳарорати мушаввиқа манийдаги қуввати мусаввирани ҳаракатга киргизар. Аммо баъзилар қувваи мусаввира фақат хотинда бўлмоғи, ҳатто хотинни манийсида ҳам бўлмай, балки мусаввиралик раҳмни феъли эканини заъам қилибдур. Лекин ғалат қилгондурлар. Ва қувваи мусаввира ҳам муваллида эркак ва хотинни ҳар иккисида бўлур. Ва муваллидаи сонийяни муғаййираи увло (биринчи ўзгартирувчи) дерлар. Чунки манийга аввало суврати маънавий ҳосил қилур ва мусаввирани муғаййираи сония (иккинчи ўзгартирувчи) дерларки, манийга иккинчи мартабада суврати зоҳирий ҳосил қилур. Шунинг учун туғилгон фарзанд сийрат ва ахлоқда ҳам ота ва ҳам онага ўхшарки, ахлоқ суврати маънавийдир. Ва бул хусусда «ал-валаду сиррун ли-абиҳи» вориддур. Бас, бул кайфияти муваллидаи сонийянинг таъсиридур ва инчунин, суврати зоҳирийда ҳам ота ва ҳам онага ўхшар. Ва ҳаттоки, агар ота ва она жинсида мухталиф бўлсалар ҳам, миёналаридаги фарзанд ҳар иккисига ўхшар. Чунончи хачирда мушоҳада қилинурки, ани суврати ҳам отга, ҳам эшакга нисбати баробар муташобиҳ (ўхшаш)-дур. Бас, бул хосият қувваи мусаввирани асаридур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, қувваи муваллида ва қувваи мусаввирани азбаройи ғизойи бақойи навъ учун хизмат қилмоғи аксариятга ва зоҳирга эътиборандур. Ва илло бақойи шахс учун ҳам хизмати собитдур, чунончи жавҳари ғизодин қон пайдо қилғувчи қувватни ҳам истилоҳда муваллида дерлар. Ва қонни гўшт сувратиға ва ё узв сувратиға ўзгартирувчи қувватни ҳам мусаввира дерлар.

Аммо қувваи ҳайвонийя қивои арбаъани мустақилла навъидин иккинчи қисми қувваи ҳайвонийядур. Ва бул қувватни асл мабдаи дилдур. Лекин маҳалли интишори жамиъи аъзодур. Чунончи «Аъзои раи-

сий»да баёни ўтди. Ва бул қувват учун ҳайвонотни ҳожатлари шулки, жасади ҳайвонийни ҳаёти албатга, руҳ ила барқарордур. Лекин олами табойиё муқтазосича, ҳар ажсоми касийфа ва латифалар ҳар доим ориз бўлгонидек, руҳда ҳам фанолик ориз бўлур. Ва дам-бадам руҳ камаймоқ-дадур. Шунинг учун гўё фано бўлгон аъзонинг бадалига жигар қон етказиб турғонидек, фано бўлгон руҳни ўрнига бадал учун бошқа руҳ тайёрлаб еткузуб турмоқ ва мавжуд руҳни тарбия қилиб, ҳадд ал-имкон фано ва офатдин сақлаб турмоқ учун мутасадди бўлғувчи бир нимарсага ҳайвон муҳтождурки, бул нимарса қуввати ҳайвонийдур. Ва анинг феъли қоннинг ҳазм ва тасфия қилмоқ ила қон кучи бўлгон бухороти латифа ҳосил қилур. Ва бул бухоротни яна зиёда тасфия (тоза) қилиб, андин яна руҳ ҳосил қилур. Ва ҳам руҳи ҳайвонийни ҳамма аъзога таралиб етмоқлариға шул қувваи ҳайвоний сабабдурки, гўё руҳи ҳайвонийни маркаби қувваи ҳайвонийдур ва руҳи нафсонийни маркаби (улови) қуввати нафсоний ва руҳи табиийни маркаби руҳи табиийдур. Баъзи қавлда билъаксдур.

Бас, ҳамма аъзони саломати ва бақоси ва фосид бўлмоқдин сақламоғи ҳаммаси агарчи руҳни тарбияти иладур, лекин руҳни нуфузи аъзога қувваи ҳайвоний иладур. Бас, гўё тамоми баданни бақоси ушбу қувват иладурки, сабаби айни сабаб уш-шайдур. Ва ҳам руҳни офат ва фанодин муҳофаза қилур. Лекин бул муҳофазада қуввати нафсонийни ёрдамиға ҳам фил-жумла муҳтождур. Чунончи, дил қувваи ҳайвонийяси ила дилни елпутмоқға тақозо қилур, чунки руҳ камоли сайри ва ҳаракати сарниёси (тез ҳаракати)дин ҳарорати зотийяси зиёда бўлур. Ва бул ҳароратға таҳаммул қилмоқ учун руҳ камоли латофатидин муқтадир (қодир) бўлмай, андак фурсатда куйуб фано бўлмоғи лозимдур. Ани бул офатдин сақламоқ учун ҳар онда совуқ ҳаво елпутуб турмоқға қувваи ҳайвоний муқтазий бўлса ҳам, лекин ўзида қувваи муҳаррика бўлмоғон сабаблик қувваи нафсонийдин ёрдам олиб, руҳни елпитар. Чунончи, ўпка хориждин нафас олиб, совуқ ҳавони тортур ва ўзини ичидаги тешуклариға тўлдирар. Ва андак совуқликни шиддати камайуб, безарар бўлгондин сўнг дилға юборур. Ва дил ўз ҳароратини тамаввужи (мавжи) ва тўлқинидин иборат бўлгон ҳаракати изтирорийки, қувваи ҳайвонийни муқтазосидур, шул ҳаракат ила дил ҳам мазкур ҳавони шароин воситаси ила руҳға етқузуб, уни елпитар. Ва нафасни чиқаргонда эски ҳаво ила бухороти духони-

яларни чиқарур. Бас, бу ҳолда руҳни ва дилни тарвиҳ қилмоқ тақозоси қувваи ҳайвонийянинг феълидур.

Ва ўпкани ҳаракати қувваи нафсонийяни феълидурки, қувваи ҳайвонийяға ёрдамидур. Аммо қувваи нафсонийяни ёрдамидин бошқа фақат қувваи ҳайвонийяни ўзи ҳам фил-жумла руҳни тарвиҳ қилур. Чунончи, шароинни тамаввужларида баданни масомларидин ҳам фил-жумла ҳаво жазб қилуб руҳни елпитар. Лекин бул қадри ҳожатға кифоя қилмас. Ва ўпка тарафидин кўпроқ ҳаво тортуб, тарвиҳ қилмоқ учун қувваи нафсонийяни ёрдамига ҳамон муҳтождур.

Ва баданни масомларидин ҳаво жазб қилуб руҳни тарвиҳ этилмоғи учун далил шулки, агар ҳибси нафас қилгон (дамини ичига ютган) киши очиқ ҳавода бўлса фил-жумла кўпроқ замонға тоқат қила олур. Ва агар тангроқ уй ёки эски ҳаволик тангроқ жойда ҳибси нафас қилса бул қадар замонға тоқат қила олмас.

Бас, маълум бўлдики, хорижий ҳавони масомлардин ҳам тарвиҳи руҳ учун таъсири бордур. Ва далили дигар шулки, агар хушҳаво жойға, масалан, тоғ устига бир қалин либосли киши чиқса тоғни ҳаво латифидин нафас олмоқ ила бир фараҳлик рўй берур. Ва агар қалин либосини ечиб, бараҳна (яланғоч) бўлса баданига ҳаво тегмоқлиги ила фараҳлиги яна зиёда бўлур. Бас, маълум бўлурки, ҳавойи хорижийдин масом воситаси ила тарвиҳи руҳ бўлур. Ва қуввати ҳайвонийя баданда ҳосил бўлган сабаблик баданға ҳис ва ҳаракатни муҳайё қилур. Агарчи ҳис ва ҳаракат қуввати нафсонийяда бўлса ҳам ани баданда ҳосил бўлмоғи қуввати ҳайвонийяда ҳодис бўлгондин сўнг бўлур. Ва қуввати ҳайвонийяси бўлмоғон жисм қуввати нафсонийяни қабул қилмас.

Аммо қуввати табиийя ҳамма қувватдин муқаддамдур. Ҳаттоки ҳайвонотға махсус бўлмайдиган маволиди салосани ҳаммасида бордур. Бас, маълум бўлдики, қуввати ҳайвонийя қуввати табиийяға муғойир (зид)дур. Аммо қуввати ҳайвонийяни қуввати нафсонийяға муғойирлигиға далил шулки, масалан, фолиж (шал) бўлгон кишини мафлуж узви ҳаракат ва ҳисдин маҳрумдур. Лекин ҳануз ҳаётдурки, агар анда қуввати ҳайвонийя бўлмаса маййит (ўлик)ни узвидек уфунат (чириш) ҳосил қилиб фосид бўлур эди.

Бас, маълум бўлдики, қуввати ҳайвонийя қуввати нафсонийяға муғойирдур. Ва инчунин, қуввати ҳайвонийя боқий туриб, қуввати табиийя ҳам фоний бўлур. Гуё мафлужда қуввати нафсонийя фоний

бўлғони каби. Чунончи пир бўлғон кишида қуввати муваллида фоний бўлур. Ва ҳам доул-фил бўлғон кишини маълул (касал) узвидин паст тарафида қуввати ғозийя фоний бўлур. Ва яна ҳаракат ва яна ғазаб ва фараҳ ва хижолатлар ҳам қуввати ҳайвонийяни феъли ва қуввати нафсонийяни феълидур. Чунки буларни ҳар бири фойда ёки зарарни тасаввуридин ҳосил бўлғон ҳаётни самараси бўлғон нишот (шодлик) ёки ташвишни кайфиятидурки, бул ҳаёт қуввати нафсонийяни феълидур. Бас, бул махсус бўлғон тасаввур хатарлик ва хавфли бўлса, ҳамма аъзодаги қуввати ҳайвонийя ва нафсонийя ул хатардин ижтиноб (қочиш) учун дохили баданга мутаважжих ва рожиъ бўлурлар.

Ва бит-табъ руҳ ҳам дохилга мутаважжих бўлур. Ва аларни раҳбарликлари ила юрган қон ҳам ночор алар ила дохилга мойил бўлур. Шунинг учун зоҳирда ҳам қувват камайиб, ҳам қонни асари қолмай, ранг оқарур. Ва агар хавф бўлмаса бошқа ҳаётни, масалан, хижолат ва ғазаб ва фараҳни дил ўзида забт қилмоққа танглик қилиб, ани ўзидин чиқармоқни тақозо қилур.

Ва қуввати ҳайвонийя дилни муҳофаза қилмоқ учун мазкур кайфият-ни хориж тарафга дафъ қилмоққа ҳаракат қилур. Ва фараҳни мўвжиби бўлғон хорижий воқеъа нафсга марғуб бўлғон сабабдин анга тезроқ вусул учун ё мўвжиби ғазаб каби нафсга номарғуб воқеъади ани дафъига нафс ғолиб ва бевахм бўлса, ани дафъига ва интиқомига мутаважжих бўлур, хориж тарафга чиқар. Ва бул ҳаракатда ҳам руҳ хориж тарафга мутаважжих бўлур ва қонни зоҳири баданга дафъ қилур. Лекин батафовутдурки, фарҳ зотан дилни марғубидир, лекин миқдордин зиёдаси дилга андак оғирлик қилур. Шунинг учун ани дафъига қуввати ҳайвонийя изтиробсиз кўшиш қилур. Шунинг учун фараҳда юз қизармоқ ғоятда кам бўлур. Ва ғазаб агарчи дилга марғуб эмас, лекин ани ҳудуси фил-жумла батадриж бўлур. Шунинг учун ани дафъига ҳам қуввати ҳайвонийя кўб изтироб қилмас, шунинг учун ҳарорати ва юз қизармоғи миёнароқ бўлур.

Аммо хижолат ҳам дилни марғуби эмас. Ва ҳам дафъатан ҳодис бўлур. Шунинг учун қуввати ҳайвонийяни дафъига камоли изтироб ила қаттиқ таважжуҳ қилур. Шунинг учун ани ҳарорати ҳам шиддатлик бўлур ва қизармоғи ҳам зиёда бўлур. Аммо ваҳми ғолиб кишини ғазоби гўё хавфни кайфиятида бўлиб, ранги ўчар.

АММО ҚУВВАИ НАФСОНИЙЯ қувойи арбаъани мунтақила навъида бўлғон қуввати нафсонийядур. Ва бул қувват миядадур ва

бадандаги ҳис ва ҳаракатлар шул қувватни жумласидандур. Ва бул қувват учун ҳайвонотнинг ҳожатлари азбарои ўзиға фойдалиқ ёки зарарлиқ бўлгон нимарсани наф ва зараридин огоҳ бўлуб, нофиъни ўзиға жалб қилмоқ ва зарардин ижтиноб қилмоқға муҳтождур. Ва бул феъл албатта, идрок ва ҳаракат ила вужудға келур ва идрок ва ҳаракат шул қуввати нафсонийяни феълидур. Ва бул қувватни номини нафсонийя, деб нафсға нисбат бермоқдин ғараз ҳам буни доим фойда ва зарарни тафтиш ва кўшишида бўлғониға ишорат учундур. Чунончи «Аъзои раиса» фаслида баён қилинди.

Ва бу қувват икки навъ бўлурки, бирини мудрика (сезувчи) ва бирини муҳаррика (ҳаракатлантирувчи) дерлар. Ва қуввати мудрика икки қисм бўлиб, бирини мудрикаи зоҳирий ва мудрикаи ботинийя дерлар. Чунки мазкур қувватни аввалғи қисми ашъи зоҳирийни идрок қилур. Ва иккинчи қисми маъонийи ботинийяни идрок қилур. Ва ҳам ашъи зоҳирийни идрок қилғувчи қувватни мабдаъи мия бўлса ҳам, лекин идрок учун маҳалли таважжуҳлари зоҳирда, яъни миядин хорижда бўлур. Ва иккинчини мабдаъи ҳам, маҳалли таважжуҳи ҳам худ миядадур. Ва бул қисми аввални ҳавосси зоҳирий ва қисми сонийни ҳавосси ботиний дерлар.

Ва билмоқ керакки, мудрикадин мурод бул мавридда идроки жузъиёт қилғувчи демақдур. Чунки идроки жузъиёт ва куллиёт қилғувчини мудрики ақлий дерларки, ақлни мабдаъи бўлгон нафси нотиқадур. Ва ҳавосси зоҳирий беш қисмға тақсим бўлуб сомиъа, босира, шомма ва зоиқа, ломиса исмлари ила тасмия қилинур. Ва бул ҳавосси зоҳирий гўёки ҳавосси ботиний, яъни мухбирлари ва жосусларидур.

Ва билмоқ керакки, ҳавосси зоҳирийни беш адад демак қавли асаҳҳ ва қавли машҳурға мабнийдур. Ва илло ҳавосси зоҳирий баъзи қавлда икки адад ва баъзи қавлда саккиз адад ва баъзи қавлда тўққиз адад-лиги даъво қилинур. Ва қавли аввални далили шулки, эҳсос ёки бавосита бўлур ёки бевосита бўлур. Бас, агар бавосита бўлса албатта, фақат шакл ва ҳайъатни жазби ила бўлурки, бу эҳсоси раъния, яъни кўрмоқдин иборат бўлур. Ва агар бевосита бўлса, яъни узви ҳосса ила ашъи маҳсусани миёналари бевосита бўлса бу эҳсосни эҳсоси ламсий дермизки, боқий ҳавосс шул ламсийдан иборатдур. Чунки эҳсоси ломиса ўзи маълум. Аммо эҳсоси сомиъа (эштиб сезиш)да ҳавонн тамаввужидин иборат бўлгон овоз қулоқға тегиб, эҳсос этилурки, бул кайфият қулоқнинг ламсидур.

Ва *зоиқада* ҳам таъмлиқ нимарса тилга тегиб эҳсос қилинурки, бул кайфият тилнинг ламсидур. Ва *шоммадан* ислик нимарсани жавҳари зотийяси ила имтизож топиб, мутакаййиф бўлгон ҳаво бурунға тегиб эҳсос қилинурки, бул кайфият буруннинг ламсидур, дерлар.

Аммо ҳавоссни саккиз навъ дегувчилар ломисани тўрт навъ дерлар. Чунончи, биринчи иссиқ ва совуқни ҳис қилғувчи ломисадур. Ва иккинчи, ҳўл ва қуруқни ҳис қилғувчи ломисадур. Ва учинчиси қаттиқ ва бўшни фарқ қилғувчи ломисадур. Ва тўртинчиси дағал ва теккисни фарқ қилғувчи ломисадур. Ва яна тўрти сомиъа, босира, шомма, зоиқадур, дерлар.

Ва ҳавосси зоҳирий тўққиз навъ бўлур, дегувчилар ушбу саккизға яна оғир ила енгилни фарқ қилғувчи ломиса борлиғини кўшиб даъво қилмишлар. Аммо биринчи қавлға жавоб шулки, босирадин бошқа ҳавоссни ҳаммаси ломиса, дегувчилар бу ҳавоссни сабаби эҳсос ва тариқай кайфиятларидаги фарқни тушуна олмоғон бўлсалар керак. Шунинг учун отийдаги баёни тафовут аларға жавобдур. Аммо иккинчи ва учинчи қавлға жавоб шулки, ҳавоссни адади аъзои ҳавоссадаги кайфиятни ва қуввати ҳассосани тариқи таъсирларининг тафовутиға назаран таъйин этилур.

Аммо маҳсусотни адади эътибор этилмас. Ва илло оламда ҳўлу қуруқ, иссиғу совуқ каби кайфиятлари кўбдур. Чунончи, узун ва қисқа, йўғону ингичка ёки эгрию тўғри ёки мудаввар ва рахлик каби ашколи мутазаддалар беададдурки, саккиз-тўққизға мунҳасир қилиб бўлмас. Ҳатто қуввати босирани биргина ҳоссалиғиға иқрор этарлар. Ҳолбуки, кўз беҳад нимарсан мутазаддаларни кўруб эҳсос этар.

Бас, маълум бўлдики, даъволари ботилдур. Онча ҳавосси зоҳирийни беш ададлиги муқаррардурки, тафсилан баён қилурмиз, иншааллоҳ.

АММАС-СОМИЪА (АММО ЭШИТИШ ҲИССИ)

Бас, бу қуввати сомиъа Ҳазрати Робб ул-оламин иноятидин берилган неъмат азимадурки, бошқа ҳавоссни ҳаммасидин аъло ва ашрафидур. Чунончи Каломи Маҷиди раббонийда «самиъан басийро» деб басар (кўриш)дин муқаддам зикр қилингондур. Ва ҳам кўз ўзиға муқобил ва

очиқ нимарсани кўрар. Аммо қулоқ ҳамма атрофидин ва деворни орқасидин эшитар. Ва ҳам кўз ёруғда кўрар, қоронғуда кўролмас, аммо қулоқ ҳамма вақт баробар эшитар.

Ва ҳам қулоқ улум ва фунунни муаллимидурки, то қулоқ бўлмаса устодни таълимига қобили таълим бўлолмас. Ҳаттоки онадин туғма кар бўлса, албатта гунг бўлур, чунки такаллумни ўрганмак учун бул бечора ҳеч лафз эшитмагандур. Бас, маълум бўлдики, инсонда бир қулоқни йўқлиги бир неча бошқа фазилатларни йўқ бўлмоғига сабаб бўлур. Хусусан икки дуъени саодати бўлгон иймон ҳам қулоқни воситаси ила ҳосил бўлгон неъматдурки, вужуди зоти Илоҳийяни ва зоти сифотийясини қулоқ воситаси ила эшитуб билингандур. Аммо ҳеч ким кўз билан кўриб ёки бошқа ҳавосс бирлан билган эрмас. Ва мундоқ неъматни узмо бўлгон қуввати сомиъани Ҳазрати Ҳакими мутлақ қулоқни ичида гўё теридек ёзилиб қопланган пайға вадиъат берган (жойлаган)дурки, овозни идрок қилур. Баин тариқаки, ҳар вақт икки жисм бир-бирига тезлик бирлан тегса ёки бир-биридан тезлик бирлан кўчса, ул жисмни хориждин иҳота қилиб турган ҳавода бир мавж (тўлқин) ҳодис бўлурки, ани номи овоздур. Ва ул икки жисмни бир-бирига тезлик бирлан тегмоғини қаръ дерлар. Ва бул қаръ ва қалъда тезликни шарт қилинди. Чунки оҳисталик билан бўлса ҳавоға тўлқин беролмас. Ва овоз ҳосил бўлмас.

Бас, овоз ҳавони тўлқинидурки, анга бир неча эпкинлар ва бир неча сукунатлар кетма-кет батартиб ва интизом кайфиятига мутакаййиф бўлурларки, бу ҳаракат ва сукунатларнинг интизомидан овозни мақоми ҳосил бўлур. Ва шу мақом ва интизом ила келиб қулоқға текканда қулоқни пайи ҳассоси шул мақом ва интизомдин суврати овозни идрок қилур. Масалан, бу идрок учун ҳозирги замонда телеграфни кайфиятини тафаккур қилмоқ керакки, симдаги электрик қуввати гўё ҳавони тўлқинидек тўлқиндурки, бориб симни учидаги машинаға урар ва машинани бир қалами бордур ва бул қаламни олдида бир чарх бордурки, анга тасмага ўхшаш ғоятда энсиз ва ғоятда узун қоғоз ўралган бўлуб, телеграм келиб турган вақтда ушбу чарх бетаваққуф айланиб турар. Ва симдаги тўлқинни ҳаракати машинаға етганда машина қаламни мазкур чархдаги қоғозга чекар. Ва тўлқинни сукунати келганда қаламни кейин чекунтирар. Бас, мазкур тўлқин ҳаракатини интизоми кетма-кет бўлса

машина ҳам қалам чекиб қоғозга кетма-кет нуқта чекар. Ва агар ҳаракат кўпроқ ва муттасилроқ бўлса машина ҳам қоғозга кўпроқ ёзиб турар ва қоғоз бетавақуф айланиб тургон сабаблик қалам сурилиб, икки ё уч нуқталиқ ўринга чиқиб борур. Бас, телеграф илининг моҳирлари шул тўлқин интизомининг кайфиятидин ҳосил бўлган нуқталарининг вазъийятидин талаффуз қилинмаган иборатни идрок қила олурлар.

Бас, ҳаво тўлқинидаги интизом кайфиятидин ҳосил бўлгон овозни қулоқ ҳам шул тариқада идрок қилур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳавони тўлқинига сабаб икки жисми бир-бирига тезлик билан тегмоғи деб айтилгон жисми оммдурки, хоҳ жисми латиф, хоҳ жисми касиф бўлсин, хоҳ касиф ила латиф бўлсинки, алар бир-бирларига тезлик билан тегсалар ёки бир-бирларидин ажралсалар ҳавони тўлқинига сабаб бўлурлар. Масалан, икки жисми касифни бир-бирига тегмоғидаги ҳавони тўлқинига мисол ҳар кимга маълумдурки, тошни тошга урса овоз чиқар. Аммо икки жисми касиф бир-биридин ажраганидаги ҳавони тўлқинига мисол тўпни овозидурки, тўпдин ўқни тезлик ила ажратмоғидин ҳаво тўлқинга келиб овоз берар. Ва ё бир ёғочни синдурилса овоз берар.

Аммо касиф ила латифни бир-бирларига тегмоғига мисол болаларни осмонга учирадурган бодбаракларидаги ипга банд қилинган қоғозини овозидурки, ани бир тарафидин ҳаво тегиб учуруб, иккинчи тарафга мойил қилганда иккинчи тарафидин ҳам ҳаво тегуб, биринчи тарафга мойил қилур ва ҳоказо, ҳар икки тарафидин ҳаво уруб, қоғозни доим ҳаракат қилдуруб турар. Ва қоғоз ила ҳавони бир-бирларига тегмоқларидин ҳаво тўлқинга келуб, овоз бериб турар.

Ва ҳайвонотни овозлари ҳам аксари шул жумладиндурки, ҳанжарани, яъни кекирдакни оғзида икки адад парда бўлуб, вақти танаффус (нафас олиш)да очилуб, икки тарафга ёпушуб, ўртадин танаффус учун йўл очиб турар. Аммо вақти такаллумда ҳар икки парда бир-бирига жуфтлашиб, гўё дарвоза беркилгандек беркилур. Ва ўпкани ҳавоси мазкур икки пардани кучлаб ажратуб, ўртасидин чиқар. Ва парда яна беркитмоқга ҳаракат қилур. Ва сўнги ҳаво яна кучлаб бориб чиқар ва ҳоказо бодракни қоғозидек доим ҳаракат қилуб, ҳаво ила парда бир-бирларига урулуб, ҳавога тўлқин берурлар. Ва бу тўлқиндин овоз ҳосил бўлур.

Бас, бул овозни ҳар хил мақом ва интизомга солуб, ҳарфлар, ҳосил қилмоқ учун тилни ҳаракати сабаб бўлур. Ва аммо икки жисми латиф бир-бирларига тегмоғидаги ҳавони тўлқинига мисол раъд (момақалди роқ) дур, яъни осмонда булутлар орасидаги тўлқинда ҳавойи бухорийя ила ҳавои замҳарирни бир-бирларига шиддат ила мулоқот қилғонларидин ҳосил бўлғон овоздур. Ва ҳам карнай ва сурнайларнинг танг тешикларидин сиқилиб ўтган ҳаво кенг жойга ўтганда бир-бирларидин ажраб тарқашмоқларидаги ҳаво тўлқинидин ҳосил бўлғон овоз ҳам шул жумлади дур. Ва сувни шаршараги ва шамолни овози ва бошқалар ҳаммаси шул жумлади дур. Ва ҳар ҳолда овоз ҳавони тўлқинидур. Ва эшитмоқ ушбу тўлқинни қулоқ пардасига етмоғидур.

Ва билмоқ керакки, овозни қулоқга ҳаво воситаси ила келмоғига неча хил далиллар бордур. Чунончи, узоқ масофада бир одам бир нимарсани яна бир нимарсага ургонини аввал кўрилуру ва ани овозини кейинроқ эшитилур. Бас, маълум бўлдики, овоз ҳаво воситаси ила ба таанний (оҳиста) келур. Иккинчи далил шулки, ҳаво ҳаракат қилиб, шамол бўлиб турган вақтда мезанада озон айтилса шамолнинг мувофиқ тарафида одамлар узоқдин ҳам эшитарлар. Аммо муҳолифдагилар яқиндан ҳам эшита олмаслар. Бас, маълум бўлдики, овоз ҳавони воситаси ила эшитилур.

Ва учинчи далил шулки, агар бир узун трубани бир тарафида бир одам бир сўзни оҳистароқ сўзласа, бошқа учиди бир одам қулоқ солса эшитар. Аммо ўртадаги одамлар эшита олмас, чунки ҳавони тўлқини трубани ичиди маҳбусдурки, трубадин чиқиб, ўртадагилар қулоқларига етолмас.

Тўртинчи далил замонамиздаги телефондурки, ани карнойга оғизни тўғирлаб сўзланса, ҳавони тўлқини симга илашиб бориб, иккинчи томонда турғон одамнинг қулоғига етар. Ва ўртадаги одамлар симдан узоқ бўлган сабабидан эшита олмаслар ва агар ўртадин тортилган симга қулоқни тақаб тингласа эшитилур. Ва бул амал учун сим ва машина бўлмоғи шарт эмас, балки сим ўрнига ип ва мошина ўрнига қоғоз ва қобоқдин труба қилинса ҳам ани воситаси ила сўз эшитмак мумкиндур. Лекин ипни мулојимлиқ ва дағалликдин ҳаво тўлқини кўб узоқ жойга яхши етолмас. Аммо сим қаттиқ ва текис бўлғонидин ҳаво тўлқини анга илашиб, то етмиш чақирим жойга етмоғи мумкиндур. Башарти йўлда монез бўлмаса. Шунинг учун телеграф ва телеграм симларини устунлариға чинни ёки шиша қўнду-

риб, анга симни банд қилурлар, токи чинни ўз салобати ва текислиги ила ҳаво тўлқинига монёъ бўлмас. Агар чинни қўндирилмай, ёғочни ўзига банд қилинса, ёғочни бўшлиғи ҳавони тўлқинига монёъ бўлур. Чунончи, зангни холис турганда урса қаттиқ ва узоқ садо берур. Аммо бир четини қўл билан ушласа садоси хафифланиб тўхтарки, қўлни бўшлиғи ҳаво тўлқинига монёъ бўлур. Ва бошқа тафсилотни, иншааллоҳу таъоло, ташриҳда қулоқни хусусида баён қилурмиз.

АММО БОСИРА (АММО КЎРИШ ҚУВВАТИ БАЁНИДА). ҲАВОССИ ҲАМСАИ ЗОҲИРИЙНИНГ ИККИНЧИСИ ҚУВВАТИ БОСИРАДУР

Билмоқ керакки, Ҳазрати Ҳакими мутлақ димоғдин бир жуфт пайни азбаройи босира учун кўкартириб, қондаи димоғ деган устухонни батни муқаддамини ўртароғидаги икки тешукдин чиқаргандур. Ва бу тешукни бири ўнг ва бири чап тарафроқда воқеъ бўлуб, ҳар икки тешукни миёнаси тақрибан уч арпа бўйи миқдоридадур. Бас, ушбу тешукни ўнг тарафидагисидин чиққан пай гўё чап кўзга келуб, кўз ҳадақасига вобаста бўлгандурки, гўё ҳадақани илдизидур. Ва чап тарафи тешукдин келган пай ўнг тараф кўзга келуб, ҳадақага ёпишгандур. Бас, ўнг тарафни пайи чап кўзда, чап тарафни пайи ўнг кўзга ўтган сабабдин ўртада бир-бирларига тўқишуб, бир тақотиъи салибий суврати ҳосил қилмоқлари лозимдур. Ва бу тақотиъи салибий икки кўзни ўртасига муқобил кўзни орқа тарафида, бурунни мунтаҳосида эсни ҳис қилгувчи лаҳматай ассадй исмлиқ эмчакни тугмасига ўхшаш икки адад гўшти зоидани устида воқеъ бўлгандур. Ва пайларни ичи азбаройи кўзни нури юрмоқ учун ковакдур. Шунинг учун номини асаби мужаввафа (ковак асаб) дерларки, бошқа пайларни коваги бўлмагани сабаблиқ мажаввафа шул пайга махсусдур.

Ва булар бир-бирларига тақотиъ қилгон жойларида аларни ковакларни ҳам бир-бирларига қўшулуб, бир тешиқ бўлгандурки, номини мажмаъ ун-нурайн дерлар. Ва қуввати басирани Қодирини Мутлақ шул мажмаъ ун-нурайн бўлиб тургон пайга ато қилгандур. Ва бул мавзеъда икки пайни бир-бирларига қўшилиб, тешуклари бир тешук бўлмо-

гида ҳикмат шулки, бир нимарса ҳар икки кўз билан кўрилуру. Бас, агар кўзни нури бир-бирига қўшилмай, бошқа-бошқа йўл бирлан мияга борсалар, мия ҳар бир нимарсани икки адад деб хаёл қилуру эди, чунки ҳар бир кўз бир ададдин, иккиси икки адад сувратини мияга еткурган бўлуру эди. Шунинг учун Ҳақими Қадим бул жойда ҳар икки пайни бир жойда қўшуб, мажмаъ ун-нурайн қилиб яратди. Чунончи, бул кайфиятни тажрибаси аҳвал (ғилай) касалида мушоҳада қилинурки, мазкур мажмаъ ун-нурайн касалида илтиво, яъни ўз-ўзига ўралишлик ёки бир хилтни нузули сабабдин ўртага бир девордек ҳоил (тўсиқ)лик ориз бўлса, бу бир хона бўлиб турган маҳалли нур икки хона бўлиб, ҳар бири ўзинча бир суврат кўрубу, мияга топшируру. Бинобарин, ҳар нимарсани икки адад кўруру. Ва агар танқийя (тозалаш) ила мазкур хилтни зойил қилинса, касали мазкур зойил бўлуру. Бас, қуввати босира ушуб пайда бўлуру.

Аммо кўрмоқни тариқасидаги тадқиқотда атиббо ўрталарида кўб ихтилофлар бордуру. Баъзилари айтурларки, кўздин бир шуъоъ, яъни рўшнолик чиқиб, кўринғон нимарсага етар. Ва шул шуъоъни етмоғи кўрмоқдуру, дерлар. Аммо баъзилар айтурларки, кўринадиган нимарсани суврати кайфиятлари бирлан ҳаво мутакаййиф бўлуру ва ҳавони такаййуфидин кўзга таъсир бўлуру, яъни мавжудот сувратлари ила ҳаво нақш олуру. Ва ул ҳавони нақшидин анга яқин ҳаво нақш олуру ва ҳоказо, кўзга тегиб турган ҳаво нақш олуру. Ва бу нақш кўзга манқуш бўлуру, дерлар. Ва баъзилар кўринадиган нимарсани шабҳи, яъни намуди (кўриниши) бевосита ҳаво кўзга нақш бўлуру, дерларки, қавли саҳиҳ шулдуру. Ва бошқа тариқада қавли атиббо ҳам кўбдуру. Лекин заиф бўлганлигидин ихтисори калом учун тарк қилинди.

Ва бул мабҳасда камоли танқиҳ ва тазкияни камо янбағи идроки ақли башарга мумкин ҳам эмас. Аммо ҳақир камоли балодатимдин ҳукамойи ҳикматшуносларнинг ақволи нуктасанжилариға қобилият ва жазби қалбим бўлмоғон сабабдин кўнглимға ориз бўлғон шубҳаларимни қорийни киромлар раъйн нафисалариға арз қилурманки, биринчи қавл мазмунича, кўзда рўшнолик бўлиб, шул рўшнолик мавжудотга етмоғи ила идрок, яъни кўрмоқ мумкин бўлса ва ҳавони дахли бўлмаса эди, кечаларида ва қоронғу жойларда ҳам кўрмоқ мумкин бўлуру эди. Чунки ҳамма жойда, ҳамма ҳолда шул кўз, шул шуъоъ ва шул маръий мавжуддуру. Бас, қоронғуда кўринма-

гандин маълум бўлурки, кўздин шуъоь чиқмас ва маълумдурки, бир равзандин ёки фонусдин бир тарафга шуъоь (шуъла) тушса, қоронғу жойда тургон кишига шул шуъоь кўринур. Бас, агар кўздин ҳам шул тариқа шуъоь чиқса эди, қоронғу вақтда ҳар кимни кўзини шуъоьи он дигарга кўринур эрди. Ва лайса фа-лайса.

Аммо иккинчи қавл мазмунича, агар мавжудотни суврати кайфиятлариндин ҳаво мутакаййиф бўлуб, шул ҳавони кайфиятдин кўзга асару нақш пайдо бўлса эди, мавжудотни кўринмоғи учун муҳозий ва рўбарўлик шарт бўлмас эди. Чунки агар ул нимарсани ўзи рўбару бўлмаса ҳам, кайфиятига мутакаййиф бўлгон ҳаво ҳамма жиҳатдан баробардур. Ҳаттоки бир нимарсани танҳо кўрмоқ мумкин бўлмай, ҳамма мавжудотни сувратлариға баробар мутакаййиф бўлгон ҳаводин ҳар нимарсани суврати мухталит кўринур, ҳеч бир нимарсани шакли махсусасини имтиёз қилмоқ мумкин бўлмас эди. Ва лайса фа-лайса.

Аммо учинчи қавл фил-жумла ақраб басавобдурки, ҳукамон мутааххириннинг кашфиётлари ила вужудга келмиш. Баъзи асбоблар шул маъниға далолат қилур. Чунончи Ҳазрати Халлоқи Акбар кўзга бир рутубати латифан ғизоний халқ қилгондурки, ани бирла кўзни ҳамма ажзоси тўлуб, тамаддуд ва текислик ҳосил қилиб, гўё оинадек жило ва тароват ва латофатлик бўлгондур. Шунинг учун ҳар нимарсанинг акси оинаға тушгонидек, кўзга ҳам тушар. Ва кўз ҳам ўзида ҳосил бўлгон аксдин мажмаъ ун-нурайнға акс берар. Ва мажмаъ ун-нурайн мияға акс берарки, кўрмоқ шул кайфиятдин иборатдур. Ва бунга мисол учун ҳозирги замонимиздаги суврат оладургон машинани тафаккури лозимдурки, мазкур машинани олдида кўзга ўхшаш бир кичик оинаси бордурки, ғоят даражада соф ва покиза бўлур. Ва ани баъзи ғубор ва кўпукдин ва сатҳида кажликдин холи бўлмоғи шартдур. Ва машинани ичида ҳам бир катта оина кўйилгон бўлур. Бас, ҳар ниманинг сувратини олмоқ мақсуд бўлса, шул машинани кўзи бўлгон оинани мазкур нимарсага тўғри қилинур. Лекин ул оинани юзида пардаси бўлур, токи мақсуд бўлгон нимарсаға рўбарў қилгунча ғайри мақсуд бўлгон нимарсани сувратини олиб қолмасин учун парда бирдан беркитилган бўлур. Ва мақсудга муқобил қилгондин сўнг шул парда очилса, мазкур нимарсани акси мазкур оинаға ҳосил бўлур. Ва бу аксдин ичидаги оинаға акси дигар ҳосил бўлурки, аксининг аксидур. Ҳолбуки, бу оинада ҳис ҳам йўқ, шуъоь ҳам йўқ. Такаййуфи ҳаво ҳам йўқдур. Бас, кўзни кўрмоғи ҳам ушбу тариқадур.

Ҳаттоки машинаи мазкурни ижодиға кўз нусхаи таъаллум (таълим) бўлгондур ва бошқа тафсилотни кўзни хусусий ташриҳида баён қилур-миз, иншааллоҳу таъоло.

АММО ҚУВВАИ ШОММА (АММО ҲИД БИЛИШ ҚУВВАТИ)

Ҳавосси хамсаи зоҳирийни учинчиси шомма, яъни исни идрок қилгувчи қувватдур. Ва бу қувватни Холиқи Ҳақиқий бурунға ато қилгондур, яъни бурунни ичига, икки кўзни ўртасига муқобил нуқтаға тақрибан икки арпа бўйи миқдори пастроқда икки адад гўшт зоид бордурки, гўё эмчакни тугмасига ўхшар ва номини лаҳматай ас-садй дерлар. Ва бу гўштни устидаги териси ғишойи асабонийдур, яъни пайдин бўлгон пардадир ва бул пардани мунтаҳоси кўзни асаби мужаввафасига мутасилдур.

Бас, исни идрок этмак қуввати шул гўшти зоидни пардасига ато қилингандур. Ва бул қувватни манфаати шулки, инсон кўзига муқобил турган жисми касифни кўруб идрок қилур. Аммо жисми латифни ёки кўзга муҳолиф тарафдаги жисми касифни ёки агар муҳолиф тарафда бўлса ҳам муташокил, яъни сувратда бир-бирига ўхшаш нимарсани эҳсос ва идрок этолмас. Шунинг учун Худованди Карим бул қувватни карам қилгондур. Токи кўзни муҳолиф тарафида бўлгон ёки қоронғу жойда бўлгон мурдор ёки зарарлик нимасалардин муҳофазати нафс учун ёки манфаатлик бўлгон нимарсани жалб ва талабда нафсни огоҳ қилмоқ учун ва ҳам жисми латифларни идрок этиб, ўтни ҳомиз ул-қорбун номлик саммиятлик (заҳарлик) исдин ва ҳавои вабойядин муҳофазати нафас учун хизмат этар. Ва ҳам бул қувватни бурунға махсус бўлмоғида ҳикмат шулки, бурун кўз бирлан офизни ўртасида бўлгон сабабдин инсон ҳар бир неъматни Илоҳийяни тановулида ҳам кўз бирлан неъматни баҳралансун ва ҳам бурун билан ани исидин шавқлансун ва ҳам тил бирлан ани таъмидин завқлансин ва камоли рағбат ила мамнун бўлсин учун Худованди Карим бул неъматни узмони бурунға вадиъат (омонат) қилгондур.

Аммо бул идрокни кайфиятида ҳукамо ўрталарида ихтилоф кўбдур. Чунончи, баъзилар айтурларки, ислик намарсани жисмидин доим зарра масал

ажзойи сигор (кичик жисмлар) ажралиб, тўкилуб турурлар. Ва ҳаво ул зарраларни ўзига ўраб олиб юрар. Бас, агар танаффусда (нафас олишда) ҳавога мухталит (аралаш) бўлгон мазкур зарралар бурунға кирсалар, бурун идрок қилурки, фалон нимарсани иси келди, яъни фалон нимарсани ажзойи сигори келди демакдур, дерлар.

Аммо ҳақирни (яъни, муаллифни) фикри қосиримча, бул даъво субут (исбот)ға етолмас керакки, агар шундоқ бўлса эди, ҳар бир нимарсани зарралари билан ҳаво доим мамлуъ (тўла) бўлиб, анвои мухталифани зарроти мухталифалари мухталит бўлгон сабабдин ҳеч бир нимарсани бўйи махсусасини имтиёзи (фарқи) мумкин бўлмас эди. Ва ҳам доим ҳар хил зарралар бурунға жамъ бўла борса инсонға кўб осийб (зарар) ва озорлар ориз бўлур эди. Чунончи, бу озор чирогни исиди ва кўчани чангида мушоҳада қилинур ва ҳам бўйлик нимарсани жисмидин агар доим зарроти мунташиралар кетиб турса эди, андак фурсатда ул нимарсани ҳажмиға қиллат (озлик), вазниға хиффат (енгиллик) ориз бўлса керак эди. Хусусан, мушкни бир зарра қадарини сувга эзиб, анга пахтани олуда қилиб сақланса, бир неча йил ани иси боқий турар. Бас, агар ани жисмидин зарралар мунташир бўлиб, бурунға кириб турар бўлса эди, бу мушкни жисми бир онда тамом бўлмоғи лозим келур эди. Ва инчунин, баъзи нимарсалар бордурки, андак искаса бўйи (ҳиди)дин асар қолмас, аммо жисми боқийдур. Бас, агар ани жисмидин зарралар мунташир бўлиб турса эди, модомики жисм боқийдур, ис ҳам боқий бўлмоғи керак эди. Ва лайса фа-лайса.

Баъзи ҳукамолар айтурларки, ислик нимарсанинг жисмидин зарралар ва бухорот ажралиб чиқмас, лекин ул нимарсани ўзида бир хосият бордурки, ўз ҳақиқатидин огоҳ қилур ва ани номини шамм, яъни исни идрок қилмоқ дерлар ва бунга далил шулки, афлокда ҳам ис борлиги Афлотундин манқул (нақл қилинган) дур. Бас, маълум бўлдики, Ҳазрати Халлоқи бечун жисмға бир хосият ато қилгондурки, қуввати шоммаға феъл ва асар қилурки, номи исдур. Чунки афлокни ҳам иси бўлса ул жойда ҳаво ҳам йўқ, бухорот ҳам, таҳлил ҳам йўқдур, дерлар. Лекин бул қавл назди ҳукамода гоятда заифдур. Аммо бул қавлға жавоб шулки, аввало Афлотундин бул тариқа ривоят бўлғони собит (аниқ) эмас. Сониян, афлокда ис борлиги собит эмас. Солисан, афлокда ис бўлгон тақдирда ҳам Афлотунға далили қатъий ила собит эмас. Робиъан, Афлотун далили қатъий ила билгонлигини даъво қилгон тақдирда, ани даъвоси бизға санад (ҳужжат)

эмас, чунки хосият деган суврати навъийяни асаридур. Ва бу асарни унсуриётга насбати фақат осори кайфиётни нисбати мумкин бўлмагон вақтдагина дуруст бўлур. Ва лайса фа-лайса.

Аммо аксари ҳукамои дақиқшунослар айтурларки, модомики ис-лик нимарсада ҳиддат ва қуввати табиийя боқийдур, мазкур қувва-ти ҳавоға асар қилиб, ҳавони кайфияти бирла мутакаййиф бўлиб бурунға кирар. Ва идрок қилинур ва қачонки, мурури замон муноса-бати ила жисмни қуввати табиийяси фоний бўлса, ҳавоға асар қилиб, ҳавони ўз кайфиятига мутакаййиф қилолмас, бинобар ани иси қол-мас, дерлар. Шул қавл ва шул қавли жумҳур айни савобдур. Чунки ҳикмати Илоҳийя бўлгон шаръи шариф ҳам шул қавли охирни эъти-бор қилур. Чунончи, агарчи нажосат ҳаром бўлса ҳам, лекин ани исини ҳаром деган ривоят йўқдур. Бас, агар биринчи қавлни даъво-сича, нажосатни жисмидин зарроти мутафарриқалар чиқиб, ҳаво бирлан бурунға кирар бўлса эди, ҳаводан нафас олмоқ нодуруст бўлур эди. Ҳатто тамоми бадан ва либослар шул бадбўйликдин мур-дор (ифлос) бўлур эди. Чунки нажосатни жузви (бўлаги) ҳам нажо-сатдур. Ва лайсал-амру казалика. (Ва иш аслида бундай эмас).

АММО ҚУВВАИ ЗОИҚА (АММО ТАЪМ БИЛИШ ҚУВВАТИ)

Ҳавосси хамсаи зоҳирийни тўртинчи қисми қуввати зоиқа, яъни мазани идрок қилғувчи қувватдур. Ва бул қувват тилни устидаги гўё тилни териси бўлиб қопланган пайға берилгандур. Ва бул пай миядин кўкарғон учинчи жуфт пайнинг тўртинчи шоҳиға бориб мут-тасил бўлур. Ва бул пайни эҳсоси тилни рутубатини воситаси ила ҳосил бўлурки, номини рутубати лаъобийя дерлар. Ва бул рутубат тилни илдизида бўлгон лаҳми ғудадийки, безға ўхшаш икки адад гўшт бўлиб муваллид ул-лаъоб исми ила машҳурдур. Шул гўштдин доим лаъоб чиқиб турар ва қуруқ нон ва талқон ва мунга ўхшаш физоларни тановул қилғонда мазкурларни ҳўллаб ютмоқ учун қобил қилиб берур ва ҳам физони ҳазмиға иъонат (ёрдам) берур. Ва ҳам физони мазасини мазкур пай эҳсос қилмоғида восита бўлур. Ва воси-

та бўлмоғи ҳам икки важҳдин холи эрмас. Биринчи важҳ шулки, таъмлик нарсани ажзоси ушбу рутубат бирлан мухталит бўлиб, тилни мағзиға сингадур. Ва шул васила бирлан мазкур пайи ҳассосаға етиб, эҳсос қилинадур. Иккинчи важҳ шулки, мазкур рутубатни ўзи таъмлик нимарсаға тегиб, ани кайфияти ила мутакаййиф бўлур. Сўнгра шул қуввати мутакаййифани ўзи бедуни ажзо (ажзосиз) тилга сингиб, эҳсос қилинур. Баҳарҳол қуввати зоиқани маҳалли бўлгон пай бирлан таъмлик нимарса бевосита бўлиб, эҳсос қилинур, яъни тилға таъмлик нимарсани ё жирми ё кайфияти бевосита тегар. Аммо кўзни эҳсосида табақаи ситта (олти табақа) ғайр аз мултаҳма ва рутубати салосалар нуқтаи босира ила маръий (кўрунувчи) нимарсани ўрта-сида ойнакни оинасидек воситадурлар.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, тилни рутубатини қувваи зоиқаға муъин (кўмакчи) бўлмоғи учун холис лаъоб бўлмоғи шартдур. Ва агар бошқа хилт бирлан мухталиф бўлса, бул хизматни адо қилолмас, чунончи, ғалабаи сафрода мушоҳада қилинурки, агарчи ҳеч нимарсани ўзиға олинмаса ҳам, лекин оғизда аччиғлик эҳсос қилинур. Чунки тилнинг рутубатиға сафро мухталит бўлгон сабаблик ани аччиғлиги эҳсос қилинур. Ҳаттоки сафроси ғолиб киши асал еса, асални таъмини зиёда аччиқ эҳсос қилур. Чунки асал сафроға етган онда сафрони ғалаёнға киргизуб, таъмини зиёда эҳсос қилдирар.

АММО ҚУВВАИ ЛОМИСА (АММО ТЕГИНИБ СЕЗИШ ҚУВВАТИ)

Ҳавосси ҳамсан зоҳирийнинг бешинчи қисми ломисадур. Яъни иссиқ ва совуқни, ҳўлу қуруқни ва қаттиғу бўшни ва мунга ўхшаш кайфиятларни идрок қилмоқ қувватидур. Ва бул қувватни Худованди Карим жамиъи аъзонинг терисиға ато қилгондур. Ва гўштларни ҳам нисфидин зиёдароқ зоҳир тарафи ани ичида ғишо, яъни пардаларға ато қилгондур. Ва боқий гўшт ботинида ва баъзи аъзои ботинийда ҳис йўқдур. Чунончи муҳаррика пайда, авридада, шароинда, буйракда, талоқда, масонада, работда, ўпкада, меъдани ости тарафида, раҳмда, чарбида, ғузруфда, устихонда қуввати ҳис мутлақо йўқдур. Ва булар-

да ҳис бўлмаслиғи ҳам марҳамати Илоҳиядурки, иншааллоҳ, ўз маҳалида баён қилурмиз.

Лекин ўпка ва жигар ва талоқларни ихота қилиб турган гишоларда ҳис бўлур. Ва бу қуввати ломисани зоҳири бадан тарафида бўлмоғида ҳикмат шулки, ҳайвонотни душмани махфийлари бўлгон зарарлик нимарсаларни аксари хорижий бўлуб, хориждин асар қилур. Шунинг учун бу қуввати ломисани Худованди Карим зоҳири баданга ато қилгондур. Токи ҳайвонотни муҳофазати нафслариға сабаб бўлур.

Ва инчунин, зоҳири бадан аксари офоти харижийни маърази (жойи) бўлиб, бир офати қавийя (кучли офат) асар (таъсир) қилгон тақдирда терини қувваи ҳассосасиға бутлон (бузилиш) ёки нуқсон ориз бўлмоқ эҳтимоли яқин бўлгон сабабдин агар терини қуввати ботил ёки ноқис бўлса, анга қойим мақом ва бадал ё анга муъин бўлсин учун терининг остидаги гўштни ҳам қувваи ҳассосалик қилиб яратди.

Аммо бу қувватни тариқайи эҳсосида ҳам ҳукамолар кўб ихтилоф қилгондурлар. Лекин татвили каломдин эҳтироз учун баёни ихтилофотдин сарфи назар қилиб, фақат қавли саҳиҳни мухтасаран зикр қилинурки, қувваи ҳосса ашён маҳсусаға теккан вақтида мунфаъил бўлмоғини жумҳури ҳукамо эҳсос деб ҳукм бергандурлар. Чунончи, баданга совуқ нимарса тегса, ўзини совуқлик қуввати ила баданнинг ҳарорати зотийясини камайтирур. Ва шул баданни совуганидин ҳайвонот шул жойға совуқ нимарса текканлигини фаҳм қилур ва шул фаҳмни номи эҳсосдур. Ва агар баданга иссиқ нимарса тегса ўзини иссиқлик қуввати ила баданни ҳарорати зотийясини зиёда қилур. Бас, баданга ҳарорати нотабиий ориз бўлгон сабабдин ҳайвонот шул жойға бир иссиқ нимарса текканлигини фаҳм қилурки, шул фаҳмни номи эҳсосдур. Ва бошқа кайфиятларни эҳсоси ҳам инчуниндур. Хулоса, зоҳири иборатда қувваи ҳосса фойил ва маҳсусот мафъулдур. Лекин ҳақиқатан эҳсосда таъсир учун маҳсусот фойил ва қуввати ҳосса мунфаъилдур.

Яна бир қувватни ҳукамо икки қисмға тақсим қилмишлар. Ва биринчи қисмни ҳосса ва иккинчи қисмни мудрика деб исм қўймишлар. Аммо қувваи ҳоссаға қувваи муқима деб ҳам лақаб берилгандур. Чунки бул қувваи хамсаи ҳавосси зоҳирийға макон учун таъйин этилгон мавозеъи хамсада муқим ва барқарор турарлар. Ва хизматлари фақат маҳсусоти хорижийдин мутаассир бўлиб топгон асарларини қувваи мудрикаға топширомоқдур. Аммо мудрика қисмини ҳомила (эл-

тувчи) ва сафийра (элчи) лақаби ила зикр қилинур. Чунки қувваи ҳоссадин олғон асарини ҳавосси ботинийға еткурур. Ва ҳавосси зоҳирийя ва ботинийя миёналарида элчилик ва жосулик хизматида бўлур. Бас, ҳавосси зоҳирийни ҳар икки қисми ҳам ҳавосси ботинийни жосус ва мухбирларидур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, қувваи мудрика ҳавосси зоҳирий ва ботиний миёналарида сафийр (элчи) бўлмоғи батариқаи интиқол (кўчиб юриш) эмас, яъни мудрика ҳавосси ботинийға борғон вақтда ҳавосси зоҳирийнинг мавзеъи мудрикасиз қолиб, зоҳирий мавзеъга келганда ботиний мавзеъи мудрикасиз қолмас, балки сафирлиги батариқаи басотата (кенг ёйилиш)дур, яъни мавзеъи зоҳирийдин мавзеъи ботинийға муттасил бўлғон пайтда бул қувваи мудрика ҳам муттасил ва басит (кенг ёйилган)дур. Бас, ҳар гоҳ бир нуқтадаги мудрика ҳоссадин бир асари ламсни олса ялий (яқин) ва қўшни нуқтадаги мудрикага топширар. Ва ул ҳам ўзига қўшни мудрикага топширар ва ҳоказо, миядаги ҳавосси ботинийға топширарлар.

Аммо ҳеч бир нуқта мудрикадин холи қолмас. Масалан, бу кайфиятга мисол учун замонамиздаги «кнопочный звонок» исмли ахбори зангий (хабар берувчи қўнғироқ)ни тафаккур қилмоқ керакки, масалан, аҳли Оврўпони аксарларини ва баъзи маҳаллий халқни ҳовлиларида бир занг, яъни қўнғироқни деворға банд қилинғон бўлур. Ва бул қўнғироққа икки адад исми учини бир раққоса банд қилиб ўрнатилғон бўлур ва бир шишадаги нўшодирни илиминит деган доруға восил қилуб ва яна андин ўтказуб, дарвозаға банд қилинган бир кнопка исмли қуббадаги икки адад қобили инҳино ва истиво бўлғон маъданий илгакға банд қилинган бўлур. Ва иккинчи симни ҳам биринчи симға мутавозий ёнма-ён ва ҳамроҳ қилиб олиб келиб, мазкур қуббани иккинчи илгакға банд қилинур. Лекин ўртадаги доруға восил (тегадиган) қилинмас. Бас, бул дору қуввати мудрика ва муҳаррика ҳосил қилғувчи дори бўлғонлигинин анга восил бўлғон симни ҳаммасида қувваи мудрикаи басита ҳосил бўлиб, қўнғироқдаги раққосни бир тарафға тептуруб турар. Бас, агар кўчадин келган киши қуббани тугмасини бир қўл билан босса, қобили инҳино бўлғон илгак эгилиб бориб, иккинчи илгакка тегар. Шул сабабли мудрика қуввати иккинчи симни ҳам ҳамма аъзосига тарқаб, қўнғироқдаги раққосни ҳар икки тарафидин тепку ҳаракати ҳосил бўлуб, мутавотир (узатилувчи) ҳаракоти мутазодда бирлан қўнғироқ чалиниб, дарвозада одам борлиғи

маълум бўлур. Ва шул мутавазий бўлгон икки симни қаю бир нуқтасидин бир-бирига жуфтлаб тегизилса ҳам мазкур қувват бир-бирига нуфуз қилиб қўнғироқ чалинур. Бас, маълум бўлурки, симни ҳеч бир нуқтаси қувваи мудрика ва муҳаррикаликдин холий эмас.

Ва ҳайвонотни мудрикалари ҳам сафирликда шул тариқа бўлурлар ва қуввати мудрикани қилгон эҳсосидин берган хабарига биноан ани дафъи учун муҳаррика пайни ҳаракатга киргизмоқ ҳам гўё мазкур кнопка қуббасидаги тугмани босгандек бўлурки, ҳамма пай учлари мияга бориб тўхтагандур. Ва қуввати мудрикани пайдин мияга етган хабарини ҳавосси ботинийлар муҳокама қилгондин сўнг ани дафъига ҳаракат учун мазкур мудрика пайини қувватини муҳаррикасига ўтказилур. Бас, пайи муҳаррика бетаваққуф ҳаракат қилур. Ва агар мудрикани берган хабари батаанний ва беташвиш бўлса, ани дафъига лозим бўлгон мудофаа учун пайи мудрикани ҳаракат қилдирғувчи ақл бўлур. Ва агар мудрикадин олинган хабар изтироблик бўлса, ани муҳокамаси учун ақлга навбат бермасдин ани лозим бўлгон чорасига пайи муҳаррикани ҳаракат қилдирғувчи ваҳм бўлур. Чунончи, анқариб батафсил баён қилинур, иншааллоҳу таъоло.

АММО ҲАВОССИ БОТИНИЙЯ (АММО ИЧКИ СЕЗГИЛАР)

Билмоқ керакки, юқорида мазкур бўлгон қуввати нафсонийяни мудрика қисмидин иккинчи навъи мудрикаи дохилий, яъни ҳавосси ботиний деб баён қилгон эрдик. Энди шул қувватни исботи вужуд ва ақсомларини баён қилинурки, болода зикр қилинган ҳавосси зоҳирийлар эҳсоси суварий қилурлар ёки эҳсоси кайфиёти суварий қилурлар, аммо эҳсоси кайфиёти маънавий қилолмаслар. Бас, эҳсоси суварий жисмоний нафси нотиқага мутааллиқ бўлолмас. Чунки нафси нотиқа қувваи руҳонийдурки, идроки маъоний қилур. Аммо идроки жисмонийга муносабати йўқдур. Шунинг учун ўртада восита бўлиб, суврати жисмоний эҳсосидин батадриж маъонийи руҳоний ҳосил қилиб, нафси нотиқага муносабат ҳосил қилиб берғувчи қуввати мудрикаи мутавассит бўлмоғи зарурдурки, ул қуввати ҳавосси ботинийдур. Ва бул қувват ҳам беш қисм бўлиб, ҳисси муштарака, хаёли мутасаррифа, воҳима, ҳофиза ислари ила тасмия қилинур.

АММО ҲИССИ МУШТАРАКА (АММО МУШТАРАК СЕЗГИ)

Билмоқ керакки, ҳавосси ҳамсаи зоҳирийларни эҳсос қилгон нимарсаларини ашкол ва кайфиётларини нафси нотиқага етказмоқ учун биринчи нимарса ҳисси муштаракадур. Ва ҳама ҳавосси зоҳирийни эҳсос қилгон ашкол ва кайфиётлар аввалан шул ҳисси муштаракага манқуш бўлур. Сўнгра бул қувват ўз ёнида ўзини хазинадори бўлгон қуввати хаёлга топширар. Бас, бул қуввати ҳавосси зоҳирийлардин нақш олгон эътибори ила гўё феълда ҳавосси зоҳирий ила шерикдур. Ва олгон маҳсусотини ҳавосси ботинийга бериб тургон эътибори ила ҳавосси ботинийга шерикдурки, ҳар икки тарафга нисбати баробардур. Шунинг учун бу қувватни номини ҳисси муштарака дерлар. Ва яна бир важҳ шулки, баъътибори касб ва макондур, чунки бул қувват мияни ичида бўлгон сабабдин қуввати ботиниялик жиҳати бордур ва маҳсусоти хорижийяни сувратларини касб қилган сабабдин қуввати хорижийялик жиҳати ҳам бордур. Шунинг учун ҳам номи ҳисси муштаракадур. Ва бул қувватнинг борлигига далил шулки, хорижда кўрилган суврат ва ранглар ва бошқа маҳсусотни муҳокама қилинурки, бу таъм фалон нимарсани таъми ёки бу ис фалон нимарсани иси, деб нафси нотиқа ҳукм қилур. Лекин шул вақтда мазкур нимарсаларни қуввати хорижийялари ҳозир эрмас, фақат замони аввалда ҳосил қилинган суврати маънавийяларга ҳукм қилур.

Бас, лозим келдики, ҳайвонотда суврати маънавийяларни жамъ қилғувчи қувват бўлса керак. Бул қувват албатта, нафси нотиқа эрмас. Чунки нафси нотиқа қуввати руҳонийядурки, суврати жисмонийяга қуввати руҳонийяни муносабати йўқдур. Ва инчунин, ҳавосси зоҳирийларни ҳеч бири эмас, чунки булар маҳсусоти маҳсусалариндин бошқани идрок ҳам эта олмаслар. Чунончи, кўз мазани ва овозни ва исни эҳсос этолмас. Ва қулоқ ҳам рангни ва исни эҳсос этолмас. Ва тил ҳам овозни ва рангни ва исни эҳсос этолмас ва ҳоказо. Инчунин, ҳар бир ҳавосси зоҳирий ўзларига маҳсус бўлгон сувратни ҳам нафси нотиқага ҳзирлаб бера олмаслар. Чунки ҳавосси зоҳирийнинг ҳамалари ўз маҳсусаларини вужуди зоҳирийси ҳозир бўлиб тургондағина эҳсос эта олурлар. Аммо ул маҳсусани вужуди ғойиб бўлгондин сўнг ани эҳсос этолмаслар. Ҳолбуки, нафси нотиқани муҳокама

вақтидаги суврат суврати маънавийдурки, ул вақтда суврати хорижий ҳозир эрмас.

Бас, лозимдурки, ҳам ҳавосси зоҳирийдин бошқа ва ҳам ҳавосси нотиқадин бошқа бир нимарса бўлиб, суврати маънавийяни ҳозирлаб турса ва ул нимарса қуввати ҳисси муштаракадур. Лекин бул суврат ўзиға нақш олгон суврати маънавийяни узоқ муддат ўзида сақлаб тура олмас. Чунки хориждаги сувари маҳсусаларни ғалат қилмай, айнан жазб қилсин учун Ҳазрати Ҳакими Азал бул қувватни ниҳоятда латиф ва рақиқ қилиб яратгандурки, камоли риққати ва латофатидин ўз нақшини кўб фурсат сақлай олмас. Чунончи, сувға ҳар қаю шакллик нимарсани урулса, ани нақшини сув ўзиға олур, лекин ул нимарсани сувдин олинса, сўнгра сув камоли риққати ила ўзидаги нақшни сақлай олмай маҳв қилур.

Ва иккинчи важҳ шулки, агар бу қувват ўзидаги нақшни узоқ фурсат сақласа эди, сўнгра зоҳирдин қолгон нақшлари ила таҳ-батаҳ нуқуши мухталифалар ориз бўлиб, нафси нотиқаға бир суврати мутааййина ҳозирлаб кўрсата олмас эди. Шунинг учун Қодири Азал бу қувватнинг муҳофазасини оз фурсатлик қилиб яратган ва ани бурунги ҳосил қилгон суврати маънавийяси учун қуввати хаёлни хазинадор этиб яратгандур. Ва баёни анқариб келур, иншааллоху таъоло.


Ва билмоқ керакки, ҳисси муштарака суврати маҳсусани икки суврат ила эҳсос қилур. Бири шулки, суврати хорижий ҳавосси зоҳирийни наздида ҳозир турғонда хориждин мазкур маҳсусотни сувратларидин суврати маънавийя эҳсос этиб турар. Ва буни эҳсос бил-мушоҳада дерлар. Ва иккинчиси шулки, собиқда эҳсос қилиб, қуввати хаёлға топшуриб юбориб, ўзида маҳв бўлгон сувратни эскарилган вақтда яна хаёлдин суврати маънавийя касб этар. Ва буни эҳсоси хаёлий дерлар. Ва ҳисси муштаракани жойи мияни биринчи хонасини аввалида, яъни пешона тарафдадур.

ТАНБИҲ. Мияни вазиятининг баёни агарчи ташриҳ бобида муфассалан баён қилинур, лекин ҳавосси хамсаи ботинийининг ҳаммаси мияда бўлган сабаблик бир-бирларини макони маҳсусаларини таъйин этмоқ учун аввало мияни вазиятини ижмолан (қисқача) баён этмоқ лозим бўлди.

Билмоқ керакки, мияни пешона тарафидин то орқа тарафигача ўртадин бир парда бордек фараз қилиб, фаразий икки ажратилгондур. Токи ўнг тараф ва чап тараф мия бошқа фараз қилинғондур. Ва яна ўнг та-

рафдин чап тарафга икки жойдин икки адад парда фараз қилиниб, мияни узунига яна уч тақсим қилинғондурки, мажмуъи олти тақсим бўлур. Пешона тарафда икки хонани «батни муқаддами димоғ» (миянинг олдинги қоринчаси) дерлар. Ва ўртадаги икки хонани «батни авсати димоғ» (миянинг ўрта қоринчаси) дерлар. Ва орқа тарафдаги икки хонани «батни муаххари димоғ» (миянинг охириги қоринчаси) дерларки, ҳар бир ҳавосси ботиний икки хонада, яъни ҳам ўнг тараф, ҳам чап тараф хонада бўлур. Ва мияни суврати ушбур (2-шакл).

Ва ҳисси муштаракани пешона тарафда бўлғонининг фойдаси шулки, ҳавосси зоҳирийга таъйин бўлиб, аларни эҳсос қилғон нимарсаларини осонроқ жазб қилур ва яна ҳисси муштаракани шу маҳалда эканини исботи учун далил шулки, мияни батни муқаддамига офат етганда ҳисси муштаракани феълига зарар ва нуқсон етганлик борҳо (кўп марта) тажриба қилинғондур.



2-шакл

АММО ҚУВВАТИ ХАЁЛ (АММО ХАЁЛ ҚУВВАТИ)

Ул шундай қувватки, ҳавосси зоҳирийдин ҳисси муштаракани олгон суврати маҳсусасини сақлағувчи хазинадордир. Чунки маҳсусотни суврати хорижийлари ҳавосси зоҳирийга маҳсус бўлиб турган вақтда ани суврати маънавийяси албатта, ҳисси муштаракда ҳам мавжуд бўлур. Агар маҳсусотни суврати хорижийяси ҳавосси зоҳирийдин ғойиб бўлса ҳисси муштарак ҳам ани суврати маънавийясини кўб фурсат сақлаб туролмас. Шунинг учун ани сақлаб турғувчи бир қувватга муҳтождурки, ул қувват шул хаёл қувватидур. Бас, агар бул қувват бўлмаса эди, инсон бир кўрган нимарсасини иккинчи кўрганда танимас эрди. Ва бир киши уйдин кўчага чиқса, яна қайтиб уйини тополмас эди. Ҳатто уйи борлигини ҳам билмас эди. Ва-лайса фа-лайса.

Ва суврати маҳсусани ҳисси муштарак ўзида сақлай олмай, хаёл қувватиға топширмоғи ва хаёл қуввати сақламоғининг далили ҳисси муштараканинг баёнида зикр қилинди. Ва бул қувватни жойи мияни батни муқаддамининг охирида ва ҳисси муштараканинг орқасида бўлур. Зероки хаёл ҳисси муштаракани хазинасидур. Ва ҳар қувватни хазинаси ўзининг орқасида бўлмоғи лозимдур.

Ва яна батни муқаддамнинг охирига путур етганда хаёл фосид бўлмоғи ҳам шул маъниға далилдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бу хусусда қавли ҳукамо ила қавли атиббо муғойрдулки, атиббо қувваи ботинийни фақат уч адад дерлар. Чунончи, ҳисси муштарак, қуввати мутасаррифа ва қуввати ҳофиза дерларки, ҳар уч қувват ҳар уч батнда бўлур. Яъни, ҳар бир батнда бир қувват бўлур, дерлар. Ва бу қавлда қуввати ҳисси муштарак, хаёл, ваҳимани ҳаммаси бир қувват ҳисоб этилур. Аммо қавли ҳукамода қуввати ботиний беш ададдур. Ва бизнинг шул баён қилгон ҳавосси хамсаи ботиний бинобарин қавли ҳукамодур.

АММО ҚУВВАТИ МУТАСАРРИФА (АММО ТАСАРРУФ ҚУВВАТИ)

Ҳавосси хамсаи ботинийнинг учинчи қуввати мутасаррифадур. Ва бул қувват эҳсос қилинган суврати маҳсусаларни ва ани маъонийи жузъияларини тасарруф қилур. Лекин ани тасарруфи икки тариқа бўлур. Бири шулки, ҳисси муштаракани эҳсос қилиб, қуввати хаёлға топшургон маҳсусасини ва аний маъоний хазинасини тасарруф қилиб, тартиб ва интизомға солур. Ва иккинчи тасарруф шулки, қувват воҳимани эҳсос қилгон суврати воҳимасини ва ани маъонийи жузъийсини идрок қилур. Аммо бу сувратни вужуди воқеъда бўлмоғи лозим эмас. Ҳаттоки оламда ҳеч бўлмагон ихтироотни ижоди шул суврати ваҳмияни тартиб ва интизомининг натижасидур. Масалан, бир одам иморат қилмоқни ихтиёр қилса, аввалан бир тариқада иморатнинг суврати ваҳмиясини зеҳниға ҳосил қилиб, чунончи, остини молхона қилсам ва устини меҳмонхона қилсам ва бунга чиқмоқ учун бул жойни зина қилсам, деб ҳануз вужуди хорижийси бўлмагон молхонани

устиди вужуди хорижийси бўлмоғон меҳмонхонани суврати ваҳмия-сини тасарруф қилиб, тартиб ва интизомға солур. Ва бу интизомда мазкур ҳануз мавжуд бўлмоғон меҳмонхонаға зийнат ҳам лозимлигини кўрсатади ва бул тариқа суврати ваҳмиялар ҳисси муштаракдин олинган суврати маҳсуса воқеъийя эмас, балки суврати ваҳмийядурки, номи тасаввурдур.

Ва билмоқ керакки, қуввати мутасаррифани тасарруф ва тартиби гоҳо суврати маҳсусада бўлур. Ва гоҳо маъоний хазинасида бўлур ва гоҳо ҳар иккисида бўлур. Ва инчунин, тасарруфда гоҳо суврати маҳсусаға ёки маъоний хазинасига бир нимарса қўшуб тартиб берар. Ва ёки андин бир нимарсани камайтиб тартиб, берур.

Бас, мажмуъи эҳтимолот олти қисм бўлур. Ва ҳар қисмни мисоли ила баён қилинур.

БИРИНИЧИ ЭҲТИМОЛ шулки, бир суврати маҳсусаға яна бир суврат қўшуб тасарруф қилур. Чунончи, бир қабат иморатни устиға яна бир иморатни сувратини қўшуб мулоҳаза қилурки, агар шу иморатни устиға шул сувратда болохона қилсам, деб тасаввур қилур.

ИККИНЧИ ЭҲТИМОЛ шулки, бир суврати маҳсусадин бир сувратни камайтириб тасарруф қилур. Чунончи, бир болохонани бузуб ташласам ва ҳовли офтоблик боҳаво бўлур эди, деб, мулоҳаза қилур.

УЧИНЧИ ЭҲТИМОЛ шулки, бир маъонийи жузъийяни бир маъонийи жузъийяга қўшуб тасарруф қилур. Чунончи, иззат ила давлатни қўшуб мулоҳаза қилур.

ТЎРТИНЧИ бир маънийи жузъийяни бир маънийи жузъийядин йўқ қилиб тасарруф қилур. Чунончи, муҳаббатда хусумат бўлмас, деб мулоҳаза қилур.

БЕШИНЧИ бир сувратға бир маънини қўшуб тасарруф қилур. Чунончи, фалоний олимдур деб мулоҳаза қилур.

ОЛТИНЧИ бир сувратдин бир маънийни камайтуб тасарруф қилур. Чунончи, фалонийдин бир яхшилик чиқмас, деб мулоҳаза қилур.

Ва билмоқ керакки, бул қуввати мутасаррифа ва мутахаййила ва му-факкира исмлари ила зикр қилинур, чунки нафси нотиқаға хизмат учун маъонийи куллияни тасарруфида иштирокини эътибор ила мута-факкира деб исм берилур. Зероки, бир вақтда маводи фикрийяларни

тасарруф қилгон бўлур. Ва инчунин, ваҳмға хизмат учун сувратлар ва маъонийи жузъийларни тасарруфида бўлгон эътибори ила мутахаййила деб исм берилур.

Ва яна нафси нотиқаға ва ҳам ҳисси муштаракға қиладургон хизматлар тамоман сувратлар ва маъонийи жузъийи ва куллиани тартиб ва интизомда тасарруф этмоқ эътибори ила мутасарриф деб исм берилур. Ва бул қувватни тасарруфи мияни ҳамма жойиға омматан (умумий) бўлса ҳам, лекин асли пойтахти мияни батни авсатини аввалидадур. Ҳатто баъзи ҳукамо батни авсатни ҳам авсатида дебдурлар. Ва бул қувват мияни батни авсатида бўлмоғида ҳикмат шулки, бул қувват ҳам қуввати воҳима, ҳам қуввати ҳофиза, ҳам нафси нотиқаларға хизмат қилмоқда. Ва ҳам қуввати хаёл ва ҳисси муштаракларға хизмат учун баробар бўлсин, деб ўртада халқ қилингандур. Яъни, бир тарафдин суvari маҳсусани ва бир тарафдин маъонийи жузъияни тасарруф қилмоқ учун ўртада халқ қилингандур. Лекин бул қувватни нафси нотиқаға хизмат қилмоғи фақат инсонга хосдур, чунки бошқа ҳайвонотда нафси нотиқа ва ақл бўлмас. Шунинг учун бошқа ҳайвонотни шул қувватларини қуввати мутасаррифа ва қуввати мутахаййила дерлар. Аммо қуввати муфаккира деб бўлмас.

АММО ҚУВВАИ ВОҲИМА (АММО ВАҲИМА ҚУВВАТИ)

Ҳавосси хамсан ботинийяни тўртинчиси қуввати воҳимадурки, ҳисси муштаракдин топширилгон суврати маҳсусаларға тегишти маъонийи жузъийларни билдирур. Яъни суврати маҳсусани фойдалиқ ёки зарарлик ва дўстлик ёки душманлигини шу қувват ила билинур. Чунончи, янги тухумдан чиққан ва ҳеч нимарсани кўруб, тажриба ҳосил қилмаган жўжалар ўз онасини дўст ва меҳрибончилигини ҳам шул қувват бирла билуб эргашурлар. Ва лочиннинг душманлигини ҳам шул қувват бирла билуб қочарлар.

Ва инчунин, инсон баъзи ишнинг натижаси фойдали бўлмоғини шул қувват ила билиб, ташаббус қилурлар. Ва баъзи ишни натижаси зарарлик эканини шул қувват ила билиб, эҳтироз қилурлар. Ва бу қуввати воҳимани қуввати хаёлдин бошқалиги маълум ва зоҳирдурки, хаёл

суврати маҳсусани муҳофаза қилур. Ва ҳам шул суврати маҳсусаға маъонийи ғайри маҳсусани ҳукм қилур. Аммо ҳисси муштаракадин бошқалигига далил шулки, ваҳмни ҳукм қиладурган маъонийси маҳсуса эмас. Ва ҳисси муштарака онча ҳавосси зоҳирийдин олғон маҳсусотидин бошқа нимарсани ҳосил қилолмас. Бас, маълум бўлдики, маъонийи жузъийяни ҳукм қилувчи қувват ҳисси муштаракадин ва хаёлдин ва мутасаррифадин бошқа бир қувватдурки, ул қувват шул қуввати воҳимадур. Ва баъзи ҳукамо шубҳа қилибдурларки, қуввати ваҳм маъонийи жузъийяни идрок қилур. Ва сувари маҳсусани идрок қилмас. Балки ани ҳисси муштарака идрок қилурки, анга ваҳмни дахли бўлмас, дебдурлар. Лекин ғалат қилмишлар, чунки қуввати ваҳм боқий ҳавосси ботинийларни асли ва ҳокимидурки, ҳам сувратларни идрок қилиб, ҳам маънийларни идрок қилур.

Аммо қуввати воҳимани фақат идроки маъонийға маҳсус деб нисбат бермоқ, деб билмоқдин мурод шулки, қуввати воҳимадин бошқа қувватларни ҳеч бирини идроки маъонийға дахли йўқ демақдур. Аммо қуввати воҳима маъонийдин бошқани идрок қилмас, демак мурод эмас. Чунки қувои ботинийяни ҳаммалари гўё бир-бирларига муқобил турган оинадек, бирларига ҳосил бўлғон суврати маҳсусадин ҳаммалари ҳам акс олиб, эҳсос қилурларки, эҳсоси суварийдин ҳеч бирлари ҳам маҳрум эмаслар.

Ва қуввати ваҳмни жойи феъли идрокда миёни ҳаммасиға шомилдур. Лекин асли маркази миёни батни авсатини охирида, дуда исмли жойда ва қуввати мутасаррифани орқа тарафидадур. Ва бунга далил шулки, ҳар вақт шул мавзёға варам ёки бир офат етса, идроки маъоний барҳам топиб, бешуурлик ориз бўлур. Ва урфда қуввати воҳимани ва ани идрокини ҳуш дерлар.

АММО ҚУВВАИ ҲОФИЗА (АММО САҚЛОВЧИ ҚУВВАТ)

Ҳавосси хамсаи ботинийнинг бешинчиси қувваи ҳофизадурки, қуввати воҳимани идрок қилғон маъонийи мудрикаларини сақлағувчи қувватдур. Шунинг учун бу қувватни «хазинаи ваҳм» дерлар. Ва бул қувватни ваҳмға нисбати гўё қуввати хаёлни ҳисси муштаракаға нисбати-

декдурки, агар ҳисси муштаракани эҳсос қилгон сувратини хаёл сақлаб турмаган тақдирда ҳисси муштарак бир кўрган нимарсасини иккинчи кўрганда танимагандек қуввати ҳофиза ҳам бул маконда ва ҳам ваҳми эҳсос қилгон маъонийи мудрикасини ҳам ваҳм фаромуш қилиб, ҳаргиз идрок қилолмас.

Ва бул қувватни истилоҳи атиббода мутазаккира дерлар, яъни ёдда сақлағувчи қувват демақдур. Лекин ҳақиқатда ҳофиза ўз феъли ила мутазаккира бўлолмас. Балки қуввати мутасаррифа ва қуввати воҳималарни ёрдами ила мутазаккира бўлур. Чунки тазаккур, яъни эсламоқ уч феъл ила ҳусулға келур.

БИРИНЧИСИ ШУЛКИ, собиқда эҳсос қилинган суврати маҳсусани яна бошқадин қуввати хаёлдин акс олиб тасарруф қилмоқдур.

ИККИНЧИСИ ШУЛКИ, ушбу акс олинган сувратға мутааллиқ маъонийни идрок қилмоқдур.

УЧИНЧИСИ ШУЛ суврат ва маъонийни сақламоқдурки, биринчи феъл қуввати мутасаррифани феълидур. Ва иккинчиси қуввати ваҳмини феълидур. Ва учинчиси қуввати ҳофизани феълидур.

Бас, мундин маълумдурки, мутазаккира қуввати ҳам мутасаррифадин, ҳам ваҳмдин, ҳам ҳофизадин мураккабдур. Ва аммо ҳофиза икки нимарсадин мураккабдурки, бири ваҳми маъонийи мудрикаси ва бири ани муҳофазатидур. Ва инчунин, хаёл ҳам икки нимарсадин мураккаб бўлгондурки, бири ҳисси муштаракани эҳсос қилгон суvari маҳсусаси ва бири ани муҳофазатидур.

Ва билмоқ керакки, қуввати ҳофизани жойи мияни охирги батнидадур. Ва бунга ҳам далил шулки, батни охирға офат етса, ҳофизаға путур етар. Бас, маълум бўлдики, ҳавосси зоҳирийдин ҳисси муштаракани бир суврати маҳсуса акс олиб, хаёлға топширар. Ва хаёлдин мутасаррифа акс олиб, ул сувратни тахаййўл қилиб, тартиб ва интизом берар. Сўнгра андин қуввати ваҳм акс олиб, анга лозим бўлгон маъонийни ҳукм қилиб, ҳофизаға топширар. Лекин бу эҳсос ва идроклар идроки жузъийдур. Ва маҳсусаға ҳукм қилингон маъний ҳам маъонийни жузъийядур. Шунинг учун бу мудракот ҳамиша мувофиқи ҳақиқат бўла олмай, баъзи вақтда хато ҳам бўлмоғи эҳтимолликдур. Ёки ҳайвонотни ҳақиқий фоидаи табиийлари бўлгон маъонийни куллияға хилоф бўлмоқ эҳтимоли бордур. Бас, бул мудракотни яна бир даража тафтиш қилиб, ислоҳ қилмоқ ва маъонийни куллияға тадбиқ

ва талфиқ қилуб, мувофиқинч қабул ва муҳолифини рад қилмоқ учун яна бир қувват лозимдурки, ул қувват ақлдур. Аммо ақл, агарчи қувваи нафсонийя жумласидин эмас, лекин ҳавосси зоҳирий ва ботинийни қилгон эҳсос ва идроклари ушбу ақл ила такмил этилган сабаблик ушбу мавридда ижмолан баён қилиб ўтмоқ лозимдур.

Билмоқ керакки, арвоҳи арбаъа (тўрт руҳ)дин бири руҳи Илоҳиядурки, иншааллоҳу таъоло, баёни арвоҳда муфассал зикр қилурмиз. Шул руҳи илоҳийяни ҳукамои фалсафийя истилоҳларида нафси нотиқа деб таъбир қилинур. Ва бу нафси нотиқа кутуби Илоҳийяда руҳ исми ила зикр қилингандур. Ва ани ҳақиқатини тафтиш қилмоқдин ҳукамо ожиздурлар. Ҳаттоки забони шаръ ҳам «Қулирруҳу мин амри робб»¹ фармони ила ани баёнидин соқитдур. Ва лекин баҳарҳол тарбияи арвоҳ ва ажсоми баданийя учун мутасадди бўлгон бир неъмат Илоҳийялиғи ҳам аҳли шаръ, ҳам аҳли ҳикмат наздларида муқаррардур. Аммо тарбияти арвоҳ ва ислоҳи бадан учун нафси нотиқани икки хил таъсири бордурки, бири азбаройи тарбияи арвоҳ учун мустаъмалдур. Ва номи омил ул-ҳаётдур. Ва бири азбаройи мусолиҳи абдон учун мустаъмалдурки, номи ақлдур. Ва ақлни маҳаллида ихтилоф кўбдур. Баъзилар мияни батни охирида қуввати ҳофизани орқасида турар, дебдурлар. Ва баъзилар ақл деб худ нафси нотиқани айтурларки, тамоми баданга шомилдур, деб шубҳа ҳам қилибдурлар. Лекин ҳукамои мўътабарларни наздларида ақраб ба савоб ҳисоб этилган қавл шулки, ақл дилда бўлур. Бас, ҳавосси зоҳирийлар эҳсос қилгон маҳсусотларини ҳавосси ботинийларга топширурлар.

Ва ҳавосси ботинийлар ҳам ўзлариға лозим идрок ва тасарруфларини қилиб, сўнгра нафси нотиқаға топширурлар. Ва нафси нотиқа ўзининг иккинчи қуввати бўлгон ақл бирлан ани мулоҳаза қилиб, сувар ва маъонийни куллияға тадбиқ қилиб, фоидаи табиийи ҳақиқийсини дурустликға ва номувофиқини нодурустликға ҳукм қилурки, маъқул ва номаяқуллик шундан иборатдур.

Бас, ақл ҳукм қилгон маъқулидин яна мияға огоҳлик берар. Сўнгра қуввати воҳима ушбу маъқул маслаҳатга лозим ҳаракат қилмоқ учун аъсоби муҳаррикани ҳаракат қилдирар. Ва агар қуввати воҳимани мутасаррифа-

¹ Ал-Исро, 85-оят. «Айт, Руҳ парвардигоримнинг ишидандур».

дин акс олгон суврати маҳсусаси хавфлик маънийи жузъийяга муқтазий бўлса, воҳима шошиб ҳофизага ва нафси нотиқага топшурмасдин ўзича ҳам аъсоби муҳаррикани ҳаракат қилдуруб, мазкур хавфни дафъи ва чорасиға мутаважжиҳ бўлур. Чунончи, нохос сучуб қолмоқда бир ҳаракат мушоҳада қилинур, лекин бул ҳаракат ақлни кўрсатган маслаҳати бўлмаган сабабдин аксари вақт фойдасиз бўлиб чиқар. Ва инчунин, ақлни жойи дил бўлгон сабабдин баъзи вақтда ақлни ҳукмиға дилни рағбати ҳам мухталит, балки голиб бўлиб, мияга борур. Ва қуввати воҳима ночор ҳолатни муқтазосиға мувофиқ ҳаракат учун пайи муҳаррикани таҳрик берур. Чунончи, ошиқлар маҳбубни ризоси учун қилгон сарфларида ўзларида жавр бўлмоғини ва ани талабида қилгон ҳаракатларидин ўзларини шону шарафлариға нуқсон бўлмоғини ўзлари билурлар ва маъа золика шул хизмат ва сарфни қилмоқға мажбурдурлар. Ҳатто баъзи вақтда дилни таважжуҳи башиддат бўлса, маъонийи мудрикани тасарруф ва ҳукм қилмоқдин ақлни мутлақо манъ ва рад қилиб, фақат ўз хоҳишини мияға маълум қилур. Ва мияда қуввати ваҳима ушбу хоҳишни вуқуъи учун лозим бўлгон феълларни ижодиға пайи муҳаррикани ҳаракат қилдирар. Чунончи, камоли ғазабда ҳаракати ношойисталарға ақл иштирок этмаган бўлур. Валлоҳу аълам бисавоб.

АММО ҚУВВАИ МУҲАРРИКА (АММО ҲАРАКАТЛАНТИРЎВЧИ ҚУВВАТ)

Қуввати нафсонийяни иккинчи қисми қуввати муҳаррика, яъни аъзони ҳаракат қилдирувчи қувватдур. Ва бу қувват икки қисм бўлур. Бирини боиса ва бирини фойила деб таъбир қилинур. Аммо боиса деб, ҳаракатни хоҳлогувчи қувватни айтилур, яъни ҳаракат қилмоқ учун амр таклиф қилғувчи қувватдур. Қуввати фойила худ ҳаракат қилғувчи қувватдур. Ва боисаға доим итоат қилур.

Ва билмоқ керакки, боисаға ваҳмдин ёки ақлдин берилган маълумот икки эҳтимолдин холи бўлмаски, ё манфаатлик нимарсадин маълумот бўлиб, ул нимарсани жалб қилмоқ ҳаракати лозим бўлур ёки зарарли нимарсани маълумоти бўлиб, ани дафъ қилмоқ ҳаракати лозим бўлур. Шул эътибор ила қуввати боиса икки қисмға тақсим бўлур.

Биринчи қисми азбаройи жалби манфаат учун лозим бўлгон ҳаракатни тақозо қилур ва ани қуввати шаҳвонийя дерлар. Ва иккинчи қисми азбаройи дафъи зарар учун лозим бўлгон ҳаракатни тақозо қилурки, ани қуввати ғазабонийя дерлар. Ва бу ҳар икки қисмни баҳасби миқдор яна икки қисмга тақсим этилуб, биринчи қисмни бадъий ва иккинчи қисмни камолий дерлар. Чунончи, қуввати шаҳвонийнинг бадъий қисми шавқ, яъни орзудурки, агарчи орзу қилгон нимарсани талабиға қуввати боиса муқтазий бўлса ҳам, лекин ақлни кўрсатган зарари маънавийяси бўлгон ҳаё анга монё бўлиб, қуввати муҳаррикани ҳаракатдин тўхтатмоқға қодир бўлур. Ва шаҳвонийнинг камолий қисми ишқдурки, ани талабиға мувофиқ ҳаракатдин қуввати муҳаррикани ҳаё тўхтата олмас. Ва инчунин, қуввати ғазабонийяни бадъий қисмини «малолати табъ» дерларки, ранжимоқдур. Ва бул кайфият ҳам бир кишидин кўрган зарарни дафъи учун ориз бўлур. Лекин интиқом олмоқға ҳаё монё бўлуб, фақат мундин сўнг зарар кўрмоқдин ўзини сақламоқ ила қаноатланур.

Аммо камолий қисмини ғазаб дерларки, ақлни ҳукм ва маслаҳатиға, яъни ҳаёға итоат қилмай, интиқомға ҳаракат учун пайи муҳаррикани мажбур этар.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, қуввати боисани қуввати шавқия, қуввати мушаввиқа ва қуввати нузуъия ҳам дерлар. Яъни, бир феъл ва ҳаракат қилмоқ учун қуввати муҳаррикани ташвиқ қилиб, шавқландурғувчи қувват демақдур. Ва шавқда уч даража бордур.

Биринчи даражани номи шавқи мутлақдурки, урфда ҳавас ва орзу дерлар. Ва бу орзу фақат кўнгилда бўлур. Аммо орзу қилгон нимарсани талабиға ҳаракат учун ҳаргиз сабаб бўлмас.

Ва иккинчи қисмини номи азмдурки, ани урфда қасд дерлар. Ва бул қасд фақат кўнгил ила турмас. Балки мақсудни талабиға ҳозирдин ҳаракат қилсамму, қилмасамму, деган мутараддудлик ҳолатға еткарур.

Ва учинчи даражани номи ижмоъдурки, ани қасди жазбий дерлар. Ва бу қасда ҳаргиз мутараддудлик ва сабр бўлмас. Ва мақсудни талаби учун ҳаракатға қуввати муҳаррикани мажбур этар. Ва ишқ ила ғазаб ҳам шул жумладиндур.

Бас, қуввати боисани ҳаракатға шиддатлик таклиф ва таважжуҳини номи иродадур. Ва анга ақл тарафдин тарки ирода учун берилган таклифни номи кароҳатдур.

Ва билмоқ керакки, ҳар бир ҳаракат уч хил қувват ила тамом бўлурки, бири қуввати мутахаййила ёки воҳимадурки, суврати маҳсуса ёки маъонийи мудрикаи лазизаларни ёки қабиҳаларни ҳосил қилур.

Иккинчи қуввати боисадурки, ўшал мудрикани жалб ёки дафъ қилмоқға қасд қилур. Учинчи қуввати муҳаррикадурки, шул мақсудни ҳусули учун лозим бўлгон ҳаракатға пайларни таҳрик этар.

Ва билмоқ керакки, қуввати боисақуввати мутасаррифадин бошқа алоҳида бирқувватдур. Бунга далил шулки, инсон гоҳо суврати лазизаларни хаёл қилур ва ани орзу ҳам қилур. Ва гоҳо хаёл қилур ва орзу қилмас. Бас, маълум бўлдики, хаёл қуввати бошқа ва орзу қуввати бошқадур. Ва инчунин, қуввати воҳимадин ҳам бошқадур. Ва анга далил шулки, қуввати воҳима маъонийи лазизаларни идрок қилур. Лекин инсон ўз маъонийи лазизаларни ҳосил қилмоқ учун қасд қилур ва баъзисига қасд қилмас.

Бас, маълум бўлдики, бул маъонийи лазизани идрок қилгон қувват, яъни воҳима бошқа ва ул маъонийнинг талабиға қасд қилғувчи қувват бошқадур. Ва инчунин, қуввати муҳаррикадин ҳам бошқадур. Ва мунга далил шулдурки, бир нимарсаға инсонни шавқи ва азми бўлур. Лекин хаё монёв бўлгонликдин анга ҳаракат қилмас. Бас, маълум бўлдики, ҳаракат қуввати бошқа ва шавқ қуввати бошқадур.

Ва аммо сувари маҳсусот маъонийи мудракотни идрок қилмоқда хоҳ ҳавосси зоҳирий тарафдин келган, хоҳ ақл тарафдин ҳукм бўлиб қайтарилган маҳсусотни ҳар қаю ҳавосси ботинийдин акс олмоқға қувван боиса қодирдур. Ва маҳалли агарчи бутун мияда тасарруфи умумий бўлса ҳам, лекин батни охирни энг аввалидадур.


АММО ҚУВВАТИ ФОЪИЛА (АММО ФОЪИЛА ҚУВВАТИ)

Бул ҳаракати аъзоға мутасадди бўлгон қувватдурки, ҳаракати аъзоға восита бўлгон пайлар шул қувватни ихтиёридадур. Аммо бул қувват ўзи қуввати боисани ихтиёридадур. Ва тариқаи ҳаракат шулки, агар қуввати боиса бир узви кўтармоқни қуввати муҳаррикага таклиф қилса, муҳаррика шул узвға маҳсус пайни мунқабиз қилур, яъни энини йўгон ва қаддини қисқа қилур. Ва пай ночор тортилмоқға мажбур бўлур. Ва пайни учи узлаға ёпишгон сабабдин таъбан узла ҳам тортилур. Ва ҳам мунқабиз бўлур. Бас, икки инқибозни ҳосили жамъ бўлиб, қисқалик зиёдалашур. Ва узладин ўтиб, узви мазкурға банд бўлгон ватар исмлиқ пай ҳам узлаға таъбан тортилур, ҳам ўзи мунқабиз бўлур.

Бас, уч инқибоздин ҳосил бўлгон нуқсон жамъ бўлиб, зиёда даражада қисқалик ориз бўлур. Ватарға банд бўлгон узв, чунончи, қўл

ҳам ватарға итоатан мазкур қисқаликни таъмин этмоқ миқдорича қўтарилмоқға мажбур бўлур. Ва яна қўл тушурмоқни қуввати боиса таклиф қилса, қуввати муҳаррика мазкур пайни мунбасит қилур, яъни ёзар. Шунинг учун пайни эни ингичка ва қадди узун бўлиб чўзилур. Ва анга таъбан узла ҳам сурилур ва ҳам чўзилур. Сўнгра анга таъбан ватар ҳам сурилур ва ҳам чўзилур. Ва уч инбисотни натижасидаги дарозлик асл ҳолатға етар. Шунинг учун узви мазкур пастға, асл макониға қайтарки, ҳаракати аъзо шул инқибозу инбисотдин иборатдур. Ва ушбу хусусни бодий назарда тушунилмоғи осон бўлсун учун бир қўлни тасвири кўрсатилди. Фатаборокаллоҳу аҳсан ул-холиқийн. (3-шакл).

ТАНБИҲ. Ҳавосси зоҳирий ва ҳавосси ботиний ва нафси нотиқа ва ақл ва қуввати боиса ва муҳаррикаларни идроки жузъийётдаги таъсир ва таассурлари шул қадар тездурки, агар ҳавосси зоҳирий ила ҳавосси ботинийларни миёналари фаразан курраи заминнинг сатҳига муҳит бўлса, шул масофадин бир-бирларига бир дақиқада уч маротаба таъсир ва таассур қилмоқларини ҳукамон юнониюн фараз қилмишлар. Ва ҳозирги замонда машҳур бўлгон газ ҳисобиға қараганда фаразан бир одамни қадди 165 миллион газ бўлса, шул одамни оёқ панжасини бурга чақса, ани ҳавосси зоҳирийси миядаги ҳавосси хамсаи ботинийға еткуруб, бул беш ҳавосни ҳар бирлари аввал ўзи эҳсос қилуб, сўнгра бошқасиға топшуруб, сўнгра нафси нотиқаға маълумот беруб, сўнгра нафси нотиқа ақлға топшуруб ва ақл ўшал бургани тутмоқ ёки ул мавзеъни қашимоқға ҳукм қилуб, ҳукмини қуввати воҳимаға ва воҳима боисаға топшуруб, боиса муҳаррикаға таклифи ҳаракат қилмоғи ва муҳаррика ҳаракатға шурув қилмоғи, (буларнинг) ҳаммаси бир дақиқада тамом бўлмоғи мумкиндур.



3-шакл

АММО ҚУВВАИ ҒАРИЗИЙЯ

Қувон арбаъадин мустақила ва ғайри мунтақиласи қувваи ғаризий-ядур. Ва ғаризийя бамаъноийи табиийя деган сўздур. Шунинг учун баъзи ҳукамо қуввати табиийяни ҳам ғаризийя исми ила баён қилурлар. Ҳолбуки, ғаризийя ҳақиқатдан алоҳида бир қувватдур. Лекин ғаризийя деб исм қўйилмоғи учун сабаби тасмия бир неча хилдур. Ва намуна учун баъзи сабабларини отий (келгуси)да баён қилинур.

Ва бул қувватнинг асли ҳақиқати Илоҳийнинг таъсиридин иборатдур, яъни: «**Ва нафахту фийҳи мин руҳи**»¹ фармони ила Ҳазрати Борий таъоло карамидин ато қилинган жоннинг баданға берган тарбиясидин иборатдур. Бас, жоннинг ўзи карами Илоҳий бўлиб, умури табиийядин хориждур, лекин ани таъсири баданға тааллуқлидур. Ва бадан эса олами табиат муқтасосича мавжуд бўлгон жисми табиийдур. Ва анга ориз бўладурган аҳвол ҳаммаси умури табиийядур. Бас, умури табиийяға мутааллиқ бўлган сабаблик бу қувватни номини қуввати ғаризий дерларки, бамаъноийи қуввати табиийядур.

Ва жигардин ҳосил бўлгон қувват ила бу қувватни ўртасида фарқ учун, агарчи маъниси бир бўлса ҳам, лафзини тағойири (ҳар хиллиги)-ға биноан бирини табиий ва бирини ғаризий исмиға тахсис қилмишлар. Ва сабаби дигар шулки, ҳайвонотға жон ҳосил бўлмасдин муқаддам, яъни раҳм (бачадон)да мизға (парча гўшт)ға ё алақалик ҳолида табиат асаридин вужудга келгон ва ҳар онда табиат асари бирлан камолот топиб турган бўлурлар. Аммо ул вақтда қувваи ҳайвонийя ва нафсонийя ҳосил қилмаган бўлурлар. Ва жон ҳосил бўлиб, қуввати ғаризийя берганда фақат табиатға берур. Сўнгра жонда бу қуввати ғаризийяни шарофатидин қувваи ҳайвонийя ва қувваи нафсонийя ҳосил бўлур. Бас, бул қуввати ибтидоий умури табиийяға мутааллиқ бўлгон сабабдин ани қуввати ғаризийя дерлар.

Ва сабаби дигар шулки, қуввати ғаризийяни хизмати баданни иситмоқдур. Ва ҳайвонотлар аввал ота ва онани ҳарорати табиийяси ила мавжуд бўлгон нутфа (эр ва хотин манийси)дурлар. Ва нутфалик ҳолда ҳам ҳарорати табиийяни асаридин исиб тургандурлар. Ва раҳмға нузул қилиб, раҳмини ҳарорати табиийяси ила исиб тургандурлар.

¹ Ва унга дам уриб, жон киргизсам. Сураи Ҳижр, 29-оят.

Бас, жон ҳосил бўлгонда жонни тарбияси бўлгон бул қувватни ҳарорати мазкур бўлгон ҳарорати табиийға қўшилиб, гўё пайванд бўлур. Ва баъд аз таваллуд агарчи раҳмни ҳарорати тўрт-беш дақиқада тамоман зойил бўлиб, лекин бул қувватни ҳарорати анга пайванд бўлгон сабабдин болани бадани сову-мас. Бас, бул қуввати мазкур ҳарорати табиийға пайванд ва қойим мақом бўлгон сабабдин номини қуввати ғаризийя дерлар. Ва ҳоказо, бинобарин ихтилоф бир неча хил важҳи тасмия (номлаш сабаби) бордур. Лекин мақ-судға ишора учун шул қадари кофий (етарли)дур.

Аммо қуввати ғаризийяни манфаати бутун баданни иситмоқдур ва даражайи эътидолда сақламоқдур. Ва шул васийла ила бутун ҳаёт ва бақоийи ҳайвонға боисдурки, тамоми бадан ҳатто бошқа қувои салосаи ҳайвонийлар шул қувватни таъсири ва тарбиясидин мавжуд ва боқий-дурлар. Чунки ҳайвонотни ҳарорати вужудларига мураккаб бўлгон ни-марсаларни ҳаммасини вужуди ҳарорати мўътадилға мавқуф (боғлиқ-)дур. Чунончи, ахлоти арбаъа ҳарорати мўътадиладин ҳосил бўлур ва ҳузуми арбаъа (тўрт ҳазм) ҳарорати мўътадиладин ҳосилдур. Ва қувои салоса ҳарорати мўътадиладин ҳосилдур. Ва арвоҳи салоса ҳарорати мўътадиладин ҳосилдур ва ҳоказо. Ва ҳарорати мўътадила қуввати ғаризийядин ҳосилдур. Бас, тамоман вужуди ҳайвонот қувваи ғаризий-ядин ҳосилдур. Ва агар қувваи ғаризийя тўхтаса, ҳамма арвоҳ ва қуво ботил бўлур ва баданни иситмоқдин ожиз бўлурлар, чунончи, баъд аз вафот беш-ўн дақиқада баданнинг ҳарорати тамом зойил бўлур. Ва яна далили дигар шулки, мияни мизожи совуқдур. Ва жигар мизожи иссиқ-роқдур. Ва дилни мизожи иссиқдурки, бунга ҳамма ҳукамо муттафиқ (якдил)дурлар.

Бас, ҳолати мухаммасада, яъни қарийби вафотда аввал қувва-ти нафсоний ботил бўлиб, ҳис ва ҳаракат зойил бўлур. Чунки ҳола-ти назъда руҳи Илоҳийяни ўзи изтиробда бўлган сабабли баданға тарбияси ноқис ва ҳарорати ғаризийяси оз бўлур. Бас, бу оз миқдор ҳарорати ғаризийя совуқ мизожлик мияни насибасиға кифоя қил-май, қуввати нафсоний тезроқ ботил бўлур. Сўнгра жигарни мизо-жи биров иссиқ бўлса ҳам руҳи Илоҳийя чарчаб, зиёда мушавваш бўлгон сабабли баданни тарбиясиға берадургон ҳарорати ғари-зийяси яна озаюр. Ва бу оз миқдордин жигарга етган насибаси ки-фоя қилмай, қувваи табиийя ботил бўлур. Аммо қувваи ҳайвонийя то охири умргача ҳарорати ғаризийяни энг охирги мобақияси (қол-

диги)дин истифода қилур. Лекин ҳарорати ғаризийя дилга ҳам кифоя қилолмай озая борган сабаблик қуввати ҳайвонийя ҳам заифланиб, руҳи ҳайвонийяни тарбиясида ноқислик ориз бўлур. Ва руҳ ҳам тарбиядин кам баҳра бўлгон сабаблик ҳарорати ғарибаи нотабиийя пайдо қилиб, гўё куяр. Шунинг учун пайдарпай ҳаво бирлан елпитмоқға муҳтож бўлур. Ва дил ҳам мумкин қадар тоқатиға лойиқ тез-тез нафас олмоқға ҳаракат қилур. Ва ҳарсиллаб бетартиб нафас олур. Лекин бу фурсатда ҳам руҳ куяр ва ҳам дил чарчар ва ҳарорати ғаризийя ила баробар тамом бўлурлар.

Ва яна қуввати ғаризийяни бир фойдаси шулки, каймуси солисдин тайёрланиб борган рутубати солиса, яъни жавҳари ғизони жузви бадан қилур, яъни ҳарорати ғаризийяи мўътадиласи ила пишируб, бадан ҳолатиға келтирар. Аммо бул қувват қуввати бадани ҳайвонийя ва унсурийяға муғойир ва Аллоҳу таъоло тарафини ато қилинган неъматдур. Ва тиб илми эса фақат аҳволи баданға доир ҳукму фалсафадур. Шунинг учун ҳаким Муҳаммад ибни Маҳмуд ва ҳаким Собит ибн Қурра ва Довуд Антокий каби зотлар садади баёнда бул қувватдин сарфи назар қилгондурлар. Ҳатто Муҳаммад Акбар Арзоний ва Салмони Ҳиндий каби зотлар бу қувватни вужудиға инкор этиб, қуввати ғаризийядин мурод қуввати табиийя, деган заъамларида исрор (таъкид) этмишлар ва қуввати ғаризийяни маҳалли тамоми бадандур ва ўзиға махсус мабдаъи муқаррари йўқдур.

БЕШИНЧИ ФАСЛ – УМУРИ ТАБИЙЯ (ТАБИЙ ИШЛАР) БАЁНИДА

Билмоқ керакки, ҳайвонотни вужудидаги умури табиийя ҳақиқатан олти ададурки, бири аркон, бири амзижа, бири ахлот, бири қуво, бири арвоҳ ва бири аъзодур. Лукин жумҳури атиббо афъолни ҳам умури табиийяға ҳисоб этгандурлар. Чунки афъол агар умури табиийядин бўлмаса ҳам, лекин қувони асари ва ғоясидур. Шунинг учун қувони баёнидин сўнг бевосита афъолни баён қилмоқ одати атиббон муаллифиндур.

АММО АФЪОЛ қувватларни самарасидурки, қувватларнинг вужуди ани бирлан собит ва қувватларни вужудидин мақсуд ва ишлати ғойийдур.

Ва бу афъол икки навъ бўлурки, бирини афъоли муфрада ва афъоли мураккаба дерлар.

Аммо афъоли муфрада деб биргина қувват ила тамом бўладирган феълларни айтилур. Чунончи, феъли ҳазм ва жазб ва дафъ ва имсоқлар ҳар бири бир қувват ила вужудга келур, бошқа қувватни иштирокига муҳтож эмаслар. Аммо соҳибн «Шарҳи Оқсарой» шубҳа қилибдурларки, таом ютилмоқда ёки меъдадин кайлусни жигарга ўтмоғида ёки тафлни меъдадин ичакга ўтмоғида ва бошқа интиқолий феълларда қуввати жозиба ила қуввати дофиъани иштироки мутаҳаққиқдур. Бас, феъли жазб ила феъли дафъ ҳар иккиси бир интиқолдурки, икки қувватдин содир бўлур. Бас, жозиба ёки дофиъани батанҳойи феъли бўлмас демиш. Лекин саҳв қилмишлар. Чунки феъли интиқол ўзи феъли мураккабдурки, анда бир тарафдин феъли жазб, иккинчи тарафдин феъли дафъ содир бўлур. Ва феъли жазбга қуввати дофиъани дахли бўлмас. Ва феъли дафъга қуввати жозибани дахли бўлмас.

Ва инчунин, Али Акбар Ҳусайний раҳматуллоҳи алайҳ «Рисолаи ситтаи зарурийя»ларида феъли ҳазм қуввати ҳозима ва қуввати мосикани иштироки ила содир ўлмоғини ва агар меъдада қуввати мосика бўлиб, таомни имсоқ қилиб турмаган тақдирда таом ҳазм бўлмай ўтиб кетмоғини баён қилмишлар. Лекин шубҳа қилмишлар. Чунки агар меъдада қуввати ҳозима бўлмоғон тақдирда ҳам қуввати мосика неча кун имсоқ қилса ҳам, таом суврати аслида турар. Чунончи, меъдани ҳозимасиға путур етиб, ёки фами меъда (меъда оғзи) тарафда тўхтаб қолгон таомни ҳатто етти кундин сўнг қайт қилгонда таом суврати аслиясида тушғони мушоҳада қилингандур.

Бас, маълум бўлдики, ҳазм феъли инсон феълидин бошқадуру. Ва бу қуввои арбаъаи ходималарни ҳеч бирини феълида бошқасини дахли ва иштироки йўқдур.

Аммо афъоли мураккаба деб икки қувват бирлан тамом бўладирган феълни айтурлар. Бас, икки қувват ё муттафиқ ул-ҳақойиқ бўлур ёки мухталиф ул-ҳақойиқ бўлур, яъни зотан бир жинсда бўлгон икки қувватдин содир бўлур. Чунончи, қуввати табиийя жинсидин бўлгон қуввати дофиъа ё қуввати жозибалин бир феъли нуфуз, яъни интиқол содир бўлур. Чунончи, «Шориҳи Оқсарой»нинг иштибоҳлариға жавобан зикр қилинди. Ёки зотан жинси муҳолиф бўлгон икки қувватдин содир

бўлур. Чунончи, иштаҳада ҳам қуввати табиийя талоқдин меъдага савдо тўкмоғидин ва ҳам қуввати нафсонийя ани эҳсос қилмоғидин содир бўлурки, қуввати табиийя қуввати нафсонийяға мухталиф ул-жинсдурлар. Ва инчунин, қазойи ҳожатдин огоҳ қилмоқда ҳам қуввати табиийя ўтдин ичакға сафро тўкмоғи ҳам қуввати нафсонийя ани эҳсос қилмоғидин ҳосил бўлур.

Аммо феъли издирод, янги таомни ютмоқда Мавлоно Шайх ур-ранс ила ҳаким Қаршийни раъйларида ихтилоф бордур. Масалан, Шайх ур-рансни наздларида ютмоқ қуввати жозибаи табиийя ва қуввати дофиъани иродийяси ила ҳосил бўлур. Бас, бул тақдирда қуввати дофиъа ва қуввати нафсонийядин мураккаб бўлурки, иборати муҳаррикадур. Ва шул қавл саҳиҳдур. Ва ҳаким Қаршийни наздларида қуввати жозибаи иродийя ва қуввати дофиъаи родийя бирлан ҳосил бўлур. Бас, бу тақдирда қуввати жозиба ва дофиъа ҳар икки қувват қуввати нафсонийядин бўлур. Аммо бу қавлға далили қатъий йўқдур.

АММО АРВОҲИ АРБАЪА (АММО ТЎРТГА РУҲЛАР)

Умури табиийяни олтинчиси ва арбаъоти сабъата ашарани ўнинчиси ва ҳама арбаъот (тўртликлар)ни султони арвоҳи арбаъадурки, руҳлар демақдур. Ва руҳ икки навъ бўлур.

Бирини руҳи самовий дерларки, Ҳазрати Халлоқи бечуннинг ато қилгон руҳидир. «Қулир-руҳу мин амри робби» фармони бирлан ани ҳақиқатидин лисони шаръ лол ва сокит ва моҳиятидин ҳукамои даҳр ожиз ва сомит (жим) бўлгон ҳақиқий руҳ, яъни жондурки, фақат лутфи илоҳийдур. «Ва нафахту фиҳи мин руҳи», шаъни бирлан шарафёдурки, бу руҳни ҳукамои файласуфлар нафси нотиқа деб таъбир қилурлар. Ва баъзи ҳукамо дерларки, инсонда бир жавҳари латифаи мудрика бордурки, мудрикаи нафсонийя ани қилгон идроки сувар ва маъонийи жузъияларини қўшуб, мажмуъини куллиятан идрок қилур. Бас, жавҳарни баданға ва баданни тадбириға мутааллиқлик эътибори ила номи нафси нотиқадур. Ва олами қудсийға таважухини эътибори ила номи руҳдур. Яъни биз-зот руҳдур, яъни бил-эътибор нафси нотиқадур, дерлар.

Ва баъзи ҳукамо нафси нотиқани ақл деб билурлар. Аммо ҳақиқатан ақл нафси нотиқа эмас, балки ани олати идрокийясидур. Ва бул руҳни нафс демоқға сабаб шулки, асли инсонни вужуди шул руҳдин иборатдур. Ва жасади инсон эмас. Масалан, бир одамни қўлини кесиб ташланса ҳам мобақияси (қолгани) инсондур. Ва агар икки қўлини кесилса ҳам мобақияси инсондур. Ва агар оёқларини кесилса ҳам мобақияси инсондур. Ҳоказо то ўлғунча кесилса ҳам мобақияси инсондур. Бас, маълум бўлдики, асл инсон жасад эмас, балки руҳдур. Ва ҳар ким «ман» деса ёки «ўзим» деса, албатта андин муроди жасади эмас, балки «ман» деб шул нафси нотиқасини ишорат қилғон бўлур. Ва нафсни маънийси ҳар нимарсани ўзлиги ва зоти демақдур. Ва бу руҳни ғизоси овози хуш ва алҳон (мусиқа) ва тағанний (ашула)дур. Ва бу руҳни атиббо китобларида баён қилмоғондурлар. Балки, иккинчи навъ руҳни зикри ила қаноат қилғондурлар.

Ва иккинчи навъини руҳи унсурий дерларки, аносири арбаъа (тўрт унсур)дин бир неча маротаба ўзгарилув ила ҳосил бўлур. Чунончи, ахлоти латифаи солиҳаларни ажзоси бухорийяларини номи руҳдур ва ани тариқайи ҳудуси (пайдо бўлиши) шулки, қон авридадин бориб, дилға кириб, дилда яна ҳазми латиф бўлуб ишланмоғи «Даврон уд-дам»да баён бўлғон эрди. Шул даврон (айланиш)да қачонки, қон дилни чап тараф батни (қоринчаси)га кирса, андин назж топиб, пишуб, хўб латофат ҳосил қилур. Ва андин баъзи ажзолари гўёки сувни буғидек бухорийя ҳолиға айланиб, ажраб чиқарки, шул ажзойи бухорийя руҳдур.

Аммо ҳақим Жолинус ва баъзи анинг амсоли хато қилиб, ҳаводин ҳосил бўлмоғони ва нафас олғонда ҳавони латифроғи руҳ бўлиб, ғализроғи қайтиб чиқмоғини даъво қилиб, бу даъвосиға далил учун одам нафас ололмай, димиқиб қолғонда ҳалок бўлмоғини ва ушбу далил ила руҳни моддаси ҳаво бўлиб, ҳаво муяссар бўлмоғонда фано бўлғон руҳ учун бадал ва қойим мақом бўлмоғон сабабдин фалокат лозим бўлғонини кўрсатур. Ва бул даъвони хатолигиға бизни далилимиз шулки, агар руҳни моддаси ҳаво бўлса эди, фақат нафасни ўзи доим ул-авқот (ҳамма вақт) кифоя қилиб, ҳаргиз бошқа нимарсага ҳожати бўлмас эди. Ҳолбуки, ғизои латифни тановулидин руҳни қувватланмоғи ва очликдин заифланмоғи ошкорадур. Шунинг учун руҳни ахлотдин содир бўлмоғи собитдур.

Аммо бўғилганда ва сувга ғарқ бўлганда нафас ололмаган сабаблик димиқиб, ҳалок бўлмоқни сабаби ҳаво руҳни моддаси бўлғонидин эмас, балки муслиҳи бўлғон сабабиндурки, руҳ муслиҳсиз қолиб ҳалок бўлур. Зероки руҳ ғоятда иссиқдур. Аммо ҳаво руҳга назаран совуқдур. Бас, нафасга ҳаво кириб, руҳни андак-андак совутиб елпитгандек ислоҳ тарбия қилиб турар. Агар нафас олмоқ тўхтаса руҳ иссиглаб, куюб, фано бўла бошлар ва ғализ бўла бошлар. Ва қувватга ҳомил бўлмоқдин ожиз бўлиб, аъзога қуввати ҳайвоний юбормоқдин тўхтар ва ҳалок шундин иборатдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, руҳ қувватни ҳомили (ташувчиси)дур. Яъни, атрофи баданга қувватни руҳ еткизар. Аммо атибболар наздида руҳни ҳаракатиға қувват сабаб бўлур. Чунки қувват руҳни кайфиятидур. Ва кайфият араз бўлур, яъни руҳни гўё ранги ва ё ҳайъатидек руҳни зотида ҳосил бўлғон нимарсадурки, ҳаргиз руҳдин ажрамоғи мумкин эмас. Бинобарин, баданни ҳамма атрофиға қувват борғонда албатта, руҳ бирлан бормоғи лозим. Ва илло қувватни бормоғи мумкин эрмас, дерлар. Бул тақдирда қувватни еткизмоқға руҳ фоъилдур. Аммо руҳни бормоғи учун қувват боис ва сабаби ғойидур.

Ва назди ҳукамода қувват руҳни ҳиддатидин ҳосил бўлғон бир матонати латифаи рақиқадурки, руҳни ҳиддати ва садмаси бирлан баданга тарқашур. Лекин қувват ўзини латофати ва риққати сабабиндин гўё хазонни оқизғон сувдек руҳни оқизиб юрар, дерлар.

Бас, бул тақдирда руҳ ила қувват ҳар иккиси бир-бириға сабабдур. Яъни, руҳ ва қувватни фоъили ва қувват руҳни ҳомили бўлур. Ва бул маънийнинг равшан тушунтирмоқ учун бир мисол кўрсатмоқ лозимдурки, масалан, ҳозирги замонимизда машина ароба минган кишини кўрармизки, оёғи ила садма бериб, тепиб, аробани юргизар ва ароба одамни юргизар. Лекин одам аробани фоъилидур ва ароба одамни ҳомилидур. Ва қувват ила руҳни нисбати ҳам шул қабиладур. Ва шул қавли ҳукамо ақраб ба савобдур.

Ва бу руҳ яна уч қисмға ажралур. Чунки ҳазми каймузда жавҳари ғизо ба эътибори назжи сафро ва қон ва балғамда ажрагандек руҳ ҳам дилда назж топғонда ғоятда латиф ёки мўътадил ёки латофати камроқ эътибори ила уч қисм бўлур. Ва ғоятда латиф қисмини руҳи нафсоний дерларки, мияға борур. Ва мия учун ҳаммадан латифроғи муносиблигини сабаби шулки, мияни мизожи совуқдур. Ва анда иссиқ ва латиф руҳ бўлмаса бошқа руҳ мияни мизожидин мутаассир бўлиб, ғализ ва фосид бўлур эди.

Ва яна ғоят даражада нозик ва дақиқ маъонийи касираларни идрокига ва аларни чораси учун узла ва аъзони таҳрикига бу қадар суръат ва шитоблик ила сайр қилиб турмоғи учун ниҳоятда даражада латиф бўлмоғи муносибдур. Ва мўътадили жигарга борурки, ани руҳи табиий дерлар. Ва жигарга бормоқ учун руҳни муносиб бўлғонига ҳикмат шулки, агар ғализроқ руҳ борса эди, жигардаги жавҳари каймусни ҳазм қилмоқ ва андин бир неча хил қуввати табиийлар ҳосил қилиб, тегишлик аъзода турли хизматлар қилдириб турмоқ учун ани ҳарорат ва латофати кифоя қилмас эди. Ва инчунин, зиёда латифроғи борса эди, жигарни ҳарорати ила ахлотни ҳароратидин мутаассир бўлиб, қизиб кетар эди. Ва анга ҳаво бирлан елпутиб тарбия қилғувчи ўпкадек бир узв бўлмагон сабабдин фано ва ҳалок бўлур эди. Аммо ҳаммадин хомроқ ва ғализроғи дилда қолурки, ани «руҳи ҳайвоний» дерлар. Ва руҳни хомроғ ва ғализроғининг дилга муносабати шулки, хом руҳ баманзалаи балғам, яна пишуб қон бўлғондек, дилни ҳаракати ва ҳарорати ила хом руҳ пишуб яна латофат ҳосил қилур. Ҳатто дилни ҳароратиға ва ҳаракатиға тоқати келмас. Ва доим ўпкадин ҳавои танаффус ила баҳра олиб турмоқға муҳтождур. Ва агар дилга руҳни латифроғи қолса эса, дилни ҳароратиға ҳаргиз тоқат қилолмас эди. Ва анга нафасни ёрдами кифоя қилмас эди. Фа-таборакаллоҳу аҳсан ул-холиқийн.

Бас, бу уч қисм руҳ уч аъзон раисадин ҳамма баданға таралуб, қувват еткузуб турарлар. Ва ҳар бирларини баданға таралмоқ учун махсус йўллари бор ва махсус ишлари бордур. Масалан, миядаги руҳи нафсоний пайлар воситаси ила баданға таралуб, ҳис ва ҳаракат учун қувват беруб турар. Ва дилдаги руҳ жараёнлар воситаси ила баданға таралуб, тамом баданға қуввати ҳайвоний бериб турар. Ва жигардаги руҳи табиий аврида томурлари воситаси бирлан ҳамма аъзоға таралуб, физо еткузмоқ учун қуввати табиий бериб турар.

АДВОРИ АРБАЪА (ТЎРТ ДАВР)

Билмоқ керакки, ҳар ҳайвон умри табиийси ичида тўрт хил давр кечирарки, ани «адвори арбаъа» дерлар. Ва бу давр агарчи умури табиийдин бўлса ҳам, лекин умури табиийи сабъани ичида зикр қилинмагандур. Чунки бу даврлар мизождин ҳосил бўладурган самарасидур. Ва мизож умури сабъа (етти иш) ҳисобида мазкурдур. Ва давр ҳам таъбан мазкурдур. Лекин бу мавридда тафсилан баён қилинурки, биринчи – даври намув, иккинчи – даври таваққуф, учинчи – даври инҳитоти абдон, тўртинчи – даври инҳитоти қуводур.

Чунончи, инсонни умри табиийсининг ибтидоий қисми **ДАВРИ НАМУВДУР**, яъни ўсадирган вақтидур. Ва бу даврда бадан ва ақл ўсиб камолот ҳосил қилур, чунки бул даврда ҳам ҳарорат, ҳам рутубат голиб бўлур. Ва зиёда ҳароратнинг таъсири бирлан зиёда рутубат пишуб, баданга жузви баданни зиёда ҳосил қилур. Ва мурури замон (замон ўтиши) бирла ориз бўлгон фаноликдин неча ҳисса зиёда жузви бадан ҳосил бўлиб, ўсиб турар. Ва бу давр таваллуд вақтидин бошлаб то ўттизгача мумкиндур. Аксари йигирма саккизда тамом бўлур. Ва шул фурсатда инсонни намувси ба эътибори тафовут яна тўрт давр кечирурки, ҳар бир давр етти йилдин бўлур. Ва ҳар бирини номини собуъ (еттилик) дерлар.

Бас, собуъ аввалда боланинг жисми асли истирхон рутубийликдин салобат ҳосил қилур. Ва воҳия, яъни сут тишлари дохияликга, яъни маҳкамликга айланур. Ва бу намувнинг ғоятда тез ва тараққийлик вақтидурки, янги таваллуд топгон бола етти яшар бўлгонда ўзини асли қаддиға тўрт баробар ўсган бўлур. Ва инчунин, эниға ҳам тўрт баробар йўгон бўлур. Бас, тўртни тўртга зарб қилинса ўн олти бўлур, яъни бола етти ёшга борғунча асли таваллуд вақтидағи жисмиға ўн олти баробар ўсган бўлур. Ва Ҳазрати Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васалламнинг «аллимус-сибянас-салота ва ҳум абнау собуъ»¹ деган фармони олийлари ушбу давр соҳиби бўлгон болалар ҳақидадур.

Аммо собуъ ус-соний (иккинчи еттилик) етти ёшдин ўн тўрт ёшгачадурки, бул собуъда инсонийятга кифоя қиларлик даражада аъзоға қувват ва салобат ҳосил бўлур. Шунинг учун собуъ ичида эркак ва заифани

¹ Бола етти ёшга етгач, намозни ўргатинглар.

балоғатлари муқаррар бўлиб, таклифи шаръийя ила мукаллаф бўлгандурлар. Ва бу собуънинг даражаи намувси, агарчи сўнгги собуъларга назаран тараққийда бўлса ҳам, лекин собуъ аввалга назаран оздур. Чунончи, етти яшар бола ўн тўрт яшар бўлгонда ўз қаддига ярим баробар қўшилур ва этига ҳам ярим баробар қўшилур. Бас, ани ҳисоби кусур ила зарб қилинса, ўз жисмига бир баробар ва чорак қўшилгон бўлурки, собуъи аввални ҳаттоки ўн учдин бир ҳисса намувсига баробар келур.

Ва инчунин, қуввати фаросат ва зеҳни намувсида ҳам даражаи тафовут шул қадардур. Шунинг учундурки, ҳеч бир тақаллумдан беҳабар бола уч-тўрт ёшга боргунча ота ва онасини забониға нотиқу ва ҳама луғотиға мукаммал жомеъ бўлур. Аммо собуъи сонийдаги бола бир бегона забонни билмоқ учун ҳаракат қилур бўлса, етти йил ичида билур, лекин мукаммал билолмас.

Аммо собуъи солис (учинчи еттилик)нинг намувси собуъи робийа (тўртинчи еттилик)ға назаран тез ва тараққийлик бўлса ҳам, лекин собуъи аввал ва сонийға назаран суст бўлур. Чунончи, ўн тўрт яшар бола йигирма бир яшар бўлгунча ўз қаддиға ва энига чорак ҳисса қўшилур ва ҳисоби кусур ила зарб қилинса, ўз жисмига ярим баробардин зиёдароқ қўшилгон бўлур. Ва шул собуъда аксар қувватида камолот зоҳир бўлур. Шунинг учун соқол ва мўйлаб шул собуъда чиқар ва болани ўзи ҳам ўзида катталики ва тавқир (виқор) ҳис этар. Ва аммо тўртинчи собуъни аввалида намув фил-жумла бўлур ва батадриж суслик ила камайиб, собуъни охирида мутлақ таваққуф қилур.

Ва билмоқ керакки, даври намувдаги тўрт собуъ фақат Шайх урраис ва Имом Розий ва Муҳаммад Оқсаройнинг наздларидадур. Аммо бошқа жумҳури атиббони наздларида даври намувға беш мартаба бордурки, биринчи – мартабаи тифулийя, иккинчи – мартабаи сабоват, учинчи – мартабаи тараъруъ, тўртинчи – мартабаи риҳоқ ва бешинчи – мартабаи фатодур.

Аммо мартабаи тифулийя деб, вақти тавалуддин то ўтирмоқ ва турмоқға қодир бўлгунча миёнадаги умрни айтурлур. Ва мартабаи сабоват турмоқ ва юрмоқға қодир бўлгондин то ҳануз аъзони истеҳкоми ва қуввати башиддат бўлмаган вақтини айтурларки, бул мартабада баъзи тишлар тушар ва баъзилари яна чиқар. Ва мартабаи тараъруъ деб, аъзо ўзини идорасиға ўзи комил қувват ҳосил қиладирган вақтини айтилур. Ва бул вақт асносида тишлар тушуб янгидан чиқиб,

Ўттиз икки тиш комил бўлур. Лекин эҳтилом воқеъ бўлмоғон бўлур. Ва мартабаи риҳоқ деб эҳтилом бўлган мартабани айтурларки, ҳадди булуғдур. Ва соқолу мўйлаб сабза қилур ва таровати жамол ва камол шу мартабада бўлур. Ва мартабаи фато деб, намувнинг гоят даражада сусланиб бориб, тўхтаган мартабасини айтурлар. Ва бу мартабаларнинг муддати аввалғи собуъ ҳисобидек бир-бирига баробар эмас, балки кам ва зиёддур.

Шунинг учун мавлоно Шайх ур-раис ва Имоми Розий ва Муҳаммад Оқсаройлар тўрт собуъни эътибор қилғондурларки, бу ҳисоб ҳам ҳар бири етти ёшдин баробардур, ҳам жиҳати шаръдин эътибор этилиб, ҳадиси шариф ворид бўлғондур.

АММО ДАВРИ ТАВАҚҚУФ (АММО ТЎХТАШ ДАВРИ)

Аммо даври таваққуфки, ани даври шабоб (ёшлик) ҳам дерлар, анда намув бўлмас. Ва инчунин, нуқсон ҳам бўлмас, чунки бу даврда даври намувни ҳароратиға назаран ҳарорати озроқ бўлур. Лекин эътидолға назаран ҳарорат голиброқ бўлур. Аммо рутубати ҳароратға назаран зиёда камайған бўлур, ҳатто эътидолға келган бўлур. Шунинг учун баданни фано бўлиб турган миқдорича жузви бадан ҳосил бўлиб, баробарлаб турар. Аммо зиёда жузви бадан ҳосил бўлмоқ учун рутубат кифоя қилмас. Банобарин, баданда намув ҳам, нуқсон ҳам бўлмас. Балки даври намувда ҳосил бўлғон камолни безавол сақламоқ давридур. Аммо Муҳаммад ибни Маҳмуд Чағминий даври таваққуфда ҳарорат ва йубусат голиб бўлур, дебдурлар. Эҳтимолки, даври намувнинг ғалабаи рутубати касираси завол топғонини ғалабаи йубусат, деб эътибор қилғон бўлсалар керак. Ва илло рутубат ва йубусат мўътадил бўлур. Лекин ҳарорат голиб бўлур. Аммо даври намувнинг ҳароратидин оз бўлур. Ва ҳароратни кам ва зиёд бўлмоғининг кимда озу кимда қўб бўлмоғи ва қаю эътибор ила кам зиёд бўлмоғи хусусида ўн икки хил ихтилоф воқеъ бўлиб, ҳаммаларини маншаъи хилофлари уч нуқтаға муноҳасир бўлур. Ва асаҳҳ қавл нуқтаи увлодур ва ҳар бирини алоҳида баён қилурмиз.

НУҚТАИ УВЛО (биринчи нуқта) шулки, инсонға ибтидоий ҳаётда Вожиб таъоло бир руҳ ато қилғондурки, ул ҳаргиз каму зиёдликни қабул қилмас. Бас, ҳарорати ғаризийя шул руҳи Илоҳийнинг феъли ва асари бўлғон сабабдин бул ҳам каму зиёдликни қабул қилмас. Магар ёшликда жисм кичик ва ҳаракат кўб бўлғонда бу миқдори ҳарорат ани жисмига ғолиб бўлур ва илло муддати ҳаётни ҳаммасида ҳарорати ғаризий баробар ва бир миқдори аслида бўлур. Лекин Жолинусни қавлига назаран ҳарорат ва рутубатида азрўйи ҳиддат ва мулойимат каму зиёдлик ҳам бўлур. Чунончи, даври таваққуф соҳибида ҳам бир миқдор ҳарорат бордур. Лекин ани жасади катта бўлғон сабабдин ҳарорати мулойимроқ бўлур. Ва даври намув соҳибида ҳам шул қадар бўлур. Лекин ани жисми кичик бўлғон сабабдин ҳарорати ғолиб ва шиддатлик бўлур ва илло ҳамма инсоннинг ҳароратида мусовот (тенглик) борлиги муҳаққақ (ҳақиқат)дур.

АММО НУҚТАЙИ СОНИЙЯ (иккинчи нуқта) шулки, даври намувда ҳароратни ҳақиқий миқдори даври таваққуф ҳароратидин зиёда бўлур, деб даъво қилингандур. Ва бу даъвога далил учун даври намувда намувга сабаб рутубати ғаризийялигини ва бу рутубат моддаи ҳароратлигини ва ҳали бу рутубат ҳарорат ила пишуб жузви бадан бўлмоғини ва катта одамда намув йўқлигини ва ҳам ёш боланинг иштаҳаси ва ҳазми катталарга назаран зиёдалигини, бу эса албатта, боланинг ҳарорати ғолиблигига далили возиҳ (очиқ далил)лигини кўрсатилгандур.

Лекин бу қавл заифдур ва далиллари мусбати (исботи) муддао эмас. Чунки катта одамда намув йўқлиги йубусатни ғалабасидиндур. Аммо ҳароратни камлигидин эмас.

Албатта, маълумдурки, ғизони жузви бадан бўлмоғи учун ҳарорат вужуди шарт бўлғонидек ҳароратни пишуруб, жузви бадан қилмоғи учун рутубатни вужуди ҳам шартдурки, агарчи ҳарорат зиёда бўлса ҳам, лекин жузви бадан бўлмоқ учун рутубат камо янбағи мавжуд бўлмаса, албатта, намув бўлмас.

Ва дигар инки, бу мавриддаги ҳароратдин мурод ҳарорати ғаризийядурки, рутубатни жузви бадан қилур. Аммо рутубат ҳосил қилғувчи ҳарорати табиийядурки, фақат ғизони ҳазм қилиб, жузви баданга қобилиятлик рутубат ҳосил қилур. Аммо жузви бадан ҳосил қилмас.

Бас, катта одамда намув йўқлиги ҳарорати ғаризийяни камлигидан бўлмай, балки рутубатни озлиги ва жасадни катталигидиндур. Ва ёш болани намуви рутубатни кўблигидин ва жасадни кичилигидиндур. Ва инчунин, ёш боланинг иштаҳаси ва ҳазми биринчи ўзини фил-жумла асли мабдаъиға яқинлигидиндурки, асли мабдаъи, яъни маний иссиқ ва ҳўлдур. Ва болада ҳам иссиқ ва ҳўллик лозимдур. Иккинчи, боланинг жасади кичик бўлгон сабаблик ани ҳарорати ғаризийяси ўз жасадиға албатта ғолиб бўлур. Ва иштаҳа ва ҳазмға сабаб бўлур. Учунчи, болаликда ҳаракат беҳожат ва шўхлик зиёда бўлурки, сабаби иштаҳа ва ҳазм бўлур. Тўртинчи, боланинг табиати тамоман емак ва ичмакға мутаважжиҳ бўлурки, бундин бошқа фикр аларға ҳануз муставлий (ҳоким) бўлмагондур. Бас, табиатни таважжуҳи ҳам сабаби иштаҳа ва ҳазм бўлур. Бешинчи, бу сабаблар ила истеъмол қилинган ғизоси аксари сут ва ёки бошқа ғизои латиф бўлиб, сариё ул-ҳазм ва қалил ул-фазла бўлур. Олтинчи, боланинг жасадиға назаран ҳарорати ғолиб бўлгон сабаблик ушбу ғизолардин фазла чиқармай, ҳаммасини жузви бадан бўлмоқға қобили рутубат ҳосил қилур. Еттинчи, ҳарорати ғаризийяси ғолибликдин шул рутубатни ҳаммасини жазб қилуб, жузви бадан қилур. Саккизинчи, болани жасади кичик бўлгон сабабдин ани харжи, яъни фаноси ҳам ўзиға нисбатан ғоятда оз бўлур. Ва ҳосил қилгон жузви бадани фаносини тўлдуруб, яна кўб миқдор ортуб турарки, ушбу ортиб турган жузви бадани айтилур.

Ва катта одамни ҳоли ҳам ушбу саккиз ваҳҳни ҳаммасида болани ҳолиға хилофдур. Бинобарин, анда намув бўлмас ва фил-жумла ғизодин ҳосил қилгон жузви бадани ўз фаносиға бадал бўлмоқдин ортмас.

АММО НУҚТАИ СОЛИСА (учинчи нуқта) шулки, ёш болаға назаран катта одамда ҳарорат кўб бўлур, деб даъво қилиб, буни исботиға далил учун катта одамни ҳаракати болани ҳаракатиға назаран қувватлик бўлиб, бу қувватни сабаби ҳарорат эканини ва аксар вақт руёф (бурун қонаш) касали катта одамға воқеъ бўлиб, болаға воқеъ бўлмаслигини ва руёф эса қонни кўблигидин бўлиб, анга ҳароратни кўблигини сабаблигини кўрсатилгандур. Лекин бу қавл ҳақирни фикри қосиримча, ҳақиқатға хилоф бўлса керак, чунки бу қавлни қоилиға бир саволи муқаддар етарки, бу ҳаракати қавийға ва намувға боис бўлғувчи ҳароратдин мурод ҳарорати самовийму ёки ҳарорати унсу-

рийми? Шул икки эҳтимолдин бирига иқрор лозимдур. Бас, агар қоил (гапирувчи)нинг муроди ҳам мазҳаби муҳаққиқинга мувофиқ ҳарорати самовий бўлса, яъни Аллоҳу таъоло тарафидин ато қилинган нафси нотиқани ҳарорати мурод бўлса, ани катта одамда кўб бўлур, демакдин яна иккинчи саволи муқаддар етарки, бу ҳароратни кўпаймоғи намув тариқаси бўлурму? Ёки ёшликда Аллоҳу таъоло тарафидан ато қилинган жонни устига катта бўлгон вақтда яна бошқа жон ҳам ато қилинуб кўлаорми? Бул икки эҳтимолдин бирига эътироф лозим келур.

Бас, агар ҳароратни кўпаймоғи батариқаи намув бўлса, албатта намув деган ғизо ила ҳосил бўлур. Ҳолбуки, нафси нотиқа ғизодин мустағнийдур. Чунки руҳи самовийнинг ғизои унсурийга муносабати йўқлигида умум ҳукамо муттафиқдурлар. Ва агар намув бўлмай, бошқа нафси нотиқа келиб қўшилиб, ҳарорат кўпаймоғи мурод бўлса, Аллоҳу таъоло тарафидин бир одамга бир неча жон ато қилинмоқни ботиллиғи ҳар кимга ҳувайдодурки, далилға ҳожат йўқдур.

Ва агар қоилнинг муроди ҳароратдин ҳарорати унсурий мурод бўлса, яъни катта одамни баданига бир жузви норий келиб қўшилиб, ҳароратни зиёд қилмоғи мурод бўлса, бул ҳам маҳолдур, чунки инсонни вужуди мавжуд бўлгондин сўнгра яна бир унсури воҳидни анга келиб қўшилмоғи мумкин эмас.

Бас, маълум бўлдики, ҳарорати ғаризий ва ҳарорати табиийяни кам ёки зиёд бўлмоғи қатъийан ботилдур. Аммо ҳарорати оризийялар, чунончи ҳарорати ғарибий ва уфунийялар каму зиёд бўлур. Лекин алар иллатдурки, холис сифатға дахли йўқдур.

Магар ғизои солиҳдин ҳазми комил бирлан солиҳ қон кўб ҳосил бўлиб, ани ҳарорати зиёда бўлмоғи мумкин бўлса ҳам, лекин бу ҳарорати оризийдур. Ва ҳарорати ғаризий ва табиийяи халқийяга муғойирдур. Ва яна бир ҳодисдин асар бўлгон ҳарорати оризий маълумдурки, ҳарорати мизожийдур, на аслий ва ҳам бу ҳарорат катта одамнинг баданига ғалабаси ёш боланинг ҳарорати кичик баданига бўлгон ғалабасиға нисбатан албатта камдур. Ҳарорати ғаризий намувсиға боис бўлолмас. Ва фаразан баъзи одамға шул миқдор қон ва шул миқдор ҳарорати оризий агар ҳодис бўлса, бу ҳолат марази сунохусдурки, андин фасд (қон олиш) вожибдур. Ва буни сиҳқатға ва табиатға мутлақо дахли йўқдур.

Аммо катта одамни ҳаракати болани ҳаракатиға нисбатан бақувват бўлмоғи йубусатни ғалабасидурки, йубусат албатта истехкоми азъони мусталзамидур. Ва ёш болада рутубат ғолибдурки, истирхо ва сусликға сабабдур. Аммо катта одамда руьоф воқеъ бўлуб, ёш болада бўлмаслигиға сабаб, катта одамда қон кўблиғи ва болада қон озлиги эмас. Чунки боланиниг қони оз бўлса ҳам жисми кичикдурки, ўз қони ўз жисмиға қиёсан катта одамни қонидин кам эмас, балки ғолибдур. Чунки болада намув бордур ва намувнинг моддаси қон экани маълумдур. Бас, собит бўлдики, руьофни сабаби қонни кўблигидан эмас, балки қоннинг кайфиятидур.

Чунончи, қонға ҳарорати ғариба ориз бўлиб қайнатур. Шунинг учун ўз ўрниға сигмай, тошиб чиқмоқға муҳтож бўлур. Масалан, сув қайнаса ўз зарфи (идиши)ға сигмай тошиб тўкилғони кабидур. Ва қоннинг тошиб чиқмоғи учун соири баданға назаран бурун осонроқдурки, ани ичидаги томури ва териси нафис ва нозикроқдур. Бас, бу ҳол қонни кўблигидин эмас, қайнагидан ҳодис бўлур. Ёинки қонда бир ҳиддат пайдо бўлурки, шул ҳиддати ила отилиб чиқар. Чунончи, набиз ёки қимиз етилиб, ҳиддат пайдо қилса, шишадин отилиб чиқғони кабидур. Ёки баданға йубусат ориз бўлса, бурун нозиклик сабабдин тезроқ мутаассир бўлуб ёрилур ва қон жорий бўлур ва бу ҳоллар ҳаммаси катта одамға воқеъ бўлмоғи мумкиндур. Аммо ёш болани рутубати ғолиб бўлғон сабаблик бу ҳолларни вуқуьига монёъ бўлур. Шунинг учун руьоф бўлмас ва илло ёш болаларда ва катталарда ҳарорати ғаризий баробар ва бир миқдорда бўлур.

Ва ҳақим Дисқуридус демишки, боладан каттани ҳарорати ғолиб бўлмаса, ул тақдирда ёш болани тадбири баданиға кифоя қилғон ҳарорат катта одамни тарбия ва тадбири баданиға кифоя қилмас эди ёки катта одамни тадбири бадан ва тарбиясиға кофий миқдордаги ҳарорат сағир болани жисмиға сиғмас эди, деб шубҳа қилмиш. Бу шубҳани жавоби шулки, ҳарорати ғаризийяни миқдори албатта, катта одамни тадбири баданиға кифоя қилурлик миқдордадур. Лекин бу миқдор сағир бола учун зиёдалик қилмас, чунки болани ҳарорати намувиға таважжуҳ қилур. Ва каттани ҳарорати муҳофазати баданға таважжуҳ қилур. Бас, бул тақдирда кичик жасадни намувси катталиқға қойим мақом бўлур. Шунинг учун ҳарорат зиёдалик қилмас. Ва инчунин, болани рутубати ғолиблигидин ҳароратни ҳиддитиға монёъ бўлур.

Чунончи, бир оловға ҳам бир темур қўйилса ва ҳам зарф (идиш)да сув қўйилса темур қизиб, чўғ бўлиб, ҳарорати беш юз даражадин зиёда бўлур. Аммо сувни ўзи рутубат бўлгон сабабдин даражаси саксонга етмас. Ҳолбуки, ҳар иккиси бир оловда қизигандур.

Бас, бола ила каттани ҳарорати ғаризийяси ҳам шунга қиёсдур. Аммо кутуби адвийя (дори ҳақидаги китоблар)да фалон дору ҳарорати ғаризийяни зиёда қилур, деган баёндин мурод, яъни ҳарорати ғаризийяни асарини зоҳир қилур, демақдур. Чунончи, меъдага рутубати ғарибалар жамъ бўлиб, меъда ила ғизони миёнасиға ҳойил бўлгон сабабдин меъдани ҳароратини таъсириға монёъ бўлуб, ҳазмға нуқсон ориз бўлур. Ва мазкур дору ушбу рутубатни танқий қилур. Сўнгра меъданинг ҳароратини асари зоҳир бўлур. Ва илло зоти ҳароратни зиёда қилмас.

Ва инчунин, кутуби ташхисда, рутубат ҳароратни камайтирар, демақдин мақсуд ҳам рутубат ҳароратни асарига монёъ бўлур, демақдур. Хулоса, ҳамма даврда ҳам ҳарорати ғаризийя бир миқдори муқаррарда бўлмоғи муҳаққақдур ва даври таваққуфни муддати ўртача қирқ ёшгача борур. Лекин иқлимни ва мизожни тафовутиға назаран бу муддатдин кам ва зиёд бўлмоғи мумкиндур. Чунончи, баъзи одам ўттиз беш ёш ила даври инҳитотга ўтар. Баъзилар қирқ олти ёшгача даври таваққуфда турмоқлари мумкин бўлгондур.

АММО ДАВРИ ИНҲИТОТИ АБДОН (баданларнинг нуқсонга юз тутмоқ даври) шулки, ҳануз қуввати ҳаракат ва ғайрат боқий туруб, фақат баданга нуқсон ориз бўлур. Чунончи, мўй оқармоқ ва баданни гўшти камаюб, юз ва жабҳа (пешона)ни териси йиғилмоқ ва кўзни нури озаймоқ ва мунга ўхшаш асарлар зоҳир бўлурки, бу ҳолатни номини куҳулат (қарилик) ҳам дерлар.

Ва бу даврда мизожға совуқлик ва қуруқлик андак ғалаба қилгон бўлур. Чунки бу вақтда рутубати ғарибаи нотабийя ҳосил бўлуб, қон ила аралашуб, баданга таралур ва меъдада ҳам жамъ бўлур. Бас, меъда ила ғизони миёнасиға рутубат восита бўлгон сабабдин ғизоға меъдани ҳарорати кўб таъсир қилолмас. Шунинг учун ҳазмда нуқсон бўлиб, баданни ҳожатиға лойиқ қон ҳосил бўлолмас. Ва қон оз бўлгон сабабли, агарчи ҳарорати ғаризийя боқий бўлса ҳам, лекин ҳарорати табийя озаюр. Чунки ҳарорати табийяни моддаси қондур. Ва инчунин, баданга таралған ҳарорати нотабийя ҳарорати ғаризийяни таъсириға монёъ бўлур. Шунинг учун баданда совуқ ғолиброқ бўлур. Ва

яна қон зотан камроқ ҳосил бўлгон сабабдин ва ҳам ани баданга жуз-ви бадан бўлмоғига рутубати ғариба фил-жумла монезь бўлгон сабабидин ва ҳарорати ғаризийни жазби ва асари камайган сабабидин баданга жузви бадан ҳам камроқ бўлиб, баданни баромадини тўлата олмас. Шунинг учун баданда қуруқлик ҳам андак ғалаба қилгон бўлур. Ва бу даврни охири муддати тақрибан то 60 ёшгача бўлур. Лекин бул вақтда ҳануз қуввати ҳаракат ва ғайратга путур етмаган бўлур. Чунки даври намув ва даври таваққуфдаги ахлооти арбаъа (тўрт хилт)дин ҳосил бўлгон захира қувватлари то бу даври инҳитотни охиригача кифоя қилур.

АММО ДАВРИ ИНҲИТОТИ ҚУВО (қувватларни нуқсонга юз тутиш даври) шулки, баданга ориз бўлиб турган нуқсон қувватларга ҳам таъсир эта бошлар. Ва батадриж ҳам баданда ва ҳам қувватда кунба-кун заифлик орта бошлар. Ва бу ҳолатни пирлик ва шайхухат (қарилик) дерлар. Ва бу даврда мизожга совуқлик ва қуруқлик кўб голиб бўлур. Ва бадан ориғлар ва терилар дурушт (қўпол) ва қуруқ бўлур ва устихон маҳкам ва қаттиқ бўлурки, андак зарбга синмас. Ва агар қаттиқ зарби ила синса, сўнгра ани қайта пайванд бўлмоғи кўб харж ва кўб замонга бориб, камқувват ва омонатлик ила пайванд бўлур. Чунки бу даврда устихонлар ғизодин кўб баҳра ололмас ва намув ҳосил қилолмас. Ва хўшкият (қуруқлик)ни ғалабасидин гўё қуримоқга яқинлашган дарахтдек, кам рутубат бўлгон бўлур. Шунинг учун ани синган жойи яна қайнаб, битиб кетмоғи учун рутубати тездан кифоя қилолмас. Ва бу даврда қуруқ ва совуқни ғалабасига ҳам рутубати ғариба сабабдурки, тариқаи сабаби «Даври инҳитоти абдон»да баён қилинди.

Бас, рутубати ғариба нақадар зиёда бўлса, шу қадар ҳарорат заифланиб, ғизодин рутубати аслия ҳосил қилолмоғон сабаблик хўшкият ҳам зиёда бўлур. Ва инчунин, ҳарорати табиий нақадар камайса, ғизо яхши ҳазм бўлолмаган сабаблик шул қадар рутубати ғариба ва йубусат зиёда бўлур. Лекин рутубати ғариба рутубати аслийядек аъзони жавҳариға сингиб, тарбия қилолмас. Балки ҳар чанд баданни мағзиға сингса ҳам, ўзини ножинслигидин яна жавҳардин бегона бўлиб турар. Ва ҳаргиз имтизож этолмас. Чунончи, рутубати аслийя кўкариб турган дарахтни рутубатидек аъзонинг жавҳариға мураккаб бўлуб, ўстуруб тарбия қилиб турар. Ва рутубати ғарибани мисо-

ли гўё сувда ётгон эски ёғочни намидек ҳар чанд ёғочни мағзиға сингса ҳам, зотан имтизож тополмас. Ва тарбия ўрнида, балки чуру-тиб фано қилур.

Ва рутубати ғариба ҳам аъзоға таралса ўзи тургон ўрниға бошқа рутубати аслия кирмоғиға монёъ бўлур ва ўзи гизоликка ноқобиллик қилур. Шу тариқа ила кунба-кун йубусат ва фанолик ортиб, оқибат фано ва ҳалок қилур. Ва бу даврни муддати 60 ёшдин то умрни охирига-чадур.

Ва билмоқ керакки, ҳукамони истилоҳларида ўлим икки навъдур, табиий ва ихтиромий (бевақт ўлим) исми ила мусаммо (номланган)дур.

Аммо табиий ўлим, деб табиий умрни тамом бўлмоғини айтилулки, хорижий сабаблардин ҳеч бири ўлимға сабаб бўлмай, фақат рутубати аслия куруб тамом бўлмоғидин воқеъ бўлгон ўлимдур. Ва буни миқдори муддатида ихтилоф кўбдур. Чунки ўлимни вуқуъи азрўйи ҳикмат инҳитот ва нуқсон ила ва азрўйи шаръ «Кулли нафсин зоиқатул-мавти» (ҳар бир жон ўлим шарбатини тотади) ва бошқа бароҳини қатъийя (қатъий ҳужжатлар)лар ила собит ва муҳаққақдур. Аммо вақтиға ҳеч бир далил йўқдур. Бинобрин маъразли ихтилофдур.

Ва уламои шаръдин ҳазрати Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздларида умри табиий бир юз йигирма ёш бўлуб, сўнгра вафоти табиий содир бўлур. Ва имоми Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздларида бир юз ўн ёш ва имом Абу Юсуф наздларида бир юз беш ва баъзи уламони наздларида тўқсон ёш умри табиий бўлуб, сўнгра вафот лозим қилмоғи ривоят қилингандур. Ва ҳукамои файласуфлардин Шайх ур-раис раҳматуллоҳ наздларида бир юз ўттиз тўрт ва имом Форобий наздларида бир юз ўн саккиз ёш ва ҳукамон юнонийядин ҳаким Боқун наздларида бир юз қирқ ёш ва Дисқуридус наздида бир юз ўттиз ёш, ҳатто баъзилар наздларида 960 ёшғача умри табиий кўрмоқ ривоят қилингандур. Валлоҳу аълам.

Аммо ихтиромий ўлум умри табиийнинг тамомиға етмай, бир хорижий сабаб ила, чунончи, сувға ғарқ бўлмоқ ва ўтга ёнмоқ ва том босмоқ ва йилон чақмоқ каби сабаблар ила ёки дохийий сабаблар ила, чунончи, касал бўлмоқ, заҳар емоқ каби сабаблар ила воқеъ бўлгон ўлумдур.

Ва ихтиром бамаънойи кесмоқдур. Ва бу ўлум умри табиийни тамомиға етмасдин ҳаётликни битирган бўлур. Шунинг учун ани «мавти ихтиромий» дерлар. Ва «мавти нотабиий» ҳам дерлар.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бу тўрт хил даврни ҳар бири учун таъйин этилмиш муҳлатлар мўътадил иқлимдаги аксариятни кўрган даврини муҳлатига қиёсан таъйин этилгандур. Ва илло баъзи иқлимни ҳавосига биноан ва баъзи одамнинг мизожиға биноан тафовут қилурки, баъзи иқлимда ўттиз ёшғача ҳам мўй оқариб, инҳитотга юзланур. Ва баъзи жойда то олтмиш ёшғача шабоблик ва таваққуфлик ҳолича борур.

Ва Муҳаммад ибни Маҳмуд Чағминийнинг, даври таваққуфни ниҳояти то ўттиз беш ёшғача, демаклари ҳам ўз иқлимларини ҳавосига ва аҳолисининг ҳолиға биноан бўлса керак. Ва илло мўътадил иқлимнинг ҳисобиға бу муҳлат хилофдур.

АЛВОНИ АРБАЪА (ТЎРТ ХИЛ РАНГ)

Билмоқ керакки, умури табиийядин ва арбаъоти сабъата ашаранинг ўн иккинчиси алвони арбаъа, яъни тўрт хил рангдурки, бири қизил, бири оқ, бири сариқ, бири қаро рангдур. Ва бу ранглар азрўйи зот ахлотга дохилдур ва азрўйи кайфият мизожға дохилдур. Ва шу важҳ ила умури табиийядин ҳисоб этилур.

АММО ҚИЗИЛ РАНГ қонни асаридурки, қон кўб ва ғолиб бўлса, баданни зоҳириға туташиб чиқар ва терининг мағзиға сироят қилур. Ва онадин кўрингандек кўринур. Аммо қон кўб ғолиб бўлмаса, мўътадил бўлса, ранг бул қадар қизил кўринмас. Чунки қонни қивоми сафроға назаран қуюқроқ бўлғон сабаблик то кўб миқдор ғолиб бўлмаса гўштдин тошиб чиқиб, териға кирмас. Ва гўшзда турган қон терининг устидан ул қадар равшан кўринмас. Ва терининг асл ранги оқлик сабабдин қонни қизиллиғи терининг ранги аралаш кўринур.

АММО ОҚ РАНГ балғамни асаридур, чунки балғамни асл ранги оқдур. Қонға балғам ғолиб бўлса, қонни қизиллиғи камайиб нимранг бўлур ва терининг оқлиғи анга қўшилуб кўринганда қизиллик мағлуб бўлур, эҳсос қилиб бўлмас. Шунинг учун ранг оқ бўлур.

Ва билмоқ керакки, балғам ғолиб бўлмай, фақат совуқ ғолиб бўлса ҳам ранг оқарур. Чунончи, бир сабаби ила ҳарорати табиий камайса, ул вақтда қон ва сафро ва савдолар камроқ ҳосил бўлур. Ва ҳосил бўлғон қадри ҳам совуқни асари ила ғализроқ бўлиб, зоҳи-

ри баданға сироят қилолмас. Бас, терини остида ҳеч бир ранглик хил бўлмагон сабаблик ночор тери ўз рангида кўрунурки, ўз ранги оқдур ёки хориждан совуқ асар қилса, бадандаги ҳарорати табиийя анга муқоваматдин мағлуб бўлса, ночор дохил тарафга ижтиноб қилур ва ҳароратға таъян дохил тарафга мойил бўлуб, зоҳирда қон қолмай ранг оқарур. Ва инчунин, кўрққонда ранг оқармоғи ҳам ушбу қабилдиндур. Лекин балғамдин ёки маҳзи совуқдин ориз бўлгон оқликни яна бошқа аломат ила имтиёз қилмоқ мумкиндур. Чунончи, рангни оқлиги балғамни ғалабасидин бўлса, баданда сустлик ва мулойимлик ва обдорлик ва зиёда совуқ эҳсос қилинур. Ва оғизда сертупуклик ва бетаъмлик ва камиштаҳалик ва нуқсонни ҳазм ва серуёқулик ориз бўлур. Аммо барди созижда, яъни маҳзи совуқни асариди балғам аломатларини ҳаммасини хилофи зоҳир бўлур. Ва агар сабаби хорижий ила оқаргон бўлса, тақаддум сабаб аломати қотиъа (қатъий белги)дур.

АММО САРИФ РАНГ сафронинг ғолиблигиға аломатдурки, қон бирлан аралашиб, қонни қизишлигини сариғликға мойил қилур. Ва ҳам ўзи латиғлигининг терининг мағзиға сингиб, рангини сариқ кўрсатур. Ва яна терини сариғлиги қонни камлигининг ҳам бўлур. Чунки қон миқдори аслийсидин камайса, қизиллик ҳам ўз-ўзидан зойил бўлур. Ва сафро агарчи ҳақиқатан ғолиб бўлмаса ҳам, қонға назаран ғолиб бўлиб, рангни сариқ кўрсатур. Чунончи, касалдин янги турган кишини рангида мушоҳада қилинур. Ва бул икки хил сариқ рангни бир-биридан фарқи шулки, агар сафро ғолиб бўлса ранг ўткир ва тиниқ сариқ бўлур ва баданда ҳарорат ва хушқийят ва терида дуруштлик ва оғизда аччиқлик ва қуруқлик ва ташналик ва уйқусизлик аломатлари зоҳир бўлур. Ва аъзода салобат ва маҳкамлик эҳсос қилинур.

Аммо камқонликдин ранги сариқ кўринган кишида тамоман бу аломатларни акси зоҳир бўлур ва рангни сариқлиги андак ва хирароқ бўлур. Чунки қон камликдин ғолиб бўлгон хилт фақат сафро эмас, балки балғам ва савдолар ҳам ғолибдур, яъни кўб миқдор оқ, сариқ ва бироз қаро рангни мураккаб бўлгондаги ранги кўрунурки, хирароқ оч-сариг деб таъриф қилинур. Ва ошиқларни рангини сариғлиги ҳам шул навъдиндур. Аммо ярақони суддий (тиқилмали сариқ) касалининг сариғи равшан ва бадихий (ошқора)лик сабабинин баён қилинмади.

АММО ҚАРО РАНГ савдонинг ранги ва асаридур. Ва бу қаролик уч навъ бўлур. Биринчиси шулки, савдо ҳақиқатан ғолиб бўлур ва қон ила аралашиб, баданға таралур ва қонни рангини ўз рангига олуда қилуб, (бўяб) рангни қаро кўрсатур.

Иккинчиси шулки, агарчи савдо ҳақиқатан кўб ва ғолиб бўлмаса ҳам, лекин талоқ тарафға борар йўли банд бўлиб, ночор зоҳири бадан тарафига қон ила таралуб, қонни қаро кўрсатур.

Ва учинчиси, савдо ҳақиқатан ҳам ғолиб бўлмас. Ва талоқ тарафига йўли банд ҳам бўлмас. Лекин ўткир иссиқ офтобда юрмоқ ёки узоқ фурсат очик ҳавода сафар қилмоқдин ранг қораюр, чунки офтобни тобиши ила терини остидаги қон куйиб, саводи (қоралиги) нотабийий бўлур, ёки кўб фурсат ҳаво таъсир қилгон сабаблик терининг остидаги қонни рутубати қуруб фано бўлур. Ва тафли саводи нотабийий бўлиб ва зоҳирдин қорайиб кўринур.

Ва билмоқ керакки, бу тўрт хил ранг ахлотни асари бўлиб, ҳар бир ғолиб бўлгонда баданни зоҳириға бир ранги махсуса ила таъсир бергани каби, баданнинг ҳажмиға ҳам таъсир берур, яъни ориғ ёки семизлик аҳволи ҳам шул тўрт хил хилтни таъсири ила бўлур. Бас, агар ориғ одамни ранги буғдойранг бўлса, анга сабаби гарму хўшк бўлиб, моддаси куйган қон бўлур. Аммо бул гарму хўшклик сафрони асаридин эмас. Балки терини остида табиат тарафидин дафъ қилинган фазлаи муҳтариқадин ҳосил бўлгон ҳарорати муҳтариқаи муҳаллилани таъсиридинурки, зоҳири баданға боргон қонни куйдуруб, рутубатини фоний қилуб, ориғлатур. Ва агар ориғ одамни ранги ашқар бўлса, яъни кўнғир ранг бўлса, ани сабаби андак иссиқ ва ғоятда қуруқликдур. Ва моддаси сафро ва савдои муҳтариқадурки, сафро ўткир иссиғдур. Аммо савдони совуқлиги ул қадар ўткир эмас. Бас, ҳар иккиси баданда ғолиб бўлгонда савдони совуқлиги тамом мункасир (синган) бўлиб, сафрони иссиқлигинин андак боқий қолур. Аммо қуруқликда ҳар иккиси ҳам қуруқ бўлгон сабаблик ўткир бўлур. Шунинг учун бу хил одамни баданида ҳарорат чандон билунмас, аммо ориғлик ҳаддин зиёда бўлур.

Ва маълумдурки, сафро оловранг сариғдур. Ва савдо қародур. Бас, агар сариқ ила қаро қизилға, яъни қонға кўшилса кўнғир ранг ҳосил бўлур. Ва ориғ одамни ранги қаро бўлса, ани сабаби андак совуқ ва ғоятда қуруқликдур ва моддаси савдодур. Ва савдои табиийий кўб ва

голиб бўлса, баданга хўшкийят ориз бўлур ва баданни ориғлатур. Ва қонни рутубатини жазб қилуб, ғализ қилур. Бас, қон ҳам савдон нотабийға айланиб, ранги қора йуб ва икки қаро бирга қўшулуб, бошқа ранг аралаш бўлмаган сабаблик баданни ранги холис қаро бўлур. Ва ариғ одамни ранги оқ бўлса, ани сабаби совуқ ва қуруқдур. Яъни, қон ва балғамни миқдори табиийдин озлигидур, чунки оқлик қонни камлигиға аломатдур. Ва қоннинг камлиги мизожни ва баданни совумоғиға сабабдур. Ва инчунин, ориғлик балғамни камлигиға аломатдур. Ва балғамни камлиги қуруқлик ва хўшкийятға сабабдур. Ва ҳам сафро ва савдолар миқдори табиийда боқий бўлгондурки, ҳар иккиси ҳам қуруқ мизождур. Бас, ночор баданда хўшкийят голиб бўлур ва бул навъ ила ашқар (қўнғир) ранглик навънинг фарқи шулки, ашқар рангда қон ва балғам миқдори табиийда бўлур. Аммо сафро ва савдо миқдори табиийдан голиб бўлиб, гўштдин тошиб терига чиқар ва кўб миқдор сафро ва оз миқдор савдо қон ила аралашиб, ашқар рангда кўринур. Ва мўътадил миқдор қон ва эътидолдин зиёда сафро бўлгон сабаблик баданда бироз ҳарорат ҳам зиёда бўлур. Аммо оқ ранглик одамда ҳам сафро ила савдо қон ила балғамға голиб бўлур. Лекин ғалабаси миқдорини кўблигинин эмас, балки қон ва балғамни камлигинидандур. Шунинг учун гўштдин тошиб терига чиқолмас, ночор тери ўз ранги аслисинин оқ кўринур.

Ва ҳам сафро миқдори табиийда бўлгон сабабдин боиси ҳарорат бўлмас, балки қоннинг камлиги боиси бурудат (совуқлик)дур. Бас, агар гўштдор семиз одам бўлса, ани сабаби фозилийсини иссиқ ва хўлликдур ва моддасини қондур. Чунки қон ҳамма ахлотдин хўлроқдур. Ва они баъзи моъийяти бухорот бўлуб, таҳлил топиб, боқий жирми гўштлик ҳолға айланиб турар ва кунбакун гўштда зиёдалик ҳосил бўлур.

Қоннинг ҳусулиға ва жузвини бадан бўлмоғиға назж сабаб бўлиб, назж (пишиб етилиш)ни ўзиға ҳарорат сабаблигини маълумдур. Бас, бу семизлик иссиқ ва хўлни асари экани муҳаққақдур. Ва гўштдор ва семизликни аломатини шулки, ранг гоятда қизил бўлур. Ва бадан нақадар семиз бўлса, шу қадар саломатлик ва кувватлик бўлур. Ва агар семизлик ёғ ила бўлса, ани сабаби совуқ ва рутубатдур. Чунки ёғ қоннинг моъиятинидурки, қонни асли жавҳаринин хўлроқдур. Ва ани ёғлик ҳолатға келтируб, қотирғувчинин сабабини фозилийсини ҳам бурудатдур. Шунинг учун аксар ичак ва ҳасип ва қоринларда ва масона (қовуқ)да ва буйрак пардаларини

да ва ҳар бир асабоний жисмларда ҳосил бўлурки, бу узвлар ҳаммаси совуқ мизождадур. Лекин совуқлик даражасида бир-бирларидин тафовутлик бўлгон сабабидин аларда ҳосил бўлгон ёғлар ҳам бир-бирларидин мутафовут бўлиб, уч даражага мунқасим (бўлинг)дурлар.

Биринчи чарби, иккинчи думба, учинчи пешноб ва тарошдур. Аммо чарби ҳам ба эътибори маҳал тафовутлик бўлиб, бел ва буйракни чарбисининг совуқлиги камроқдур. Чунки бел бир тарафдин пайга мужовар (ёндоз) бўлса ҳам, иккинчи тарафдин гўштга муттасилдур ва гўштдин ҳарорати табиий фил-жумла таъсир этар, шунинг учун ани совуқлиги зиёда башиддат эрмас. Иккинчиси, қориннинг чарбисидур ва бунинг совуқлиги белнинг чарбисидин совуқдур. Аммо ичаклари чарбисидин шиддати камроқдур. Чунки қорин агарчи асабоний бўлса ҳам, лекин маҳалли ҳазм бўлгон сабабдин анда ҳарорати табиий ғолибдур. Ва ҳароратни таъсиридин фил-жумла назж ҳосил қилиб, совуқлик шиддати камайган бўлур. Аммо ичакдин исно ашар (ўн икки бармоқ) ва сойим номлик жойларида, яъни ичакни бош тарафи ва ўрта жойларида тафл тўхтамас. Шунинг учун анда чарби ҳосил бўлмас, аммо охир қисми агарчи пўконни бўшар вақтигача тафлни сақлаб турғувчи махзани бўлса ҳам, лекин ўзида қуввати ҳозима бўлмоғон сабаблик ўзидаги тафлдин ҳам чарби ҳосил қилолмас. Ва инчунин, чарби пардалариға ва бошқа узвларға муттасил бўлмоғон сабаблик бошқа тарафдин ҳам чарби ололмас. Аммо пўконда қуввати ҳозима андак бордур, лекин меъдани ҳозимасидек бақувват эмас. Балки меъдадин комил ҳазм бўлолмай, чалароқ ҳолда ўтган тафлни ҳазмига кифоя қиларлик миқдордағина қуввати ҳозима ва бунга лойиқиғина ҳарорати табиий бордур. Шунинг учун пўкон ўзиға борғон ғизони жавҳарини қонликға қобил даражага еткузуб ишлолмас. Ва анга ҳарорати табиийяси кифоя қилолмай, аксари чарби бўлуб қолурки, ҳамма чарбиларнинг ғолисроқ ва совуқроғи шулдур. Ва бу чарби ҳасипда жамъ бўлур ва чарбининг ҳамма навъи ҳам бошқа ёғларға назаран совуқлиги зиёдадур.

Ва аммо думба ёғи чарбиға назаран андак совуғлиги кам бўлса ҳам, лекин тарош ва пешнобдин совуқроқдур. Чунки думба тарош ёғидин ҳам, чарби ёғидин ҳам мураккаброқдур. Чунончи, маълумдурки, ҳасипнинг охири мақъадға муттасилдур. Шунинг учун чарбидин эриб оқғонлари мақъадға келиб жамъ бўлур ва тарошдин эриб

сирқиғани ҳам зоҳир тарафдин келиб, мақъадда бир-бирига аралашиб жамъ бўлурларки, ани номи думбадур. Аммо бу эриб сирқиб келган ёғлар мақъаддин пастга, яъни сон тарафга ўтмай, ушбу жойда фақат думбада тўхтамоқлариға сабаб шулки, дохил тарафдин ҳам ҳасипни мунтаҳоси мақъадга келиб тўхтагандур. Ва ҳам белнинг чарбиларининг мунтаҳоси мақъадга келиб тўхтаган. Ва ҳам гўштнинг дохилий пардаси, яъни сифоқнинг мунтаҳоси мақъадга келиб тўхтагандур. Ва зоҳир тарафдин ҳам ҳаром мағзнинг мунтаҳоси думғазаға келиб тўхтагандур. Ва ҳам ҳаром мағздин кўкарган пайлар шул мавзьеда кўб шохлаб, ҳар икки сонға таралгандур. Ва ҳам мақъадни инқибоз ва инбисоти учун мутасадди бўлган пай ва ҳам гўшт ила устихонни ўртасиға восита бўлган ғишо бу мавзьеда кўброқдур. Хулоса, думбани совуқ мавзьеда совуқ мизожлик асабоний жисмлар кўб бўлган сабабдин бу мавзьега келган ёғ ғализ бўлмоқға мажбур бўлур.

Ва думбани ҳарорати табиийси бошқа узвға назаран камроқ ва қўлга совуғроқ эҳсос қилинмоғи ҳам шул сабабдиндур. Лекин хотин кишининг думбаси эркак кишининг думбасиға назаран зиёдароқ совуқ бўлур. Ва думбанинг совуқлиги агарчи чарби ила тарошға нисбатан мўътадил бўлса ҳам, лекин ўз ажзосиға нисбатан яна уч даражаға тақсим бўлур. Чунончи, мақъадга ва думғазаға муттасил жойи совуқроқ бўлур. Ва думбани ўрта жойлари миёнароқ ва атрофининг совуқлиги камроқ бўлур. Чунки мақъад ва думғазаға муттасил жойда чарби ғолиброқ бўлур ва атрофда тарош ғолиброқ ва ўрта жойда ҳар иккиси баробар бўлур.

Аммо тарош ёғининг совуқлиги бошқа ёғлардин камроқдур. Чунки чарби комил ҳазм бўлмаган жавҳарни рутубатидур. Аммо тарош ва пешноб комил ҳазм бўлгон қоннинг рутубатидурки, иккинчи ва учинчи каймус ҳазмида чала қолгон сабабдин гўшт бўлолмагон ва терини остига келган вақтда терини мизожи фил-жумла гўштга назаран совуқлигидин ва ҳавойи хориждин мутаассир бўлуб, ғализ тортгондур. Шунинг учун мизожи ҳам гўштга муносабатда яқинроқ бўлиб, бошқа ёғлардин совуқлиги камроқдур. Ва қазии ёғининг бошқа ёғдин ўткур ва сингишлик бўлмоғида ҳикмат шулдур.

Баҳарҳол ёғнинг ҳамма ақсомининг моддаси рутубат ва сабаби фобъилийси совуқлиги собитдур. Шунинг учун ўнг тараф биқиннинг тароши чап биқиннинг тарошиға назаран юпқароқ бўлур. Чунки жигар ўнг тарафдадур. Ва ҳарорати табиийя жигардин чиқиб соири

баданга таралур. Шунинг учун ўнг тарафда ҳарорат ғолиброқ бўлиб, қонни ҳазми каймусларини яхшироқ ишлаб гўшт қилур. Ва чала ҳазм бўлгон жавҳар озроқ бўлур. Аммо чап тарафнинг биқинида тарош қалин бўлур. Ва қобирғада юпқа бўлур, чунки чап қобирғани тўғрисида дил бордур. Ва дилни ҳарорати бул мавзёдаги ёғни эримоғига сабабдур. Ва эриган ёғни паст тарафга сайлон қилмоғи табиийдур. Бинобарин, бу жойда тарош ёки камроқ бўлиб, биқинда кўброқ бўлур. Ва бу хусусда Абу Саҳл ал-Масихий ирод қилиб демишларки, агар ёғни сабаби фозилийси бурудат бўлса эди, дил ҳамма аъзодин иссиқроқ бўлган сабабдин анда ёғ ҳосил бўлма-са керак эди, ҳолбуки дилни ҳам ўраб турган чарби бор, демишлар. Бу иродга ушбу тариқа жавоб бермоқ мумкиндурки, Ҳазрати Ҳакими Қадимнинг ҳикмати ғомизаси мўвжибича, дилга чарбининг вужуди зарурийдурки, дил ғоятда иссиғдур. Ва доим ҳаракатдадур ва камоли ҳароратдин рутубати фоний бўлуб, андак фурсатда фозид бўлмоғи лозим келмасин учун ёғ бирлан рутубат бериб турмоқ лозим бўлиб, дилда ҳам чарби халқ қилинди. Ва бу чарбининг сабаби фозилийси ҳам албатта совуқдур ва дилнинг ҳарорати бунга мунофий (зид) эрмас. Чунки дилга авридадин нотайёр хом қон келиб, дилга кирар ва дилда ишланиб кувада пишган айроннинг ёғи ажрагандек қонни рутубати дўҳнияси дилни ўзини ҳўллаб турмоқ учун захира бўлур. Ва бу захирани сақламоқ учун Ҳакими Мутлақ дилни атрофини ихота қилиб турғон бир парда яратгандурки, астар ва авралик бўлиб, гўё харитадекдур. Ва мазкур захира бўлгон рутубат ушбу харитада турар ва ани ёғлик ҳолатда ғализ қилғувчи сабаби фозилийси ҳам совуқ экани ушбу пардани асабонийлиги ва дилни ҳарорати таъсир қилмасин учун совутиб турғувчи ёрдамчи ўпка ва нафасдур. Ва ҳам дилни ўзини қоқлаб турган бир пардан ғализи асабоний ҳам бордурки, бошқа офатдин дилни муҳофазати учун ва дилни ҳароратидин мазкур чарбини муҳофазати учун ўртада восита ва ҳоилдур. Ва ёғдор семизликни аломати гўштдор семизликни аломатлариға хилофдур. Ва рангда оқлик ва софлик ва баданда мулойимлик ва аъзода сустлик ва кўб терламоқ ва қувватда заифлик ва ҳаракатда энтукишлик ориз бўлур.

Ва агар семизлик фазла ила бўлса ани фозилийси ҳам совуқдур ва моддаси рутубатдур. Лекин бу хил семизликдаги совуқлик ёғ-

дор семизни совуқлигинин голиб бўлур ва рутубати ани рутубатин камроқ ва хомроқ бўлур. Чунончи, ҳарорати табиий ғоятда заифликдин жавҳари ғизони яхшилаб жузвч бадан бўлмоқға қобилиятли қилиб ҳазм қилолмас. Ва қондин аксари ислоҳ топиб, жузви бадан бўлур. Ва баъзи ноқобили табиатға оғирлик қилур. Бас, но-чор табиат ани зоҳири баданға дафъ қилур. Ва терининг остиға келиб тўхтарки, ани (номи) фазладур. Ва тер бирлан чиқиб кетолмас, чунки жузви баданға лаёқати бўлмаган сабабдин анга руҳ ва ҳарорат нуфуз қилмас. Ва ҳарорат бўлмоғон сабабдин бу рутубат ниҳоятда ғариб бўлур. Ва масомдин чиқолмас ва ушбу тариқада кунбакун фазла жамъ бўлуб, баданни тўлдирар ва ани номини хомсемиз дерлар.

Аммо, ҳақиқатан бу ҳолат семизлик эмас, балки иллоти мустақилла ўлуб, истисқойи лаҳмий ҳукмида. Ва истисқойи лаҳмий (гўшти истисқо) ила буни фарқи шуки, истисқойи лаҳмийни моддаси ғизойи ғайри мунҳазмдурки, жузви бадан бўлмоқға қобилиятликдур. Лекин ҳазми чала бўлган сабаблик жузви бадан бўлолмагандур. Ва ҳам баданнинг ажзолариға аралаш бўлур. Аммо семузнинг моддаси мутлақо жузви баданликға ноқобил бўлур ва ҳам ажзои баданға мухтали (аралаш) бўлмай, терининг остида холис жамъ бўлур. Ва бу семизликнинг аломатлари шулки, ранги қўрғошин рангга мойилроқ оқ бўлур ва териси қариган кишининг терисидек қуруқ бўлур. Ва бадан доим совуқ ва аъзо суст бўлур ва иштаҳа кам бўлур. Ва кўзнинг оқи ҳам зангорға мойилроқ кўк бўлур.

АЛ-ФАРҚУ БАЙНАЗ-ЗАКАР ВАЛ-УНСО, яъни эркак бирлан урғочининг мизож тўғрисида фарқи шулки, эркакни мизожи урғочининг мизожидин иссиқроқ бўлур. Лекин бу мизождин мурод умумбаданни мизожи эмас, балки аъзои раисани мизожи муроддурки, асли зоти эркаклик мизожи шул аъзои раисалар мизожини иссиғ бўлмоғини тақозо қилур. Ва илло бир хотиннинг бир узви бир эркакнинг ўшал узвидин иссиғ бўлмоғи мумкиндур. Ва инчунин, мутлақ эркакнинг мизожи мутлоқ хотинни мизожидин иссиқдур. Аммо бир иссиқ мизожлик хотинни мизожи бир совуқ мизожлик эркакни мизожидин иссиқроқ бўлмоғи ҳам мумкиндурки, бизни мақсудға хилоф бўлмас. Ва эркакни иссиқлигига неча хил далиллар бордур. Чунончи, биринчи далил шулки, иссиқ мизожли одамдин ўғил фар-

занд кўб туғилур. Бас, маълум бўлдики, маний иссиқ бўлса ўғил бўлмоқға лаёқатлик бўлур.

Иккинчи далил, ўғил бола раҳм (бачадон)да тезроқ етилур. Ва етилмоқ албатта, ҳароратнинг таъсири ила бўлмоғи муқаррардур. Бас, маълум бўлдики, эркакни ҳарорати ғолибдур.

Учинчи далил шулки, ўғил бола раҳмни ўнг тарафида ҳосил бўлур. Ва ўнг тараф узвни ҳарорати чап тараф узвни ҳароратидин ғолиблиги шубҳасиздур. Бас, маълум бўлдики, эркакни ҳарорати ғолибдур.

Тўртинчи далил шулки, чала ташланган болани аксари ўғил бўлур. Бас, маълум бўлдики, ўғил боланинг ҳарорати ғолиб бўлур. Чунки ҳаракатни фойили ҳарорат бўлур. Чунончи, раҳмни ташриҳида муфассал баён қилинур.

Ва билмоқ керакки, боланинг соқит бўлмоғи (тушиб кетмоғи)да раҳм иллатдин пок ва саломат бўлган тақдирдагина бола ўз ҳарорати ила соқит бўлгон бўлур. Ва шу тариқа соқит бўлгон боланинг аксари ўғил бўлур. Ва илло аксар вақтда суқут (тушиш)ға сабаб раҳмни мизожи совуқлиғидур. Чунки совуқлик қуввати мосикани заиф қилиб, болани имсок қилиб турмоғидин ожиз қилур. Бас, бул тариқа соқит бўлгон болани ўғил ёки қизлигини дахли бўлмас. Чунончи, амрози раҳм (бачадон касалликлари)да муфассал баён қилинур, иншааллоҳу таъоло.

Бешинчи далил шулки, эркакни намувси хотинни намувсидин кўброқ ва ҳам тезроқ бўлур ва намувға сабаб ҳарорат ва рутубатлиги шубҳасиздур.

Олтинчи далил шулки, эркакни ҳаракати хотинни ҳаракатидин кўброқ ва тезроқ бўлур ва ҳаракатни фойили ҳарорат экани муълумдур.

Еттинчи далил шулки, эркакнинг зеҳни ва идроки хотинға назаран ғолиб бўлур ва ани сабаби ҳарорат экани «Боби қуво» бобида мазкур бўлди.

Саккизинчи далил шулки, эркакни қуввати хотинни қувватидин зўрроқ бўлур ва ани сабаби ҳарорат экани «Баёни арвоҳ»да мазкур бўлди.

Тўққизинчи, давлат ва меҳнатларда эркакни сабри ва ризоси хотиндин ғолиб бўлур ва бунини фойили ҳарорат экани ҳам қуввати шаҳвоний ва ғазабоний таърифларида маълум бўлди. Ҳоказо, эркакни мизожи хотинни мизожидин иссиғроқ эканига далиллар кўбдур. Лекин исботи мақсуд учун шул қадар кифоядур. Аммо баъзилар хотин киши ҳарорати ғолиблигини, чунки ҳайз кўрмоқларини ҳайз қони кўблиғига аломат бўлиб, қон ҳароратға сабаб экани-

ни баён қилгондурлар. Лекин ҳайзнинг вуқуи қонни қўблигидин бўлур, демак хатодур. Балки анга ҳам ҳароратни камлиги сабабдур. Ва ани тариқаси «Ахлоти арбаъа» фаслида, қон хусусида зикр қилинди.

ФОИДА. Билмоқ керакки, биринчи мақолада баёни ваъда қилинган умури табиийни зикри тамом бўлди. Лекин умури табиийни бири аъзо эди ва аъзодан аз жиҳати зарурат аъзон раисани ва бошқа аъзони ижмолан зикр қилинди, лекин тафсилан зикри ва бошқа аъзоларни зикри ташриҳотга мутааллиқ бўлган сабабидин мавқуф қолди, дейилган эди. Бинобарин, мақолаи соний фақат ташриҳи аъзо (анатомия) учун мунҳасир қилиндики, одати муаллифиндур.

ИККИНЧИ МАҚОЛАДА ТАШРИҲИ АЪЗОНИ БАЁН ҚИЛИНУР

Билмоқ керакки, ташриҳнинг маъниси луғатда бир нимарсани ҳақиқатини изҳор қилмоқдур ва истилоҳи атиббода аъзонинг адади ва миқдори ва кайфияти ва ҳақиқатидин огоҳ қилгувчи илми айтилуру. Ва бу илм оммаи инсон учун зарурий ва лозимдур.

Чунки зарурат уч хил бўлурки, зарурати динийя, зарурати назарийя, зарурати амалийядур. Ва илми ташриҳнинг дин учун зарурати азборойи такмил ва тақвияти иймон муассирдурки, инсон ўзида қандоқ узвлар борлигини ва ҳар бирлари қандоқ хизматга мутасаддилигини ва қандоқ манфаат учун махлуқлигини яхши билса, Аллоҳу таъолони азаматлигиға ва камоли қудратиға иймони қавий (кучли) бўлур.

Ва қавли Набий алайҳис саломки: «Ман арафа нафсаҳу фақод арафа роббаҳу»¹ илми ташриҳ хусусида ворид бўлгондур. Ва илми ташриҳни азборойи илм ва назар учун зарурати шулки, улуми баданийя (бадан илмлари) ҳамма баданнинг аҳвол ва аворизиға мутааллиқдурки, сиҳҳат ва мараз (иллат)лар баданнинг аҳвол ва кайфиётидин иборатдур.

¹ Кимки ўзини таниса, бас, у Парвардигорини танибдур.

Бас, маълумдурки, ҳеч нимарсани ўзи номаълум бўлгон вақтда ани аҳволи маълум бўлолмас. Ва агар ўзи маълум бўлса, сўнгра аҳволини билмак осон бўлур. Ва бадан илми ҳам инчуниндурки, баданни ўзи равшан маълум бўлса, сўнгра анга ориз бўлгон аҳволидин баҳс ва назар қилмоқ осонроқ бўлур. Азбаройи амал зарурати шулки, табиб агар илми ташриҳни яхши билса, баданни тадбири тарбиясини барважҳи атамм (тўлиқ) адо қилур. Ва илло ҳар бир амали хатодин холи бўлмас. Ва бунга исбот учун бир неча мисол кўрсатмоқ муносиб кўринди.

Биринчи мисол шулки, агар маҳалли жароҳатга малҳам қўйилса жароҳат илтиём топар ва агар бошқа жойга малҳам қўйилса ул жойни фосид қилур. Аммо жароҳатга ҳеч нафъи бўлмас. Инчунин, ҳар узви ботинийнинг маҳалли ва кайфияти маълум бўлса, ўшал узвнинг маҳаллига ва кайфиятига муносиб даво қилмоқ осон ва беҳато бўлур.

Иккинчи мисол шулки, агар узв бандидин чиқса ёки кўзғолиб ўрнидин сурилса, ани ўз ўрнига қайтариб солмоқ учун илми ташриҳ лозимдурки, агар ани ўрни батариқан вазиятини билмаса, эҳтимолки, аксиға амал қилиб, касални зиёда қилур.

Учинчи мисол, жарроҳлик амали лозим бўлгон тақдирда варид томурини билмаган киши шараёнга тиг урса мариз (бемор)ни ҳалокиға сабаб бўлур. Аммо шарён ва варидни аҳволиға ва макониға мутталиъ (хабардор) бўлгон одам ушбу хатодин эмин бўлур.

Тўртинчи, бир жароҳатни маҳаллида шараён ё варид ёки пай воқеъ бўлса, ҳакими жоҳил агар мазкур жароҳатга заҳарлик ёки ҳиддатлиқ дору қўйса, мазкур томирлар воситаси ила доруни заҳари мияға ёки дилға таъсир этиб, ҳалок қилур. Ва агар илми ташриҳни яхши билган табиб бўлса, андоқ нозик жойга дору қўймоқда мувофиқи ҳол доруни истеъмол этуб, бул хатодин эмин бўлур.

Бешинчи, агар бир жароҳатни тиг бирлан ёрмоқ лозим бўлса, илми ташриҳга олим ҳаким ул жароҳатни маҳаллида пай ёки томур бор ё йўқлигини билгон тақдирда ани вазиятини билиб тиг урар. Ва агар бу илмга жоҳил бўлса, пайни ёки томирни кесиб юбориб, бир узвни нобуд қилур.

Олтинчи, амрози шарикийларда, чунончи, мушорикати меъда ила бўлгон бош ёки қулоқ оғриғи ва нузул ёки суъуд ила бўлгон кўз оғриғи

ёки истисқони асари бўлгон иллати бавл ёки зусантириён кабидий каби касални ташхис қилмоқда илми ташхисни яхши билган ҳақим ибтидои назарда ташхис қилур. Ва бу илмдин беҳабар кишига ташхис мутлақо мумкин эмас. Ҳақозо, илми ташхисни манфаати беҳисобдур. Лекин изҳори мақсудга шул қадари кофийдур. Ва ҳар бир ҳақимга аъзойи баданийяни муфассал ва мукаммал билмоқ лобуддий (зарурий)дур.

Ва билмоқ керакки, истилоҳи атиббода узв икки навъ бўлиб, бири узви муфрад (ёлғиз аъзо), бири узви мураккаб исми ила тасмия қилинганлиги биринчи мақолада, фасли аъзода баён қилинган эди. Аммо узви муфрадни ададида аҳли ҳукамо ўрталарида ихтилоф кўбдур. Масалан, Абу Саҳл ал-Масихийнинг наздида узви муфрад 13 ададдур. Лекин ул кишини наздларида шараён ила варидни ҳар иккиси бирдур. Ва уруқ (томирлар) исми ила зикр қилингандур, чунончи устихон, пай, гузруф, ватр, работ, ғишо, уруқ, гўшт, чарби, думба, мия, тирноқ, тери. Аммо ҳақим соҳиби «Комил»ни¹ наздларида ҳам узви муфрад 13 ададдур. Лекин мияни ўрнига мўйни ҳисоб этурлар.

Ҳақим Муҳаммад ибн Маҳмуд (Чағминий)ни наздларида узви муфрад 14 ададдур. Масалан, азм, гузруф, асаб, работ, ватр, узла, шараён, варид, лаҳм, шаҳм, ғишо, жилд, шаър, зуфр (тирноқ)дур.

Аммо ҳақим Фарҳати Румий ва Салмони Ҳиндийлар наздларида узви муфрад 16 ададдур. Масалан, азм, гузруф, асаб, ватр, работ, шараён, варид, ғишо, лаҳм, шаҳм, самин, ғудад, жилд, зуфр, шадд, шаърдур.

Аммо мавлоно Шайх ур-раис «Қонун»ларида узви муфрад асли ҳақиқатан 4 ададлигини, масалан, азм, гузруф, асаб, гўшт эканини баён қилурлар. Ва бошқалари ушбу тўрт узвни ё бир жинс ёки ушбудин мураккаблигини, лекин махражини эътибори ила ёки хизмат ёки манфаатини эътибори ила ҳар бир узвни муфрад эътибор қилмоқ ғалати омма бўлгон сабаблиқ, ғалати омма айни истилоҳ деган қоидага биноан, баъзи фил-жумла узви муфрад демакга салоҳиятлик узвларни ночор қабул этганликларини эътироз (узр) этгандурлар. Ва баъзи мутлақо салоҳияти бўлмоғонининг, чунончи, жилд ва узла каби мураккаблиги сариҳ (очиқ) бўлгон узвларни ёки соч ва тирноқ каби

¹ Бу ерда «Комил ус-синоъа фит-тибб» асарига ишора.

мутлақо узв бўлмоғон фазлаларни қатъийян қабул қилмасликларини баён этмишлар.


Бас, бул тақдирда Шайх ур-раисни наздларида узви муфрад 9 адад-дурки, азм, ғузруф, асаб, ватр, работ, шараён, варид, ғишо, лаҳм. Аммо ёғ ва чарби лаҳмни қисмидиндур. Лекин ожизи ночиз (яъни муаллиф) ушбу мўътабар ҳукамонинг узви муфрад исми ила баён қилин-гон мазкуротларини ҳаммасини баён қилмоқни муносиб билиб, аввалан аъзои билохилофни, сўнгра алал-ихтилофни баён қилурман, иншааллоҳу таъоло. Ва мажмуъи аъзои муфрад ва мураккабни етти фасл ила баён қилинур.

БИРИНЧИ ФАСЛ АЗМ (УСТИХОН)НИ БАЁНИДАДУР

Яъни, устихонларнинг адади ва ҳайъати ва манфаатларини беш шуъба (қисм) ила баён қилинур. Биринчи шуъбада бош устихонларини баёнидур.


Билмоқ керакки, бошдин мурод гардандин юқори устихондур. Ва юз ва оғиз устихонлари ҳам бошни ҳисобида бўлур. Ва бошни устихони қавли саҳиҳ ила 63 ададдур. Масалан, мияни косасини атроф ва уст устихони 6 ададдур. Чунончи, пешона тарафда бир адад ва орқа тарафда бир адад ва ўнг тарафда бир адад ва чап тарафда бир адад воқеъ бўлиб, мияни атрофини девордек ўрагондур. Ва пешона тарафни устихони бошқаларидин андак юмшоқроқдур, чунки мияни пешона тарафи эҳсос (сезги)ға мутасадди бўлгон сабабдин андак суюқроқдур. Ва анга муносабат учун мияни ғилофи бўлгон пайлари ва устихонлари ҳам юмшоқроқ ва нозикроқ халқ қилингандур. Аммо сатҳи бошқаларидин каттароқ бўлиб, шакли фил-жумла учбурчакроқдур. Ва бир бурчаги баланд тарафда, мияни батни вусто (ўрта қоринча)ни аввалиға етган бўлур. Ва қолгон икки учи икки қош учларидин ўтуб, чакка устихониға етган бўлур. Бас, гўё бир куррани тўртдин бир ҳиссаси, яъни бир паллани нисфи шаклидадур. Ва паст тараф ёни икки кўзға муттасил бўлиб, кўз косасини юқори тарафи ҳам шул пешона устихонидин қайрилиб кирган жузъидур. Ва ани тўғрисида орқа тараф устихони бордурки, бир-

бирига муқобил. Лекин орқа тараф устхонининг усти пешона устхонининг ости ила, яъни қош ила баробар турар ва шакли фил-жумла тўртбурчакроқ бўлиб, бир бурчаги баланд тарафда, бир бурчаги паст тарафда, икки бурчаги икки ён тарафда турар. Ва шакли сатҳи ҳам пешона устхонидин кичикроқ ва бошқалардин қаттигроқ ва қалинроқдир. Ва туриши ушбу шаклдадур (4-шакл).




4-шакл

Биринчи рақамлик пешона устхони ва иккинчи рақамлик орқа устхонидур. Ва бу устхоннинг паст тарафи мия остида қайрилгон бўлиб, қоъида бўлур. Ва ҳаром мағзнинг тешиги шул устхонда воқеъдур. Аммо икки ён девор устхони фил-жумла тўрт бурчакроқ шаклда бўлиб, бир бурчаги баланд тарафда ва бир бурчаги паст тарафда ва икки бурчаги ён тарафда бўлиб, орқа тараф устхон ила пешона тараф устхонларини бурчаклари бул устхонни паст тараф икки ёнининг нисфиға яқинроқдин етиб пайванд бўлгондур. Ва сатҳи бошқаларидин кичикроқ бўлиб, шаклда ҳар икки тараф устхони бир-бирига ўхшаш ё муқобилдур. Чунончи, ушбу 5-шаклдаги каби.



5-шакл

1-рақам пешона ва 2-орқа ва 3-си чап тараф устхонидур. Ва ўнг тараф устхони ҳам ушбуни орқасида шу тартибда турар. Ва қулоқ тешигини олдидин гўё шохдек устхон ўсиб чиқиб, кўз тарафда, қошни учидин пастроқда юз устхонига қўшилгондур ва бунин дохил тарафидаги этагининг уст тарафи қоъида-и васати димоғ ва ост тарафи қулоқни муҳофизини, яъни ҳуққат ул-узндур. Аммо миёни уст тарафида икки хил устхон гўё шийпоннинг томидек ўнг ва чап тарафга нишиб бўлиб турарки, номини арабда қаҳф дерлар. Ва бу икки устхонни бир-бирига пайванд бўлгон жойини фарсийда фарқи сар ва арабда ёфух дерлар. Ва атрофи мазкур бўлгон устхонларға муттасилдур. Чунончи, 6-шаклда



6-шакл

кўринган 4-рақамлик устихон чап тараф қаҳф устихонидур. Ва ани орқасида ўнг тараф устихони ҳам шул тариқа турар.


Аммо қобидаи димоғ, яъни мияни турар жойи Маҳмуд Чағминий ва ҳаким Арзонийнинг китобларида бир адад, деб баён қилинмиш. Ва Жолинус ва Дискуридуслар икки адад демишлар. Ҳаким Салмони Ҳиндий ва Фарҳати Румийлар олти адад демишлар. Аммо Шайх ур-раис ва ҳаким Абу Саҳл ал-Масиҳийларнинг наздларида агарчи миянинг жойи беш қитъа устихоннинг усти бўлса ҳам, лекин ани бири орқа тараф устихони этаги бўлиб, девор устихони ҳисобида баён бўлгон. Ва бири икки кўз косасини юқорӣ тараф устихони бўлиб, пешона тараф устихонининг этаги ва ани ҳисобида мазкур бўлгондур. Ва икки ёни мазкур ён тараф девор устихонини этаги бўлгон ҳуққат ул-узн устихонидур. Аммо фақат қобида, яъни мияға макон бўлиб турган устихон бир ададурки, азм (суяк) буржидур, яъни эгар устихони демакдурки, бул устихонни усти гўё эгарға ўхшаш ва икки ёни пастлик бўлурки, номи муъсирадур. Ва бул устихонни орқа тарафини ҳаром мағз тешигудин тахминан икки арпа бўйи берироқда орқа тараф устихониға ёпишгандур. Ва ани икки ёни икки қулоқни филофи устихониға ёпишгандур. Ва олди тарафи кўзни косасига ёпишгандур. Ва ани икки ёнида муъсирани орқа тарафида икки адад ҳуққат ул-узн устихони бордур. Ва вазиятида мияни орқа тарафи пастроқ ва олди тарафи баландроқ бўлиб, зина шаклидадур. Чунончи, орқа тараф деворни этаги ҳаммадин пастроқдурки, мияни батни охирини маконидур. Ва қулоқни филофи ва эгар устихони баландроқдурки, мияни батни васатини маконидур ва кўз косасини устихони андин ҳам баландроқдурки, мияни батни муқаддамини маконидур. (1, 2, 3). Ушбу шаклдаги 1-рақам орқа устихонни этагидир. 2-рақам қулоқ филофини усти ила эгар устихонини устидур. 3-рақам кўз косасини устидур. Бас, мияни косасини атрофи 4 адад ва усти 2 адад ва ости 1 адад, мажмуъи 7 адад устихондин барпо бўлгондур.

Аммо кўз косаси зоҳирдин қарағанда 5 ададдин бўлиб кўринур. Аммо уч адади ҳисоб этилмай, 2 адад ҳисоб этилур. Чунончи, ушбу 7 ва 8-шаклдаги 1, 2, 3, 4, 5-бўлиб кўринган устихонлардин 5-си пешона устихонининг этагидур. Ва 4-си юз устихонини этагидурки, кўз косасини учига қайрилуб киргандур ва 2-си қондаи димоғ бўлгон азми суражийни этагидур. Аммо боқий 2 адади, яъни 1-ҳам 3-сида кўз устихони деб ҳисоб этилур. Чунончи 1-рақамли устихон кўз ила бурун ўртасига девор бўлуб


тургондурки, азм ул-моқ ва азм уд-думуъ исми ила машҳурдур. Ва ани ёнида бир адад устихон 2-рақам бордурки, кўз ила хайшум ўртасида девордур. Ва кўзни чакка тараф ёнида марказ тарафда бир бўлак 3-рақамли устихон бордурки, азми муқла дерлар. Ва бу устихонларни ўртаси, яъни 2, 3, 4, 5-рақамлик устихонларни маркази бўлгон ўрталикдин бир тешик воқеъ бўлгондурки, асаби мужаввафа, яъни кўзни нурининг пайи ушбу тешикдин чиқар ва 3-устихон ила 4-устихон ўрталарида бир узун тешук бордурки, варид ва шараён ва асаби муҳаррика ушбу тешикдин чиқиб, ҳар икки пай гўё кўзни илдизидур.

Ва ушбу шаклдадур. (7-шакл).

Ва икки адад юз устихони бордурки, шакли тўртбурчакли бўлиб, бири жағ тишни устига келур. Ва бири кўзни остида бурун тараф бурчагига яқинроқдур. Ва бири кўзни чекка тараф ёнини ўртасига етар. Ва бири андин уч арпа бўйи пастроқда бўлиб, шул бурчакдин гўё шохдек уст қулоқ тарафга қайрилуб, мияни ён тараф деворидин ўсган шохлар бирлан бир-бирлариға уч-учларидин қўшилуб тегиб турарлар. Ва буларни тагида бир ададдин икки адад азм ус-судуъ, яъни чекка устихони бордурки, буни ила мазкур шох устихонларини ўртаси гўё бир ҳалқа шаклида тешикдур. Ва бул устихон зоҳирдин кўринишда алоҳида кўринса ҳам, лекин азми саржийни этагидурки, буни дохил тарафи муъсирадур. Ва икки юз устихонининг ўртасида икки адад жағ устихони бордурки, шакли учбурчаклик бўлиб, ҳар бирини бир бурчаги кўзни бурун тараф ёнидин ўтиб, баланд тараф бурчагиға етар. Ва кўзни ост тарафида ҳам бироз бурчакға ўхшаш зиёдалиқ бордур. Ва шул зиёда жой ила юқори тараф бурчакни ўртаси кўзга ёпишгандур.




7-шакл



7-шакл


Аммо шул зиёда жой то икки арпа бўйи-гача шул арпани устихони кўзни коса-сига қайрилиб кириб, кўзни ост ва чак-ка тараф ёнининг зоҳир тарафига девор бўлгондур ва бир бурчаги юқори лабни ўртасига ва бири жағ тишни ўртасига келур. Ва оғиз тараф ёни ҳам оғизни ичига қайрилиб, танглай устихони бўлгондур. Чунончи, ушбу 8-шаклда танглай устихонининг кўриниши, 9-шаклда юз тарафдин кўриниши кўрса-тилуру.



Ва яна 2 адад бурун устихони бордур-ки, шакли мураббаъи мустатили мухталиф ул-азлоъдур, яъни ҳар тара-фини узун-қисқалиги бир-бирига мухолиф бўлуб, ҳар иккисини энг узун тарафи икки тарафдаги жағ устихониға ёпишгон ва андин қисқароқ тарафи ила ҳар икки устихон бир-бирига ёпишгандур. Ва андин қисқа-роқ тарафи паст тарафда бурунни нисфи (ярми)ға етгандур. Ва боқийси ғузруф ила тамомдур. Ва энг қисқа тарафи икки қош ўртасида пешона устихониға ёпишгандур.

Чунончи, 9-шаклдаги 3-рақамлик икки адад устихон бурун устихонидур.


Яна 2 адад устихон икки тараф юқори жағ тишни орқасида устундек бўлиб ту-рарки, бир ёни усти тарафи икки жағ усти-хониға ёпишган бўлур ва номини амуд ут-тавоҳин дерлар. Ва яна қулоқни ичида уч ададдин икки қулоқда 6 адад устихон бор-дурки, бирини азм ул-амуд, яъни болға усти-хони дерларки, гўёки бир палла бодом пўчоғини сувратида бўлиб, ич тарафи қулоқ пардасини гардишиға тўнкарилган бўлур. Ва ани учи қулоқ пардасига тегиб турар ва бири сандон устихонидурки, араб-да азми сандалиий дерлар. Бунини шакли ҳам болға устихони шаклидадур, учи мия та



10-шакл

рафга қайрилиб, азма рикобийни бандиға тегиб турар. Ва ён тарафи ила болга устихонининг ёниға ёпишиб турар. Ва қулоқни орқа тарафида сандон устихони ва чакка тарафида болга устихони турар. Ва азма рикобий, яъни узанги устихонининг банди сандон устихониға ва таги даражоти савтийға ёпишгандур. Чунончи, 10-шаклда чап қулоқни устихони кўринур.

Билмоқ керакки, бу устихон ниҳоят даражада кичик бўлур, лекин шаклда азбаройи тушунтирмоқ учун катта кўрсатилдики, бу шаклда кўринган доира қулоқни тешигига пардадур. Ва катталиғи ҳам тахминан қулоқ тешигига ўн баробардур. Ва яна икки адад паст жағни устихони бордурки, ҳар иккиси бир-бириға энгакни ўртасида пайванд бўлгандур. Лекин бу пайвандға работ восита бўлгон эмас. Ҳаттоки, бодий назарда пайвандлик ҳам эҳсос қилиниб бўлмас, чунки бу устихоннинг ҳар бири алоҳида ҳаракатга муҳтож ҳам эмас, шунинг учун ва ҳам қаттиқ жирмлик нимарсани зўр бериб тишлаб синдирмоқда пайвандни жудо бўлмасин учун Ҳакими Мутлақ ани пайвандини мустаҳкам ҳал қилгандур. Бинобарин, бодий назар ила кўрган ҳукамо ҳар икки қуйи жағни фақат бир ададлигини заъам (хаёл) қилгандурлар. Ва ҳар бирини нисфи энлик ва нисфи энсиздур. Бас, энлик тарафини ҳам



икки боши гўё тевани ўрқачидек баланд қубба ва ўртаси пастдир. Бас, бир тарафдаги қуббаси юқори жағни мунтаҳосидаги чуқурликда турар. Ва иккинчи қуббаси юқори жағ умудини орқасида турар. Чунончи 11-шаклда бир тараф жағни ва 12-шаклда ҳар икки тараф жағни кўрсатилур.

Ва яна 32 адад тиш бўлур, лекин мутлақо эмас. Балки баъзи одамда 28 адад ҳам бўлурки, ҳар ҳолда нисфи юқори жағда ва нисфи қуйи жағда бўлур. Ва инчунин, тишни асл моддасида ҳам ихтилоф

бордурки, Жолинус ва Собит ибн Қуррабош ва аларға тобеъ кишилар тишни асли устихон эмаслигини, балки пай эканини даъво қилиб, анча далил учун тишда эҳсос бўлуб, иссиқ ва совуқда ани озорланмоғини, ҳатто баъзи одамни тишида ихтилож, яъни титроқ пайдо бўлмоғини, бу эса пайға махсус хосият эканини баён қилур. Ва Дискуридус ва Фарҳати Румий ва Боқуни Юнонийлар тишни ҳам устихон ва ҳам пайдин ҳам мураккаблигини, шунинг учун устихонлик жавҳари ила қаттиқлигини ва пайни жавҳари ила эҳсос қилинмоғини даъво қилурлар.

Ва ҳаким Суқрот ва Салмони Ҳиндий ва аларни тобеълари тишни ўзи устихон бўлиб, лекин ани устидин гўё минодек қопланган пай жавҳари борлигини даъво қилурлар. Аммо ҳаким Арастузимус ва Буқрот ва Абу Саҳл ва Антокий ва Шайх ур-раис ва Муҳаммад ибни Маҳмуд ва Розийларни наздарида тиш фақат устихондур. Лекин ани ҳисси тишни ушлаб турган пайдадурки, тишни остида ва милқда бўлур. Ва шул қавл саҳиҳроқдур. Чунки, агар тишни устида ёки таркибида пай бўлиб, эҳсос қилур бўлса эди, тишни тарашлаганда ва қирганда озор бўлса керак эди. Ва лайса фа-лайса.


Ва инчунин, тишни устихони аъзойи зотийадин бўлиб, манийдин ҳосил бўлганлиги ёки аъзойи ҳодисадин бўлиб, ғизодин бўлганлигида ҳам кўб ихтилоф бордур. Лекин ихтисори калом (сўзни қисқа қилиш) учун баёни тарк этилди.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бутун бошни атиббо истилоҳларида уч қисмға тақсим этиб, ҳар бир қисмини бир бошқа исм ила айтилуру. Чунончи, фақат мияни ўраб турган устихонларни арабда жамжама ва фарсийда косаи сар (бош косаси) дерлар. Ва алардин бошқа юқори жағда бўлгон устихонларни арабда факки аъло ва лиҳойи аъло ва форсийда шиққи боло дерлар. Ва қуйи жағни арабда факки асфал ва лиҳойи асфал ва форсийда шиққи зерин дерлар. Бас, мияни косасининг устихони етти адад. Ва факки аъло йигирма икки адад ва факки асфал икки адад ва ўттиз икки адад ва мажмуъи 63 адад устихондин мураккабдур.


Ва бу устихонларни ҳар бирларига пайванд бўлиб турган чокларини арабда дуруз ва шиван дерлар. Ва шиван икки хил бўлуруки, шивани содиқа ва шивани козиба дерлар. Чунки бу шиванни баъзиси ҳам зоҳир тарафидин ва ҳам ботин тарафидин маълум бўлиб турарки, ҳар икки

устихонда гўё аррани тишидек майда тишлар бўлиб, бир-бирини ароси-ға кириб, бир-бирини тишлашиб турганлиги кўриниб турар. Шунинг учун буни шивани содиқа дерлар. Ва баъзиси зоҳир тарафдин кўринар. Лекин орқа тарафда ани тишлари номаълум бўлиб, текис ва муттасил кўринур ва баъзиларини тишлари мутлақо бўлмас ва текис пайванд бўлгон сабабдин номаълум бўлур. Шунинг учун ани шивани козиба дерлар.

Ва Муҳаммад ибн Маҳмуд Чағминий «Қонунча»да факки аъло ўн тўрт адад ва қоъидаи димоғ бир адад, демаклари ҳам шивани козиба-сида саҳв ёки они эътибордин соқит қилгонлариға мабнийдур. Ва шивани содиқалар мияни косасида ва факки аълода мавжуддур, аммо факки асфалда йўқдур. Чунончи, мияни косасидин тўрт тараф девор устихони ва устидаги қаҳф устихонларининг чоки ва кўзни азмуд-думуъи ва бурунни ва юзни устихони ва юқори жағ устихони ва қулоқ устихонларини чоки ҳаммаси шивани содиқадаур. Аммо амуди тавоҳин ва кўзни устихони ва чакка устихони ва қулоқни ғилоф устихони ва бўлақларни чоки шивани козибадур.



13-шакл




14-шакл

Ва буларни ҳар бирини шакл ила кўрсатмоқ учун мумкин эмас, лекин баён вақтида бир навъи нусхани назарда мавжуд бўлмоғи таълим учун муъиндур. Бинобарин, факки аълони бир бошқа шаклда ва факки аъло ва асфални, кўшиб бир бошқа шаклда кўрсатилур ва ҳам нусхани ҳар тарафдин кўриниши бошқа бўлгон сабабдин 13-ҳам 14-шаклда чап тарафдин кўриниши кўрсатилур. Чунончи, ушбу 13-шакл фақат факки аълодур ва 14-шакл факки аъло ва асфалдур. Ва мазкур шаклдаги дандоналик чизиқлар шивани содиқадаур. Ва дандонасиз чизиқлар шивани козибадур. Ва ҳар қитъа устихонда рақамлар ёзилгандурки, 1-рақам

пешона устихонидур ва 2-рақам чап тараф девор устихонидур. Ва ушбу устихонни ўртасидин бир шох масаллиқ устихон ўсув, кўз тарафига қайрилгандур. Ва ани орқасида ўнг тараф устихони ҳам шу шаклда бўлур.

Ва 3-рақам чап тараф қаҳфдур ва ани орқасида ўнг қаҳф бўлур. Ва 4-рақам орқа тараф устихони ҳам мияни батни охирини маконидур. 5-рақам азми саржий номлик устихонни зоҳир тараф этагидурки, усти мияни батни васатиға қоьидадур. Ва ости комдур ва маъсирадин назла қўйилса, шу устихонни ичидаги тешукдин ичга кетар ва олди тарафи юз устихониға ва орқа тарафи орқа тараф девориға ва остини олди тарафи юқори жағни танглай устихониға ёпишгандур. Ва 6-рақамлик азм ус-судуь, яъни чекка устихонидурки, юз устихони ва ёнларини шохларини тагида воқеъ бўлиб, буни усти ва шохларини ости гўё ҳалқадек тешиқдур. Ва 7-рақамлик юз устихонидурки, азм ул-ҳад дерлар. 8-рақам юқори жағ устихонидур ва 9-рақам азм уд-думуь устихонидур. Ва 10-рақам бурун устихони ва 11-рақам амуд ул-тавоҳиндур ва 12-рақам ҳаром мағз тешигидур ва 13-рақам қулоқ тешигидур ва 14-рақам қуйи жағ устихонидур. Бас, ушбу устихонларни пешона ва орқа устихони ва азми саржийдин бошқалари ҳаммаси икки ададдиндур. Лекин шаклда фақат чап тараф кўринур. Шунинг учун ўнг тарафда ҳам устихон борлиги эътибор этилур.



15-шакл

Аммо бош устихонининг олд тарафидин кўриниши ушбу 15-шакл тартибидадурки, икки адад 1-рақамлик қаҳф устихонидур. Ва икки адад 2-рақамлик устихон мияни ён тараф деворидур ва бир адад 3-рақамлик пешона устихонидур. Ва икки адад 4-рақамлик юз устихонидур ва икки адад 5-рақамлик чакка устихонидур ва икки адад 6-рақамлик қоьидаи димоғ бўлгон азми саржийнинг икки тараф этагидур ва икки адад 7-рақамлик юқори жағ устихонидур ва икки адад 8-рақамлик юз устихонини кўз ичига қайрилиб кирган этагидурки, зоҳирдин алоҳидаға ўхшаб кўринур.

Ва 10-рақамли икки адад муқла устихонидур. Ва 11-рақамлик икки ада азми саржийнинг доманидурки, хайшум деворидур.

Ва икки адад 12-рақамлик азми моқ ва азми думуъ исмлиқ устихондур. Ва икки адад 13-рақамлик тешук асаби мужаввафани ўрнидур. Ва икки адад 14-рақамлик узун тешук асаби муҳаррикани ва шараён ва варидларни ўрнидур. Ва шул тешикни ичида шараён ва варидларни ўрни бўлгон яна бир алоҳида тешик бордурки, зоҳир тарафдин кўринмаслиги учун бир адад кўринур. Ва икки адад 15-рақамлик пешона устихонининг этагидурки, кўзни ичига қайрилуб кириб, алоҳида устихонга ўхшаб кўринур ва кўз косасига девор ва мияни батни муқаддамга қоьидадур.

Ва икки адад 16-рақамлик қуйи жағ устихонидур ва 17-рақамлик бурун тешигидур.

УСТИХОНЛАРНИНГ ҲАЙЪАТИ ВА ТАРКИБЛАРИНИ МАНФАЪАТИ

Билмоқ керакки, бошнинг устихонларини Ҳазрати Халлоқи Акбар юқорида зикр бўлгон тартиб ва таркибда ҳал қилмоғида неча хил ҳикмат ва манфаъат борлигини билмоқ учун бандани илми кифоя қилмаски, Вожиб таъолони ўзиға махсусдур. Лекин идроки мумкин бўлгон қадарини баён қилинурки, бошни устихони таваллуд вақтидин бурун бўш бўлур. Ва таваллуд вақтида бироз қотган, лекин ҳануз чоки қотмаган бўлур. Шунинг учун таваллуд вақтида азми ёнадин ўтмоқда бироз сиқилиб, сиғиб ўтмоқға қобил бўлур. Бас, бошни устихони бутун ва туташ бўлиб, сиқилмоқ учун ноқобил бўлса эди, таваллуд мумкин бўлмай, аксар вақтда она ҳам, боласи ҳам ҳалок бўлур эди. Ва агар устихонлар пайванд бўлмаса ҳам, ўзи бўш бўлиб, сиқилмоқға қобилиятли бўлса эди, ул вақтда мияни муҳофазасига ҳам ожиз бўлур эди. Ҳолбуки, устихонни хилқатиға асл сабаб ҳар узвни шакли махсусасида сақламоқ ва муҳофаза қилмоқдур.

Шунинг учун арбаъоти сабъата ашарани 13-си аркони арбаъаи бадан дерларки, бири устихон, бири гузруф, бири пай, бири гўштдур. Ва бошқа аъзон муфрадалар шу тўртни жумласидиндур. Ва баёни ўз мавридида келур, иншааллоҳу таъоло.

Ва мияни устихонидаги чокларни аррадек тишли бўлмоғида ҳикмат шулки, устихонлар агарчи пайванд сабаблик бироз сиқилмоқға қобилиятлик бўлса ҳам, лекин ён тарафиға сурулуб, мияни сиқмасин учун бошни ўз шаклидин ўзгартурмасин учун гўё бир-бириға банд ва занжир учундур.

Бас, бошни мия устихонининг пайвандлиги ва аввал ҳолда бўш бўлиб, сўнгра тадрижан қотмоғини ҳикмати шулдур. Аммо батадриж қотмоқда ҳам орқа тарафдин бошлаб қотадур. Ва мияни батни муқаддам тарафи кейин қотадур. Ҳатто таваллуддин икки-уч йил сўнгра қадар болани миясини батни муқаддами тешук ҳолда бўлуб, мияни шараёнларини зарби ўша тешиқда кўриниб турар. Ва қотгандин сўнгра ҳам мия устихонининг ҳаммадин қаттиқроғи орқа тараф устихонидур ва ҳаммадин бўшроғи пешона тараф устихонидур. Ва ҳаммадин қалинроғи қаҳв, яъни уст тараф устихонидур. Ва бул устихон ўртаси, яъни мияни косасини ҳаммадин кенгроғи орқа тарафдир ва торроғи пешона тарафидур. Чунки мияни пешона тарафи фақат ҳисси муштарақни маҳаллидур. Ва ҳисси муштарақ эса фақат маҳсусоти хорижийдин суврати кайфият олиб, ўз орқасидаги қуввати хаёлга топширмоқ учун мутасаддидурки, анинг учун оз миқдор мия ҳам кофийдур. Ва бунга мисол учун суврат олғувчи машинани фикр қилмоқ керакки, сувратни нақшиға таъйин бўлмиш оинаси ҳарчанд катта бўлса ҳам, лекин анга нақш берувчи оинаси кичик, гўё бир кўз кабидур.

Аммо мияни тарафини орқа косаси кенгроқ бўлур, чунки бу тарафда қуввати ҳофиза, қуввати воҳима ва қуввати муҳаррика ва қуввати шаҳвоний ва ғазабонийларни маҳаллидур. Ва ҳам ҳисси муштарақдин олинган сувари маҳсусаларни ва нафси нотиқа ва ақл тарафдин олингон маъонийи жузъия ва куллияларни маконидур. Ва бул қувватларни ҳар бирини тасарруфи учун алоҳида бир миқдорда мия бўлмоғи лозимдур. Шунинг учун орқа тараф устихони кенгроқ бўлиб, анда кўброқ миқдорда мия турар.

Аммо орқа тараф устихонни қаттиқроқ бўлмоғида ҳикмат шулки, бола таваллудда анони қорнида бошини ҳам қилиб ётар. Бас, агар анони қорниға хориждин бир зарба етса болани миясиға зарб асар қилмасин учун қаттиқ ва маҳкам халқ қилинғондурки, ҳам бўлиб ётганда бошни хорижи зарбаға муқобил тарафи орқа тарафи бўлур. Ва ҳам таваллуддин сўнг бола орқа тарафи ила ётмоқға мажбурдур. Бас, агар

бошни орқа тарафи бўш бўлса эди, ерни қаттиқлигининг мия озурда бўлур эди. Ва ҳам ўсмоқда устихон бўшлиқ қилиб, ерни қаттиқлиги ила суврати махсусасидин ўзгарилур эди. Аммо пешона тарафи бўш бўлмоғини ҳикмати шулки, мияни батни муқаддами ҳис ва идрок маҳаллидур. Бас, қабулни нақш учун бул маҳаллдаги мияни суюқ рутубатли бўлмоғи лозимдур.

Ва аъзони физодин насиба олмоқ таносубида мияни батни муқаддами рутубатдин кўброқ насиба олур. Ва шу таносуб ила бу батни муқаддамни ғилофи бўлгон пешона устихонининг насибаи физойясида ҳам рутубат ғолибдур. Ва рутубатни ғалабаси албатта бўшлиқ ва суслиққа боисдур. Аммо қаҳфни, яъни уст тараф устихонни қалинроқ бўлмоғида ҳикмат шулки, фусули арбаъа (тўрт фасл)ни ўзгарилмоғи ила ҳавода ориз бўлгон иссиқлик ва совуқликни асарида мия маҳфуз бўлсин учун Халлоқи Акбар бу маҳаллни устихонини қалин халқ этгандур. Аммо ён тараф устихонлардин шох масаллик устихонлар ўсиб, юз устихонининг шохига восил бўлиб, чекка устихонининг устида кўприкдек туриб, бир халқа тешукни ташкил қилмоғида ҳикмат шулки, инсонни юзида ҳусн учун ва ҳам чеккадин ўтган шараён ва пайи ҳассосаларни хорижий зарбдин муҳофаза учундур.

Аммо қулоқ устихонларини ғилофи ҳам мияга қоъида бўлмоқ ва ҳам қулоқни асбоби самъийларини ихота ва муҳофаза қилмоқ учундур. Ва қулоқни азми амуди, яъни болға устихони ярим палла бодом сувратида бўлуб, қулоқ тешуги бўлгон устихоннинг бир четига тўнқарилиб турмоғида ҳикмати мазкур болға устихони яхши ва барқарор ўрнашиб турмоғи учундур. Ва ани учи қулоқ пардасини ўртасига тегиб турмоғида ҳикмат шулки, қулоқ пардасига овоз сабаби ила ҳавода пайдо бўлгон тамавуҷ ва тўлқиндин қулоқ пардасига етган зарбдин мутаассир ва огоҳ бўлиб, ўз устига пардадек қопланган пайи ҳассоса воситаси ила ўзида ҳосил бўлгон асарни ўз ёнида турган сандон устихониға ўтказар. Ва сандон устихони ҳам ярим палла бодом сувратида бўлуб, қулоқ гардишиға тўнқарилиб турмоғи азбаройи яхши ўрнашиб турмоғи учундур. Ва болға устихониға тегиб турмоғи азбаройи андин асари савтийя олмоқ учун. Ва ани учи азми рикобий тарафиға, яъни узанги устихониға тегиб турмоғи азбаройи болға устихонидин олгон асарини узанги устихониға ўтқизмоқ учундур. Ва азми рикобийнинг ҳам банди сандон ус-


тихониға тегиб турмоғи азбаройи сандон устихонидин асари савтийя олмоқдур. Ва таг тарафи ҳалзунға тегиб турмоғи азбаройи олган асарини ҳалзунға топширмоқ учундур. Ва ҳалзунни ва ақтори мавозинотни баёни, иншааллоҳ, қулоқ ташриҳида муфассал зикр қилинур.

Аммо қулоқ филофини орқа тарафи қоиъдадин ва маъсирадин баланд бўлиб, ўртада гўё девордек турмоғида ҳикмат шулки, ҳам қулоқни асбоби савтияларини ихота қилмоқ ва ҳам мияни чайқалмай барқарор турмоғи учун ўртаға кириб ушлаб турмоқ учундур. Аммо мияни ўртасидаги қоиъдан димоғ исми ила машҳур бўлгон азми саржий, яъни эгар устихонининг ўртаси эгар сувратида бўлиб, баланд турмоғида ҳам ҳикмат азбаройи мияни маҳкам ва барқарор ушлаб турмоқ учундур. Ва ани икки ён тарафи нишиб ва чуқур бўлмоғи азбаройи мияда ҳосил бўлгон рутубати нотабийяни мундафиъ ва жамъ бўлмоғи учун макондурки, ани истилоҳда маъсираи димоғ дерлар. Аммо мияни батни муқаддамиға кўзни косаси қоиъдадурки, ҳамма қоиъдадин баландроқдур ва буни баландлиқида ҳикмат шулки, мияни батни муқаддами маҳалли эҳсос ва идрок бўлгон сабабдин суюқроқ бўлмоғи ва ғизосида рутубат кўброқ бўлмоғи лозимлиги юқорида баён бўлган эди.

Бас, мияни мағзи рутубатға назаран ғализдур. Ва ғализ нимарсани вазни оғир бўлуб, ўзи пастда қолиб, рутубатни юқориға чиқармоғи табиийдур. Ва мияни батни муқаддамиға рутубат кўброқ чиқмоғиға сабаб бўлсин учун батни муқаддамни қоиъдасин ҳаммадин баландроқ халқ қилингандур. Ва ҳам инсонға ҳусн учун мияни олдида юз яратулгондурки, агар мия тамоман юздин юқори бўлса эди, инсонни боши юзидин кўб баланд бўлиб, ҳусниға халал етган бўлур эди. Ва ҳам ҳавосси зоҳирийнинг ҳаммаси юзда бўлгон сабаблик ҳар бир ҳавоссини маркази бўлгон мия ўз муқобилида бўлсин учун мияни батни муқаддами баландроқ ва батни муаххари пастроқ турмоғи муносибдур ва ҳам мияни батни муаххари қуввати ҳофизани маҳаллидур.

Ва бу маҳаллда миядаги маҳсусотнинг нақши бақолик бўлмоғи ва тездин маҳв бўлмаслиги учун мияни қивоми қуюқроқ бўлмоғи лозимдур. Ва қуюқ нимарсани вазни оғир бўлмоғи табиийдур. Шунинг учун мияни батни муаххари пастроқ халқ қилингандур, токи ўзини сақлияти ва ўзини оғирлиги ила ўзида ҳосил бўлгон рутубатни батни муқаддам тарафиға тазйиқ этиб, сиқиб чиқариб турар. Ва ўз қивомини суюлтирмай сақлаб турар. Бас, мияни коса устихони ва ани шакли ва манфаъати маълум бўлди.


Аммо суқбалари, яъни тешукларини адади ва ҳар бирларини манфаъатини билмоқ керакки, пешона тараф устихонида икки қошнинг ўртасида бир тешук воқеъ бўлуб, бурун тешугиға қўшилғондур, токи мияда ҳосил бўлғон рутубат ва назлалар шу тешукдин чиқиб, бурун тарафдин тушар. Ва тешук агарчи, рутубати фазлийни миқдориға муносиб катта ва кенг бўлса ҳам, лекин акса вақтида мия ҳам отилиб чиқиб озорланмасин учун Ҳазрати Холиқи Акбар мазкур тешукни оғзиға устихондин тўр қилиб яратгандурки, ўзи бир адад катта тешук бўлса ҳам, зоҳиран 12 адад майда тешуклар бўлиб кўринар. Чунончи ушбу 16-шаклда маълумдур.



16-шакл

Ва яна азми саржий деган қоъидаи димоғ устихонининг эгар сувратлик жойини икки олдин, яъни икки қофтоли (ёни)ни олдин кўз тарафиға қараб 2 адад тешук воқеъ бўлуб, тешукни иккинчи тарафи икки кўз косасининг ўртасида кўз устихонларини ўрта марказидадур. Ва бу тешуклардин мажмаъ ун-нур исмлиқ икки пай утиб, икки кўзга муттасил бўлгандурки, кўрмоқни эҳсоси ушбу воситаси ила мияга етар. Ва бу пай миядин кўкарган 7 жуфт пайларнинг биринчи жуфтидур. Ва яна қоъидаи димоғ устихонида биринчи жуфт тешукни икки ёниға мойилроқ орқа тарафидин бир жуфт тешик воқеъ бўлғондур. Яъни 1-жуфт олди тарафи бир-бириға ғоятда яқин бўлиб, миёнаси тахминан бир арпа бўйи яқиндур. Аммо иккинчи жуфт тешуклар бир-биридин тахминан 2 арпа бўйи қочикроқ ва 1-жуфт тешукдин икки арпа бўйи кейинроқда воқеъдур. Ушбу сувратда:

Ва бу тешукларни иккинчи учи икки кўзни чекка тарафида ост тараф бурчагида кўзни ост устихони ила муқла устихони ўртасида воқеъдур. Ва мияни 2-пайи ушбу тешукдан кириб, кўз косасидаги мазкур муқла устихон ёнидаги тешук-



дин чиқиб, кўзга муттасил бўлгондурки, кўзни ҳаракати шул пай во-
ситаси ила ҳосил бўлур. Ва ҳам шул муқла тешугидин шараён ва ва-
рид томурлари келуб, кўзга ғизо ва қуввати ҳайвоний еткүзүб турар.
Ва яна ушбу тешикни орқа тарафида икки адад ғоятда танг тешук
бордурки, мазкур 2-тешукдин ярим арпа бўйи миқдор орқада батни
димоғни ўрта тарафиға мойилроқ, яъни бул учинчи жуфт тешук бир-
бирига андак яқинроқ воқеъ бўлгондур. Ва буни хориж тараф муқо-
билида, яъни иккинчи жуфт тешукни ярим арпа бўйи орқароқ бурча-
гида 4-жуфт тешук воқеъдурки, учинчиға нисбатан тўрт баробар кенг
ва васиъдур. Ва бул ҳар икки жуфт тешук батни авсати димоғ учун
қоъида бўлгон азми саржийда воқеъ бўлиб, 3-жуфт тешук 3-жуфт пай-
ни манфазидурки, азми саржийни яқинида қофтолни ўрнидадур. Ва 4-
си азми саржийни доманида ва маъсирани бошроғида воқеъдур. Ва
яна бу тешукдин бир ярим арпа бўйи миқдор орқа тарафида бир жуфт
тешук бордурки, тулоний, яъни тешукни ҳайъати мудаввар (юмалоқ)
бўлмай, гўё фоҳоқ бўлгон каби кўринур. Ва ҳайъати мазкур маҳал-
лдин орқа ва хориж тараф бурчагиға қараб, бир ярим арпа қаддича
чўзиқ кўринур. Ва яна шу тешукни хориж тарафиға энг яқин жойда
бир биринж бўйи миқдор орқасида ҳуққат ул-узн устихонини домани-
да бир жуфт тешук воқеъдур. Ва яна азми саржийнинг орқа тараф
ниҳоятти ила ҳуққат ул-узн устихонининг қўшилгон ўрнидан миёнада
бир жуфт тешук воқеъдур. Ва ани хориж тараф ёнида ҳуққат ул-узнни
ниҳояттида мазкурни ичиға қараб бир жуфт тешук воқеъдурки, пайи
ҳассосаи сония мяядин ўсиб, шул тешукдин қулоқға муттасилдурки,
гўё қулоқни илдизидур.

Ва яна ҳуққат ул-узнни ўртароқ маҳаллида орқа тараф ёнидин бир
жуфт тешук воқеъ бўлуб, қулоқни ғизоси ва ҳаёти учун қон ва руҳ етки-
зувчи варид ва шараён манфазидур.

Ва яна ҳуққат ул-узнни энг ўрта ва баланд устида бир жуфт ингичка
тешук воқеъдурки, қулоқни ҳалзун ва олаи мавозаналариға асаби му-
ҳаррикани манфазидур. Ва яна ҳуққат ул-узн ила орқа тараф бош дево-
ри бўлгон азми бир-бириға муттасил бўлгон миёнасида бир жуфт те-
шук воқеъдур. Ва яна мазкур тараф девор устихонини доманида бир
катта тешук воқеъдурки, мяядин ҳаром мағзни ўтадургон манфази шул-
дур. Ва яна катта тешукнинг миёнасидин кўра муқаддамроқ бўлгон
икки жонибида яна бир жуфт тешук воқеъдур. Ва яна катта танглай

устихонидин бир жуфт тешук воқеъ бўлуб, бурун тешугига бориб қўшиллуб, андин мияни батни муқаддамиға икки қошни ўртасидин бориб қўшилгондур. Ва ани манфаъати уйқуда оғиз беркилиб қолса ёки оғизда бир даво ёғизо жинси бўлиб, танаффусға монёъ бўлгонда бурундин нафас олиб туриш учун халқ қилингондур. Фа таборакаллоҳу аҳсан ул-холиқийн.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бу тешукларни жуфт дегандин мурод бир тешук иккинчисига баробар ва муҳозий (ёнма-ён) ва муқобил бўлиб, бири ўнг тараф ва бири чап тараф мияга тегишли демакдур. Ва бир жойда бир жуфт тешук деб англамасин. Аммо тешикларни ўзини баён қилиб, ани манфаъатидин сукут қилинғониға сабаб, буларни манфаъати турлик навъда бўлиб, шараён ва варид, пай, уруқи суботий ва бошқаларни манфази бўлғони учун ҳар бирини ўз ташриҳида муфассал баён қилиб тушунтирмоқ осон ва муносиб кўрилди, иншааллоҳу таъоло.

ИККИНЧИ ШУЪБА ҚЎЛ УСТИХОНЛАРИНИ БАЁНИДАДУР

Бимоқ керакки, ҳар бир қўл бар қавли асаҳҳ ўттиз бир адад устихондин мураккаб (таркиб топган)дур. Чунончи, бир адад шона, яъни курак устихонидурки, қўлни энг юқори қисми бўлиб, орқа тарафида елкадин пастроқ жойда танаға ёпишгондур. Лекин танани устихониға вобаста бўлмай, балки гўшт ва работ ва гузруфлар воситадурлар. Иккинчи азуд, яъни бозу устихонидурки, йўғон иликдур. Ва ани ўрта бели андак эгилганроқ бўлиб, дўнг тарафи хориж (ташқи) томонда. Ва хам тарафи бадан тарафда бўлур ва бу иликни юқори тараф бошида бадан тарафға мойилроқ гўёки шохмонанд учи хамроқ бўлиб, бул хамни учи ярим гириҳ шаклида дўнг ва текис яратилгондур ва куракни илдизида мазкур ярим гириҳға лойиқ чуқурлик косаси бўлиб, мазкур ярим гириҳ ўртасидин курак косасини ўртасиға работ бирлан вобастадур.

Ва паст тараф учида икки адад илик пайванд бўлиб, шу пайванд жойни мирфақ, яъни тирсак дерлар. Ва бу иликларни арабда занд дерларки, буларни бири қўлни юқори тарафида, яъни бош бармоқни тўғри-

сида ва бири паст тарафда хунсур (жимжилоқ) панжасини тўғрисида бир-бирлариға мутавозий бўлиб, юқори тарафи бозу иликиға ва паст тарафи билак суяклариға марбутдурки, арабда бул иликларни занди аъло ва занди асфал деб тасмия қилурлар.

Аммо билак устихони саккиз адад майда устихондин мураккабдурки, буларни арабда азм ур-русғ дерлар, яъни билак устихони демақдур. Ва булар яна тўрт адад кафф устихониға мурбутдурки, буларни арабда машт дерлар. Ва маштни ҳар бири ҳар бир панжани асли ва илдизи бўлиб, панжадин то каффни ўртасиғача етиб, каффни нуқсонини такмил қилгандурлар. Яъни, тўрт адад узун панжаларийки, саббоба (кўрсаткич бармоқ), вусто (ўрта бармоқ), бунсур, хунсур исмлик панжаларни ҳар бири машт устихониға марбут бўлуб, маштлар русғ устихониға мустаҳкам пайванд бўлғондур. Аммо ибҳом (бош бармоқ) панжасида машт бўлмай, бевосита русғ устихониға марбутдур. Ва яна буларға беш панжани устихони пайвастадурки, ҳар бир панжа уч бўғим устихондин мураккаб бўлиб, беш панжа ўн беш адад устихондин ҳосилдур. Бас, мажмуъи ўттиз бир адад устихон бўлиб, икки қўлда олтмиш икки адад устихон мавжуддур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, Ҳазрати Ҳакими Мутлақ ҳар бир устихонни бир шакли махсусада халқ қилмоғида неча минг ҳикмати ажиба ва санъати ғарибалар малҳуздукки, ани ихотасиға ғайр аз илми Илоҳий ҳамма ожизу маъзурдур. Лекин намуна учун дарёдан қатра қабилда баъзи фавоид (фойдалар)ини баёниға ҳақири ночиз виждонан маъмурдукки, масалан, курак устихони юпқа ва нафис халқ қилинди, токи агар қалин ва йўғон шаклда бўлса ўз сақлийяти (оғирлиги) ва салобати ила марбут бўлғон маҳаллининг гўштлариға тамаддуд ва тортилиш озорлари бўлур эди. Ва агар куракни ҳам оёқни сон илиги каби орқани фақра (умуртқа) устихониға работ бирлан банд қилинса эди, фақрани шу маҳалли васл бўлғон фақра қитъасини ҳам бутун бўлмоғи ва қўлни сақлияти ва ҳам кўтарган юклари ва ҳар хил ҳаракотға қодир ва мутаҳаммил бўлмоғи учун катта ва йўғон устихондин халқ қилинмоғи лозим бўлиб, бир неча бўғим фақра устихонлари ўрниға бир ададғина устихон бўлса, ул вақтда орқа устихонни катта ва бутунлиги инсонни ўнг ва сўлга тамойили (мойил бўлиши)ға монез бўлуб, озор берур эди. Хусусан кўкрак ва дил ва ўпкани ва шараён ва бошқа аъзойи шарифларни макони бўлғон учун орқадаги

бул катта устихон мазкур аъзойи шарифларга доим халал ва озор берур эди. Яна инсонни нафас олгон ва хусусан йўталгон вақтида ўпка ҳаво билан тўлуб, ҳажми катта бўлгонда ҳам катта устихон ўзи тазйиқ (торлик) қилуб, озор бермоғи лозим эди. Ва ҳам ўпкани ҳажмига лойиқ миқдорда кўкракни васиъ бўлувиға мазкур катта устихон монъ бўлуб, танаффус (нафас олиш) маҳол бўлур эди. Ва яна курак устихонини теккис ва мусаттаҳ (силлиқ) бўлмай, ўртасида девор каби устихон муртафиъ халқ қилинди, токи оғир юкни таҳаммули ёки кучлик хасмни жазбидағи тамаддуд ила куракни халъи ва гўштдин суғурилиб кетув эҳтимолға тадбиран ани кўб миқдор ҳам мутанаввиъ вазиятлик гўштарға ва ватр ва работға банд қилинди. Курак вазияти маъкус (терс), яъни уч тарафи паст ва пайванд тарафи юқори халқ қилинувида ҳам ҳикмат адами қабули хаълдур. Ва бошқа сабабларини ташриҳи работ ва ташриҳи ғузруфда муфассал баён қилурман, иншааллоҳу таъоло.

Аммо бозу илиги билак илигига нисбатан қарийб уч баробар йўгондур, чунки бул танҳодур, билак илиги икки ададдур. Бас, қўлни ҳамма ажзосини ва кўтарган юкларини ҳаммасини ҳақиқатан кўтарувчи ҳомили албатта шул илиқдурки, буну йўгон ва бақувват бўлмоғи лозимлиги бадиҳий маълумдур. Ва ҳам таҳаммул учун лозим бўлгон работ, асаб, ватрларни ғизоси учун тарбияға кўброқ миқдорда ёғ ва рутубати мулаййнадин захира лозимдур, яъни илик мағзи лозимдурки, бу захираға ҳам макон лозимдур. Яъни, бозу иликни жавфи ва қаваги кенг бўлуви лозимдурки, бул ҳам мазкур иликни йўгон халқ қилинувиға муқтазийдур. Аммо бозуни ўртаси хориж тарафға ҳам бўлиб чиқмоғиға сабаб шулки, хориж тарафдин бир қаттиқ зарба етса, мазкур зарбаға бозу тоқатлик бўлсин ва андак зарб ила синмасин учундур.

Ва маълумдурки, муҳаддаб, яъни дўнг нимарса хорижнинг зарбига муқоваматда тўғри жисмға нисбатан тоқатлик бўлур.

Аммо соъид, яъни билак илиги икки адад махлуқ бўлмоғиға сабаб андак ҳаракат бирлан бир-бириға ўралиб, қўлни ўнг ва сўл тарафиға буралиб ҳаракат қилмоғи учун қобил бўлмоғидур. Ва ҳам мабодо бир сабаб ила бул икки иликни бири синса, иккинчиси қойим мақом бўлуб турсун учундур. Чунки агар бир адад бўлса қўлни бул қадар буралмоғи учун устихон ўзи қаттиқ бўлгонликдин ва ани бозуға банд

қилинғон работи ҳожатдин ортиқ узун бўлмоғонидин қўлни зиёда бурулмоқға қобилияти бўлмас эди. Ва агар пайванд бўлғон работи бул миқдордин узун бўлса эди, пайванд мустаҳкам бўлолмай, қўл ҳаракати суст, балки мутааззир бўлур эди. Ва билак илигини боши китфлиқ бўлиб, китфни орқа тарафи ёнидин яна бир зиёдалик, гўё шох мисол ўсиб чиққан шаклда ҳал қилиниб, бозуға пайвандни шул китфдин қилинди. Ва зиёда шохи бозу илигини маҳалли пайванд бўлғон бошини орқа тарафида воқеъ бўлғон ариқча масал чуқурида турар, буни бу шакл хилқати азбаройи қўл орқа тарафиға букулмасин учундурки, соҳиб ўз китфидин бозуға банд бўлғони учун орқа тарафға букилса, мазкур зиёда устихон бозуға тиралиб букулмоқға монё бўлур. Аммо билак устихонларини саккиз адад майда устихонлардин мураккаб бўлувиға сабаб шулки, қўл маълумдурки, узви олийядин бўлуб, доимий ҳар хил хизматға машғул бўлувчи асбобдурки, бул хизматларни адо қилмоқда эгилмоқ ва букилмоқ ва ёзилмоқ ҳаракатларига муҳтождур. Бас, пайвандни кўб бўлуви шул ашколи мухталифаларға қобил бўлур. Аммо қафт устихонининг тўрт адад ила мутааддид бўлмоғи ҳам шул ҳикматға мабнийдур. Аммо беш адад панжаға баробар бўлмай, ибҳом, яъни бош бормоқ бундин холи бўлмоғиға сабаб шулки, қўл бир нимарсани қабз қилғон (тутғон)да ул нимарсани ҳар икки тарафидин сиқиб олмоқға муҳтождур. Ва бунинг учун бош бармоқ ила бир тарафдин ва бошқа панжалар ила иккинчи тарафдин сиқиб ушламоқда баъзи нимарсани ҳажми қўлға сигмай қолиб, ушламоқдин ожизлик бўлмасин учун бош бармоқ ила боқий панжаларни миёнаси васиё бўлуви лозимдур. Ва бул васиёлик бош бормоқни бошқа бормоқлардин узоқроқ бўлмоғи ила ҳосил бўлур. Шунинг учун ибҳомға қафт устихони васл қилинмай, бевосита билак устихонига васл қилингандур.

Ва яна маълумдурки, ҳар нимарса кам пайванд бўлса ани бунийяси мустаҳкамроқ бўлиб, серпайванд нимарсада ул қадар истеҳком бўлмас. Бас, қўлни хизматида танҳо ибҳом бошқа тўрт панжада муқобил хизмати учун буни ҳам асоси бунийяси мустаҳкам бўлмоғи ва анинг учун кам пайвандроғ бўлмоғи муносибдур. Ва яна беш панжани ҳар бири уч ададдин ўн беш адад устихонидин мураккаб бўлмоғида ҳикмат инҳинодур, яъни қабзу баст вақтида эгилмоқ ва ёзилмоғи учундур. Фа-ниъмас Сонийул-Ҳаким.

Аммо ʔунуқ, ʔъни гардан устихони етти адад фиқордин мураккаб-дур. Билмоқ керакки, фиқор фақрадурки, фақралар деган сўздур, ʔъни бўғимлардурки, ҳар бир бўғимдин бир-бирига пайванд бўлгон ва ўрта-си тешук бўлиб, ҳаммасини тешуги бир-бирига баробар тўғри бўлгон-ликдин гўё бир анбуба, ʔъни труба шаклидадурки, ани форсийда усти-хони муҳра ва туркийда умуртқа дерлар. Ва бул устихон гарданни ав-валидин учигача 30 адад бўлиб, ҳаммасини номи фақрадур. Лекин қад-дини узун ва қисқалиги ва йўгон ва ингичкалиги эътибори билан беш даражаға тақсим қилинур.

Чунончи, гардан фақраси 7 адад бўлиб, қадди ҳаммадин қисқа ҳам фил-жумла ингичкадур. Ва ҳар бири баъзи 4 адад ва баъзи 2 адад шох каби ўсуб чиқиб, бирини ўнг тарафдин ўсгани ўнг тарафға ва чап та-рафдин ўсгани чап тарафға қайрилган зиёда қуббаси бўлур. Ва иккин-чи фақрадин ўсгон қуббаси эса ўнг тарафдин ўсгани чап тарафға ва чап тарафдин ўсгани ўнг тарафға қайрилган бўлур. Токи гардан бир тарафға қайрилиб қараганда ҳар бир фақра ўзини пайванд бўлгон ўрни-да мазкур тарафға андак-андак мойил бўлиб, 7 адад фақрани майлони мақсудға кофий даражада бўлур. Ва бундин зиёда майлон қилса фақ-рани банд қилиб тургон работи узилмасин ёки озорланмасин учун Ҳаки-ми Мутлақ мазкур зиёда устихонларни бир-бирига илгак қилиб ярат-гандурки, фақрани зиёда айланмоғиға мазкурлар бир-бирлариға или-ниб қолиб монё бўлурлар ва бул зиёдани арабда жаноҳ ва туркийда қанот дерларки, бул қанот фиқор ус-садрни ўн иккинчи фақрасидин бошқа ҳамма фақраларда мавжуддур.

Иккинчи даражали фақраларни фиқор ус-садр дерлар, ʔъни кўкрак фақралари демақдур. Ва кўкракға нисбати шул сабабдиндурки, бул фақра-ларни қадди кўкракни қаддига баробар ва муҳозийдурлар, ҳам бул фақра-ларға муттасил бўлгон қобирғаларни 7 жуфтининг иккинчи учи кўкрак – тўш устихониға муттасилдур. Бас, бул фақраларни ҳаммасида қанот мав-жуд бўлуб, фақат ўн иккинчи фақра қанотдин холи. Сабаб шулки, кўкракни ҳижоби ҳожизи шул фақраға келиб муттасил бўлгондурки, қаноти бўлса ҳижобға озор берар эди. Бас, бу фақраларни адади 12 адад бўлиб, ҳар бирида бир жуфтдин 12 қобирға муттасилдур. Ва интариқаки, қобирғалар-ни адади 24 адад бўлиб, 12 адади ўнг тарафдин ва 12 адади чап тарафдин фақраға муттасилдур. Чунончи, ҳар икки фақраға икки ададдин тўрт адад қобирға муттасил бўлуб, ҳам учунчи ҳам иккинчи фақраға муштарақ мут-

тасилдур. Чунки ҳар қобирғани учиди икки зоида бўлиб, ҳам фақра қанотида икки адад қаваклиқ ҳам мавжуддур. Бас, қобирғани бир зои-даси иккинчи фақрани охирғи ковакиға ва бир зоидаси учинчи фақрани биринчи ковакиға пайванд бўлиб, мафсил музоъаф ҳосил қилғондур ва боқийлари ҳам ҳоказо.

Бас, шул тариқа бирлан 14 адад қобирғани бир тарафи фақраларға ва бир тарафи тўшға келиб муттасилдур. Ва боқий 10 адади қисқа қобирғалар тўш ёки бошқа маҳаллға пайванд бўлмай, фақат биқин гўштини ичиди қолғондур. Фақат бироз ғузруфларғина қобирға ила гўшт миёнасида воситадурлар. Ва қобирғалар батадриж бир-биридин қисқароқ бўлиб, энг охиринчи қобирға ғоятда қисқадурки, зильи қусайрий (қисқа қобирға) деб тасмия қилинур. Ва бул фақралар ҳақиқатдан орқа фақрасидур. Ва ҳам аксар ҳукамо орқа фақраси деб баён қилғондурлар.

Аммо учинчи даржали фақра бел фақрасидурки, арабда азми қутн (пахта суяги) дерларки, беш ададдур. Ва бу фақраларда қобирға йўқдур. Лекин қанотлари юқоридаги фақралар қанотиға назаран каттароқ ва сербарроқдур. Аммо фақрани ажуз, яъни қуймуч фақрасидурки, корсон фақраси ҳам дерлар. Булар уч адад фақрадин мураккабдур. Ва шул фақраларға азми ёна, яъни корсон устихони марбутдур. Ва бу фақралар йўғонлик ва узунлик ва қаттиғликда ҳамма фақралардин зўрроғидур. Ва ҳам бир-бирига пайвандлари ҳамадин мустаҳкам ва қанотлари ҳам бошқа қанотларға нисбатан ариз (кенг) ва сербарроқдур. Ва ҳам бошқа фақраларни ҳар бирини икки тараф ёнидин бир ададдин икки адад пай ҳаром мағздин кўкариб чиқиб, баландға таралғандурки, иншааллоҳ, «Гашриҳи аъсоб»да муфассал баён қилурмиз.

Аммо бул фақрани пайлари икки ёнидин кўкармай, балки орқа ва ички тарафларидин кўкаргандур. Чунки бу фақраларға азми ёна муттасил бўлғондурки, агар пайлар фақрани ёнидин кўкарса мазкур азми ёнани ҳаракатида эзилиб озорланмасин учундур.

Билмоқ керакки, азми ёна устихонининг ўзиға бир номи махсуса йўқдур. Лекин буни тўрт жиҳати тўрт узвға муносабатлик бўлғони учун ҳукамо миёналарида тўрт хил исм ила машҳурдур.

Чунончи, бир тарафи ажуз тарафға муносабатлик бўлғони учун азми хосира дерлар. Ва форсийда устихони таҳягоҳ дерлар, яъни оч биқин устихони демақдур. Иккинчи жиҳати, яъни икки тарафдаги

ичкарига қайрилган доманининг хориж тарафини ҳуққ ул-фахз, яъни ҳуққай рон – сонни косаси демакдур.

Чунки мазкур маҳаллда икки адад коса мисолида чуқурлик бордурки, сон илигини учига ярим курра шакллик қуббаси шул косани ичига маркуз бўлиб ёпишгандур.

Ва учинчи жиҳати қовуғ тараф бурчагидурки, ҳар икки устихон шул тарафда бир-бирларига пайвастадурлар. Ва бул эътибор ила азми ъона дерлар. Азми зуҳҳор ҳам дерлар. Ва зуҳҳор мўй чиқадурган мавзеъ ҳам демакдурки, андин мурод мўйи зери ноф (киндик ости мўйи)-дур.

Ва тўртинчи жиҳати орқа тараф ва ён тараф бурчагидур. Бул эътибор ила азм ул-варк ҳам дерларки, варк мазкур устихонни фақрага ёпишқон жойи ила сон иликига ёпишгон жойининг миёнасини айтулар. Ва форсий-да устихони сўрин дерлар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, азми ъонани одати атиббода икки адад деб баёни машҳурдур. Лекин ҳақиқий тўрттадур. Ҳуққ ул-фахз азми ъонадин жудодур. Лекин жудолиғи бодий назарда эҳсос қилиб бўлмас даражададур. Шунинг учун таъдоди изомда ҳуққул-фахзни алоҳида ҳисоб қилмоқда байнал ҳукамо ихтилоф кўб бўлуб, асаҳҳ қавлда ҳисоб қилингандур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, гарданни фақрасини ҳажми ҳамма бошқа фақралардин кичик, яъни ҳам ингичка, ҳам қадди қисқадур, чунки фақат бошни кўтариб турар ва бошқа юки йўқдур. Шунинг учун бундан йўғон ва бақувват бўлмоқга ҳожат ҳам йўқдур. Аммо қадди қисқаликни манфаати шулки, гардан ўнгу сўлга қараганда тамойили комил ва қадрри ҳожатга кофий бўлсин учундур. Чунки агар қадди узун бўлса эди, 7 адад фақрани ўрнида уч ададгина фақра бўлуб, алар мобайнидаги икки адад пайвандни тамойили ҳожатга кифоя қилмас эди. Лекин ҳар фақра ўзини устидаги фақрага нисбатан андак-андак йўғонроқ ва узунроқ бўлиб, то мазкур сон фақрасиғача мутафовит бўлур. Ва фақраларни энг катта бақуввати корсон фақрасини учинчи фақрасидур. Бас, бул гардан фақрани биринчисининг икки тараф ўрта биқинида бир ададдин икки адад суқба, яъни тешук бордур. Ва боқий олти адад фақрада тешук йўқдур. Ва ани манфаатини, «Ташриҳи аъсоб»да муфассал баён қилтурмиз, иншааллоҳу таъоло.

Ва бундан сўнг орқа фақралари ҳам бошни, ҳам гардан фақраларини кўтарурлар, шунинг учун булар гардан фақрасидин йўғонроқ ва

бақувватроқдурлар. Ва орқа фақрани охири бўлгон 11-ҳам 12-фақраларда, ҳам 1-гардан фақрасиға ўхшаш икки адад тешиги бордур ва бошқаларида йўқдур. Ва бундан сўнг бел фақралари бошни ва гардан фақраларини ва орқа фақраларни ҳомили бўлғони учун албатта аввалғилардин бақувватдур. Ва бул фақраларни адади беш адад бўлиб, мазкурдин биринчи ададини ўзига махсус тешиги бордур. Ва боқий тўрт ададда тешиги йўқдур. Аммо фиқор ул-ажуз, яъни корсон фақралари ҳаммадин йўғон ва бақувват фақралардурки, уч фақрадин мураккабдур. Хусусан учинчи фақра ҳаммадин йўғон фақрадур. Чунки бутун танани ҳомили шул фақрадур ва буларни ҳомили азми ьона, яъни корсон устихонидур. Шунинг учун ва ҳам аъзойи шарифаи нафисаларни, чунончи масона (қовуқ) ва раҳм ва мақъад (орқа тешик) ва қазиб (олат) ва фарж (аёллар жинсий аъзоси) ва авъийяи маний (уруқ идиш)ларини макони ва муҳофизии (сақловчиси) бўлғони учун Сониъи Бемисол ва Ҳақими Баркамол (яъни Аллоҳ) бул устихонни гўё бир мустаҳкам қўрғон қилиб, ғоятда бақувват устихондин халқ қилғондур.

Ва охиринчи даражалик фақра фиқор ул-усъус, яъни думғаза фақраларидурки, уч фақрадин мураккабдур. Ва ҳам юқори фақраларни аксича, ҳам юмшоқ кўмик устихондин махлуқдур. Ва ҳам биринчисидин иккинчиси ва иккинчисидин учунчиси кичикдур. Фақраларни энг охири бўлгон 30-фақра шул учинчи думғаза фақрасидур. Ва шул фақрани таги ва ниҳоятда бир тешук бордурки, ҳаром мағздин бир пай кўкариб шу тешиқдин чиқиб таралғондур. Ва бошқа тешуги йўқдур. Ва боқий тафсилоти «Ташриҳи аъсоб»да баён қилинур, иншааллоҳу таъоло.

АММО ТЎРТИНЧИ ШУЪБА – ТАРҚУТ

Тарқут, яъни елка устихоники, форсийда ани чанбаргардан дерлар. Ва бу устихон икки ададдин мураккаб бўлуб, бири ўнг тарафидин ва бири чап тарафидин бир учи тўш устихонининг устидаги наҳр деган устихонға муттасил, яъни пайванд бўлғондур. Ва иккинчи тарафи куракни бозуға пайванд бўлгон жойиға ва курак устихонининг мафсил тарафидаги ўсиб чиққан ниҳоятиға қўшилиб пайванд бўлғондур. Ва ўзи ҳам ноҳамвор (нотекис) бўлиб, муҳаддаб (дўнг) тарафи хорижда бўлғони учун ўртада катта тешук ҳосил бўлғондур. Яъни,

орқа тарафни курак устихони ихота қилиб, кўкрак тарафни чамбар устихони ихота қилгон ва миёнада кубур каби бир катта тешик ҳосил бўлгондурки, ўнғач ва кекирдак ва аврида шароинларини юқорига чиқмоқлари ва миядин пайларни тушмоқ йўллари шул тешукдиндур. Шул сабабдин бу устихонни форсийда чанбар дерлар, яъни чанбар гардиш, яъни ўртаси тешук ва доирадур ва ани тасғири ва кичкинасини чанбарак дерлар. Ва чанбар устихони фақат инсонда бўлур. Бошқа ҳайвонда бўлмас.

Аммо наҳрлуғатда тевани сўймоқдур ва истилоҳи атиббода кўкрак устихонининг энг юқори қисмини айтурлар. Ва важҳи тасмия шулки, тевани гардани узун ва танаси катта бўлғони учун шариятда тевани икки жойдин сўймоқ лозимдурки, бири бўғзидин ва бири гарданни остидин, яъни тўш устихонни устидин, токи тамоми бадандаги қон икки жойдан баробар чиқиб, тезроқ ўлсин ва кўб қийналмасин учундур. Ва зикри ҳол ба иродан маҳалл қилиб ушбу теваға махсус бўғизлов жойини ҳам наҳр дерлар. Аммо атибболар зикри зарф ба иродан музраф қилиб, шул жойда воқеъ бўлгон устихонни ҳам наҳр деб тасмия қилгондурлар. Ва наҳрни шакли фил-жумла мураббаъи мухталиф ул-азлоъ бўлуб, ости тарафи зилъи тўш устихонининг эниға баробар, ҳам бир-бирларига шул зилъи (қобирға)дин пайванд бўлгондурлар. Буни юқори тараф зилъини икки тараф бурчагига чамбаракдин пайвастадур.

Аммо садр, яъни сийнаки, туркийда тўш устихони дерлар, буни «Қонунча»да ва ани шарҳларида ва баъзи кутуби мутақаддиймиёнда етти ададдин мураккаб деб баён қилгонлар. Лекин ҳақири ҳечмадон (яъни муаллиф) ҳозирги замонда ғоятда мураввиж бўлгон таълим ва тажриба хоналарда мавжуд бутун ҳайкали инсон устихонларини тафаҳхус (диққат) ила кўрдум, фақат икки ададғина эдилар. Мабодо беғузруф ё беработ муттасил бўлувини мулоҳазасида кўб тажассус (тадқиқ) қилдим. Ҳаттоки, агар пайванд бўлса баосоний синар деб имтиҳон учун синдурмақға қасд қилиб, кўб ҳаракат қилиб, синдирмоқға қодир ҳам бўлолмадим. Сўнгра сийна устихони бир адад экан деб қоний ва мутмаъин бўлдум. Ва устодони мотақаддиминларни баёнлари бар важҳи басират бўлмай, ривоятларға мабний бўлувини ёки аксари ҳукамо иттифоқларинча адади изоми инсонийя 248 лиғи мажҳул бўлғони учун машҳур устодларимизни китобларида қулоқни азми амудий, азми сандоний ва азми рикобий исмлиқ икки

қулоқдағи олти адад устихонни баёни бўлмоғони учун алар устихон ададини машҳур 248 га тўлдирмоқда бошқа ҳайвонлар сийнасиға қиёсан ҳам сийнаға вобаста бўлгон қобурғалар ададиға тўш устихони етти адад бўлур деб, ақида қилгон бўлсалар керак, деб занн (гумон) қилдим.

Шунинг учун ўз итминимға биноан тўш устихонини бир адад ва наҳр устихонини бир адад деб ёзурман. Ва бул тарки адабим учун қоринийни киромлардин умиди авф қилтурман. Фал-ҳаққу индаллоҳ.

АММО БЕШИНЧИ ШУЪБА — ИЗОМ УР-РИЖЛ

Яъни, оёқ устихонлари. Ҳар бир оёқ бир фахздин ва соқдин ва бир қадамдин мураккабдур, яъни сон илигидин ва пойча илигидин ва қадам устихонларидин мураккабдур.

Аммо сон илиги инсонни ҳамма устихонларидин энг катта ва зўридур, чунки ҳамма юқори жасадни ҳомили (кўтарувчиси) ва пастни ноқилидур ва ани вазияти муҳаддаб, яъни эгри бўлиб, хориж тараф ёни дўнгроқ ва ичкари тараф ёни чуқурроқдур. Бас, бу шаклни фойдаси шулки, ўлтиришда ҳусни итоатлик қобил бўлур. Ва хориждин етган зарбага тоқатлик бўлур. Ва ҳам чуқур тарафи сонни катта узласини сиқиб озор бермас, балки мазкур узлани ва пайларни ва томурларни ўз ичига олиб, ҳимоя ва муҳофаза қилур.

Ва ҳам сон тамоми жасадни ҳомили бўлғони учун катта узла ва ватр ва работ ва гўштар бу жойда кўб бўлмоқлариға муҳтождур ва бул қадар нимарсалар сонда мавжуд бўлгон ҳолда агар илик хамсиз ва тўғри бўлса икки оёғни сони бир-бириға сиқилиб ҳаракатға монёь бўлмасин учун шул вазиятда халқ қилинди. Ва яна мазкур иликни юқори бир адад ярим гириҳ шаклида бир қуббаси бордурки, унсий тарафқа, яъни ичкари тарафқа мойил бўлиб, корсон устихонининг фақраси, яъни косачасиға маркуз (ботувчи)дур. Ва бу қуббани унсий тарафға мойиллиги ҳам икки сонни бир-бириға яқин бўлиб, ҳаракатға монёь бўлмасин учундур. Ва бул иликни паст тарафида икки адад қуббаси бўлиб, ҳар икки пойча иликни бошлариға мустаҳкам работ ила марбут бўлгондур. Ва бу мафсилни устиға бир адад мудаввар

шакллик азми ғузурфийки, бир тарафи дўнг ва бир тарафи андак чуқурликдур, тўнқарилиб қоплангандур, токи мафсилда заводид ва пайвандни беркитиб турар. Ва буни номи арабда разфа ва айн ур-рукба деб тасмия қилинур. Ва форсийда оинаи зону дерлар ва туркийда тиззани кўзи дерлар. Ва ани бошқа фойдаларидин бири шулки, мафсил (бўғим) работ бирлан банд бўлғондурки, мизожи совуқдур. Ва андак совуқдин кўб мунфаъил бўлур ва оёқ доим совуқ ҳавога қарши борар. Ва тизза аксари қаттиқ совуқ ҳавога муқобил бўлур, шул вақтларда тиззани совуқ ҳаводин маҳфуз тутмоқ шул азми ғузурфийнинг вазифасидур. Ва яна тизза олди тарафга букилмасин учун шул ғузруф (тоғай) ҳомий ва монёе бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, тиззани кўзи хусусида байн ал-ҳукамода ихтилоф бордур. Чунончи ҳақим Қарший ва Форобий ва Антокийлар наздида ғузруф (тоғай)дур, устихон эмас. Аммо Абу Саҳл ал-Масиҳий ва Хусайний ва соҳиби «Аломот»лар устихонга писанд қилғондурлар. Ва баъзилар устихон ила ғузруф мобайнида деб таъбир қилғондурлар. Ва бул хусусда Муҳаммад ибни Маҳмуд ал-Чағминий «Қонунча»ларида мутлақо такаллум қилмагандурлар. Лекин буни ўзи мутазаамминни фавоид ва лойиқи шарҳ бўлғони учун шаммас баён лозим кўрилдики, бу ҳам таъдоди изомға дохилдур. Чунончи, Шайх устихон ила ғузруф ўртасида восита йўқлигини тасриҳ қилиб, разфа ҳақиқатдан устихондур, деганлар.

Аммо соқ, яъни пойча икки адад иликдин мураккаб ва ҳар иккиси бир-бирлари бирлан мутавазий бўлиб, икки учлари ўз мафсилларида биргалашиб пайванд бўлғон учун гўё бир адад бўлиб кўринар. Ва бу илик ҳам хориж тарафга муҳаддаб ва дўнгроқдур ва ичкари тарафга муқаъар ва коваклик бўлиб, ани манфаати ҳам сон иликида мазкур бўлғон кабидур. Ва бу иликларни арабда қасбатайн ул-кубро вас-суғро деб тасмия қилғондурлар, яъни каттароқ қасаба ва кичикроқ қасаба деган сўздур. Ва қасабани маънисинай қамичдур. Ва ани кубро ва суғро демакни маънисини шуки, бул иликни унсийси, яъни ичкари тарафдагиси ҳам йўғонроқ ва узунроқ бўлиб, юқори тараф сон иликига ёпишгандур. Ва ҳақиқатан пойча илики шулдурки, ани номи қасабаи кубродур ва бутун жасадни ҳомилидур. Шунинг учун йўғон ва бақувват қилингандур. Ва паст тараф учи ичкари тарафдин тўпуқ устихониға ёпишгандур-

ки, зоҳирда кўринган ички тараф тўпиқ шул иликни паст тараф учини ёнидур. Аммо хориж тарафдаги илик биринчиға нисбатан ингичкароқ бўлиб, ҳам уст тарафини сон иликиға ва ҳам ён тарафини соқи кубро бошиға пайванд бўлғондур. Ва ост тарафи ёни бирлан соқи кубро иликиға ва тўпиқға пайванд бўлиб, ост тарафи товонға пайванд бўлғондурки, зоҳирда кўринган тўпиқ шул иликни учидур. Лекин билмоқ керакки, тўпиқни арабда каъб дерлар. Ва каъбни маъноси баланддур. Шунинг учун зоҳирда бизға кўринган тўпиқ ҳақиқий бўлиб, бу ташриҳда айтилган тўпиқ мажоз баъътибор бўлса керак, валлоҳу аълам бис-саваб.

Ва ани манфаати хориждин лоҳиқ бўлган зарба ва офатларға муқовамат қилиб, соқи кубро ва болдир узласини ва пайларда шароин ва авридаларни ҳимоя қилмоқ ва мумкин қадар соқи куброға муъин (ёрдамчи) бўлмоқдурки, ани соқи суғро дерлар. Ва соқ иликлари сон иликиға назаран яна қисқароқ халқ қилингандур, токи қисқалиғи жасадни таҳаммулиға бақувват ва ўзини ҳаракатида енгил бўлсин учундур.

Аммо қадам бир тўпуқдин, бир товондин ва бир заврақий ва бир нардий ва уч адад русғ ва беш адад маштдин ва беш панжадаги ўн тўрт бўғим ва устихондин мураккабдур. Ва тўпиқни арабда каъб дерлар. Ва авом ўртасида қадамни юқори қисмини ҳар икки тарафида махсус бўлган ҳар икки адад дўнглиқ устихонни тўпиқ деб машҳур бўлса ҳам, истилоҳи атиббода ул тўпиқ эмас, балки ҳар икки пойча иликни тўпуққа пайванд бўлғон бошидур. Ва ҳақиқий тўпиқ машҳур бўлғон тўпиқни остида бир адад устихондурки, ҳар икки иликни андин кичикроқ бўлғон учун зоҳирдин махсус бўлмас ва буни тагида товон устихони турарки, ани ост тараф учи орқа тарафға мойилроқ бўлиб, пойча илигини тўғрисиға назаран ярим вершук қадар орқа тарафда заминға ўрнашур.

Ва буни манфаати қадамни ерда яхши ва мустаҳкам қарор олмоғидур. Ва бул товон тўпуқға ҳам ва ҳам қасабаи суғроға муттасилдур. Ва тўпиқ эса ўз тарафи қасабаи куброға ва ён тарафи эса қасабаи суғроға муттасилдур. Яъни, қасабаи суғрони учи тўпиққа ёндошиб ўтиб товонға етгандур. Ва тўпиқни ост тарафи андак кубба каби дўнгроқ ва заврақий устихонни уст тарафи чуқурроқ бўлиб, бир-бирини ичиға тушуб пайванд бўлғондур. Ва заврақийнинг ости дўнгроқдур, чунки заврақ деб арабда қайиқча кемани айтурлар. Маълумдурки, кемани ичи чу-

қур ва ости дўнг ва қадди узун бўлур. Бас, бул устихон ҳам оёқни олди тарафдин қарағанда шул сувратда кўринар. Шунинг учун бу устихонга заврақий деб исм қўйғондур. Ва заврақийни паст тарафи оёқни бош бармоқ тарафидин уч адад русғ, яъни майда устихониға ва оёқни хориж тарафидин нард устихониға пайванндур, аммо нард устихони мусаддас шакл, яъни олти тарафликдур. Гўё ўйинни нарди сувратида махлуқ бўлғондурки, оёғни ваҳший тарафида, яъни кичик панжа тарафида туриб унсий тараф ёни заврақиға ва ост тарафи хунсур ва бунсур маштиға пайванндур. Ва бошқа уч адад маштлар боқий уч адад русғ устихонлариға пайвастадурлар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, оёқни русғи қўлни русғиға хилофдур. Чунки оёқда русғ бир саф, яъни бир қатордур. Аммо қўлда икки сафдур ва оёқни русғи тўрт адад ва қўлни русғи саккиз ададдур. Ҳаттоки баъзилар наздида оёқни русғи уч ададдур, чунки оёқни ҳақиқатан тўрт адад русғи бўлса ҳам, лекин уч адади майдалиқда бир-бирлариға баробар бўлиб, бир адади бошқалариға нисбатан тўрт баробар катта бўлғони учун ва ани ўзига махсус исм нард бўлғони учун ва буни русғ ҳисобига қўшмай, алоҳида ҳисоб этурлар. Бул тақдирда албатта русғни адади учдин ортиқ бўлмас. Лекин баъзи бул русғни уч адад деб шубҳа қилурлариға сабаб шулки, ислом ҳукамоларини муаллими аввали, яъни «Қонунча»нинг мусаннифи Муҳаммад ибн Маҳмуд Чағминий раҳматуллоҳи алайҳ ташриҳ баёнида «Қонунча»да шул иборат ила баён қиладиларки: «Вал-қадаму мураккабатун мин каъбин ва уқбин ва заврақийин ва нардийин ва арбаъата аъзамин лир-русғи ва хамсата лил-машти вал-хамсата асобийин мураккабатин мин арбаъата ашара изаман», яъни қадам мураккабдур бир тўпиқдин, бир товондин, бир заврақийдин, бир нардийдин, тўрт русғдин, беш маштдин ҳам панжадаги ўн тўрт адад устихондин, деб баён қилғондурлар. Яъни, нардийни зикр қилиб, сўнгра тўрт адад русғни зикр қилғон эдилар. Мумкиндурки, ул киши нардийни ўзига махсус исми машҳур ва ҳажми бошқалардин катталиғи ва ҳайъати маълум бўлғони учун аввалан танҳо ўзини зикр қилиб, сўнгра русғни баёнида аз қабиллаи зикри омм баъд аз зикри хос қилиб, нардийни ҳам ҳисоблаб тўрт адад русғ дегандур. Ёки «ал-инсонун мураккабун бис-саҳви ван-нисёни»¹ муқтазосича, таълиф (ёзув)да ёки тастир (чизув)да саҳв бўлғондур. Бас, бу

¹ Инсон сўзи хато ва унутиш сўздан таркиб топган.

баённи кўрган ҳукамо шубҳа қилиб, нардийдин бошқа русғ тўрт адад деб таваҳҳум (хаёл) қилғондурлар. Баъзилари нардийни алоҳида ажратганлари учун боқий русғни уч ададлигига ҳукм қилғондурлар.

Аммо машт устихони беш адад бўлиб хунсур ва бунсур машт устихон нардиға пайванд бўлуб, боқий уч адади уч адад русғ устихониға пайванд бўлғондур. Ва машт деб арабда шона, яъни тароғни айтурлар. Бас, бул беш адад устихонни машт демоқға сабаб шулки, буларни ҳаммаси гўё тароқни тишидек қатор ва тўғри бўлиб, узун ва қисқаликда ҳам йўғон ва ингичкалиқда баробардурлар. Шунинг учун номини машт деб тасмия қилингандур.

Аммо панжа устихонлари кўлни панжасиға нисбатан ихтилофи бордур. Чунончи, кўлни машти тўрт ва оёқни машти беш ададдур. Чунки кўл ҳар нимарсани ушламоқда бир тарафдин бош бормоқ бирлава иккинчи тарафдин бошқа панжа биридан ушламоғи лозимдур. Бинобарин, баъзи нимарсалар кўлни қабзасиға сиғмай қолиб, инсонға ушламоқ харж (қийин) бўлмасин учун бош бормоқни бошқа панжалардин узоқ бўлмоғи зарур эди. Шунинг учун Ҳазрати Ҳақими Бемисол бош бормоқға машт яратмай, юқоридаги устихонға бевосита пайваста қилғондур.

Аммо оёғда ушламоқ хизмати бўлмоғи учун, балки заминда устивор турмоқға қобил бўлсин учун анга машт ададини ортиғроқ бўлмоғи муносиб эди. Бинобарин, оёқ маштини беш адад қилиб яратди. Ва яна кўлни бош бормоғи уч бўғим эди, чунки ҳар нимарсани қабз қилмоқ (тутмоқ) учун бу нимарсани қадди узунроқ бўлмоғи муносиб эди. Аммо оёқ бармоғини қабз учун ҳожати бўлмай, балки бошқа панжаларни суяб, ҳомий бўлиб туриш шул бармоқни вазифаси бўлғони учун буни бақувватроқ бўлмоғи муносибдур. Бинобарин, бу бармоқни қисқа қилиб, фақат икки бўғим устихонлик қилиб яратқондурки, қисқалик бақувватлиқға боисдур.

Ва оёқни бармоғини рост вазиятда бўлмай, бошқа панжалар тарафиға мойил вазиятда яратилувиға ҳам сабаб ани бошқа панжаларга ҳомий бўлиб турувидур. Аммо бошқа тўрт панжани ҳар бирини бўғимлари уч ададдин ўн икки адад бўлиб, мажмуи ўн тўрт ададдур.

Ва яна кекирдак ва тилни илдизини ихота қилиб, ҳеч бир устихонға марбут бўлмай, гўшт орасида муаллақ турғувчи юпқа ва юмшоқроқ ярим доира шаклида бир устихон бўлурки, номини арабда азми ҳилолий (ойсимон суяк) ва азми таҳт ул-лисон (тил ости суяги) дерлар.

Ва истилоҳи атиббои юнонийяда азми ломий («л» ҳарфисимон суяк) ҳам дерлар, яъни аларни ҳарфи ломлари шул шаклда ўнг тарафи амудий ва чап тарафи уфқий ва миёнаси мойил бўлуб ёзилур. Аммо бу устихон ҳамма инсонда баробар бўлмай, баъзи инсонда батариқаи надрат (нодир) мавжуд бўлур.

Бас, бадани инсонда мавжуд бўлгон устихонларини баёни ушбудур. Аммо ададларида байн ал-ҳукамо ихтилоф кўпдур. Лекин қавли асаҳҳда мажмуи устихон икки юзу қирқ саккиздур. Аммо ихтилоф қилғувчиларни қавллари, чунончи баъзилар икки юзу қирқ етти адад дебдурлар. Чунки алар наҳр суягини ҳисобга олмабдурлар. Ва баъзилари икки юз қирқ тўққиз дерлар. Чунки алар ҳам наҳрни ҳисоб қилмоғондурлар. Лекин хосира устихонидин ўна устихонини алоҳида ҳисоб қилғондурлар. Ва баъзилари икки юз эллик олти адад дерлар. Чунки алар баъзи устихонларики, агарчи ҳақиқатда бир-бирларидин жудо бўлсалар ҳам, лекин зоҳирдин жудолғи асло имтиёз қилиб бўлмоғон устихонларни ҳам жудо ҳисоб қилғондурлар. Ва илло аксари ҳукамо иттифоқдурларки, таъдоди устихон икки юз қирқ саккиздур. Ва бул хусусда баъътибори ҳисоби жуммал тарихий байтлар иншо қилғондурлар. Чунончи, байт:

Адади изам чу ҳоқиқи бидони баяқийн,
Ме берун ояд аз он жо ки берун меояд.

Яъни:

Устихонни чиққан жойи албатта маълумдурки,
Вақти таваллудда раҳм (бачадон)дин чиқғондур.
Ва адад ҳам ба ҳисоби жуммал икки юз қирқ саккиздур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бу ададдин самсамонийёт ва устихони ломий, яъни панжа бўғимларни пайванд бўлгон жойидаги чокни тўлдирмоқ учун работлар орасиға ўралиб тургон ғоятда майда ва юмшоқ устихонлар араба самсамонийя дерлар. Ва ани ўрнатилгон бўғим чокларни суломий дерлар. Ва яна умум инсонда мавжуд бўлмай, балки батариқаи надрат (нодир ҳолда) баъзи инсонда топиладурган

устихонлар, чунончи дилни қобидаси, яъни кекирдикни ёпишган жойида ҳалқа шакллик устихон топилғонини Шайх ва соҳиби «Комил» баён қилғондурлар. Булар ҳам ҳисобдин хориждур. Ва умуман устихонни манфаати жасад иморатиға мадор ва муҳофиз бўлмоқдур ва мадорлиги маълумдурки, инсонни жалби манфаати ва дафъи мазаррати (зарари) учун лозим бўлғон ҳамма ҳаракатиға мутасадди бўлувчи ҳар узвни қиёми ва устивори албатта устихон ила вужудға келурки, то устихон бўлмаса ҳеч узв қоим бўлолмас. Ва муҳофизлиги эса маълумдурки, масалан, бутун жасадни умури ҳаётгийясиға боис ва интизоми ҳаётгийясини ижро қилувчи маркази аъзои шарифалари, яъни дил ва ўпка ва жигар ва шароиннинг офоти хорижийдин муҳофаза қилмоқ вазифаси кўкрак устихони ва орқа фақралари ва қобирғалари ила ҳосилдур. Ва бутун жасадни интизоми умури сиёсийясиға мутасадди бўлғон мияни муҳофазаси бош устихониға мавдуъ (жойланган)дур. Ва бутун жасадни эҳтиёти табиийясиға доир узви шарифлар, чунончи, масона (қовуқ), раҳм (бачадон), авъийяи маний (уруғ идиши), асли унсайайн (икки мойк), ва асли қазиб (олат) ва унуқи раҳмларни муҳофазаси изоми ьонаға муфаввиз (топширилган)дурки, исботи даъво учун шул қадари кофийдур.

Ва илло инсон учун ҳар жузви аз аъзои инсонда (инсон аъзосининг ҳар бир қисмида) беҳад ҳикмат ва манфаатлар бордурки, аларни ихотасиға ғайр аз илми Илоҳий ҳеч ким қодир эмас.

АЛ-ФАСЛ УС-СОНИЙ ФИЙ БАҚИЙЯТ ИЛ-АЪЗО ИЛ-МУФРАДА (ИККИНЧИ ФАСЛ БОШҚА ЁЛҒИЗ АЪЗОЛАР ҲАҚИДА)

Билмоқ керакки, устихондин бошқа боқий аъзони ўн икки боб бирлан баён қилурмизки, булардин етти адади аслан ва иккиси ихтилофан (ихтилофли), учи табъан баён қилинур.

БОБИ АВВАЛ (БИРИНЧИ БОБ)

Амма-л-гузруфу фа-ҳува жисмун алийнун мин ал-иъзами ва аслубу мин соир ил-аъзо, яъни гузруф бир жисмдурки, устихондин бўшроқ, бошқа аъзодин қаттиқроқдур.

Ва гузруфни туркийда тоғай дерлар, азбаройи устихондин бошқа юмшоқ аъзоларга маҳкам ва беозор пайванд бўлмоғларида миёна восита учун ва ҳам мулойим узвларни табиий ҳожатиға муносиб шаклда тутиб, қойим бўлмоқ учун ҳал қилингандур. Чунончи, қобирғаларни учида тоғай бордурки, агар хориждин бир зарба етса, қобирға устихони гўштни тешиб ёки янчиб озор бермасликда воситадурки, зарбани қуввати миқдорича тоғай эгилиб, зарба қуввати зоҳир бўлгондин сўнг, яна аввалғи вазиятиға қайтиб, натижада ҳам гўштни янчилишдин сақлар, ҳам қобирғани синишдин сақлар. Ва яна курак устихонининг учига тоғай мавзуъ (қўйилган)дурки, оғир юкни қўл кўтарганда ва куракни паст тарафға босилғонида куракни икки гўштни кесиб юборишидин сақлаб, ўзини салобатлик жиҳати ила устихон садма (зарба)сиға муқовамат (қаршлик) қилур ва мулойимлик жиҳати ила гўштға мужонисат (ўхшашлик) ҳам қилур. Ёки, масалан, қобирғаларнинг учи ила тўш устихони ўртасида тоғай воситадурки, агар тоғай бўлмай қобирғаларнинг бир учи бўш турса эди, хориждин етган зарба ила ёки ерға ётгонда босилиши ила қобирға синиб, аъзои шарифаларни қўрғони бўлгон кўкрак қафаси вайрон бўлур эди. Ва агар қобирғалар тўш устихониға бевосита муттасил яратилсалар эди, дилни ҳожатиға лойиқ миқдорда нафас олишдин ўпка ожиз бўлур эди. Чунки, кўб нафас олув бирлан ўпкани ҳажми кенгаймоғи лозимдур. Ва кенгайса кўкрак қафасиға сиғмас ва тоғайдин холи бўлгон қобирғалар ҳам ёзилиб, кўкрак қафасини кенгайтиришға ожиз бўлур эди ва дилни ҳожатиға лойиқ нафас олиш мумкин бўлмоғонликдин ҳаётни сақлаш мумтаниъ бўлур эди. Шунинг учун тўш ила қобирға миёнасиға тоғай восита бўлиб, бақадри ҳожат ёзилиб, тортилиб, кўкракни ёзилишиға ёрдам бериб турар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, қасаба, яъни кекирдак тоғайдин яратилгондур. Яъни бир неча ҳалқа шакллик тоғай таҳ-батаҳ бўлиб, миёналари ватр ва пардалар ила муттасил бўлгондур. Чунки, кекирдак нафас олишни йўлидур. Бас, агар тоғай бўлмай пўст ёки гўшт бўлса эди, на-

фас ҳавоси бирлан қуриб кетар эди. Ёки гўшт бўлса, бир-бирига жуфтланиб қолиб, нафас йўли банд бўлур эди.

Ва ҳам миядин назла тушса, назланинг ҳиддатидин фосид бўлур. Ва агар устихондин яратилгон бўлса эди, бошқа аъзои шарифаларга қаттиқ тегиб озор берур эди. Ва ҳам гарданни ўнгу сўлга қарамоғи учун ва ё паст тарафга энгашмоққа монёв бўлур эди. Ва инчунин, кўкракда тўш устихонининг остида фами меъдани (меъда оғзи) муқобилида тоғай яратилгандурки, гўё ханжарни бошига ўхшаган шаклдадур. Бас, агар шунини устихондин яратилса эди, ўз салобати ила меъдага озор берар эди. Ва агар юмшоқ гўштдин яратилса эди, хориждин етган андак зарбага меъда қаттиқ озорланур эди. Ва инчунин, бурунни учи тоғайдур, бас, агар устихондин бўлса эди, хорижий зарба ва сақта билан синар эди. Агар юмшоқ гўшт ёки пўстдин бўлса эди, уйқуда босилиб қолиб, ҳатто бедорликда ҳам нафасни ичга тортмоқ вақтда бурун жуфтланиб қолиб, нафас йўли банд бўлса керак эди, хусусан, истиншор вақтида, яъни бурунни қоқиб тозаламоқ вақтида. Агар бурун гўшт ёки пўстдин бўлса эди, қўл бирлан сиқулғонда пачоқ бўлиб жуфтлангон ҳолича нафас йўли банд бўлур эди. Ва агар устихон бўлса эди, ани сиқилиб тозаланмоғи мумкин бўлмас эди. Ва инчунин, ҳар икки қулоқ тоғайдин яратилгондур ва ани нафъи шулки, доимо ҳавога муқобил ёзилиб турмоқдур, токи ҳавони тўлқинидин овоз олмоққа ҳозир турар. Бас, агар юмшоқ гўштдин яратилгон бўлса эди, беркилиб қолиб овоз эшитилмас эди ва агар устихон бўлса эди, хорижий сабаблар бирлан синар эди. Ва ҳам ённи босиб ётиш мумкин бўлмас эди. Ва инчунин, ҳалқ, яъни ханжара тоғайдин яратилди. Токи ханжара доим ул-ҳаракат бўлгонликдин, агар гўшт ёки пўстдин яратилгон бўлса эди чарчаб, хароб бўлур эди. Ва агар устихон бўлса эди, ҳалқ атрофига ўз салобати бирлан озор берур эди. Ва ҳоказо баданда тоғайлар кўб. Ҳатто, кўзнинг пилки каби майда тоғайлар на миқдор кўб бўлса, ани манфаъати ўзидин ҳам кўб, лекин шул қадар мисол кофийдур.

АММО ИККИНЧИ БОБ АСАБЛАР БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, асаб, яъни пай шундоғдурки, букилиш ва буралишда ғоятда юмшоқ ва узилишда ғоятда қаттиқ, яъни жуда мулойим ва ҳеч узилмас жисмдур. Ва ранги оқдур, чунки мизожи совуқдур ва қойдаи куллийаадурки, ҳар нимаки оқ бўлса мизожи, албатта, совуқ бўлур. Чунки, анда балғам голиб бўлур ва балғамнинг ғалабаси, албатта, рангни оқартирур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ғалабаи балғам бир инсонни ўзига хос бўлмай, соири (бошқа) ҳайвонотга ҳам шомилдурки, оқ рангли ҳайвонот қизил ранглик ҳамжинсиға нисбатан мизожи совуқроқ бўлур. Ҳатто набототда ҳам оқ ранг совуқ мижозга далилдур. Ва таваҳҳум (хаёл) қилинмасинки, оқ ранг ғалабаи балғамга аломат бўлса, набототда қандоғ балғам бўлур, деб. Чунки балғам аносирни ўзгарилишидин ҳосил бўлур. Лекин наботот ҳам аносирдин ўзгарилиб мавжуд бўлурки, анда гарчинсон балғамидек, қивомлик балғам бўлмаса ҳам моддаи балғам голиб бўлур. Лекин билмоқ керакки, совуқ мизожиға аломат бўлувчи оқни жисмий зоти бўлмоғи яъни асли жисм ва ғайри мустаҳил (ўзгармайдиған) бўлмоғи шартдур. Асли бўлмаса, жавҳари жисм албатта оқ бўлур. Масалан, найшакарни мизожи иссиқ ва ранги сариқдур. Аммо най жавҳари қанддурки, ранги оқ ва мизожи иссиқдур. Бас, найни совуқ ширин бўлмоғининг нафъи шулки, пай олати ҳаракатдур. Ва доим ҳаракатга машғулдурки, мизожи иссиқ бўлса, ўз ҳаракатини таъсиридин куйиб кетар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, асаблар ҳаммаси тамоман ғайри мужаввафдур, яъни томурлардек ичи тешук эмас, магар мяядин кўзга келган бир жуфт асабгина мужаввафадур, чунки кўзни мяяга борар йўлидур. Шунинг учун бул пайни исмини асаби мужаввафа (тешик асаб) деб тасмия қилгондурлар. Ва пайларни баъзиси дароз тортилгондур ва баъзи эниға ёзилгон, ҳатто кўз бирлан эҳсос қилиш қийин даражада юпқа бўлиб ёзилгондурки, ани ғашо (парда) дерлар. Ва булардин баъзини қадди узун ва баъзини қадди қисқадурки, ҳаммасини умуман уч навъ бирлан баён қилинурки, ҳар қайсилари сувратан бир-бирлариға ўхшар. Аммо феълда ва манфаъатда бир-бирлариға муҳолифдурлар. Бас, би-

ринчи навни асаб деб мутлоқ айтилуи беқайд, бу фаслдаги бизга баёни мақсуд бўлгон асаб ҳам шу биринчи навдур. Ва иккинчи навни работ дерлар ва учинчи навни ватр дерлар ва асабни ҳал қилинуви азбаройи аъзоға шунинг воситаси бирлан ҳис ва ҳаракат етқаришдур. Ва маълумдурки, ҳайвонни наботдин ва жамоддин фарқи, албатта, ҳис ва ҳаракат ихтиёри бирлан мумтоздур. Бас, ҳис бирлан ҳаракат қувватини мабдаъи ва маркази димоғдур, ҳис ва ҳаракатга олат асабдур. Ва махфий қолмасунки, асабда икки хил манфаъат бордур. Бири зотий ва бири аразийдур.

Манфаъати зотий шулки, мия бошқа аъзоға ҳис ва ҳаракатни шул асаб воситаси бирла етказувиға олат бўлур. Ва манфаъати аразий бир неча важҳдин бўлур. Чунончи, бир важҳи шулки, гўштни маҳкам банд қилмоқ ва баданға қувват бермоқ ва иккинчи манфаъати беҳис узвға бир офат етқанда соҳибини шул офатдин огоҳ қилмоқ, чунончи, жигар, талоқ ва ўпкани ўзларида ҳис йўқдур. Лекин юзларидин бир юпқа ғишои асабий (асаб парда) тортилгондурки, агар шул узвларға варам пайдо бўлса ёки бод келиб тиқилса варамни оғирлигини ёки тиқилган бодни тортиштурғонини шул ғишои асабий ҳис қилур. Ва мазкур ғишони тортилишидин соҳиби қайси усулда алам (оғриқ) борлигини билладур.

Ва билмоқ керакки, асабни мабдаъи мия деб айтилди. Ҳолбуки, баъзи асаб ҳаром мағздин кўқаргондур. Бас, асабни мабдаъи мия демоққа сабаб шулки, ҳаром мағз ҳам миядин ношийдурки, мияни дами, яъни мияни бир қисмидур. Бас, баъзи асабни мабдаъи ҳаром мағз бўлса ҳам ҳаром мағзни мабдаъи миядур. Бинобарин, ҳамма асабни мабдаъи мия демак дурустдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, кўзни асабидин бошқа ҳеч асаб мужавваф (тешик) эмаслиги собитдур, шундоғ бўлса, бас, руҳи нафсоний қандоқ қилиб асабларни ичига кира оладур ва рутубати балғамийлар қандоқ тешуксиз асабға фолиж ва лақва касалларини ихдос қила олур, деган шубҳага жавоб шулки, асабда агар чандики, кўзга кўринарли даражада жавфи (тешиги) бўлмаса ҳам, ажзон таркибийясини тахалхули (бўш жойи)дин ҳосил бўлгон танг манфаз (ўтиш жой)лари бордур.

Ва руҳ ғоятда жисми латиф бўлғони учун анга шул қадар манфаз кифоя қилур ва нуфуз қилувчи руҳ ҳам қалил ул-миқдор (оз) бўлур.

Аммо рутубати балғамийяки, пайға нофиз бўлур, ул ҳам ғоят даражада кам миқдорда бўлурки, ул ҳам баихтиёр эмас, балки қаҳр

бирлан нофиз(ўтувчи) бўлур, яъни мядин ва қувваи табиийядин жабрланув натижасида нофиз бўладур. Бас, ғоятда оз миқдордаги ғоятда суюқ рутубат жабрланув ила танг манфазга сингиб кетуви албатта мумкиндур.

Ва асаб икки навъ бўлурки, асаби димоғий ва асаби нуҳоъийдур. Аммо асаби димоғий, яъни мядан кўкарган асаб мажмуъи етти жуфт бўлурки, ҳар бир жуфтни бири ўнг тараф тана учун, бири чап тараф тана учундур. Аммо биринчи жуфт асаб муқаддами димоғни икки батнининг чуқурликдаги биринчи жуфт тешукдин ўтиб, бурунни мунтаҳосидаги эмчакни тугмасига ўхшаган ҳилматай ус-садй номлик икки гўшти зоидани олдидин ўтиб, зоҳиран ўнг тарафни асаби чап тараф кўзга, чап тарафни асаби ўнг тараф кўзга келиб, ҳар икки асаб ўртасидин бир тақотуъи салибий эҳдос қилғондур. Ва бул асабни ичи мужаввафдур. Ва тешуги бир игна сиғар миқдордин ортиқ эмас. Лекин ҳар икки асабни бир-бирлариға тақотуъларида тешуклари ҳам қўшилиб, андак васиълик ҳосил бўлғондурки, мажмаъ ун-нурайн шул васиъ жойдур. Ва бул жойда икки тешукни бир-бириға қўшилувининг нафъи шулки, кўрилган нимарса икки кўз бирлан кўрилғонликдин шул жойда икки кўзни олғон асари ҳам бир қўшилувни зарурдур. Чунки қўшилмаган тақдирда ҳар икки кўзни асари мянга алоҳида маҳсус бўлиб, ҳар бир адад (битта) нимарсани икки адад кўргон бўлур эди. Чунончи, аҳвал (ғилайлик) касалида машҳурдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, мажмаъ ун-нурайн (икки нурнинг жамланиш) маҳаллини тақотиъ ёки тамойил ила ҳосил бўлғонлигида ҳукамо миёналарида ихтилоф бордур. Баъзилар мажмаъ ун-нурайнни шакли зоҳирийсиға эътиборан тақотиъи ҳақиқий борлигини, яъни ўнг тараф мядин келғон пай чап кўзга, чап тараф мядин келган пай ўнг кўзга пайваста бўлғондур, ўртада ҳар икки пайдин ҳақиқатан тақотиъ (кесишиш) ҳосил бўлғон, дерлар. Ва баъзилар, хусусан Жолинус тақотиъи ҳақиқий эмаслигини, балки ўнг тараф мядин келган пай ўнг кўзга, чап тарафдин келган пай чап кўзга пайваста бўлиб, фақат ўртада бир-бирлариға тамойил ила қўшилиб, яна тамойил ила ҳар бирлари ўз тарафлариға ажралғонларини баён қилурлар. Ва бу тақдирда тақотиъи салибий ҳақиқатан бўлмай, фақат шаклан бўлурки, шул қавл ақраб басавобдур ва кўзга яқин жойи бир андак кенгроқ бўлиб, кўзни рутубати зижожияси (шиншасимон суюқлик)ға муштамил бўлғондур.

АММО ИККИНЧИ ЖУФТ АСАБ

Билмоқ керакки, аъсоби димоғий (мия асаблари)нинг иккинчи жуфт асаби мия косасидаги биринчи жуфт тешукнинг орқасидаги ваҳший тарафга мойилроқ тешукдин ўтиб, ўнг тараф миядин келғони ўнг кўзга, чап тараф миядин келғони чап кўзга тўғри ва бетақотиъ (кесишмай) келиб, кўз косасидаги муқла устихонининг ёнидин ҳосил бўлгон тешукдин чиқиб, олти шуъбага ажраб, ҳар шуъбаси ҳар бир кўзни узласига пайвастадурки, кўзни ҳис ва ҳаракати шул пай воситаси ила ҳосил бўлур. Ва бул пай хийла йўғон яратилғондур. Чунки мияга ғоят даражада яқин бўлғони учун салобат ҳосил қилмағон мулойим пайдур. Ва ҳаракат учун пайни бақувват бўлмоғи зарурдур. Шунинг учун бул пай йўғон яратилғондур.

ТАНБИҲ. Шубҳа қилинмасинки, ҳукамо наздларида ҳис асаби муқаддами димоғдин ва ҳаракати асаби муаххари димоғдин кўкарган эди. Бас, бул иккинчи жуфт асаб муқаддами димоғдин кўкариб қандоғ ҳаракатга боис бўладур, деб. Чунки ҳукамонинг куллиялари аксари вақтда мабний мар аксарият бўлурки, асаби муҳаррикани аксари муаххари димоғдалиги шубҳасиздур. Лекин баъзи асаби муҳаррика димоғда бўлувиға мунофий эмас. Ва инчунин, ҳар чанд аксари асаби ҳассоса муқаддами димоғда бўлса ҳам, лекин баъзи асаби ҳассоса муаххари димоғда ҳам бўлувиға мунофий эмас. Чунончи, маълум бўлур.

ФОИДА. Миядин кўкарган асабларнинг ҳар бирини ўзиға махсус тешуги бордурки, шул тешукдин тегишлик жойлариға таралурлар ва ул тешукни номини истилоҳи атиббода суқба (тешик) дерлар. Бас, ҳар жойда суқба деб зикр қилинса, андин мурод шул тешуклардур.

УЧИНЧИ ЖУФТ АСАБ

Билмоқ керакки, учинчи жуфт пай муқаддами димоғ ила муаххари димоғ ўртасида муштарак, миядин кўкариб, сўнгра бир қадар жойғача тўртинчи жуфт пай ила бирлашиб келиб, сўнгра яна ажралиб, тўрт адад шохларга шохлаб, биринчи шохи уруқи суботий суқбасидин чи-

қиб гарданға ва андин ҳижоби сийнаға етиб, сўнгра сифоқ, яъни шикам (қорин) гўштининг ички тараф пўсти бўлгон пардаларға ва қорин ичакларига таралғондур. Ва иккинчи шохи чекка устихонида воқеъ бўлгон суқбадин чиқиб, сўнгра беш жуфт пайни баъзи шохиға қўшилулки, баёни бешинчи жуфтда маълум бўлур. Ва учинчи шохи ҳам шу суқбадин в ҳам иккинчи жуфт пайни суқбасидин чиқиб, сўнгра яна уч шохга ажралиб, биринчи шохи моқи акбар, яъни кўзни чекка тараф гўшасининг узласи ва анинг атрофиға ва чекка узлалариға ва қош ва кўзни пилки ва юз узлалариға таралғондур. Ва иккинчи шохи моқи асғарда, яъни кўзни бурун тараф гўшасида воқеъ бўлгон суқбасидин ўтиб, бурунни ички тараф табақалариға таралғондур. Ва учинчи шохи юз устихонида рухсар устихони ила бурун ўртасида воқеъ бўлгон суқбадин чиқиб, сўнгра икки бўлак бўлиб, бир бўлаги яна бурун устихони тешугидин кириб, танглайда юқори тишлар ва лисса (милк)ларға таралиб, қувваи ҳассосага етказар. Ва иккинчи бўлак рухсор жиддига ва бурунға ва юқори лабға таралиб, ифозаи ҳис қилур (тарқатур). Ва учинчи жуфт пайни тўртинчи шохи мия косасида бошқа шохлардин ажралғондин сўнг уруқи суботий суқбасидин чиқиб, тилға келиб, аксари тилни зоҳир табақасиға таралиб, ифозаи ҳисси завқ қилур, яъни таъмни тил шул пай воситаси ила билур ва баъзи қисми қуйи чакақдаги тишларни орасидаги майда гўштлар ва милкларға таралғондур.

ТЎРТИНЧИ ЖУФТ АСАБ

Билмоқ керакки, тўрт жуфт пай уч жуфт пайни кўкарған жойини орқасидин ва мияни қоъидасиға мойилроқ жойдин кўкариб, уч жуфт пай бирлан қўшилиб, бир қадар жойда яна андин ажраб, батни муқаддамда ҳаром мағз суқбасидин муқаддамроқда воқеъ бўлгон катта суқбадин ўтиб, комға ва танглайға таралғондулки, ком (оғиз)ни завқи ҳисси шул пай воситаси ила ҳосилдур. Аммо бул пай учинчи жуфт пайға назаран қаттиғ ва салобатлироқдур. Чунки комни сифоқи (ич пардаси) тилни сифоқиға назаран қаттиқроқдур. Ва қаттиқроқ сифоқ учун қаттиқроқ пай муносибдур.

БЕШИНЧИ ЖУФТ АСАБ

Билмоқ керакки, бу пай агарчи бир жуфт бўлса ҳам, зоҳиран ҳар бир тоқаси яна бир жуфтга ўхшаб иккига ажрагандурки, гўё ҳар бири икки қаватдур. Бинобарин, аксари атиббо бу пайни ҳар бири ҳам бир жуфт деб баён қилурлар. Фил-жумла бул беш жуфт пай мияни икки тараф ёнидин кўкаргондур. Ва буни ҳар бир тоқасини қисми аввали ҳуққат ул-узн устихонининг ниҳоятда воқеъ бўлгон суқбадин кириб, қулоқни ички тарафига таралиб, қулоқ пардалари ва ҳалзунлари ва устихони олияларига мутафарриқ бўлгондурки, ҳисси самъ (эшитиш сезгиси) шул пайни воситаси ила ҳосилдур. Аммо иккинчи қисми биринчиға назаран ингичкароқдур. Ва бул ҳам мазкур суқбадин чиқиб, сўнгра учинчи жуфт пайни шохлари ила бирлашиб, сўнгра аксарлари юз атрофиға ва қулоқ устихонларига ва ани узлалариға ва қулоқ олати мавозиналарига етган ва мобақийси (қолгани) чекка узлалари ва қулоқни тешугининг пардадин хориж тарафиға қоплангондур. Чунки, ҳисни олати очиқ тарафда бўлмоғи муносибдур. Токи анга овозни вусули (етишиши) яна осонроқ бўлсин учундур.

ОЛТИНЧИ ЖУФТ АСАБ

Билмоқ керакки, олтинчи жуфт пай мияни охир тарафидин кўкариб, сўнгра бешинчи жуфт пайни шохлариға ғоят даражада бирлашиб, гишолар ва работлар ила ўралишиб, гўё ҳар икки пай бир пайдек бўлгондур. Сўнгра яна бешинчи пайдин ажралиб, уч шохга ажралиб, сўнгра ҳар учови мияни орқа тарафидаги дурузи ломий суқбаси (тешиги)дин чиқиб, сўнгра бир шохи ҳалқ (томоқ)ни узлалариға ва тилни илдизлариға еткандур. Токи еттинчи жуфт пайга ёрдамчи бўлиб, тилни ҳаракат қилдиур ва иккинчи шохи китфни узлалариға ва анга қарийб жойларға таралгондур. Хусусан, китфни катта ёзуқ узласиға кўброқ таралгандур. Ва уч шохи бошқа икки шохидин хийла каттароқдурки, уруқи суботийни юқориға чиқадургон йўли бирлан тушиб ичакларга таралгондур.

Ва бу йўл уруқи суботийни чиқар йўли ва пайни тушар йўли бўлиб, ҳар иккиси бир йўлда бўлғони учун бир-бирларига работлар ва пардалар ила ўралиб, бирлашиб кетгандур. Бас, шу йўлдин ҳалқға етканда мазкур пайдин яна шохлар ажраб, ҳанжара (томоқ)нинг узлаларига етарки, бу узлаларнинг боши юқори тарафда бўлиб, ҳанжарани ва анинг ғузруф (тоғай)ларини кўтариб турар. Сўнгра бу пай мазкур узлалардин ўтиб, ҳанжараға етғонда яна неча шохлар чиқариб, ул шохлар ҳанжарадин юқори тарафға чиқиб, ҳанжарани сарнигун (эгилган) узласиға етарки, бу узлаларнинг боши сарнигун бўлиб, ҳанжара оғзини очиб-ёпиб турмоқ хизматлари шул пайни воситаси бирлан бўлур. Ва бул пай бошдин, яъни мядин пайға тушатуруб яна мазкур ҳанжара узлаларини ҳожати учун бу жойда юқори тарафға қайрилғони, гўё орқасиға қайтқондек бўлғони учун номини асаби рожиъ (қайтувчи асаб) ҳам дерлар. Сўнгра бу пайни бақияси паст тарафға тушиб, андин бир неча шохлар ажралиб, ҳижоб ус-садр (кўкрак пардаси)ни ғишоларига ва ани узлаларига ва дил ва ўпка ва аврида ва шароинларики, кўкракда мавжуддур, ҳаммасиға таралғон ва боқийси ҳижоби садрга кириб ва андин ўтиб, ичаклар пардасиға ва азми ўнаға етиб, тамом бўлғондур.

ЕТТИНЧИ ЖУФТ АСАБ

Билмоқ керакки, мядин кўкарған еттинчи жуфт пай мя ила ҳароммағза ўрта бўлғон жойдан кўкарғондур. Яъни, мяини ҳароммағза тақалған нуқтасидин кўкариб, ани аксари тилни ҳаракат қилдурғувчи узлаға ва баъзиси бош устихонини орқа тараф хорижидаги узлаларға таралғондур. Ва шунинг билан аъсоби димоғий (мя асаблари)нинг тарихи тамомдур.

АММО АСАБИ НУХОЪИЙ (ҲАРОММАҒЗ ПАЙЛАРИ)

Яъни, ҳароммағздин кўкарғон пайлар мажмуъи ўттиз бир жуфт ва бир тоқа (дона)дурки, гўё ҳароммағзнинг думидур. Ва фақрани энг мунтаҳо учидин кўкариб, паст тарафға қараб ўсғони учун баманза-

лаи дарахтнинг танасидурки, бошқа ўттиз бир жуфт пайлар бунинг шохлари габидур. Бас, бу ҳароммағз пайларини тўрт шуъба ила баён қилинур.

БИРИНЧИ ШУЪБА гардан фақралариға хос пайлар бўлиб, ҳаммаси саккиз жуфтдурки, ҳар бир жуфтини алоҳида баён қилинур. Чунончи, биринчи жуфт пай биринчи фақрани икки тарафи ёнидаги махсус суқбасидин чиқиб, бошнинг узлалариға таралғондурки, бу бир жуфт пай бошқа пайларга нисбатан жуда кичикдур. Бинобарин, бунинг қусурини тўлатмоқ иккинчи жуфт пай бирлан бўлур. Аммо икки жуфт пай биринчи ила иккинчи фақрани миёнасидин кўкариб, сўнгра юқориға қайрилиб чиқиб, бошни орқа тарафиға, то икки қулоқни тарафигача бош устихонни хориж тарафиға таралғондурки, бошни ҳисси ламси кўброқ шул пайдин ҳосил бўлур.

Аммо учинчи жуфт пай иккинчи фақра ила учинчи фақрани миёнасидин чиқиб, ҳар бир тоқаси яна икки шох бўлиб, бир шохи гардан узлаларининг ичига кириб, мутафарриқ бўлиб, сўнгра яна узладин ўтиб чиқиб, фақра тарафға келиб, фақраларни работлариға сингиб, ғойиб бўлурлар. Сўнгра яна фақраларни юқорисиға чиқиб, шул жойдаги ҳароммағздин кўкарган работлар ва ғишолар ила аралашиб, сўнгра андин келиб, икки қулоқ тарафға ўтиб, қулоқ узлалариға ҳаракат қуввати етказурлар. Ва икки шохи орқа тарафға ўсиб китфдаги узлаи аризга еткандур. Аммо ҳароммағздин ўсиб чиқишида бу пайға томурлар ва узлаларики, ҳофиздур, шуларға ўралиб чиққондур. Ва бу шохни кўброқ таралиши рухсор узласида ва баъзиси чекка узласида таралур. Ва чорполарда қулоқ узласида таралур.

Аммо тўртинчи пай учинчи ва тўртинчи фақра миёнасидин кўкариб, бул ҳам учинчи жуфт пайдек ҳар бир тоқаси икки шох бўлиб, бир шохаси фақрадин ичкари тарафға кириб, яъни кекирдак тарафға келиб, икки шохи орқа тарафға кетгандур. Аммо бир шох кичикдур, шунинг учун буни нуқсонини тўлдириб, ёрдам бермоқға беш жуфт пайни шохи қўшилур. Ва бу биринчи шохдин неча адад шохлар чиқиб, гўё ўргимчакнинг инидек тўқулиб кетган. Ва уруқи суботийға ўралиб, ҳижобни ҳар икки тараф шиққиға икки тараф шох таралиб, гўё ҳижобни иккиға тақсим қилғондур. Аммо иккинчи шох биринчиға нисбатан каттадур. Ва бу шох орқа тарафға қайрилиб, узлалар ичига сингиб кетгандур. Ва яна андин ўтиб, неча шуъба-

ларга ажраб, бош ила гардан миёнасида муштарак бўлгон узларга, сўнгра олди тарафга қайрилиб, рухсор узларига муттасил бўлгондур. Аммо чорполарда бу пай қулоқ узласига муттасил бўлур.

Аммо бешинчи жуфт пай ҳам тўртинчи ва бешинчи жуфт фақрани ўртасидин чиқиб, ҳар бири яна икки шохга ажраб, бир шохни олди тарафга қайрилиб, юз узларига ва бошни энгаштирувчи узлар ва бош ила гарданга муштарак узларга таралгондур. Ва икки шохни яна икки бўлакка ажраб, бу бўлаги биринчи ила иккинчи бўлак шуъба миёнасида восита бўлгондур. Сўнгра китфни устига чиқиб, олтинчи ва еттинчи жуфт пайларни баъзи шохига аралашиб, шу жойда таралиб сингиб кетгандур. Ва икки шохни эса бешинчи, олтинчи, еттинчи жуфтларга аралашиб, ҳижобни миёнасига таралиб тугалгондур. Аммо олтинчи, еттинчи ва саккизинчи жуфт пайлар ҳам шул тариқа фақранинг икки ўртасидан чиққондурлар. Чунончи, саккиз жуфт пай гарданнинг охирги фақраси ила орқа фақрасининг аввалги миёнасидин чиққондур. Ва бул уч жуфт пайни ҳамма шохлари бир-бирига бирлашиб кетган. Лекин олтинчи жуфтни аксар шохлари китфни уст тараф сатҳига таралгон. Ва андин тажовуз қилмогондур. Ва боқий пайлардин бир қисми бош ва гардан узларига ва баъзилари белга таралгондур ва баъзилари ҳижобнинг марказига бориб, беш жуфт пай шохларига қўшилгондур. Аммо саккизинчи жуфтни шохларидин ҳижобга ҳеч келмай, балки соъидга бориб таралгондур.

ИККИНЧИ ШУЪБА ОРҚА ФАҚРАЛАРИДИН КЎКАРГАН ПАЙЛАРНИ БАЁНИДАДУР

Ва бу пай ҳаммаси ўн икки жуфтдур. Биринчи жуфт пай биринчи ва иккинчи жуфт фақранинг миёнасидин кўкариб, яна икки шохга ажралгондурки, бир шох каттароқ ва бири кичикроқдур. Ва катта шохни қобирга узларига ва бел узларига таралгондур. Ва иккинчи шохни эса қобиргани бўйига қараб, тортилиб келиб, сўнгра гардан фақраларидин саккизинчи жуфт пайга қўшилиб, билак илик-

лари ва қўл кафтига келиб таралғондурки, қўлни ҳис ва ҳаракати шу пайни воситаси ила бўлур. Ва шунинг учундурки, зот ул-жанб (зотилжам) касали шиддатидида қўлни кафтида озор ҳис қилурлар. Аммо иккинчи жуфт пай иккинчи ва учинчи жуфт фақранинг миёнасиндин кўкариб, андин бир жузви бозуни зоҳир тарафиға таралиб, қувваи ҳис еткизар. Ва боқий қолғон сўнги ўн жуфт пайлар бирлан аралашиб, сўнгра яна алардин ажраб, китфдаги ва белдаги узлаларға таралғондур. Аммо учинчи, тўртинчи, бешинчи, то ўнинчигача ҳар бир жуфт ҳар икки фақранинг миёнасиндин кўкарғандур. Аммо ўн биринчи ва ўн иккинчи жуфт пай эса ўн биринчи ва ўн иккинчи фақрани ўзларида воқеъ бўлғон махсус суқба (тешик)дин кўкарған бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, орқа фақраси деб тасмия қилинган ўн иккинчи фақранинг ҳақиқий фиқори садрийси етти фақра бўлурки, буларнинг ҳар биридин етти жуфт қобирға қолиб, садр устихони бўлғон тўшға муттасилдур. Бу етти фақра миёналаридин кўкарған пайлар икки эҳтимолдин холи эмаски, буларнинг майда шохлари то китфға борған бўлур ёки бел узлалариға ва қобирғалар миёналаридаги узлаларға ва кўкракнинг хориж тарафидаги узлаларға еткан бўлур. Аммо мазкур ўн икки фақрадин боқий беш фақранинг миёналаридин кўкарған пайлар қобирға миёнасиға ва қорин узлалариға таралур. Ва ҳам шул пайларни гўё ҳамроҳи бўлиб, муқобил тарафидин шароин ва авридалар юруб, пайларни кўкарған суқбаларидин фақра ичиға кириб, ҳароммағзга таралғондурлар.

УЧИНЧИ ШУЪБА ҲАРОММАҒЗДИН КЎКАРҒАН ПАЙЛАРНИ БЕЛ ФАҚРАСИГА ХОС БЎЛҒОНЛАРИНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, бел фақрасидин кўкарған пай беш жуфтдир. Биринчи жуфт пай биринчи бел фақрасида воқеъ бўлғон махсус суқбадин кўкарғандур. Ва боқий тўрт жуфти ҳар икки фақра мобайнидин кўкарғандур.

Бас, булардин аввалги уч жуфтлари муштаракдурларки, булардин бир жузви фақра узласиға ва бир жузви батн узлалариға ва бир жузви фақраларнинг ички тарафлариға таралгондур. Лекин буларға миядин кўкаргон пайларни баъзи шохлари ҳам аралашгондур. Ва боқий икки жуфт пайлар бир неча катта шохларға ажраб, шохлари оёқ иликларини атрофиға келиб, сўнгра буларға уч жуфт пайни бир шохи келиб қўшилгондур.

Лекин бу сўнгги қўшилгон икки пай варк узлалариға таралиб, тамом бўлгондурки, варкдин нариға ўтмагондур, валлоҳу аълам. Аммо бел фақрасининг пайларидин охириччи икки жуфт пайлар варкдин ўтиб, то соқ иликиғача еткандур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, оёқ тарафға келгон пайларни баъзиси зоҳир ва намоён бўлиб келгон ва баъзиси узлаларни тагига кириб, махфий бўлиб боргондурлар. Шунинг учун ъонанинг ёнидин кўкаргон узлаға келгон пайни йўли оёқ тарафға бормай, балки орқа тараф хорижи бадандин тушиб ва сонни ичкари тарафидин юриб, андин оёқ узлалариға махсус бўлгон қисми қовуқ тарафға чиқиб, оъна устихонидин хуся (мояк) тарафиға бўлгон йўли ила ъона узлалариға бориб еткандин сўнгра, яна оёқ тарафиға нозил бўлиб таралгондур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, гардан фақрасини аввалидин то бел фақрасининг охиригача ҳаммаси йигирма тўрт фақра бўлиб, мазкурдин бир гардан фақраси ҳам ўн биринчи ва ўн иккинчи орқа фақраси ва биринчи бел фақрасини ўзига махсус суқбаси бордурки, фақра ёнидин намоёндур. Аммо, боқий йигирма фақраки, ҳар иккисининг ўртасидин бир жуфтлаб пай кўкаргонлиги баён қилинган эди. Лекин анга махражи суқба тайин қилилмаган эди. Энди фақраларнинг пайванд қилингон работларидин мазкур пайлар кўкаргон деб гумон қилинмасинки, бу пай учун ҳам махсус суқбалар бордур. Фақат бу суқба ҳар бир фақрани қаноти остида ва охир тараф ёнида воқеъ бўлгон бир суқба қадарлик нуқсондин иборатдурки, ярим доира шаклида бўлиб, доиранинг нуқсони икки фақрани васли ила тамом бўлиб, бутун суқба ҳосил бўлгондур.

Аммо бу йигирма тўрт фақрадин боқий олти фақра миёналарида бўлгон суқбалар собиқ фақраларни суқбаси каби қанотни остида бўлмоқ фақрани орқа тарафи ва олди тарафида, яъни хориж тарафи ва ботин

тарафида воқеъ бўлгондур. Ва охиричи фақра охирида бир суқбаи махсусаси бордурки, андин танҳо бир пай кўкаргондур. Чунончи, зикр қилинди. Бас, маълум бўлдики, суқбаи махсуса беш адад бўлиб, аввалги тўрт суқба жуфтдур. Ва беш суқба тоқдурки, бу мазкур кўкарган пай гўё ҳароммағзни думидур ва ҳароммағзни ўзи ҳақиқатдан мияни думидур.

ТЎРТИНЧИ ШУЪБА ҲАРОММАҒЗ ПАЙЛАРИНИ БАЁНИДАДУР

Бу пайлар устихони ажуз ва асъас фақраларидин кўкарган пайлар бўлиб, ҳаммаси олти жуфт ва бир тоқадур. Бас, булардин бир жуфти баъзи қавлга назаран бел пайларига аралашгондур. Ва боқий беш жуфт ва бир тоқа охири бўлгонлар ҳаммаси мақъад (орқа тешик) узлаларига ва закарға ва масона (қовуқ) узлаларига ва раҳм (бачадон)га ва батн (қорин) гишоларига ва азми ъонани домани бўлгон унсий устихонни дохил ажзоларига ва азми ажурдин шуъба бўлгон узлаларга таралгондур. Шунинг бирлан аъсоби нуҳоъийнинг ташриҳи тамомдур.

ИНТИБОҲ. Юқорида аъсоби нуҳоъийнинг ташриҳидин маълум бўлдики, танаи инсоннинг аксари ҳароммағз пайларидин қуввайи ҳис ва ҳаракат касб қилур. Бас, шул сувратда мияга бир фасод ориз бўлса, миядин кўкаргон пайларни тасарруфидаги аъзогагина футур етиб, бошқа аъзоики, нуҳоъ пайларини тасарруфида бўлгонлар саломат қолсалар керак эди. Ваҳоланки, сакта ва саръ (тутқанок)ларда кўрармизки, тамоми аъзога футур еткан бўлур. Бас, бу ҳолга назаран нуҳоъдин кўкарган пай боиси ҳис ва ҳаракат бўлмай, балки тамоми баданга аъсоби димоғий еткон бўлса керак, деб гумон қилинмасин. Чунки, агар чандики, аъзои баданияга ҳис ва ҳаракат аъсоби нуҳоъийдин ҳс сил бўлса ҳам, лекин бу аъсоб фақат воситагинадурлар. Зероки, буларни қуввайи ҳис ва ҳаракат оладургон мабдаълари ҳароммағз бўлса, ул ўзи ҳам қуввайи ҳосса ва муҳаррикага мабдаъан эмас, балки ани мабдаъи ҳам миядур. Бас, руҳи нафсонийнинг фйзони ҳароммағзга ва ани пайининг воситаси ила сонри аъзога, албатта, миядин борурки, руҳи нафсоний ва қуввайи нафсонийнинг

маҳалли миядур. Ва ҳис ва ҳаракат албатта, шул руҳ ва қувваға тааллуқликдур. Ва зоҳир малумдурки, агар асли мабдаъда бир судда (тиқилма) ориз бўлса, мазкур руҳи нафсоний нухоъ тарафға албатта, камо-янбағий ўтолмас. Бас, биз-зарур соири аъзони ҳис ва ҳаракатиға футур ориз бўлур.

УЧУНЧИ БОБ АВТОР БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, автор жамъи ватрдур. Ва ватр жисмдурки, зоҳиран узлаларни бошларидин ўсиб чиқғондур. Лекин ҳақиқатан узлдин чиқғон асаб ва работлар қўшилиб ҳосил бўлғон жисми мураккаб ва мураккаб бўлғон ҳолда яна узви муфрад қаториға нечук ҳисоб этилғони узви муфрад (ёлғиз аъзо) ва узви мураккаб баёнида зикр қилинди.

Шайх ур-раиснинг наздларида работ ва ватр асабнинг навъидур ва бошқа аксар ҳукамо наздларида работ ва ватрлар ҳам алоҳида узви муфраддур. Бинобарин, бул иккиси ала-л-ихтилоф баён қилинур. Ва асаб ила работдин мураккаблиғини сабаби узла ташриҳида баён қилинур.

Ва ватр ранги ва табиати ва ҳар хил ҳаракати мухталифани қабул қилмоқ учун мутобаъати ва ҳам ҳислик ва ҳам ҳаракатлиги жиҳатдан пайға ўхшар. Аммо юмшоқ ва қаттиқликда пай ила работни миёнасидур. Яъни, пайдин қаттиқроқ ва работдин юмшоқроқдур. Ва ани икки учи икки узвға муттасилдур. Ва ани манфаъати аъзон мутаҳаррикани ҳаракат қилдирмоқдур. Ба ин тариқаки, ватрни бир учи ўз манбатиға ёпишган бўлиб, иккинчи учи узлаға муттасилдурки, гоҳи ўзи узла тарафидин тортилғон учун иккинчи тарафдаги узвни қўшиб тортадур. Ва гоҳи ўзи узла тарафидин бўшатиғони учун узви мутаҳаррикани ҳам бўшатадур. Лекин асли ҳаракати аъзони мабдаъи узладурки, ҳар вақт агар узла ўз-ўзига йиғилса, эни йўғон ва бўйи қисқа бўлур. Шунинг учун ўз учиға муттасил бўлғон ватрни ҳам тортадур. Бас, ватр ҳам ўзини иккинчи учиға муттасил бўлғон узви мутаҳаррикани қўшиб тортадур. Ва агар узла ўзини бўшатса, бўйи узун ва эни ингичка бўлур. Ва бўйи узун бўлғони учун тортилғон ватрни ҳам бўшатадур.

Бас, ватр ҳам бўшалиб, аввалги ўрнидин сурилғони учун узви мутаҳаррикани ҳам бўшатадурки, узвни ҳаракати шул инқибоз ва инбисотни натижасидур. Ва-л-қобизу ва-л-боситу ҳуваллоҳу. (Тутувчи ва қўйувчи ҳам Аллоҳнинг ўзидир).

ТҶРТИНЧИ БОБ РАБОТОВА БАЁНИДАДУР

Аммо работов жамъи работдур. Ва работни ранги ва қивоми асабга ўхшаган жисмдур. Лекин ранги асабдин оқроқ ва қивоми қаттиқроқдур. Чунки работ устихондин кўкарган, аммо асаб миёдин кўкаргондурки, устихон мияга нисбатан ҳам оқроқ ва ҳам қаттиқроқдур. Ва работни қаттиқроқ демоқдин мурод, пайга назаран эгилмоқ ва буралмоғи қийинроқ демоқ эмас, балки пайга назаран узилмоғи қийин ва пишукроқ демак муроддур. Ва илло мулойимликда пайдин кам эрмас. Лекин Шайх ур-раис раҳматуллоҳи алайҳ бунга хилоф работни «работ асабни бир навъидур ва мустақил узви муфрад эмас» дерлар. Вал-ҳаққу индаллоҳи. (Ҳақиқати Аллоҳ ҳузурида).

Ва работни манфаъати шулки, устихондин кўкариб, гўштга мутасил бўлгон сабабли жасадни истеҳкомига боисдур. Маълумдурки, тамоми жасадни бунёди устихон ила барподурки, агар устихонга мустаҳкам ёпишгон бўлмаса, бинони истиқомати мумкин бўлмас. Ва ҳам устихонларни мафсилларида ҳар икки устихондин кўкаргон работлар бир-бирлариға маҳкам муаллаф бўлиб, устихонларни пайванд қилгондур. Ва яна бир манфаъати шулки, работ майда ва ингичка тораға мутафарриқа бўлиб, бир узвдин иккинчи узвга таралиб борур ва мазкур иккинчи узвдин пай кўкариб, биринчи ўзвга қараб келиб, ўртада пай торалариға работ таралади. Работ торалари аралашиб, тўқилиб, аларни ароларидаги бўш қолгон халаллари гўшт бирлан тўлиб, узла ҳосил бўлур. Ва мазкур узлани иккинчи учидин ҳам тажовуз қилгон работлар яна пай ила мухталит бўлгон бўлиб, пай ва работ таркибидин ва ватр ва баъзи гишолар ҳосил бўлур. Аммо пай узладин ўтиб, работни мабдаъи тарафга ўтмаган бўлур.

Шунинг учундурки, ватрда ҳис бордур. Чунки анда пайи ҳассоса мураккабдур ва работда пайи мураккаб бўлмағондур. Бинобарин, анда ҳис йўқдур ва беҳис бўлишининг манфаъати шулки, узлаларни ҳаракати кўблигинин ва пайванд устихонлар аросида ситилиш ва тортилишдин озорланмасин учундур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, устихон ила узла миёнасида восита бўлгон работни мутлақ работ дерлар. Ва бошқа исми йўқдур. Аммо устихон мафсилларини пайванд қилгон ёки узладин бошқа бир узвни иккинчи бир узвга пайванд қилгон работни работ ҳам дерлар. Ва ақаб ҳам дерлар, бафатҳатайн, чунки камонни ақаби азбаройи камонни истеҳкоми учун мажбулдур. Ва работ ҳам аъзони истеҳкомига мавзӯ (қўйилган)дур.

БЕШИНЧИ БОБ УЗАЛОТ БАЁНИДАДУР

Узалот жамъи узладур. Узла жисмики, гўштдин ва пайдин ва ватрдин ва работдин мураккабдур. Чунончи, работот бобида баён қилинди. Ва маҳфий қолмасинки, узлани ўрта мағзидин узунига бир жирми асабий тортилгондурки, ани меҳвари узла дерлар. Ва бу меҳвар ҳақиқатан ҳамма узлада бўлур. Лекин каттароқ узлаларда зоҳир ва равшан кўринур. Аммо кўзни пилки каби кичик узвларни узласида бу меҳвар мутлақо кўринмас. Ва ватр агарчи, узлани жузъи зарурийясинин бўлмай, балки онча зарурийяси пай, работ ва гўштгина бўлса ҳам, лекин узладин зиёда ўсиб, шул узлани бир учида муттасил бўлғони учун зоҳиран гўё узла ватрдин ҳам мураккаб бўлгондекдур. Шунинг учун таркиб баёнига қўшиб дарж қилинди.

Ва узлани манфаъати табиат ирода қилгон вақтда ўз ватрининг ёрдами ила аъзони ҳаракат қилдирадур. Ва ҳам совуқ ва иссиқдин устихонни ўраб туриб муҳофаза қилувдир. Ва маълумдурки, устихонни мизожи совуқ ва қуруқдур. Бас, анга андак хориждин совуқ етканда кўб мутаассир бўлуви мумкиндурки. Ва работ ҳам совуқ мизожда бўлиб, андак хорижий совуқдин хийла мутаассир бўлуви мумкиндур.

Устихонлар кўб ҳаракатлар сабабли бир-бирларини ишқаб, суда (ишқаланган) бўлмасин учун устихонларни мафсилида андак миқдор-

да рутубат халқ қилинғондурки, гўё машиналарни мойлагандек мафсилни ҳўллаб турар. Бас, агар хориждин андак иссиқ таъсир қилса, мазкур рутубатни қуритиб юбориб, устихонларда нуқсон ориз бўлур эди. Шунинг дафъи учун мазкур мафсилни ўраб, ўз ҳажмини қалинлиги бирлан ва мизож таркибияси бирлан иссиқ ва совуқдин муҳофаза қилурки, узла асаб ва ватрдин мураккаблигидин ани мизожи совуқ бўлиб, мазкур рутубатни сақламоқ учун хорижий иссиқларга муқовамат қилур.

Ва ҳам гўшти мураккаб бўлғондурки, анинг мизожи иссиқ бўлиб, асаб ва работнинг ҳимояси учун хорижий совуқларга муқовамат қилур. Ва ҳам мафсилдаги ҳарорати фаризияни масомлардин таҳлил топиб кетмаслаги учун ўзини захим (йўғон) ва касиф (зич)лиги ила ўраб турар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, узлани ўзи ҳақиқатан узви муфрад эмас, балки мураккабдур. Лекин ақсари ҳукамои мутақаддимин ҳақим Жолинус мазҳабиға иқтидо ёки ўз фикрларига саҳван узви муфрад таъдодиға қўшиб баён қилғондурлар. Ва ҳақим Муҳаммад ибн Маҳмуд Чағминий ҳам «Қонунча» исмли матнларида Жолинусга иқтидоан буни узви муфраддин ҳисоб қилғондурлар. Аммо Шайх ур-раис раҳматуллоҳи алайҳ қатъиян узлаи мураккабдур, деганлар ва муфрад қаториға ҳисоб қилмағондурлар. Бас, фақири ночиз аҳёнан баъзи ривояти вофийяни баъзи ҳукамодин нақлим мустасно бўлғонда боқий ҳамма таҳриротим Шайх раҳматуллоҳи алайҳни «Қонун»и кабирларидин интихобдур, маъа золика узлани узви муфрад ҳисобида баён қилдим. Бу иродадин мурод Шайхи мазбурни шаънлариға тақлид эмас, балки узлани фавонди ва вазоифи ила қорини киромларни таништирмоқ учун ва ҳам, ғалати омма айни истилоҳ, қондасиға имтисол учундур. Лиҳозо бу нодони ҳечмадонни маъзур тутғайлар.

ОЛТИНЧИ БОБ УРУҶ УЗ-ЗАВОРИБ, ЯЪНИ ШАРОИН БАЁНИДАДУР

Аммо уруқ уз-заворибки, форсийда рағи жаҳанда дерлар ва арабда исми маҳсуса ила шараён дерлар ва туркийда жон томури дерлар. Бу томур пайға ўхшаган жисмдин яратилгондур ва ҳам музоъафдур, яъни икки қабат халқ қилингондурки, гўё бир томурнинг ичидин иккинчи бир томур ўтқазилгон кабидур ва бу томурни мабдаъи дилдадур ва ичи тешук ва ковакдур ва шараён томурида зотан ҳис ва ҳаракат йўқдур. Ва буни ичида кўброқ миқдор руҳ ва озроқ миқдор қон бўлур. Ва шараён томурини манфаъати дилдан олган покиза қонларни ғизойи жасад учун тамоми баданға еткузмоқ ва ҳам дилдин қолгон руҳи ҳайвонийясини баданнинг ҳаёти учун тамом баданға қон ила қўшуб еткармоқдур, яъни дилдаги қуввати ҳайвонийяни баданға борадурғон йўли шул шараёндурки, шараён воситаси бирлан ҳамма аъзоға борур.

Ва яна бир манфаъати шулки, ўзини инбисот (ёзилиш) ва инқибоз (сиқилиш)лик ҳаракати бирлан дилға ва руҳға тарвиҳ етказур. Ва дилдин ва руҳдин бухороти духонийяни, яъни ҳомиз ул-қорбунни ихрож қилур. Зероки, ҳавойи насимни ўпка нафас йўлидин тортқондек, шараён ҳам масона йўлидин жазб қилур ва руҳни тарвиҳ қилур ва бухороти духонийяни ҳам шул масоми бадан йўлидин ихрож қилур. Шунинг учун ҳавони мўътадил вақтида баландроқ ва очиқроқ жойда либосни ечган кишиға тамом фараҳ (шод)лик ҳосил бўлур. Лекин бу тарвиҳ оҳиста ҳам оз миқдорда бўлур. Аммо дилни ва руҳни ҳожатиға кофий миқдорда ҳавойи насим жазб қилмоқ ва энг яқин йўл бирлан тез фурсатда дилға еткузмоқ ва бухороти духонийяни тезроқ фурсатда кўпроқ миқдор чиқармоқ ўпкадан бўлуви зоҳирдур. Шунинг учун агар бу катта йўл ҳавойи насимдин манъ қилунса, масона тарафидин шараённи жазб қилгон насими кифоя қилмай, ҳалок бўлур. Масалан, мисол учун агар бир киши очиқ жойда ҳавойи насимдин нафас олмай тўхтаса, 1,5 дақиқагача сабр қила олур. Агар насимсиз жойда нафасни тўхтатса, чунончи, сувға ғарқ бўлса, бир дақиқада ҳалок бўлур. Чунки очиқ ҳавода нафасни тўхтатгон кишини масомдин олгон ҳавойи насими чорак дақиқа зиёдароқ сабр учун ёрдам берган бўлур. Бас, ҳайвонотни ҳавойи насим учун мундоғ ҳожати бўлғони учун Ҳакими Мутлақ ўпкани жирмини ҳаммасиға шараёни варидий таратуб, ша-

раённи ўпка ичига кирган жойини бир қават қилиб яратғондур. Токи, ҳажми юпқа бўлғони сабабли тешуги кенгроқ бўлуб, насимни кўброқ жазб қилур ва бухороти духонийни кўброқ ихрож қилур. Ва насимни дилға бориши учун шараён восита бўлувиға ҳикмат шулки, ҳавойи насим то дилға борғунча ўпкани мизождин ислоҳ топиб, батадриж шароин масомларидин ўтиб, сўнгра дилға етсун ва дилни табиатиға муҳолиф табиат ила боруб, дилға озор бермасун учун шараён ҳойил бўлиб яратилғондур.

Чунки, агар ўпка ила дилни миёнасида шараён бўлмай, балки ҳавойи насимға тўғри очиқ йўл бўлса эди, ҳавойи насим хориждаги бил-фёъл совуқлик ҳолича дилға боруб, дилни табиий ҳожатидин ортуқ даражада совутиб озор берар эди. Ва дилни батнидаги қонни ҳам ортиқ даражада совутиб, андин руҳ ҳосил бўлувиға монеъ бўлуб, ҳалок қилур эди. Ва лайса фа-лайса. Фасубҳаноллоҳ ил-Азиз ул-Ҳаким.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ўпкани жирмиға мунташир бўлғон шараённи шараёни варидий демакдин мурод бу шараён ҳам варида каби бир қават демакдур. Ва бир қаватлигининг сабаби мазкур бўлди. Ва бошқа шараёнлар ҳаммаси икки қават бўлур. Ва икки қаватликни нафъи шулки, ҳайвонот учун асл моддаи ҳаёт руҳдур. Ва ҳам руҳ учун асл модда соф қондурки, ҳар иккисини юрар йўли шул шараён бўлғонликдин ҳаёт учун энг муҳим ва зарурдур. Бас, агар бир қаватиға бир офат етса, иккинчи қавати руҳ ва қонни муҳофаза қилмоққа захира бўлсун учундур. Ва беҳислигини нафъи шулки, руҳни ва қонни иссиқлигинин ва қон ила мухталит бўлғон ахлотни ҳаракатидин озорланмасин учун беҳис яратилғондур ва беҳаракатлик би-з-зотдур. Яъни, агарчи, зоҳиран шараён доим ҳаракатда бўлса ҳам, лекин ҳукамо миёналарида ихтилоф бордур. Баъзилар наздида шараённинг ҳаракати би-з-зотдур. Ва баъзилар наздида би-л-қасрдур. Ва баъзилар наздида дилға таъандур. Ани тафсили набз (томир) мабҳасида баён қилинур, иншааллоҳу таъоло.

Ва шараённинг ички коваклигини нафъи шулки, агар кўброқ руҳ ва руҳнинг нақлиға мадад учун кифоя қиларлик миқдорда қон сиқиб, татмом жасадға етсун учундур. Ва шараённи мабдаъи дилни чап тараф батнидур, зероки ўнг тараф батни ўнг жигарға яқин бўлиб, жигардин янги ҳосил бўлғон қонни жазб қилмоғ учун ва ўпкада танаффус ила тозаланғон қонларни ўпкадин қабул қилмоққа машғулдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, шараёнда бошқа томирға назаран қон озроқ ва руҳ кўброқ бўлур, деб зикр қилинди. Анга сабаб шулки, бошқа томирда ҳам даврон қилиб юргон эски қон бор. Ҳам жигардин янги тайёрлаб чиқаргон қон қўшилуру ва ҳам эски қондин пайдо бўлгон бухороти духонийя бордурки, буларни мажмуъини ҳажми албатта, кўб бўлур. Ва яна бухороти духонийя руҳни куйдуриб, камайтирар. Ва ҳам қонни покроқ бўлғони учун андин руҳ камроқ ҳосил бўлур. Аммо шараён тамоман бунинг аксидурки, ўпкадин танаффус ила тозалонгон қонгина шараёнға ўтиб, дилға борур ва боқийси ўтмас ва ўткан қадаридин физойи бадан учун ҳам сарф бўлур. Ва қон ҳам ғоятда покиза бўлғони учун андин руҳ кўброқ ҳосил бўлур ва бу руҳни фано қилувчи бухороти духонийя ҳам бўлмас. Шунинг учун шараёнда руҳ кўброқ ва қон камроқ бўлур.

УРУҚ УС-САВОКИТ БАЁНИДА

Ани уруқи ғайри завориб ва аврида ҳам дерлар. Туркийда қон томури дерлар. Бу томур жисми асабонийдур. Яъни, асабға ўхшаш жисмдурки, онда ҳис ва ҳаракат йўқдур. Ва шараёндек музоъаф эмас, балки бир қаватдур. Ва томурни ичида кўброқ қон ва озроқ руҳ бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, томурни ҳилқати баданда баманзалаи тазардурки, сувни оқар йўлидур. Инчунин, томур ҳам қонни баданда оқар йўлидур. Лекин бул ҳукм бинобари ақсариядур. Ва илло баъзи томурлар азбаройи жазби физо учун машғулдурки, анда қон бўлмас, балки фақат меъда ва ичакни ҳазм кайлусидин ҳосил бўлгон жавҳари физо шул томурлардин юрар. Чунончи, мосариқо томуридур, магар шул жавҳари физо ҳам ҳазми каймусда қон бўлувчи моддадурки, ҳукман қон демак мумкиндур. Ва инчунин, баъзи томур азбаройи дафъи фазлаға машғулдур. Чунончи, жигар ила буйракни миёнасида восита бўлгон томурда қон бўлмас, балки жигарни ҳазми каймусидин фазла бўлиб ажралгон мойийатни буйрак воситаси ила қовуқға дафъ қилмоқ йўлидурки, анда фақат шул мойийати фазлийядин бошқа нимарса йўқдур. Магар шул мойийат қонни тасфийясинин ҳосил бўлгон муносабати ила ани ҳам қон томури демак мумкиндур. Ва илло бу томурни озлигинин

гүё йўқ ҳукмида бўлуб, аксариятга ҳукм қилиб, кўброқ қон ва озроқ руҳ бор деб зикр қилинди. Ва бу томурни нафъи ҳамма аъзога қон етказиб, гүё зироатни суғоргандек жасадни қон ила суғормоқдурки, жигар меъдадин меъда кайлусини мосариқо воситаси бирлан жазб қилиб, ўзини каймус ҳазми натижасида қон қилиб тайёрлайдур. Сўнгра бул қонни жасадга шул томури бирлан юборур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, аврида жамъи варид (томир)дур. Чунончи, шароин жамъи шараён бўлғони кабидур. Ва шараён томури варид томурига нисбатан кўб йўғондур. Лекин, варид томури ҳаммаси бир қаватдур. Магар жигардин дилга гизо еткарувчи варид шараёни исмлиқ томур икки қаватдур. Ва буни икки қаватлиғини нафъи ва боқий аъзо варидларни бир қабат бўлувини нафъи шулки, варидни қонининг миқдори кўброқ, ҳам бошқа ахлотлар аралаш бўлғонлиғидин қивоми ҳам қуюқроқ бўлур. Шунинг учун томурни масомларидин сузилиб, физойи бадан учун гўштга бақадри ҳожат учун сингиши қийин бўлмасин учун бадан варидларини бир қават халқ қилинғондур. Бас, агар икки қават бўлса эди, олият қуюқ қонни бақадри ҳожат сузилиб ўтмоғи мумкин бўлмай, физойи баданда нуқсон бўлур эди. Ва яна баданга сингиб ўтган қонни қайтариб, гўштлик ҳолга келтирувчи моддаси, яъни хилти савдо томурда сузилиб қолғони учун баданда гўшт бўлолмас ва натижада фано бўлғон гўштлир ўрнига бадали моятҳаллал бўлмай, бадан ҳалок бўлур эди. Аммо варид шараёни икки қават бўлмоғининг нафъи шулки, ул варид дилни ва ўпкани ҳамма ажзосига таралғон бўлуб, буни масомидин дилга ва ўпкага гизо учун сингиб борғон қон соф ва покизароқ бўлуб борсин учундурки, дил ва ўпка узви шариф бўлғони учун анга физойи латиф муносибдур.

ТАНБИҲ. Махфий қолмасунки, жигарни хориж тарафи, яъни қобирга тарафи муҳаддаб, яъни дўнгроқ, яъни меъда тарафи муқаъар, яъни чуқурроқдур. Ва чуқурроқ тарафидин бир адад томур ва муҳаддаб тарафидин бир адад томур кўкарғондурки, ҳамма авриданнинг асли ва танаси шул икки томурдур. Ва муқаъар тарафдан кўкарғон томурни номини арабда боб ул-кабид (жигар эшиги) ва мадҳал ул-кабид (жигарга кириш жой) дерлар. Ва бул томур кўб майда ва ингичка шохларга шохлаб, ҳамма шохлари меъда ва ичакларга таралғондурки, жигар кайлусни меъда ва ичаклардин шу томур воситаси ила жазб қилур. Ва номини мосариқо дерлар.

Ва мосариқо бориб таралган маҳалл эътиборига назаран уч даражаға мунқасим бўлур. Чунончи, меъдаға муттасилан таралгонларини мосариқойи улё дерлар. Ва ичак ва пўконга таралганларини мосариқойи вусто дерлар ва ҳасип ичагиға ва мустақим ичагиға таралгон шохларини мосариқойи суфло дерлар.

Ва меъдани ҳазми кайлусининг ибтидоси таомни чайнамоқдин бошлангондек, жигарнинг ибтидоий ҳазми ҳам кайлусни мосариқоға киргонидин бошланур. Яъни мосариқода ҳам қувваи ҳозимаи каймуc бордур ва мосариқо томури ғоят даражада ингичка, гўё мўйдекдур. Ва анинг ингичкалигини нафъи шулки, меъдадин жигарға келгон физойи кайлуснинг хўб латиф бўлуб етилғониғина келсун ва чала ҳазм бўлгон дурдалиги келмасун учундур. Чунки, агар мосариқо йўгон ва тешуги кенг бўлса эди, кайлуснинг чала қолгон дурдалари ҳам сузилиб қолмай, аралаш бориб жигарға судда (тиқилма) эҳдос (пайдо) қилур эди. Ва яна жигар ҳам ўз вазифасидин зиёда меъда вазифасини ҳам адо қилмоғдин ожиз бўлуб, бул ҳам каймуcни чала ишлаб ўтказур эди. Ва натижада физо қон бўлолмагон ҳолда баданға тарқаб, истисқойи лаҳмий (гўштли истисқо) ва барас (пес) ва баҳақ (меъда) касаллари ориз бўлур эди.

Ва яна билмоқ керакки, мосариқонинг нафъи фақат жигарни меъдадин кайлус жазб қилувчи ва ичакдин физойи латиф жазб қилуви учунғина эмас, балки жигарни каймуcидин ҳосил бўлгон фазлани ҳам жигар шул мосариқо воситаси ила ичак тарафға дафъ қилур. Ва жигар ва меъда ва ичаклар миёнасида мосариқодин бошқа йўл йўқдур ва боб ул-кабид (жигар эшиги) томурининг майда шохлари худ жигарни муқаъар тараф мағзиға таралгондурки, ани жадовили мосариқо (мосариқо анҳорлари) дерлар. Аммо жигарни муҳаддаб тарафидин кўкаргон варид томурни номини ажваф (тешик) дерларки, андин баъзи майда шохлари жигарни ўз жирмиға муҳаддаб тарафиға мутафарриқ бўлиб таролгондур. Ва боқийси жигардин хорижга чиқиб ўпкага киргандур. Лекин ўпка физоси учунғина эмас, балки ани танаффуси ила бу томурни қони мўътадил бўлиб, дилга ўтар ва дилдин ишланиб чиқиб, фақрани ички тарафидин фақраға мутавозий ва муҳозий бўлиб, икки ададга шохлаб, бир шохи бош тарафға ва бири оёқ тарафға тортилгондур.

Сўнгра ҳар бир узвга бир шох чиқиб, муттасил бўлуб, тамом бадан аъзосиға муншаъиб (бўлинган) бўлиб таралгондурки, мазкур ҳар икки варидни воситаси бирлан юқори ва паст аъзони ҳаммасиға физо

учун жигардин қон етиб турар. Ва бу томурни то ниҳояти баданга бориб етғониғача тўрт хил исм бирла айтилу. Чунончи, жигардин кўкарган учи йўғондурки, бошқа шохлариға аслдур ва андин ажрагон шохлар бундин ингичкароқдурки, булар фаръ (шох)лардур. Ва фарълардин ажрагон шохлар андин ҳам борикдурки, фаръ ул-фаръ (шохларнинг шохчалари)дур. Ҳоказо то ниҳоятиға борғунча ғоят даражада кўз бирлан эҳсос мумкин бўлмас ҳолда бўлиб кетгандур. Шунинг учун ҳажмининг да ражасига нисбатан тўрт даражаға мунқасим бўлиб, ҳар қисми бир исм бирлан мавсумдур. Чунончи, жигардин кўкаргон тана тарафини жадовили аврида дерлар, яъни аврида-нинг анҳори дерлар. Ва андин ажралғон шохлари жадовилға нисбатан ингичкароқ бўлурки, ани савоқийи жадовил дерлар, яъни аврида (томирлар) анҳорининг ариқчалари дерлар. Ва савоқийининг шохларини равозиъ ус-савоқий дерлар, яъни ариқчалардин ичқучилар демакдур. Ва охиринчи қисмини уруқ уш-шаърий ва уруқ уд-диқоқ дерлар, яъни мўй томури дерларки, бу томур гўё мўйдек, балки мўйдин ҳам нозик бўлур. Ва шароин томури ҳам инчуниндур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, аврида ва шароин ҳар иккиси томоми баданга чунон мунташир (ёйилган) бўлғондурки, баданда бул икки томурдин холий жой йўқ, демак мумкин даражададур. Лекин ани кўз эҳсос қилолмас ва мазкур кўзга маҳсус бўлмаган томурларни энг мунтаҳо-лари очиқдурки, ани афвоҳ ул-уруқ (томирларнинг оғизлари) дерлар, яъни ҳар икки томури мазкурни ичидаги қон маҳбус эмаслар. Балки ҳар бир варидни мунтаҳосидин бир шараён мунтаҳоси ҳам мавжуд бўлиб, ҳар иккиси бир-бирига муқобилдур. Токи шараённинг қонида ҳосил бўлғон бухороти духоний ва ўзгарилган қонлар варид томуриға кириб, андин ўпкаға келиб, танаффус воситаси ила бухороти духоний-яси хориж бўлуб, бақияси баъдал ислоҳ дилға кириб, яна шараён томури ила баданға таралурки, даврон уд-дам (қон айланиши) шундан иборатдур.

Ва яна билмоқ керакки, ажваф вариди жигардин ўсиб, қобирғани ички тарафи бирлан орқа тарафға фақра устихонининг ўнг тараф ёни-ға еткондин сўнг, иккиға ажраб, бир бўлаги бош тарафға ва бир бўлаги оёқ тарафға тортилғондур. Ва бадандаги ҳар бир узвнинг рўбарў-сиға борғонида бул вариддин икки адад шох кўкариб, бири ўнг тараф-ға ва бири чап тарафға қайрилиб, мазкур узвға таралиб кетғондур.

Ва шараён томури ҳам дилдин кўкариб, орқа тарафга ва фақра усти-хонининг чап тараф ёнида иккига ажраб, бири бош тарафга ва бири оёқ тарафга варид томури ила баробар ва ҳамроҳ бўлиб, ҳар бир узв-нинг рўбарўсида ўнг ва чап тарафдин икки адад шох чиқариб тарал-гандур. Инчунин, буйракнинг рўбарўсида ҳам вариддин икки шох чиқиб, бири ўнг тараф буйракга ва бири чап тараф буйракга муттасил ва таралғондурки, жигар ҳазми каймусдин ҳосил қилғон фазлаи мои-ясини шул томур воситаси ила буйрак ва масона (қовуқ) тарафига дафъ қилур. Ва ҳам буйракга ғизони шунинг воситаси ила етказур. Ва бу томурни номини толийайн дерлар. Чунки бу томур ҳар иккиси буй-рак ичига кириб, яна андин чиқиб юқори тарафга, яъни дил ва ўпкага борурлар. Бинобарин, буларни толий деб исм берилғондур ва абҳар ҳам дерлар. Ва шунинг учундурки, буйрагида офат бўлғон кишини нафасидин офатга сабаб бўлғон хилтни бўйи эҳсос қилинур ва қон олув лозим бўлғонда варидни қаю шуъбаларидин ва қайси мавзеъла-ридин олув лозим деган шарҳларини «Истифроғ би-л-фасд» («Қон олиш билан бўшатиш») бобида муфассал баён қилурман, иншаал-лоҳу таъоло.

ЕТТИНЧИ БОБ ЛАҲМ (ГЎШТ) БАЁНИДАДУР

Лаҳм, яъни гўштни ҳусули қивомига етиб, қувват ва матонат пайдо қилғон қондин бўлур ва шунинг учун агар гўштнинг бир қитъаси кеси-либ ёки эзилиб нобуд бўлса, сўнгра яна батадриж ўрни тўлиб битилур. Зероки, бул ҳодис гўштни моддаси ҳам қондурки, доим баданда мав-жуддур, ба хилофи аъзон манавийяки, ибтидои хилқатда манийдин ҳосил бўлғон узвларга агар нуқсон етса, сўнгра ўрни тўлуви мутаъассир (қий-ин), балки мутаъаззир (узрли)дур. Чунончи, мабҳаси узв (аъзолар баҳ-си)да мазкур бўлди. Ва қонни қивомига етиб, матонат ҳосил қилувиға сабаби фозили иссиқ ва қуруқ мизожни ғалабасидур. Токи иссиқ мизож қондаги рутубатни қуритиб зойил қилур. Чунки рутубат руховат (бўшлик) ва сустликни мўвжибидур. Ва ани заволи матонатни мўвжи-бидур. Аммо қуруқ мизож эса иссиқни изоласи (зойил бўлиши)дин бо-қий рутубатни жазб ва имсоқ қилур.

Ва шу тариқа таъсир, албатта, қонни қуюлиб, мунъақид бўлувиға боислиги маълумдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, қонни мунъақид (қуюлган) бўлувиға сабаб фозилий иссиқ ва қуруқ мизождин мақсуд сафро ва савдойи табиийдур. Чунончи, амзижаи самонийя (саккиз мизож) ва ахлоти арбаъа (тўрт хилт) бобларида маълум бўлгон эдики, сафрони мизожи иссиқ ва қуруқдур. Ва савдони мизожи совуқ ва қуруқдур. Ва сафронинг манфаъати ўзининг риққати ила қонни суюлтуруиб, томурларда жараёнға қобил қилур ва ўзини иссиқлиги ила қонни эритиб, томурни масомларидин гўштға тарашшуҳ (ёйилиш) ила сингиб ўтишиға ёрдам берур. Ва яна даврон уд-дам бобида ва ҳузуми арбаъа (тўрт ҳазм)ни тўрт қисмида маълум бўлгон эдики, сафрони биринчи манфаъати қонни суюлтирмоқ ва томур масомидин баданға тарашшуҳ учун ёрдам бермоқ. Ва иккинчи манфаъати ўзининг иссиқлик таъсири ила қонни рутубати мойиясини таҳлил бериб, қуюлтирмоқдур.

Ва савдони манфаъати ўзининг қуруқлиги ила қондаги моиятни бақиясини жазб қилиб қайтармоқ, яъни қонлик ҳолдин гўштлик ҳолға айлантирмоқдур. Бас, гўштни тариқани таваллуди гўё мўйни тариқани таваллудиға ўхшарки, варидни масомидин сингиб баданға ўтиб турар. Ва ўткон қадари сафронинг ҳарорати ва руҳи табиийя ва ҳарорати ғаризияни моҳияти таҳлил топиб, сўнгра савдонинг жазби ила боқий рутубат ҳам мунжазиб бўлиб, қонлик ҳолдин гўштлик ҳолға ўтар. Сўнгра яна масомдин қон бориб, лоҳиқ бўлур. Ва бадастур мазкур қайтиб қўшилар ва ҳоказо мутавотиран қонлар бир-бириға лоҳиқ бўлиб туриб, бир силсила шаклида вужуд ҳосил қилурлар. Шунинг учундурки, гўштни жирми мутаъаддид торалардин мураккабдур. Бундин бошқа ҳикмати нафисаларини мазкур бобларда баён қилинди. Бас, зиёда тафсилоти учун толибларни мазкур бобларға мурожаатларини тавсия қилинур.

Гўштнинг манфаъати аъзони иситмоқ ва аъзодин офатларни дафъ қилмоқдур. Маълумдурки, гўштни такаввунни (пайдо бўлиши)даги асл моддаси ҳам қондур ва ҳам ани мағзи доим қон ва руҳ ва сафро ила мамлу (тўла)дурки, буларнинг ҳаммаси иссиқдур. Ва баданни иситмоқға ҳам муассир (таъсирли)дур. Ва яна гўштни миқдори кўб ва ҳажми қалин бўлғони учун гўёки қалин либос каби хориж совуқнинг таъсири-

га моньдур ва ҳам бадандаги ҳарорати ғаризий ва ҳарорати табиий-яларни таҳлил топиб, фано бўлмоқларига монь ва ҳофиз (сақловчи), балки муънн (кўмакчи)дур. Бас, агар гўшт бўлмаса эди, бадан исимас эди. Балки ўзини ҳарорати ғаризийи зотийясини сақлай олмас эди. Ва шул сабабдин руҳи ҳайвоний ва руҳи табиий ҳосил бўлмай, ҳаётлик мумкин ҳам бўлмас эди.

Ва яна хориж тарафдин еткан зарба ва мусодама (урилиш)ларға гўшт ўз мулойимлиги ила муқовамаг қилмоғон тақдирда пайларға ва узлаларға, ҳатто устихонларға озор ва шикаст ориз бўлур эди. Ва хорижий совуқдин озор доимий етиб туриб, қувойи арбаъага заифлик ориз бўлур эди. Ва ҳайкал (гавда)ға ҳам номавзун ва номарғублик рўй берар эди. Фа таборакаллоҳ ус-Сонгъ ул-Алим ул-Ҳаким ул-Қадим.

ФОИДА. Билмоқ керакки, баданни хориж тараф гўштига жилдни таркибидаги пайи ҳассосанинг лиф (тор)лари таралғондур. Шунинг учун хориж тараф гўшт ҳисликдур. Ва ботин тараф гўштда ҳис йўқдур. Ва ҳукамо иттифоқларича гўштни хорижий тарафдин ботиний тарафға нисбатан тақрибан уч ҳиссага тақсим қилинган тақдирда хорижий икки ҳисса гўшт ҳислик ва ботиний тараф бир ҳиссаси беҳис, деб фараз қилинғондур. Ва хорижий тараф гўштни ҳисдорлигининг нафъи шулки, хориждин воқеъ бўлувчи офатни сезиб, дафъага чора кўрмоқда жилдни муъовини ва халифаси бўлур. Токи жилд суръатлик ҳаракат вақтида ўз изтироби ила хорижий мулоқиётнинг таъсири фақат озор ёки қатълиғини фарқ қилолмай қолуви мумкиндур. Бас, агар қатъ (кесилиш-узилиш) ва тафарруқи иттисол воқеъ бўлса, гўшт ўз алами ила соҳибини огоҳ қилмоққа ҳисдор бўлуви лозимдур.

САККИЗИНЧИ БОБ ШАҲМНИ БАЁНИДАДУР

Шаҳмнинг маъноси чарбидурки, қонни назжидин ҳосил бўлуб, ажралғон моюя дусумиясидин мунъақид бўлур ва гўёки қоннинг сардикидин ҳосил бўлур, деб таъбир қилмоқ мумкиндур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, қондаи куллийядурки, тамоми мавжудотни ҳеч бири мустасно бўлмай, умуман ҳар нимарсани вужуди икки

нимарсадин холи эрмаски, бири ёғ ва бири туздур. Бас, қонда ҳам ёғ табиатлик мойя албатта мавжуддурки, назж вақтида қондин сардик бўлиб ажралур. Бас, қон жавҳари гўшт бўлгонидек сардик жавҳари чарби бўлур ва бу мойятни чарби ҳолига таҳлил қилувчи сабаби фойлий совуқдур, яъни ҳарорати ғаризиядин кам баҳраликдур. Шунинг учун чарбининг таваллуди ғишоларда ва ичакларда ва қоринда ва бошқа асабоний аъзода бўлурки, аларни мизожи совуқ ва ҳарорати ғаризийдан кам баҳра жойлардур.

Аммо гўштни ўзида чарби ҳосил бўлмас. Чунки анда ҳарорат кўбдур ва чарби моддасини инъиқоди (қуюлиш)га монё бўлиб турар. Бинобарин, важҳдурки, чарби иссиқда эриб, андак совуқни асари ила қотиб, мунъақид (қотган) бўлур.

Ва чарбининг манфаъати ўз атрофидаги узвни ҳўллаб турар ва ҳарорати фавқ ул-ҳожатни ва йубусати фавқ ут-табиъани зараридин муҳофаза қилур. Ва маълумдурки, чарбининг маҳалли таваллуди гарчи асабоний ва совуқ мизожлик бўлса ҳам, лекин ани мужовари (ёни)-да ҳарорати табиий ёки ҳарорати ориза аксар мавжуддурки, боиси йубусат ва мўвжиби ташаққуқи узв (аъзо ёрилиши) бўлур. Масалан, ҳарорати табиийяси ўткир узвнинг мисоли дилдурки, ҳам ўзи ғоятда иссиқ мизожлик халқ қилинғондур, токи боиси ғайрат ва ҳамийят ва мўвжиби шижоат бўлғай ва ҳам дилда қон бўлур. Токи андин руҳи ҳайвоний ҳосил бўлуб, баданга ҳаёт бахш бўлур ва доим ул-ҳаракатдур ва ҳаракати мўвжиби ҳароратдур. Бас, бул қадар ҳароратни таъсиридин дил қизиб кетса, ҳарчанд дилни ички тарафи қон бирлан ҳўлланиб турса ҳам, лекин хориж тарафи қуриб, ташаққуқ пайдо қилмоғи ва шул сабаб ила дилга ва ҳаётга фасод лоҳиқ бўлуви лозимдур. Шунинг учун Ҳазрати Ҳакими мутлақ дилни муҳофазати учун бир ғишо халқ қилиб, анда чарби халқ қилғондурки, дилни хориж тарафини ҳўллаб, йубусат (қуриш)дин ва ташаққуқдин маҳфуз сақлағай. Ва ҳарорат оризалик узвни мисоли қориндурки, гарчи ўзи зотан иссиқ мизожлик бўлмаса ҳам, лекин таомнинг ҳазмига мадад учун бир миқдор ҳарорати табиийяси бордурки, ани сабаби бирлан қорин ғизони ҳазмига таважжуҳ қилур.

Ва ҳам меъдага доим захра (ўт қопи)дан сафро томиб, ғизони кайлус кайфиятига таҳвил учун муъин бўлурки, сафро мўвжиби ҳароратдур. Ва ҳам ғизо меъдада ҳазм бўлмоқда қизиб кетар ва ҳам аксар

вақтда меъда ахлоти арбаъани маҳалли нузули бўлурки, ахлотни ҳид-дати мўвжиби ҳароратдур. Бас, мазкур ҳарорати оризалар таъсиридин меъдани зоҳир тарафида йубусат ориз бўлиб, меъдаға нуқсон етмасун учун меъда атрофини ихота қилгон бир гишо халқ қилингондурки, анда чарби ҳосил бўлиб, меъдани зоҳир тарафини ҳўллаб, йубусат ва ташақ-қуқдин муҳофаза қилур. Ва инчунин, ҳасип ичагида доим фазла мав-жуддурки, баданнинг ҳарорати ғаризийясининг иссиқ ва қизиг бўлиб турар. Ва табиатни иқтизойи ижобат (ҳожат ушатиш) вақтиғача физи-нинг тафли ўзини мақси (туриб қолиши) ила зиёда қизиб кетар. Бас, ани ҳарорати оризаси сабаблик ҳасип қизиб, қуруб кетмасин учун анда чар-би халқ қилингондурки, ани ҳўллаб ташаққуқдин ва қабзийати дои-мийядин маҳфуз тутар ва бошқа манофиъини миъои қулун (ичаги) ва миъои мустақим (тўғри ичак) ташриҳида баён қилурмиз, иншааллоҳу таъоло.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ АҒШИЙҲА БАЁНИДАДУР

Ва ағшийҳа жамъи гишодурки, бамаъноий пардадур. Ва гишо жис-ми асабонийдур, яъни ранги асабға ўхшашдур. Ва адим ул-ҳаракат (ҳаракатсиз)дурки, анда ҳаракат ихтиёри йўқдур.

Ва билмоқ керакки, гишо уч навъ бўлур. Бир навъ пайнинг торала-ридин тўқилгон гишодур. Ва бул гишони ҳисси кўб бўлур. Чунончи, ҳароммағзни ихота қилиб ўраб тургон гишодур. Ва бир навъи работ-ни тораларидин тўқуллуб ҳосил бўлгон гишодур. Ва анда мутлақо ҳис йўқдур. Чунончи, димоғни ихота қилиб тургон гишодур. Ва бири пай бирлан работни тораларидин мураккаб бўлиб тўқилгон гишодурки, анда озроқ ҳис бўлиб, чунончи, анда мазкур икки гишодин бошқа ги-шоларни ҳаммаси ҳам мураккаб қалил ул-ҳисси (ҳисси оз)дур. Аммо мусанниф Чағминий раҳматуллоҳи алайҳ «Қонунча»ларида ҳукм ба мутлақ қилиб, гишода ҳисси қалил бор, демаклари бинобари аксари-ятдур. Воқеъан мазкур икки гишодин бошқа ҳамма гишода андак ҳис бордур. Чунки пайда ҳис бордур ва работда ҳис йўқдур. Бас, ҳар ик-кисини мураккаблиги албатта, ҳисси қалил (оз ҳис)ға мусталзим (ло-зим тутувчи)дур.

ФОИДА. Димоғни ғишои хорижийси беҳислигини ҳикмати шулки, бу ғишо устихонға муттасилдурки, атсани садмасидин ёки мияға бухорот суъуд қилиб, мияни жирмиға варам ҳодис бўлгонда ғишои мазкур устихонға сиқилиб озор топмасин учундур. Ва бошқа ғишоларни андак ҳисси бўлувиға ҳикмат шулки, аъзон беҳисларни ҳиссидин баҳравар қилгай. Чунончи, ўпка ва жигар ва талоқ ва соири беҳис узвларға агар бир офат ориз бўлса, шул ғишо воситаси ила ҳис қиладур. Ва ғишони манфаъати умуман узвни ўраб олиб муҳофаза қилмоқдур. Ва мусанниф Чағминий раҳматуллоҳи алайҳ шул умумий манфаъатни баёни бирлан таваққуф қилгондурлар. Ва хусусий манфаат маскутун анҳу (жим қолинган) бўлиб қолгон эди.

Ҳақир (яъни муаллиф Боситхон) бақадри тоқат хусусий манофиъи (фойдалари)ни изҳор қилмоқни муносиб кўрдум.

Билмоқ керакки, ғишони манфаъати тўққиз эҳтимолдин холи бўлмас. Ва ҳар бир ғишо ўз хусусиятиға нисбатан мазкур тўққиз эҳтимолдин бириға мутазаммин бўлур, чунончи, биринчи манфаъат шулки, ғишо ўз ичига ўроғон узвни ҳайъати махсусасида мужтамиъ (жам) қилиб сақлар. Чунончи, димоғда мушҳуддурки, агар димоғни ўраб турғон ғишо бўлмаса, димоғ ҳайъати махсусасини сақлаб туриши мумкин бўлмас эди.

Иккинчи манфаъат шулки, бир узвни бир узвға банд қилмоқдур. Чунончи, маълумдурки, буйракни белға ғишо бирлан банд қилингондур ва ҳарчанд буйракни белға марбутлиғи пай ва работ ила бўлса ҳам, лекин тамом тааллуқли ғишодандур.

Ва учинчи манфаъат шулки, қаттиқ узв бирлан юмшоқ узвни миёнасиға восита бўлуб, қаттиқ узвни озоридин юмшоқни муҳофаза қилмоқдур. Чунончи, мияни умм уд-димоғ (мия онаси) исмлиқ ғишосида ҳувайдодурки, мия гоятда юмшоқ ва мабдаъи ҳис ва ҳаракат ва мабдаъи руҳ ва қуводурки, узви шарифдур, маъа золика ани маҳалли устихондурки, жуда сахт (қат тик)дур. Бас, устихонни сахтлигини озоридин мияни маҳфуз (омон) сақлағувчи шул ғишодур.

Ва тўртинчи манфаъат шулки, бир узвнинг тазаррури (зарари)ға, яъни бошқа нимарсадин кўрадиғон зарариға нофиъ (фойда) бўлур. Чунончи, ўнгач ва меъдала ва ичкада намоёндурки, ўнгач ғишоси қаттиқ жирмлиқ нимарсада иссиғроқ луқмани ютганда ва ўнгач гўштини жароҳатланмоқ ва куймоқ зарариға монёъ ва нофиъ бўлур. Ва меъда ғишоси меъдаға

резиш қилғон хилти ҳоддаи сафровий ва савдовийларни ва макс (тўхтаб қолиш) ила қизиб кетган ғизоларни зарариға нофиъ (фойда) бўлур. Ва ичак ғизоси фазла дафъи учун ўтдин резиш қилғон сафрони ва меъдадин мундафиъ бўлғон соири ахлооти ҳоддани ва қабзият вақтида қаттиқ фазлани харош зарариға монезъ (тўсиқ) ва нофиъ бўлур.

Бешинчи манфаъат шулки, майда томирларға раҳбар бўлур, яъни майда томирлар шул ғишоға ёпишиб бориб, маҳалли мақсудға ғизо еткизмоқлариға восита ва муъин бўлур. Чунончи, ғишои машимийда пайдодур, яъни таваллуд топғон бачани пардасики, ани туркийда йўлдош деб таъбир қилурлар. Мазкур пардада майда томирлар илашган бўлиб, қабл ал-валодат (туғилишдан аввал) бачаға аносини ғизосидин насиба етқазиб турарлар.

Олтинчи манфаъат шулки, садъайн бўлур ва бир тарафдин иккинчи тарафға борадургон зарарни йўлини банд қилур. Чунончи, ҳижоби ҳожиз (ажратувчи парда)да ошкорадурки, аъзои танаффус бўлғон ўпка дил бирлан аъзои ғизо бўлғон меъда ва ўнгач ва жигарлар миёнасиға ҳижоб восита ва ҳойилдур, токи ўтга ва дилға аъзои ғизодин бухорот суъуд қилуб, доим озор бериб турмоғиға монезъдур.

Еттинчи манфаъат ҳароратни таҳлил топиб фано бўлувиға монезъ ва ҳофиз бўлмоқдур. Чунончи, сифоқда маръий (кўрунувчи)дур. Ва сифоқ, яъни астар жилдурки, бадан гўштини хориж тарафини жилд иҳота қилиб, баманзалаи обра (авра) бўлғондур. Ва инчунин, ботин тарафини сифоқ пардаси ўраб, баманзалаи астар бўлғондур ва ўртада гўштар ва узвлар баманзалаи пахта мутавасситдур. Бас, дохилдаги аъзои ғизо ва аъзои дофиъа фузалотларни ҳаёти ва афъолиға боис бўлиб турғон ҳарорати табиий ва ҳарорати ғаризийлар таҳлил топиб, фано бўлмоқлариға монезъ ва ҳофиз шул сифоқ ғишосидур.

Саккизинчи манфаъат шулки, бир узвни бир тарафиға агар офат етса, иккинчи тарафиға сироят (таъсир) қилмасин учун бир узвни икки шиқға ажратиб ўртада ҳоил бўлур. Чунончи, ғишои мунассифи димоғда равшандурки, мияни узунига икки бўлиб, ўнг тараф бирлан чап тарафни ажратиб турғон ғишода маълумдурки, то сабаби қазий (кучли сабаб) бўлмағунча сакта касали ориз бўлмас. Ва ҳам лақва ва ҳам фолиж ҳар икки тарафға ориз бўлмас. Чунки бир тараф мияға ориз бўлғон офатни иккинчи тараф сироятига шул ғишо монезъ бўлур. Зе-роки, агар моддаи офат озроқ бўлиб, лекин табиат ани хориж тарафға

дафъ қилмоғи мумкин бўлмаса, ночор бир тараф мияға дафъ қилур, токи иккинчи тараф мия офатдин саломат бўлур.

Тўққизинчи манфаъат беҳис узларни ҳисдин баҳравар қилур. Чунончи, ўпка ва жигар ва талоқ узларида мубарҳан (равшан)дурки, мазкур узлар ўзлари зотан беҳисдурлар, лекин аларға ориз бўлгон озор ва офат ўзларини ўраб турган пардани воситаси ила сезилур.

ЎНИНЧИ БОБ ЖИЛДНИ БАЁНИДАДУР

Жилд, яъни тери демақдур ва жилд жисми асабонийдурки, пайларни ниҳоят учлари ғоят даражада нозик тора бўлуб, томурларни энг ниҳояти бўлгон торалари бирлан бирлашиб тўқилғонидин ҳосил бўлгон пўстдур.

Жилдни тўқилуви ғишо ва сифоқни тўқилувиға нисбатан қалин ва бақувватдур. Ва инсонни жилди бошқа мўйдор ҳайвоннинг жилдиға нисбатан юпқароқ ва қуввати заифроқ ва каммўйроқдур. Ва каммўйлигини ҳикматини ўн биринчи бобда баён қилинур. Ва жилдда ҳис кўбдур ва ани аъзои таркибийясини аксари пайдур. Ва жилдни ҳисси кўблиғини нафъи шулки, ҳайвонға зарарлик ва мунофий нимарсани тезроқ идрок қилсин ва ани дафъиға ҳайвон тезроқ ва қабл аз-тазаррур (зарардан аввал) ҳозирланиб, ўзини сақласин учундур.

Бас, жилд тамоми баданни муҳофизидур ва жамиъи аъзоға нисбати муносибдур. Шунинг учун баданға ҳаётбахш узви шариф бўлмаса ҳам, лекин ҳаётни пасбонидурки, бул жиҳат бирлан жилдни ҳам баъзи ҳукамо узви шарифдин ҳисоб этгандурлар. Ва маълумдурки, ҳамма аъзонинг мўътадили жилддур, токи ҳамма аъзойи маҳфузасиға нисбати баробар бўлур. Ва кайфийёти арбаъа жилдда баробардур. Зероки, аъзони ҳаммадин иссиқроғи дилдур ва ҳаммадин совуқроғи асабдур ва ҳаммадин ҳўлроғи миядур ва ҳаммадин қуруқроғи устихондур. Бас, агар жилдни дилға қиёс қилинса, дилдин совуқроқдур. Ва агар асабни қиёс қилинса, андин иссиғроқдур. Ва агар мияни қиёс қилинса, андин қуруқроқдур ва агар устихонға қиёс қилинса, андин ҳўлроқдур.

Бас, собит бўлдики, бадандаги аъзони мизожиға нисбатан жилдни мизожи мўътадил ва нисбати ҳамма аъзоға баробардур. Ва жилдни ман-

фаъати баданни ўраб, хорижий муассиротдин сақламоқ ва муассироти (таъсироти) жобирот (жабр қилувчи)ни дафъи учун ўз ҳисси ила соҳиби-ни огоҳ қилмоқдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, жилд майда томурлар ва пай тораларидин тўқилгондурки, албатта ҳар икки торани миёнасида агарчи кўзни эҳсос қилуви мумкин бўлмаса ҳам, бир миқдор бўшлиқ бордурки, масоми бадан (бадан тешиклари) шул бўшлиқдин иборатдур. Ва масомни манфаъати шулки, бадан шуни воситаси ила танаффус қилур, яъни шу тешуклардин ҳавои насим баданга кируб, тарвиҳи руҳ қилур ва бадандин бухороти духонийларни ихрож қилур, бадан фазлаларини табиат шул тешукдин ихрож қилур. Ва тер шу тешукдин чиқар. Чунончи, бешинчи ва олтинчи бобда шароин ва аврида ташриҳида баёни ўтиб эрди. Ва яна зоҳирдурки, баъзи одамни жилди қалинроқ ва баъзиси юпқароқ ва баъзи одам сермўйроқ ва баъзи каммўйроқ ва баъзи одамнинг жилдини ҳисси ўткирроқ ва баъзининг жилди камҳисроқ бўлур. Чунончи, юқорида мазкурдур ва сермўй ва каммўйликни сабаби ўн биринчи бобда зикр қилинур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, жилд фил-ҳақиқат узви муфрад (ёлғиз аъзо) эмас, балки мураккабдур. Чунончи, ҳам томирдин ва ҳам пайдин мураккаблиғи баён қилинди. Аммо баъзи ҳукамо узви муфраддин ҳисоб қилгонлар ва Муҳаммад ибн Маҳмуд Чағминий раҳматуллоҳи алайҳнинг наздларида ҳам жилд узви муфрад бўлибми ёки одати мусаннинфинга иттибоъан (тобе ҳолда)му «Қонунча»ларида жилдни узви муфрад қаторида баён қилгондурлар. Бас, ҳақир ҳам иқтидо қилдим (эргашдим). Ва Шайх ур-раис раҳматуллоҳи алайҳ ҳам ани мураккаблигини ғоят таҳқиқот сўнгидин нечанд адиллаи қатъийлар (қатъий далиллар) ила исбот қилгондурлар.

ЎН БИРИНЧИ БОБ МЎЙНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, мўйни ҳақиқати баданни тўртинчи ҳазмидин ҳосил бўлгон бухоротдин ҳосил бўлурки, ҳақиқатан фазладур ва фазла узв бўлмас, балки узвга мунофийдур. Ажабо бу фазла на учундур? Баъзи ҳукамои муаллифини мутақаддимийнинг таълифот (асар)ларида узви муфрад (ёл-

ғиз аъзо) қаторида баён қилинғон ва мутааххирийн наздларида бу тариқ одат бўлғондур. Ва одати оммаға тахаллуф макруҳи таъбий бўлғон учун ҳақир иқтидоға мажбур бўлиб, таъван иқтидо (амал) қилурман. Ва узвликға жузви баданлик шартдур. Ва бухороти духонийя эса жузви баданликға қобилиятсизликдин ажралғон фазлалиги бил-иттифоқ муқаррардур.

Ва мўйни тариқаи таваллуди шулки, қон томурдин тарашшуҳ қилиб, гўштға ўтгандин сўнг, тўртинчи ҳазм ила гўшт ҳолиға кирар. Ва маълумдурки, ҳар бир ҳазмда ғизои солиҳ жавҳарини ғайри солиҳдин интиҳоб қилмоқ ҳазмни шартидур. Ва солиҳни номи ғизои бадан ва ғайри солиҳни номи фазладур.

Бас, тўртинчи ҳазмни фазласи бухороти духонийядурки, ани табиат масом тарафға дафъ қилур. Бас, бу бухороти духонийянинг ажзои мойясидин аксар қисми таҳлил топиб, фақат ажзои арзийясини бир-бириға тамосуки ва ёпишиб турмоғиға кифоя қиларлик ажзои мойяси бўлиб, масомға кирса ва масомда бир замони шойистағача нолойиқ кайфиятға ўзгарилмай турса, мазкур бухорот мунъақид бўлиб (қотиб), мўй бўлур. Ва сўнгидин яна мутавотир келиб, лоҳиқ турғон бухорот табиатни қувваи дофияси ила мундафиъ бўлиб, сўнгги лоҳиқи бурунғи собиқини тазйиқ қилиб, масомдин чиқариб турарки, мўйни ўсмоғи шундин иборатдур. Ва бир масомдин қўб бухороти мутавотир лоҳиқ бўлуvidин мўй ҳам тора шаклида узун бўлурки, гўё томур масомидин гўштға чиқғон қонни мутавотирлигидин гўштни жирми тора бўлғони кабидур. Бас, агар бухороти духонийя масомға кирмаса ёки масомға кирса ҳам, лекин манфаъат бўлуvi учун лозим бўлғон миқдорда замони шойистағача масомда муҳтабис (қамалган) бўлиб турмаса ёки мазкур муддатғача муҳтабис (қамалган) бўлса ҳам, лекин суъи мизож (мизож бузилиши) сабаби ила ани кайфияти номулойим кайфиятға ўзгарилса, ул вақтларда мўй мутаваллид (туғилган) бўлмас.

Ва бухорот масомға кирмаслиги беш важҳдин бўлур.

Биринчиси шулки, қон мутаваллид бўлмай қолур. Маълумдурки, бухоротни асл моддаси қондур. Бас, агар қон бўлмаса, бухорот ҳам ҳосил бўлмас. Ва мўй илдизиға бухороти мутавотир етмаса, мўй тўкилиб кетар. Ва қари кишини мўйи тўкилмоғи шул қабилдиндур.

Иккинчиси шулки, бухороти духонийя ҳароратни нуқсони сабаблик камроқ мутаваллид бўлур. Ва хотинларға ва хасий (бичилган)ларға со-

қол чиқмаслиғи шул қабилдиндур. Чунки хотинлар зотан кам ҳарорат ва серрутубат бўлурлар. Аммо хасийлар мардлигинин маҳрумликни маъюслиғи ва ҳарорат ила қон ғалаёнига боис бўлгон қувваи шаҳвонийяни хусяда мафқуд (йўқ)лиғи қиллати ҳарорат (ҳарорат озлиғи) ва қиллати бухоротга сабаб бўлур.

Ва учинчиси шулки, бухоротда духонийя камроқ ва рутубат ғолиброқ бўлур. Маълумдурки, то норийят (оловлик) ғолиб бўлмаса ва бухороти мутавотира бир-бирини тазийқ қилмаса, бухороти қалила (оз бухорот) ўзича хориж бўлмас. Ва ёш болаларға соқол чиқмаслиғи шул қабилдиндурки, болаликда ҳарчанд ҳарорат кўп бўлса ҳам, лекин рутубати ғолиб бўлур.

Тўртинчиси шулки, совуқ ва қуруқ мизожни ғалабасидин масом танг бўлур ва мўй бўларлик миқдор бухорот ғализлиқдин масомға сифмас, бинобарин мўй чиқмас ва кўса одамға соқол чиқмаслиғи ва жароҳат ўрнидин мўй чиқмаслиғи шул қабилдиндур.

Бешинчиси шулки, бадан фазласини қўб сайлони (оқиши) ёки қўб миқдор сарф ва таҳаллули (эриши) бухоротни масом тарафдин доҳили бадан тарафиға авд қилуви (қайтуви)ға ёки моддаи фазла кам қолғони учун андин бухороти духонийя ҳам кам, балки маъдум (йўқ) бўлувиға боис бўлур. Ва қўб ҳайз ва нифосда истиҳоза кўрган хотинларни ва узоқ вақт ҳуммо (иситма) касали ва сарсом касалиға мубтало бўлгон кишини сочи тўкилуви шул қабилдиндур.

Аммо бухоротни мўй бўлув муддатиғача масомда таваққуф қилмаслиғиға ўн сабаб бордур.

Бирини шулки, мўй моддаси бўлгон фазла қуюқроқ бўлиб, тезроқ таҳлил топар. Ва маълумдурки, духонийяни лозимаси қуюқликдур. Бас, агар бухоротда қуюқлик бўлмаса, инъиқод (қотиш)ға қобил бўлмас ва ночор таҳлил топар.

Ва иккинчи сабаб шулки, масом васиъ (кенг) бўлур. Шунинг учун модда, агарчи мўй бўлувға истеъдодлик бўлса ҳам, лекин масомни васиъ (кенг)лиғи сабабидин тез таҳлил топар.

Ва учинчи сабаб шулки, модда ва масом мўътадил бўлса ҳам, лекин ифрот (ортиқча) даражада муҳаллил (эритувчи) сабаблар баданда ориз бўлур. Чунончи, таб касали (безгак) ва ғам ва хафақон ва ташвиш ориз бўлиб, бухоротни таҳлил қилур ёки сабаби хорижий муҳаллилға дучор бўлур. Чунончи, зўр меҳнат ва риёзат ва

тобистон (ёз)да иссиқ ҳавода сафар ва пайдарпай иссиқ ҳаммомда терламоқ, ҳоказо, асбоби муҳаллиллар бухоротни тезроқ таҳлил қилур. Ва лабси муъайянга (тайинли туришга) фурсат бермас. Аммо моддани номулойим кайфиятга мутакайиф бўлуви бадиҳийдурки, албатта мўйни такаввунига (ҳосил бўлишига) фасод етказур. Маълумдурки, моддаи фосида масомда неча вақт турса ҳам таваллуди мўй учун фасоди монеъ бўлур. Ва мўйни илдизиға модда пайдарпай етмагани учун мўйни илдизи қуриб тўкилур. Чунончи, доъул-ҳаййа («Илон касали») ва доъ ус-саълаб («Тулки касали») шундин иборатдур.

Аммо мўйни нафъи, билмоқ керакки, беш навъ бўлур. Баъзи мўйда нафъи башарийя бордур, фақат баъзи мўйда нафъи баданийя бордур ва баъзи мўйда ҳар иккиси бордур ва баъзи мўйда баъзи одам учун нафъи башарийя бордур, дуни баъзи (баъзидин ташқари). Чунончи, мутлақ инсон учун зийнати башария бўлган мўй, соч ва қошдурки, эркак ва хотинлар учун баробардур. Баъзи мўй баъзи одам учун зийнати башарийя бўлур ва ул соқолдурки, эрлар учун зийнати башарийядур. Аммо хотинлар учун соқол зийнат эмас. Ва баъзи мўй ҳам зийнати башарийя, ҳам манфаъати баданийя бўлур. Чунончи, кўзни мижғонидурки, ҳам ҳусни башарийядур ва ҳам кўзни нури атрофга мунташир бўлувиға монеъ ва жомеъ бўлур ва басоратға қувват берур ва ҳам кўзни баъзи нимарсалар тушмасин учун ҳойил ва ҳофиз (сақловчи) бўлур. Ва баъзи мўйда фақат манфаъати баданийя бордур. Аммо зийнат йўқдур, чунончи соири (бошқа) мўйлардурки, анда зийнат йўқдур, лекин баданни фазладин пок бўлувида манфаъати азима беҳисобдур.

ЎН ИККИНЧИ БОБ ЗУФР (ТИРНОҚЛАР) БАЁНИДАДУР

Ва зуфрни форсийда нохун ва туркийда тирноқ дерлар ва ани ҳақиқатида байн ал-ҳукамо ихтилоф воқеъдур. Ва зоҳиран асаб ранглик бир жавҳардур. Лекин асаб эрмас. Баъзиларни асаб деган даъволари заъами (хаёли) маҳздур. Чунончи, Шайх ур-раис «Қонун»ларида тирноқ мулойим устихондин махлуқ деб тасриҳ (равшан) қилғон-

лар. Ва баъзилар работи ёбисадин мажбул (иборат) дерлар. Аммо ҳақири ҳечмадон муҳтарам ҳукамои мудаққиқийн ақвол (сўз)ларидин бирини таржиҳ (юқори қўймоқ) ва бирини тавбиҳ (таъна қилиш) учун мажолим ва лаёқати ҳолим йўқдур. Лекин фақат ўз фикри қосиримға хутур этган (етган) мазмуни номавзунни қоринини киром (азиз ўқувчилар)нинг раъйи зариф ва фикри назифларига ҳавола ва тақдим қилурман. Ва хатоға қалами авф ва тасҳиҳларини умид қилурман. Бас, мани фикри қосиримға назаран, тирноқ тўртинчи ҳазмдин ажралгон фазлаи балғамийдин ҳосил бўлурки, панжани учиға келиб мунъақид (қотган) бўлур. Чунки моддаи балғам совуқ ва ҳўл мизожда бўлур. Лекин гўштда ҳарорати ғаризийнинг таъсири бўлиб турган сабабдин мунжамид ҳам бўлмас. Ва ўзидаги совуқ мизожлик ва галабаи рутубат сабабидин бухороти духонийға ҳам мустаҳил бўлолмас. Ва адами қобилияти сабабидин жузви бадан ҳам бўлолмас, лекин гўштлик жойда жилдни остида бўлгон фазлаи макси тавил (узоқ туриш) ила батаанний (оҳиста) бухороти духонийға мустаҳил бўлур. Аммо қўл ва оёқда гўшт кам миқдор бўлиб, андаги ҳарорати ғаризий таҳлил ва табхир (буғлаш) учун кифоя қилмас. Хусусан панжаи ақсои бадан ва ҳарорат марказидин баъийд (узоқ) ва ҳам панжаи майда устихонлар ва ҳам аларни пайванди учун работлардин мураккабдурки, ҳаммаси совуқ мизожликдур.

Ва ҳам қўл бирлан оёқ аъзойи олийдин бўлиб, аксар авқот (вақт) либосдин орий ва сарди (совуқ) хорижий оби ҳавоға мулоқий бўлиб турар. Шунинг учун бу фазлаи балғамийя панжани учиға келиб мунжамид бўлур. Ва ҳоказо мутавотир мундафий бўлгон фазлалар лоҳиқ бўлиб турғони учун тирноқда намув бордурки, доим ўсиб турар. Чунончи, амрози машойих (кексалар касали) ва балғам мизожларни ноқиҳ (касалдан янги турган)ларида машҳуддурки, аларни тирноқлари бошқа салим (соғлом) кишиларни тирноқларига нисбатан икки баробардин тез ўсадур. Чунки аларда тирноқ моддаси бўлгон фазлаи балғамийя кўбдур.

Баъдаз шифо, қувваи табиийя апарни баякбор дафъ қилур ва мундафий бўлгон фазлаи тирноқға мутавотиран лоҳиқ бўлурлар, шунинг учун тирноқ тез ўсиб турар. Аммо янги туғилган ёш болада бир йилда аввалги ҳажмиға тўрт баробар ўсиб катта бўлур. Лекин бир бора тирноғини

олув лозим бўлмас. Чунки ёш болани ғизоси латиф ва ҳарорати ғолиб бўлгон сабаблик фазла кўб ҳосил бўлмас. Бас, бундин маълум бўлурки, тирноқни моддаси фазлаи балғамийяи мунжамиддур. Зероки, агар баъзиларни заъамиға назаран тирноқ асабдин бўлса эди, анда ҳис бўлур эди. Ва ҳам тирноқда намув бўлмас эди. Ва-лайса фа-лайса.

Ва агар баъзилар фикрича, тирноқ работдин махлуқ бўлса, работ ҳожати баданийя учун халқ қилингон узвурки, агар ҳожати баданийя ўсса бул ҳам ҳожатға мутаносиб ўсар, чунончи ёш бола жасади нақадар ўсар бўлса, работи ҳам жасадға муносиб ўсар ва илло ҳожати баданийядин зиёда ўсмас. Хусусан, даври таваққуфда ва андин сўнгра ўсмас. Бас, агар тирноқ работдин махлуқ бўлса эди, ул ҳам мутлақо ўсмас эди. Ва-лайса фа-лайса.

Ва агар Шайх ур-раисни сўзлариға биноан тирноқ устихон бўлса эди, юқорида мазкур бўлгон иккинчи иродина ворид бўлур эди. Чунки устихон бақадри ҳожат махлуқдур ва зиёда ўсмас ва лозим келурки, андин халқ қилингон тирноқ ҳам ўсмаса ўсмас. Ва-лайса фа-лайса.

ТАНБИХ. Билмоқ керакки, Шайх ур-раис раҳматуллоҳи алайҳни тирноқни устихони мулоим демоқлари сидқан ва эътиқодан бўлмай, балки ташбиҳан ва таъбиран бўлса керак. Чунки ул жаноб «Қонун»и кабирларида таваллуди мўй бобида «Ваш-шаъру ваз-зуфру мин ал-фузулоти» деган баёнлари хотиримдадур, яъни мўй бирлан тирноқ фазлалардиндур, деган эдилар.

Ва ҳаммага маълумдурки, устихон фазла ҳам эмас ва андин ҳам ажрамас. Бас, мустафод бўлдики, Шайхни бул мақомдаги қавллари ташбиҳандур. Вал-ҳаққу индал-Холиқи.

Ва тирноқни манфаъати шулки, панжаларни учлари қойим ва устивор турмоқлариға ҳомий бўлур. Ва реза нимарсаларни тутмоқ ва ушламоқға қурол бўлур ва бошқа манофиъи ҳам кўб бўлур. Ҳатто баъзи вақтларда силоҳлик хизматларини адо қилур. Ва тирноқни жирми қабули инъитофлик бўлуви, яъни устихон каби қаттиқ бўлмай, балки эгилмоқға қобиллигининг манфаъати шулки, қаттиқ нимарсани тўқушган вақтда ёки қаттиқ нимарсадин зарба етганда синмасин ва зарбни садмаси қадар эгилиб, сўнгра асл ҳолатға авд қилсин учундур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, узви муфрадки, байн ал-ҳукамо ани баёни ташриҳи одат бўлғондур, бас, ани ададида ихтилоф воқеъдурки, ташриҳи аъзода муфассал баён қилинди. Аммо бу мақомда баён қилинган узви муфрадни адади Муҳаммад ибни Маҳмуд Чағминийнинг мазҳабларига мувофиқ бўлди, «ли-иштиҳориҳи байнан-носи валлоҳу аълам бис-савоб» (одамлар орасида машҳур бўлгани учун, Аллоҳ тўғрилигини билувчироқдур).

УЧИНЧИ ФАСЛ ТАШРИҲИ АЪЗОИ МУРАККАБА БАЁНИДАДУР

Чунончи, димоғ ва кўз ва қулоқ ва тил баёнидадур. Ва боқий аъзон мураккабаларни бошқа фаслларда баён қилинур, иншааллоҳу таъоло.

АММО ДИМОҒ, яъни мия бир жавҳари мутахалхал, яъни миёнаси (ўртаси) жисмдин ва бўшлиқдин мураккабдур. Лекин бўшлиқни кўз эҳсос қилолмас. Ва мияни ранги оқ ва жисми мулойимдур. Ва мулойимлиги шакли мустаҳсан (таҳсинга лойиқ) бўлсин ва хаёлотга истиҳоласи ва қобилияти яхши бўлсин учундур. Зероки мулойим нарса ашқол (шакл)ни тезроқ ва осонроқ қабул қилур. Ва ҳам мия асабни манбити (ўсадиган жойи)дур. Ва ғизони манбитдин кўброқ олмоқ учун мияни мулойимлиги лозимдур. Лекин муқаддами димоғни мулойимлиги зиёдароқдур, чунки аъсоби ҳассосани манбитидурки, қабули ашқоли маҳсуса учун мулойимлик муносибдур. Аммо муаххари димоғни мулойимлиги камроқдур. Чунки бу аъсоби муҳаррикани манбитидур ва ҳаракат учун мабдаъни салобати лозимдур. Лекин буни салобати фил-жумла муқаддами димоғга назарандур. Ва илло димоғни ҳаммаси ҳам мулойимдур. Ва димоғни таркиби маҳдин, яъни мия мағзидин ва авридадин ва шароиндин мураккабдур. Ва буларни ихота қилган икки қават ғишо бордурки, ани Муҳаммад ибн Маҳмуд Чағминий димоғ таркибиға қўшиб баён қилғондур. Лекин ҳақиқатан ғишо димоғни ажзосидин эмас, балки ани ўраб муҳофаза қилувчидур ва, инчунин, димоғдин кўкарғон аъсоб ҳам димоғни ажзойи зотийясидин эмас.

ФОИДА. Билмоқ керакки, аврида ва шароин димоғни косасиға киргандин сўнг димоғни остида бир-бирларига кўшилиб тўқилгондурлар ва бир-бирларига муқобил огизлари очилгон ҳолда димоғ қоъидасини икки тараф ёнидағи маъсира исмлиқ чуқурликда яна бир-бирларидин ажрашурлар. Сўнгра димоғни мағзига кириб, батни авсатға яқин борганда мазкур шуъба томирлар яна бироз йўғонроқ бўлиб, баъзиси димоғни орқа тарафиға таралгондур. Ва баъзилари муқаддами димоғ тарафқа келиб, шароин ва аврида бир-бирларига мулоқий бўлиб, кўзни муқла устихони ёнидағи суқбадин кўз косасиға чиқиб, табақайи шабакиййа ва табақайи машина шундан ҳосил бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, аврида ва шароинни мияға кирмасдин аввал маъсираға келиб бирлашмоқларини фойдаси шулки, аврида ва шароин воситаси бирлан мияға боргон физо маъсирадағи шароин ва авридада бироз таъхир қилиб, мияни мизожиға муносиб мизож ҳосил қилур. Ва солиҳ бўлиб, сўнгра мияға кирар. Ва маъсирани иккинчи фойдаси шулки, мия ўз гизосини ҳазм қилгонда ҳосил бўлгон фазлани табиат шул маъсираға дафъ қилур. Сўнгра маъсирадин ханак, яъни ҳалқни устидағи танглай тешигиға мундафиъ бўлиб, огиздин тушар. Яъни маъсира икки нимарсани йўли бўлиб, анда томурларни ичидин мия тарафға моддаи физо чиқар. Ва томурни хорижидин фазла тушар. Аммо мияни ўраб тургон икки пардани бири юпқа ва мулойим бўлиб, мияға мутгасилдурки, ани номини умм уд-димоғ дерлар, зероки димоғни муҳофаза қилтур. Ва уммни маънис аслдур. Чунки мияни ашколи ажзосиға ҳофиз ва қуво ва афъолиға носир (ёрдамчи) бўлгон нимарса бақойи ҳайъатда асл бўлур. Бас, бул ғишо мияда муҳитдур. Лекин миянинг то охириғача етмай мунқатиъ бўлгондур. Зероки, муаххари димоғ фил-жумла салобати бўлғони учун муҳофазаға муҳтож эмас. Аммо қаҳф устихониға тегиб турғувчи иккинчи қабат ғишо қаттиқроқ ва қалинроқдурки, ани умми ғализ ва умми жофия дерлар. Чунки бул ғишо қаҳф устихонға работлар ила марбут бўлиб, мазкур устихониға ёпишиб турғони учун аксар жойда мияға ва биринчи ғишоға тегмай, ўртаси холий ва жавф (тешик)лик турар. Бинобарин, умми жофия ҳам дерлар. Ва бу ғишонинг доим устихонға ёпишиб, муаллақ турмоғининг манфаъати ғишони оғирлигидин димоғ озорланмасин учундур. Ва бу ғишони қаҳф устихониға марбут қилиб тургон работлар устихони мазкурни чок ва дарзларидин хорижға ўтуб, бир-бирларига тўқулуб, маз-

кур устихонни зоҳир тарафиға таралуб, гишои мужаллали қаҳф номи-ни олгондур.

ФОИДА. Гишои ғализнинг қаҳф устихони ила димоғ миёнасиға ҳойил бўлмоғида манфаъат шулки, димоғ бағоят мулойим ва ҳисси ўткир ва ўзи инбисот ва инқибоз ила ҳаракатлидур. Бас, агар миёнада шул гишо восита бўлмагон тақдирда инбисот ёки сайҳа ва атса ва сурфа боқеъ бўлгон вақтда мулойим димоғ қаттиқ устихонға тегиб, зўр офатға ва доимий бош оғриқға мубтало бўлур эди. Бинобарин, миёнаға бул гишо восита бўлуб, озорға монёе бўлгондур. Ҳаттоки, димоғни ғоятда мулойимлиги ва устихонни ғоятда қаттиқлигинин миёна бир гишони воситалиги кифоя қилмай, мутафовут икки гишо воситадур, чунки икки зидни миёнасиға восита бўлгон нимарсани ҳар икки тарафға муносабати баробар бўлмоғи лозимдур.

Бас, устихонни салобати ила димоғни мулойимати миёнасиға мўтадил бўлгон нимарса димоғни закий ул-ҳислиғиға назаран мўвжиби озордур. Бинобарин, димоғ ила бул воситани миёнасиға яна восита лозимдур.

Бинобарин Ҳакими Мутлақ икки қават гишони восита қилиб яратгондурки, биринчи гишо мянга назаран андак сўлброқ, лекин иккинчи гишодин хийла мулойимдур. Ва иккинчи гишо эса биринчиға назаран сўлбдур, аммо устихонға назаран хийла юмшоқдур. Ва бул гишоларни иккинчи нафъи димоғни шаклини муҳофаза қилмоқдур. Чунки димоғни ичиға таралгон томур шараён ва варидлар ҳар жой-ҳар жойдин шул гишоларға вабостадулар. Бас, агар мазкур томурларни ўз ҳолати интизомийяларида ушлаб турғувчи бул гишо бўлмаса, мяни бўшлигинин бул томурлар тўдаланиб, бир-бирлариға ўралиб қолур эдилар.

Ва махфий қолмасунким, бул гишони димоғ ташриҳида баён қилинуви туфайлидурки, димоғни ҳофизидур. Бинобарин, бул мавридда зикр муносибдур ва илло димоғни вужудиға дахли йўқдур. Аммо Муҳаммад ибн Маҳмуд Чағминийнинг зоҳир каломларидин гишони таркиби димоғда дохиллиги ва димоғни қивомиға муқаввамлиги мустафод бўлур. Лекин ҳақиқатан шундоқ эмас, эҳтимолки, мусаннифи мазбурни гишо таркиби димоғни дохил демаклари, шакли димоғни ҳифзи учун гишони заруратиға биноан бўлса керак. Ва илло жумҳурни хилофиға шахси воҳид (ёлғиз киши)ни тафарруси ҳам хилофи ҳикматдур. Уму-

мий ҳукамо, хусусан, Шайх ур-раисни каломларидин гишо таркиби димоғдин хорижлиги суроҳатан (ошкора) маълумдур. Ва димоғни ҳайъати фил-жумла махрутий ва мусалласга мойил санавбар шаклига қарийброқ мудаввар (юмалоқ)дур. Бас, ани мусаллас шакли махрутий деб эътибор қилгон тақдирда икки гўша бир-бирига қарийб (яқин) бўлуб, номи қоъида бўлар. Ва гўшаси қоъидадин баъийд (узок)роқ бўлиб, номи зовия бўлур. Ва бул тақдирда қоъидаи димоғ пешона тараф бўлиб, пешонани икки тараф ниҳоятти икки гўшаи қарийба бўлур. Ва зовияси орқа тараф бўлур. Ва илло мусаллас шакл демак, димоғни шаънига содиқ эрмас.

Ва билмоқ керакки, тамоми баданни ҳис ва ҳаракати димоғдин бўлурки, димоғ ҳис ва ҳаракати иродийгани мабдаъидур ва ҳам қувваи нафсонийи димоғни хизмати воситаси ила тамоми аъзога етиб турар. Аммо ҳис мулойим асабни воситаси ила ҳосил бўлурки, муқаддами димоғдин кўкарғондур. Ва ҳаракат муаххари димоғдин кўкарғон асаби сўлбдин ҳосилдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, димоғи муқаддамдин то муаххарга қадар уч қисмга тақсим бўлуб, ҳар бир қисмини бир батн деб тасмия қилинур. Биринчи, батни мақаддами димоғ, яъни пешона тараф димоғидурки, ҳаммадин каттароқ батн шулдур. Ва аъсоби ҳассосани мабдаъидур ва ҳисси муштаракани ва хаёлни маҳаллидур. Ва учинчи, батни муаххари димоғ, яъни орқа тараф димоғдур. Ва бул батни муқаддамдин кўб кичик бўлса ҳам, аммо батни авсатдин каттадур. Ва аъсоби муҳаррикани ва қуввати ҳофизани маҳаллидур. Аммо батни авсат кўб кенг эмас. Балки гўё ҳар икки батни муқаддам ва муаххарни миёнасига воқеъ бўлгон ариғдек бўлиб, эни ҳар икки қулоқга етса ҳам, лекин бўйи жуда қисқадурки, қувваи мутасаррифа ва ваҳми маҳаллидур. Бу батн ҳар икки жонибдаги икки батнга назаран кўб тор бўлғони учун номини даҳлиз дерлар. Ва икки батнни ўртасида восита бўлиб, лекин ўзини кичиклигинин бир мустақил батнликга муносиб кўрмагон ҳукамо тарафидин мажмаъ ул-батнайн исми ила машҳурдур. Ва яна бу батн гўё дуда, яъни қурт каби инқибозий (қисқариш) ва инбисотий ҳаракага машғулдур. Бинобарин, батни дудий ҳам дерлар. Бас, бу ҳаракати инқибоз ва инбисотни сабаби шулки, бу батнни ичида жавҳари димоғ ўрта марказдин бошлаб жонибга тўғри тортил-

гондурки, доимий бу жавҳар ҳар бир бора бир-бирига етмоқға ҳаракат қилурки, ҳаракати инқибозий шундин иборатдур. Ва иккинчи бора жавҳаридин узоқлашиб, икки тарафга ижтинобий ҳаракат қилурки, ҳаракати инбисотий шундин иборатдур. Ва бу ҳаракати ижтимоий ва ижтинобийни ҳукамо минфах дерлар. Ва ҳаракати инқибозийда батни димоғи марказий жавҳар бирлан тўлғон бўлиб, ҳаракати инбисотийда марказдин бироз бўшлиқ ҳозир бўлур. Ва бу ҳаракатни нафъи шулки, дудани ҳаракатини садмаси ва тўлқини бирлан димоғ батамом мутаҳаррик бўлуб, руҳи нафсонийа бухороти духонийадин тасфийа топиб покланур.

Ва билмоқ керакки, бутуни димоғни ҳаммаси шиканлик, яъни мутаъаддид (кўб) қуббаликдур. Магар батни авсатни дуда исмлик икки зоидаси текисдур. Ва қуббаларни фойдаси шулки, мияға кўброқ миқдор руҳ келиб, батнинг ичига сиғмас даражада бўлса, зиёдаси шул қуббаларга кириб турарлар. Ва ҳам ҳар қуббаға мувофиқ устихонда косача бордурки, қуббалар мазкур косачаларга кириб ўрнашганлиги учун зарба ёки сақта вақтида димоғ тўлқин бирлан бир тарафга мойил бўлуб, шакли зотийяси бузилмасин учун ёрдам берар. Бул қуббаларни ичида руҳ бир миқдор таваққуф қилиб, димоғни мизожиға мувофиқ кайфият ҳосил қилур. Гўё димоғ димоғни тажвиф (тешик)ларида назж ҳосил қилиб, димоғни мизожиға муносабат пайдо қилғон бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, димоғ аввалдин охирғача баробар икки бўлиноб, бири ўнг тараф ва бири чап тарафқа мансуб бўлгондурки, ҳар тарафни шароини ва авридаси ва аъсоби алоҳидадур. Лекин ҳар икки тараф димоғ бир-бирига шадид ул-иттисол (қаттиқ боғланган) бўлгонликдин имтиёзи мумкин эмас. Яъни, кўз бирлан эҳсос қилиб бўлмас. Магар муқаддами димоғни аввалидағина ҳар икки димоғ бир-бирларидин ажраб, андак айридулар. Ва бунга далил учун ҳар бир батнга офат ориз бўлгонда маъуф (офат етган) тараф батни ўзиға махсус қувватини феълида зарар ва нуқсон зоҳир бўлуви кифоядур.

Бас, димоғни икки палла бўлувини манфаъати шулки, агар бир димоғни тарафиға путур етса, иккинчи тарафи ҳам маъуф бўлмасин ва боқий бир тарафни саломатлиги ила ҳаёт кечирув мумкин бўлсин учундур. Чунки шаъни табиат шундоғдурки, мумкин қадар ажзои баданни ҳифзиға муносиб чора кўрар. Чунончи, мафлуж (шал) кишиларда му-

шоҳада қилинурки, бир тараф димоғни нуқсони сабаблик бир тараф аъзоси беҳис ва муътал (ҳаракатсиз) бўлса ҳам, иккинчи тараф димоғни тарбияси ила ҳаётлик кечирув мумкиндур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, димоғда ҳосил бўлгон фазлани дафъи учун икки йўл бордурки, бири батни муқаддамда қоъидаи димоғ устихонининг ўн икки кўзлик тешукига кириб тургон, гўё эмчакни тугмасига ўхшаш икки зоида бордурки, бири димоғни ўнг тараф палласини ва иккинчиси чап тараф палласининг зоидасидур. Ва батни муқаддами димоғни фазласи шул зоидадин, гўё эмчакдин сут чиқгондек чиқиб, бурун тарафга мундафъ бўлур. Ва иккинчи йўл батни авсат ва батни муаххарни миёнасида воқеъ бўлгон тешукга мамос (тегиб турган) бўлгон икки зоидадин чиқиб, ханок (томоқ) тарафга дафъ бўлуб, оғиздин тушарлар.

АММА-Л-АЙНОН, ЯЪНИ ИККИ КЎЗНИ БАЁНИ

Билмоқ керакки, кўзни ҳар бири етти табақа ва уч рутубат ва бир пайдин мураккабдур. Аммо шараён ва варидлар ҳам кўзни ажзосига шомил бўлсалар ҳам, кўзни аъфоли ҳиссиясига мушорик (ўзаро шерик) эмаслар. Аммо фақат вужуди таркиблари эса албатта зимнан маълумдурки, алоҳида татвили баённи (баённи чўзишни) ҳожати ҳам йўқдур. Аммо ҳаким Чағминий раҳматуллоҳи алайҳ «Қонунча»ларида кўзни таркибига пайни киргузмоғондурлар. Бу ҳақир (яъни Боситхон) ани ҳам изофа қилдимки, кўзни ҳиссига мутамамим (тугал қилувчи) шул пайдур. Нури басарни йўли ва шакли маҳсусани ҳисси муштаракга етқузуб сездиргувчи шул пайдур.

Бас, агар шул пайни ҳассоса бўлмаса, кўз ҳеч нимарсани кўрмас. Аммо табақоти гишолардурки, бир-бирларини устидин узулғондур, чунончи, ҳар бирларини алоҳида баён қилинур.

Ва рутуботи жисми жолийдурки, жумуд ва табақот миёналарида маҳсурдур ва они баёни ҳам отийда марқум бўлур. Бас, билмоқ керакки, хориж тарафдин эътиборан биринчи табақа мултаҳимадурки, хориждин ҳавога ялий ва муттасилдур. Ва ранги гузруф (тоғай) рангидин оқдур. Ва кўзни муҳаррика пайлари билан мухталит (аралаш) бўлуб, миёналари фил-жумла оқ ранглик ёғ гўштлар билан тўлгандур. Ва мул-

таҳида мураккаб бўлган пай бошни терисини остида ва устихон устидин таралган гишоларни учи ва ҳам устихон остидаги умму гализ гишосини учидурки, кўзга яқин келганда пароканда бўлуб, кўзни ҳамма ажзосига таралгондур. Магар табақаи қаринани ўртасидин мяяга нурни нуфузига йўл учун бир миқдоргина пайдин холидур. Ва қаринани илдизидин ва нур манфазини атрофидин яна мазкур пайлар қаринани мултаҳимага марбут қилгондур. Ва зоҳирда бизга қаро ёки кўк бўлуб кўринган жойга қарина бўлуб, хориж тарафи мултаҳимадур. Яъни, қарина ҳам ҳавога мамос (тегиб турувчи)дур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бу табақани қаҳф устихонининг хорижидаги гишодин кўкоргон пайлардин мураккаблиги Буқротни раъйиға биноандур. Ва бу раъйни тўғрилиғига истидлолан ҳаким Розий айтибдурки, агар мултаҳима шиддатлик варам (шиш) пайдо қилса, кўз косасига сифмай чиқиб, ҳатто рухсорғача осилиб тушар. Ва бул ҳол бемущоракати гишои мазбур асло мумкин эмас, дерлар. Аммо Арижонус ва Руфуслар кўзга мураккаб бўлгон пай қаҳфни хорижида ва дохилидаги гишони учидин, деб ҳисоб этурлар. Ва онча далил учун кўзни рамади (оғриғи) иштидод (шиддат) қилса зеҳн ва ҳавос мутағаййир бўлур, деб истидлол қилурлар. Лекин далиллари мусбати муддао эмас. Чунки гишои хорижийга ҳам шиддатли алам ориз бўлса, зеҳн ва ҳавосни тағйир берур.

Ва ҳақири ночизни (яъни Боситхонни) фикримча, ҳар икки гишо бирибирдин истидлолан фарқсиздурлар. Чунки ташриҳи аъсобда зикр қилиндикки, аъсоби унуқийнинг аксарида аъсоби заҳрийнинг шуъбалари бош тарафга таралиб, қаҳфни хорижидаги работларга мухталит бўлиб, гишои хорижий ташкил қилгондур.

Ва қаҳфни хорижидаги ҳисни аксари шул пайлардин ҳосилдур, деб зикр қилингандур. Ва бу маъниға ҳукамои мазкурлар би-л-иттифоқ мўътариф (эътирофли)дурларки, кўзни мултаҳимасига мураккаб бўлгон пайлар хоҳ гишои хорижийдин, хоҳ гишои дохилийдин бўлса иштидоди алам (оғриқ шиддати) муғаййири зеҳн бўлуви шубҳасиздур. Лекин бу пайлар гишои дохили қаҳфдин ноший демакга қатъий бир далил бўлмагонда, даъвони ақраб ба савоб деб бўлмас.

Ҳайвонот калласини борҳо ажрибадин ўтказилгандурки, кўз жавҳари ҳеч бир тарафдин хорижий гишо ёки гўшт ёки жилдга итгисоли йўқдур. Балки кўзни фақат илдизигина кўз косасини ўрта марказидаги тешукдин

асаби мужаввафаға ҳам ани ёнидаги азми муқлани чокида ҳосил тешикдин бўлгон асаби муҳаррика (тешик асабға) ва шароин ва авридаға мутасилдур. Бас, агар шул тешукдин ғишои дохилий чиқиб, кўзни мураккаб бўлуви мумкин бўлса ҳам, ҳужжати қатъийси бўлмоғони учун фақат баъзи пайи димоғийнинг шуъбаси иккинчи жуфти димоғийға ҳамроҳ бўлиб, кўзнинг муқласидин чиқиб, кўз узлалариға таралғонида ул шуъбани учлари мултаҳимаға ўтиб, мураккаб бўлғонлиғини эҳтимоли ақраб ба савоб деб занн (гумон) этарман. Чунки ғишои димоғийнинг махлуқ бўлиб, анда ҳис йўқлиғиға ҳукамон мазбурлар ҳамма би-литтифоқ мўътариф бўлғонлари ҳолда яна кўзни аламиға беҳис ғишони боис, деб қилғон ихтилофлари шоёни таажжубдур. Ва-л-ҳаққу инда-л-Холиқи.

Ва билмоқ керакки, табақаи мултаҳимаға ўн хил касал ориз бўлуви мумкиндур ва тафсилини ташхиси амрозда баён қилурман, иншааллоху таъоло.

Аммо иккинчи табақа табақаи қарина (мугузсимон қатлам)дурки, сўлбдур ва шаффофдур. Ва табақаи мултаҳимадин сўнг бевоситадур ва ўзи берангдур. Лекин ойнадек мусаффолигидин тагидаги табақани ранги ила ҳамранг бўлиб, қора ёки кўк кўринур. Ва билмоқ керакки, қарн бамаъноийи шохдур, бас, бу табақани қарина дер. Шохга нисбат берилувиға икки хил муносабат бордур.

Бирини шулки, бу табақа ўзи ичидаги табақаи сўлбияни атрофидин гўё шохдек ўсиб чиқғондур. Ва иккинчи муносабат шулки, бу табақаи сўлбий яни ва табақаи инабий яни ва уч хил рутуботни ихота ва муҳофиз қилиб турғони учун Ҳакими Мутлақ ани тўрт қабат қилиб яратгандурки, агар бир қабатиға офат етса, офатни асари бошқа ажзосиға сироят қилмас. Бас, ани қабатдорлиги шохга ўхшар. Бинобарин, қарина деб тасмия қилингандур. Ва қаринани ажзосидин яна зиёдароқ қаттиқ жузви зоҳир тарафидур. Яъни, мултаҳима ихота қилмай очиқ ва ҳавога мулоқий бўлгон тарафи ҳамма ажзосиға нисбатан қаттигроқдур. Токи, ичидаги табақот ва рутуботни муҳофазасида мултаҳимани қойим мақоми бўлгон ва табақаи қарина рутубатға нисбатан мисоли гўё фонус оинасини зиёға нисбати кабидурки, хориждин жалидиййаға зарарлик асарни нуфузиға монёдур. Аммо жалидиййа нурининг хориж тарафға нуфузи учун монё эмас. Ва бул табақаға тўққиз хил касал ориз бўлуви мумкиндур.

Аммо учинчи табақа табақаи инабиййа (узумсимон қатлам)дур. Ва бу табақани ранги баъзи одамда қаро ва баъзида шаҳло, яъни қизилға

мойил қаро бўлур ва баъзи одамда осмоний ранг кўк ва баъзида сариқ-ға мойил қаро бўлур. Аммо ранги табиийси Жолинус наздида осмоний рангдур. Ва Арасту наздида қаро рангдур. Ва бошқа ранглар баҳасби мизож оризидурларки, боби амрози чашм (кўз касалликлари)да мазкур бўлур.

Ва бу табақани инабиййа деб тасмия қилинғониға сабаб шулки, бунни жирми қалин бўлиб, ўртасидин нури басарни нуфузи учун бир тешук воқеъдурки, узумни бандини олинғонда банд ўрнида воқеъ бўлғон тешугиға мушобиҳдур. Бинобарин, инабиййа (узумсимон) дерлар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бу табақани зоҳир тарафи, яъни қаринаға муттасил тарафи қаттиғроқ халқ қилинди, токи қаринани қаттиғлигинин озурда бўлмай, муқоаматға муқтадир (қодир) бўлсин учундур. Аммо дохил (ич) тарафи мулоим ва коваклик ва қуббалик махлуқ (яратилган)дур. Ва мулоимлиги рутубати байзиййаға (оқсилсимон суюқликка) муносабатлик бўлсин учундур. Аммо коваклик ва қуббаликни нафъи уч хилдур. Бири шулки, инабиййаға сув нозил бўлса, ковакда тўхтасин, нурни суқбаси (тешиги)ни банд қилмасин учундур. Иккинчи навъи агар нурға резиш қилса, шул ковакға ўрнашур ва суқбани банд қилмас. Учинчи шулки, рутубати байзиййа ғоятда соф ва тухумни оқи каби силлик ва лағзанда (сирпанчиқ)дур. Бинобарин, бу рутубат ўз маҳаллидин тойиб, бошқа тарафға сайлон қилмай мужоварини ковак ва қуббалариға тадохул (кириш) ила барқарор турмоқға муъийн (ёрдамчи)дур.

Ва табақани инабиййадин сўнг биринчи рутубат рутубати байзиййа (оқсилсимон суюқлик)дурки, ғоятда мусаффордур. Ва ани ранги ва сафоси ва қивоси гўё тухумни оқиға ўхшар. Бинобарин, байзиййа дерлар, байз бамаънойи тухумдур. Бас, бул рутубатни нафъи шулки, ўткир зиёға тасодуф (дучор) бўлғон вақтда, чунончи, электрик чиролари муқобил бўлғонда, ани зиёси рутубати байзиййадин батадриж ўтуб, рутубати жалидиййаға етсун. Рутубати мазкурни ўткир равшанлигинин нури эриб, нуқсон топмасин ва яна хориждин ҳаво таъсир қилмасин учун миёнаға рутубати байзиййа ҳойил бўлғондур. Ва бу рутубатға уч навъ касал ориз бўлуви мумкиндур.

Аммо тўртинчи табақа табақани анкабутиййадурки (ўргимчак тўрисимон қатлам), ғоят даражада юпқа ва нозикликда гўё ўргимчакни

тўқиган тори кабудур. Бинобарин, анкабутийя ном қўйилгондур. Ва анкабут бамаъноий ўргимчакдур. Ва рутубати байзийадин сўнгги табақа шулдур. Ва ғоят юпқалигининг нафъи нури басарға монёъ бўлма-син учундур. Ва бу табақа табақаи шабакийяни доманидин кўкариб, табақаи машимийяни баъзи майда шохлари аралашгандур. Ва рутубати байзийа рутубати жалидийя миёнасида шул табақа ҳойилдур. Ва бу табақага икки хил касал ориз бўлуви мумкиндур.

Ва бу табақадин сўнг иккинчи рутубат, яъни рутубати жалидийя (музсимон суяқлик) дурки, бу рутубат ғоят даражада софий ва жумуддур, яъни сайлон қилолмас даражада салобатлик ва сафоликдин жалидга, яъни қировға ташбиҳ қилиб, жалидийя деб тасмия қилинди. Ва рутубат кўзни ҳамма ажзосини ашрафидур. Зероки, кўрув ҳақиқатдан шул рутубатни феълидур ва бошқа ажзо ҳаммаси бунга ходимдурлар. Ва бу рутубатни шакли гирд ва мудаввар бўлғони учун жола (дўл)ға ташбиҳ қилиб, рутубати барадийя ҳам дерларки, барад ба фатҳатайн бар вазни асад бамаъноий жоладур. Ва бу рутубатни зоҳир тарафи андак йўғонроқ ва ботин тарафи ингичкароқ ва қадди узундур. Бас, ани зоҳир тарафи сатҳи йўғонроқлигига сабаб кўрина-дурғон ашбоҳ (аломат)ни ҳамма вужудини акси тушмоғи учун кўзда ҳам мавқеъни катта бўлмоғи лозимдур. Аммо ботин тарафи асаби мужаввафани тешугиға баробар бўлуви кифоядурки, зиёдаси ҳожат эмас. Ва қадди узунлигини сабаби кўринган ашбоҳларни суврати асаби мужаввафаға махсус бўлуви учундур. Чунончи, дурбин оинанинг анбубаси каби. Ва яна ашбоҳи махсусанинг сатҳи намудиси (кўрини-ши) катта ва асаби мужаввафанинг сатҳи кичик бўлгон сабабидин жалидийяни қадди узун бўлмоғи зарурдур. Токи ашбоҳни ҳамма жонибидин асаби мужаввафаға хатти мустақийм (тўғри чизиқ) торти-либ, жалидийяни зоҳир тарафи ашбоҳдин акс олмоқ учун сатҳи кен-роқ бўлмоғи лозимдур.

Ва маълумдурки, асаби мужаввафани тешуги маркази зовийяийи руъийятдур ва жалидни зоҳир тарафи марказдин на миқдор узукроқ бўлса, сатҳи ҳам васиъ (кенг)роқ бўлиб, ашбоҳдин олгон акси рав-шанроқ бўлур. Ва рутубати жалидийяға танҳо бир хил касал ориз бўлуви мумкиндур.

Ва мундин сўнг учинчи рутубат рутубати зижожийя (шишасимон суяқлик) дурки, сафолик ва берангки, таъаммуқ (чуқур) назар ила андак

қизиллик маҳсус бўлиб, гўё эриб турғон шишага ўхшар. Бинобарин, зижожиййа деб тасмия қилинғондурки, зижож бамаънойи шишадур. Ва бу рутубати хорижиййа рутубати жалидиййани нисфи (ярми)гача муштамил бўлғондур. Чунки жалидиййани физоси зижожиййадин етар. Ва рутубати зижожиййага икки хил касал ориз бўлуви мумкиндур. Ва иложи ҳам кўзни бошқа ажзосига ориз бўлғон касалларини иложига назаран қийинроқдур. Чунки ҳам зоҳирдин, ҳам ботиндин давони асари етувиға узоқ ва ўртада неча пардалар ҳойилдур. Ҳатто бу рутубатға бўлғон иллатни ташхиси ҳам кўб қийиндур.

Ва зижожиййадин сўнг бешинчи табақадурки, номп шабакиййа (тўрсимон қатлам)дур. Ва бу табақа асабий мужаввафани атрофидин пайдо бўлур. Зоҳир тарафи рутубати жалидиййа ва зижожиййага муттасил бўлуб, жалидиййа ила байзиййани мобайнигача етгондур. Бас, бу уч рутубатни тамоми ихтиво ва иттисоли учун шабакаға ташбиҳ қилиб номини шабакиййа дерлар. Ва бу табақаға беш навъ касал ориз бўлуви мумкиндур. Ва иложи ҳам қийиндур, чунки неча қават парда ичида бўлғони учун ва ани асари етуви қийиндур. Ва бу табақа ғоятда закий ул-ҳислигидин ва ҳам бунда шараён томури кўблигидин озорлик касаллик бўлур. Наъувзан биллоҳ.

Ва бундин сўнг олтинчи табақа табақаи машимиййа (йўлдош қатлам)дурки, димоғни умм уд-димоғ исмлик ғишои рақиқийдин ва авридадин ва шароиндин муракқабдур. Ва номини машимиййа демакни сабаби шулки, бу табақани табақаи шабакиййага муносабати гўё машинани жанин (бола)ға муносабати кабидурки, машина бамаънойи болани йўлдоши раҳмда болаға физо еткузуб турғондек, табақаи машимиййа ҳам табақаи шабакиййага физо еткузуб турар.

Балки бу табақа касир ул-уруқ (кўп томирли)дурки, ҳамма ажзойи чашм (кўз) физолари учун бу табақада манфази физо бўлғон ирқ (томир) мавжуддур. Шунинг учун бу табақаға амрози дамавий (қондан бўлган касалликлар) кўпроқ ориз бўлур.

Ва бу табақадин сўнг еттинчи табақа табақаи сўлбиййадур. Ва бу табақа кўз косасига муттасил бўлиб турғон охиринчи табақадурки, ғишои сўлб димоғни асаби мужаввафаға муттасил бўлғон жойидин пайдо бўлғондур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бул мавриддағи баён бўлғон етти табақа бинобари жумҳури атиббодурки, аксари атиббойи муҳаққиқийн

шунга аттифоқдурлар. Ва илло бу табақаларни ададида кўб ихтилоф воқеъдур. Чунончи, баъзи ҳукамо табақан сўлбиййани табақа ҳисобиға киргузмағонлар. Балки, гишо деб баён қилғонлар. Зероки, бу баъзини наздида кўзни табақаси қалин бўлмас ва табақа ила гишони миёнасида фарқ бор, дерлар. Ва-л-ҳаққу мо қулна (ҳақ биз айтган томонда).

Ва баъзи атиббо шабакиййани табақотға ҳисоб этмаслар. Ва баъзилар табақоти анкабутиййани ҳам мустақил табақа демаслар, балки шабакниййани жузвидин ҳисоб этарлар. Ва баъзилар шабакиййа ва анкабутиййа ва мултаҳимани ҳар учови бир дерлар. Ва баъзилар уч табақаға табақан инабиййани ҳам қўшуб, мажмуъи бир табақа дерлар. Ва баъзилар бу тўрт табақани машимиййаға қўшуб, ҳаммаси бир табақан машимиййа дерлар. Ва баъзилар бу тўрт табақаға табақан қаринани ҳам қўшуб, мажмуъи табақан сўлбиййадиндур дерлар. Бас, бу табақаға назаран кўзни табақалари баъзилар наздида олти ва баъзилар наздида беш ва баъзилар наздида тўрт ва баъзилар наздида уч ва баъзилар наздида икки адад. Аммо жумҳури атиббо наздларида етти табақа муҳаққақ ва муқаррардур.

Аммо уч навъ рутубат ила табақан машимиййа хусусида било ихтилоф ҳамма иттифоқдур!

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, кўзда икки хил асаб бордурки, бири ҳисси ламсийни ва ҳаракатни ифоза қилур (етқизиб берур) ва бири асаби мужаввафадурки, маръиййоти маҳсусани ашкол ва алвони ила муштаракға еткузмоқға васила ва бадрақа (бошчи) бўлур. Чунончи, ташриҳи аъсобда машҳур бўлди.

АММА-Л-УЗНОН, ЯЪНИ ИККИ ҚУЛОҚ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, қулоқни ҳар бирида икки батн бордурки, батни хорижий ва батни дохийий дерлар. Бас, хорижий қулоқ гўшт ва гузруф ва асаб ва гишо ва шароин ва авридадин мураккабдур. Ва қулоқни гузруфи овозни ҳомили бўлғон ҳаво тўлқинини жамлаб, симох тарафиға, яъни қулоқ тешугига киргузиб бермоқ учундур. Ва гўшти азбаройи гузруфни ва ажзоларини ўраб, совуқни асаридин ва ҳаво зараридин муҳофаза қилмоқдур. Ва шароини азбаройи қулоқ ажзоларинға ҳаёт-

бахшлик қилмоқ ва аврида азбаройи қулоқ ажзолариға физо еткузиб турмоқ ва симох ичига қопланғон асаби азбаройи қулоқ ичига бир заррлик нимарса кирса, андин соҳибини огоҳ қилмоқ ва ғишои таблийяси симохга кирган ҳаво тўлқинини сезмоқ учун махлуқ бўлғондур. Баин тариқаки, қулоқ ғузруфининг сатҳи каттадур, токи кўб миқдор ҳавоға муқобил ва муқовамат қилғай. Ва симохни тарафи нашибдур, токи ғузруфдин мундафиъ бўлғон ҳаво симох тарафға баосоний мойил бўлғай. Ва симохни ичи таъоружлик, яъни пасту баландлик махлуқ бўлғондур. Токи ҳаво тўлқини ғишои табиийяға тез етиб, ҳаво садмасидин ғишои мазкурға озор етмай, ҳаво батадриж борғай.

Ва симох қулоқни тешугидурки, зоҳир тарафдин кўриниб турғон маҳаллдин то ғишои табиийгача номи симохдур. Шул масофани ҳаммаси таъоружлик бўлиб, ҳаво тўлқини гоҳи васиъ жойда ёзилиб, гоҳи тор ва дўнг жойга дучор келган сабаблик мунъатиф (қайрилган) бўлиб, нашиб тарафға тамойил қилур. Хулоса, ғишои мазкурға батадриж ва батаанний борур. Ва симохни ниҳояти ва ғишоға муттасил учи андак васиъроқдурки, номи жувбадур. Ва бу васиъликда бир ғишони мазкур тешукни банд ва масдуд қилиб қоплонғондур. Ва бу васиълик жойдағи маҳбус ҳавони хориждин овозға ҳомил бўлуб келғон ҳаво ўз тўлқинининг оҳангида таҳрик қилур. Ва ҳавои маҳбус ҳам ҳавои хорижийдин олғон асарини айнан ғишои мазкурға ўткизар ва ул ҳавони садмасидин ғишои мазкур мутаассир ўлурки, бу таъсирни номи самъ, яъни эшитмоқдур. Лекин комил эмас, балки тўлқин кайфийятини сезмоқғинадур. Сўнгра ани такмили батни дохийий ила бўлур. Чунончи, батни дохийий мазкур ғишои табиийнинг озуқаси ва ҳуққат ул-узн исмлиқ устихонни ичидур.

Бас, бу батн ғузруфдин ва асабдин ва работдин ва ғишодин ва шароиндин ва авридадин ва узладин ва устихондин мураккабдур. Лекин устихоннинг таркиби ажзои зотийялик сифатда бўлмай, балки ходималиқ сифатдадур.


Чунончи, батни хорижийда мазкур бўлғон ғишои табиийнинг орқа тарафида уч адад майда устихон бордурки, амудий ва сандоний ва рикобий исми ила мавсумдур. Ва ташриҳи изомла (суяклар ташриҳида) муфассал мазкурдур.

Ушбу устихонларға пайи ҳассоса ўралиб, гўё ғишо каби қоплонғондур. Бас, амуд устихонини бир учи келиб, ғишои таблийнинг ўрта

нуқтасига келиб турар, токи ғишои мазкур хориждин келгон тўлқуниндин олгон асарини оҳанглари ила мазкур устихони жилдий бўлгон ғишои асабийяға топширар. Ва асаби мазкур амудий устихоннинг ёнидаги сандон устихонға ҳам тажовуз қилиб, анга ҳам қоплонгондур. Ва сандонни ниҳоятда устихони рикобий ҳам банд тарафидин восил бўлиб, асаби ҳассоса анга ҳам тажовуз қилгон. Ва тамом қоплонгондур. Ва рикобийнинг таги ҳалзунға восилдур. Бас, асаби мазкур ҳам мазкур устихонлар воситалиги ила ҳалзунға етгандур, токи ғишои таблийдин олгон тамаввужининг ҳамма садмаларини кайфияти ила қабул қилиб, ҳалзунға топширар. Ва ҳалзун деб арабда шиллиқ қурт-ни айтурлар.

Бас, бу узви сомиъа (эшитувчи аъзо)ни шакли ва ҳайъати айнан шиллиқ қуртға ўхшаш бир учи марказ бўлиб, боқийси шул марказдин айланиб, филдирак шаклида бўлгондур. Ва марказ тараф учи ингичка ва хориж тараф учи йўғонроқдур. Бас, шул ҳалзуннинг марказ учидин то хориж тараф учиғача ҳар нуқтадин бўлинув, хона-хона махлуқ бўлгонликдин марказий хонаси энг кичик хона ва хориж тараф хонаси энг катта хона бўлгон ва миёналари шунга нисбатан батадриж мутафовитдурлар. Ва даражоти асвот (овоз)ға мувофиқ даражоти хона мутаъаддид (кўп) бўлуб, ҳар хона ўз вусъатиға мувофиқ савтни қабул қилар. Ва қабул қилгон асарини ҳуққат ул-узн устихони усти ва муқаддам тарафида воқеъ бўлгон суқбадин ўтгон асаби ҳассоса воситаси ила ҳисси муштаракға топширар. Ва ҳақиқий самъ шулдур. Ва бул ҳалзун шакли махсусасидин ёзилиб кетмаслиғи учун ҳар икки доирасини бир-бириға ғишои работийя ила марбут қилингондур. Ва ҳалзунни ҳар бир нуқта батнидин бир пайи ҳассоса тораси марказға тўғри бориб, қабул қилгон асари савтийясини топширар. Токи ани даражоти кайфиятидин нимани овози экани маълум бўлур. Ва работ ғишосидин ярим доира шаклида икки адад ҳалқа махлуқ бўлиб, бир адад ярим ҳалқани ҳар икки учи ҳалзунға вобастадур. Ва иккинчи ярим ҳалқани бир тараф учи биринчи ярим ҳалқани бир тараф учиға мутгасил бўлма-са ҳам яқинидин ҳалзунға вобаста бўлиб, иккинчи учи ҳалзундин хорижда ғишои таблийдин ҳалзунға келган асабий ҳассосаға марбут бўлгондур. Ушбу шаклда:

1-рақамлик ғишон табиий-
дурки, қулоқ пардасидур. 2-ра-
қамлик ва 3-рақамлик икки
адад ярим доиралардур. Ва 3-
рақам ярим доира остида
кўринган 4-рақамлик шакл
ҳалзундур. Ва бу икки адад
ярим доира ичак каби ковак
бўлиб, ичи доим тиниқ сув би-
лан тўладур. Ва бу сув миядин



дом қулоқ пайларини ғизоси учун ярим доираға етиб, захира бўлуб
турар. Ва ярим доира ҳам пайи ҳассосаларни ҳалзун работларини
доим қўллаб, ғизо бериб турар. Бас, агар шу ғизон мазкур пайларға
етмай қолса, пайлар қуриб қолиб, қуввати сомъяси ботил бўлур.
Шунинг учундурки, сарсом, яъни терлама ва тиф касалиға мубтало
бўлиб, узоқ вақт касали давом этган кишиларни қулоғи кар бўлур.

Чунки ҳароратни шиддатидин мияни обияти таҳлил топиб турғон са-
бабдин бу ярим доира учун лозим ғизо етишмас ва пайи ҳассосаларни
ўзларидаги рутубути ҳарорат туфайли таҳлил топғони учун ва ўрниға
янги ғизо етмагани учун қуруб кетар ва қувват ҳислари ботил бўлур.

Бас, агар мазкур пайларни рутубати нимхушк (чала қуриган)
бўлса, қаттиқ авозни эшитиб, оҳиста овозни эшита олмас. Ва агар
ҳарорат бундин ҳам зиёдароқ таъсир этса, лекин пайни рутубати
ҳануз фил-жумла боқий бўлса, ғизодин яна баҳравар бўлғунча му-
ваққат кар бўлиб, сўнгра яна саломатланур. Ва агар пайни рутуба-
ти тамоман зойил бўлғон бўлса, абадий кар бўлур. Ва бу икки адад
ярим доирани номини мизон (тарози) ва мавозинат ур-раъс дерлар.
Чунки агар бир жароҳат ва бошқа офат сабаби бирлан мазкур ярим
доира ёрилса, шул тарафдаги қулоқ батадриж нуқсон топиб кар
бўлур. Ва иккинчи тараф қулоқни самъиға баробарлиғи қолмас. Би-
нобарин, буни мизон ус-самъ (эшитиш тарозуси) дерлар. Ва баъзи
мутааххирийн наздида мазкур ярим доирадин бири ёрилиб, шул та-
рафи енгил бўлиб, муҳолиф тарафға бошнинг ўзи мойил бўлиб эъти-
доли мафқуд (йўқ) бўлур. Бинобарин, буни номи мизон ва мавозинат
ур-раъс дерлар. Вал-ҳаққу инда-с-Сониъ.

АММА-Л-ЛИСОНУ, АММО ЗАБОН, ЯЪНИ ТИЛ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, тил гўштдин ва уруқдин ва шароин ва асаби ҳассо-садин ва узладин ва ўнгач гишосига муттасил бўлгон гишодин мурак-кабдур. Ва тилни гўшти мулоийм ва суст ва ранги оқдур. Аммо зоҳи-ран қизил кўринмоғи томурлардаги қонларни ранги бирлан ҳамранг бўлиб турғонликдиндур. Ва асаблари аъсоби димоғийнинг шуъбалари-дурки, баёни «Ташриҳи аъсоб»да мазкур бўлди.

Ва тил узунига икки ҳиссага бўлингон бўлиб, бири ўнг тараф тили ва бири чап тараф тили бўлур. Лекин гишоға ўролғони учун ҳар бири ҳам мазкур гишоға пайваста бўлғони учун икки бўлаклигини имтиёзи мумкин эмас. Ва тилни тагида икки адад кўк томир воқеъ бўлгондурки, бири ўнг тараф тилға ва бири чап тараф тилға махсусдур. Ва бунга далил шулки, агар ўпкани ўнг тарафида офати дамавий (қондан юз берган офат) ориз бўлиб, қуруқ йўтал пайдо бўлса, ўнг тарафни тому-ридин қон олмоқ бирлан дафъатан йўтал таскин топар. Аммо чап та-рафдин қон олинса ҳеч фойда бермас ва билъакс. Бас, маълум бўлурки, тил икки шиқ ҳар бирининг томури ўзига махсусдур. Ва номини сурад дерлар. Ва ҳар иккисини сурадайн дерлар.

Ва ҳар бир томурдин беадад майда шуъбалар чиқуб, ўзинин шиққи бўлгон тилни ҳамма ажзосига таралгандурки, шул шуъбалардаги қон-ларни ранги ила тил ҳамранг бўлиб, зоҳиран қизил кўринар. Ва тилни ил-дизида гўштдин ҳосил бўлгон бир гудда (тугун) воқеъ бўлуб, ани остида икки адад тешук воқеъдурки, номини арабда сокибай ил-лаъоб, яъни ре-зандаи лаъоб ва туркийда сўлак беи дерларки, доим андин сув чиқиб тил-ни ва оғизни ҳўллаб турар. Ва буни нафъи шулки, нафасни таъсири ила тил қуриб, ҳаракатга итоатсиз бўлмасин ва ҳалқ қуруб, йўтал ҳодис бўлмасин учундур. Хусусан қуруқ таом тановул қилғонда таомни ҳўллаб ютмоқға қобил қилур. Ва ҳам мазкур таомни меъдада ҳазмиға муъийн бўлур.

Ва тилни ҳаракати учун асаби муҳаррикалар ва узлалар тилда во-қеъдур. Ва тилни манфаъати маълумдурки, такаллум қилмоқ ва таом-ни тамом чайнаб, текис ва майда қилмоқға ёрдам учун таомни оғизда айлантирмоқ ва таомда чизе ғайри таом мавжуд бўлса, ани ажратиб хориж тарафға қайтармоқ ва оғизда воқеъ бўлгон фазлани дафъ қил-

моқ ва таомни лаззатини сездуруб, иштаҳани огоҳ ва нафсқа лаззати таомдин баҳра бермоқ каби манфаатлар кўбдур.

Ва тилни жирми мулойимлигининг манфаъати азбаройи баданни кайфиётидин тезроқ мутаассир бўлиб, аҳволи бадандин огоҳ қилмоқдур. Чунончи, баданда қайси хилт голиб бўлса, ани ранги бирлан ҳамранг бўлиб, огоҳ қилувини биринчи далоилдин, деб байн ал-ҳукамо муқаррар бўлғондур. Ва кўз ҳам инчуниндур.

ТҶРТИНЧИ ФАСЛ ҶПКА ВА ДИЛ БАЁНИДАДУР

Аммо рия, яъни ўпка қизил гул рангли гўштдин ва гузруфдин ва шароиндин ва авридадин ва гишодин мураккабдур. Ва ўпкада ҳаргиз ҳис ва ҳаракат ихтиёри йўқдур. Аммо ўпкани ўраб турган гишода андак ҳис бордур.

Билмоқ керакки, урф истилоҳида ўпка деган исм руҳи ажзони мажмуъиға муштаракдур. Ва мажмуъи аъзои мазкур гўё танбур шаклидадур. Чунончи, гўшт ва шараёни варидий ва варид шараёни ва гишодин мураккаб бўлғон бир жузви гўё танбурни қорни кабидур. Ва асли ҳақиқий ўпка шул жузвдур.

Ва гузруф ва гишодин мураккаб бўлғон жузъи гўё танбурнинг танасидурки, ани арабда қасабаи рия ва туркийд кекирдак дерлар. Ва яна гузруфдин ва гишодин ва узладин мураккаб бўлғон бир жузви бордурки, ани арабда ҳанжара дерларки, гўё танбурни қулоғи кабидур. Ва бас, уч жузвни ҳар бирини алоҳида баён қилинур.

ЖУЗВИ АВВАЛ ҲАНЖАРА БАЁНИДАДУР

Ва ҳанжара узвидурки, уч адад гузруфдин ва гишодин мураккабдур. Ва гузруфни бири ҳанжарани оғиз тараф ёнида ости тарафи кекирдакни учиға муттасилдур, яъни гишо (бирлан) марбутдур. Ва икки ёни яна гузруф бирлан узлаға вобастадур. Аммо юқори тарафи ҳеч нимарсаға иттисоли (уланиши) йўқдур. Ва бу гузруфчи арабда дарқий ҳам турсий дерлар. Чунки дарқ ёки турс деб арабда қалқонни айтурки, душ-

манни зарбидин ўзларини муҳофаза қилмоқ учун ғазот қилувчилар қўлларида тутарлар, токи агар душман қилич урса, мазкур қалқонни қиличга муқобил қилурлар. Токи қилич анга тегиб қолиб, зарар беролмай қайтсин учундур.

Бас, бу ғузруф хориждин қасабага киргувчи зарарни манъ қилмоқда ғўё қалқондекдур. Бинобарин, шул исм бирлан мавсумдур. Томоқни тагини қўл бирлан ушлағонда ҳам шул ғузруфни дўнглиғидин эҳсос қилинур. Ва буни дохил остидин бир ғузруф ва ани муқобилида бир ғузруф бир-бирига муқобил бўлиб, қасабани оғзига ғишо бирлан марбутдурлар. Ва шаклда ҳар бири рубъи гириҳ шаклида бўлуб, жуфтланғонда ярим гириҳ шаклини ҳосил қилурлар. Ва бу ғузруфларни дохил тараф ҳар икки учиди бир ададин икки адад узла воқеъдурки, узлани икки тарафи ҳар икки ғузруфга муттасилдур. Ва бу узлани ҳаракати инқибозийяси (қисилиш ҳаракати)да бу ғузруфлар бир-бирига тортилиб, ғўё икки табақалик дарвоза ёпилғондек ёпилурлар.

Ва хориж тараф учиди икки ададдин тўрт адад узла воқеъ бўлуб, буларни бир учи мазкур ғузруфларни учига, яна бир учи ҳалқни сифоқ пардаси бўлғон асабни шуъбасига вобастадур. Бас, бу узлаларни ҳаракати инқибозийяси ила мазкур табақалар очилурлар. Ва бу ғузруфларни номи мукиббдур. Маънийи мукибб форсийда «баррўй афтанда» ва туркийда юзи билан йиқилғувчи демақдур.

Бас, бу ғузруфларни тасмиялариға сабаб шулки, таом ютар вақтда булар ҳар икки тарафдин бир-бирларига қараб, ҳам кекирдакни оғзида жуфтлашиб, кекирдак йўлини банд қилурлар.

ФОИДА. Дарқий ёки турсий (қалқон) исмлиқ ғузруфни манфаъати шулки, совуқ ҳаводин нафас олинғон вақтда ҳавони совуқлиғи ўпкага зарар бермасин учун ҳавони йўлини тўсар. Ва ҳаво ночор ғузруфни устидин ошиб, ўнғач тарафдин айланиб, таъхири сабабли ани ҳарорати ила филжумла ўпкага муносабатлик бўлиб кекирдакга кирар. Ва ҳам баъзи ҳажми кичик нимарса нафас ила кирса мазкур ғузруф монёъ бўлиб, кекирдакга киргизмай қайтарар. Ва икки табақа бўлган ғузруфи мукиббийнинг манфаъати шулки, танаффус пайтида очилиб, нафасқа йўл берар. Аммо таом ютар вақтда беркилиб, таомни кекирдакга кирмоғига монёъ бўлур.

Ва маълумдурки, танаффус учун кекирдакни оғзи очиқ турмоғига эҳтиёж бўлғондек, таом ютмоқда кекирдакни оғзи беркилиб турмоғига

ҳам эҳтиёж зўрдур. Чунки агар иттифоқан кекирдак беркилишдин муқаддам андак нимарса кекирдакға кириб қолса, шиддатли йўтал ориз бўлиб, то шул нимарсани чиқармаса таскин топмас. Гоҳи ўшал нимарса чиқолмай ичда қолиб, уфунат пайдо қилиб, сабаби ҳалок ҳам бўлур. Шунинг учун аклу шўрб (еб-ичиш) пайтида таом ўпка тарафига кетувн эҳтимол бўлгон ҳаракатлардин ҳукамо қаттиқ таъкид ила наҳй (манъ) қилгондурлар. Ва бунга сабаб бўлувчиларни энг зўри таом ютар вақтида тақаллум қилмоқ ёки кулмоқ ва кулдирмоқдур. Бинобарин, одоби ақл ва шурбда сўзламоқ ва кулмоқ макруҳдур. Аммо азрўйи ҳикмат ҳаромдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳанжара нафасни ва тамоми овозни олотидур. Чунки ҳанжарани ичида сурнайни тилига ўхшаш бир жисм бордурки, кекирдакдин чиқгон ҳавони тўлқинида ҳаракат қилиб титраб турар. Ва овоз шул ҳаракатдин ҳодис бўлур, аммо ҳуруфи ҳалқ (томоқ ҳарфлари)ни ва лабни инзимом ва инфитоҳи (юмилиши ва очилиши) ва тилни ҳаракатидин тағйири савт ила ҳосил бўлур. Шунинг учун ҳанжараға бир офат ҳодис бўлса, албатта овозда фасод ориз бўлур.

АММО ИККИНЧИ ЖУЗВИ ҚАСАБАИ РИЯ, яъни кекирдакдур, кекирдак кўб ададлик ғузруфлардин мураккабдурки, ҳаммаси ҳалқа шакллик бўлиб, бирини устидин бири таҳ-батаҳ бўлгон миёналари гишои лийн ва мулойим ила бир-бирлариға пайванд бўлуб, мажмуъи бир анбуа (труба) шаклиға муташаккил (шаклдош) бўлгондур. Ва кекирдакни юқори тарафидин бир миқдори ўнгач ила мулосиқ, яъни ҳар иккиси бир-бириға ёни билан ёпишгандур. Ва шул мулосиқ бўлгон миқдорни ғузруфи комил ут-тадвир (тўлиқ доира) эмас, балки бир доирани уч ҳиссасидин икки ҳиссаси ғузруф бўлиб, боқий бир ҳиссаси мулойим парда бирлан ҳалқа бўлгондур, токи луқма ютганда ғузруф ўнгачни эзиб, ютмоқға ҳалал бермасин учун ўнгач тарафи мулойим пардадин бўлуви муносиб бўлди.

Аммо ўнгачка ёпишмаган жойларини ғузруфи бутун доира ғузруфдур, лекин муттасил бўлмай, балки орқа тараф ёни мунқатиъ бўлиб, маҳалли қатъи яна гишо бирлан пайванддур. Токи агр катта луқма ёки агар жирми қаттиқроқ нимарса тасодифан ўнгачга бориб қолса, ани меъдаға бормоқида кекирдак ғузруфи монёъ бўлмай, мунқатиъ жойи камқувватликдин ёзилиб, таомға йўл бермоқға қобил бўлғай ва кекирдакни

ичкари томони гишо бирлан қоплонғондур. Ва инчунин, зоҳир тарафида ҳам гишо бордур. Ва кекирдак оғзини муқаддам тарафида бўлиб, ўнғачни орқа тарафидадур. Шунинг учун кекирдак касалига лозим бўлгон зимод (суртма дори)ни кўкракга ва ўнғач учун зимодни орқа тарафга қўйилур, бажихати қурби узви муаввиф (офат етган аъзони яқинлиги учун).

ФОИДА. Билмоқ керакки, инсон доим танаффус (нафас олиш)га муҳтож бўлғони учун нафас йўли бўлгон кекирдаги ҳам ғузруфий махлуқ бўлгондур, токи доим танаффусга йўл очиқ бўлғай ва банд бўлуви эҳтимолдин барий (озод) бўлғай. Ва орқа тарафдин баъзи жузвини ўнғачга муттасил бўлгон ҳалқалари доирадин ноқис бўлиб, нуқсонига гишо мутаммим (мукамал қилувчи) ва қойим мақом бўлур, токи ғузруфни салобатидин ўнғач озорланмағай ва каттароқ луқмани ютганда ғузруф ўнғачни сиқиб, луқмани йўлига монень бўлмағай.

Ва кекирдак овознинг олати бўлғони учун ичига яна бир гишо баманзлаи астар бўлиб қопланди, токи овоз иши мустақмал (тугал) бўлсин ва шиддатлик сайҳа (овоз)ларда ғузруф ҳалқаларни гишоси зўрланиб йиртилмасин учун анга муъийн бўлғай. Ва яна кекирдак ҳиддатли (ўткир) назланинг тушар жойи ва дилдин бухороти духонийяни чиқар жойи ва овоз садмасини тўқишар жойи бўлғони учун бу дохилий гишо зоҳирига назаран салобатлик махлуқ бўлгондур. Токи музирр зарарларни зараридин қасабани ҳам ўзини маҳфуз (омон) сақлағай. Ва яна салобати ила танаффусда чўзилмай ва ўз маҳаллидин кўчмоқ ва алам топмоқдин эмин бўлғай.

Ва кекирдак ўпкага муттасил бўлгон маҳаллдин икки шох бўлуб, бири ўнг ва бири чап тараф ўпкани жирмига тақрибан то нисфи ўпкагача ғузруфлик ҳолича, лекин батадриж нозикланиб боргондур. Сўнгра ғузруфи тамом бўлиб, боқийси гишодин томур шаклида бўлиб, тамом ўпкага таралгондур. Токи ҳавони йўли тамом очиқ турсин ва ўпка ҳаракати инбисотийяси (кенгайиш ҳаракати)да анга кўб ҳаво тез ғурдатда етсин учундур.

АММО УЧИНЧИ ЖУЗВИ ХУД ЎПКАНИ БАЁНИДА

Ва ўпка қасаба шуъбаларидин ва шараёни варидий шуъбаларидин ва бу шуъбаларни жамлаб ўрашга кифоя қилур миқдорда юмшоқ ва ҳовол гўштдин ҳаммасини ихота қилгон гишодин мураккабдур. Ва бу гишо ҳам ўпкани гўштидек серманфаз, яъни майда тешуклари кўбдур, токи кўкракни рутубатлари шул тешуклардин ўпкага кириб, кекирдак йўли бирла дафъ қилинур. Зероки кўкрак фазласини ихрожи учун табиий йўл фақат ўпкадур. Ва бошқа йўл йўқдур. Шунинг учундурки, зот ул-жанб (зотилжам) ва зот ус-садр касалларида, агар яраси ботин тарафидин пишуб ёрилса, сил касалига сабаб бўлур. Чунки мазкур фасодни ихрож қилмоқ учун табиат ўпкага дафъ қилур. Ва фасод ўпкага киргандин сўнг тамом хориж бўлмоқга моддани қуюқлиғи монёъ бўлуб, бир миқдор фасод ўпкада қолиб, ўз атрофини ҳам фосид қилур. Ва ўпкада ҳам яра ҳодис бўлурки, сил шундин иборатдур.

Ва билмоқ керакки, ўпка икки палладур ва бири ўнг ва бири чап тарафдадур. Ва ўнг тараф палласи уч шуъбага ажаралган ва чап тараф палласи икки шуъбага ажралгондур. Ва бу ажралишни фойдаси ва ўнг ва чапга икки палла бўлувини фойдаси ўпкани мутахалхал, яъни мағзи бўш ва ҳовол бўлуви ани ғузруф ва шараён ва варид ва гўштдин мураккаб бўлгонининг фойдаси ва ўпкани вужудидин баданга бўлгон фойдаси ва ўпкадин дилга ҳавони етувини тариқаси ва ҳавони руҳга ёрдам берув тариқасини уч фоида ила баён қилинур.

БИРИНЧИ ФОИДА. Билмоқ керакки, инсон танаффусга доим муҳтождур. Ва ўпка танаффусни олати ҳақиқийсидур. Бинобарин, Ҳакими Мутлақ ани икки палла қилиб ёратгондурки, агар бир паллага офат етса, иккинчи палласи танаффус учун ўз вазифасида давом этар ва нафас тарк бўлмас. Бас, агар ўпка икки палла бўлмай бир бутун бўлса эди, бир тарафга етган офат ҳамма атрофга асар қилиб, ҳаёт мунқатиъ (кесилган) бўлур эди. Ва яна ўпкани исфанждек мутахалхал (тешиктешик) ва ҳовол яратгондур, токи нафас олгонда ўпкани ичига кўб ҳаво сифсин ва нафасни чиқаргонда ҳам ани тахалхули (тешиклиги) ёрдам берсин учундур. Ва мутахалхал деб жисмики, мағзи сертешук ва ўзи юмшоқ нимарсани айтилур. Масалан, исфанж каби. Исфанж деб, дарё

кўпигидин ҳосил бўладурган қизил ёки сариқ нимарсани айтилулки, сувға тушса кўб миқдор сувни жазб қилур ва агар сиқилса, жазб қилгон сувини яна дафъатан бенуқсон туширар. Ва авом ун-нос ани балут дерлар.

Ва ўпкани ости тарафи бешға ажралгондулки, уч адади ўнг тарафда ва икки адади чап тарафдадур. Токи бу шақ (ажралиш)лар боисинбисот бўлғай ва нафасда олингон ҳаво шу шақларға бўлинуви бирлан ўпка васиъ бўлиб, ҳавони кўброқ миқдор жазб қилуви мумкин бўлғай. Аммо бу шақлар ҳар икки тарафға баробар бўлмай, ўнг тарафни шаққи уч адад ва чап тарафни шаққи фақат икки адад бўлувини нафъи шулки, чап тарафда дил воқеъдур. Бас, икки шақ ўпка бирлан чап тарафни имтилоси (тўлиши) ҳам ўнг тарафға баробар бўлғай. Ва илло ўпка ила дил инбисот (кенгайиш)да бир-бирлариға халал берувлари лозим келур эди.

Ва билмоқ керакки, дилдин ўпкаға шараён келгондулки, номини шараёни варидий дерлар. Чунки бу шараён варида каби бир қават махлуқдур. Ва дилдин ўпкаға етар, пишган ғизо еткузар. Ва ўпкадин дилға ҳавойи софий юборур. Тариқасини сўнгги фондада зикр қилинур.

Бас, шараёни варидий танаффусға махсусдур. Бинобарин, ўпкани ҳожатиға лойиқғина оз миқдор ғизо, яъни покиза қон юрар. Ва зиёда бўлмас, токи шараённинг ичи қон бирла тўла бўлиб, танаффус учун ҳавони йўлиға садд (тўсиқ) ва монёъ бўлмағай. Ва ўпкани ғизоси тоза пишгон покиза қондин бўлғониға сабаб шулки, ўпка доим танаффус хизматиға машғул ва ҳаракатлик бўлғони учун ғизони ҳазмиға таважжуҳ қилмоқдин қосирдур. Бинобарин, Ҳазрати Ҳакими Мутлақ ани насибасини тайёр пухта ғизодин ато қилгондур. Токи андак тасарруф ва таважжуҳ бирлан жузви бадан бўлғай.

Ва яна жигардин бир варида томури чиқиб, дилға ва дилдин ўпкаға келгондулки, кўб миқдор қонни азбаройи ғизойи бадан еткузиб турар. Бу варида номини варида шараёний дерлар, чунки бу варида шараён каби икки қават махлуқ бўлгондур, токи дилға ва ўпкаға боргон ғизо икки қават томурдин сузилиб, ғайри мунҳазм (ҳазм бўлмаган)лардин мусаффо роқ бўлиб борғай. Ва ўпканинг ранги бошқа гўштларға наза-ран оқроқдур, чунки кўк томир бошқа халалларға жомийдур. Хусусан, танаффус сабабидин анга ҳавойият голибдур, бинобарин, ранги ҳам ҳавойият рангиға мойилдур.

ИККИНЧИ ФОИДА. Ўлкани манфаати истиншоқдур, яъни кўб миқдор ҳавони ўзига жазб қилмоқдур, ҳам ҳавони тасфия қилмоқ ва фазлаларни ихрож қилмоқдурки, юқорида мазкур бўлди.

Аммо истиншоқни нафъи шулки, бир бора танаффусда кўб ҳавони жазб қилиб, дилни ҳожатиға тайёрлаб турмоқдур. Токи, агар иттифоқан ҳифзи нафас (нафасни асраш) лозим бўлса, чунончи, суваға фарқ бўлса ёки узоқроқ вақтигача сайҳа ёки тиловатға ҳожат бўлса ёки бадбўй жойдин ўтиб олғунча ҳифзи нафасға ҳожат бўлса, дафъатан музтар бўлиб қолмас, балки ўпкада мавжуд ҳаво қадри ҳожат вақтигача дилни тарвиҳиға кифоя қилиб турғай. Зероки, маълумдурки, дил доим ул-ҳаракат ва касир ул-ҳарорат (серҳарорат)-дур ва пайваста совуқ нимарсаға муҳтождур. Бас, дилға дамбадам етиб турмоқға кўб ўткир бўлмагон мўътадил совуқ албатта, ҳаводур. Чунки агар ҳаво бадалиға сув кирса, аввалан, сув ҳавоға назаран ғализдур. Ва шараёни масомидин ўтолмас. Фаразан, агар ўтиб дилға борса, дил маъдани руҳдур ва руҳ иссиқ ва латифдур. Бас, сув ўткир совуқлигинин руҳни фоний қилиб, дафъатан ҳалок қилур.

Ва маълумдурки, ҳаво агарчи аносирға нисбатан мизожи иссиқ бўлса ҳам, лекин баданға нисбатан совуқдур. Хусусан, ўткир ҳароратли бўлгон узв узви ботинийға нисбатан янада совуқроқдур. Ва ҳам ҳаво холис ҳавои маҳз эмас, балки бухороти мойийға муҳитдур. Маълумдурки, ҳавоға нисбатан бухороти мойий яна совуқроқдур.

АММО УЧИНЧИ ФОИДА. Билмоқ керакки, ўпкани ҳамма жирмиға шараёни варидий таралгондур. Ва бу шараён гўё варид каби бир қават махлуқдур. Ва бир қаватлиғини нафъи шулки, бу шараён масомдин дилни тарвиҳи учун лозим бўлгон ҳаво осонроқ ўтсин учундур. Бас, агар бошқа шароин каби икки қават бўлса эди, икки қаватдин сузулиб ўтган ҳаво албатта оз миқдор бўлиб, дилни ҳожатиға кифоя эди. Зероки, ўпкани танаффус ила олгон ҳавоси дилға фақат шул шараён масомидингина борур. Ва шул масомдин бухороти духонийяни ихрож қилур. Аммо бу шараёнини оғзи ўпкани ичидин очиқ бўлиб, ҳаво шараённи оғзидин кириб бормас. Чунончи, баъзилар бу шараённи ҳам гўё мосариқонинг ҳар икки тараф оғзи меъда ва жигарга очиқ бўлғони каби очиқдур ва ҳаво

шараённинг оғзидин кириб, дилга борур, деган заъам (фикр)лари ботилдур. Чунки агар шараённи оғзи очиқ бўлиб, ҳаво шул йўлдин борган тақдирда ҳаво қабл аз-ислоҳ (созланишдан аввал) совуқлик ҳолича бориб, дилга озор берар эди. Ва руҳни совутиб, фано қилур эди. Ва ҳам нафасни чиқорғонда шараён қонлари қайнаб, нафас бирлан чиқиб кетар эди. Ва-лайса фа-лайса.

Бас, маълум бўлдики, ҳавони дилга борар йўли фақат шараённинг масоми (тешиги)дин муқаррар бўлғондур, токи масом манфаз (йўл)лари танглик сабабидин ҳаво тез ўтолмағай ва таъхир сабабли касофатдин пок бўлиб, дилни мизожига муносабат ҳосил қилиб борғай.

Ва билмоқ керакки, олоти танаффуснинг энг умда (асосий)си ўпкадур. Шунинг учун ўпкани мабдаъ ул-ҳаёт (ҳаётнинг бошланиш жойи) дерлар. Зероки истиншоқ, агарчи тамоми бадан терисининг масомларида мавжуд бўлиб, бадан шароинининг инқибоз ва инбисот ҳаракати ила жазби ҳавои насим муяссар бўлса ҳам, лекин дилни ҳожатиға кифоя қилмас. Ва тарвиҳи комил ва мукаммал яна ўпкаға вобастадур. Ва бақойи ҳаёт шунга мавқуфдур. Ғоят шулки, ҳифзи нафасни одат қилғон кишилар узоқ замонғача тоқат қила олурларки, бу фурсатда ўпкаға жамлаб олинғон ҳаво батадриж тарвиҳи дил учун масруф бўлиб турар. Ва дилни ҳаракати инқибоз ва инбисоти доимийдур ва танаффусға мавқуф эмас. Ва ўзини инқибоз ва инбисоти ила ўпкада захира бўлғон ҳавои маҳсурдин истифода қилиб турар ва футур етмас. Ва то вақтики, ўпкани ҳавоси бухоротни кўб ихтилот ила кўб исиб кетмаса, дилни мизожидин совуқроқ бўлса, тарвиҳ учун кифоя қилур. Агар бухороти духонийя кўброқ мухталит бўлуб, ҳаво исиб кетса, сўнгра янги нафасға ифтиқор (ҳожат) ва изтирор ориз бўлур. Чунки агарчи шароинни ҳаракати инбисот ва инқибози ила шараён масомидин ҳавони истиншоқи доимий бўлса ҳам, кофий миқдорда бўлмоғони учун ани нуқсонини тўлдирмоқ яна ўпкаға мавқуф (боғлиқ)дур. Магар ҳасри нафасни (нафасни ичга ютиш) жуда кўб одат қилғон кишиларда жазби ҳавои насимни бадан масомлари воситаси ила истиншоқ қилмоқ табиатан одат бўлуб қолур. Ва бадан масомлари ҳам одатға биноан кенгайиб, дилни ҳожатиға кифоя қиларлик миқдорда ҳавои насим жазбиға муқтадир бўлур. Чунончи, баъзи аҳли риёзатларда машҳуддулки, бир ҳасри нафас (бир нафас олиш) ила ҳатто неча кунларғача тоқат қилурлар. Ва сўфий-

ун (сўфийлар) наздларида бу одатни мартабаи валоят (авлиёлик), деб таъбир қилурлар.


Махфий қолмағайки, баъзи атиббо наздларида ҳавои насим руҳ бўлуви даъво қилингандур. Лекин даъво ботилдур, балки ҳаво руҳ учун раҳбардур. Чунончи, сув ғизони раҳбари бўлғони кабидур. Маълумдурки, холис сув ғизо бўлолмас, балки рутубатларга мухталит бўлса аларни маҳалли ҳазм ва маҳалли игғизога етказур. Ва ўзи ҳам агар баданни эҳтиёжи бўлса бақадри ҳожат баданга мажзуб бўлур. Ва илло масона тарафидин мундафий бўлур. Ва инчунин, ҳавои насим ҳам ўзи руҳ бўлолмас, магар ҳанжарага мухталит бўлур, алардин руҳ учун ноқобил бўлғон бухороти духонийяи ғализларни олиб, хорижга чиқарур, токи холис бухороти мойяи латифалари руҳ бўлғайлар. Бас, агар ҳавода руҳ учун қобил бўлғон баъзи латиф қисми мавжуд бўлса, бухороти латифага қўшилиб, руҳ бўлуви мақсудга мунофий эмас.

АММА-Л-ҚАЛБУ, ЯЪНИ ДИЛ

Дил жисми махрутйидурки, андак узунроқ бўлиб, бир тарафи йўғонроқ ва иккинчи тарафи ингичкароқ ва ҳамма атрофи мудаввар бўлур, санувбар мевасини шаклидадур. Ва ани қоъидаси, яъни йўғон тарафи сийнани ўртасида, орқа тарафга яқинроқда ва кекирдак илдизига муаллақ осилиб турар. Ва уч тарафи паст тарафда чап тарафга мойил бўлиб, дилни учи чап эмчакни остида турар. Чунончи ушбу шаклда:

1-рақамлик кекирдак ва 2-рақамлик ўпка ва 3-рақамлик дилдур. Ва дилни чап тарафга мойил бўлувини нафъи шулки, жигардин узоқроқ тургай, токи баданни даражаи ҳарорати ўнг ва чапга баробар бўлгай. Чунки жигарни мизожи иссиғдур. Ўзи ўнг тарафда турар. Дилни мизожи ҳам иссиғдур. Бас, агар дил ўртада туриб ҳар икки тарафга баробар таъсир қилса, ўнг тарафда дилни таъсирига жигарни таъсири қўшилиб, ҳарорати зиёда бўлур эди. Ва чап тарафда ҳарорат камроқ бўлур эди.

Ва дил ҳамма узвларни энг шарифроғидур. Шунинг учун Ҳофизи Мутлақ ани баданни сан-



дуқи бўлгон сийнаға мавдуъ (жой) қилгондур, токи маҳфузроқ (омонроқ) тургай. Ва дилни ранги қароға моилроқ тўқ қизилдур. Ва дил гўштин ва лифдин ва гузруфдин ва гишои сўлб ва гишои рақиқдин ва авридадин ва шароиндин мураккабдур. Бас, билмоқ керакки, дилни гўшти қаттиқ яратилгондур, токи агар бир офат ориз бўлса, офатни тезроқ қибул қилмағай. Ва яна кўб ҳароратни ижтимоъи ила қонни барважҳи аҳсан (чиройли ҳолда) ва акмал пишуруб андин руҳ ҳосил қилмоқда ҳароратға тоқатлироқ бўлмоғи учун ҳам гўшти қаттиқ бўлмоғи ансаб (муносиброқ)дур.

Ва дилни лифи (торлари) уч тариқадур. Ва бири дилни бўйиға қараб узун тортилгондур. Ва бири дилни эниға қараб ариз тортилгондур. Ва бири тўвл ва арз (узунлик ва кенглик) мобайниға моил тортилгондур. Бас, узуниға тортилгон лиф жазб учун, яъни дилни ҳаракати инбисоти (кенгайиш) учун. Ва эниға тортилғони ҳаракати инқибоз (торайиш) учун ва мойил тортилғони имсоқ (тутиб туриш) учун хизмат қилурки, бу уч хил ҳаракат дилда мавжуддур, чунончи баён қилинур.

Билмоқ керакки, дил нашри руҳ (руҳни ёйиш) ва тадбири хун (қонни айлантуриш) учун доим ул-ҳаракатдурки, ҳаракати инбисотий ва ҳаракати инқибозий пайдарпайдур. Лекин бу ҳаракат изтирорийдур (мажбурий), лекин ихтиёрий эмас. Чунончи, баъзи ҳукамон мутааххирийиндин нақлан ҳаким Абу Иброҳим Файзободий ва ҳаким Афзаллий Алихон Ризавийлар дилни узла таъбир қилгонлари ва ҳам дилни ва қасабани гишосида кўзға кўринмас даражада беалад майда узлар борлиғини даъво қилиб, шул узлалар боиси ҳаракат демаклари заъами маҳзурки, узлани таҳриқи ихтиёрий бўлур. Аммо изтирорий ҳаракат фақат табиий бўлурки, анга узлани вужуди шарт эмас ва дилни гузруфи кекирдак гузруфининг мунтаҳосидурки, дилға қоъидадин муттасилдур, токи боиси истехқоми узв бўлғай. Лекин бу гузруф батадриж гузруфийя ҳолдин ўзгарилгондурки, ани гузруф демакға муносабат ҳам қолмоғон, гўё қаттиқ гўшт ёки томур деб таъбир қилмоқ мумкиндур. Ва ани ихота қилгон гишоси ҳам варид шараёниға ва шараёни варидийға пайваста бўлиб таралгондурки, кекирдакдин истиншоқда кирган ҳаво мазкур ҳавони дохилида ва шараённинг хорижида юруб, шараён масомидин батадриж ўтуб, тарвиҳи руҳ қилур. Бу гузруфни манфъати дилдин шароинни чиқувларидаги шароитни сақлаб ҳимоя қилмоқдур. Ва гишои сўлб дилға жузв эмас,

балки дилни ғилофидурки, дилдин жудо ва алоҳидадур, фақат дилни қоъидасидагина пайвастадур. Ва ани сўлблиғини манфаъати шулки, офотдин дилни муҳофаза қилмоқда тавоно бўлғай. Ва дилға пайваста бўлмай, жудолиғининг нафъи дилни ҳаракатида осонлиғ бўлғай, чунки маълумдурки, ҳаракати инбисотийда дилни ҳажмиға зиёдалиқ ориз бўлиб, ҳаракати инқибозида нуқсон лоҳиқ бўлур. Бас, бу ғишои сўлб дилға муттасил бўлса эди, дилға маҳмо-амкан (иложи борича) инбисотқа ташаннуж (тортилиш) монёъ бўлуб, инқибозға тамаддуд (чўзилиш) монёъ бўлур эди.

Ва бул ғишони зоҳир тарафи решадор ва ботин тарафи амлас ва текисдур, токи зоҳириға чарби кўброқ ўрнағай ва ботин тарафи инбисот ва инқибозда дилға озор бермағай. Ва бул ғишодин бошқа яна бир ғишои рақиқ дилни гўштиға тамом мамос, яъни дилни териси бўлиб, ғоят даражада юпқа ва юмшоқдурки, вақти инбисотда чўзилиб, инқибозда қисқарилур. Ва буни зоҳири ҳам амлас (текис)дур. Токи ҳаракати инбисот ва инқибозида ғишои ғализ тойрилиб турмоғи осон бўлғай.

Ва билмоқ керакки, дилни ўпкаға марбут қилғон работлари ва шараёнлари ҳаммаси дилни қоъида тарафидадур. Ва шул тарафда дилни ўнг тараф ва чап тараф устида икки адад гўшти асабонийи зоидаси бордурки, гўё дилни икки қулоғидур. Номини ҳам узнайн ал-қалб дерлар. Ва дилни икки адад батни ҳам бордурки, бири ўнг тарафда ва бири чап тарафдадур. Ва ўнг тараф батни каттароқ ва кенгроқдурки, чунки бу батнға жигардин янги ҳосил бўлиб келғон қонлар ва баданда даврон қилиб юрган эски қонлар ва қондин ҳосил бўлғон бухороти духонийялар аралаш бўлғон қонлар кирар.

Ва маълумдурки, мухталит бўлғон қонни миқдорида албатта мусаффосиға нисбатан фазла миқдори ҳам изофа бўлиб, ҳажми катта бўлур. Ва катта ҳажм учун катта макон лозимдур. Бинобарин, дилни ўнг батни каттароқ махлуқ бўлғондур. Ва гўшти ҳам чап тарафға нисбатан андак мулойимроқдур, аммо чап тараф батни ўнг тарафға назаран тангроқдур. Чунки ўпкани ғизосиға танаффусда ихрож қилинғон бухороти духонийяға масруф бўлғон ҳажмнинг бақиясиға шул миқдор батн кофийдур. Ва чап тарафни батни танг бўлса ҳам дилни ҳажми кичик бўлмоғони учун албатта, чап тарафни гўшти қалин ҳам қаттиқдур. Чунки дил ўзини қувваи дофиъаси ва ҳаракати инқибозия-

си ила батндаги қонларни шараёнға дафъ қилғонда дилни гўшти зўр талаб бўлиб ёрилмағай.

Аммо ҳаким Муҳаммад Акбар Арзонийнинг китобларида дилнинг чап тараф батни катта ва васиълиги, чунки жигардин дилға бевосита борадургон қон фақат насибаи физиойяси учун жигарда янги ҳосил бўлгон қон экани, аммо бадан авридаларида бўлгон эски қонлар тўғри ўпкаға бориб, баъд аз тасфия шароинға ўтиб, дилни чап қулоғиға ва андин чап тараф батниға тушмағини ва бул қон тозалангандан сўнг миқдори кўброқ бўлиб, анга нисбатан чап тараф батнини васиълиги ансамблиғи баён қилингондур. Ва-л-ҳаққу инда-л-Холиқи.

Бас, бул батнларни устларида яна икки адад кичик батнча бордурки, юқорида мазкур бўлгон гўшти зоидаи асабонийянинг жавфидур. Ва ҳақиқатдан узнайн ал-қалб шул батндур. Бас, дилда тўрт батн ҳосил бўлур. Инчунин, тўрт адад манфаз, яъни қон йўли учун тешик бордурки, икки адади мадхал (кириш) ва икки адади махраж (чиқиш)дур. Чунончи, дилни чап тараф батнида бир махраж ва чап тараф қулоғида бир мадхал тешуги бордур. Аммо дилни ўнг тарафи тамоман чап тарафни батнида мадхал ва ўнг тараф қулоғида бир махраж бордур.

Ва даврони дам (қон айланиши) ва даврони руҳ (руҳ айланиши) шул тўрт бутун (қоринчалар) ва тўрт мановиз (йўл) ила ҳосил бўлур ва ушбу тариқадаги жигарнинг ҳазм каймусидин ҳосил бўлгон янги қон ҳам бадандин даврон қилиб йургон эски қонлар жигарни ажваф исмлиқ йўғон варидиға келиб, андин сўнг учи дилнинг ўнг тараф батнининг мадхалиға мутгасил бўлуб, маҳалли иттисолидин икки адад ингичка шох ажраб, дилни жирмиға ийсоли физо (физо етказиш) учун таралғондур. Ва танаси шул мадхалда мунтаҳий (томом) бўлгондур. Ва мадхални дохил тарафида уч қабат фишои сафиқи решадорни бир тарафи мадхали мазкурни юқори тарафидин дилға пайваста ва паст тарафидин ҳам андак жойи пайваста ва боқий атрофи жодурки, мадхали мазкурға гўё дарвозадур. Чунки, агар дил мунбасит бўлса, хориждаги вариддин қон жазб қилмоқда, қонлар мазкур фишони итариб, фишо атрофидин дилни батниға ўтмоқлариға йўл очиқ бўлур. Аммо инқибоз вақтида қоннинг қасри (зўри) бирлан ул фишо мадхалға мулоҳиқ бўлиб, йўлни банд қилур. Бас, ночор қонлар узн ул-қалб тарафға мундафиъ бўлурлар. Ва дилни батни ила узн ул-қалб батнчасининг миёнасидаги махраж тешукни устида ҳам маз-

кур тариқада бир ғишони икки тараф учи узн ул-қалб батниға муттасил ва пайваста бўлиб, боқий атрофи жудодур, токи дилини ҳаракати инқибозийясида қоннинг тазйиқ ила мундафиъ бўлмоғида мазкур ғишо атрофидин узн ул-қалбға ўтмоғиға йўл очиқ бўлуб, аммо баъд аз инқибоз узн ул-қалбдаги қоннинг сақлиййати (оғирлиги) ила мазкур ғишо босилиб, яна махражга мулоҳиқ бўлғони учун махраж банд бўлиб, мадфуъ (даф) бўлгон қонларни авди (қайтиши)ға йўл бермас. Ва узн ул-қалбнинг зоҳир тарафидин кўринишида уст тарафи андак гуддалик ва баландроқ бўлуб, шул гудда ҳақиқатан икки палла асабий гўштдин махлуқдурки, гўё бир кичкина балиғни оғзи кабидур. Ва ўпкаға қарагон варид шараёнларини асл танаси шул икки палла гўшт ўртасиға марбутдур. Бул вариди шараёни учини балиқ тишлаб турган кабидур.

Бас, агар дил мунқабиз бўлса, мазкур икки палла гўшт бир-биридин ажраб, вариди шараёни бўшатиб турар, токи дилдин мундафиъ бўлган қоннинг вариди шараёниға ўтмоғи учун йўл берар. Ва ҳам баъд аз инқибоз ва қалб ал-инбисот ўпкадин ўзиға ҳавон насим олиб, ибтидойи инбисоти сонийда дилға андак тарвиҳ берур. Бас, бул вариди шараёний узн ул-қалбдин бориб ўпкани қоъидасиға, яъни кекирдакға муттасил бўлгон юқори марказиға паст тарафдин муттасил бўлур, лекин қабл аз иттисол икки шуъбаға шохлаб, сўнгра ҳар икки шохи баъд аз иттисол ўпкани ҳар икки тарафиға яминан ва ясоран (ўнгдан ва чапдан) беадад майда шохларға ажраб, ўпкани тамом жирмиға мунташир бўлурлар. Токи истиншоқда ҳавойи насим бирлан шаклан ичидаги қонларни тарбия ва бухороти духониййадин тасфия қилғай. Аммо дилини чап тараф батни ва узн ул-қалб ва андин ўпкаға таралгон шараёни шаклан биъайниҳи ўнг тараф кабидур. Лекин феълан тамом бильаксдур. Чунончи, ўнг тараф узн ул-қалби махраж ва вариди шараёниси тариқи ихрож эди. Аммо чап тараф узн ул-қалб мадхал шароини тариқи духулдур. Ушбу тариқадаги чап тараф узн ул-қалбдаги кўкарган шараён ҳам икки шуъбаға ажраб, ўпкани ҳар тарафиға тамом мунташир бўлгондур. Ва бу шараёнларнинг энг ниҳоят учлари ўнг тараф вариди шараёнларни энг ниҳоят учлариға мувофиқ оғизларини очилгон ҳолда бирлашган-дур. Токи ўнг тараф вариди шараёнидаги тарбия ва тасфияланиб кел-

Ғон покиза қонлар чап тараф шароинга ўтиб келиб, чап тараф узн ул-қалбга қуйилур. Ва андин чап тараф батнға қуйилур. Ва бул тараф батн ила узн ул-қалб миёнасидаги манфаз ҳам ўнг тарафга муҳолиф-дурки, ўнг тарафдаги бу манфаз махраж эди.

Аммо чап тарафдаги мадхалдур. Ва яна бул манфазни банд қилғувчи ғишо манфазни узн ул-қалб тарафида эди. Чап тарафдаги ғишо дилни батни тарафдадур. Ва яна чап тараф батнни бадан тарафга манфазни ҳам ўнг тараф манфазни хилофидурки, ўнг тарафни бу манфазни мадхал эди. Аммо чап тараф манфаз махраждур. Ва чап тарафни тариқан судури афъоли шул тариқадурки, дил ўзини ҳаракати инбисотиййаси ила узн ул-қалбдин қонни жазб қилиб ва узн ул-қалб ўз шароиндин шароин ўнг тараф вариди шараёнийдин покиза қон жазб қилур. Узн ул-қалбдин дилни батниға мунжазиб бўлғон қон ўз тазайўқи ва сиқилмоғи ила манфаз оғзидаги ғишони паст тарафга босиб, ғишо атрофидин ўтиб, дилни батниға кирар.

Аммо дилни ҳаракати инқибозиййасида ғишои мазкур яна манфазга мулосиқ бўлиб, йўлни банд қилур. Бас, ночор қонлар батннинг ўз махражи бўлғон бадан тараф манфазидин чиқиб, шул манфазга муттасил бўлғон шараён воситаси бирлан баданға таралиб турар. Ва бу манфазни банд қилувчи ғишо ўнг тараф ғишосидек уч қават бўлмай, икки қават халқ қилинғондур. Чунки чап тараф батн ҳам кичик, ҳам қони оз миқдор бўлғони учун ани банд қилмоқға икки қават ғишо кофийдур. Ва бу ғишо манфазни хориж тарафида шараёни кабирни ичида воқеъдур, токи қон тазайўқида ғишони шараён тарафга итариб, ғишо атрофидин йўл топиб, шараёнға ўтар. Аммо инбисот вақтида ғишо манфазни банд қилиб, шараён қонини дил тарафга ўтмоқдин манъ қилур. Чунончи, умури табиётнинг даврони дам баёнида ҳам ижмолан зикр қилғон эдим. Ва тафсилли шуки, Ҳазрати Ҳакими Мутлақ тамоми баданға ҳаёт еткурмоқ учун, шараён ва ғизо еткурмоқ учун варид халқ қилғондурки, булар боиси ҳаёт бўлғон руҳни ва боиси вужуд бўлғон қонни тамоми баданға борадурғон йўлидур. Ва бадан жирмидин ҳеч бир қитъаси бул варид ва шараёндин холи эмас. Лекин буларни танаси фақра устихоннинг дохил тарафида фақраларға мутавозий бўлиб борар. Ва ҳар узвнинг муқобилида варид танасидин бир жуфт шох ва шараён танасидин бир жуфт шох ажраб, бири ўнг тараф ва чап тарафдаги мазкур узвға кириб, яни мутаъаддид (беҳисоб) шохларға муншаъб (бўлинган) бўлиб турар.

Аммо дилни муқобилига келганда шараёни азимдин бир йўгон шох ажраб, дилни чап тараф батнидаги махражига муттасилдурки, ҳамма шараёни ҳақиқий танаси шулдур. Ва инчунин, вариддин ҳам бир йўгон шох ажраб келиб, дилни ўнг батнидаги мадхал манфазига муттасилдурки, ҳамма варидни ҳақиқий танаси шулдур.

Ва гардан фақрасини остидин икки шуъба ажраб, икки қўлга таралур. Ва гардандин юқориси майда шуъбаларга ажраб, бошқа ва бошда бўлгон ҳамма узвларга таралғондур. Ва паст тарафи корсон устихони остида иккига ажраб, икки оёқ тарафга таралиб, бутун баданга етгандур. Ва ақсоий баданда ҳар варид шуъбасининг оғзи ҳар бир шараён шуъбасининг оғзига мувофиқ махлуқдур. Токи шараёндин оқиб боргон қонлар варидга ўтиб, варид воситаси ила яна дилга келурлар. Ва баданда эскиб, қизиганларидин ҳосил бўлгон бухороти духониййалари яна дил воситаси ила ўпкага бориб, танаффуси ҳавои насим ила тасфиййа қилиниб, яна шароин воситаси ила дилни чап тараф батнига тушиб, андин шараёни азим воситаси ила яна баданга оқиб кетарларки, даврони дам шундин иборатдур.

Ва ҳукамо бу варид ила шараёни зироатнинг жўягига ташбиҳ қилғондурларки, зироатни ғизоси учун лозим бўлгон сув жўякдин оқиб турар. Ва зироат ҳожатига лойиқ сув пуштага сингиб қолиб, боқий зиёда-си бошқа зироат тарафга оқиб бормоқда давом этар. Бас, қон ҳам шул қабилда шараёндин оқиб тамоми баданга етуб турар. Ва бадан ғизосига лозим бўлгон миқдорда покиза қон шараён масомидин тарашшуҳ ила баданга сингиб, жузви бадан бўлуб турар. Ва боқий қон яна варид воситаси ила дилга ва ўпкага келиб танаффус ила тасфиййаланиб, давронларида давом этурлар ва бу давроннинг мабдаъи ва маркази дилдур. Ва ани сабаби фозилийси дилни ҳаракати инбисоти ва инқибозидурки, инбисот ила вариддин қон жазб қилиб, инқибози ила ўз батнидин шараён тарафга қон дафъ қилур.

Бас, дилни ҳар бир инбисотида икки хил кайфиййати мутазодда (зид ҳолат) ҳосил бўлурки, бири жазб ва бири дафъдур. Ва ҳар бир ҳаракати инқибозиййасида ҳам инчуниндур. Лекин базътибори маҳалл мутазоддалиғи мунофийи мақсуд эрмас. Чунончи, дилни ҳаракати инбисотиййасида ҳажми васиъ бўлуб жазб ҳосил қилур. Лекин ўнг тараф батни мадхалидин вариддаги қонни жазб қилур. Аммо узн ул-қалбдин жазб

ўрнига, балки узн ул-қалбдаги гишони манфазга тортиб, манфазни банд қилмоғи ила шараён тарафдин қон келмоғини банд қилур. Ва чап тараф батнға узн ул-қалбдин шараённинг қонини жазб қилур. Аммо батни махражидин хорижийдаги гишони махраж тарафга жазб қилуб, махражни банд қилмоғи ила шараёни азимдин батнға қон кирмоғини манъ қилур. Яъни, ҳар бир ҳаракати инбисотийада ўнг тараф батниға варидин ва чап тараф батниға узн ул-қалбдин қон жазб қилур. Ва бир инқибозийада ўнг тараф батндин ўнг тараф узн ул-қалб воситаси ила ўпкаға ва чап тараф батнидин шараёни азим воситаси ила баданға қон ва руҳ дафъ қилур. Ва ҳар дақиқада баданни ҳар нуқтасиға янги покиза қон ва янги руҳи ҳайвонийа ва янги руҳи табиийа ва ҳаётбахшлик фазони лутфи Илоҳийдин мутавотирдур.

Бас, агар тўрт манфазга тўрт гишои мазкур баввоб бўлмаса эрди, ҳар бир ҳаракати инбисотда тўрт манфаздин баробар қон кириб, ҳар бир инқибозда тўрт манфаздин баробар чиқар эди. Ва натижада даврони дам ва ондин тавваққуъ қилинғон бу қадар алтофи ҳукмийналар ҳосил бўлмас эдилар. Фа-ниъма ас-Соний ул-Ҳаким ва-л-Восий ул-Алим.

ФОИДА. Билмоқ керакки, дил мабдаъи руҳи ҳайвонийадур. Ва даврони дамдин ҳам умдаъи мақосиди истехсоли руҳдур. Ва руҳни ҳусули хуни мусаффони бухороти латифасининг назжи мўтадиласидин ҳосил бўлур ва қоннинг тарбияи мўтадиласи танаффусдаги ҳавои насим ва анинг тарвиҳи ила ҳосил бўлур. Ва тасфийаси эса бухороти духонийани батариқи танаффус ихрожи ила ҳосил бўлур. Бас, бу тарбия ва тасфияларни маҳалли ўпкани жирмидаги вариди шараёний ҳам шараёни варидийдур. Лекин варидий шараёни умдароқ ва махсусроқ ва бунда тарбия ва тасфия кўброқдур. Аммо шараёни варидийда ҳам агарчи жазби насим ва дафъи духон бўлса, лекин ақалли қалил (оз)дур. Аммо ҳаким Саййид Афзал Алихон Файзободийнинг шараёни варидийда жазби руҳ ва дафъи духон бўлмас ва бўлмоғи мумкин ҳам эмас, демаклари заъами маҳз (хато)дур.

Ва дилға насимни вусули муҳлик (ҳалокатли) демаклари хатои фоҳишдур. Ва истидлолларида қиёс маъа ал-форуқдур. Чунки ўпка тарафдин дилға бориб, руҳи ҳайвонийаға муъийн (кўмакчи) бўлғувчи ҳавои насими мусаффодурки, ўпка ва шараённинг таъдили ва тарбияси ила дил мизожиға мувофиқ бўлиб борар. Ва муъийн ҳам бўлур. Аммо

машина бирлан хориждин юборилгон ҳавойи насим бўлмоғони учун ва таъдил тарбиядин муъарро бўлғони учун ани муҳликлиғи дилға юборилгон ҳавои насим бўлмоғони учун ва таъдили тарбиядин муъарро (холий) бўлғони учун ани муҳликлиғи (ҳалоқатлигига) қодиҳи мақсуд эрмас. Ва инчунин, дилни ҳар икки батни (қоринчаси)даги икки ман-фазни ҳар иккиси махражи хун деган баёнлари заъами маҳздур. Чунки ҳар икки батндин бадан тарафға ҳар дақиқада қон мундафиъ бўлиб турса, аммо яна авд қилмоқ (қайтмоқ) учун бошқа маслак (йўл) муяссар бўлмаса, баданида мутавотир (пайдарпай) етиб турган қонлар қаю жойға бориб сиғар эди? Ва ҳам дилдин ҳам дақиқада бошқа қон юбормоқ учун янги қон қайдин муяссар бўлур эркан, ажабо?! Аллоҳум-маҳ-фазна минн жамиъ ил-хатойо бифазлика.¹

БЕШИНЧИ ФАСЛ ҲИЖОБ УС-САДР (КЎКРАК ПАРДАСИ) ВА МЕЪДА ВА АМЪО (ИЧАКЛАР) БАЁНИДАДУР

Аммо ҳижоб ус-садрки, ҳижоби ҳожиз исми ила машҳурдур, бу ҳижоб гўштдин ва асаби ҳассосадин ва асаби муҳаррикадин мураккабдур. Ва вазияти тўш устихонининг охириға муттасил бўлуб, андин айланиб, сийна атрофиға то фиқори садрға (кўкрак қовурғасига)ча ҳамма атрофға ва қобирға гўштлириға пайвастадур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ҳижоб ус-садрни баданға пайваста бўлгон жойидин бошлаб атрофда бир гишои сифоқий нашён қилиб, юқори тарафға қараб сийнани атрофида гўштларға мулосиқ (ёпишган) бўлуб чиқиб, андак юқоридин икки шиқға муншақ (қисмға қисманган) бўлуб, бири орқа тарафға то сийна жавфининг (бўшлигининг) аълоси (тепаси)ғача тортилгондур. Ва бир шиққи кўкрак тарафға то тўшни аълосиғача тортулгон бўлуб, зот ур-араз ва зот ус-садр касалининг маҳалли ҳудуси шул гишодурки, агар орқа тарафға тортилгон гишоға варам (шиш) пайдо бўлса номи зот ул-араздур. Ва кўкрак тарафдаги гишоға варам пайдо бўлса номи зот ус-садрдурки, зот ул-араз ва зот ус-садр шул гишойи сифоқий-

¹ Эй бор Худое, ўз фазлу караминг билан бизларни барча хатолардан асрагил.

нинг варамидур. Ва бу гишони ҳижоб ус-садрға ҳеч тааллуқи йўқдур ва ҳижоб ус-садрни орқа тарафқа мойил ва яқин бўлгон маҳаллида икки адад суқб, яъни тешук воқеъдурки, бири катта ва бири кичик тешукдур. Ва катта тешукдин ўнгач ва шараён ўтгандур. Ва кичик тешукдин абҳар исмлиқ икки адад томурки, жигарни муҳаддаб (дўнг) тарафидин кўкарған варид (томир)ни жигарга яқин жойидин шохлаб буйракға бориб, пайваста бўлгон ва буйракдин тулуь қилиб (чиқиб) ўпкага пайванд бўлгондур. Бинобарин, бу томирнинг номини толий ҳам дерлар. Шул кичкина тешукдин ўтуб ўпкага пайваста бўлгондур.

Ва ҳижоб ус-садрнинг манфаъати узви танаффус бўлгон ўпка ва дилни ҳимоя қилиб кўтариб турмоқдур. Чунки агар бул ҳижоб бўлмаса ўпка ва дилни ўз сақлийати ила пастға тортилиб, ҳалқни кекирдақ паст тарафға тортиб, доимий алам ва озор бўлиб турар эди. Ва ҳалқ афъолида доимий футур ва нуқсон бўлур эди. Хусусан, очлик ва меъда холийлик вақтида ўпка ва дил меъданинг ўрниға тушмоқға муқтазий бўлуб, ҳалқни озори ва афъолининг нуқсони ва тануффусни беинтизомлиги зиёда бўлуб, ҳатто ўпкани қасри (зўри) ва тазйиқи ила меъда ҳам озурда бўлуб, физони имсокиға қодир бўлолмас эди. Ва бу ҳижоб ўпкани кўтариб, иъона (кўмақ) қилиб турғониға мисол учун инсоннинг узоқ вақтғача физо тановул қилолмай, оч қолгон вақтида кўкрак атрофи чарчагондек ҳис қилиб, қаддини кўтармоқ малол бўлур, чунки меъда холий бўлуб, паст тарафға ўрнагондан сўнг ҳижоб танҳо ва бемадад қолиб, ҳижобнинг атрофи ўпканинг вазни ила тортиниб чарчар. Ва кўкрак гўштларини ҳам пастға тортадур. Бинобарин, оч киши қаддини рост қилмоғи ҳараж (қийин) сезилур.

Ва ҳижобнинг яна бир нафъи аъзойи танаффус ила аъзойи физонинг миёнасиға ҳойил (тўсиқ) ва ҳожиз бўлмоқдур, токи аъзойи физо бўлгон меъда ва ичаклардин бухороти духонийа суъуд қилиб (кўтарилиб), дил ва ўпкаға таъсир қилмоғига монев ва ҳожиз бўлуб, дил ва ўпкани ҳимоя қилгай. Бинобарин, бу ҳижобни ҳижоби ҳожиз (ажратувчи парда) ҳам дерлар. Ва яна бир нафъи шулки, танаффус учун бу ҳижоб сийнани истиншақ вақтида атрофға ёзиб, ҳавойи танаффусға вусъат берар. Ва нафас чиқармоқда сийна атрофини тортиб, тазйиқ ҳосил қилиб, дафъи бухорот учун иъона (кўмақ) берар.

АММО МЕЪДА гўштдин ва асабдин ва уруқдин ва шароиндин ва гишодин мураккабдур. Меъда тўрт қават махлуқ (яратилган)дур. Ва дохи-

лий (ички) қавати асабоний, яъни ички тарафи асабға ўхшаш жисмдин махлуқдур, худ асабдин эмас. Ва ани хорижи ғишойи асабийи решадордур. Ва ани зоҳир тарафи ҳам худ лаҳм (гўшт)дин эмас. Балки лаҳмаға ўхшаш жисмдин мураккабдур. Ва ани зоҳири ғишойи амлас (юмалоқ)дур. Ва шакли фил-жумла кадуи гардан дарозға (бўйни узун қовоққа) мушобиҳ (ўхшаш)дурки, бир тарафи ингичкароқ ва бир тарафи йўғонроқдур. Ва йўғон тарафи чап тарафға мойил ва ингичка тарафи ўнг тарафға мойилдур. Ва меъдани икки тарафида икки адад манфаз (тешик) воқеъдурки, бири мадхали ғизо ва бири махражи фузул (чиқинди чиқадиған жой)дур. Чунончи, чап тарафға мойил бўлгон йўғон қисми фи-л-жумла мустадир уш-шакл (айлана шаклли) бўлуб, ани устида бир мадхал (кирадиған) тешик воқеъдур. Ва бу мадхалға марий, яъни ўнгачнинг ниҳояси муттасилдур. Ва ўнгач ҳам меъданинг қисмидур. Ва ани муқобилида, яъни ингичка тараф меъда ниҳоясида ва ўнг тараф қобирға ёнида бир махраж (чиқиш) воқеъ бўлуб, анга мнъойи исно ашарий (ўн икки бармоқ ичак), яъни ичакнинг юқори учи муттасилдур. Ва меъдани ҳамма ажзоси шаклан ва феълан уч қисмға мунқасим бўлиб, марий (қизилўнгач) ва фамм ул-меъда (меъда оғзи) ва қаър ул-меъда (меъда туби) ила мавсумдур. Лиҳазо (шунинг учун) ҳар қисмини алоҳида баён қилинур.

АММО МАРИЙ, яъни ўнгач гўштдин ва жисми асабонийдин ва лифи работийдин ва ғишойи сифоқийдин ва аврида ва шароиндин мураккабдур. Ва қадди тақрибан йигирма саккиз сантиметр миқдорида бўлуб, нбтидоси ҳалқдин бошлаб, интиҳоси тўш устихонининг охириға муқобил маҳаллда меъдаға пайвастадур. Ва ўнгачнинг зоҳир тарафи ғишойи сифоқийдурки, анда ҳисси қалил (оз) ва ҳаракати иродий (эркин ҳаракат) бордур, токи балъ (ютиш) вақтида боиси издироди ғизо (овқатни ютиш) бўлур. Ва андин сўнг гўшт ва андин сўнг жисми асабонийдур. Ва аврида ва шараёнлар шул жисмға муттасилан таралгондур.

Ва андин сўнг охирги табақаи дохилияси ғишойи асабиядурки, асаб ва работ лифларидин мураккабдур. Ва маҳалли вуқуъи кекирдакнинг орқа тарафида воқеъ бўлуб, кекирдак бирлан мутавозий (ёнма-ён)дур. Бинобарин, ўнгач касалиға давои зимодни орқа тарафға, икки кўкрак ўртасиға қуйилур. Тақарруб ул-масофат (масофа яқинлиги) ва ўнгачнинг манфаъати оғиздин боргон таом ва шаробни меъдаға вусули учун

маслак (йўл)дур. Ва ани дохийий тараф гишоси асаб ва работдин мураккаблигининг фойдаси шулки, қуруқ ва қаттиқ зиёда ҳиддатлик аччиқ нимарсани балъи (ютиши)дин мутаассир ва озурда бўлмасун учундур. Ҳам работ тораларини учи ўнгачни ҳалқаси сифоқийсиға мустаҳкам банд қилғой ва ҳам анда асаб ҳам мураккаблиғи андак ҳисға молик бўлсун учундур. Токи, сабаби қавийй бўлгонда ориз бўлгон офатдин огоҳ бўлсин учун ва ҳам балъ вақтида ҳаракати балъийи шу асабдин ҳосил бўлсин учундур. Ва бу гишони торалари тавиладур, яъни ўнгачни бўйиға қараб тортилгондур. Ва ани манфаъати ҳам саҳулати издирод (осон ютиш) учундур.

Ва бу гишодин хориж тараф табақани асабоний жисмидин махлуқлигини манфаъати мазкур гишони ҳимоя ва муҳофазаси учундур. Чунки мазкур гишони вазияти тавила бўлғони учун каттароқ луқмани балъида ёки шиддатлик қай ва ўқчуғ вақтида ёрилмаси учун бир жисми асабонийнинг иҳотасиға муҳтождур. Ва жисми асабонийнинг хориж табақаси гўштдин махлуқдур. Токи, луқмаи сахт (қаттиқ луқма)ила кекирдакдаги гузруфи сахт миёнасиға восита учун жисми мулоим зарурийдур. Токи, ҳар икки сахт мобайнида бошқа табақалар озурда бўлмағайлар. Ва яна ибтидои шуруъи ҳазм ибтидои ўнгачдин бошланур. Ва ҳазмға мадад учун ҳарорат лозимдур. Бас, ўнгачнинг бошқа табақалари асабоний ва совуқ мизожда бўлғони учун аларни ўраб, иситиб турмоқда иссиқ мизожлик гўштни иҳотасиға ҳожат қавий (кучли)дур. Хусусан, совуқ нимарсани ичгандин сўнг, ўнгач совуқдин мутаассир бўлиб, сўнгра тезроқ иситмаса мафлуж (фалаж) бўлуб, уср ул-балъ (ютиш қийин) бўлуб, яъни қилтаноқ касали ориз бўлмасун учун гўштни иҳотасиға ҳожат шадид (кучли)дур. Магар меъдага пайванд бўлган жойи гўштдин холийдур. Чунки меъда гўштдин холий жисми асабоний бўлғони учун бул маҳаллини ўнгачи ҳам холис жисми асабонийдур. Токи, нисбати тарафайини таносуби боиси истеҳком иттисол бўлғай. Ҳам ўнгачни бул маҳалли меъда физосини ҳароратидин баҳравар бўлғони учун гўштни имдодидин мустағнийдур.

Ва ани хорижидаги табақани гишойи сифоқийдин махлуқлигини манфаъати шуки, бу гишони торалари мустаъриздур, яъни гўё кекирдак гузруфлари каби ўнгачни атрофидин айланиб ўралгондур. Токи, бошқа ҳар табақотни муҳофаза қилур. Ва ёрилмоқға имкон бермас. Бинобарин, аксари атиббо бу гишони гишойи виқоя (сақловчи парда)

деб тасмия қилғондурлар. Ва яна балъ ва издирод (ютиш) вақтида луқмани мазкур торалар навбат-банавбат ғамз қилиб, меъда тарафга дафъ қилур. Ва бальни ибтидоси ҳалқда воқеъ бўлгон уч жуфт узлани феълидур, лекин ани баёни ҳалқ (томоқ) ташриҳида зикр қилинур, иншааллоҳу таъоло.

АММО ФАМИ МЕЪДА, яъни меъданинг ўнгачга муттасил бўлгон жойи тўш устихонининг энг охири бўлгон азми ҳанжарийнинг муқобилида воқеъ бўлгондур.

Ва фами меъда гўштдин холийдур, лекин асаби димоғий торалари кўб бўлуб, мунтасиҳ бўлгондур. Токи фами меъда ҳислик бўлуб, инҳидори ғизодин, яъни очликдин соҳибини огоҳ қилғайким, албатта бақои ҳаётнинг сармойеси ғизодур. Ва шунинг учундурки, бадбўйни истишмом қилғонда димоғнинг нафрати меъдани нафратиға ҳам боис бўлуб, қай ва ўқчук ориз бўлур. Ва яна ўткур совуқ сув ичкан вақтда ани совуқлиги пешона ва икки қошни ўртасида эҳсос қилинур, чунки фами меъдаға мунташир бўлгон асаби димоғий икки қошнинг ўртасидин ўтиб нозил бўлгондур. Бинобарин, фами меъдадаги асабни ўткир совуғдин олган таъсири қош ўртасида маҳсус бўлур. Ва фами меъдани баъзи атиббо фуод (юррак) исми бирлан таъбир қилурлар. Чунки фами меъда фуодға яъни дилға бағоят яқинлиғиға ишоратан гўё ҳар иккиси бир узв деб таъбир қилғондурлар. Ва баъзилар фами меъдани «мабдаъи иттисоъ» (кенгайишнинг бошланиш жойи) деб таъбир қилғондурлар. Чунки меъдани вусъати фами меъдадин бошлаб васиъ (кенг) бўлгондур.

Ва меъда тўрт қават ғишодин мураккабдур. Чунончи, дохил тарафдин ғишои амласи луъобиядурки, доим андин луъоб (тупук) пайдо бўлуб, ғизони ҳўллаб турар. Ва ғоятда сермасомдурки, хориждин бошқа мойийатни (сувлиликни) духулиға (киришга) монёв ҳам эрмас ва ани устидин ғишойи решадор қопланғандурки, ҳар бир решасидин бир масом воқеъдур. Ва бул ғишоға учинчи жуфт асаб димоғининг лиф (тора)лари пораканда бўлуб, ҳамма решалариға муҳаррикдур. Ва решалар анвои шаклда мусаффаф (сафланган) ва қатор бўлуб, баъзи шакли мудаввар, баъзи тўрт гўшадор ва баъзиси беш гўшадор ва ҳоказо ашколи мухталиф ила гўё ғарбол каби намудлик бўлуб, бу шаклни дохиллари ҳам ғайри мунтазам (тартибсиз) решалар ила мамлу (тўла)дур. Хусусан, фами меъдани юқори тарафида бу решалар аксар ҳам ғализ ва

дароздур. Чунки, меъдани бу маҳалли ғизои ғайри мунҳазим (ҳазм бўлмайдиган овқат)дурки, жирми ғализ ва сахт ва нав дохили ғизодур. Бас, ани луъоб бирлан ҳўллаб, ивиганларини ҳаракат бирлан кўчириб ва боқийларини яна луъоб бирлан ивитиб, ҳаракат бирлан кўчириб, майдалаб ҳазмға ёрдам бермоқ учун шул решаларға табиат муҳтождур. Ва яна бу решалар масомидин сафрои табиий дам-бадам резиш қилиб (оқиб), мазкур луъоблар бирлан ғизоға аралашиб, ҳазмға муъин ва ўғут бўлур. Ва бу ғишойи решадорни тамоми жирмида аврида ва шароиннинг кўз бирлан кўриш мумкин бўлмагон майда шуъбалари таралгондурки, ҳар бир решани масомида икки адад майда томур учи вобастадур. Ва луъоб, яъни мойият, мойияти балғами табиий ва сафрои табиийлар шул томурлар воситаси бирлан меъдаға жигардин етиб турадурлар. Ва ҳазм бўлгон жавҳари ғизои кайлул шул томурлар воситаси ила жигарға мунжазб бўлурлар. Ва бу ғишойи решадорни торалари баланддин пастға қараб тавил (узун) тортулгондурки, фаразан агар ёрилса, чоки амудий бўлуб ёрилур. Бинобарин, Ҳакими Азал бу ғишони устидин ғишойи лаҳмоний (гўштли парда) яратгондурки, бунн торалари ғишойи решадор торасиға муҳолиф ва мутақотиъдур. Токи, ҳар бири дигарин йиртилмоғиға монез ва ҳофиз бўлғойлар.

Ва бу ғишо аврида ва шароин ва лаҳм (гўшт)дин мураккаб бўлуб, ғишойи решадор масомидаги аврида ва шароин ҳам шул ғишойи лаҳмоний томурларини шуъбасидур. Ва меъданинг йўгон тарафи бирлан ингичка тарафининг миёнасида меъданинг ости тарафидин бир чин, яъни ип бирлан боғланган каби буришганлик воқеъдурки, фами меъда бирлан қаъри меъда миёнасиға чегара шул чиндур. Ва бул чин бинобар ихтилофи ғишойи решадорни лифлари ғизои лаҳмоний лифлариға мураккаб бўлиб, мазкур чин ўрнидан тортилгон бўлиб, эҳдос қилгондур. Ёки ала-ихтилоф ғишойи лаҳмоний ва ғишойи амласи хорижий лифларидин мураккаб бўлиб, эҳдоси чин қилгондур. Ва чиннинг манфаъати шулки, фами меъдадаги ғайри мунҳазим ғизо ўз сақли табиийяси (табиий оғирлиги) ила беиродаи табиат қаъри меъдаға ўтмасин учундур, ҳам қуруқ ғизо тановулидин сўнгра ташна бўлиб ичилгон сув қабл аз жазби ғизо қаъри меъдаға ўтмасин ва фами меъда ғизосини сероб қилгунча тавақуф қилсин учундур.

Ва фами меъдани ости тарафида ғишойи лаҳмоний қалинроқ махлуқ бўлгондур, токи боиси зиёдаи ҳарорат бўлуб, ҳазмға муъин бўлғай.

Ва бул гишонинг устидин тўртинчи табақа гишойи амласдур, токи гишойи лаҳмонийнинг истикоки (ишқаланиш)дин бошқа ичакларга озор етмагай.

АММО ҚАЪРИ МЕЪДА ҳам ҳамма таркибда айнан фами меъда кабидур. Аммо ҳажман ва шаклан мутафовутдур. Чунончи, фами меъда йўғон ва ғализ бўлуб, чап тарафга моил турар. Ва ўнгачдин чап тарафда бўлгон фами меъдани устига талоқ мулосиқ (эпишган) бўлуб турар ва фами меъдани ниҳояси бешинчи қобирға устихониға мутавозий турар. Аммо қаъри меъда ўнг тарафда ва ниҳояси ўнг тарафда еттинчи қобирға устиға мутавозий (параллел) бўлуб, ани устиға жигар мулосиқ бўлуб турар. Токи, жигарнинг ҳарорати ила қаъри меъданинг ҳазми комил бўлғай. Ва хулосайи жавҳари кайлусни жазби жигарға осон бўлғай.

Ва яна қаъри меъданинг гишойи решадорини решалари фами меъдани решалариға нисбатан майдароқдур. Чунки, бул маҳаллға келгон ғизо ғоятда эзилиб, ҳазмға яқинлашгон бўлғони учун зиёда таҳриқға ҳожат йўқдур. Ва жавҳари кайлусни пиширмоқ учун жигарни ҳароратининг имдоди (мадади) кофийдур. Ва яна қаъри меъдани гишойи лаҳмонийси фами меъданинг лаҳмонийсиға нисбатан қалинроқдурки, бул ҳам мўвжиби ҳароратдур. Ва меъданинг бўйиға бир чин воқеъдур, яъни ўнгач тарафдин бошлаб то миёо (ичак) тарафғача чин воқеъдур. Ҳозирги меъдани қаддини миқдори икки тараф қобирғани мобайниға баробардур, лекин агар фаразан мазкур чинни қатъ қилиб (қирқиб), ёзиб юборилса, меъда ўзини ҳозирги қаддиға бир ярим баробар зиёда бўлур эрди.

ФОИДА. Билмоқ керакки, меъданинг ҳар икки тарафида икки адад манфаз (ўтадиган йўл) бордурки, фами меъданинг устида бир манфаз воқеъ бўлуб, ўнгачнинг мунтаҳоси (охир)иға восил (етишган) бўлгондур. Ва ҳақиқатан, фами меъда шул манфаздур. Аммо истилоҳи атиббода меъданинг бир қисми бўлгон нисфи аълоси муроддур. Ва бу манфазни номини боби аъло (юқори эшик) дерлар. Ва боби аълода меъда ва ўнгачни маҳалли иттисолида уч адад узлайи мустаъриз мавзуъ (қўйилган) бўлуб, доимий бобни беркитиб турар. Магар вақти заруратда, яъни таомни духул вақтида очилиб, таомни ўтказиб, сўнгра яна банд бўлур. Ва шул бобнинг атрофидин работ вобаста бўлиб, ҳижоби ҳожиз манфазидин ўтуб, ўпка ва дил работлари бирла қўшулуб,

сийна фақрасига марбутдур. Ва фаами меъдани чап тарафдаги чинидин работ ўсиб, талоқ работи ила қўшилиб, чап қобирғага марбут ва ўнг тараф чинидин работ чиқиб, ўнг тараф қобирға жигар работи ила қўшилиб, марбут бўлгондур. Ва қаъри меъданинг ниҳоятдаги манфази номини боби асфал (пастки эшик) дерлар. Ва бу бобни миъойи исно ашарий муттасил бўлгон жойида ҳам уч адад узлаи мустаъриз мавзуъ бўлуб, манфази мазкурни доимий банд қилиб турар, токи ғизойи ғайри мунҳазим меъдадин ичакға беиродаи табиат ўтмағай. Вақти заруратда баиродаи табиат ихрожи фузули ғизо учун очилур. Бас, боби аъло азбаройи духули ғизо учун ва боби асфал азбаройи хуружи фазлайи ғизо учун махлуқдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳалқда уч жуфт узла ва ўнгачни ибтидо-сида ҳар жонибдин уч адад узла бир учи ҳалқда кекирдикни ғузруфи дарақийсиға (қалқонсимон безга) вобаста бўлуб, иккинчи учлари ўнгачни орқасидин иккинчи жонибдин келгон ўз жуфтларини учиға вобастадурлар ва ўнгачни боби, балки баввоби шул узлалардур. Ва вазияти гўё уч ҳалқа каби бир-бирини тамом бир ёни бошқасини тамом бир ёниға тегиб турар. Ва таомни ютмоқ вақтида тил ва комни ҳаракати бирлан таом ўнгачни оғзиға борғонда мазкур узлани биринчи жуфти ҳаракатға кириб, тортилиб, таомни сиқиб, пастроққа тушурар ва соний, иккинчи узла ҳаракат қилур. Солис, учинчи узла ҳаракат қилиб, таомни ўнгач ичига ўтказар ва таомни ютмоқ шундан иборатдур. Ва бул боб ҳам меъданинг бобидин ҳисоб бўлуб, чунки ўнгач меъдани қисмидур. Бас, агар ҳалқ бобиға фолиж касали ориз бўлса, таом ютолмас. Ва агар меъдани боби аълоси фолиж бўлса, таомни ютар, лекин таом меъдаға ўтолмай, ўнгачдин қай тариқасида қайтиб тушар. Ва бул икки хил касални турки урфийда қилтамоғ дерлар. Ва агар меъдани боби асфали фолиж бўлса, баъд аз кайлус ғизо фазласи ичакка ўтолмай, ночор батариқайи қай оғиздин келур. Ва агар миъойи сойим ё диқоқ тугулиб қолиб банд бўлса, наузан биллоҳ, нажосати оғзидин тушиб туриб, андак фурсатда ҳалок бўлуб. Ва бул сўнги икки қисмининг номини «иловуси асабоний» дерлар. Чунки «Қуръони Карим»дин баъзи жумла ё калимасига тушуниб туриб, инкор қилгон киши шу касалға мубтало бўлуб эмиш. Ва борҳо тажрибадин ўтгонлиги манқулдур. Ал-иёзу биллоҳ (Аллоҳ асрасин).

Ва меъданинг ҳамма чинларини работиға яна бир ғишойи амлас муттасил бўлуб, тамоми меъдаға ғилоф шаклда ўролгондур. Лекин бу ғишо

ажзойи меъдадин ҳисоб эрмас, балки ҳазми кайлусийда ғизодин ҳосил бўлгон дусуматни (ёғларни) меъдадин жазб қилиб, ўзида сақлаб тургувчи ғишодурки, номини чарби дерлар. Ва ани манфаъати ўз ташриҳида муфассал мазкур бўлди.

Ва меъдани мавқеъи ҳижоби ҳожизни остида ва киндикнинг устидадур ва манфаъати ҳазми ғизодур. Яъни оғиз чайнаб майдалаб, ўнгач ҳўллаб, меъдани феълиға мувофиқ тайёрлаб меъдаға юборган каби, меъда ҳам ғизони жигарнинг феълиға тайёр ва ҳазми каймусийға қобил қилиб, ҳар ғизони мосариқо воситаси ила жигарга ўткизар ва фазласини ичакка ўткизар. Ва худ меъдани ғизоси учун ҳам жигардин мосариқо воситаси ила қон етиб турар. Аммо меъда ўз ҳазми кайлусидин ғизоланур, деб баъзиларнинг даъволари хилофи ҳикматдур. Чунки кайлусда ғизонинг кайфияти ўзгарилур. Аммо навъиййати ўзгарилмагон бўлур. Ваҳоланки, жузви бадан бўлмоқ учун навъийятдин ўзгарилмоқ шартдур.

АММО АМЪО, яъни ичаклар жисми асабоний ва жисми музликадин ва аврида ва асабдин ва шароиндин ва ғишодин мураккабдур. Ва ҳаким Муҳаммад Акбар Арзоний ичак таркибиға шахмни ҳам қўшуб баён қилгондурлар. Лекин шахм фил-ҳақиқат таркиби амъодин хориждур. Ва жисми асабонийси музоъаф, яъни икки қаватдур, чунончи, ичакни дохилий тарафи жисми музликадин (тойғоқ жисмидин) махлуқдурки, ҳақиқатда бул ҳам ғишойи решадордур. Ва жирми лузужат (ширадор)лик ва рутубати мунжамида (қотган) каби жисмдур, токи фазла ва бошқа ахлооти ҳоддалардин ичакнинг озурда бўлмоғиға монез бўлғай. Ва ўзини рутубати лазижаси бирлан фазлани хуружи учун қуввати дофиъаға муъин бўлғай. Ва ани зоҳир тарафи ғишойи решадордурки, решаси оддий кўз бирлан кўриб бўлмас даражада майдадур. Ва ҳар решасини учида масом воқеъ бўлуб, шул масомдин рутубати тибиййа ва сафрои табиййа тарашшуҳ қилиб, меъдадин ўтган фазлалар ичида аралаш ўтган бақияи ғизони ҳазмиға ёрдам берур.

Ва бу ғишонинг торалари ичакни бўйиға қараб тавила (узун) тортилгондур. Ва тавилалиғи ихрожи фузул ва ани нақлиға муъиндур. Ва ани зоҳир тарафида бир ғишодурки, ани торалари мустаъриздур. Токи, тагидаги ғишоға ҳофиз (сақловчи) бўлғай, чунки ғишойи дохилнинг торалари тавила бўлғони учун агар фаразан ёрилса, бўйиға қараб ёрилмоғи мумкин эди. Ва бу ғишо торалари мустаъризлиғи учун анга монез ва ҳофиз бўлур. Ва бу ҳар икки ғишоға аврида ва

шароин мураккабдур. Токи, ичакларга шароиндин ғизо етиб турар. Ва авридаларнинг баъзисидин буйрак ва масонага мойийяти фазлийя мундафий бўлур. Ва баъзисидин жавҳари каймуз жигарга мунжазиб бўлур ва яна аъсоби димоғийнинг учунчи жуфти бўлгон асаб шуъбаси ҳам шул ғишоға мураккабдур. Токи, ғишои решадорни таҳрики ва хилти ҳодда нузулини эҳсоси ва қувваи дофиъани танбиҳи шул асабдин ҳосилдур. Ва бу табақани зоҳири ғишои амлас бирла ўралгондурки, ҳамма табақани муҳитидур. Токи, ўзини амлас ва текис ва мулоиймлиги ила ичак ва меъдаларни бир-бирига истикок (тегиниши) вақтида озор ва азият ориз бўлмоғиға монев бўлғай. Ва яна ичакнинг ҳазми кайлусидин ҳосил бўлгон дусуматларни шул ғишо жазб қилуб турарки, ичак чарбиси ва ҳасипнинг ёғи шул дусуматдин иборатдур. Ва умуман ичакларни ҳажми ва шакли ва феъл ва мавзе эътибори ила олти қисмға тақсим қилингондурки, ҳар бир қисмини жудо-жудо баён қилурман.

Билмоқ керакки, ичакларни умуман икки қисм деб эътибор қилинурки, амъойи улё ва амъойи суфло деб тасмия қилинур. Ва яна амъойи улё суфлоға назаран юпқароқ ва ингичқароқ бўлур. Бинобарин, ани амъойи диқоқ ҳам дерлар. Ва суфлоси фи-л-жумла қалинроқ ва кенгроқ бўлғони учун ани номини ғилоз ҳам дерлар. Ва амъойи улё жигарга яқин бўлиб, ани ҳароратидин мутаассир бўлғони учун анда чарби мунжамид бўлмас, лекин чарбини бадалаиға дохил тарафида ғишои лазижайи музликъаси зиёдароқдурки, сафройи ҳоддани мазарратининг дафъи ва фазланинг дафъиға ўзини излоқ (тойдириш) ва имдоди ва ичакни талйин (юмшатиш) учун тартиби бирлан чарбийға қойим мақомдур. Ва рутубати мазкурани номини агрос дерларки, жамъи ғарсдур ва туркийда қиринди дерлар. Аммо амъойи суфлони дохилий тарафида агроси ғоят даражада кам бўлиб, ани нуқсонини хориждин чарби тўлдиргандур, ли-буъдиҳи ан ил-ҳарорати (ҳароратдан узоқ бўлгани учун). Бас, амъойи улё ба эътибори шакл ва яна уч қисмға мунқасим бўлур. Биринчи қисми миъойи исно ашарийдурки, ўнгачни муқобилидур, яъни меъдани тарафи аълосини ўртасидин ўткач, муттасил бўлиб, мадхали ғизо бўлгондур. Ва тарафи асфални ўртасидин миъойи исно ашарий муттасил бўлиб, махражи фузул бўлгондур. Ва бу ичакнинг ичи ўнгачга нисбатан тангроқдур. Ва номини исно ашарий деб тасниф қилинғониға сабаб шулки, ани қад-

ди тўғри ва муқим бўлиб, миқдори соҳибини анғўштиға (бармоғига) қиёсан ўн икки анғўшти мазмума миқдоридадур ва бу ичакда мутлақо чин йўқтур. Ва бошқаларида чин кўбтур. Иккинчи қисми миёойи сойимдур ва бу ичак ҳам исно ашарий билан тенг ва қалинликда баробардур. Аммо бўйи узун, шакли чиндорликдин ўз-ўзига ўралиб, бир неча ҳалқалар мажмуаси каби кўринур. Чунки буни ва учинчи ичакни тамом қаддиғача бир тараф ёни бир гишойи работия билан марбут бўлиб, гишони қадди қисқа ва ичакни қадди узун бўлгонликдин ичакларнинг гишоға муттасил тарафи ҳам ғоят даражада қисқа бўлғони учун мазкур гишодин неча бора айланиб, ҳалқалар шакли ҳосил қилгондур.

Ва бу ичакнинг номи сойим (рўзадор) бўлғониға сабаб шулки, аксар вақт фазладин холи турар. Чунки жигарга яқин бўлғани учун жигар ҳароратини таъсиридин ани ҳазми тезроқ ҳосил бўлур. Ва жавҳари ғизони ҳам қурби масофат сабабидин жигар тезроқ жазб қилур. Ва боқий фазласи ҳам табиат тақозосига тезроқ мундафиъ бўлур. Чунки жигардаги ўтни сафро тўкадирган оғзи миёойи исно ашарийға мувофиқ бўлуб, андин сўнг бевосита миёойи сойимдур ва миёнаси яқин бўлғони учун тўкилган сафро ҳануз бошқа рутубатға мухталиқ бўлмоғон ва ҳиддати боқий ҳолида бу ичакға келиб, ўз ҳиддати ила тезроқ тозалар. Ва бу ичакни чиндор ва печдорлиғини икки хил манфаъати бордурки, бири узун қадлик ичак танг маҳалда тўдаланиб турғони учун дафъи фузул ҳаракатида ёки рақс ва суқут садмасида бир-бирларига ўралиб, тугилиб қолмасин учун мазкур гишони мунтазам сақлаб турар. Ва иккинчи манфаъати мазкур чинлар ғизони максига сабаб бўлур. Ва ичакдин тезроқ ўтиб кетмоғига монёъ бўлур. Токи кўброқ таъхирда ғизо яхши ҳазм бўлиб, жавҳари ғизони жигар яхши жазб қилур. Аммо бу макс ани сойимлик номиға мунофий эрмас. Чунки сойим фурсатиға назаран ғизолик фурсати ақалли қалилдур. Ва учинчиси, миёойи дақиқдур ва диқоқ ҳам дерлар. Диқоқ жамъи дақиқдур. Агарчи бу уч қисм ичаклари ҳаммаси диқоқ бўлса ҳам, лекин аввалғи икки қисмни ўзига махсус исми бўлғони учун бу учинчи қисмни тасмият ул-жузъи би-исм ул куллий (бир қисмни умумий ном билан аташ) қабилидин диқоқ дерлар. Ва дақиқ ғоят даражада юпқа бўлиб, амёойи улёни охиринчи қисмидур ва буни печдорлиғи иккинчи қисмни печдорлиғидин зиёдароқдур. Чунки жи-

гардин узоқроқ бўлғони учун бунда ҳазм муддати ҳам узоқроқдур. Ва печдорлик то ҳазм муддатиғача ғизони сақлаб турар. Токи ҳазми комил бўлиб, жавҳари ғизони жигар жазб қилғай. Ва яна бир фойдаси шулки, инсон тановули таомға тез-тез муҳтож бўлмасун учун макси тавил (узоқ туриши) лозимдур. Чунки ичак ғизо ва фазладин холий турса сафрони ҳиддатидин озурда бўлур. Ва миёойи исно ашарийнинг ибтидосидин то миёойи дақиқнинг интиҳосиғача мажмуъи миёойи улё бўлиб, кенг ва торлиғи баробар, балки исно ашарий тангроқ ва бошқалари андак-андак тафовут ила батадриж кенгроқ бўлса ҳам, лекин амъойи суфлоға назаран кўб тангдурлар. Бинобарин, ҳар уч қисмнинг номи диқоқдур. Ва турк истилоҳида бу ичакларнинг ҳаммасини аччиқ ичак дерлар.

Ва ҳазми ғизо агарчи ҳамма ичакларда бўлса ҳам, лекин миёойин улёда кўброқ, чунки жигар ва меъдаға яқинроқдур. Аммо амъойи суфло баъътибори шакл ва феъл уч қисмға мунқасим бўлурки, биринчи қисмини аъвар ва иккинчи қисмини қулун ва учунчи қисмини мустақим деб тасмия қилинғондур.

Ва биринчи қисмини аъвар демакнинг сабаби шулки, бу ичак биргина манфазға моликдурки, ҳам мадхали ғизо, ҳам махражи фузул шул манфаздур. Бинобарин, аъвар (кўричак деб) исм берилғондур. Ва маънийи аъвар киссадур. Ва бул ичакни кисса шаклида бўлмоғида тўрт хил манфаъат бордур. Биринчи манфаъат шулки, бул ичакда фазла кўброқ тўхтамоғи бирлан ҳазми комил бўлур. Ва бақияйи жавҳари ғизони ичак ажратур ва ани жигар жазб қилиб, ғизоин баданға сарф қилур. Ва яна амъойи улёни ҳазмида агарчи жавҳари ғизо ажралғон бўлса ҳам, фазлайи сақлия ила фазлайи моййя бир-бирларидин ажрамағон ва рақиқ ҳолларича авъварға келғон бўлурлар. Сўнгра аъвар ани фазлайи мойййятини ажратиб, мосариқойи суфлойи махсусаси воситаси бирлан буйрак тарафға дафъ қилур. Ва андин масонаға бориб мундафиъ бўлур. Ва тафли ажралиб, қивоми қуйилиб, сўнгра паст тараф ичакка мундафиъ бўлур. Ва бавл (сийдик) ҳам аъварни феъли ҳазмиясидур. То шу феълни итмомиғача фузулни аъварда таваққуфи лозимдур. Бинобарин, аъвар, яъни кисса шаклида махлуқ бўлғондур. Ва иккинчи манфаъати шулки, аъвар ба манзалайи хизонадурки, тафлни миқдори кўб бўлуб, ани ихрожиға табиат муқтазий бўлғунча сақлаб турар, токи фазлаларни бевақт қулунға ўтиб, қулун мажросини банд қилсалар,

юқори ичакларда ҳодис бўлгон бодлар маҳбус бўлиб, қўланж касали ориз бўлмоғидин эмин бўлғай. Ва учунчи манфаъати шулки, инсон тез-тез табаррузга, яъни қазойи ҳожатга муқтазий бўлмасун учун фазлани то иродайи табиат вақтигача сақлаб турмоқ учун аъвар махлуқ бўлгондур. Бас, меъданинг нисбати амъойи улёга қандоғ бўлса, аъварнинг нисбати ҳам боқий амъойи суфлога шундоқдурки, гўё меъдаи соний (иккинчи меъда)дур.

Агарчи, жавҳари кайлус ҳосил қилмоқда хизмати меъданинг хизматидин озроқ бўлса ҳам, ани нуқсони фазлайи моййяни фазлайи суфлиядин ажратмоқ хизмати ила комил бўлур. Шунинг учундурки, ҳукамойи. мутааххирининг ихтиролари ила аъвар ичагини олдиргон кишиларни табаррузи рақиқ ва табарруз учун иқтизоси базудий (тез-тез) бўлиб турар.

Тўртинчи фойдаси шулки, ичакларда пайдо бўлгон дийдон, яъни анвойи гижжа қуртлар учун маъво ва макон бўлғай. Маълумдурки, баданда гижжа қуртининг бўлмоқлиғидин инсон учун кўб манфаъат бордурки, гижжали кишида аксар амрози уфунийлар ҳодис бўлолмас. Чунки, моддаи уфунат мазкур гижжани ғизосидурки, то уфунат ҳосил қилғунча моддани ўзи ғизо учун масруф (сарф) бўлиб турар. Лекин гижжани манфаъати гижжани озроқ ва жуссаси кичикроқ бўлмоқ шарти билан ҳосил бўлур, илло худ гижжани ўзи ҳам бир марази мустақиладур. Ва ҳукамо иттифоқларича гижжадин холий инсон йўқ даражада камдур. Лекин гижжанинг кўблиги ва анинг катталиғидин ориз бўлгон касал ҳам йўқ даражада камдур. Мин фазли холиқиҳи.¹

Ва аъварнинг мавқеи (жойи) ўнг тараф биқинда ёнбош устихоннинг устидадур. Ва қабзият вақтида мазкур маҳаллни қўл бирлан ғамз қилинса, қўлга маҳсус бўлур. Ва аъварни туркий пўкон ёки кўричак ҳам дерлар. Ва инсоннинг пўкони бошқа ҳайвон пўкониға нисбатан кичик ва қисқа бўлур ва пўконнинг ниҳоятидин бошлаб, то қулун ичагининг ниҳоятигача бир тараф ёнидин бир ғишойи работийяи тавила тортилгон бўлиб, мазкурни чиндор қилгондурки, фаразан ғишойи работийяни чинларини ёзиб юборилса, ҳозирги қаддидин бир ярим ҳисса узун бўлур эрди. Ва яна асаби димоғийнинг учунчи жуфтидин келиб, ичакларға таралган пайни лифлари бирлан мазкур пўкон ва қулунлар ҳар бир

¹ Яратувчининг марҳамати билан.

маҳаллдин мустаъриз чин ҳосил қилғондурки, гўё ҳар жойдин ип бирлан бўғулган кабидур. Ва ҳар икки чиннинг миёнаси бир ярим вершук тахмин қилинур.

Ва пўконни қадди олти адад чин бирлан тамом бўлур. Ва бу чиннинг манфаъати фазлани дафъ қилмоқдур, ба ин тариқаки, фазладин моййят тамом ажралиб, масона (қовуқ) тарафга мундафиъ бўлғондин сўнг боқий фазлаи тафлияни ғилзати мазкур пайға маҳсус бўлур. Бас, охиринчи чиннинг пайи ҳаракати ташаннужия бирлан фазлани сиқиб юқориға кўтарур. Сўнгра иккинчи чиннинг пайи, сўнгра учинчи чиннинг пайи батартиб ва банавбат тазйиқ ила фазлани юқориға кўтариб, пўкондин қулунға ўтказур. Ва иккинчи қисмнинг номи қулундурки, қуланждин муштақдур. Чунки қуланж касали ичақда кўброқ ориз бўлур. Ва туркда бу ичакни ҳасип дерлар. Бу ҳасип пўкон бирлан муттасил бўлиб, мажмуи бир узв бўлиб кўринар. Фақат буларни ҳаддиға чегара учун дақиқ ичакни келиб лоҳиқ бўлғон жойи аломатдур. Ва дақиқ ичаги пўкондин ва ҳасипдин кўб ингичка бўлғони учун гўё пўконнинг шохи кабидур.

Аммо ҳасипнинг оғзи пўконнинг оғзига баробар бўлур, ҳаммаси бир тана кўринар ва ҳасипнинг узунига ва эниға ҳар ярим вершук миқдорда чин воқеълиғи мазкур бўлди. Аммо вазияти шулки, пўкондин юқори тарафга меъданинг остиға муҳозий бўлиб чиқар. Сўнгра меъданинг ости ила мутавозий бўлиб чап тарафга қайрилиб, талоқға тегиб, сўнгр чап тараф биқинға тушиб, сўнгра орқа тарафга мойил бўлур, бел фақрасини муҳозийсийда тамом бўлур. Ва ҳасип бошқа ичакларға назаран қалин бўлса ҳам пўкон ва мустақим ичаклардин тангроқдур. Ва пўкондин бошлаб чап тарафга етиб келғон маҳаллиғача батадриж ингичкаланиб келғондур. Ва талоқға тегиб ўтган жойи ғоят ингичкадур. Ва шунинг учундурки, агар талоқда варама пайдо бўлса мазкур ҳасипни сиқиб, бодни йўлини банд қилур ва қўланж эҳдос қилур. Агар чап тарафга биқиннинг усти ва охиринчи қобирға устини молиш қилинса, талоқни ва ҳасипнинг ҳаракати бирлан бодни йўли очилиб, муртафиъ бўлур. Ва ҳасипнинг печдор ва чиндорлиғини манфаъати ҳам пўконда мазкур бўлғон тариқадур. Ва

учунчи қисм мустақимдур. Ва ани юқори тараф оғзи киндикни рўбарўсида орқа тарафга яқин жойда қулунга муттасилдур. Ва паст тараф учи мақъадга муттасилдур. Ва мустақимнинг агарчи қадди қисқа бўлса ҳам, лекин ғоятда кенгдур. Ҳаттоки, кенглиғи меъданинг кенглиғига яқиндур ва кенглигининг манфаъати шулки, то фазла кўброқ жам бўлгунча махзан бўлиб турар. Токи фазла кўброқ жамъ бўлса ўз сақлийяти ила индал-ҳожат хуружи осонроқ бўлғай ва инсонни дам-бадам табаррузга эҳтиёжи бўлмағай. Бас, агар бул ҳам ҳасипдек танг бўлса эди, андак фазлани миқдори мойили тасфул бўлмоқда қосирға муҳтож бўлур эрди. Ва ани қосирики, қуввати дофиядур, ҳар дам дафъи бурозга муҳтож бўлур эрди. Ва инсон ҳар дамда мабразга (ҳожатхонага) аввора бўлур эрди.

Ва билмоқ керакки, мустақим ичакнинг лифларида қувваи жозоба бордурки, ўзидин юқори ичаклардин, хусусан, қулундин фазлани жазб қилиб, ани суддани эҳдосидин маҳфуз қилур. Ва бунини мустақим бўлувиға сабаб шулки, қулундин то мақъадгача фақраларға мутавозий бўлиб тўғри тушгандур. Ва печлик ва иъвижожи (эгрилиги) йўқдур. Ва ани охирида мақъадга муттасил бўлгон жойида икки адад узла мақъадни ҳар икки тарафида воқеъ бўлгондурки, номини шараж дерлар. Ва ани манфаъати мабразда мустархий бўлиб, мақъадни манфазини кушода қилур, токи фазла хориж бўлғай. Аммо баъд аз фароғ яна муташанниж бўлур, токи мақъад банд бўлғай ва бевақт ичакдин фазла тушуб олуда қилмағай. Ва мустақимни дохилий сатҳида агрос исмли рутубати лазижа ва чарб ёғи кўброқдур. Токи ичакни уфунат азиятидин ҳимоя қилғай, чунки ичак фазласи то пўкон ва ҳасипга етмагунча уфунат пайдо қилмас. Ва пўконга келса, уфунат пайдо қила бошлар. Ва қулунда андин зиёдароқ уфунат ҳосил қилур. Ва мустақимда уфунати комил ҳосил қилур. Ва-л-илму ва-л-ҳикмату иғ-ғаллоҳ.¹

¹ Бунинг илми ва ҳикмати Аллоҳ ҳузуридадур.

ОЛТИНЧИ ФАСЛ ТАШРИҲИ КАБИД ВА МАРОРА ВА ТИҲОЛ (ЖИГАР, ЎТ ҚОПИ ВА ТАЛОҚ АНАТОМИЯСИ) БАЁНИДАДУР

Аммо кабид, яъни жигар гўштдин ва уруқдин ва шароиндин ва фишодин мураккабдур. Ва жигарда зотан ҳис йўқдур ва беҳислигини фоидади шулки, ўзини ҳазми каймусида ҳосил бўлгон ахлотини ҳиддатидин озурда бўлмас, чунки жигарни ўзи муваллид ва маншои ахлот бўлгони учун ахлотдин холи вақти кам бўлур. Бас, агар ҳисдор бўлса эди, доим озор ва аламға гирифтор бўлур эрди. Аммо анинг устидин ўралиб, шаклиға ҳофиз бўлгон фишосида кўб ҳисси бордур. Ва бу фишони баъзи решалари жигарни зоҳир тарафиға нуфуз қилгони учун жигарнинг зоҳир тарафи ҳам андак ҳисдин баҳравардур. Ва бу ҳисларни манфаъати шулки, агар жигарга бир офат етса, бу ҳис андин соҳибини огоҳ қилур, токи соҳиби ани дафъиға ҳозирланур. Ва бул жигарни ичак ва меъда фишолариға марбут қилингондур. Ва ҳижоби ҳожиз атрофидаги работи кабир воситаси ила ҳижоби ҳожизға марбут қилингондур. Ва работи сағиру дақиқ воситаси бирлан орқа тараф қобирғаға марбут қилингондур. Шунинг учун жигарни касали бирлан ичак ва меъда касали бир-бириға мушобиҳ бўлиб, имтиёзи қийинроқдур.

Ва жигарнинг ранги ивиган қоннинг рангидадур. Ва фи-л-ҳақиқат ҳарорат таъсири бирлан қотиб ивиган қондин махлуқдур. Ва жигар аврида томури манбатидурки, ҳамма варидлар жигардин кўкариб, шуъбалари барча аъзойи баданға таралғандур. Чунончи, уруқи ғайри завориб ташриҳида муфассал мазкурдур. Ва бул мавридда жигарга алоқалик узвларни нисбатини тафҳим (тушунтириш) учун яна ижмолан баёни лозимдур.

Ва билмоқ керакки, аврида варидни жамъидур. Ва варид деб беҳаракат томурни айтилар. Ва жигарнинг ҳадба тарафидин, яъни қобирға тарафидин бир томур кўкаргандурки, номини ажваф дерлар ва бу томурни жигар жирми хорижға чиққон жойидин шохлаб, ҳамма баданға таралғондурки, бадан физоси учун жигардин қон бормоғиға восита бўлур. Ва номини варид дерлар. Ва яна жигарни дохил тарафидин бир томур кўкаргандурки, номини боб дерлар. Ва бул ҳам жигар жирмидин хорижға чиққондин сўнг шохлаб, меъда ва ичак ва буйрак ва масона

тарафлариға таралғондурки, номини мосариқо дерлар. Ва бу томур ичакларда ва меъдаларда ҳосил бўлғон жавҳари кайлусни жигар жазб қилмоғиға восита ва мажрудур. Ҳам жигарни ҳазми каймусида ажралғон фазлаи мойийатни буйрак ва масона тарафга дафъ қилмоқда восита ва мажро бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, жигарни миёнасида меъда каби жавф, яъни кавак ва бўш ўрин йўқдур. Магар жигарнинг гўшти балут ва пахта каби ҳовол ва мутахалхалдур. Ва меъдадин жазб қилғон жавҳари кайлусни балут ва пахта каби сўруб, тамоми жирмиға таратадур. Ва ани ҳазми каймуси ҳам жигарни тамом жирмида бўлур. Ва билмоқ керакки, жигарни атрофида кунгура каби зиёдалик ва панжа шакллик доманлари бордурки, ани завоид ул-кабид дерлар. Бу завоид баъзи одамда беш адад ва баъзида тўрт адад ва баъзида икки адад ҳам бўлур. Ва жигар ўзининг ҳарорати ила меъдани иситиб, ҳазмга ёрдам бермак учун ва меъдадин жавҳари кайлус физони баосони жазб учун меъдани ўнг тараф устига ёпишиб тўнкарилғон ҳолда турар. Бинобарин, жигарни меъда тараф ёки меъдани ҳажмиға мутаносиб муқаъар ва чуқурлик ва хориж тарафи ҳам анга муносиб муҳаддаб ва дўнг яратилғондур. Ва жигарни завоидининг манфаъати ҳам меъдага камоли иттисол учун қобили инҳино бўлиб ёпишиб турмоқдурки, гўёки жигарни меъда устида вазияти бир нимарсани каф ва чангал ила босиб турғон кишини қўлиға ўхшар. Ва завоидни энг каттасини устида жигарни муқаъар тарафида меъда тарафиға мойил бўлуб марора, яъни ўт (пуфаги) макян осилғон ҳолда яратилғондурки, ани оғзи пастга, яъни меъда ва ичакга тўғри бўлиб, киссаси юқоридадур. Ва шул муқаъар тараф жигарда боб исмли варидни устида бир манфаз воқеъдурки, жигар ҳазми каймусдин ҳосил қилғон сафро шул манфаздин ўтиб, ўт харитаси (халтаси)ға кирар. Ва ани ёнида яна бир манфаз воқеъ бўлғондурки, андин бир томур кўкариб талоқға етуб вобаста бўлғондур. Ва жигарнинг каймусидин ҳосил бўлғон савдо шул манфаздин чиқиб, мазкур томир воситаси билан талоқға етиб турар.

Ва яна жигар бирлан дилни миёнасида бир томур бордурки, номини вариди шараёний дерлар. Бу томур воситаси бирлан жигар ва дил бир-бирларидин ифода ва истифода қилурлар. Яъни, жигарни физоси учун дилдан тоза қон келур. Ва дилға жигардин қора қон борур ва

меъдаға учунчи жуфт асаб димоғидин келгөн пай тораларидин бир ингичка пай жигарға келиб, гишойи хорижийға мураккаб бўлгандур. Лекин бу пайни бағоят ингичкалиги учун то сабаби қавий бўлмаса, жигарни офатидин меъдаға зарар камроқ етар. Ва агар сабаби қавий бўлса, мазкур пай воситаси ила меъдаға азиат лоҳиқ бўлур. Ва жигарнинг турадурғон жойи ўнг тараф қобирғани ичида паст қобирғаларға пайвастадур. Лекин пайвасталиги ҳамма одамда баробар эрмас, балки баъзи одамда мустаҳкам пайваста бўлиб, қобирғаларға текис тегиб истинод қилиб турар ва баъзи одамда жигарни баъзи жойи пайваста бўлса ҳам, баъзи жойи жудо бўлиб турар. Бинобарин, жигарни қобирғаларға ҳижобни касалини таъсирида мушорақати ҳам пайвасталигининг даражасиға нисбатан мутафовут бўлиб, баъзи одамнинг агар жигариға бир офат етса, шул офатни асари қобирға ёки ҳижобда ҳам зоҳир бўлур. Ёки офат қобирға ёки ҳижобда сабаби қавий бўлса, биринчи офати иккинчисида зоҳир бўлмас. Ва жигарни муқабар тарафи меъдаға мулосиқ бўлиб турар. Шу тариқадаки, жигарни юқори тарафи ҳижоби ҳожизға тегиб турар ва паст тарафи меъдани тагидин ҳам пастроққа тушган бўлиб, ёнбош устихониғача етар. Ва эни орқа тарафға қобирғани нисфидин зиёдароқ миқдорға еткандур. Ва иккинчи тарафи киндикни тўғрисидин андак чап тарафға мойилроқ бўлуб, ўтиб борғон бўлур. Ҳатто баъзи одамларнинг жигари чап тарафға ўтиб, талоқғача етконини баъзи ҳукамодин нақл қилинғондур. Ва жигарнинг манфаъати аъзони физоси учун таомдин қон тайёрлаб етказиб турмоқдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ахлоти арбаъани ҳаммасъни ҳам тайёрлаб чиқариш жигарға маҳсусдур ва бошқа ҳеч бир узв ахлот тайёр қилолмас, лекин жигарни манфаъатини фақат қон тайёрламоқ учун деб қонға мунҳасир қилмоқни сабаби умдаи мақсуд фақат қон эканиға ва бошқа ахлот қонға абозир ва мусолиҳ эканиға ишоратдурки, фи-л-ҳақиқат баданға жузви бадан бўлғувчи хилт фақат қондур. Аммо сафро қонға раҳбаргинадурки, қонни суюлтириб, томурни масомидин қонни баданға сингиб ўтмоғиға ёрдам қилур. Ва савдо эса томурдин гўштға ўтиб етган қонни гўшт ҳолиға келиб қўюлмоғиға сабаб ва ўғит бўлур. Аммо ўзи жузви бадан бўлмас, фатазаккур (ёдингда сақла).

АММО МАРОРА, яъни ўт жисми асабонийдин махлуқ бўлгөн бир кисса ва харита (халта)дурки, оғзи паст тарафда ва берк тарафи юқори-

да бўлуб, берк тарафидин жигарни дохийли тарафиға вобаста бўлиб, осилиб турар. Ва бу харитани гишоси ҳақиқатан икки қават бўлуб, мазкурни берк тарафида жигарни сафро чиқаргон манфазининг устиға ёпишгон ва марорани зоҳирий қаватида ҳам жигарни манфазиға мувофиқ рўбарў бир манфази бордур, токи жигар манфазидин хориж бўлгон сафро марорани манфазиға кирадур. Лекин иккинчи қават марорани манфази бул икки манфазға мувофиқ ва рўбарў бўлмай мунҳарифдур. Бас, биринчи қабатни манфазидин кирган сафро ҳар икки қабатни ўртасида бир миқдор ёниға юруб, сўнгра иккинчи қабатни манфазидин ўтиб, марорани ичиға кирар. Бу икки қабатнинг манфази бир-бириға мунҳарифлигини нафъи шулки, жигардин ҳамма ҳолда марораға сафрони кирмоғи мумкин бўлур. Лекин инсон ерға ётқон вақтда яна ружуь қилиб, жигарға ўтмоқ мумкин бўлмас. Чунки марорани иккинчи қабати сафрони тазийқи бирлан биринчи қабатға келиб ёпишқонда манфазлар мунҳариф бўлғони учун ҳар икки қабат парда бир-бириға қопқоқ бўлиб, манфазни банд қилурлар. Ва жигарға келгон икки шуъба асаб ва шараён жигардин марораға ўткандур, токи ҳис ва ҳаёт етказиб турар.

Ва марора сафроға хазинадур ва ани манфаъати жигарда ҳосил бўлган сафрони жазб қилмоқ ва ҳожатлик аъзоға, яъни меъда ва ичакларға сафро еткузмоқдур. Зероки, агар марора сафрони жигардин жазб қилмай сафро жигарда қолса эрди, жигарда шиш пайдо бўлур эрди. Ва сафро ҳиддатидин жигарда жароҳат ва бошқа неча хил офатлар ориз бўлур эрди. Ва ночор жигардин сафро қонға аралашиб, баданға таралиб, баданда ярақон, яъни сариқ касали ориз бўлур эрди. Чунончи, варами жигарда жигарнинг манфази шиш сабабидин банд бўлиб, сафро ўтолмай қолғонда сариқ касали ҳодис бўлғони маълумдур. Ва яна бир манфаъати шулки, доим марорадин ичакка сафро андак-андак тўкилиб турар. Токи, ўз ҳиддати бирлан ичакни ювиб, тозалаб фазлани дафъи учун ичакни огоҳ қилиб турар. Чунончи, ичак ташриҳида мазкур бўлди.

Ва марорани оғзи паст тарафға бўлиб халқ қилинғониға ҳам сабаб, меъда ва ичакға дам-бадам марорадин сафро оқиб тушиб турмоқ учундур. Ва марорани бир оғзи томур каби ингичка анбу-бадурки, марорадин тахминан ярим вершук узоқлашгандин сўнг икки айри бўлиб шохлаб, бир шохи исно ашарий ичакнинг авва-

лига муттасил ва иккинчи шохи меъданинг охирига, баввоб исмли манфази махражни дохил тарафига муттасил бўлуб, қаъри меъдани тагига таралғондур, токи марорадаги сафро ўзини оғирлиги ила доим паст тарафга мойил бўлуб, оқиб турар. Ва мазкур икки айри жойда сафро ҳам иккинчига тақсим бўлуб, ярми исно ашарий ичакига ва ярми меъда тарафга тўкулур. Ва ичакга борғони ичакни ювиб тоза қилур, яъни фазла юқори ўриндин пастроқга тушмоғига сабаб бўлур. Бас, фазлага сафро аралашғони учун ани ҳиддатини ичак эҳсос қилиб, ани дафъига ҳаракат қилур. Баин тариқаки, ичакни мустаъриз табақаси сафрони ҳиддатидин нафрат ва ҳазар қилур, қурт каби ўз-ўзига йиғилиб, танг бўлиб, фазлани тазйиқ ила пастга тушурар ва пастдаги ичак ҳам мазкур ҳиддатдин нафратланиб, мунқабиз бўлиб, яна тазйиқ ҳосил бўлур ва ҳам сафро фазла ичидаги чала ҳазм бўлғон ғизони яна ҳазм бўлишига ёрдам берур. Ва меъда тарафга кирган шуъбасидин қаъри меъдани ичида доим сафро тарашшуҳ қилиб, гўё терлагандек сафро пайдо бўлиб турар. Токи, меъдадаги рутубатни тозалаб турар, чунки агар рутубат тозланиб турмаса, меъдани фасодиға сабаб бўлур ва бошқа неча хил офатлар пайдо бўлур.

АММО ТИҲОЛ, яъни талоқ гўшти рихви мухалхалдин ва ғишодин ва вариддин ва шараёндин мураккабдур. Ва жисми ва суврати жигарга ўхшаш, аммо ҳажми жигарнинг ҳажмидин кўб кичик ва шакли гўё лубиё (ловия)ни бир палласи шаклидадур. Ва ранги камудат ранг, яъни қаро ва қизил ва бинафша рангдин мураккаб бўлғон рангдадур. Ва ғишоси икки қабатдур. Биринчи қабати ғишойи асабийдин бўлиб, ғоят даражада юпқа, текис ва ўткир ҳисликдур. Токи, текислиги ила меъда ва қобирғаларга мулосиқликдин озор ҳам бермағай ва алардин ўзи ҳам озор топмағай. Ва ҳисдорлиги ила агар андак офат ориз бўлса, соҳибини огоҳ қилур. Ва иккинчи қабати ғишойи работийиан решадордур ва решалари талоқни жирмиға мунташир бўлиб, талоқни ичида арининг хонаси каби хоналар ҳосил қилғондур. Ва бу хоналар мазкур ҳовол ва гўшт бирлан тўлғон бўлур. Ва бу иккинчи қабат ғишода ҳам гўшларда ҳис йўқдур. Ва шул хоналарнинг ҳаммасиға шараёни кабирдин бир шохи келиб, майда-майда шуъбаларга ажраб таралғондур. Ва вариди кабирдин бир вариди томурий ҳам келиб, беадад шуъбаларга ажралиб таралғондур токи, шараён воситаси бирлан дилдин ғизо учун тоза қон

бериб турар. Ва варид воситаси бирлан талоқдин эски қон вариди кабирға қайтиб келиб турар. Ва яна жигардин бир варид талоқға бориб муттасил бўлғондурки, жигарада тайёрланган савдо шул варид воситаси бирлан талоқға етиб турар. Чунки талоқ савдони хазиначидур. Ва талоқ меъда холий бўлғон вақтда савдодин меъдаға батариқайи тарашшуҳ ўтқизиб турар. Токи, фами меъда таомдин холий сабаблик савдонинг таъсиридин мутаассир бўлуб, соҳибини огоҳ қилур. Ва ғизоға иштаҳо шул огоҳликдин иборатдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, талоқни ғишолари андак чўзилмоқ ва йиғилмоқ учун қобилдур. Чунки талоқнинг ҳажми очлик вақтда кичикроқ ва тўқлик вақтда каттароқ бўлур. Зероки, очликда меъдаға савдо кўброқ нозил бўлиб, талоқни ҳажмида ориғлик пайдо бўлур. Ва тўқлик вақтда меъда тўла бўлғон сабабли савдони дафъиға ҳам талоқни таважжуҳи камроқ бўлур ва ҳам меъдани тўлалиғи монень бўлур. Бинобарин, талоқни даромади кўброқ ва баромади камроқ бўлиб, ҳажмида семизлик ҳосил бўлур. Чунки талоқ савдони хазиначи экани мазкур бўлди. Ва талоқни турар жойи чап тарафда қобирға билан меъдани ўртасидадур. Ва ўз ғишоси бирлан меъдаға марбут бўлиб ёпишқондур. Ва талоқни усти тарафи гўё жигардек ғишои работийа бирлан ҳижобға марбутдур. Ва муҳаддаб (дўнг) тарафи қобирғаларға мулосиқдур ва паст тарафи ҳасибға андак тегиб турар. Ва талоқни манфаъати жигардин савдони жазб қилмоқ ва меъдаға дафъ қилмоқдур. Бас, бу жазбда икки хил фойда бордур. Ва бу дафъда ҳам икки хил фойда бўлур.

Бас, жазбдаги фойданинг бири шулки, жигар савдодин покланиб турар. Ва савдони ихтибосидин ҳодис бўладурган варамдин бошқа амрози савдовийадин эмин бўлур. Иккинчи фойда шулки, талоқ савдони яна тасфия қилиб, ани ҳиддат ва қувватини комил ва меъданинг ҳожатиға имдод учун қобил қилур. Ва дафъидаги фойдани бири шулки, талоқ савдодин ўзини поклаб турмоқ ила шиш ва салобатдин ўзи эмин бўлур. Ва иккинчи фойда шулки, меъда холий вақтида меъдаға ўзидаги савдодин андак-андак тўкиб, ани ҳиддати бирлан меъдани бўшлиғи ва таомға муҳтожлиғидин соҳибини огоҳ қилур.

Ва билмоқ керакки, талоқнинг муқаъар тарафида икки адад манфази бордурки, бири каттадур ва жигардин боргон вариднинг учи шул манфазга муттасилдурки, бул манфаз мадҳали савдодур ва буни

катталигини фойдаси токи савдо жигардин тезроқ бориб, жигар тезроқ пок бўлмоғи учундур. Ва иккинчи манфаз ғоятда танг бўлиб, андин савдо меъдага тарашшуҳ бирлан сизиб ўтадур. Ва буни танглигини манфаъати савдони яхши суюлиб етилғониғина сузилуб ўтсин ва комил бўлмоғони то комил бўлғунча таваққуф қилсун ва ҳам меъдага кўб миқдор савдо тушиб зўр очлик ва ўткир иштаҳа бирлан бетоқатлик ориз бўлмасин учундур. Ва талоқда бир хосияти махсуса бордурки, агар талоқ катта ва семуз бўлса, соҳибини бадани ориғ бўлур ва агар талоқ ориғ бўлса, соҳибининг бадани семиз бўлур. Чунки, агар талоқдин меъдага кўброқ савдо тушса талоқ ориғлар, лекин савдо боис иштаҳа бўлиб, таом кўброқ истеъмол қилинур. Ва кўб таомдин кўб қон ҳосил бўлиб, бадан семирар. Ва агар талоқ семиз бўлса, меъдага кўб савдо тушмағон бўлиб, иштаҳа соқит бўлур. Ва кўб таомни тановули кам бўлур. Бас, кам таомдин кам қон ҳосил бўлуб, баданни ғизосиға кифоя қилмас. Ночор бадан ориғ бўлур ва шунинг учундурки, қачон агар талоқни қуввати дофиъаси заиф бўлса, талоқда шиш ва салобат ориз бўлур. Ва меъдада суқути иштаҳа ва баданда сустлик ва ориғлик ва беқувватлик лоҳиқ бўлур. Ва агар талоқнинг қуввати жозибаси заиф бўлса, шул суқути иштаҳони устиға илова бўлуб, талоқда ориғлик ҳам жигарни феълида нуқсон ва ҳажмида шиш ва фасод ва бошқа амрози савдовиййалар ва баданда ярақони асвад (қора сариқлик), балки жунун (жиннилик) ориз бўлур. Фатазаккур (ёдда тут).

ЕТТИНЧИ ФАСЛДА БОҚИЙ АЪЗОЙИ МУРАККАБАНИ БАЁНИДАДУР

Яъни, буйрак ва масона (қовуқ) ва хуся (тухум) ва закар (олат) ва раҳм (бачадон)ларни баён қилинур.

Аммо буйракки, арабда килъа ва форсийда гурда дерлар, икки адад бўлиб, ҳар бири оч қизил рангли қаттиғ гўштдин ва кўб миқдор чарбидин ва уруқ (томир)дин ва шароиндин ва ғишодин ва работдин мураккабдур. Ва гўшти қаттиғлигини нафъи шулки, жавҳари, яъни бунийяси бақувват бўлғай. Ва жигардин жазб қилғон мойиятида акса-

ри хилти ҳодда мухталит бўлиб, андин ҳиддат касб қилгон моййятнинг таъсиридин мунфаъил ва озурда бўлмағай. Ва яна жигардин доим суюқ рутубатни жазбиға машғул бўлғони учун ани муқобилида ўзини сўлб ва қаттиғ бўлмоғи муносибдур. Чунки юмшоқ гўшт доим сув бирлан мухталит бўлиб турса, сустлик ориз бўлуб, андак замонда фосид бўлур.

Ва буйракнинг ранги оч қизил бўлғониға сабаб шулки, жигардин холис қон жазб қилмас, балки қоннинг селини жазб қилур. Ва селдин қон ажралиб, ани ҳам соф ва холисини толиъ исмлиқ вари́д воситаси бирлан ўпка ва дилға юборур. Ва ўпка бирлан дилни ғизоси шул қондин махсусдур, токи узоқ масофалиқ мурур бирлан мажролардин сузилиб, ғоятда соф ва латиф бўлуб, дилни ва ўпкани мизожиға муносиб бўлуб борур. Шунинг учундурки, буйрагида офат бўлгон кишининг оғзидин бадбўйлик маҳсус бўлур. Ва боқий селдин ўзи ғизо қилур. Бинобарин, рангда ҳам қон рангига етмаган оч қизил ранглиқ бўлур. Ва соф моййятни ўзидин ҳолиб номлук томур воситаси бирлан масонаға дафъ қилур.

Ва буйрак чарбисини нафъи шулки, буйракни гўшти қаттиғ қуруқ бўлуб, яна бадан иссиғидин ва буйрак ичиға келгон хилти ҳоддани ҳароратидин қуриб кетиб, ташаққуқ ориз бўлмасун учун хориждин чарби ҳўллаб, яъни мойлаб мулойим қилиб турар. Ва шараёни кабирдин ва вари́ди кабирдин бир-бир шох ҳар бир буйракға кириб, мунташир бўлғондур. Ва аларни нафъи борҳо (кўп марта) мазкур бўлғондурки, вари́д ийсоли ғизо (овқат етказиш) учун ва шароин ийсоли ҳаёт (ҳаёт етказиш) учундур. Ва буйракда зотан, ҳеч ҳис йўқдур, ани ихота қилгон ғишосида ҳис кўбдур. Бас, ўзининг беҳислигининг нафъи моййятнинг ҳиддатидин ва шўрлиғидин озорланмаслиғи учундур. Ва ғишони ҳисдорлиғи агар буйракға бир озор ва офат ҳодис бўлса, андин соҳибини огоҳ қилур. Токи, ани дафъиға саъй қилгой ва буйракни работи ҳақиқатан буйрак жинси ва жузвидин бўлмоғон, балки буйракни иртиботи учун халқ қилинғон олатдур. Ва буйракнинг мавзеъи белда ва оч биқиндаги қисқа қобирғада ва бел фақрасининг икки тараф ёниға икки буйрак марбутдур. Ва ўнг тараф буйрак изорбанд (иштонбоғ)ни мавзеъидин ярим вершук баландроқ ва чап тараф буйрак изорбанддин ярим вершук пастроқда марбутдур. Ва буйракнинг шакли лўбиё (ловия) шаклидадур. Ва миқдорда эркак ва ўрта ёш кишининг буйраги ўттиз олти

мисқол ҳолдин қирқ саккиз мисқолғача бўлмоғи мумкиндур. Ва ўрта ёшлик хотинда ўттиз икки мисқолдин то қирқ тўрт мисқолғача бўлмоғи мумкиндур. Ва билмоқ керакки, ўнг тараф буйракни қадди чап тарафга нисбатан андак қисқароқ, лекин қалинроқ бўлур. Ва чап тараф буйрак ўнг тарафга назаран қадди узунроқ, лекин юпқароқдур.

АММАЛ-Л-МАСОНА

Яъни, қобуқ харитаси (халтаси) тўрт табақа гишодин: гўштдин, ватрдин, работдин, уруқдин, шароиндин мураккабдур. Аммо шаклан эркак билан хотиннинг масонаси ва яна катта одам билан ёш боланинг масонаси тафовутлиқдур. Чунончи, катта эркак одамнинг масонаси тўла, яъни сийдик билан тўлғон ҳолида тухум шакллик, яъни энига нисбатан бўйи узунроқ бўлур.

Аммо хотун кишининг масонаси бўйига нисбатан эни васиъроқ ва фил-жумла анжир шаклига мойилроқ бўлур. Ва ани нафъи шулки, эркак кишини авъийайи манийси, яъни манийнинг махзани ўона устихони ёнида бўлуб, миъойи мустақим (тўғри ичак) ва масоналар бир-бирлариға муҳозий ва баробар турарлар. Бас, агар эркак кишининг масонаси бўйига қисқа ва энига кенг яратилса эди, масона сийдикға тўлалик ҳолида миъойи мустақимни тазйиқ қилиб ва миъойи мустақим ҳам авъийайи манийни тазйиқ қилиб, ҳусули манийға монёъ бўлур эрди. Ёки аларнинг тазйиқларидин сиқилиб, дам-бадам бавл (сийдик)ни ихрожиға муҳтож бўлур эрди. Ва агар хотинларнинг масонаси энига йўғон бўлмай, бўйига узун бўлса эди, ҳомила хотинларнинг ҳамали ўз сғирлиги ила масонани босиб, сийдик жамъ бўлувиға монёъ бўлур эрди. Ва ҳомила хотинлар тез-тез халог югурмоқға мажбур бўлур эрдилар. Фа-тааммул мо сунийа (қандай яратилганиға фикр қил).

Аммо ёш бола масонасининг шакли фил-жумла ношботи шаклиға мойил бўлур, яъни масонанинг юқори тарафи кенг, яъни паст тарафи, гардан тарафи торроқ бўлур. Ўрта ёшлик ва катта одамнинг масонаси соҳибини кўб танг қилмас даражада сийдукка тўлса, тахминан 160 мисқол сийдукни ўз ичиға сиғдирар. Ва агар касал бўлса, чунончи, масонани қуввайи дофиъаси заиф бўлса ёки варам (шиш) ва бошқа сабаб бирлан ихтибоси бавл (сийдик тугилиши) бўлса, бул миқдордин

ҳам зиёдроқ сийдукни сиғдир. оладур, лекин озор ва танглик бирлан мумкин бўлур. Ва сийдукдин холи вақтда масона ўз-ўзиға жамъ бўлуб, ҳажми кичик бўлурки, гўё резинадек қобили инқибоз (торайиш) ва ин-бисот (ёйилиш)дур. Чунончи, иккинчи гишо баёнида маълум бўлур.

Аммо биринчи гишо, яъни зоҳир тарафдаги гишойи сифоқийдур, яъни работдин махлуқ бўлгон гишойи ҳофиздурки, бошқа гишоларни йиртил-моқдин сақлаб турар. Лекин бу гишо масонани тамом ўраб олгон бўлса ҳам, лекин масонани гарданиға етмагондур. Чунки, масонани гардани-да сийдикни чиқармай сақлаб турғувчи узлалар бирлан мустаҳкам бўлго-ни учун бу гишойи сифоқийнинг муҳофазасига ҳожат йўқдур. Ва бу ги-шойи сифоқийда мутлақо ҳис йўқдур. Ва беҳислигининг нафъи зоҳир-дурки, ҳофизи сонри аъзо ва бавлдур. Бас, агар бул гишо ҳам ҳислик бўлса эди, сийдукни ижтимоъи (тўпланиши) ва сақлия (огирлик)дин ориз бўладурғон ташаннуждин озорлик бўлур эрди.

Ва иккинчи табақа гишо жисми асабонийи мураккабдин махлуқ-дур, яъни асаби нухоъийдин, работдин тўқилгондур. Ва ани халал ва коваклари гўшт бирлан тўлгондурки, бу гишо кўб ададлик майда узла-лардин мураккабдур. Ва бу узлалар баъзан масонанинг бўйиға ва баъ-зан эниға тортилгондур. Токи, масонани ҳар тарафдин тортиб, сиқиб, ичидаги сийдукни тазйиқ бирлан паст тарафға тушурмоқға хизмат қилур. Лекин бу хизматни баъзиси иродийя (ихтиёрий) бўлиб, инсоннинг ихтиё-ри ила бўлур. Ва баъзиси фақат табиийя бўлурки, анинг иродасига ёки манъиға инсоннинг ихтиёри бўлмас, чунки масонаға мураккаб бўлгон асаб икки навдурки, асаби муҳаррика ва асаби ҳассоса фақатдур. Бас, масонани юқори тараф нисфи, балки зиёдароғи оз миқдор асаби ҳассоса-дин ва кўб миқдор работдин ва гўштдин мураккабдур. Бинобарин, бавл-нинг ҳиддатини андаккина эҳсос қилиб, қуввати табиийянигина огоҳ қилур. Аммо инсонни огоҳ қилолмас, шул сабабдин работларнинг ёрда-ми ила тазйиқи бавл учун табиат муқтазий бўлур. Ва инсон ўз ихтиёри ила тазйиқ қилолмас. Ва масонанинг нисфидин камроқ паст тарафи, яъни гардан тарафининг узлалари охириччи фақрадин кўкарган асаби нухоъ-ийнинг шуъбаси ила работдин мураккаб бўлгондурки, анда ҳам ҳис ва ҳам ҳаракати иродийя мавжуддур. Ва бу узлалар ҳам баъзиси масонани бўйиға ва баъзиси эниға қараб тортилгондурки, ҳар тарафдин масона-ни тортиб, тазйиқ қилмоқға ва сийдукни сиқиб, тамом ихрож қилмоқға ихтиёрликдур.

Хусусан, масонанинг гарданида гардан атрофидин ўраб ихота қилгон узлалар кўброқ ва қавийроқдурки, сийдукни ихтиёр ила имсоқ қилмоқ шул узлаларнинг ёрдами ила бўлур. Ва бул узлалар ғоятда қавий ва маҳкам бўлғони учун буларнинг ихотасиға биринчи табақа ғишо етмигандур. Аммо бул икки табақа ғишони бир-бирларидин фарқини хурдбин оина (микроскоп) бўлмаган тақдирда, оддий кўз қуввати бирлан имтиёз қилмоқ қийиндур. Бинобарин, баъзи ҳукамои мутақаддимин ташриҳларида бул икки табақа ғишони бир табақа ва учунчи ва тўртинчи табақани ҳар иккисини ҳам бир табақа гумон қилиб, масона икки табақа ғишодин мураккаб деб, баён қилгондурлар.

Аммо учунчи табақа ғишойи решадордурки, дохили сатҳи тамом решадор, яъни попук шаклида реза (майда) илдизлардур. Ва ҳар бир решанинг ичи ковак ва тешук бўлуб, бу тешукларни ибтидоси буйракдин масонаға келгон ҳолиб исмлук томурни тешукиға муттасилдурки, буйракдин дафъ қилингон сийдурклар шу тешуклардин батариқайи тарашшуҳ сизилиб, масонаға жамъ бўлур. Ва бул попуклар доим гўштға тушгон қурт каби мутаҳаррикдурлар. Токи, ҳаракат сабаби ила сийдукни буйракдин жазб қилиб, масонанинг ичиға дафъ қилурлар. Бас, бул попуклар ғоятда резаликдин кўз қуввати имтиёз қилолмас даражададур. Аммо илдизи энига ингичка бўлса ҳам, бўйиға узун бўлуб, ҳар икки хорижий табақадин ҳам ўтиб, ҳолиб исмлук томурға муттасилдур. Ҳатто икки табақа ғишонинг қалинлиғи миқдоргина узун эмас, балки биринчи табақанинг масона гарданиға яқин жойиға ҳолиб муттасилдур.

Ва шул нуқтада ҳолибға бу попук муттасилдур, сўнгра биринчи ва иккинчи ғишонинг миёнасининг масонанинг юқори тарафиға етиб, сўнгра шул нуқтадин иккинчи табақани тешиб ўтиб, яна паст тарафға, учунчи табақанинг сатҳи зоҳирийсиға таралиб боргон ва учунчи табақанинг ҳар нуқтасидин бир попук дохил тарафға ўтуб ва андин тўртинчи табақани ҳам тешиб ўтиб, тамом бўлгондур. Бас, бу эътибор ила бу попуклар ҳолибни илдизи демак мумкиндур. Бас, маълум бўлдики, бу илдизлар сийдикни масонаға мадхали (кириши)дурлар. Ва мадхалнинг қомати тўғри ва қисқа бўлмай, балки масонанинг гарданидин то юқори тарафиғача бориб, андин яна паст тарафиға мойил ва мунташир ҳолда махлуқ бўлгонлигининг нафъи шулки, то модомики масона бўш ва холидур, ани ҳамма сатҳи дохилийясининг бавл (сийдик) тарашшуҳ қилиб жамланур. Аммо масона тўлса, мазкур бавллар яна буйрак тарафға қайтиб кетолмас, чунки

ҳар нав қадар миқдориға жамъ бўлгон бавл ўзининг сақлийяти (оғирлиги) ила масонани хориж тарафга итариб, иккинчи ва учинчи табақа ғишонинг ўртасидаги мазкур илдизларни сиқиб, масомларини банд қилур. Ва бавлнинг ружуъиға (қайтишига) имкон бермас. Аммо юқори тараф масона ҳануз тўлмағони учун ул маҳаллни масоми очиқ бўлиб, бавлни шул масомлардин духули (кириши) мумкин бўлур. Ва масона тамом тўлса, масонанинг юқори тарафидаги учунчи ғишони ҳисси ўткирроқ бўлғони учун ўзиға тўлиб етган сийдукни эҳсос қилиб, андин табиатни огоҳ қилар. Бас, табиат ани махраж (чиқиш) тарафиға, яъни закар (олат) тарафга дафъ қилур.

Ва учунчи табақа ғишо асаби ҳассосадин ва работдин мураккаб бўлғони учун бу ғишода ҳис кўбдур. Бас, буни ҳисдор бўлмоғининг нафъи шулки, бавлнинг ҳиддатини ҳис қилиб, табиатни, ҳам соҳибини огоҳ қилур, токи ани ихрожиға (чиқишига) мутаважжиҳ (диққат қилган) бўлурлар. Аммо бавлда мухталит (аралаш) бўлгон хилтларни таъсиридин асарланиб, зиёда озор топмаслиги ва қабули фасод қилмаслиги учун Сонъи Қадим (яъни Аллоҳ) бу ғишони бошқа хорижий ғишолардин қалинроқ ва қивомини қаттиғроқ халқ қилдики, ани салобати қабули фасодға монъе бўлур, ҳам дохил тарафини тўртинчи табақа ғишо бирлан сатр қилди (ёпди)ки, ахлоти ҳоддани ҳиддатидин эмин бўлғай.

Аммо тўртинчи табақа ғишо ғишоини лазижадур, чунончи, ичакларни сатҳи дохийийсида мавжуд бўлгон қиринди исмлиқ парда пардаини лазижа кабидур. Ва бу табақа ғишонинг нафъи шулки, бавлни ҳиддатидин ва бавлда мухталиф бўлгон ахлоти ҳоддани ҳиддат ва соири заррлардин, чунончи, қарҳ (яра) ва жарҳ (жароҳат)ларидин бошқа табақа ғишоларни эмин сақлар ва ўзини рутубати музлиқаси ила бавлда ҳосил бўлгон дурдаи ахлотни тойдуриб, бавлға қўшуб, масонадин дафъ қилиб турмоқдур. Бас, агар масонада бу рутубати лазижа ғишоси бўлмаса эди, доим масона бавлни ҳиддатидин ва бавлда ҳосил бўлгон дурдаларни таҳажжур (тош бўлиши) ва таъаққуди (қотиши) ила ҳосил бўлгон тошларни алами ва ихтибоси бавл (сийдик тутилиши)ни кулфати бирла озурдалиқ бўлур эрди.

Фа-ниъма-л-Ҳаким ул-Карим ва-с-Сониъ ул-Алийм.¹

¹ Ҳаким (доно) ва Карим (саховатли), Соний (санъаткор яратувчи) ва Алим (билиб турувчи) Аллоҳнинг ишлари нақадар соз.

ФОИДА. Билмоқ керакки, масонанинг биринчи хорижий табақа гишоси азбаройи боқий табақаларни муҳофаза учун махлуқ бўлғони ва анинг масонани муаллақ ва атрофи бўш маҳалларини тамом иҳота қилғони, аммо масона гардани, яъни закар (олат) тарафга муттасил бўлгон махражи бақувват узлалар бирлан маҳкам ва матин бўлиб, бошқа муҳофазага ҳожати бўлмағони учун биринчи гишо бу гарданга етиб келмағони юқорида мазкур бўлди. Аммо иккинчи табақа гишо масона гарданидин ўтиб, закарни илдизиғача етгандур. Ва бул мавзеъдағи узла ҳам ғоятда бақувватдур, токи мабодо масонани гардан узлаларига бавл ғалаба қилиб ўтиб қолса, соҳиби то халоға то фароғат учун ҳозирланғунча, шул закар узлаларини ёрдами дастгирлик (ёрдам) қилур. Аммо учинчи табақа гишо закарни тамом қаддиғача етгандур.

Аммо тўртинчи табақа гишойи лазижа эса, закарни то нисби дохилийсигача етиб, андин ўтмагандур. Токи агар бавлда баъзи ахлотни ихтилотти ғолиб бўлса, табавул (сийиш) вақтида ани учунчи табақа гишоға таъсири учун монёъ бўлмағай. Ва учинчи табақа гишо мазкур хилтни ҳиддатини эҳсос қилиб, соҳибини огоҳ қилғай. Аммо шароин ва аврида эса дилдин кўкарғон шараённи азим то думғазагача орқа фақра устихониғача мутовозий бўлиб келиб, сўнгра икки шохга ажралғон ва бир шохи ўнг оёқ ва бир шохи чап оёқ тарафга ажралғонлиғи ўз ташриҳида мазкур бўлгон эди. Бас, ушбу икки шохга ажралғондин сўнг, ҳар бир шохидин уч адад шуъба, яъни икки тараф шохдин олти адад шараён ажралиб, ҳар бир тарафни бир шуъбаси ҳар бир табақа масонани мазкур тарафиға таралғондур. Яъни, ҳар бир табақа гишони ўнг тарафиға ўнг тараф шараён шохидин бир шуъба таралғондур. Ва ҳар бир табақанинг чап тарафиға чап тараф шараён шохидин бир шуъба таралғондур. Ва аврида ҳам мазкур шараёнга мутавозий бўлиб келиб, думғаза олдида икки шохга ажралғон варидни ҳар бир шохидин уч адад шуъба ажралиб, мазкур тариқда масонаға таралғондур. Ва аларнинг манфаъати борҳо (кўп марта) мазкур бўлғондурки, масонаға қуввати ҳаёт ва ғизо еткармоқ ва масонада даврони дамни (қон айланишини) комил қилмоқдур. Ва масонанинг мавзеъи эркакларда ёна устихонининг домани (этаги) бирлан мақъадни (орқа тешикни) ўртасида миъойи мустақимға (тўғри ичакка) мавзуъ (жойлашган)дур. Ва хотунлар-

да Ёнанинг уст тарафи ила маъъаднинг миёнасида ва раҳмнинг тагида мавзудур.

Ва масонани инсон учун манфаъати бавлни оз-оздин жамъ қилмоқ ва бир дафъада ихрож қилмоқдур (чиқармоқдир). Бас, агар масона махлуқ бўлмаса эди, ҳолибдин тарашишуқ қилиб доимий келиб турғон бавллар (сийдиклар) ҳар дақиқада неча қатралаб келиб турар эди. Ва инсонда бавлдин холи вақт асло муяссар бўлмас эди. Ал-ийазу биллоҳи (Аллоҳ ўзи асрасин).

ФОИДА. Билмоқ керакки, масона (қовуқ)нинг гардани эркада икки адад хамлик (эгрилик) бирлан тамом бўлур, яъни хориждин то масона ичиғача икки адад қайрилиш йўл бордур. Ва хотинларда бир адад қийрилиш бирлан масонаға етган бўлур. Ва буни манфаъати ихтибоси бавлда (сийдик тутилишида) ғоятда аҳамм (муҳим)дур. Чунки ҳеч илож бирлан ихтибосға кушойиш (очилич) бўлмай, маъюс бўлғон вақтда, охиричи илож учун анбуба (найча) бирлан бавлни (сийдикни) ихрож қилмоқ лозим бўлур. Шул вақтда мазкур мажрони шаклиға мутаносиб шаклик анбубани мутаносиб тариқада юбормоқ вожибдур. Шунинг учун бу мажронинг ташриҳиға воқиф бўлмоқ зарурийдур. Масалан, эрка одамнинг ихтибоси учун анбуба лозим бўлса, закар (олат)нинг ниҳояти қадар анбубани закар аҳлидин, яъни тешигидин суқилур, сўнгра юқори тарафға юбормоқ учун анбубани хорижда қолғон учини замин тарафға, икки сонни ўртаси тарафға хам қилуб (эгиб), амудий (вертикал) вазиятға етгондин сўнг, яна бир вершук ва чорак юқориға кўтариб, сўнгра яна анбубанинг хориж тараф учини орқа тарафға мойилроқ, яъни икки сонни орасиға еткаруб, мазкур ҳолда майлоний ҳайъатда яна бир вершук юборса, анбубани учи мажро хамларини ростлаб бориб, масона ичига кирган бўлур. Ва анбуба гешугидин бавл оқуб чиқуб, масона тамом бўшатилаб, лекин бироз озорлик бўлур. Бас, агар анбубанинг аввал хорижда мазкур шаклға мутаносиб шаклда хам қилуб, сўнгра юборилса кам озорроқ бўлур.

Ва агар хотин кишини ихтибоси учун анбуба лозим бўлса, анбубани бир ярим вершук қадар миқдорини хам қилуб, сўнгра аввалан бавлни махраж (чиқиш) тешугидин суқуб, юқори тарафға юборилса, сўнгра анбубанинг дохилий учини қобуқ тарафға қайрилмоқ и учун хорижий учини икки сон ўртасидин орқа тарафқа мойил қилуб туруб, яна бир ярим

вершук юборилса, масонадаги маҳбус (қамалган) бавллар тамом анбу-ба тешугидин чиқуб, масона холий бўлур. Ва эркакга нисбатан хотуннинг мажройи бавли (сийдик йўли) васиъ (кенг) бўлур. Бинобарин, аларга анбубадин мутлақо озор ҳам бўлмас. Ва хотинларнинг аҳлиллари фарж (жинсий аъзо) хорижининг аросида фарж доманининг нисфиға кўра раҳм (бачадон) йўлиға яқинроқ жойда воқеъдур.

АММА-Л-УНСАЁН (АММО ИККИ МОЯК БАЁНИДА)

Яъни, икки мояк беш табақа гишодин ва кўб адад гуддаи лаҳмонийдин ва уруқ ва шароин ва пай ва работлардин мураккабдур. Ва харитаси (халтаси) ҳам уч гишо ва уруқ ва шароиндин мураккабдур. Чунончи, харитани биринчи табақаси хорижан гишои асабонийдурки, анда ҳисси ламс (тегиниш сезгиси) кўбдур. Ва ани тагида иккинчи табақа гишои обдор (сувли парда) воқеъдур. Буни обдорлигини манфаъати зоҳирдурки, хорижий ҳавонинг таъсири ва ботиний ҳароратнинг таъсиридин биринчи табақа, ҳам учинчи табақа гишолар қуруб, фосид бўлмасин учун ҳар икки тарафни ҳўллаб турар. Ва учинчи табақа гишои узалийдурки, тамом пай ва работдин тўқилғон ва халал ва каваклари оқ гўштлар билан тўлғондурки, буларни таркибидан кўз имтиёз қилолмаслик даражада реза (майда) беадад узла (мушак)-лар ҳосилдур. Лекин бу узаларни ҳаракати инбисот (ёйилиш) ва инқибоз (тортилиш)лари ихтиёр эмас, балки беирода ва беихтиёрдур. Чунончи, агар мазкур харитаға бирор нимарса тегса ёки бир азият ориз бўлса, табиат андин нафрат қилуб (қочиб), мазкур узлаларни ҳаракати инқибозға таклиф қилур. Ва агар ҳарорат ёки роҳат етса ҳаракати инбисот ила ёзилур. Ва бул табақа гишо ҳақиқатан моякнинг ажзосидин эмас, балки жилд, яъни тери ҳисоб бўлур. Аммо мояк икки адад кураҳ (тўп)дин иборатдурки, икки табақа гишои маҳсусаси ва уч гишои лоҳиқи ёнавий бирлан маҳфуз бўлғон гудда (тугун)лардурки, ҳар мояк яна неча гуддаи кабир (катта тугун)дин мураккаб ва ҳар бир гуддаи кабир бир неча гуддаи сағир (кичик тугун)дин мураккабдур. Ва яна пай ва яна узла (мушак) ва яна работ ва уруқ ва шараёндин мураккабдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, анонинг қорнидаги бола то тўрт ойлик бўлгунча анинг моюги юқорида, буйракнинг остида, белнинг фақра устихониға яқин турар. Шул вақтда ўзиға махсус икки табақа гишо бирлан ўралган бўлур. Бас, ани биринчиси гишои решадор (попукли парда)дурки, тамоми моюкни иҳота қилғон, ҳатто ани шуъбалари гуддан кабирни иҳота қилғон шуъбаларни шуъбаси гуддан сағирларни иҳота қилғон бўлур. Ва андин яна юқориға суъуд қилиб (кўтарилиб), авъийайи манийға (уруғ идишга) муттасил бўлғондур. Ва шул гишо бирлан уруқ ҳам, шароин ҳам ҳамроҳ бўлиб, беадад мутафарриқа (тарқалган) шуъбаларға ажраб, моюк гуддаларини ҳамма ажзосиға таралғондур. Ва гуддаларни жирмида гоят даражада кўб майда тешуклари бўлур ва бул тешукға ҳолиб томуриға муҳозий бўлиб ва ҳар бир шараёни кабир вариди кабирдин шуъба бўлуб, моюкға келуб, мутафарриқа бўлуб, ҳамма моюк гуддалариға таралғон ва учлари бир-бириға қўшилғон, яъни шараённи қони варидға ўтмоғи мумкин бўлуб, шул томурлар воситаси ила шу гуддалар тешукиға қон етиб турар. Ва моюк ўз тешуклари ичида мазкур қонларни ҳазм қилуб, рангини оқ ва қивомини ғализ қилиб турарки, маний шул ҳазм бўлғон қондин иборатдур. Аммо бул қон баданнинг қайси маҳалларидин келмоғини таййёр бўлғон маний қайда бормоғини маний ва ўна бобида муфассал баён қилурмиз, иншааллоҳу таъоло.

Аммо иккинчи табақа мазкур гишои решадорни иҳота қилғон гишои обдордур ва буни обдор (сувли) бўлмоғининг манфаъати моюкнинг паст ва баланд тарафға ҳаракати осон бўлмоғидурки, рутубат ҳам моюкни, ҳам мажрони ҳўллаб турар ва ўзини излоқи ила ҳаракатға ёрдам берар. Ва бул икки табақа гишо буйракни гишосини бақиясидиндур.

Ва бел фақрасидин бир работ кўкариб, мазкур гишолар бирлан қўшилиб, моюкға муттасил бўлғондур. Ва моюк шуларға банд бўлуб, осилиб турар. Аммо бола онанинг қорнида беш ой комил бўлиб, олтинчи ойға ўтгандан бошлаб ҳар кун бир миқдор батадриж моюк паст тарафға тушуб, еттинчи ойға ўтганда ўна устихониға тушуб етар. Ва ўна устихонининг дохил тарафидин моюк харитасиға ўтадурғон тешукни банд қилиб турғон уч табақа гишо бордурки, ўна устихониға банддур. Ва номини гишои ўनावий дерлар. Ва моюк еттинчи ойда шул гишолар устиға келиб етар. Ва бола саккиз ойлик бўлғонида мазкур гишоларни

хам босиб, ўзиға ҳамроҳ қилиб, харитаға ҳам олиб тушар. Бас, мойкни ўзиға икки табақа гишосини устидин бу уч табақа гишолар ҳам иҳота қилгон бўлуб, мажмуъи беш табақа гишо бўлур. Ва бу сўнгги уч табақа гишони биринчи табақаи дохийлийясини мойк учун учинчи табақа деб ҳисоб қилинур. Бас, бу учинчи табақа гишо гишои обдордурки, мойкға бевоситадур. Бас, ани обдорлиғининг манфаъати мойкнинг ҳаракатиға осонлик ва ёрдам учундурки, мойкни хорижий гишоси ҳам обдор эди. Бу гишо ҳам обдор бўлғони учун ҳар икки гишода обдорлик бўлмоғи сабаби излоқ бўлуб, мойкнинг ҳаракати осон бўлур.

Ва тўртинчи гишо гишои хонадордур, яъни тамом сатҳида кавак ва чуқурлик хоналар бордур. Ва бу хоналарнинг манфаъати шулки, гишои обдорға махзан (хазина) бўлур, яъни обдорнинг обийъатини ҳожатдин зиёдаси шул чуқурлар ичида сақланур.

Ва бешинчи гишо гишои узлийдур, яъни пайдин ва работдин мураккаб бўлуб, халал (рахна)лари оқ гўшт бирлан тўлгон узлалардин мураккаб бўлгон гишодур. Ва бу узлаларнинг ҳаракатлари ҳаракати ихтиёрийдурки, мойкнинг баданға суъуди (кўтарилиши) ва пастға нузули (тушиши) шул узлаларнинг таҳрики (ҳаракати) ила ҳосилдур. Аммо мойкнинг ўнг тарафини шакли мудаввар (юмалоқ) ва бақувватроқ бўлур ва чап тарафи андак узунроқ ва заифроқ бўлур, ҳам чап тараф мойк ўнг тараф мойкға нисбатан андак пастроқ бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, мойк фақат эркакға махсус узв (аъзо) эмас, балки хотинларда ҳам бўлур. Лекин аларнинг мойклари дохили фаржда (жинсий аъзо ичида) раҳм (бачадон) гарданининг икки тараф ёнида бўлур. Ва шакли ҳам мудаввар эрмас, балки фи-л-жумла анжир шаклида қўрсликға (юмалоқликка) мойилдур ва ҳам ани иҳота қилгон гишоси фақат гишои махсусадур. Ва гишойи ёнавий анда бўлмас ва ҳам эркак кишининг мойгига нисбатан кичик бўлур. Ва бошқа ташриҳларда айнан эркаклар мойги кабидур. Ва мойкнинг манфаъати маний ҳосил қилмоқдур. Валлоҳу аълам би-с-саваб (Аллоҳ тўғрилигини билгучироқдир).

АММА-Л-АВЪИЙА (АММО УРУҒ ИДИШИНИНГ БАЁНИДА)

Аммо, авъийа махзани манийдур. Моякнинг гишои махсусаси бўлгон гишойи обдор ва гишойи решадорларни домани ва ниҳояти ҳам уруқ ва шароин ва узлалардин ва работдин мураккабдур. Ва шакли гўё ипга терилгон тасбиҳ дони каби баъзи жойи йўғонроқ ва баъзи жойи тангроқ анбуба (найча) ва мажродурки, ҳарчанд қадди узун бўлса ҳам, лекин ичак каби ўз-ўзиға ўралгон ва миёналари гўё ичакни чарбиси каби работлар билан боғлонгони учун мавзеъи кичик бўлуб, мояк ила масона миёнасидаги гўштни тешугида шул тешукни қаддиға баробар турар. Ва бул анбубанинг ниҳояти шул жойда закар (олат) тешугиға қўшилгондур. Токи мужомаъат (алоқа) вақтида закарға (олатга) маний тўқуб берар. Бас, бул анбубанинг ибтидоси бел фақрасида шараён ва вариди азимлардин масона тарафға ажраб келгон шуъба томури-дурки, номини арабда «ирқи сулб» дерлар. Ва каломи Раббоний (Қуръон)да хилқати инсон хусусидаги: «Йахружу мин байни-с-сўлби ва-т-тароибии»¹ даги сўлбдин мурод ҳам шул томурдур. Ва бу томур моякға келуб, беадад майда шуъбаларға моякнинг ҳамма ажзосиға таралиб, сўнгра мунтаҳоси авъийаға муттасил бўлуб, яна мажмуъи бир анбуба бўлгондур. Ва охири закарни тешукиға қўшилгондурки, номини лотинда «аппи давмис», яъни маний мажроси (уруғ йўли) дерлар. Чунки ҳар икки тараф мояк авъийаси икки жонибдин сийдук йўлиға қўшилгон жойиғача манийға махсус мажродур.

Ва шул мавзеъда мажродин хорижда бир ғудда (тугун) бордурки, мазийнинг манбаи шул ғуддадур. Ва мазийнинг мажроси маний мажросидин бошқа ва алоҳида бўлса ҳам, лекин мажро бавлға қўшилмоқда ҳар иккиси бир маҳаллда қўшилгондур. Ва паст тарафи ҳам мажройи маний ва ҳам мажройи бавлдур. Ва илло то закарни учиғача мунтаҳий демоқ мумкин дур ва ани терилган тасбиҳ дони шаклида кўб адад хоналик бўлмоғининг манфаъати азбаройи манийға макон учундурки, мазкур хоналарға моякдин тайёрланиб келгон маний то вақти ҳожатғача таваққуф (тўхташ) қилур. Ва жимоъ (алоқа) вақтида закар (олат) тарафға отилиб тушарлар. Ва авъийа гишосини обдорли-

¹ Ат-Гориқ сураси, 7-оят: «Бел ва кўкрак суяклари орасидан чиқади».

гининг нафъи жимоъ вақтида манийнинг осонлик бирлан отилиб чиқмоғи учундур. Ва уруқ ва шароинларни манфаъати авъийанинг ҳамма ажзосига гизо ва ҳаёт етказиб турмоқдур. Фа-таборакаллоҳу аҳсан ул-Ҳолиқийн.

АММА-Л-МАНИЙЎ (АММО ЭРЛИК УРУҒИ БАЁНИДА)

Билмоқ керакки, тўртинчи ҳазм вақтида, яъни бадандаги қонларни жузви бадан бўлмоқға қабул қилмоқ учун бадан ҳарорати ғаризиййаси қонларни ҳазм қилгон вақтида ҳосил бўлгон фазласи манийдур. Лекин буни фазла демоқ фақат истилоҳи атиббодур. Ва илло ҳақиқатан фазла эмас, балки жузви бадан бўлмоқғагина эмас, ҳатто айни бадани комил бўлмоқға қобил ва асли зубдан ғизодур (овқатнинг қаймоғидур). Чунки ғизои бадан жузви бадан бўлгонда қон фақат гўшт бўлур ва бошқа узв бўлмоқға қобил эмас. Ва баъзи қон пай бўлмоқға қобилдур, аммо устихон бўлмоқға қобил эмас. Аммо маний раҳмда бутун ва комил бир инсон бўлмоқға қобил жавҳардур ва қариб ул-инъиқод, яъни ивиб қотиб бадан бўлмоқ даражасига яқинлашган жавҳари ғизони зубдасидурки, қуввати табииййа қонларни фақат жузви бадан бўлмоқғагина қобил бўлгонларини ажратиб, баданға жузви бадан қилур. Ва андин баъзи айни бадани комил бўлмоқға ҳам қобил бўлгонларини ажратиб, тароиб ва сулб исмлик томурға, яъни хотунларнинг сийнасида ва эркакларнинг белида воқеъ бўлгон томурға юборур, сўнгра моякға келиб назжи комил (тўлиқ етишув) зоҳир қилур, яъни эмчак томуриға боргон қонни ранги оқаруб сут бўлгонидек, моякға борган қоннинг ҳам ранги оқариб ва қивоми қуюлуб, маний бўлур. Ва ани табиат бақойи навъ, яъни насл учун сарф қилур.

Аммо манийнинг тариқаи ҳусулда ҳукамо ва атиббо миёналарида ихтилоф кўбдур, чунончи, Буқроти ҳақимнинг наздида манийнинг хамираси, яъни ўғити миядин келур ва икки қулоқни орқасида бўлгон икки адад томурки, бел фақрасини нуҳоъига ва андин буйракға ва

андин моякғача кўкаруб боруб, пайваста бўлгондур. Ва шул томур воситаси бирлан мазкур ўғит моякға борур ва ҳар бир узвға мазкур томурдан бир шуъба боруб пайваста бўлгондурки, ҳар қаю узвнинг манийси шул шуъбадин мазкур икки томурға қўшулуб, андаги маний ўғитиға бирлашур, сўнгра мажмуи моякға восил бўлур. Бани тариқаки, аввалан мояк харитасиға (халтасиға) боруб, анда ўз мажросида таваққуф қилуб, бурунғи рангидин бироз оқға мойил ва яна оқормоқға қобил бўлуб, сўнгра моякға кириб ҳазм бўлгондин сўнг, холис ва мусаффо оқ бўлур. Ва маний ўғити миядин келмоғиға Буқрот истидлол (далил) учун айтгандурки, қулоқни орқасидаги томур кесулса, албатта боиси қатъи таносул (насл кесилиши пайдо) бўлур. Ва ул одамдин ҳаргиз фарзанд бўлмас. Бас, маълум бўлдики, манийнинг ўғити миядин келур, дегандур. Ва баъзи ҳукамо Буқротға хилофан айтурларки, манийнинг асл моддаси ёки ани ўғити деган фарқ йўқ. Ва ҳар қаю узвда мавжуд бўлгон маний мазкур узвға жигардин боруб етган томур воситаси бирлан жигарға боруб, андин ажваф исмлиқ томурнинг шуъбаларини воситаси бирлан буйракға боруб, анда баъзи моъийятларини буйрак ажратиб олиб, масонаға дафъ қилур ва боқий холис манийни мояк тарафни мажросиға юборур. Ва мажро ичида андак чала ҳазм бўлур, сўнгра моякға бориб тамом ҳазм бўлур, дерлар.

ФОИДА. Махфий қолмасунки, атиббо ҳаммалари иттифоқдурлар, албатта маний ҳам эркакда ҳам хотунда бўлур. Чунки эркакда маний борлиғи пур (тўла) зоҳир ва маръий (кўриниб турувчи) дурки, истидлолға (далилга) ҳожат йўқдур. Аммо хотунда маний бўлмоғиға далил шулки, аларда ҳам мояк бордур ва моякнинг вазифаси, яъни хилқатдин мурод бўлгон ҳикмати маний тайёрламоқдур ва бошқа ҳеч қандоқ вазифаси борлиғи собит эмас. Бас, маълум бўлдики, хотунларда ҳам маний бордур. «Ли-анна фиъла-л-ҳакими ла йахлу ани-л-ҳикмати» (чунки, Ҳаким (Аллоҳ)нинг иши ҳикматдин холий эмас). Ғояти фарқи шулки, хотунларнинг манийси эркакларнинг манийсиға нисбатан суяқроқ ва хуни тамсға (ҳайз қонига) мушобиҳроқ (ўхшашроқ) бўлур. Шунинг учун файласуфи мутақаддим, яъни Буқрот хотинларнинг манийсиға маний исмини итлоқ қилмай, тамс (ҳайз) нсми бирлан сўзлаб эди. Ва ҳам манийнинг ҳам эркакда, ҳам хотунда борлиғиға Қуръони Карим ҳам нотифдурки, қавлуҳу таъо-

ло: «Фа-л-йанзур ил-инсонун минма хулиқ, хулиқа мин моин дофиқин йахружу мин байни-с-сулби ва-т-тароиб». ¹ Бас, ҳамма муфассирин (тафсирчилар) муттафиқ (ҳамжиҳат) дурларки, ояи каримадаги сулбдин мурод эркакнинг белидур ва тароибдин мурод хотунларнинг сийнасидур. Ва ҳукамонинг қавлларида ояи каримаға мунофот (қаршилиқ) йўқдур. «Ла макона хуружу манийҳи касиран ани-с-сулби ва манийҳо ани-т-тароиб». ²

ФИОДАИ ДИГАР (Бошқа фойда). Билмоқ керакки, атиббо ва ҳукамо муттафиқ (ҳамжиҳат) дурларки, қуввати оқида (қуюлтирувчи қувват) эркакларнинг манийсида бўлур ва мунъақида хотунларнинг манийсида бўлур, яъни сут ивиб бўлғондек, маний ҳам ивиб қуюлуб, бадан, яъни фарзанд бўлмоғида хотуннинг манийси ивиб фарзанд бадани бўлмоғида ва ани ивितмоқ таъсири эркак манийсида бўлғониға муттафиқдурлар. Лекин шул тариқа ихтилофлари бордурки, эркакнинг манийсида оқида қуввати бор экан, мунъақидалиқ қуввати ҳам борму ё йўқму ва хотунлар манийсида мунъақидалиқ қуввати бор экан, оқидалиқ қуввати ҳам борму ё йўқму, деган саволға ихтилоф қилурлар, яъни фарзандни бадани ивиган манийдин иборатдур. Бас, ивимоқ хотунлар манийсиға махсус бўлуб, фарзанднинг вужуди фақат хотиннинг манийсидин ҳосил бўлғон. Ва эркакни манийси оқидалиқ қуввати ила анга сабаб бўлғон, лекин ўзида мунъақидалиқ қуввати бўлмоғони учун ўзи ивиб фарзандға жузви бадан қўшилмай қолғонму? Чунончи, заъми ҳукамо ёки эркакни манийсида мунъақидалиқ қуввати ҳам бор ва хотиннинг манийсида оқидалиқ қувват ҳам бор бўлиб, эркакни манийсини ивितिб, фарзандни таркибига қўшадурми? Хулосаи калом, фарзанднинг вужудиға эркакнинг манийси ҳам таркиб топғон ва топмоғонида ихтилоф бордур. Ҳукамо наздида фарзанд вужудида эркакни манийсидин таъсир бор, лекин таркиб йўқдур. Лекин атиббо наздида ҳам таъсир, ҳам таркиб бордур. Ғоят фарқи шулки, эркакни манийсида мунъақидалиқ қувватиға нисбатан оқидалиқ қуввати ғолиброқ бўлур. Ва хотинларни манийсида оқидалиқ қувватиға нисбатан мунъақидалиқ қуввати ғолиброқ бўлур. Ва

¹ Бас, қарасин инсон нимадан яратилганиға. У бел ва кўкрак томирларидан отилиб чиқадиган сувдан яратилди. Ат-Ториқ сураси, 5-7-оятлар.

² Эркак уруғи сўлб (бел)дан ва хотин уруғи тароиб (сийна)дан чиқади, бундан бошқа чиқадиган жой йўқ.

шул эътибор бирлангина эркакни манийси оқидаликга ва хотуннинг манийси мунъақидаликга нисбат берилур. Ва илло аларни ҳар бирида оқидалик ва мунъақидалик қуввати собит ва фарзандни таркибига ҳар қаюлари дохил дерлар.

Бас, ҳукамо атиббонинг ҳар турлари ўз даъволарини исботига далил кўрсатурлар. Чунончи, ҳукамо айтурларки, бир манийда бир-бирига зид бўлгон икки хил қувват бор демоқдин лозим келурки, бир маний ҳам фойил, ҳам қобил бўлса, ваҳоланки, бул ботилдур. Ва атиббо жавоб берурларки, икки хил қувватни бир нимарсада бўлмоғи ботил деган қоида басит нимарсада жорийдур. Аммо маний басит эрмас, балки мураккабдур. Ва мумкинмурки, баъзи ажзосида оқидалик ва баъзи ажзосида мунъақидалик қуввати бўлса, дерлар.

Ва яна ҳукамо ирод қилурларки, агар икки хил қувват, яъни ҳам оқидалик ва ҳам мунъақидалик қуввати бир манийда мавжуд бўлса эди, тавлид (туғдириш) учун ҳам ўзи кифоя қилур эди ва бошқа манийнинг таркибига ҳожат қолмас эди. Яъни, хотунлар эрсиз ҳам туғар эрди. Ваҳоланки, бул ботилдур. Бунга атиббо жавоб берурларки, қуввати фойила (таъсир қилувчи қувват) агарчи мабдаъи таъсир бўлса ҳам, фарзанд учун иллоти томма эмас. Бинобарин, хотуннинг манийсидаги қуввати оқида вужуди фарзандга кифоя қилмас. Ва эркакнинг манийсидаги қувватининг ёрдамига муҳтож. Ва ҳам эркакнинг манийси мунъақид бўлуб, таркиби қўшилмоғига муҳтождур. Бинобарин, эрсиз хотин туғмас, дерлар. Ва ҳоказо, мақомга фойдасиз ихтилоф кўбдур. Лекин татвили каломдин (сўз узайишидан) эҳтироз (қочичи) учун бақиййайи ихтилофни ёзилмади.

Аммо фақирини ночиз¹ агарчи ҳечмадон (ҳеч нарса билмайдиган) дурман, лекин қоринини киромни нигоҳи ҳақиқат огоҳлариға ўз фикри қосиримни арз қилурман. Ва фикримдаги хатоларим учун қалами тасҳиҳи хатоларини таваққуъ (умид) қилурманки, фақирининг фикримча маний жавҳари қоннинг зубдасидурки, қон жузви бадан бўлмоқғагина қодир бўлса, маний жавҳари айни комили бадан бўлмоқға қобилдур. Ва қон эркак ва хотунға махсус бўлмай, ҳамма афродға (одамга) омма (умумий) ва баданда мавжуддур. Бинобарин, ани зубдаси бўлгон жавҳари маний ҳам эркак ва ҳам хотунда мавжуддур. Ва қон ҳамма ажзойи

¹ Бу ерда Боситхон, яъни муаллиф ўзини назарда тутмоқда.

баданга омм бўлгани учун жавҳари маний ҳам ҳамма ажзойи бадандин келуб, моякда назж топиб, маний бўлур. Ва Буқротнинг ҳамма аъзодин жавҳар келиб, моякда маний бўлур, деган фикри ҳам тўғридур. Лекин маний ўғити миядин келур, деган даъвосига андак мулоҳаза ва муҳокама лозимдур. Ва бу даъвонинг истидлолига қулоқ орқасидаги икки томурни қатъ қилинган кишидин қатъи таносул бўлмоғи ҳам аксари вақт тўғри бўлмоғи мумкиндур. Лекин қатъи таносул бошқа жиҳатдин ҳам бўлмоғи мумкиндур. Чунончи, даврони дамда ва дилни ташриҳида маълумдурки, жигар ва дилдин юқори аъзога бир варид томури ва бир шараён томури кўкариб, ҳар бири беадад шуъбаларга ажраб юқори аъзога-ўнг ва чап тарафга баробар таралгондурки, аларга гизо ва ҳаёт етқизурлар. Ва яна дил ва жигардин бир шараён кўкариб паст тараф аъзога беадад шуъбалар таралгондурки, аларга гизо ва ҳаёт етқизарлар. Аммо марказлари жигар ва дил бўлиб, ҳар икки тарафни вариди ва шараённинг қони ҳам дил ҳаракати инбисотиййасида ани ўнг тараф батнига кириб қўшилмоқлари ва дилни ҳаракати инқибозиййасида мазкур бўлган қонлар дилни чап тараф батнига ўтиб, сўнгра шараён воситаси ила аъзога таралмоғи муқаррар ва муҳаққақдур. Бас, энди ҳаким Буқротнинг фикрига назаран, агар қулоқ орқасидаги томур бутун юқори аъзо томурларини танаси бўлуб, қон мутлақо мунқатиъ бўлса эди, юқори аъзолар гизо ва ҳаётдин батамом маҳрум бўлуб, ҳалок бўлғай эди. Валайса фа-лайса.

Ва агар мунқатиъ бўлган томур юқори аъзо томурининг танаси бўлмай, балки шуъбаси бўлса эди, маний ўғити бошқа шуъбалардин даврони дамда айланиб келиб, масонага етмоқлари мумкин эди. Бас, бул томирнинг қатъи сабаби қатъи таносул бўлмас эди. Бас, маълум бўлдики, қулоқ орқасидаги томурнинг қатъи сабаби қатъи таносул эмас ёки агар сабаб бўлса, даврони дамда мазкур томурни мунқатиълигининг даврони дамга нуқсон бўлгани ва бу нуқсондин чиқиб келган жавҳари маний ҳам ноқис ва хотуннинг манийсига ани таъсири бўлгани учун ани мунъақид қилолмас. Бинобарин, фарзанд бўлмас. Бас, маълум бўлдики, Буқротни даъвоси лойиқи таслим эмас. Балки жавҳари манийнинг ўзи қобили инъиқоддур ва ўғитга муҳтож эрмас. Аммо ҳамма бадан қонидин ажраб келган жавҳари маний моякга етиб келмоғи учун баданга таралган томур шуъбаларидин мояк томурига мувофиқларини ҳар бирининг, хусусан, жигардин буйракга тўғри келгон очуф (ажваф) исмлиқ томурдин келиб,

можкга етадур. Лекин баданда майда шуъбача томурларнинг можкга мувофиқи ғоятда кам бўлғони учун андин келган жавҳари маний ғоят даражада оз бўлур. Ва ажваф томуридин ёки қоннинг сели буйракга бо-радур. Ва буйрак ани обиятини ажратиб, масонага дафъ қилур. Ва холис қондин зубдасини толиъ исмлиқ томур воситаси ила ўпка ва дилга юбо-рур. Ва боқий қонни буйрак ўзи ғизо қилур. Бас, буйракга ажвафдин келгон сел аксари сув ва камроқ миқдори қон бўлғони учун кам қондин ғоятда кам жавҳари маний ҳосил бўлурки, ҳожати табиийага кифоя қилмоқ эҳтимоли йўқдур. Бинобарин, бу ҳам эътибордин соқитдур.

Аммо белдаги шараёни азим ва белдаги вариди азимдин ҳар икки можкга бевосита шуъба бўлиб киргон томурдин кофий миқдорда жавҳари маний бориб турар. Ва можкда назж топиб соф маний бўлгондин сўнг авъийаи манийга ўтиб қарор олур. Лекин мабдаъи тамоми бадан-дур. Ва миядин хамира келмоғи ва жигардин асл моддаи маний келмо-ғи асоссиз даъводур. Ва мабдаъи маний тамоми баданлиғиға далил шулки, туғилгон болани суврати ва аксар аъзоси ота ва онани шул аъзолариға ўхшаш бўлур. Ва агар ота ва ё онанинг баъзи аъзосида нуқсон ва ё касал бўлса, болани ҳам шул аъзо ва узвида нуқсон ва касал бўлур. Чунончи, сил касалга мубтало кишининг боласи ҳам сил бўлур. Бас, маълум бўлдики, ани ўпкасида бўлгон касалманд қондин ажрагон касалманд жавҳари маний фарзандни ўпкасиға мураккаб бўлгон сабабидин бу ҳам сил бўлди. Ва бошқа амрози арзиййалар ҳам инчуниндур. Ва кўк кўзлик одамдин туғилгон фарзанд кўк кўзлик бўлур. Бас, маълум бўлдики, атони кўзидаги кўк моддалиқ қондин можкга кел-гон кўк моддалиқ жавҳари манийдин болани кўзи вужудға келгани учун кўзи ҳам кўк бўлди. Ва яна бир далил: от бирлан эшакни ижтимоъидин (қўшилишидин) хачир туғилурки, ани ҳамма андомининг нисбати ҳам отни ва ҳам эшакни ҳамма андомиға баробар ўхшаш бўлур. Бас, маъ-лум бўлдики, боланинг моддаи вужудини манийси ота ва онанинг ҳам-ма аъзосидин келгон қонни жавҳари манийсидур.

Ва яна бир далил шулки, андақ маний хориж бўлмоғидин чунон заифлик ориз бўлурки, агар анга неча ҳисса қон хориж бўлгон тақ-дирда ҳам бундай заифликға сабаб бўлолмас. Ва ҳам белдин бориб ҳосил бўлмоғиға далил, аввалан, ояи карима далили қотъидур. Со-ниййан, баъда-л-жимоъ (алоқадан сўнг) ҳамма баданнинг заифлиги ва ҳарорати андақ замон бўлса ҳам, белни заифлиғи кўброқ фурсат-

гача давоми ҳатто ҳарис ул-жимоъ (алоқага ўч) кишиларга инҳино, яъни бел букри ориз бўлмоғи далилдур. Ва жавҳари маний бел томуридин ўтиб, мояк томурига етганда фи-л-жумла оқроқ назж ҳосил қилур. Лекин оқликқа қизиллик ғолиброқ ранглик бўлур. Бундин маълум бўлдики, моякнинг томирида ҳам қуввати ҳозима бордур, лекин ноқисдур. Сўнгра мояк ғуддаларини ичига кириб, комил назж топиб, соф оқ ранглик бўлур. Шунинг учундурки, мояки заиф ул-мизож бўлгон одамни манийси қизилроқ келурки, мояк томурини қувваи ноқиси (нуқсонли қуввати) назжи комилга (тўлиқ етилиш)га еткуза олмоғон бўлур. Бас, мояк томурини назжи ва ҳазми баманзалаи ҳазми каймусдурки, меъдада бўлур. Аммо моякнинг ҳазми баманзалаи ҳазми каймусдурки жигарда бўлур. Ва моякнинг ҳазмида қизил жавҳари маний соф оқ рангга мустаҳил бўлмоғига сабаб мояк қувватининг жавҳари манийга ғалабаи таъсиридиндурки, ғалаба бирлан ўз рангига ҳамранг қилур. Чунончи, эмчакга боргон қонни эмчакни таъсири ўзига ҳамранг оқ сут қилғони кабидур. Ва моякнинг ҳазмида ҳам жавҳари манийдин бухороти латифа ва бухороти духониййа ҳосил бўлур. Ва бухороти латифаси руҳ бўлуб, духониййаси фазла бўлур. Чунончи, дилда қондин бухороти латифа ҳосил бўлуб руҳ бўлғони ва бухороти духониййа ҳосил бўлуб, фазлаи ҳомиз ул-қорбун бўлуб, нафас йўлига мундафиъ бўлғони кабидур. Сўнгра ҳосил бўлгон маний авъийага ўтуб, захира бўлуб турарки, вақти мужомаъатда масруф (сарф) бўлур. Ва бухороти латифаси руҳга қўшилур турар, токи вақти жимоъда закарни қойим қилмоқ учун хизмат қилур. Ва бухороти духониййаси яна ружуъ қилур, яъни жавҳари маний моякга киргон варид томури ичидин юқори тарафга рожиъ (қайтувчи) ва моякдин мундафиъ бўлур.

Бас, мазкур томурни кўб шуъбалари юз ва иякга таралгонликдин бухороти мазкур маҳаллга кўброқ келиб, шул маҳаллда мўй ёки соқол мўйлаб бўлуб, хорижга чиқиб турар. Бинобарин, ёш болаларда соқол бўлмас, чунки ҳануз болиғ бўлмоғони учун аларда маний ва бухороти духониййа ҳануз мавжуд эмас. Ва шунинг учундурки, шаҳвати ғолиб одамни соқол ва мўйлаби тез-тез ўсиб турар. Ва шунинг учун моягини олдириб, ахта қилингон хожасароларга соқол чиқмас. Аммо бундин кўб одам мустаснодур. Чунки ани иягининг масомлари банд бўлғони учун бухороти духониййа бошқа тарафга ружуъ қилмоқга мажбурдур.

Аммо хотунларнинг жавҳари манийлари ҳам тамом бадан ажзоларининг қонидин ажраб чиқар. Ва мойкга келмоқда ҳам эркакни манийси келадурган йўлларидин келур, лекин оз миқдор келур ва кўброқ миқдор эмчак елинига шараёни азим ва вариди азимдин ажраб чиқиб келгон томурнинг охири раҳмга бориб таралгондурки, раҳм ила эмчакнинг алоқасига бевосита йўлдур. Шул томур воситаси ила мойкга келур. Бас, бу мазмун шаръан ва ақлан собитдурки, бу йўлдан келган жавҳари маний миқдориға нисбатан бошқа йўлдин келгон миқдор йўқ даражададур. Ва шул эътибор ила ояи каримада «Йахружу мин байнис-сулби ва-т-таронб» нозилдур. Аммо ақлан ҳар кимга маълумдурки, хотунлар ҳомиладорлик вақтларида ҳайз кўрмаслар, чунки бу муддатдаги ҳайз жаниннинг, яъни раҳмдаги боланинг физосидурки, раҳмда боланинг баданиға қўшулуб, жузви бадан бўлиб турар. Вақтики, бола тўққиз ойга тўлуб бадани мукамал бўлса ва таваллуд вақти ҳам яқин бўлса, ул вақтда ани тақомули физои лоҳиқадин (етишувчи овқатдин) мустағний (озод) бўлур. Бинобарин, табиат ҳам анга етказиб турган қонни раҳмга юбормай, эмчакда сақлар ва эмчак сут қилиб ишлар. Шунинг учун таваллудға яқин вақтда эмчакни елини катта бўлуб, сут пайдо бўлур, токи болага физои бадан бўлур. Ва вақтики, бола сутдин бошқа физонинг тановулиға одатланса она дилиға хотиржамлик ва итминон (ишонч) ҳосил бўлса, сўнгра дил ва табиатнинг сут еткизмоқ учун таважжуҳи ҳам камая бошлар ва сут ҳам камая бошлар. Сўнгра яна мазкур қондин сўнинг миқдоридин зиёда қадар ҳиссаси раҳмга ва мойкга тушуб, ҳайз ва манийлар ҳосил бўлур. Бас, мазкур муносабатлар ҳам далилдурки, жавҳари маний хотунларнинг сийнасинин келмоғи муҳаққақдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, боланинг ажзойи бадани уч даражаға мунқасимдур. Биринчи қисм физои инъиқодий ва таҳаввулий, деб исм берилгондурки, ул манийдур. Ва ибтидоий хилқатдаги ажзойи бадан айни ажзойи манийи мунъақидадур. Ва иккинчи физои луҳуқий (етишувчи овқат)дурки, болаға хориж тарафдин лоҳиқ бўлуб (етишиб), батариқан тарашшуҳ сингиб қўшилар, чунончи ҳайз қонидурки, муддати ҳамалда ҳам доим раҳмга етиб турар. Лекин раҳмдин хорижға чиқмас, чунки боланинг баданиға сингиб, жузви бадан бўлуб турар. Ва учинчи қисм физои шурбий (ичилувчи овқат)дурки, ани меъдий ҳам дерлар. Бас, бул физо сутдур. Ва бул уч қисм физонинг нажз қилғувчи (етилти-

рувчи) ҳам уч бошқадурки, маний жавҳари моякда назж топуб, маний бўлур ва маний раҳмда айни бадан бўлур. Ва бу бадан ғизоси ҳайздурки, раҳмда назж топар. Ва бу иккиси анонинг узвидур. Ва учинчиси меъдадурки, сутни ҳазм қилуб, жузви бадан қилур. Ва бу меъда боланинг узвидур. Бас, бу уч хил ғизони ҳақиқати ёлғиз қон бўлуб, маҳалли тағзиййаси (овқат оладиган жойи) мояк ва раҳм ва эмчак бўлмоғидин ҳам шул узвни бир-бирига муносабати ва миёналарида муштарак мажро (йўл)лари борлиғига далилдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, хотин кишини манийси ҳам тайёр бўлмоқда гўё эркак кишининг манийси каби аввалан қонлик ҳолида моякнинг хориж тарафидаги томурға келуб, анда таваққуф қилиб, чала назж (етилиш) ҳосил қилур. Ва ранги ҳам нимранг ва қизил ва оқға мойил бўлур. Сўнгра мояк ғуддасининг ичига кириб, тамом назж ҳосил қилиб, ранги ҳам соф оқ ранглик бўлуб, авъийаға (уруғ идишига) ўтадур. Лекин бул назжда бухороти духониййа ҳосил бўлмас, чунки бухороти духониййани таҳсили учун ҳарорат ғалабаси лозимдур. Ваҳоланки, хотинларнинг мизожи табииййалари эркакларнинг мизожи табииййаларига нисбатан совуқдур. Чунончи, умури табиийётнинг охирида «Боб ул-фарқ из-закар ва-л-унсо» (эркак ва аёлнинг фарқи ҳақидаги боб)да муфассал баён қилинди. Бинобарин, хотин кишига соқол ва мўйлаб чиқмас. Ҳатто ҳароратнинг ноқислигининг ва жавҳари манийға мухталит бўлгон манийятлари ҳам эркакға нисбатан таҳлил тополмоғон сабаблик қивоми ҳам суюкроқ бўлур, чунончи баён қилинур.

Аммо фарзандни таркиби баданиййасиға ҳам эркакни ва ҳам хотунни манийси мунъақид бўлуб қўшилмоғи яна ҳам шаръан ва ақлан собитдурки, Каломи Ҳакими Бемисол бунга шоҳиддурки, «**Ҳулиқа мин монн дафиқий йахружу мин байни-с-сулби ва-т-тароиб**» бирлан нотикдур, яъни «инсон сулбдин етулуб чиқадурғон ва тароибдин отилиб чиқадурғон сувдин халқ қилинди» демакдин маълум бўлдики, эркакни ва ҳам хотунни манийсидин қўшилуб халқ қилингандур. Бас, мустафод (маълум) бўлдики, эркакни манийси ҳам мунъақид бўлур экан, чунки фарзандни тамоми жисми мунъақиддур ва мунъақид бўлмоғон жузъи йўқдур. Аммо ақлан собитлиғиға далил боланинг ҳамма аъзосида отаға фи-л-жумла ташобух (ўхшашлик) мавжуддурки, «ал-валаду сиррун ли-абиҳи» (бола отаси учун сирдур) бу маъниға далилдур.

Бас, отанинг ҳамма аъзосидин ҳосил бўлиб келгон манийси боланинг ҳамма аъзосига мураккаб бўлмаса эди, бу ташобух ҳам бўлмас эди. Ҳаттоки, отанинг аъзойи раисаларидин бири агар заиф бўлса, фарзандни шул узвида ҳам заифлик бўлур. Чунончи, амрози ирсиййаларда (мерос касалликларида) машҳудурки, масалан, бир одамни ўпкасида сил касали бўлса, сўнгра андин бўлгон фарзандни ўпкасида ҳам ғолибан сил бўлур. Бас, маълум бўлдики, нуқсонлик ўпкани қонидин ажралиб келган нуқсонлик жавҳари маний фарзандни ўпкасига мураккаб бўлғони учун ани ўпкаси ҳам нуқсонлик бўлгондур. Аммо ҳукамоларнинг далилларида қондаи куллия (умумий қоида) қилиб оқида (ивитувчи) деган ҳаргиз мунъақид (ивиган) бўлмас, чунки оқид нимарсани мунъақид нимарсага ғолиб бўлмоғи лозимдур, токи асари ақд (ивиш белгиси) ҳосил қилғай. Ва мунъақид нимарса мағлуб бўлур, токи асари ақдни қабул қилғай. Бас, мағлуб нимарса ўзининг ғолибиға ғалаба қилиб, ани мунъақид қилмоғи ботил деган истидлолларини дафъиға жавоб шулки, бир жиҳати воҳидадин мағлуб бўлгон нимарса ўз ғолибиға шул жиҳати воҳидада ғолиб бўлмоғи ботилдур. Аммо бошқа жиҳатда ғолиб бўлмоғи мумкин-дур. Ва бунга мисол учун кимёвий амалиётни аксари далилдур. Чунончи, замонимизда машҳур бўлгон электик қўнғироғини мулоҳаза қилмоқ керакки, ани ҳаракатиға сабаб бўлғувчи фобил уч қисм бўлуб, бири тошқўмур ва бири рух ва бири тезобдур. Ва тошқўмурда ҳомиз ул-қорбун кўбдур. Лекин муваллид ул-ҳумузаға муҳтождур ва тезобда муваллид ул-ҳумуза кўбдур. Лекин муваллид ул-моға муҳтождур. Ва рухда муваллид ул-мо кўбдур. Лекин ҳомиз ул-қорбунға муҳтождур. Бас, ҳар қаюлари бир жиҳатдин ғолиб бўлса ҳам, иккинчи жиҳатдин мағлуб ва муҳтождурки, шунинг учун тошқўмур бирлан рухни бир-бириға бир симни восита қилиб боғлангон ҳолда ҳар иккисини бир зарфға (идишга) солиб, мазкур зарфға тезоб (кислота) ҳам солинган бўлур, токи тошқўмур тезобдин муваллид ул-ҳумуза жазб қилиб ва тезоб рухдин муваллид ул-мо жазб қилур. Ва рух тошқўмурдин ҳомиз ул-қорбун жазб қилур, яъни шу уч нимарсани ҳаммалари ҳам бир-бирлариға ҳам ғолиб ва ҳам мағлубдур, яъни ҳам жозиб (тортувчи) ва ҳам мажзубун анҳу (тортилган)дурлар. Лекин ғолибликлари бир жиҳатдин ва мағлубликлари бир бошқа жиҳатдин бўлғони учун мумкин бўлди.

Бас, эркакни манийси ҳам ҳарорат жиҳатидин хотунни манийсиға ғолиб бўлуб, рутубати зодасини (ортиқча ҳўллигини) таҳлил беруб

қуолтирарки, инъиқод (ивиш) шундин иборатдур. Ва хотуннинг манийси совуқлик мизожи ила эркакнинг манийсиға ғолиб бўлуб, ани инжимод қилур (қотирар), яъни ғалабаи ҳарорат ила эриб турмоғиға монез бўлурки, инъиқод шундин иборатдур. Аммо эркакнинг манийси ила хотуннинг манийси ҳар иккиси баробар ҳолда фарзанднинг ажзойи баданиға мураккаб бўлуб, мунъақид бўлғониға далил учун ушбу кимёвий амал кофий ва вофийдурки, масалан, нувшодир ва сулаймоний ва калий ёдот ва собун сўдаси ҳаммаси оқ ранглик жисмлардур. Ва ҳар қаюсини бошқа-бошқа шишаға солуб, сув бирлан эрутилса, сувға ҳал бўлгондин сўнг, мазкурларни сувда мухталитлиги кўзга маҳсус бўлмас. Ва сув гўёки соф ва холис кўринур ва ҳаргиз бул нимарсалар яна мунъақид бўлуб, сувдин ажралмас. Бас, агар биз нувшодир сувиға сулаймоний сувини қўшсамиз, дарҳол нувшодир ила сулаймоний бир-бирини мунъақид қилуб, шишадаги соф бўлиб кўринган сув дафъатан гўё чириган сутдек бўлуб, оқ ранглик дурда ҳосил қилур. Ва шу соатда мазкур дурда сувдин ажраб, шишанинг тагиға ўрнашур. Ва мазкурни бир латтадин сузуб ўтказсамиз, упадек оқ жисм ажралиб чиқар ва ани ҳар бир заррасини даво учун қўтурға ва хорижлик жароҳатлар эмомодиға таркиб қилинса, натижада нувшодирни ва сулаймонийни таъсири бўлур.

Бас, маълум бўлдики, нувшодир сулаймонийға ва сулаймоний нувшодирға оқид ҳам бўлди ва бир-бирини ҳамма ажзосиға мураккаб ҳам бўлди. Ва агар мазкур нувшодир сувиға калий ёдот сувини қўшсамиз, дафъатан шул ҳолда сувдин қизил ранглик дурда ҳосил бўлур. Ва ани латтадин сузуб олсамиз, шингарф монанд бир қизил жисм ажраб чиқар. Ва агар ҳар заррасини даво учун истеъмол қилинса, натижада ҳам нувшодирни ва ҳам калий ёдотни таъсири мавжуд бўлур. Бас, маълум бўлдики, бул сувратда нувшодир ила калий ёдот ҳар иккиси ҳам бир-бирига оқид бўлди. Ва ҳам бир-бирини ҳамма ажзосиға мураккаб бўлди. Агар мазкур нувшодир сувиға собун сўдасини қўшсамиз, дафъатан сувда сариғ ранглик дурда ҳосил бўлурки, ани латтадин сузуб ўтказилса, латтада зардчуба (зарчава) монанд бир сариғ жисм қолур. Бас, агар ани ҳар заррасини даво учун истеъмол қилинса, натижада ҳам нувшодирни ва ҳам сўдани таъсири ҳосил бўлур. Бас, маълум бўлдики, нувшодир ила сўда ҳар иккиси бир-бирига оқид бўлуб, мазкур жисмнинг ажзосида ҳар иккиси мураккабдур.

Ва инчунин, эркак бирлан хотунинг манийси ҳам бир-бирларига бир жиҳатдин оқид ва бошқа бир жиҳатдин мунъақид бўлуб, фарзандни ҳамма ажзосида ҳар иккиси мураккаблиги шубҳасиз ва қудрати Илоҳийга осондур.

Ва яна кўб маротаба тажрибага етгандурки, жисми кичик бўлгон сигирни агар катта жисмлиқ буқадин тўхтатилса, андин ҳосил бўлгон бола ҳам катта жисмлиқ бўлуб, таваллуд вақтида анинг жисми сигирнинг ази манастига, яъни корсон устихонининг тешугига сиғмай оқибат сигир ҳам, боласи ҳам ҳалок бўлур. Бас, бу маънидин ҳам сариҳ (равшан) зоҳир бўлурки, боланинг ажзосига отанинг манийси ҳам мунъақид бўлиб қўшилмоғи шубҳасиздурки, мазкур бузоқнинг жисмидаги зиёда катталиқ, албатта, зиёда жисмлиқ буқанинг жисмидин келган зиёда миқдорлиқ манийдин қўшулуб ҳосил бўлгон зиёдалиқдур. Фа-та-аммул.

АММА-Л-ҚАЗИБУ (АММО ЖИНСИЙ ОЛАТ БАЁНИДА)

Аммо закар (олат) оз миқдор гўштдин ва кўб миқдор пайдин ва шароиндин ва авридадин ва работдин ва гишои работий ва узладин мураккабдур. Чунончи, масона гарданидин ўтуб, то закарнинг учиғача мажро йўл бўлгон учинчи табақа гишои масонанинг икки тарафидин икки жисми лаҳмоний (гўшт жисм) тувлан (узунастига) муттасилдур. Ва бу гўшти мутахалхал ва кўб тешуклидурки, нуъуз (турган) вақтида ҳаммаси қон бирлан тўлғай. Ва бўйи мана устихониғача муттасил (ёпишган)дур. Ва эни закарни икки ёнидин то уст тарафиғача етиб, бир-бирига муттасил бўлгондур. Лекин уст тарафи юпқароқ ва икки ёни қалинроқдур. Ва бир пора гўшти мутахалхал ва юмшоқдур, мажройи бавл (сийдик йўли) анинг остидин то закарнинг илдизиғача тортилгон ва икки тарафи аввалғи икки жонибда бўлгон гўштга етгондурки, бу уч адад гўшт бирлан мажро иҳота қилингандур, лекин ҳар бир гўштни бир гишои работий иҳота қилиб, уч бўлак гўштни уч бошқа гишо иҳота қилгондур. Ва гўштарнинг бир-бирига иттисоли (ёпишуви) икки гишо воситаси бирла муттасилдур. Ва бу охиричи гўшт ғоятда юпқадурки, гўё тери кабидур. Ва бу гўштарга кўб адад шароён ва вариқ шуъбала-

ри таралгон ва бу шараёнларни бўйи закар (олат)нинг бўйиға муносиб бўлса ҳам, лекин эни йўғонроқ ва кенгроқ бўлур. Бу мажмуъ жисмларни устидин бир гишои работий иҳота қилгондурки, ҳаммаси хонадордур. Ва бу гишо қалин ва қаттиқроқ бўлур. Ва бу гишони учи ҳам ўона устихониға муттасилдур. Ва закарнинг илдизиди масона (қовуқ) гарданнинг учроғиди эмчак ҳулумасиға ўхшаш уч адад гўшт гуддаси (туғуни) бордурки, гўё пойи форсийнинг¹ нуқтаси шаклиди икки адад гудда бавл мажросининг икки жонибида, учинчи гудда мажронинг орқа тарафида, аввалғи икки гуддадин пастроқда воқеъдур. Ва икки адад гўшт гуддасини устидин икки адад узла ҳар икки жонибида бўлиб, бунинг бир тараф учининг работи ўонани устихониға марбутдур. Ва иккинчи учларидағи ватарларнинг баъзи қисми мажрони ва гуддаларни ўрб келиб, бир-бирига қўшилгандурлар. Ва баъзи ватарлар закардағи гишои работийға қўшилгандурлар.

Ва бу мажмуъ жисмларнинг устидин думғаза фақрасининг нухоъидин (ҳароммағзидин) кўкарган пайи ҳассоса иҳота қилгондур. Ва ани устидин тери қоплангондурки, шул мавзеъ терисининг ҳисси ҳам бошқа аъзо терисининг ҳиссиға нисбатан закийроқдур. Бас, бу таркиботда мазкур бўлгон ажзонинг манфаъати шулки, ҳар гоҳ эркакнинг дилиға хотун хоҳиши тушса ва дил ва табиат шул хоҳиш ва ҳавасға мутаважжиҳ бўлса, ул вақтда дилнинг шуъбаларидин кўб миқдорда қон ва руҳ келиб, ҳам вариддин кўб миқдор қон ва руҳи табиий келиб, мазкур томурлар қон ва руҳларни имтимоъи ила тўлуб, йўғон тортилур. Ва гишои работийнинг хоналариға рийҳлар, яъни боди латифлар тўлиб, закар (олат)нинг ҳажми йўғонлашиб, гишои работийни ҳадд ал-имкон чўзиб, ҳаттоки мазкур гишо ўзининг қаттиғлигини зиёда чўзилмоқдин ожиз бўлур. Ва кўб миқдор қон ва руҳ ва рийҳлар танглик жойда мужтамиъ (жам) бўлгонларидин закарда қаттиқлик ҳосил бўлур. Ва закарнинг ҳажми қон ва руҳ ва рийҳ бирлан зиёдалашғони учун ўонаға бир учи марбут бўлгон гишои работийнинг бўйи қисқалик қилиб, ташаннуж (тортилиш) ориз бўлур. Ва натижада бу гишо закарни ҳам ўона тарафига тортғони учун закар юқориға тортилиб кўтарилурки, нуъуз (туриш) шундин иборатдур.

¹ Пойи форсий – форсча «п» ҳарфи назарда тугилмоқда, унда учта нуқта бор.

Бас, агар шул ҳолда масола гарданининг икки жонибида воқеъ бўлгон ва мажро йўлини қўшиб ихота қилгон узлани андак ҳаракат қилдурилса узла тортилуб, мазкур икки гуддани мажрои бавлга сиқиб, мажро ичидаги бавлни тазйиқ қилиб, шиддат ила чиқарур. Ҳам мазкур узланинг иккинчи учи закарнинг гишои работийсиға марбут бўлғони учун закарни ҳам юқорига андак тортиб кўтарур. Ва агар мазкур узлани кўброқ ҳаракат қилдирулса, мазкур икки адад гуддани мажронинг икки жонибидин маҳкам сиқиб, мажрони банд қилур. Ва учинчи гуддани қадди андак узунроқ ва мавзеъи аввалги икки адад гуддадин пастроқ бўлиб, буни ҳам икки узла ихота қилгондурки, мазкурларнинг учлари бир-бириға мажрони орқа тарафида қўшилгон ҳолда ўнадин кўкаргон масонаға бешинчи гишо ҳисоблангон гишои узлийға марбут бўлуб, иккинчи учлари закарнинг гишои работийсиға марбутдур. Бас, агар узлани ҳаракат қилдурилса мажрони орқа тарафидин ғамз қилуб, олди тарафга мойил қилур. Ва ҳам закар (олат)ни юқорига кўтарурки, қобили идхол (киришга қобил) бўлур. Мазкур узла ва гуддалардин баландроқда мажрои бавлнинг ибтидосида бир гудда бордурки, андин вадий ҳосил бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, закарда (олатда) уч хил мажро йўл бордур. Бири бавл (сийдик) ва вадий мажроси (йўли)дур. Ва иккинчиси мазий мажросидур. Ва учинчиси маний мажросидур. Ва бу уч мажро закар илдизида бир-бирлариға қўшилуб, мажмуъи бир аҳлил бўлгондур. Ва аҳлил закарнинг ҳашафасидин (бошидан) то илдизиғача воқеъ бўлгон тешукнинг номидур. Ва вадий, ба доли муҳмала, бир рутубати лажижа ва ширадорнинг номидурки, бавлнинг сўнгидин келғони маҳсус бўлур. Ва мазий, ба золи муъжама, рутубатики, вақти шаҳватда закарнинг учида зоҳир бўлур. Ва бу уч хил мажрони ва икки хил рутубатни хилқатида ҳикмат шулки, мажрои бавлни қаттиқроқ жисмдин халқ қилинуви муносибдур, токи бавлнинг ҳиддати ва анга мураккаб бўлгон ахлотнинг ҳарқатиға (куйдиришиға) тоқатлик бўлғай ва озурда бўлмағай. Ва маний мажросининг хилқатиға ғоят даражада мулоим жисмдин халқ қилинмоғи муносиб эрди, токи манийнинг мулоим жисмдин тезроқ чиқмоғи осон бўлғай. Ва авъийадин отилиб чиққан он раҳмаға (бачадонга) кирғай. Бас, икки ҳол ва ҳолат бир-бириға зид бўлғони учун учунчи бир мажро ва рутубатни хилқати лозим бўлдики, икки зид

ҳол миёнасиға восита бўлғай, токи табаввул (сийиш) вақтида мажронинг қаттиқлиғи бавлни ҳиддатидин муҳофаза қилғай.

Ва жимъ (алоқа) вақтида аввалан мазий келиб, бавл мажросини ҳўллаб, мулойим ва равон қилиб берғай, токи маний осонлиғ бирлан нозил бўлуб, раҳмда барқарор бўлғай. Ва вадийни манфаъати ҳам бавлни мажросини ҳўллаб турмоқдур, токи масонада муҳтабис бўлиб (қамалиб) турғон бавлни ҳиддати ва ҳароратидин мажрои бавл қуруб ташаққуқ (ёрилиш) ориз бўлмағай. Ва бавлнинг ҳиддатидин мажро озурда бўлмағай.

Ва закар (олат)нинг ҳисси кўбдур. Хусусан ҳашафа (боши)нинг ҳисси ғоятда закийдур, токи ихтикоки мақомдин (жойнга ишқаланишдин) лаззати тамом ҳосил бўлғайки, агар бул ҳис бирлан инсон лаззатға мажзуб (берилган) бўлмаса эди, бундоқ саросари ҳикмат бўлғон кори машруъ (шариат иши)нинг шуруъиға (бошланишга) ҳеч ким залил (ночор) бўлмас эди. Шеър:

Он, ки шеронро кунад рубаҳ мизож,
Эҳтиёжаст, эҳтиёжаст, эҳтиёж.¹

Ва қазиб (олат)ни манфаъати зоҳирдурки, истифроғи фазла (чиқиндини бўшатиш) ва тасалсули насл (насл қолдириш) ва бақон навъ (ёдгор қилиш) учун саросари ҳикмати ҳар кимға маълумдур.

Аммо закар (олат)нинг миқдори тўвли (узунлиги) ҳар кимда ҳар миқдор ила мухталиф (ҳар хил)дур. Лекин қоидаи табиъадурки, соҳибининг панжасиға нисбатан олти панжа энидин қисқа ҳам бўлмас, ва ўн бир панжа энидин узун ҳам бўлмас. Ва раҳм (бачадон)нинг гардани ҳам инчуниндур. Аммо баъзан бу миқдордин зиёда ё кам ҳам мавжуд бўлур. Лекин ул миқдори табиъидин хорижийлиқи учун эътибордин соқитдур. Валлоҳу аълам.

¹ Шеърларни ҳам тулкидек ожиз қиладиган нарса, муҳтожлик, муҳтожлик ва яна муҳтожлик.

АММА-Л-ФАРЖУ (АММО АЁЛЛАР ЖИНСИЙ АЪЗОСИНИНГ БАЁНИДА)

Аммо хотун кишининг андоми (жинсий аъзоси) гўштдин ва гишои решадордин (попукли пардадин) ва шараёндин ва уруқдин (томирлардан) ва пайи ҳассосадин мураккабдур. Чунончи, зоҳир тарафдин аввалан маръий ва маҳсус бўлғувчи икки адад катта қалин лаб бордурки, бири ўнгда ва бири чапда бўлуб, ҳар иккисини икки тараф учи орқа тараф ва олди тарафдин муттасил (бирлашган)дур. Бас, орқа тарафдин муттасил бўлгон маҳаллни арабда зовиййа дерлар ва лотинда камисур дерлар. Ва олди тарафдин муттасил бўлгон маҳалл арабда зовият ул-дахлиз ва форсийда домани фарж (андомнинг этаги) ва кафшандоз ва пойнак ва туркийда ёғлиқ ва бойлиқ дерлар. Бас, мазкур икки лабнинг зоҳир тарафи бадан терисидурки, ажзои фарждин эмас. Аммо терининг остида гўшти гудадий (тугун гўшт) бордурки, гоят даражада кичик гуддалардин мураккабдур. Ва гуддалардин доим андак рутубат тарашшуҳ қилиб турар, токи ани дохилидаги гишоларни бадан ҳарорати ила қуруб қотмасин учун ҳўллаб турар. Ва эркак бирлан имтисос (силашган) вақтида қаттиқликдин ҳар икки тарафга монёи лаззат бўлмағай. Ва ани тагида гишои решадор воқеъдурки, ҳисси закийдур. Ва ажз фақрасининг нухоъидин (ҳароммағздин) кўкарган пайдин мураккаб бўлгондурки, вақти ихтикоқда (ишқаланишда) лаззати тамом ҳосил қилур.

Ва ани тагидаги гишои лазижи рутубий воқеъдур, токи бавлнинг ҳиддатидин гишои решадорга озор етмоқга монё бўлғай. Шул мажмуъни катта лаб деб тасмия (исм) қилинур. Ва буни ичида яна икки кичик лаб бордурки, юпқа ҳам қадди қисқадур. Ва буни ҳақиқати катта лабнинг дохилидаги гишои лазижани доманидурки, мазкур маҳаллда андак гириҳ ва чинлик ҳосил қилиб, ҳажми қалин бўлгондур. Ва анинг манфаъати мужомаъатдин (алоқада) идхол (қўшилиш) вақтида ва бавл (сийдик)нинг баъзи мухталит ахлотини ҳиддатидин табавул (сийиш) вақтида озурдалиқга монё бўлғай. Ва бу икки кичик лабни ўртасида бир гудда (тугун) шакллик гўшти зоид (ортиқча гўшт) бордурки, номини арабда базра (тиллик) дерлар. Ва бу зоид (ортиқча) гўё закар (олат) кабидур, яъни эркакни закар (олат)ида мураккаб бўлгон ажзони ҳаммаси ҳам шул базрага мураккабдур.

Фақат закарда мажрои бавлни тагида тортилгон жисми узлий базрада йўқдур ва бошқа жиҳатдин гўё хотунларнинг закари демоқ мумкиндур. Яъни, жимоъни орзусида эркакни закар (олат)и турғонидек, базра ҳам турар. Ва базрани таги ва илдизи раҳм гарданига мувозий бўлиб, худ раҳмга яқингача ичкари кирган бўлур. Ва хотунларнинг авъийайи манийси (уруғ идиш) шул базрани охирида бўлур. Ва базрани боб тараф ёнида бир тешук воқеъдурки, мажрои бавлдур ва ани ташриҳи ва таркиби айнан эркакни мажройи бавли кабидур. Такроран баёни лозим эрмас.

Ва бу тешукни орқа тараф ёни боб ул-фарж (андомнинг эшиги), яъни раҳмнинг йўлидур. Ва маҳалли бобни атрофида икки адад узла фарзан тортилиб, раҳм йўлини ихота қилгондурки, бири боб (эшик) бирлан мақъад (орқа тешик)нинг миёнасида ва бири базра тарафда воқеъдур. Ва мақъад тарафни узласи йўғонроқ ва бақувватроқдур. Аммо базра тарафни узласи ингичкароқ ва узунроқ ва заифроқдур. Ва буларни рабти(алоқаси) шул тариқададурки, орқа тараф узлани икки учи бобни ва мажрои бавлни ихота қилиб, базрадаги гишо узласига марбутдур. Ва базра тарафни узласи мажрои бавлни ҳам ихота қилиб, мақъад узласини работига марбутдур. Ва шул икки узлани ҳаракати инқибозиясида раҳмни йўли мунқабиз ва банд бўлур. Бинобарин, номини боб (эшик) дерлар. Ва мазкур икки узлани номини баввобон, яъни дарвозабон дерлар.

Ва бу узлаларнинг ҳаракати инқибозиясининг ҳосил бўлгон тазйиқ ва танглик бавл йўлига ва раҳм йўлига ва мақъад йўлига муштарак ҳосил бўлур. Лекин орқа тараф узланинг икки учи базрага марбут бўлгондин, инқибозда раҳм йўлини базра тарафга ғамз ва тазйиқ қилғони учун раҳм йўлига таъсири кўброқ ва мажрои бавлға мажрои раҳм восита бўлғони учун анга таъсир камроқ бўлур. Аммо базра тараф узлани икки учи мақъад узласини работига марбут бўлғони учун ани таъсири бавлға кўброқ ва мажрои раҳмға камроқ таъсир қилур. Аммо мақъадға таъсири батариқаи қабз эмас, балки батариқаи танбиҳдурки, ани учи мақъад узласига марбутлигининг инқибоз вақтида ани ҳам огоҳ қилур. Ва мақъад узласи ҳам ҳаракати инқибозиясига машғул бўлур. Бинобарин, уч йўлни ҳаммасида бандлик ва боблик ҳосил бўлур. Аммо дохили фарж мазкур бобдин раҳмгача миёнадаги масофадин иборатдур. Лекин дохили

фаржнинг ичига раҳмнинг гардани кириб, боб ул-фаржгача келиб муттасилдурки, икки табақа ғишодин мураккаб бўлгон кабидур. Ва фарж дохили баманзалаи убра (авра) ва раҳм гардани баманзалаи астар бўлгондур. Ва жимӯъ (алоқа) вақтида закар (олат) боб ул-фарждин (андом эшигидин) ўтса, бевосита раҳм (бачадон) гарданига кирар.

АММО-Л-УНСАЁНИ ВА-Л-АВЪЙЙАТУ ЛИ-Н-НИСОИ¹

Аммо хотунларнинг мояк ва авъийалари агарчи эркакнинг мояк ва авъийалари зимнида баён топгон бўлса ҳам, лекин баъзи фарқлари ҳам бордур. Бинобарин, мавриди фарқни қисқача баён қилмоқ лозим кўрилди.

Билмоқ керакки, хотуннинг мояги фарж (андом) дохилининг мунтаҳосида (охирيدا) ва фаржнинг ичиди ва раҳм гарданининг хорижида воқеъдур. Ва таркиби айнан эркак моягининг таркибий ажзоси кабидур. Магар ўна устихонидин кўкарғон уч табақа ғишо бу моякни иҳота қилмоғон, балки буйракни ғишосини бақиясидин ҳосил бўлгон ғишои решадор ва ғишои обдорғина ҳар бир моякни жудо-жудо иҳота қилгондур. Магар эркакларни моягини ҳар иккиси бир харитада (халтада) бўлғони каби хотуннинг ҳар икки моягини бир парда иҳота қилгондурки, у парда баъзи ҳукамо наздида ғишои ўнавийдин ҳисоб бўлса ҳам аксарларининг наздида ани фаржи дохилий, деб эътибор қилингондур. Чунки юқориди маълум бўлдики, фаржи дохилий раҳм гардани устидин ўраб олиб, баманзалаи обра (авра) бўлиб, раҳмга етгандур ва раҳм гардани фаржи дохилийдин келуб, баманзалаи астар бўлуб, боб ул-фаржга етгандурки, гўё бир енгнинг ичига иккинчи егни сукулғон кабидур. Ва мояк эса раҳм гарданининг маҳалли ибтидосида ва гардан хорижида ва фаржи дохилийнинг дохил тараф мунтаҳосида воқеъ бўлғони учун, албатта, ҳар икки моякни ва гардани раҳмни қўшуб иҳота қилмоғи бадиҳий ва зарурийдур. Ва бу моякнинг бири ўнг ва бири чап тарафдин фаржи дохилийга ва андин ўтуб, ўна устихониға марбутдур. Ва ҳар моякдин бир томур кўкаруб, фаржи дохилийға мутавозий тушуб, боб ул-фаржга

¹ Аммо аёллардаги икки мояк ва уруғ идиши баёни.

етгондин сўнг яна юқори тарафга қайрилуб, буйракнинг ҳолиб исмли томурига муттасилдур. Ва ҳақиқатан бу томур мояк томури эмас, балки ҳолибни моякни мунтаҳо бўлгон ичидурки, ани воситаси ила буйракдик моякга жавҳари маний келиб, моякда ҳазм бўлуб, маний бўлур. Сўнгра моякни иккинчи тараф тешугидин авъийага маний ўтказур. Ва яна хотунларнинг мояги эркакнинг моягига назаран кичикроқ ва мудаввар (юмалоқ)роқ ва кўрс шаклга мойилроқ, яъни анжир шакллик бўлурки, фами раҳмга яқин маҳаллда раҳм гарданининг асли ила фаржи дохилийнинг мунтаҳоси мобайнида воқеъдур.

АММА-Л-АВЪИЙА (АММО УРУҒ ИДИШИНИНГ БАЁНИ)

Аммо хотун кишининг авъийаси базра (тиллик)нинг мунтаҳосида моякга қариб маҳаллида ва мазкур базранинг дохилидадур. Ба ин тариқаки, ҳолибдин жавҳари маний еткузмоқ учун моякга келгон шуъбаси кўб шуъбаларга ажраб, мояк ғуддаларини ҳаммасига таралгондин сўнг, иккинчи тарафдин яна бир-бирлариға қўшилиб, катта мажро бўлуб, ўнг тараф моякдин чиқгон базранинг ўнг тараф ниҳоясиға ва чап тараф моякнинг мажроси базранинг чап тараф ниҳоясида муттасил бўлгондур. Ва бу иттисол (ёпишув) ҳақиқатан авъийа иттисолидурки, базранинг нисфи аълосининг ичида махлуқ (яратилган)дур. Ва ҳар бир тарафнинг авъийаси мунтазам тасбиҳ дона шаклида бўлиб, ибтидоси базрани мунтаҳосидин бошлаб то нисфиғача келгон, сўнгра яна юқори тарафга рожий (қайтган) бўлуб, тасбиҳ каби икки қабати бўлгон икки тараф авъийаси тўрт қабат шаклида бўлуб, охири қозифга муттасилдур. Ва қозиф деб раҳмда ва фами раҳмга қариб маҳаллнинг ўнг ва чап тарафида бир ададдин ҳар икки тарафида икки адад воқеъ бўлгон тешукни айтилур. Ва қозифни маъноси раҳмга (бачадонга) маний отғувчидурки, вақти мужомаъатда эркакни манийси закардин раҳмга отилгонидек, хотиннинг манийси қозифдин раҳмга отилур. Лекин хотунларда авъийа ва қозифнинг тешуги танг бўлгонидин аларнинг инзоли манийлари бир дафъада ҳосил бўлмас, балки бир неча дафъа инзол (оқувчи) бўлур. Шунинг учундурки, эркак бир дафъа инзол (оқиш)дин сўнг заифланур, аммо хотун ҳаттоки такрор жимоъ (алоқа)дин заиф-

ланмас, ҳатто фоҳишалар мутавотир (пайдарпай) жимоъни охири-чи-сида ҳам аввалги навбат каби, балки зиёдароқ толиб ва мустализ (лаззат олувчи) бўлур, деб ривоятлар масмуъ (эшитилган) дур. Бинобарин, мужомаъатда эркакни баъд аз инзол (оққандан сўнг) зуд ажралмаслиги, балки андак-андак таҳрик (ҳаракат) да давом этмоғини тавсия қилинур, токи хотундин маний кам нозил бўлуб, вужуди фарзанд ноқис бўлмоқдин ёки вужуди фарзандга кофий бўлмоғони учун ҳамл бўлолмай қолмоғидин эҳтиётлик бўлғай. Ва ҳам хотунга касрати илтизоз (лаззатнинг кўплиги) мувжиби мусодақат (садоқат сабаби) ва муҳаббат бўлур. Ва хотуннинг касрати илтизози сабаби қаноат ва боиси тавфиқ бўлуб, ҳавоий шайтоний ва хаёли нафсоний шарридин (ёмонлигидин) пардаи исматини (иффатини) муҳофаза қилур.

АММО-Р-РАҲМУ (АММО БАЧАДОН БАЁНИ)

Аммо бачадон жисми асабонийдур, яъни юмшоқлик ва оқликга ўхшаган жисмдин ва худ асаби димоғий ва аврида ва шароин ва узладин мураккабдур. Мавзеъи масона (қовуқ) ва миъойи мустақим (тўғри ичак) ва киндикнинг ўртасида турар. Ва раҳмининг унуқи, яъни гардани бордурки, ани қадди то боб ул-фаржғача етар. Ва шул гарданнинг илдизини хориж тараф икки ёнида мояк турар ва гарданнинг бўйига нисбатан икки жойда ва энига нисбатан тамоми гардан ва атрофида чин, яъни ўз-ўзига йиғилганлик ва гириҳ бўлуб бурушганлик бордур. Ва бу чиннинг манфаъати шулки, вақти валодатда мазкур чинлар ёзилиб, гардан васиъ (кенг) ва узун бўлғай, токи бола-нинг йўли ва хуружи (чиқиши) осон бўлғай. Ва мужомаъат (алоқа) вақтида танг (тор) ва қисқа бўлур, токи жимоъ (алоқа)дин ҳар икки тарафга лаззат зиёда бўлғай.

Ва таркиби уч табақа ғишо ва шароин ва аврида ва узлалардин мураккабдур. Чунончи, биринчи табақа ғишои узлийдур, яъни беадад майда узла (мушак)ларнинг таркибидин ҳосил бўлгон ғишодур. Ва узлаларнинг вазияти мойилдур, яъни бўйига ҳам тўғри эмас ва энига ҳам тўғри эмас, балки бўйи ила эни миёнасига тортилгондур. Ва ани фойдаси валодат вақтида хоҳ бўйига ва хоҳ энига ва-

сий бұлмоқға қобил бұлур. Лекин бу узлаларнинг ҳаракати ихтиёрий эмас, балки табиийдур. Ва иккинчи табақа гишоси гишои асабонийдин мураккабдур, яъни оз миқдор асаби ҳассосадин ва кўб миқдор работдин ҳам уруқ (томирлар) ва шароин шуъбаларидин мураккабдурки, номини гишои ноъиза дерлар, яъни турадурган парда дерлар. Чунки хотуннинг дилига жимоъни хоҳиши тушуб, дил ва табиати шул орзуға мутаважжиҳ бўлса, мазкур шароин ва варидларға қон ва руҳи нафсоний ва руҳи табиий ва рийҳлар кўб келуб, томурлар тўлуб, гўё закар (олат)нинг нуъзидек (турганидек) нуъуз қилур (турур). Ва парда ҳам қонлар ва руҳларнинг ижтимоъи ила ҳажми кенг бўлуб, варам (шиш) ҳосил қилур. Лекин бу парданинг устидин гишои узлий ўраб сиқиб турғони учун бу варам хориж тарафға тарала олмай, ночор ҳамма ҳажм дохил (ич) тарафида ҳосил бўлуб, раҳм гарданида танглик ориз бўлур. Ва закарни тазийқ ва ғамз қилмоқға муқтазий бўлур. Ва бу ҳолатдин ҳар икки тарафға лаззат ҳосил бўлур.

Ва учинчи гишо гишои лазижадурки, ғоятда юмшоқ ва рутубатликдур. Ва бу гишони дохил тараф сатҳида беадад майда ғуддалар воқеъдур. Хусусан, раҳм оғзиға яқин жойида ғудда кўброқ мавжуддурки, буларнинг нафъи ва вазифаси доимий ўзларидин луъоб, яъни ширадор сув чиқариб, раҳм гарданининг ичини ҳўллаб турар, токи раҳм гардани баданнинг иссиғидин қуруб кетмағай. Хусусан валодат (туғиш) вақтида кўб луъоб чиқаруб, гардан ичини тойғоқ ҳўл қилиб турадур, токи боланинг андин ўтиб тушмоғи осон бўлғай.

Ва боб ул-фаржға (андом эшигига) яқинроқ жойда ҳар икки тарафидин икки адад тешукча, яъни мажрои мазий воқеъдурки, ҳар икки тараф авъийани мунтаҳосида воқеъ бўлгон икки адад мазий ғуддасиға (туғунига) вобастадур. Ва ани манфаъати жимоъни ҳаваси бирлан базра (тиллик) ҳаракатға кирған вақтда мазкур тешукдин сув, яъни мазий гарданини ва фаржни ҳўл ва равон қилур. Токи, жимоъда закарнинг духули (кириши) раҳмға осон бўлғай. Ва гарданни оғзида гардан гишосини бақия (қолган) лифлари (торалари) ингичка томур шаклида бўлуб, бир-бирлариға тўқулгон ва алоҳида парда шаклида бўлуб, мазкур йўлни банд қилгондурки, бакорат (қизлик пардаси) шул пардадин иборатдур. Ва закар (олат)нинг идҳолида (киришида) мазкур парданинг йиртилмоғи иқтисозии бакоратдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бул парда ҳар кимда ҳар ҳолда бўлур. Чунончи, базида ғоятда нозик ва юққа бўлуб, андак садма (туртки) бирлан йиртилур. Ва базида қалин ва қувватлик бўлуб, ийлож ва идхоли закар (олатни юбориш) бирлан йиртилмаски, ани турк истилоҳида битов дерлар. Ва баъзи одамда ғоят даражада нозиклиғидин қаттиқ иситма касалида мазкур парда қуруб ўзича ёрилғон бўлур ёки ийлож (суқиш) учун қўлни панжасини юбормоқ зарур бўлса, ани сабаби бирлан ёки боланинг баланддин пастликға сакрамоғи ва йиқилмоғи бирлан йиртилмоғи мумкин бўлур. Ҳатто баъзи одамнинг хилқатида батариқаи надрат (нодир ҳолда) бу парда зотан (аслида) бўлмас. Шунинг учун бу пардадан холий бўлғон қизнинг шаъниға зинҳор таъна қилмаслик керак. Ва зониййа (зинокор) деб суъи занн (ёмон гумон) қилмоқ шаръан ва ақлан раво эрмас.

Ва раҳм гарданининг қадди миқдори табиий бирлан ўз соҳибининг панжасиға нисбатан олти панжа энидин қисқа ҳам бўлмас. Ва ўн бир панжа энидин узун ҳам бўлмас. Чунончи, закар (олат) ҳам инчуниндур. Ва эрнинг закари бирлан хотиннинг гардани раҳми узунлик ёки қисқалик нисбатида бир-бирларига мувофиқ бўлса, ҳар икки тараф учун жимоъни (алоқани) лаззати маҳсус (ҳис қилинган) бўлиб, миёналарида бир-бирларига мусодақат (дўстлик) ва муҳаббат ва таҳаййуллариға боис бўлур. Ва агар мазкур нисбатда ҳар икки тараф бир-бириға баробар бўлмасалар, наъзу биллаҳки, бу таносубсизлик миёнаға боиси муҳосама (душманлик) ва мужодала (жанжал) ва мунофара (нафрат) бўлур. Чунки эракнинг закари баманзалаи қолибдур ва раҳмнинг гардани баманзалаи ғилофдур, ҳар иккинчисини бир-бириға тавофуқи (мослиги) боиси издиёди лаззат (лаззатнинг зиёда бўлиши) ва роҳатдур ва адами татобуқи (мосликнинг йўқлиги) мазжуби адами қаноат (қаноат йўқлиги) ва боиси нафратдур. Ва гардани раҳмнинг ўзи ҳақиқатан бир анбуба (найча) шакллик мажро бўлса ҳам, лекин би-т-табъ мунзамм (ёйилган)дур, яъни пачоқ ва холийликдин ўз-ўзиға ёпишғон шаклда турар. Ва қадди ҳам андак хамроқ ва фарждин бошлаб тақрибан икки вершукдин камроқ миқдори амудий бўлиб, миъойи мустақимға мутаवзий бўлуб, андин юқори тарафи киндик тарафға мойил бўлуб бориб, фами раҳмға муттасилдур. Ва вусъати (кенглик) фами раҳмға муттасил бўлғон жойи андак кенгроқ ва боб ул-фаржға муттасил бўлғон жойи андак торроқ ва бошқа жойлари ҳаммаси баробар

вусъатдадур (кенгликдадур). Ва фами раҳм гардан ила раҳмнинг миёнасига чегара бўлуб, раҳмдин ҳисоб бўлур.

Ва раҳмнинг манфаъати қабули ҳамл (ҳомила) қилмоқ ва ҳамл (ҳомила) тарбия ва такмил қилмоқдур. Ва мавзеъи масона (қовуқ) ва миъойи мустақим (тўғри ичак) киндикни миёнасидур. Ва шакли бил-жумла нок мевасининг шаклига мушобиҳ (ўхшаш)дур, яъни гардан тарафи тангроқ ва юқори тарафи васиъ (кенг)роқдур. Ва узунлиги гарданининг миқдоричадур. Ва ҳажми ҳар вақт ҳар миқдорда мухталиф (ҳар хил) бўлур. Чунончи, бокиралик (қизлик) вақтда раҳмнинг бўйи уч панжа энига баробар бўлур ва эни уст тарафи, яъни энлик тарафи икки панжа энича бўлур. Ва қалинлиги бир панжа эни миқдорича қалин бўлур, фаразан агар шул вақтда раҳми кесиб олуб, тарозуда тортулса, катта жисмлик қизни раҳми ўн икки мисқол ва кичик жуссалик қизнинг раҳми саккиз мисқол тахмин қилинур. Шул вақтдаги раҳмнинг мавзеъи ёнада миъойи мустақим ила масона ўртасида бўлур ва киндикга етмас.

Ва шул мавзеъда работлар бирлан атрофга банд бўлгон ҳолда қойим ва рост турар. Чунончи, икки работ раҳми олди тарафидин, яъни ўнг тарафга мойилроқ бир маҳаллдин бир работ ва чап тарафга мойилроқ маҳаллдин бир работ чиқиб, то масонага етиб, масонанинг банд бўлгон жойига банд бўлгондур. Ва икки работ раҳмнинг орқа тараф ўнг ва чапга мойил маҳаллидин миъойи мустақимга банд бўлгондур. Ва бир работ ўнг ёнидин ва бир работ чап ёнидин чиқиб, ёнадаги гишои обдорга пайваста бўлгондур. Ва фи-л-ҳақиқат раҳмнинг хорижий биринчи табақаси шул работдин мунташир бўлгон гишодур.

Ва агар бокира (қиз) саййиба (аёл) бўлиб, мужомаъат батакрор воқеъ бўлса, раҳм ҳам катта бўлуб, бўйи гарданининг бўйига баробар бўлур. Ва ёна устихонидин ҳам андак кўтарилгон бўлур. Ва агар ҳамл пайдо бўлса, раҳм яна катта бўлуб, киндикга етар. Ва ҳам васиъ бўлур, баъд аз валодат (тўққондан сўнг) яна оҳиста аввалги ҳоли авсатиға (ўртача ҳолиға) ружуъ (қайтиш) қилур.

Ва раҳмнинг тариқаи таркиби шундоғдурки, уч табақа гишои асабонийдин мураккабдур. Чунончи, хориж тараф биринчи табақаси гишои обдордур. Ва работдин тўқилгон гишодурки, анда мутлақо ҳис йўқдур ва беҳислиғининг манфаъати ҳамлни сақлийъатидин озурда бўлмасликдур. Ва холис работдин махлуқлигининг ман-

фаъати дохилий гишоларни ва ҳамлини ва машина (йўлдош)ларни ҳофизи (сақловчиси) ва ҳомили (кўтарувчиси) бўлғони учун бақувват бўлмоқлиги муносибдур. Бинобарин, работдин махлуқ (яратилган)дур.

Ва иккинчи табақа гишои узлийи қобизадурки, ғоятда қалин гишодур. Ва бу гишо кўб узлалардин мураккабдурки, баъзиси раҳмининг бўйиға ва баъзиси эниға ва баъзиси муарраб, яъни бўй ва энининг миёнасиға мойил тортулғондур ва бу узлаларни ҳаракати инқибозияси (торайиш ҳаракати) ихтиёрий эмас, балки табиийдур. Ва бу гишода асаби ҳассосаи димоғийадин андак шуъба келиб, реша-реша (томир) бўлуб таралғондур, токи раҳмға мунофий (зид) ва мухолиф нимарса ориз бўлса, ани эҳсос қилғай. Ва жимӯ лаззатидин муталаззиз (лаззат олувчи) ва баҳравар бўлғай. Ва раҳмининг димоғ бирлан ширкати (шериклиги) шул асаби димоғийнинг воситаси бирландур ва бул гишода кўб варид ва шараён шуъбалари таралғондур ва мазкур томурларнинг оғизлари дохил тарафға очикдурки, гўё мазкур табақани дохилий сатҳи ҳаммаси чуқур ва мағок (ўра)лар каби кўринурки, номини арабда нақр ур-раҳм (бачадон чуқурлари) дерлар.

Ва учинчи табақа гишои лазижадурки, истилоҳи атиббои мутааххин наздида ҳақиқатан гишо деб ҳисобланур. Аммо атиббои мутаққаддимин наздида ҳақиқатан гишои мустақилла ҳисобланмас, балки истилоҳан гишо деб тасмия қилинур (аталур), чунки бу гишо ҳақиқатан зағабдур, яъни шафтолунинг туки ва беҳининг туки каби иккинчи табақа гишонинг дохилий сатҳида воқеъ бўлғон тук масаллик попуқ жисмлардурки, бир-бирлариға ҳақиқатдан мутгасил бўлуб, гишолик ҳолиға келмоғондур. Ҳам иккинчи табақани текис сатҳидагина бу зағаб воқеъ бўлса ҳам, мағок жойлари зағабдин холидур, бинобарин, раҳмдаги боланинг гишоси, яъни йўлдош пардаси раҳмининг нақри (тешиги)ға муртабит (боғланган) бўлур. Ва нақрдин тамс қони йўлдош ичиға ўтиб, болаға физо бўлур. Яъни, боланинг баданиға жузви бадан бўлиб қўшилур.

Ва бу табақаи мазкура хотунларда икки хоналик бўлурки, бири ўнг тараф ва бири чап тараф хонадур. Гўёки икки раҳм (бачадон)

кабидур, аммо гардани бирдур. Ва инсондин бошқа ҳайвонот раҳмларининг хонаси эмчакларнинг ададиға баробар бўлур ва шул адад бола туғмоқлари мумкин бўлур. Шунинг учун итларда эмчак кўплигининг кўб адад бола туғадур. Ва инсонда икки адад эмчак бўлгони учун баъзан икки адад бола туғадур. Аммо баъзи хотунларни бир ҳамл ила уч адад ёки тўрт адад туғди деган хабар мутавотирли хабар бўлса ҳам қонуни табиийға хилоф нодирдур. Эҳтимолки, ани хилқатида батариқаи надрат (нодир ҳолда) раҳми тўрт хоналик махлуқ бўлгандур ёки бир хонада икки ададдин бола ҳосил бўлгандурки, амри Илоҳий қонуни табиийға фоиқ (устун)дур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, раҳми сатҳи дохилийсида бир тавқи мустадир (юмалоқ жисм) воқеъдур, яъни асабий бир жисм раҳмининг энига тортилиб, айланиб, доира шаклини олгандур. Ва бу доирада думба ёғиға ўхшаш андак дўнглик воқеъ бўлиб, ани устидин бавосир шаклик бир ғудда ҳосилдурки, бу жисм асаби димоғий (мия асаби)дин махлуқдур. Ва мужомаъат (жинсий алоқа)нинг лаззатини эҳсос қилғувчи шул асабдур. Ва раҳмининг гарданиға муттасил бўлгон танг жойини фами раҳм дерлар, яъни раҳмининг оғзи демакдур. Ва фами раҳмининг икки ёнида икки зоида (зиёда)лик жисм воқеъдурки, ани арабда қарнай ур-раҳм дерлар, яъни раҳмининг шохи демакдур. Бас, бу зоида ғўштдин қаттиқроқ, ғузруфдин юмшоқроқ жисмдурки, асаби ҳассосадур ва работдин мураккабдур ва қадди паст, лекин эни ёзиқ бўлиб, бир-бириға муқобилдур, ғўё ҳар иккиси балиқнинг лабидек бир-бирлариға жуфтлашсалар, раҳми йўли бекилур. Агар бир-бирларидан ажрашсалар раҳмининг оғзи очилгон бўлур. Ва жимоъ вақтида закарнинг боши мазкур зоидаға тегиб эҳсос қилур, ҳам закарнинг боши анга тегмоғи хотунға мўжиби лаззат ва боиси инзол бўлур.

Ва фами раҳм одатан доим берк бўлур, хусусан ҳомила вақтида чунон беркилурки, анга бир игна ҳам кира олмас. Магар вазъи ҳамл (туғиш) вақтида болани ўзидан чиқармоқ учун, ҳайз навбатида қонни ўзидин дафъ қилмоқ учун очилур. Ва инчунин, жимоъ вақтида эркакни манийсини сўриб, ўз ичиға олмоқ учун очилур. Чунки раҳмининг табиати доим манийға шавқлидур. Бинобарин, ҳукамо «анна-р-раҳма кааннаҳу ҳайвонун фий батнил-ҳайвани йатаҳарраку наҳва-л-матлаби ва ҳува-л-маний ут-таййибу» дегандур, яъни раҳм ғўё бир ҳайвоннинг қор-

нида турғон иккинчи бир җайвондурки, ўз матлаби (излагани) бўлгон манийи таййибни (тоза уруғни) тарафиға интилиб ҳаракат қилур, дегандурлар.

Бас, раҳмни ташриҳи ушбудурки, гўё эркакнинг мойги ва закари (олат) нинг акси демак мумкиндур. Чунки закарни муқобили гардани раҳмдурки, бири қолип ва бири ғилоф кабидур. Ва эркакнинг мойк харита (халта)сининг муқобилида раҳмдурки, ҳар иккиси гўё тарозини икки палласи каби бир-бириға баробар ва мутақобил (қарама-қарши)дур. Бас, раҳмни хилқатидин асл ғараз таваллуди жанин (бола туғилиши) бўлғони учун баъд аз ташриҳи раҳм (бачадон анатомиясидан сўнг) тариқан таваллуди жаниндин ҳам бир қадар баён қилмоқ лозим кўрилди.

ТАРИҚИ ТАВАЛЛУДИ ЖАНИН (БОЛАНИНГ ТУҒИЛИШ ЙЎЛИ)

Билмоқ керакки, раҳмнинг саҳиҳ ва саломатлик ҳолида эркакнинг манийси хотуннинг манийсиға қўшилиб раҳмда қарор топса, сўнгра бу манийни раҳмдин ихрож қилғувчи (чиқарувчи) офати хорижийлардин ва офати баданий ва нафсонийлардин эмин бўлиб турса, чунончи, хориждин идрори маний (уруғни җайдовчи) ва исқоти жанин қиладурғон (бола туширадиган) даволар истеъмоли воқеъ бўлмаса ва баданий офатлардин зўр иситма ва дарун касали ва зўр меҳнат ва қон истифроғи ва бошқалар воқеъ бўлмаса ва нафсоний офатларки, шиддатли кўрқув ва маъюслик, ғам каби ҳодисотдин воқеъ бўлмаса, бас, раҳмда ҳар икки маний бир-бирлариға қўшилгондин сўнг ғалаён қилурлар. Ва бир-бириға оқид бўлиб, дигари мунъақид бўлмоғидаги ҳукамо ва атиббо миёналарида бўлгон ихтилофни мойк ташриҳида маний мабҳасида муфассал баён қилинғондурки, ҳар бирларини даъволари ва далиллари маълумдур.

Аммо ақраб ба савоб шулки, бул ғалаёнда эркакни манийси ҳарорати мизожиййаси бирлан хотун манийсидин рутубати зоидасини таҳлил бериб, мунъақид қилур. Ва хотун манийси бурудати мизожиййаси бирлан эркак манийсини тазаввуби (эриши)дин ва эримоқдин манъ қилуб, мунъақид қилур. Ва ғалаён бирлан ҳар икки маний бир-бирларига хўб мухталит (аралаш) ва мумтазиж (қўшилган) бўлурлар. Сўнгра бу мухталит ма-

нийда тўрт адад хол нуқтаси пайдо бўлурки, бири маҳалли дилда, бири маҳалли димоғда ва бири маҳалли жигарда воқеъ бўлуб, бири шу уч нуқтани мажмуъини ихота қилурки, бу ғалаён бир ҳафтада тамом бўлур. Ва бу ҳолатни биринчи ҳолат дерлар. Сўнгра қизил нуқталар ва томур манфаз (тешик)лари пайдо бўлур. Ва ҳайз қонининг киндик тарафига жараёни маълум бўлур. Ва бу ҳолат тўрт кунда тамом бўлурки, буни иккинчи ҳолат дерлар.

Сўнгра бу мажмуънинг атрофи, яъни зоҳир тарафидин бир парда ҳосил бўлурки, гўё очик ҳавони таъсири ила хамрни зоҳир тарафи қотғони каби қота бошлагон ҳолат пайдо бўлурки, бу ҳолатни учунчи ҳолат дерлар. Ва бу ҳолат олти кунда тамом бўлур. Сўнгра баъзи аъзони баъзи аъзодин имтиёзи (фарқи) маълум бўла бошлар. Ва анга андак ҳайз қони ва ҳайвон қони тарашшуҳ қилур. Ва ҳайвон сувратиға айланмоқ учун қобил ва мустаъид (тайёр) ҳолатға келур. Ва бу ҳолат ўн икки кунда тамом бўлурки, номи тўртинчи ҳолатдур. Сўнгра аъзойи аслиялар бутун маълум бўлуб, эркак ёки урғочилиги равшан маълум бўлур. Ва бу ҳолат уч кунда тамом бўлурки, номи бешинчи ҳолатдур. Сўнгра ажзойи фаръиййалар (майда аъзолар) хилқати тамом бўлур. Ва уруқ (томир) ва мажорий (йўл) ва мафосил (бўгин) ҳаммаси зоҳир бўлур. Ва бу ҳолат беш кунда тамом бўлурки, номи олтинчи ҳолатдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бу ҳолатларни тамоми учун таъйин қилинғон муддат ва муҳлатлар аксариятға биноандур. Ва илло хотунни мизожи ва раҳмни қувватиға мавқуфдур. Чунки маълумдурки, муддати вазъи ҳамл (туғиш муддати) ҳар кимда ҳар хилдур, энг кам олти ойда туғмоқ мумкиндур. Ва аксари икки йилдин ҳам зиёдароқ раҳмда турмоқ мумкиндур. Инчунин, бу ҳолатларни муддати ҳам мазкур муддатға муносиб кам ва зиёд бўлур. Хусусан болани эркак ва урғочилигида ҳам муддат тафовут қилурки, эркак боланинг мизожи иссиқ ва ғалаёни ўткирлигидин эркак бўлғон бўлур ва ғалаёни ўткирлиги албатта, ҳолатларни тез ўзгаришиға сабаб бўлур. Ва қиз болани мизожи совуқ ва ғалаёни сустлигидин қиз бўлғон бўлур. Ва ғалаён сустлиги ҳолат ўзгаришлигининг кечикувига сабаб бўлур. Шунинг учун ҳукамо ва атиббо эркак болани хилқати ўттиз кунда ва кечиккани қирқ кунда тамом бўлур, аммо қиз боланинг хилқати тез бўлғонида қирқ кунда ва кечиккани эллик кунда тамом бўлур деган-

дурлар. Ва олтинчи ҳолатдин сўнг то туғилгунча ўсиб турар ва бошқа ўзгариш бўлмас.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳар кимни жавҳари наслиysi ўзида бўлгон вақтда номи маний (уруғ)дур. Агар раҳмга кириб қарор топса ани номи нутфадур. Ва бир неча кун ўтиб нутфани атрофида парда пайдо бўлса, номи алақадур. Ва анга қон югуруб, гўшт ҳолига келса номини мизга дерлар. Ва агар аъзони шакли маълум бўлса номини жанин дерлар. Магар анга ҳаракат ҳосил бўлса, номини ҳайвон дерлар. Ва мажозан то туғилгунча жанин ҳам дерлар.

Ва билмоқ керакки, боланинг хилқати тамом ва комил бўлгониға икки ҳисса муддат ўтса, бола ҳаракатга кирар. Ва ҳаракат муддатиға уч ҳисса муддат ўтса туғилар. Масалан, агар боланинг хилқати ўттиз беш кунда тамом бўлса, яъни икки ҳиссаси етмиш кунда ҳаракат қилур. Ва етмишнинг уч ҳиссаси икки юзу ўн кундурки, етти ой бўлур. Бас, хилқати ўттиз беш кунда тамом бўлгон бола етти ойда туғилур. Ва агар боланинг хилқати қирқ кунда тамом бўлса бола саксон кунда ҳаракат қилур. Ва икки юз қирқ кунда, яъни саккиз ойда туғилур.

Ажабоки, кўб замонлардин бери ўтмиш атиббо ва бошқа аҳли тажрибалар ниҳоят даражада тажрибадин ўтказмишларки, етти ойда туғилган боланинг аксари умр кечирар эмиш. Аммо саккиз ойда туғилган бола тез нобуд бўлар эмиш. Ҳатто бир ҳафта умр кечирғони жуда кам бўлур эмиш. Ва буни сабабиға ҳукамо ва мунажжимлар ҳар қаюлари ҳар хил фикр баён қилғондурлар. Лекин фил-жумла маъқулроғи шулки, агар бол бақувватроқ ва саломатроқ бўлса етти ойда ҳаракат қилиб, ўзини иҳота қилиб турғон пардаларни йиртиб, хорижга чиқиб, ҳам ўзини қуввати ва саломатлиги комил бўлғони учун ҳаётини сақлаб яшар. Аммо саккиз ойда туғилғони ҳам аввало етти ойда пардасини йиртиб, хорижиға чиқмоқни ҳаракат қилғон бўлур. Лекин ани саломатлиги ноқис ва қуввати кам бўлғони учун хорижга чиқолмас ва ҳаракати зое ва натижасиз бўлур. Балки бил-акс ўзини заифлиги устига чарчағонлигининг таъсири қўшилуб, ниҳоятда беҳол бўлур. Ҳатто агар беҳоллиги зўр бўлса, раҳмда ҳалок бўлур. Ва агар беҳоллиги сабаби ҳалокат даражасиға етмоғон бўлса, беҳоллик ила ночор ҳаракатдин тўхтоғон бўлур.

Ва саккизинчи ойда агар табиатни ёрдами ила яна ҳаракат қилуб, гарчи хорижга чиқиб олмоқ маяссар бўлса ҳам, лекин аввалги беҳоллигинин

ҳануз ўнглолмоғон вақтида иккинчи ҳаракатнинг кулфати илова бўлиб, яна беҳолланган ва нозиклашгон вақтида хориж ҳавоси анга беғоналик таъсир берар. Бинобарин, бола ҳаётини сақлай олмас. Аммо тўққиз ойға етуб туғилгон бола етти ойлик вақтида хорижга чиқмоқ учун ҳаракат қилмоғон бўлур ёки ҳаракат қилгон бўлса ҳам, лекин сўнги бир ой комил танаффусининг натижасида янги қувват ҳосил қилиб, тавоно бўлгон бўлур. Бинобарин, ани яшамоғи мумкин бўлур, дерлар. Аммо аҳли нужум (юлдузшунослар) боланинг раҳмда кечиргон умрини ҳар бир ойлик муддатини сабъайи саййёраға тасарруфан мансуб дерлар. Ва шул жумладин Зуҳал юлдузини наҳс дерлар ва ани навбати тасарруфи биринчи ойдур дерлар. Ва бошқа саййёралар бошқа ойларда ва ўз навбатларида тасарруф ва тарбияларини қилиб, саккизинчи ойи Зуҳални навбатидурки, ани таъсири наҳсдур. Бас, болани ибтидоий хилқати ҳам таваллуд вақти наҳс бўлғони учун бу бола яшай олмас, дерлар. Лекин Зуҳални наҳслиғи болани яшамаслиғига таъсир қилса, ажабо, биринчи ойда ҳам Зуҳални наҳслиғи на учун монеъи ҳамликға таъсир қилмаган экан. Вал-ҳаққу инда-л-Ҳаққи.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳайз қонида боланинг манфаъати учун уч хил хизмат бордур. Бири шулки, раҳмда болани баданиға сингиб жузви бадан ва ғизо бўлур. Ва иккинчиси эмчакға бориб боланинг баъд аз таваллуд ғизоси учун сут бўлур. Ва учинчиси, боланинг баданида раҳмда ғизо бўлгон вақтда андин ажралған фазласи раҳмда туриб, таваллуд вақтида ўзини лувоби ва шираси бирлан йўлни ҳўл ва тойғоқ қилиб, болани ва йўлдошини осонроқ чиқмоғиға хизмат қилур. Ва инчунин, боланинг раҳмда бўлгон вақтида уч қабат пўшиши (пардаси) бўлурки, болани тамоми аъзосини ихота қилиб ўрагон бўлур. Чунончи, биринчи пўшиш машина, яъни эшдур. Ва бу яна юпқа икки қабатдин мураккаб бўлуб, миёнаси майда томурлар бирлан тўқилгондур. Ва бу томурларда ҳайз қони юруб ҳам шул эшнинг, ҳам шу боланинг ғизоси бўлур. Ва иккинчи пўшиш эшнинг ичида бўлурки, ани номини арабда лифодий дерлар. Ва туркда қоғоноқ дерлар. Бас, бу парда боланинг сийдиги дафъ бўлмоқ учун мадфаъ бўлурки, агар шу мадфаъ парда бўлмаса эрди, бола сийдигининг ҳиддатидин раҳмда кўб алам ва офат ориз бўлур эди. Ва агар йўлдошнинг ичига сийдик тушса эди, анга фасод ориз бўлуб, бу фасоддин ҳам она ва бола ҳалок бўлур эдилар.

Ва билмоқ керакки, бола тў модомики раҳмдадур, ани сийдиги аҳлил (тешик)дин келмас, балки киндукдин келур. Чунки бола раҳмда турган вақтда аҳлил тешуги ғоятда танг бўлур. Ва ҳам аҳлилни икки узла ўраб, йўлни банд қилгон бўлурки, беирода очилмас. Ва ирода учун болада шуъур ҳам кофий бўлмас. Аммо киндук тараф йўли доим очик ва беирода йўлдурки, батариқай тарашшуҳ (томчилаш) билан чиқиб турмоқ мумкинмур. Лекин болада сийдикни ўзи ҳам зотан жуда кам бўлур. Чунки анда шурбий (ичиладиган) ғизо йўқдур, фақат киндикдин сизиб борадургон қонгина ғизодурки, ани ҳазми баданда бўлуб, андин сийдик бўладургон фазла суви жуда оз ҳосил бўлур. Ва ичак ахлоти раҳмда асло бўлмас. Чунки ғизо фақат қондурки, андақ ўзгартмоқ бирлан гўшг жузви бадан бўлур. Ва андин тафл чиқмас, магар ичкаларнинг ғизоси учун боргон андақ қондин ғоят оз миқдор мавжуд бўлгон тафлнинг жуда озлик сабабидин ани дафъ қилмоқға табиат тақозо қилмас. Бинобарин, боланинг мақъад (орқа) тешугиға бир нозик парда қоплонгон бўлур, баъд аз таваллуд доя тарафидин чимчилоқ парадасини учи бирлан мазкур пардани тешуб қўюлур. Сўнгра бир оз миқдор ахлот хориж бўлур. Бинобарин, раҳмда ахлот учун махсус парда яратилмоғондур.

Ва учинчи пўшиш пардаи лифифий (қоғоноқ)нинг ичида бир парда бўлурки, бошқа пардалардин жуда юпқа бўлур. Ва номини нафс дерлар ва туркий истилоҳда йўлдош дерларки, бу парда болага бевоситадур. Ва ўртада ҳеч нимарса бўлмас. Ва бу парда боланинг ғизосидин жузви бадан бўлмоқға қобил бўлмай ажраб чиққан фазла зардоб учун яратилгон мадфаъдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бола раҳмда бўлгон вақтида ҳар икки оёғини йиғиб, ҳар икки товонини ҳар икки дунбасиға еткаруб, сонини қўлиға еткузуб, икки қўлини икки тиззасида ва бурни икки тиззани ўртасида бўлуб, энгашган ҳолда, боланинг юзи анонинг орқасиға қараган ҳолда бўлуб, то таваллуд вақтиғача боши юқори тарафда турар. Аммо таваллуд вақтида боланинг мазкур ҳолда барқарор қилиб тургон робиталар узилуб, ихота қилгон пардалари йиртилгондин сўнг боланинг боши ўзини оғирлиги ила бош тарафға шўнғиб тушар. Ва раҳмдин чиқарда боши бирлан чиқар. Ва баъзан бола ўзини ўнглаб қолмоғон бўлиб, раҳмдин чиқарда аввал оёғи чиқадирган бўлса, бу ҳол бола учун ҳам, аноси учун ҳам хатарнокдур. Ал-ийозу биллоҳ (Аллоҳ ўзи сақласин).

Ва баъзи атиббо дерларки, агар бола ўғил бўлса, раҳмда ани юзи аносини орқа тарафига қарагон бўлур. Ва агар қиз бўлса, ани юзи аносини қорни тарафга қарагон бўлур. Ва-л-ҳаққу инда-л-Холиқи.
Мақолаи соний тамом бўлди би-авниллоҳи (Аллоҳ ёрдами билан).

АЛ-МАҚОЛАТ УС-СОЛИСА ФИ АҲВОЛИ БАДАН ИЛ-ИНСОН ВА АСБОБИҲА ВАЛ-АЛОМОТ ИД-ДОЛЛАТИ ВАҲИЙА ТАШТАМИЛУ АЛА ХАМСАТИ ФУСУЛИН

Яъни, учинчи мақолада инсон баданининг аҳволи ва шул аҳволга боис бўлгон асбоби (сабаблари) ва аҳволга далолат қиладургон аломатларини беш фасл ила баён қилинур.

Билмоқ керакки, аҳвол жамъи ҳолдур. Ва ҳол деб истилоҳи оммаи атиббода ҳар қандоқ ориз бўлгон касални айтурлар. Аммо атиббои хос истилоҳларида уч хил кайфиятни айтурларки, бири сиҳҳат ва бири касал ва бири сиҳҳат ила касалнинг миёна даражасидур. Ва бу миёнани фақат Жолинус даъво қилур. Ва бошқалар наздида ҳол фақат сиҳҳат ва мараз (касал)дин иборатдур. Ва бошқа восита йўқдур. Чунки жараёни афъоли табиийанинг камоли сиҳҳат ва нуқсонни мараздур. Ва камол ила нуқсон миёнасида восита бўлғувчи даража йўқдур. Бас, бу мазҳабга назаран фақат баданга ориз бўлгон кайфийят ҳолдур. Аммо анга боис бўлгон асбоб ва далолат қилгон аломатларни ҳол деб бўлмас.

Ва асбоб жамъи сабабдур. Ва сабаб деб луғатда арқонни айтурлар. Аммо оммаи халқ истилоҳида бир нимарсага васила ва баҳона бўлгон нимарсани айтурлар. Аммо истилоҳи ҳукамода бир нимарсани вужуди учун зарурий бўлгон нимарсани айтурлар. Бас, агар ул сабаб бўлгон нимарса мусаббаб ва мавжуд бўлгон нимарсани ҳақиқатиға дохил бўлса, ани сабаби нодий ва сабаби суварий дерлар. Масалан, қилични мавжуд бўлмоғиға сабаб фўлоддурки, агар фўлод бўлмаса, қилич ясаб бўлмас. Ва фўлод қилични ҳақиқатиға дохилдур. Ва агар сабаб бўлгон нимарса мавжуд бўлгон нимарсани ҳақиқатидин хориж бўлса, ани сабаби фоъилий ва сабаби ғойий дер-

лар. Масалан, уста ва душмандурки, агар уста бўлмаса ёки душмандин хавф бўлмаса қилич ясалмас.

Аммо истилоҳи атиббода сабабдин инсон баданига бир ҳол ориз бўлмоғига ёки аввалги ҳолни ҳифзига таъсир қилувчи нимарсани айтурлар. Масалан, даво касални заволига ва тартиби физо ҳифзи сиҳҳатга таъсири кабидур. Хоҳ бул сабаб баданга дохил бўлсин, хоҳ хорижда бўлсин ва хоҳ ул сабаб жавҳар бўлсин, хоҳ ариз, масалан, баданий жавҳарни мисоли ғалабаи сафро бош огриғига сабабдурки, ўзи жавҳари баданийдур. Ва бадани аразни мисоли суъи мизожи созаждурки, бадани аразийдур. Ва хорижи бадани жавҳарни мисоли даво ва физодур. Ва хорижи бадани аразнинг мисоли ҳарорат ва бурудат (совуқлик)дур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бир нимарса сабаб ва ҳам араз ҳам мараз бўлмоғи мумкиндур. Лекин бошқа-бошқа жиҳат ва эътибор бирлан мумкиндур. Чунончи, йўтал зот ул-жанб (зотилжам) касалига араздур. Лекин эскиб, мустаҳкам бўлса, мустақил бир касал бўлур. Ва гоҳо ўпкани баъзи томурининг ёрулмоғига сабаб ҳам бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бадани инсоннинг аҳволига сабаб бўлгон нимарсанинг ўзи зойил бўлгондин сўнг ҳам ани асари қолса, андоқ сабабни сабаби мухталиф дерлар. Ва илло ғайри мухталиф. Ва бадани инсон аҳволига сабаб бўладургон нимарса уч хил бўлурки, бодий ва собиқ ва восил бўлур, яъни ногаҳоний пайдо бўлгон сабаб ва қадимдан бўлиб, батадриж таъсир қилғучи сабаб ва кейин пайдо бўлувчи сабабдурки, ҳар бирини ўз мавридида муфассал баён қилурман, иншааллоҳу таъоло.

Ва отий (келгуси)даги баёнотга тушунмоқ учун ҳозирда шул қадар ижмолий (қисқа) билмоқ керакки, мутлақ сабаби зарурий бўлур, яъни бусиз ҳаёт кечирмоқ мумкин бўлмас. Чунончи, кесилмоқ ва ғарқ бўлмоқ ва куймоқ ва заҳарланмоқ каби ёки табиатга зид ҳам бўлмас, чунончи, ҳаммомга тушмоқ ва иссиқ сувга тушмоқ ва иссиқ тупроқ ёки қумга кўмилмоқ ва баъзи ёғ жинсини баданга сурмоқ кабидур.

Бас, асбобни ижмолий баёни шулдур. Аммо аломотнинг баёни ўз мавридида зикр қилинур.

БИРИНЧИ ФАСЛ СИҲҲАТ ВА КАСАЛНИНГ БАЁНИДА

Аммо сиҳҳати бадан инсоннинг ҳамма афъоли табиий тартиб ва интизомда бўлмоғига сабаб бўлиб тургон ҳолатдур. Ва афъоли бадан уч хил бўлурки, табиий ва ҳайвоний ва нафсонийдур.

Ва билмоқ керакки, афъол жамъи феълдур. Бас, сиҳҳатнинг таърифида бадани инсоннинг феъли демай, сийғаи жамъ ила бадани инсоннинг афъоли, демоқ мазҳаби Жолинусга ихтироз ва эътироз учундурки, бадани инсонда уч хил ҳолат борлиғини, чунончи, сиҳҳат ва касал ва сиҳҳат ва касал миёнасига восита ҳолатдур деб, восита ҳолат борлиғини даъво қилгондур. Чунки Жолинус мазҳабида бадани инсоннинг ҳаммасини афъоли саломат бўлса номи сиҳҳатдур. Бадани инсоннинг ҳаммасининг афъолида нуқсон бўлса номи касалдур. Ва агар баъзи баданнинг афъоли саломат ва баъзининг афъоли нуқсонлик бўлса сиҳҳат ҳам эмас, касал ҳам эмас, балки мобайнда восита ҳолатдур. Аммо бу мазҳабни бошқа атиббо қабул қилмагандурлар. Хусусан, шайх Абу Али далили қотий (қатъий далил)лар ила рад қилгондурлар. Бас, аларнинг мазҳабларида бадани инсоннинг ҳаммасини ҳамма афъоли саломат бўлса, сиҳҳат ва илло касалдур. Ва ҳақ мазҳаб шулдур. Чунки мохов ва пес ва иситма ва қўтур каби касалларни соъири афъоли баданийёлари саломатдур. Бас, ҳеч шак йўқдурки, булар ҳаммаси ҳам касал. Ва ҳам ҳамма атиббо буларни касаллиғига иттифоқдурлар. Бас, бул касал эмас, демоқ зоҳир ул-бутлон (ошкоро хато)дур. Лекин шул қадар билмоқ керакки, сиҳҳатликда ҳам инсоннинг ҳамма аъзоси ва қувватлари инсонга итоат қилмоқда тафовутликдур. Чунончи, ёш боланинг ва қари кишининг ва касалдин янги сиҳҳатланган кишининг сиҳҳати, агарчи ўрта ёшлик кишининг сиҳҳатиға назаран кам бўлса ҳам, лекин ўз аҳволлариға назаран сиҳҳатдур. Ҳаттоки қариларнинг ҳам баъзи соғлари бошқа бир соғлариға назаран ортиқроқ бўлур ва ҳолбуки, ҳаммалари ҳам соғдурлар.

Ва махфий қолмасунки, агар инсоннинг бир узвида офат бўлиб, бошқа аъзоси саломат бўлса ҳам ани касал дерлар. Ва инчунин, бир одам навбатлик касалға, масалан, безгак касалға мубтало бўлса, агарчи безгаки тутмаган кунда ани ҳамма афъоли саломат бўлса ҳам ани

касал дерлар. Чунки тез фурсатда навбати келиб безгакни тутмоғи муқаррар бўлғони учун андин сиҳҳатлик мафқуд (йўқ) бўлғондур.

Аммо касал деб бадани инсон афъолини табиий тартиб ва интизомдин хориж бўлғониға сабаб бўлғон ҳолни айтурларки, бу ҳолдин афъоли баданға зарар етиб турар. Ва афъолнинг зарари уч хил бўлурки, бири тағаййур ва бири нуқсон ва бири бутлондур, яъни феъли бадан табиий интизомдин ўзгарилиб, бошқа тартибда бўлур. Ёки табиий интизомда бўлур. Лекин сиҳҳат ҳолиға назаран ноқис бўлур. Ёки бутун ботил бўлур. Ва феълнинг тағаййури шулки, феълнинг асл мабдаъи бўлган қуввати аъзони тасарруф қилмоқда табиатни муқтазоси бўлмогон нимарсаға тасарруф қилур. Яъни, қувват бир узвни бир феълға машғул бўлмоқ учун фармон берса, табиатни интизомидин бошқа феълға шуғл учун фармон берар. Чунончи, кўз зоҳирда бўлмогон нимарсаларни кўрар. Масалан, мажнунларни тахайўли кабидур. Бас, бу ҳолни кўзни нуқсони эмас, балки мия мизожида тағаййур ва фасоди мизож ориз бўлғон сабабдиндур. Ва нуқсон шулки, ҳар узв ўзини табиий феълени қилур. Лекин табиат муқтазосидин ноқисроқ қилур. Чунончи, аҳвал (ғилай) касалиға мубтало киши бир нимарсани икки адад кўрур. Бас, кўзни асл интизоми табиий феълни кўрмоқдур. Ва бир ададни икки адад кўрмоқ кўзни феълни нуқсондур. Ва бутлони феълнинг нуқсони кўрликдурки, кўзнинг феълни кўрмоқдур. Ва бу феъл кўрларда бутун ботилдур.

ТАНБИХ. Тағаййур икки ҳолдин холи бўлмас. Ё бир маром ва бир ватира (шакл)да бўлур ва бир маромда батадриж бўлмай, бетартиб ва каму зиёд бўлур. Бас, агар ватирада бўлса истилоҳи атиббода номини тағаййур дерлар ва агар бир ватирада бўлмаса, номини ташвиш ҳам дерлар.

Ва касал икки қисмға мунқасим бўлур, бири муфрад (якка) ва бири мураккабдур. Чунки касалнинг ҳоли икки эҳтимолдин холи бўлмаски, ё икки хил ва ё зиёда касалнинг ижтимоъи (жам бўлиши) ила бир ҳайъат пайдо бўлуб, бир исми махсуса бирлан исмланган бўлурки, бул касалнинг ҳар бир ажзосиға итлоқ (татбиқ) қилиб бўлмас. Бас, бундоқ касални мураккаб дерлар ва илло, муфрад дерлар. Ва мураккаб касалнинг мисоли шишдурки, ўзи зоҳиран бир касал бўлур. Лекин ҳақиқати уч нимарсадин мураккабдурки, бири суи мизожи моддий, яъни модданинг сабаби ила мизожни бузилишидур. Ва бул ҳам касалдур. Иккинчиси

мараз ут-таркибдур, яъни баданни ажзойи аслиясиға ғайри табиий бир нимарсани қўшилмоғидурки, бул ҳам бир касалдур. Учинчиси тафарруқ ул-иттисолдур, яъни бадан ажзосини баъзиси баъзисидин ажралмоғидурки, бул ҳам мустақилла касалдур.

Ва маълумдурки, агар бир модда келиб, ажзoi баданнинг мизожиға ғалаба қилиб бузмаса, мизожи мазкур моддани қабул қилмас ва шиш бўлмас. Бас, моддани ажзойи баданға кириб қўшилғонидин маълум бўлдики, мизож бузилди ва шиш бўлди. Албтга, мараз ут-таркиб ҳам мавжуд бўлди. Чунки бадан қадимий жисмидин катта бўлди. Ва инчунин, модданинг ажзойи бадан орасиға кирмоғи учун макон лозимдурки, то ажзoi бадан бир-биридин ажраб, ўртадин бир макон бўшатмасалар модда ҳам кира олмас. Бас, моддаки, миёнаға кирди, албатта тафарруқи иттисол ҳам бўлди.

Ва маълум бўлдики, бир шишнинг ҳақиқати уч хил касалдин мураккабдурки, мазкур касални ҳар қаю бирини танҳоликда шиш деб бўлмас. Ва модда омм (умумий)дурки, хоҳ қивомлик ёки махсус бўлсин, масалан, сафро ва балғам ва савдо каби ва хоҳ беқивом бўлсин ел каби.

АММО МАЗАЗИ МУФРАД уч навъ бўлурки, суъ ул-мизож ва мараз ут-таркиб ва тафарруқ ул-иттисол дерлар. Аммо суъи мизож икки навъ бўлурки, бирини созаж ва бирини моддий дерлар. Аммо суъи мизож ил-моддий шулки, бир хилтнинг кайфиятидин бадан ёки узв асарланиб, шул кайфиятға кирар. Хоҳ бу кайфият уфунатлик, хоҳ беуфунат бўлсин. Чунончи, баданда сафрони сабабидин ориз бўлғон ҳарорат каби. Аммо суъи мизожи созаж бадандаги хилтни кайфиятға мутакаййиф бўлмас. Ва бошқа хорижий сабаблар ила мизож бузулур. Чунончи, қиш ҳавосини совуғи ва қорни совуғидин асарланган бўлурки, урфда ани совуқ урғон дерлар.

Ва билмоқ керакки, боиси тағаййур оммдурки, хоҳ хорижи баданда бўлғон кайфиятлардин бўлсин, хоҳ баданда мавжуд бўлғон кайфиятлардин бўлсин, хоҳ ул кайфият совуқ бўлсин, хоҳ иссиқ бўлсин, хоҳ ул кайфият руҳға асар қилсин, хоҳ аъзоға асар қилсин. Чунончи, масалан, хорижий совуқнинг боиси тағаййурлиғини мисоли мазкур бўлди ва хорижий ҳароратнинг мисолиға ўтда куймоқ ва офтоб ҳароратида куйиб баданға ҳарорат пайдо бўлмоқдурки, урфда офтоб урғон дерлар. Ва бадани ҳароратки, руҳға мутааллиқ бўлғоннинг хорижий мисоли иссиқ ҳаммомда кўб вақт турғонликдин руҳи ҳайвоний қизиби, ҳарорати ғариба ҳусулиға боис бўлмоғидур.

Ва дохийли ҳароратни руҳға мутааллиқ бўлгонининг мисоли ҳуммойи йавмийа, яъни бир кеча-кундузғача давом этиб тутадирғон иситмадур.

Ва ҳарорати дохийлининг аъзоға тааллуқ, яъни ҳуммойи диққийа, яъни таби диқдур. Бас, хорижий бурудат ва дохийли бурудатни ва хорижий ва дохийли рутубат ва йубусатни ҳам шунга қиёс қилинур. Бас, кайфият ҳаммаси тўрт хил бўлиб, ҳар бири ва ё иккиси суъи мизожға боис бўлғони учун суъи мизож ҳам саккиз хил бўлиб, мазкур кайфиятни тақаййуди бирлан тасмия қилинур, чунончи, суъи мизожи муфради ҳор ёки борид ёки ратб ёки ёбис ёки ҳор ва ратб ёки ҳор ва ёбис, ёки борид ва ратб ёки борид ва ёбис дерлар. Ва буларни ҳаммаси ҳам юқорида маълум бўлдики, моддий бўлур ёки бемодда бўлур.

Ва суъи мизожнинг хили 16 хил бўлур. Ва ўқувчиларға осонлик бўлмоғи учун яна ҳар бириға бир мисол кўрсатиб ўтмак муносибдур.

Масалан, суъи мизожи бориди созажни мисоли жумуд (қотиб қолиш) касалидур. Ва моддийнинг мисоли фолиж (шал) ва суъи мизожи ҳорри созажни мисоли офтоб ургандур. Ва моддийнинг мисоли таби дамавий (қондан бўлган иситма). Ва суъи мизожи ратаби созажнинг мисоли тараҳхул (бўшашув) ва сустликдур. Ва моддийнинг мисоли истисқойи лаҳмий (гўшти истисқо)дур. Ва суъи мизожи ёбиси созажнинг мисоли ташаннужи ёбисдулки, баъд аз истифроғ ва риёзат ва камоли шайхухат (қарилик)да ориз бўлур. Ва моддийнинг мисоли саратон яраси ва мохов касалидур.

Ва яна саккиз хил суъи мизожи мураккаб, яъни икки хил кайфиятни таъсиридин ориз бўлгон суъи мизожни мазкур муфрад мисолларни иштирокларидин равшан билмоқ мумкинмур. Ва анга мисол кўрсатмоқ ҳожат эрмас.

ФОИДА. Билмоқ керакки, суъи мизожнинг ҳамма навъи ҳам гоҳи ҳамма танға ориз бўлур, гоҳи бир узвға ориз бўлур. Ва суъи мизож қондин бошқа қайси хилтға ориз бўлса ҳам, то ўшал хилт уфунат пайдо қилмаса, ҳарорат чиқармас. Аммо қон уфунат пайдо қилмаса ҳам ҳарорат чиқарур. Ва бу ҳароратни номини сунухус ва сунохус дерларки, ўз маҳалида баён қилурман, иншааллоҳу таъоло.

Ва билмоқ керакки, суъи мизожға икки даража бордур. Чунончи, суъи мизождин бир узвға агар бир офат пайдо бўлса, буни даражаи увло дерлар. Ва агар табиат бул узвни тарбиядин рад қилиб, иътидоли мухсусасидин чиқарса, яъни мазкур узв хизматқа яроқсиз бўлса дара-

жаи охирин дерлар. Аммо суьи мизожни асаридин узвни феълига нуқсон пайдо бўлгудек даражаи иътидолдин узоқлашмоғунча ани суьи мизож деб ҳам бўлмас.

АММО МАРАЗ УТ-ТАРКИБ тўрт қисм бўлурки, марази халқий ва марази миқдорий ва марази ададий ва марази вазыйдур.

Аммо марази халқий ҳам тўрт қисм бўлурки, мараз уш-шаклдур, яъни узв ўзини табиий шаклидин бошқа шаклда бўлур. Чунончи, табиий шакли тўғри бўлгон узв эгри бўлур. Иккинчиси, мараз ул-мажорийдур, яъни мажро (йўл)лар маразидур. Ва мажро деб истилоҳи атиббода бир узвдин бир узвға борадурғон нимарсани йўлини айтурлар. Хоҳ ул борадурғон нимарса қуёқ бўлсин хилт каби, хоҳ латиф бўлсин руҳ ва нафс каби. Ва марази мажро уч навъ бўлурки, миқдори табиийдин ё кенгроқ бўлур ва ё тангроқ бўлур ва ё банд бўлур. Бас, мажрони кенг бўлғонидин ҳосил бўлгон касалнинг мисоли интишор ун-нур касалидурки, кўзнинг ҳадақасининг тешуги миқдори табиийдин андак кенгроқ бўлса, кўзнинг нури атрофға кенгроқ сочилур. Ва кўрилмоғи мақсуд бўлгон нимарсаға нур камроқ етар. Ва бул сабабдин кўзни феълида нуқсон бўлурки, тафсилли ўз мавридида баён қилинур.

Ва мажронинг танглигининг ориз бўлгон касалнинг мисоли зийқ ун-нафас (нафас қиснши)дур. Ва мажронинг бандлигининг ориз бўлгон касалнинг мисоли ярақон ва иҳтибоси бавл (сийдик тутилиши)дур. Ва учинчиси мараз ул-авъийадур. Ва авъийа деб баданға табиий керакли нимарсани сақламоқ учун бадан ичида бўлгон ковакларни айтурлар. Бас, мажро билан авъийани фарқи шулки, мажро бир узвдин бир узвға нофиз (ўтувчи) нимарсаға йўл учундур ва авъийа сокин нимарсаға макон учундур. Бас, авъийа касали ҳам уч хил бўлурки, миқдори табиийдин кенгроқ ёки тангроқ ёки банд бўлур. Бас, авъийаниннг кенгроқ бўлғониға мисол фатқ, яъни дабба касалидурки, мояк харита (халта)сиға юқоридин ичак ёки чарби тушган сабабидин мазкур харита миқдори табиийдин кенг ва катта бўлур. Ва авъийаниннг миқдори табиийдин танг бўлғониға мисол меъданиннг танглигидур. Ва бул меъда танглиғи баъзи одамда халқий бўлур, яъни асли хилқат (яратилиши)да танг яратилгон бўлур. Ва баъзи оризий (кейин юз берган) бўлур. Чунончи, жигар ва талоқ каби меъдаға яқин узвларни шишмоғи ила меъдани тазийқ қилмоғи (сиқилмоғи)дин меъдаға ориз бўлур. Ва яна сарь, яъни қуёнчуқ касалида мияниннг батниға ориз

бўлгон танглик ҳам шунга мисолдур. Ва авъийанинг банд бўлғони-га мисол сакта касалида ва димоғни батни (мия қоринчаси) тамом банд бўлмоғидур. Ва тўртинчи, авъийа касали мараз ул-хулвдур, яъни авъийани бўш ва холи бўлғонини касалидур. Ва бу касал ғоят даражада кам воқеъ бўлур. Шунинг учун эътибордин соқит қилиб ёки фаромушдин бўлса керакки, атиббо агарчи ўз мавридида бу қисми баён қилгон бўлсалар ҳам, лекин ақсоми амроз мақомида баён қилмагандурлар. Ва бу тўртинчи қисмнинг мисоли дилнинг батни камоли хурсандлик ёки камоли лаззат вақтида руҳдин ва қондин холи бўлуб қолмоғидурки, бу ҳолат муҳлик (ҳалокатли)дур. Ва шодмарг шул ҳолда воқеъ бўлур. Ва мараз ул-халқийнинг тўртинчи қисми мараз ус-сафойиҳдур, яъни узвнинг сатҳига тааллуқли касал бўлурки, табиатан текис бўлмоғи муносиб бўлгон узвни дағал яратилмоғидур. Чунончи, ўнгачни таом ютмоқда осонлик бўлсин учун текис ва силлиқ бўлмоғи табиий бўлса ҳам дағал яратилиб қолмоғи ёки бил-акс меъда то ҳазми комил вақтига таомни ўзида сақлаб турмоғи учун ёки раҳм таваллуд муддати комил бўлғунча ҳамл (ҳомила)ни сақлаб турмоғи учун табиий сатҳи дағал бўлмоғи муносиб бўлса ҳам бил-акс текис яратилмоғи мараз ус-сафоҳийдур. Ва маълумдурки, бир узвнинг сатҳига фасод етса, албатта андин мақсуд бўлгон феълига нуқсон етар ёки тамом ботил бўлур.

Аммо мараз ут-таркибнинг иккинчи қисми мараз ул-миқдорки, бул ҳам икки навъ бўлур, чунончи миқдори табиийдин зиёда катта бўлур ёки миқдори табиийдин кичик бўлур, хоҳ бу миқдорни тафовути бир узвда бўлсин ва хоҳ тамом баданда бўлсин ва хоҳ асли хилқатда тафовути яратилгон бўлсин, хоҳ сўнг ориз бўлгон бўлсин – ҳаммасини ҳам мараз ул-миқдор дерлар. Чунончи, ҳамма баданда миқдори табиийдин ортиқ ва зиёда бўлгоннинг мисоли зиёда семизликдур. Ва ҳамма баданда миқдори табиийдин кам бўлгоннинг мисоли ҳузол, яъни зиёда озгинликдур. Ва бир узвда миқдори табиийдин зиёдалиқни мисоли шутурлаблик, яъни лабнинг узунлиғидур. Ва бир узвда миқдори табиийдин кам бўлгоннинг мисоли пучуқ бурунлиқдур.

Аммо мараз ут-таркибнинг учинчи қисми мараз ул-ададдур ва бул ҳам тўрт қисм бўлур, чунончи, бир узв ўзининг табиий ададидин зиёда бўлур. Масалан, бир қўлнинг панжаси олти адад бўлур ва бул зиёдалиқни табиий демоқнинг сабаби шулки, бу зиёданинг жинси бўлгон

беш адад панжа баданда мавжуддурки, ани вужуди табиийдур. Ва бас, табиийнинг жинси ҳам табиийдур. Фақат ҳожатдин ортиқдур. Ва иккинчи қисми ғайри табиий зиёда бўлур. Ва ани мисоли сўғал ва буқоқдур. Ва учинчи қисми миқдори табиийдин табиатан камроқ бўлур, масалан, бир одамнинг панжасини миқдори беш бўлмоғи табиий эди, лекин тўрт ададлик туғилди. Ва тўртинчи қисми бир узвни ададиға баъд аз хилқат нуқсон ориз бўлур. Чунончи, бир қўли ёки бир панжаси кесилгон бўлур.

Аммо мараз ут-таркибнинг тўртинчи қисми мараз ул-вазьдур. Ва ҳукамо истилоҳларида ваъ, деб бир нимарсаннинг ажзосиға нисбатан ва ё бошқа бир нимарсаға нисбатан яқинлик ва ё узоғлик нисбати ила ҳосил бўлгон ҳайъатини айтилуру. Масалан, пешонани бўйиға нисбатан эни энлик ва буруннинг бўйиға нисбатан эни йўгон ва икки кўз биридин узоқроқ яратилгон деган кабидур. Яъни мараз ул-ваъға мубтало бўлгон узвнинг табиий узвға муносиб бўлмогон ҳайъатда кўринмоғи мараз ул-ваъздур.

Аммо тафарруқ ул-иттисолки (бирлашганнинг бўлиниши), мараз ул-муфраднинг учинчи қисмидур, яъни ажзои баданни баъзи жуъзидин кўчуб, миёналарида ҳосил бўлмоқдур. Лекин бул тафарруқдин мурод тафарруқи ғайри табиийдурки, баданнинг зарариға боис бўлур ва илло ғизойи бадан учун жавҳари ғизо ҳам баданға сингиб бормоғида, албатта ажзои баданда тафарруқи иттисол воқеъ бўлур. Лекин бу тафарруқ мувофиқи мажройи табиат ва сабаби бақойи бадан ва манфаъати нафсдур. Ва мараз (касаллик) эрмас. Аммо марази тафарруқи иттисол гоҳо узви муфрадда воқеъ бўлур ва анги мисол устихоннинг синмоғи ёки ёрилмоғидур. Ва бошқа аъзойи муфраданнинг теъдоди (адади) боб ул-аъзода баён бўлди. Ва гоҳо аъзойи мураккабаларда воқеъ бўлур ва анга мисол бир панжани кесилмоғидур. Ва аъзойи мураккабларнинг баёни ҳам боб ул-аъзода баён бўлди.

Ва махфий қолмасунки, тафарруқи иттисолнинг ақсоми (қисми) кўбдур. Ва ҳар бирининг номи бошқадур. Бинобарин, ҳар бирини муфассал баён қилмоқ лозим кўрилди.

ФОИДА. Билмоқ керакки, тафарруқи иттисоли жилд (тери)ға ориз бўлуб мунбасит, яъни ёзуқ ва туташ бўлса, номи саҳждур, ба фатҳи син ва сукуни ҳойи мўҳмала ва жим. Ва агар жилдда бўлиб, лекин мунсабит бўлмай майда бўлса номи хадашдур, ба фатҳи ҳойи мўъжама ва

доли мўҳмала ва сукуни шини мўъжама. Ва агар тафарруқ гўштга хо-риж тарафдин ориз бўлиб, ҳануз фасод олмоғон янги бўлса, номи жароҳатдур, бу касри жим ва фатҳ ро ва алиф ва ба фатҳи ҳойи мўҳмала ва тойи фавқоний. Ва агар йиринг ва фасод қилғон бўлса, номи қарҳадур, ба фатҳи қоф ва сукуни ройи мўҳмала ва фатҳи ҳойи мўҳмала.

Аммо баданнинг дохил тарафидин модда келиб тафарруқ ориз бўлса, янги ва фасод қилмоғон бўлса, номи варамдур, ба фатҳи вов ва ройи мўҳмала ва сукуни мим. Ва агар фасод ва йиринг пайдо қилса номи хурождур, ба замми хои мўъжама ва фатҳи ройи мўҳмала ва алиф ва сукуни жим. Ва моддаси пишуб ёрилса номи қарҳадур, ба фатҳи қоф. Ва агар ёрилғондин сўнг яраси битмай кўб вақт туриб қолса ва тагидин оқ гўшт ҳосил бўлса ва яранинг оғзида андақ қаттиглиқ пайдо бўлса ва яранинг алам ва озори кам бўлса, номи носурдур, ба фатҳи нун ва алиф ва замми сини мўҳмала ва сукуни вов ва ройи мўҳмала. Ва баъзи атиббо наздида ҳар яраики, пишуб ёрилғондин сўнг то қирқ кунгача битмаса, номи носурдур.

Тафарруқи иттисол асабға ориз бўлса, бас, агар асабни эниға нисбатан тафарруқ бўлса, номи батардур, ба фатҳи бойи муваҳҳада ва сукуни тойи мусанноти фавқонийға ва ройи мўҳмаладур. Ва агар бўйиға нисбатан тафарруқ ориз бўлуб, тафарруқни адади кам бўлса, номи шақдур, ба фатҳи шини мўъжама ва сукуни қофи мушаддада. Ва агар тафарруқ асабни бўйиға нисбатан бўлиб, адади кўб бўлса, номи шарҳдур, ба фатҳи шини мўъжама ва ройи мўҳмала ва сукуни ҳойи мўҳмала. Ва агар тафарруқ узлаға ориз бўлса, бас, агар зоҳир тарафдагина бўлса, номи ҳаткдур, бу фатҳи ҳо ва сукуни тойи фавқоний ва коф. Магар узлани бўйиға нисбатан бўлиб, адади камроқ, лекин дохил тарафға чуқурроқ бўлса, номи саддур, ба фатҳи соди мўҳмала ва сукуни доли мўҳмала ва айни мўҳмала. Ва агар чуқур ва кўб ададлик пароканда бўлса, номи фасхдур, ба фатҳи фо ва сукуни сини мўҳмала ва хойи мўъжама. Ва агар тафарруқ томирга ориз бўлса, хоҳ шараён томури ва хоҳ варид томурининг эниға ориз бўлса, номи қатъдур, ба фатҳи қоф ва сукуни тои мўҳмала ва айни мўҳмала, ба ҳам фаслдур, ба фатҳи фо ва сукуни соди мўҳмала ва лом. Ва агар тафарруқ томурнинг бўйиға нисбатан бўлса, буни номи ҳам сабъдур. Ва агар тафарруқ чуқур бўлиб томурни жавфиғача етуб, тешук очилса, номи бақсдур, ба

фатҳи бойи муваҳҳада ва сукуни сойи мусалласа ва қоф. Ва яна варид томуриға ориз бўлгон ҳамма анвоъи тафарруқни умуман номи инфижордур, бу касри ҳамза ва сукуни нун ва касри фо ва ба фатҳи жим ва алиф ва сукуни ройи мўҳмала. Ва жараёға ориз бўлгон ҳамма анвоъи тафарруқни умуман номи умм уд-дамдур, ба замми ҳамза ва сукуни мими мушаддада ва фатҳи доли мўҳмала ва сукуни мим. Аммо жумҳури атиббонинг истилоҳларида шараён тешулуб турса ва ани қўл бирлан ғамз қилгонда мазкур қон яна шараёнға кирар бўлса, яъни шараён тешуги катта ва очиқ турар даражада бўлса, шуни номи умм уд-дамдур.

Ва агар тафарруқ парда ва ҳижобларға ориз бўлса, номи фатқдур, ба фатҳи фо ва сукуни тойи фавқоний ва қоф. Ва агар ғузруфға тафарруқ ориз бўлса, мутлақ номи разздур, ба фатҳи ройи мўҳмала ва сукуни зоди мўжамаи мушаддада. Ва агар бир ғузруфға ориз бўлгон тафарруқ мазкур ғузруф икки ё уч бўлак катта парчаларға тақсим қилингон бўлса, ани ҳам номи фасхдур. Ва агар майда пораларға тақсим қилгон бўлса, ани номи тафаттутдур, ба фатҳи тойи мусанноти фавқоний ва фо ва замми тои фавқонийи мушаддада ва сукуни тои солис. Агар тафарруқ устихонға ориз бўлса, бас, агар майда ажзоларға ажратган бўлса, ани номи ҳам тафаттутдур. Ва агар тафарруқ устихоннинг икки-уч қитъа-катта парчаларға ажратган бўлса, номи касрдур, ба фатҳи коф ва сукуни сини мўҳмала ва ройи мўҳмала. Агар устихоннинг бўйиға нисбатан узун тафарруқ ориз бўлса, ани ҳам номи садъдур. Ва агар тафарруқ қаҳф номлик устихониға ориз бўлса, номи шажжадур, ба фатҳи шини мўжама ва шини мушаддадан мафтуха ва ҳойи мавқуф бирлан. Ва шажжа даража эътибори бирлан олти даражаға мунқасим бўлиб, ҳар бир даражани номи бошқадур. Чунончи, зарб таъсиридин бош оғриси фақат ва бошқа натижа ҳосил бўлмаса, ани номи содиъадур, ба фатҳи соди мўҳмала ва алиф ва касри доли мўҳмала ва фатҳи айни мўҳмала ва ҳойи мавқуф. Ва иккинчиси, агар устихонға каср ориз бўлса, номи ҳошимадур. Ва агар учинчиси, агар териси атрофға ажралиб, миёнадин устихон оқариб равшан кўринмаса, номи возиҳадур. Ва тўртинчиси, агар бу даражадин зиёдароқ зарб асар қилгон бўлиб, ҳатто устихонни зоҳир тарафида андак тафаттут ҳосил бўлса, номи мунқилладур. Ва бешинчиси, агар устихоннинг тафарруқи чунон чуқур бўлсаки, устихон тамом

синиб тафарруқи томмийһанинг умм уд-димоғ исмлик юпқа пардасигача етиб келса, яъни мияни ихота қилгон бутун нимарса шул юпқа пардадин бошқа қолмоғон бўлса, номи маъмумадур. Ва олтинчиси, агар бу парда ҳам ёрилиб, то миянинг хонасиға етса, номи жофийһадур. Бас, бу олти лафзни маъниси бирлан таҳқиқлари отийда баён бўлур. Бинобарин, бу мавридда ҳуруфларини забтиға (ҳаракат ҳарфларини ёзишга) ҳожат бўлмади.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бу мазкур бўлгон тафарруқлар ҳаммаси узви муфрадға ориз бўлгон тафарруқлардур. Аммо узви мураккабға ориз бўлгон тафарруқ бир панжани ва ё бир қўлни кесилмоғи каби ва гоҳи узви мураккабнинг таркибидаги аъзойи муфрадлар ҳаммаси саломат ва тафарруқдин холи бўлса ҳам, лекин баъзи муфрад ила баъзи муфрад миёналариға тафарруқ ориз бўлурки, ани номи инфисол ва хальдур. Ва гар бу инфисол асабда бўлиб, бир узв ўзини мавзиёдин зойил бўлса, номи факкдур. Ва агар узви мураккабнинг муфрадларидин бириға тафарруқ ориз бўлса, яъни мураккаб ила ани жуъи бўлгон бир муфрадни миёнасиға тафарруқ ул-иттисол ориз бўлса, ани номи инҳилол ул-фарддур. Ва гоҳи ҳамма қисмиға ҳам тафарруқ исмини итлоқ қилинур.

Ва махфий қолмасунким, ҳар қаю аъзоға тафарруқ ориз бўлмоқ эҳтимсоли бордур ва мумкиндур, магар дилға тафарруқни ҳеч эҳтимоли йўқдурки, дил маркази ҳаётдур. Ва ани саломатлиғи ила ҳаётлик мавжуддурки, агар анга тафарруқ учун боис бўлғувчи бир сабаб етса тафарруқдин бурун ўлим ҳозирдур.

Ва билмоқ керакки, тафарруқ агар яхши ва покиза мизожлик узвға ориз бўлса, тезроқ яхши бўлур. Ва агар фосид мизожлик узвға ориз бўлса, кеч яхши бўлур. Ва агар тафарруқ модда ҳосил қилиб, қарҳа бўлса ва ани оғзи танг бўлуб узоқ вақтға чўзилса, сўнгра окила, яъни ел ва оқмаға айланмоғи эҳтимолдур.

ВА АММО МАРАЗ УЛ-МУРАККАБ деб бир неча амрози муфраднинг таркибидин ҳосил бўлгон амрозни айтурлар. Хоҳ бу марази мураккаб, хоҳ узви муфрадға ориз бўлсун, хоҳ узви мураккабға ориз бўлсун. Ва марази мураккабнинг мисоли шиш ва яралардур. Чунки булар суъи мизожи моддийдин ва тафарруқ ул-иттисолдин ва зиёда миқдордин мураккаб бўлгондурки, бунинг ҳар бир марази муфраддиндурлар. Ва ҳар мараз то сиҳҳатланғунча тўрт хил замон даврини кечирар. Биринчи давр зуҳур, ик-

кинчи давр тазойид ва учинчи давр таваққуф, тўртинчи давр инҳитотдур.

Бас, даври зуҳур деб маразни ориз бўлгонлиғи маҳсус бўлгон ва ҳануз ул мараз кучайиб зиёдалашғони маълум бўлмоғон замонни айти-лурки, ани даври ибтидо ҳам дерлар. Ва бу замонға муддат таъйин қилиб бўлмас, чунки ҳар хил касалнинг замони ибтидоси ҳар тариқа-дур. Баъзи касалнинг замони ибтидоси қисқа ва баъзининг замони ибти-доси узоқ бўлур. Ва гоҳо замони ибтидодин уч кун муддатни ирода қилинур.

Аммо даври тазойид шул замондурки, маразнинг таъсири ҳар онда ав-валғидин зиёдароқ сезилур. Чунки бу замонда касал ҳақиқатан зиёда-лашиб турар. Ва буни замони иштидод ҳам дерлар.

Ва даври таваққуф шундай замондурки, анда касалнинг даражаси бир ҳолда бетафовут турар. Ва зиёдалашмоқ ва ё камаймоқ асари се-зилмас ва ани замони интиҳо ҳам дерлар.

Ва даври инҳитот шул замондурки, анда ҳар онда касални таъсири-да нуқсон сезилур ва энгиллик маълум бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, тўрт хил замоннинг аввалидин то охи-ригача мажмуъини баҳасби мараз, яъни касал тутиб турғон кунға нисбатан авқоти куллийа дерлар. Хоҳ касал лозима бўлсин, хоҳ но-иба бўлсин, яъни доимий касал бўлсин, хоҳ навбатида тутадурган навбатлик бўлсун. Касал тутмаган навбатлик кунига нисбатан бу тўрт хил замонни авқоти жузъийа дерлар. Чунки бу тўрт хил замон навбат куниди ҳам мавжуддур. Лекин касал кунига нисбатан жузъ-ий ва кам бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бу тўрт даврнинг замони шундоқ ка-салда мавжуд бўлурки, касалнинг ибтидосидин то интиҳосигача мод-даси батадриж пишиб, батадриж кўчиб турса ва авд қилмаса. Ва илло мавжуд бўлолмас, чунки мумкинмурки, даври ибтидода қабл аз тазойид ёки даври тазойидда қабл аз таваққуф ёки даври тавақ-қуфда қабл аз инҳитот баъзи сабаблар бирлан касал қайтиб, барта-раф бўлса ва шифойи комил муяссар бўлса. Ва ё мумкинмурки, баъд аз инҳитот яна ибтидо авд қилса ва тазойид пайдо қилса. Чунончи, урфда буни узулуқ дерлар. Фил-жумла бу тўрт даврни маърифати-дин фойда шулки, касални тадбири тарбиясида ва ғизосини тасарру-фида ва даво истеъмолида ҳар бир давр учун бошқа-бошқа муносиб

ҳоли тадбир лозимдур. Чунончи, тафсили ўз маҳалида баён қилинур, иншааллоҳу таъоло.

ТАНБИҲИ ДИГАР. Билмоқ керакки, касални бир кишидин яна бир кишига юқмоғида аҳли шаръ миёналарида ихтилоф бордур. Аммо ҳукамо баиттифоқ айтурларки, баъзи касал бир одамдин яна бир бошқа одамга юқадур. Ва баъзи касал ато ва анодин фарзандга ўтадур. Лекин куллия эмас, балки аксария ҳам эмас, лекин ўтмоғи мумкин ул-вуқуъ қабилдиндур, дерлар. Ва тажрибада гоҳи ота-онадин фарзандга касал ўтгони, гоҳи ўтмағони билингандур. Аммо амрози мутаъаддиййа, яъни юқумли касаллар ушбулардур: мохов ва қўтур ва чечак ва қизамуқ ва вабо, қуруҳи уфина (сассиқ яра), сил, рамад (кўз оғриғи), сўзак, облаи фаранг, яъни захм (сифилис)-ларни юқмоғида ҳукамо бил-иттифоқ, аммо барас, яъни пес ва бавосир ва оташак ва ийловус касалларининг юқмоғида ихтилоф бордур.

Аммо амрози мутабориса, яъни ота ва онадин фарзандга ўтадиргон касаллар: пес, ниқрис, сил, қуёнчиқ, убна, чечак, молихулиё, тапи диққ, қўтир, баҳз, рамад, қуруҳи уфина, мохов, бавосир, ҳасоти килия, яъни буйрак тоши, ҳасоти масона, яъни қобуқ тошидурки, атодин ҳам анодин ҳам фарзандга ўтмоқда нисбати баробардур. Ва бошқа касал ва заъфи аъзолар фарзандга атодин кўброқ ўтадур ва анодин камроқ ва нодир бўлур.

ИККИНЧИ ФАСЛ БАДАНИ ИНСОННИНГ АҲВОЛИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛМОҚ ВА ТАҒЙИР БЕРМОҚ УЧУН ЗАРУРИЙ БЎЛҒОН САБАБЛАРНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, атиббо наздида сабаб деб бадани инсон аҳволидин бир ҳолатининг вужудини вожиб қилғувчи, яъни шароити мавжуд бўлиб, бошқа мавониъ (тўсиқлар) бўлмаса, албатта ул ҳолатни бадани инсонда мавжуд қилғувчи нимарсани айтилуру, хоҳ ҳозирда, хоҳ истиқболда бўлсин. Ва хоҳ ул сабаб баданда бўлсин, хоҳ бадандин хорижда бўлсин, хоҳ жавҳар бўлсин, хоҳ араз бўлсин, чунончи, баданда бўлғон жавҳари сабабнинг мисоли хилтдур. Ва

баданда бўлгон арази сабабнинг мисоли уфунатдур. Ва бадандин хорижда бўлгон жавҳари сабабнинг мисоли ғизодур. Ва бадандин хорижда бўлгон арази сабабнинг мисоли офтобнинг ҳарорати ва ҳавонинг бурудатидур. Ва ҳар сабабики, бир ҳолатни янгидин ижод қилур бўлса, ани сабаби фозил ва сабаби муғаййир дерлар. Ва ҳар сабабики, аввалда бўлгон ҳолатни зойил қилмай, собит қилур бўлса, ани сабаби ҳофиза ва сабаби надим ҳам дерлар. Ва мазкур сабабларни ижмолий (қисқача) баёни мақолаи солиса (учинчи мақола)да мазкур бўлди. Аммо тафсили асбоби аразада баён қилинур, иншаллоҳу таъоло.

Аммо зарурий деб шундоқ нимарсани айтилурки, то ўшал нимарса бўлмаса инсоннинг ҳаёти мумкин бўлмас, бу зарурий олти қисм бўлурки, ситтаи зарурийа деб тасмия қилинур.

АММО БИРИНЧИ ҚИСМ ҲАВОДУРКИ, баданға муҳитдур. Ва бошқа беш зарурға нисбатан ҳавоға ҳожат зўрдур. Бинобарин ҳамма заруриятлардин муқаддам зикри лойиқ кўрилди. Ва шак йўқдурки, ҳавоға ҳожат дам-бадам бўлур. Ва бир дақиқа беҳаво ҳаётлик мумкин эрмас. Аммо бошқа заруриятларға ҳожат муваққат ва бамуҳлатдур. Ва ҳавоға ҳожат азбаройи дилнинг тарвиҳи ва руҳнинг таъдили учундур. Ва ҳавонинг батариқайи истиншоқ дилға восил бўлмоғининг тариқаси ҳам ўпкадин ва ҳам тамоми бадан жилдининг масомларидин бўлмоғи ва бошқа фавоидлари ташриҳи рия ва қалбда муфассал мазкур бўлди. Ва ҳозирда фақат ҳавонинг авсофи (сифатлар) дин баён қилинур.

Билмоқ керакки, ҳаво модомики соф ва покиза бўлуб, руҳнинг мизожига муҳолиф жавҳари ғариб ва бухорот ва тутунлардин холий мўътадил бўлса ва яна очиқ ҳаво бўлса, яъни деворлар ва томлар ичида муҳтабис бўлмаса, бундоқ ҳаво ҳам мараз учун фозили сиҳҳат ва ҳам саҳиҳ учун ҳофизи сиҳҳатдур. Аммо агар мазкур авсоф билан мухталит бўлса, боиси мараз ва ҳалокат бўлур. Ва ҳавонинг нафъи баданға қандоқ тез етар бўлса ани фасоди ҳам шундоқ тез асар қилур. Ва яна очиқ ҳавони маҳбус (қамалган) ҳавоға нисбатан яхшилиғи ҳам башарти вабойи омма бўлмаса яхшидур. Ва агар вабойи омма бўлса ал-ийозу биллоҳ очиқ ҳаводин маҳбус ҳаво афзалдур.

Ва билмоқ керакки, ҳавонинг тағайиури (ўзгариши) уч хил бўлур. Тағайиури табиийдурки, тўрт фасл табииатининг муқтазосича бўлур.

Масалан, ёз фаслида иссиқ ва қиш фаслида совуқ бўлғони каби. Ва иккинчи тағаййур ғайри табиий бўлур. Лекин мажройи табиатга зид ҳам бўлмас. Бас, тағаййур яна икки хил бўлурки, асбоби самовийдин бўлур ё асбоби арзийдин бўлур. Чунончи, асбоби самовий шулки, ёруғ юлдуз билан Офтоб сайридаги йўллар жамъ келса, яъни қабат келса ёзда ҳарорат зўр бўлур. Ва агар мазкур юлдузлар билан Офтоб бир-бирига муқобил бўлуб, ўртада Замин курраси ҳойил бўлса, қишда совуқ зўр бўлурки, мажройи табиат даражасидин ортиқроқ бўлур. Бинобарин, ғайри табиий дерлар, илло зидди табиий эрмас. Ва мазкур юлдузларни исмини дурорий дерларки, жамъи дурийдур, бу замми доли мўҳмала ва ташдиди ройи мўҳмалаи максура ва сукуни йо. Бул юлдузларда ҳам заминга таъсири ҳарорат бордур. Бас, булар Офтобга жамъ ва қабат келгон йилларида бир-бирига таъсири иъонат (ёрдам)лари сабабидин ёзни ҳарорати зўр ва мажройи табиийдин ортиқ бўлур.

Ва инчунин, агар юлдузлар Офтоб бирлан бир-бирлариға муқобил бўлса, ҳеч бирлариға таъсири иъонат етмағони учун шул йилнинг қишини совуғи мажройи табиийдин ортиқ бўлурки, бунга тағаййури самовий дерлар. Аммо тағаййури арзий масканларни эътибори ва тоғ ва дарёга яқин ва ё узоқлик эътибори бирлан ҳаво иссиғ ё совуқ бўлмоғидур. Ва тағаййури ҳавонинг учинчи қисми тағаййури ғайри табиийдурки, мажройи табиийға зид ва мунофий (зид) бўлур. Ва бу ҳаво ўзини муқтазон табиатидин чиқиб фосид бўлгон ҳаво бўлур, хоҳ бу фасод жавҳари ҳавода бўлсин, чунончи, вабо, хоҳ ҳавони кайфиятида бўлсин, чунончи, ёзнинг иссиғида иштидоди (шиддати) зироатни ботил ва баданларни фосид қилғони каби. Ва ё қишни совуғида бўлгон иштидодни абтол (ботил) ва ифсоди (фасоди) каби.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳавонинг тағаййури табиийсиға сабаб бўлғувчи фаслдин мурод фусули инда-л-атиббо (табиблар назаридаги фасллар)дур. Ва бул фасл шундоғдурки, бир йилни ба эътибори ихтилофи ҳаво тўрт фаслға тақсим қилгондурлар. Ва ҳар бир фаслға ном қўйгондурларки, мунажжимларнинг фусули арбаъа (тўрт фасл)лари бунга мувофиқ эрмас, зероки мунажжимлар Офтобнинг фалаки буружда буружи исно ашара (ўн икки бурж)нинг ҳар тўрт ҳиссасини бир ҳиссасидин иккинчи ҳиссасиға интиқол муддатини бир фасл деб эътиқод қилгондурлар. Чунончи, охирида баён бўлур. Аммо назди атиббода

мўътадил мизож одам мўътадил шаҳарда қишда киядурган либосини киймоқға муҳтож ҳам бўлмаса ва ўзини елпитмоқға муҳтож ҳам бўлма-са, яъни ҳавони иссиқ ва совуқлиги мўътадил бўлса, шул вақтни номи-ни баҳор дерларки, дарахтларнинг ибтидои нашъу намолари шул фас-лда бўлур. Ва мўътадил шаҳарни шарт қилмоқни сабаби шулки, баъзи шаҳарлар ғоятда баланд жойда воқий бўлғони учун ҳар чанд мўътадил иқлимда бўлса ҳам, анда қалин либосға ҳожат бўлурки, баланд жой совуқ бўлур. Ва инчунин, баъзи шаҳар ғоятда пастлик ва чуқурлик жойда воқий бўлғони учун ҳарчанд мўътадил иқлимда воқий бўлса ҳам ул жойда тарвиҳ учун ҳожат бўлур.

Бинобарин, шаҳарни пастлик ва баландлигида ҳам мўътадил бўлмоғи шартдур. Ва мўътадил мизож одамни шарт қилмоқ сабаби зоҳирдур. Ва баҳордин сўнгги ҳарорати ғолиб бўлғон замонни ёз дер-лар. Ва ёздин сўнгги замонни куз дерларки, баҳорға муқобил бўлур, яъни ҳавонинг иссиқ ва совуқлиги баҳор каби мўътадил бўлур. Ва ҳам дарахтларнинг ибтидои нашъу намоси баҳорда бўлғонидек, иб-тидои хазони кузда бўлур, яъни барглар бу замонни аввалида сариг рангга ўзгара бошлар ва охиригача тўкилиб тамом бўлурлар. Ва куздин сўнгги замоннинг совуғи ғолиб бўлурки, ани қиш дерлар. Бас, билмоқ керакки, баҳорнинг мизожи ҳарорат ва бурудат ва рутубат ва йубусатда мўътадилдур. Аммо ёзнинг табиати иссиқ ва қуруқ-дур. Бас, буни иссиғлиғига сабаб Офтобнинг яқиндин берган шуъоъи (нури) ҳам ердин бўлғон инъикосдур. Ва қуруқлиғига сабаб ҳавода-ги рутубати Офтобни ҳароратидин таҳлил топғони ва ёмғир бўлма-ғони учун янги бухорот ҳосил бўлмағонлигидур. Аммо кузнинг та-биати совуқ ва қуруқдур.

НУКТА (Нозик маъно). Билмоқ керакки, куз баҳорнинг муқобили-дур ва тибати совуқдур, демакдин баъзилар гумон қилғондурки, баҳор кузга муқобил бўлғониға нисбатан ани табиати иссиқ ва ҳўл бўлғай, токи кузга муқобила ҳосил қилғай. Ва ани мўътадил демоқ азбаройи ҳайвонот ва набототнинг мизожиға иссиғ ва ҳўл ҳаво муносиб бўлғон сабабдин баҳорни аларға мўътадил деб таъбир қилғондурлар, деган-дурлар. Лекин аҳли таҳқиқ наздларида шундоқ эмас, балки баҳорнинг эътидоли мутлақдур, яъни тўрт кайфиятда баробардур, лекин зоҳиран ҳарорати ва бурудати баробар бўлғони ва либос ва тарвиҳ учун анда ҳам ҳожат бўлмоғони учун кузга муқобилдур. Ва ҳам баҳор ҳайвонот

ва набототни ҳаққиға муносиб бўлиб, кузни табиати алларға голиб бўлғони сабабдин муқобилдур. Ва баъзилар кузни ҳам муътадил дегандурлар. Лекин аларни ҳам муътадилдин муродлари иссиқ ва совуқни баробарлиғидур. Ва илло мабҳаси эътидол қондасиға биноан куз эътидолдин хориждур. Аммо қишнинг табиати ҳўл в совуқдурки, ёзға муқобилдур. Ва ани совуқ ва ҳўллиғиға сабаб офтобни узоқ кетгонидурки, узоқдин таъсири ва иситмоғи камроқ ҳам рутубатларининг таҳлили ҳам камроқ бўлур. Ва ҳам анда қор ва ёмғурлар кўброқ бўлур. Ва ҳам бадан масомлари банд бўлиб, баданнинг рутубати маҳбус ва маҳфуз бўлур.

Ва махфий қолмасунки, атиббонинг баҳор ва кузларини муддати ёзу қишнинг муддатиға назаран кўб қисқадур. Чунончи, совуқ ва иссиқни баробар бўлгон муддати қисқалиғи ҳар кимға маълумдур.

Ва билмоқ керакки, агар бу тўрт фаслнинг ҳар бири ҳам ўзини даврида ўзини табиатиға муносиб касалларни эҳдос (пайдо) қилур. Ва ҳам ўз таъбиға зид бўлгон касалларни зойил қилур. Чунончи, иссиқ табиатли фасл иссиқ касалларни пайдо қилур. Ва совуқ касалларни зойил қилур. Ва совуқ фасл ани зиддиға таъсир қилур. Ва бошқалари ҳам шунга қиёсдур. Ва тафсили шулки, ёз фасли сафрони зиёда қилур ва сафровий касалларни ҳодис қилур, чунончи тапи ғибб, тапи ғашия ва тапи муҳрика ва аташ ва бетоқатлик ва сарсом ва шунга ўхшаш касалларни пайдо қилур. Ва қиш фасли балғамни зиёда қилур ва амрози балғамияларни ҳодис (пайдо) қилур. Чунончи, зуком ва назла ва йўтал ва боди балғамий ва рабу ва зиқ ун-нафас ва лақва ва раъша ва фолиж ва саръ ва бунга ўхшаш касалларни пайдо қилур. Аммо куз фасли савдони зиёда қилур ва амрози савдовийларни ҳодис қилур. Чунончи, сарсоми савдовий ва тап ва диққи савдовий ва бунга ўхшаш касалларни пайдо қилур. Ва бу фаслни таъби қон таъбиға муҳолиф бўлғони сабабдин қон камайиб, қувватға заифлиғ ориз бўлур. Аммо баҳор фасли қонни зиёда қилур ва амрози дамавийларни ва жароҳатларни пайдо қилур.

Лекин бу амрози кўброқ ихдос қилмоқ баҳорни ридоати ва бузуқлиғидин эмас, балки манфаъатидур. Зероки, қон кўбайган сабаблик мизож ва табиат қуввати кучайиб, баданда бўлгон моддаи фазлияларни дафъ қилмоқға таважжуҳ қилурлар. Ва баҳор ўзини иссиқлик табиати ила мазкур моддаларни эритиб ва пишу-

риб ва баъзи ғализ моддаларни баҳор ўз рутубати табиийаси ила бўшатиб, суюлтириб қобили индифоъ (даф қилишга қобил) қилиб берар. Ва мизож ва табиат ул моддаларни хорижи баданга дафъ қилур. Ва моддалар жароҳат бўлиб хорижга чиқарлар. Аммо баъзи хато фикрлар баҳорнинг табиати совуқ ва қуруқ бўлиб, хилти савдони зиёда қилмоғини заъам қилиб, бу заъамларини исботиға баҳор вақтида жунун касалининг ғалаба қилмоғини истидлол қилгондурлар. Лекин бу фикр хато ва заъами маҳздор. Баҳор фасли ҳамма фаслларнинг энг саҳиҳроғи ва ҳаёт ва сиҳҳат ва мизожи руҳ учун энг муносиб табиатлиғ эканиға шу фаслда қон кўб бўлмоғи ва ранги баданда қизиллик ва тозалик ҳосил бўлмоғи ва бадан ахлоти ва маводи муҳтабисадин покланмоғи ва дарахту гиёҳнинг нашъу намози далили қотиъдур. Ва баҳорда амрози савдовий ва жунуннинг кўброқ бўлмоғиға сабаб, баҳор фасли савдони зиёда қилғонидин эмас, балки баданда маҳбус бўлиб тургон савдони эритиб пиширгани сабабидиндур. Ва маълумдурки, ҳар хилтға то ҳарорати мўътадила таъсир қилмаса эримас. Ва ҳарорат таъсири бирлан эриган нимарсадин албатта бухорот чиқмоғи лозимдур. Бас, маълум бўлдики, баҳорни табиати совуқ эмас, балки мўътадилдур. Ва баҳорда жунуннинг зуҳури баҳорнинг зарари эмас, балки нафъидур. Фа-тааммул.

ФОИДА. Билмоқ керакки, мазкур бўлгон тўрт фасл фусули атиб-болиғини ва бу фусули мунажжимин фусулидин бошқалиғи ва унга мувофиқ ва баробар эмаслиғини юқорида ишорат қилгон эдим. Энди бир озроқ тафсил қилмоқ ҳам лозим кўрилди. Токи, фусули арбаъанин таъсирларида қориинлар (ўқувчилар)ға тасдиқ ва итминон (ишонч) ҳосил бўлғай. Махфий қолмасунки, фусули атиббо баъътибори макон мутафовут бўлур. Масалан, шимолий мамлакатларда қиш фасли бағоят дароз (узун) бўлур, чунки анда Офтоб кўброқ вақтгача самт ур-раъс (зенит)дин узоқ бўлғони учун совуқ ғолиброқ бўлур. Ва ёз фасли қисқа бўлур. Ва баҳор ила куз фасли ҳам мўътадил мамлакатнинг баҳор ва кузлариға нисбатан қисқа бўлиб, ғолиб табиатға, яъни куз табиатиға тезроқ ўзгарилур. Ва инчунин, жанубий мамлакатларда ёз фазлининг муддати қисқа бўлур, чунки анда кўброқ муддат Офтоб самт ур-раъсада бўлиб, анда ҳарорат кўб бўлур. Ва баҳор ила куз фасли ҳам мўътадил мамлакатнинг баҳор ва кузи-

ға нисбатан қисқароқ бұлбу, голиб табиатға, яъни ёз ва иссиқ тарафға тезроқ ўзгарилур. Аммо мўътадил мамлакатларни ёз-қишлари бир-бирига баробар бўлурлар, лекин баҳор ва куз фаслидин узоқроқ бўлурлар. Ва баҳор ва куз фасли ҳам бир-бирларига баробар бўлса ҳам, лекин ёз ва қиш фаслларидин қисқароқ бўлур. Масалан, энг совуқ бўлган шимолий мамлакатнинг баҳор ва куз фасли йигирма саккиз кундан бўлмоғини тахмин қилинур. Ва энг жанубий мамлакатни баҳор ва куз фасли ҳам инчуниндур ва боқий ўн ойу ўн тўрт кун ёз ила қишнинг муддати бўлур. Ва мўътадил мамлакатнинг баҳор ва куз фасли эллик уч кундин тахмин қилинур. Ва боқий икки юз эллик тўққиз кун ёз ила қишни муддати бўлур ва инчунин, шимолий мамлакатнинг энг совуқ мамлакатада ёз фасли олтмиш кун ва қиш фасли икки юз эллик тўққиз кун бўлур. Ва энг иссиқ деган жанубий мамлакатда буни акси бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, шимолий энг совуқ мамлакат жанубий энг иссиқ мамлакат демакдин бу мамлакатдин совуқроқ ёки иссиқроқ жой бўлмас, деб гумон қилинмасин ёки жануб энг иссиқ мамлакатдин то қутбгача батадриж тобора иссиқ бўлур экан деб гумон қилинмасин. Чунки бундин ҳам иссиқроқ ёки совуқроқ, ҳатто мутлақ қиш ва ёки ёздин бошқа фасл мавжуд бўлмоғон жойлар жануб ва шимолда бўлмоғи мумкиндур. Лекин жануб тарафни энг иссиқ демоқни сабаби шулки, рубъи маскун ҳаммаси шимол тарафдадур. Ва жануб тарафида замин йўқдур. Бинобарин, шимол мамлакатларга нисбатан хатти истиво (экватор чизиги) тарафни жанубий деб мажозан таъбир қилинур. Ва илло жануб тарафға ҳам хатти истиводин нақадар узоқ борилса, шул қадар Офтобдин кам баҳралик ва бурудат (совуқ)ни ғалабаси зиёда бўлурки, шимол тарафни акси бўлур, яъни шимол тарафға Офтоб яқин келиб, ёз фасли бўлса жанубдин узоқ кетган бўлиб, жанубда қиш фасли кирар. Агар Офтоб жануб тарафға борса анда ёз фасли бўлиб, шимол тараф Офтобдин узоқ қолғони учун анда қиш фасли кирар. Лекин жануб тараф Овстролиё ила жанубий Амриқони истисно қилғонда бошқа маскун йўқлиғидин жануб тарафқа иқлим таъйин қилинмоғондур. Ва охириччи иқлимдин нариги тарафларда қиш фаслининг дарозлиғи муқтаюйи табиат даражасини олисда бўлғони учун эътибордин соқитдурлар.

Аммо аҳли нужумнинг вазъ қилғон фусуллари ушбу тариқадурки, Офтобда бир сайр бордурки, йигирма тўрт соатда курраи арздин (Ер

куррасидан) бир давр олиб айланиб келур. Ва буни аҳли нужум сайри йавмийа (бир кунлик сайр) дерлар. Бу сайрдин бошқа Офтобнинг махсус ва беитоат бағайр яна бир сайри бордурки, олти ой муддатида жануб тарафдин шимолга ва яна олти ой муддатида шимолдин жанубга бориб турарки, бу сайри махсусани аҳли нужум сайри санавийа (йиллик сайр) дерлар. Ва шул шимол ва жануб миёнасиға тўғри ва муҳозий бўлгон қитғаларда бир неча адад юлдузлар ижтимоъи (жам бўлиши)дин ўн икки адад шакли мухталифа, яъни бир нимарсани шаклиға монанд шакл ҳосил бўлгондурки, шул нуқтаи мазкур муташобихун биҳо (ўхшаш) бўлгон нимарсасини номи бирлан айтилуру. Масалан, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Далв, Ҳут деб айтилуру. Бас, Офтобни муддати сайри мазкур бўлгон ҳар икки шакл миёнасида бир ой бўлиб, мажмуъи ўн икки ой бўлуру. Ва аҳли нужум шул буружни тўрт ҳиссаға тақсим қилиб, ҳар бир ҳиссасини бир фасл деб вазъ қилгондур. Масалан, Ҳамал буржининг аввалидин то Жавзо буржини охириғача баҳор фаслидурки, Ҳамал, Савр, Жавзо уч ойдуру. Ва Саратон буржини аввалидин то Сумбула буржини охириғача ёз фаслидурки, Саратон, Асад, Сумбула уч ойдуру. Ва Мезон буржининг аввалидин то Қавс буржининг охириғача куз фаслидурки, Мезон, Ақраб, Қавс уч ойдуру. Ва Жадий буржининг аввалидин то Ҳут буржининг охириғача қиш фаслидурки, Жадий, Далв, Ҳут уч ойдуру.

Ва иккинчи сабаби муғаййираи ҳаво сабаби арзийдурки, бу тағайиур ҳам зидди табиат эмасдур. Ва ул навоҳий ва риёҳ ва мужоварати жибол (тоққа қўшни) ва мужоварат ул-биҳор (денгизларга қўшни)дур. Бас, навоҳий жамъи ноҳия, бамаъноий тарафдур. Ва риёҳ жамъи рийҳ бамаъноий боддур. Ва бод деб ҳавои мутаҳаррик, яъни шамолни айтилуру. Масалан, жануб тараф ва анинг шимоли ҳавонинг мизожини иссиқ ва ҳўл табиатига ўзгарадур. Аммо шимол тараф ва ани шамоли ҳаво мизожини совуқ ва қуруқлиқга ўзгарадур. Аммо сабо ва дубур, яъни машриқ шамоли ва мағриб шамоли ва тарафлари эътидолга яқинроқ бўлуру. Ва навоҳий ва ани ҳавоси бу табойиъи мазкурда бўлмоқ сабабини шу фаслни охирида муфассал баён қилурман, иншааллоху таъоло.

ТАНБИҲ. Навоҳийнинг таҳқиқи васати заминнинг, яъни хатти истивойи жануб ва шимолнинг маърифатиға мавқуфдур. Ва хатти

истивонинг маърифати муъаддил ун-наҳор маърифатиға мавқуф-дурки, муъаддил ун-наҳор тўққизинчи фалакнинг васатида воқий бўлгон доирадин иборатдур. Бинобарин, бу мақомда афлок ва арздин ҳам андак баён қилмак лозим бўлди, токи қорини киромға ҳақиқати ақолим (иқлимлар) банаҳжи қавим маълум бўлғай. Ва бу мабҳас икки баҳс ила тамом бўлур. Биринчи баҳс афлок (фалаклар) баёнидадур. Ва афлокни баёни бир муқаддима ва икки кашфға муштамилдур.

МУҚАДДИМА АФЛОКНИНГ КУЛЛИЙАТАН (ТЎЛИҚ) БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, ҳукамо наздида афлок ҳаммаси тўққиз табақадур. Ва ҳар табақаси яна неча табақаларға мутазаммин (бўлинган)дур. Чунончи, баён қилинур. Аммо шариятда осмоннинг етти табақа фалакға итлоқ қилинуб, боқий саккизинчи ва тўққизинчиға лафзи Курсий ва Арш вориддур. Бас, афлоки тисъанинг ҳаммаси айланмоқдадурлар. Ва ҳар фалакнинг муқаъар ва чуқур тарафи ўз ичидаги фалакнинг муҳаддаб ва дўнг тарафиға мамос бўлиб тегиб туради. Ва миёнада фосила (масофа) йўқдурки, гўё курраи аносир кабидур. Чунончи, маълумдурки, курраи Заминни курраи моъ, яъни сув иҳота қилмоғида бефосилладур ва Заминга тегиб турар. Ва курраи ҳаво сувни ва ерни иҳота қилмоғида бефосилладур. Ва курраи нор ҳам курраи ҳавони бефосила иҳота қилгондур. Ва курраи норни фалаки дунё, яъни биринчи фалак бефосила иҳота қилгондур. Ва биринчи фалакни иккинчи фалак бефосила иҳота қилгондур, ҳоказо то охири тўққизинчи фалак саккизинчи фалакни бефосила иҳота қилгондур. Чунки афлокни ҳаммаси ҳам курра шаклидадурки, афлокға назаран ернинг нисбати олу (олхўри)нинг данаги ёки тухумнинг сариғи мағзи каби ўртада маҳбус ва марказдур.

Аммо ҳукамои мутақаддимийн наздарида афлок ҳаммаси бирини иккинчиси ва иккинчисини учинчиси иҳота қилиб, бирини муҳаддаб тарафини ва устидин яна бирини муқаъар ва чуқур тарафи иҳота қилгондур, лекин миёналари фосилаликдур. Лекин ҳеч қаю фалак бошқа бир фалакға ҳаргиз тегиб турмас ва бир-бирини жабран ва касран айлан-

тирмоқда фақат қуввати жозибаси бирлан тортиб айлантирар дерлар. Ва шул қавл ақраб басавобдур, чунки агар фалакларни миёнаси бефосила ва муттасил бўлса эди, андаги юлдуз ва Ой ва Офтоблар миёнада эзилиб вайрон бўлур эди. Ва-лайса фа-лайса.

Ва фалаклар ҳаммасини даврлари батариқа таволий ул-буруждур, яъни даври махсусалари мағрибдин машриқ тарафга айланмоқдур. Шуни хотирда сақламоқ керакки, мин баъд таволий ул-буруж муқаррар зикр қилинур. Аммо тўққизинчи фалакки, ани фалак ул-афлок ва фалак ул-аъзам ҳам фалаки муъаддил ун-наҳор ҳам фалаки атлас дерлар. Бас, анинг даври таволий ул-буружнинг хилофига, яъни машриқдин мағриб тарафга давр қилур. Ва бошқа фалакларни, ҳаттоки курраи норни ҳам ўзиға бил-қаср қўшиб айлантирар. Ва бизни кўзимизға ҳамма фалак мағриб тарафга давр қилғон каби кўринур. Чунки фалак ул-афлокни даври гоят даражада тез бўлиб, бир кеча ва кундузға етмай даврини тамом қилур. Ва бошқа фалакларни ҳам сургаб келиб турар. Аммо бошқа фалакларни даври бағоят оҳиста бўлғони учун биз ани тажриба ва қиёс бирлан билурмиз. Аммо фалакларни курра шаклида экани ва ҳаракати шаръда (шариатда) собит эмас. Лекин уламои шаръий далил бўлмаса ҳам осмоннинг ҳаракати даврийҳасига қоилдурлар. Чунончи, «**Ва-с-самои зоти-р-ражъи**» ояти каримасининг тафсирида соҳиби «Байзовий» ражъдин мурод даври фалак (осмоннинг айланиши)-дур, дегандурлар. Баҳар тақдир, хоҳ ҳукамо ва хоҳ бошқанинг қавли шаръға мувофақатлик бўлса, мақбул ва илло мардуддур.

Ва билмоқ керакки, ҳукамо ҳар бир фалакда икки қутб бордур, деб эътибор қилурлар. Зероки, курравий шакллик жисм ўз ўрнидин узоқламай турган ҳолда давр қилиб айланса, албатта ани икки тараф ёнида адад қутб бўлмоғи лозим бўлур. Қутб деб мазкур жисмининг икки тараф ёнида воқеъ бўлғон икки нуқтани айтилулки, фалакни ажзолари давр сабаби ила ўз маҳалларидин бошқа маҳалға интиқол қилурлар. Ва нуқтаи мазкур ўз маҳаллидин кўзгалмас. Бас, ҳар бир фалакда икки адад нуқтаи мутақобилаи ғайри мунтақилла (қўзғолмайдиган қарама-қарши нуқта) лозим ва зарурийдур. Ва афлокни даври мағриб тарафдин машриқ тарафга ёки машриқ тарафдин мағриб тарафқа айланур бўлса, чунончи зикр қилинди, албатта бир қутб шимол тарафда ва бир қутб жануб тарафда бўлмоғи лозим келур. Ва бир фалак яна неча табақалик бўлулки, бу табақаларнинг баъзиси марка-

зий оламға муҳит ва марказлари ҳам маркази оламдур. Ва баъзилари марказий оламға муҳитдур, лекин ҳақиқий марказлари марказий олам эмас, балки марказий олам бу табақага нисбатан ўрта бўлмай, бир тарафга мойилроқ бўлур. Аммо бу табақаларнинг баҳси бизнинг мақсудимизга, яъни навоҳийи муғаййири ҳаволигиға дахли бўлмағони учун шул қадар ижмолий баён ила қаноат қилиб, зарурий баёнотға ўтармизки, бу етти табақа фалакнинг мажмуъини фалаки куллий дерларки, ҳар табақасида мағрибдин машриқға қараб таволий ул-буружи, яъни ғарбдин шарққа даври бордур. Лекин ҳар бирининг даври жудо-жудодурки, баъзиси тезроқ ва баъзиси секинроқ давр қилур. Чунки бу фалак бил-қаср мажбур бўлурлар. Ва маълумдурки, ўз хоҳиши ила ҳаракат қилғувчи қосирни ҳаракати ночорлик ва норизолик сургалиб мажбурият ила ҳаракат қилғувчи мақсурни ҳаракати суст бўлур. Масалан, тез оқар сувда мажбурият ила оқадурган қумларни ҳаракати сув ҳаракатидин суст бўлғони каби. Бас, фалакларни ўз даври махсусаларида ҳаммадин тезроғи ва тўққизинчи фалакни ҳаракатиға кам инқидроғи фалак ул-қамардурки, биринчи табақадур. Бинобарин, ойни пики фалак дерлар. Ва бу фалакнинг даври махсусаси йигирма тўққиз кун ва бир миқдор касрда тамом бўлур. Бинобарин, ой офтобдин қолиб бориб, офтобнинг ўттиз бора даврида ой йигирма тўққиз ярим бора бил-қаср ва беризо ғарбда юриб давр қилғон бўлур.

Ва билмоқ керакки, юлдузлар икки навъ бўлур. Бирини сайёра ва бирини савобит дерлар, яъни сайр қилғувчи юлдузлар ҳам бир жойда барқарор турғувчи юлдузлардур. Ва савобит юлдузлар саккизинчи фалакға банд ва маркуз (маҳкам ўрнатилган)дурлар. Магар фалакнинг даври бирлангина сайр қилғон бўлиб кўринурлар. Аммо сайёра юлдузлар машҳури етти адад бўлса ҳам ҳақиқати иккигина сайёра бордурки, офтоб ва ойдур. Ва бошқа беш адади беш фалакға маркуз бўлиб, ҳар бири ўзини фалакиға таъан сайр қилур. Лекин бу фалакларнинг ҳар бирини даври махсусаси бўлғони учун анга маркуз бўлғон юлдуз ҳам саккизинчи фалакнинг сайрига нисбатан тафовутлик бўлур.

Ва бу юлдузлар ҳам бошқа юлдузларға нисбатан бошқача сайр қилғон бўлиб кўринар. Шунинг учун буларни ҳам сайёра дерлар. Ва сайёра юлдузларнинг номлари ушбулардур: Қамар, Аторуд, Шамс, Миррих, Муштарий, Зуҳалдур. Ва буларнинг ҳар бири ҳар бир Фалакда воқиф бўлғони учун ҳар фалакнинг номи ўзида воқиф

бўлгон юлдузнинг номи бирлан қўшуб зикр қилинур, чунончи, биринчи фалак фалак уд-дунё (дунё осмони)дур. Анда Қамар воқийдур, бинобарин номи фалак ул-Қамардур. Ва бу фалакнинг ўзиға махсус таволий ул-буруж даври бир ойда тамом бўлур. Иккинчиси фалак ул-Аторуддурки, бунинг даври қариб бир йилда тамом бўлур. Ва учинчи фалак уз-Зухрадурки, бунинг даври бир йил комилда тамом бўлур. Ва тўртинчи фалак уш-Шамсдурки, бунинг даври ҳам бир йил комилда тамом бўлур. Ва бешинчи фалак ул-Миррихдурки, бунинг даври ўн тўрт ойда тамом бўлур. Ва олтинчи фалак ул-Муштарийдурки, бунинг даври ўн икки йилда тамом бўлур. Ва еттинчи фалак ул-Зухалдурки, бунинг даври ўттиз йилда тамом бўлур. Бас, бу афлоки сабъанинг ижмоли баёниға шул қадар баён кофийдурки, бизнинг мақсуд учун зиёда тафсилға ҳожат йўқдур. Ва онча ҳожат саккизинчи ва тўққизинчи фалакға мунаввитдур (боғлиқдур), бинобарин, мазкур икки фалакни икки кашф (боб) бирлан баён қилинур.

ТАМҲИД (ИЗОҲ). Ҳар чанд мартабаи аъдод (тартиб сон)га нисбатан саккизинчи фалакни баёни муносиб бўлса ҳам, лекин ани тушунмак тўққизинчи фалакни баъзи баёнотиға мавқуфдур, бинобарин аввал тўққизинчи фалакнинг баёни лозим бўлди.

КАШФИ АВВАЛ ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАЛАК БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, тўққизинчи фалакнинг номи фалак ул-афлок ва фалак ул-аъзам ва фалак ул-атлас ва фалаки муъаддил ун-наҳор исми ила тасмия қилинур. Ва анинг даври таволий ул-буружнинг хилофиға, яъни машриқ тарафдан мағриб тарафға ҳаракат қилур. Ва ҳаракати чунон тездурки, бир неча кеча-кундузға етмай даврини тамом қилур. Ва саккизинчи фалак бил-қаср ва беризо мажбурлик ила тўққизинчи фалакға табъан айланур, лекин ўзини даври махсусасиға хилоф бўлгон учун тўққизинчи фалак тарафға кам инқиёдлик ила сустроқ айланур. Ва ичидаги ҳамма афлокни ҳам ўз даврида айлантирар. Бинобарин, ҳаммаси ҳам бир кеча ва

кундузда даврларини тамом қилурлар. Ва илло бошқа фалакларини даври они хилофидадур. Шунинг учундурки, Ой ўттиз кунда йигирма тўққиз ярим мартаба давр қилур. Ва Хуркар исмлик юлдуз уч юз олтмиш беш кунда уч юз олтмиш тўрт мартаба давр қилур ва ҳоказо. Ва анга мисол шулки, пойиз аробадаги одам ҳарчанд орқа тарафиға юрса ҳам, лекин пойизни тез ҳаракати ани олди тарафға олиб кетар. Ва ул одам ўн одим машриқ тарафқа юргунича пойизда ани бир минг қадам мағриб тарафға етқазур. Шунинг учун ҳамма афлок мағриб тарафға давр қилғон бўлурлар. Чунончи, муқаддимада баёни ўтди.

Тўққизинчи фалакда ҳеч юлдуз йўқдур. Шунинг учун номини атлас дерларки, атлас деб бенақш ва нотайёр тангани айтурлар. Ва буни ҳам беюлдузлиги бенақшлигидур. Ва ҳамма фалакни ва оламни муҳити ҳақиқийси шул фалакдур. Ва замин ани миёнасида марказдур. Ва ҳар фалакда икки қутб бўлғонидек, бу фалак ул-афлокни ҳам икки адад қутби бордурки, бири шимол тарафида ва бири жануб тарафдадур. Ва икки қутбнинг миёнасида машриқдан мағрибға тортилғон бир хатти мавҳума тасаввур қилинурки, бу хат фалакнинг ҳамма жиҳатидин ҳамма мазкур икки қутбға узоқ ва яқинликда баробар бўлур. Бас, бу хатти доирани муъаддил ун-наҳор дерлар. Чунки Офтоб ўзини ҳаракати хоссасида шул хатти доира тўғрисиға келса, шул вақтда жамиъий маъмураларда кеча бирлан кундузнинг миқдори ўн икки соатдин баробар бўлур. Бинобарин, муъаддил ун-наҳор дерлар. Ва хатти минтақа ҳам дерлар. Чунки минтақа деб арабда камарбанд, яъни белбоғни айтурлар. Ва бу хатти доира ҳам фалак ул-афлокни ҳақиқий ўртасидан белбоғ бўлиб айланган бўлурки, гўё фалак шул хат бирлан икки фалаки – шимолий ва жанубийға баробар тақсим қилинғон каби бўлур.

Ва фалакиёт аҳволининг таъаққули қийин муъзилот (қийин иш)диндур. Бинобарин, осон тушунтирмоқ учун татовул (сўзнинг чўзилиши)дин маълул бўлмай, мутаъаддид (кўп) мисол баён қилмоқ маъфу (кечиримли) бўлғайки, фалак ул-афлок гўё икки адад коса мисолидурки, бир-бириға тўнкарилғон бўлиб, бири шимол ва бири жануб тарафдадур. Ва косаларнинг ҳар бирини ҳақиқий ўртаси бўлғон таги бир қутб бўлиб, икки косада икки қутби шимолий ва жанубий мавжуддур. Ва косаларнинг

бир-бирига тегиб турган чоки хатти муъаддил ун-наҳордур. Ва шул мисолни фаромуш қилмай зеҳнда сақламоқ лозимдурки, минтақат ул-буружнинг маърифатида керак бўлур. Ва хатти муъаддил ун-наҳор хатти мавҳума ва фаразийдур. Ва ҳақиқатан фалакда хатт ва ё чок бор деб гумон қилинмасин. Ва ҳукамо ўз раъйи қосирларича фалакнинг маҳдуд ва масоҳаси ўлчовлик маълум бўлгонлигини даъво қилгандурлар. Лекин даъволари заъами маҳз (хато)дур. Ва даъволарини ботиллиги ҳақида ҳаким Розий айтурларки: «Ман арода ан йактола мамлакато-л-Борий таъоло би-микйоли-л-ақли фақад залла залолан баъида».¹

КАШФИ СОНИЙ ФАЛАКИ СОМИН БАЁНИДАДУР.²

Билмоқ керакки, саккизинчи фалакки, тўққизинчи фалакнинг тагида ва бошқа афлокнинг устидадур ва ани фалак ус-савобит ва фалаки зот ул-буруж дерлар. Ва ани даври таволий ул-буруж ва тўққизинчи фалак даврига хилофан мағрибдин машриқга қараб ҳаракат қилур. Лекин ғоят даражада оҳиста ҳаракатлиқдур. Ҳаттоки, ани бир мартаба даврини ҳукамо ўттиз олти минг йилда тамом бўлмоғини тахмин қилурлар. Ва етти адад ситораи сайёрадин бошқа ҳамма юлдузлар ушбу фалакда собит ва маркуздурлар. Бинобарин, номини фалаки савобит дерлар.

Ва билмоқ керакки, ҳукамо бу фалакни машриқ ва мағриб тарафга назаран баробар икки ҳиссага олти адад хатти доираи мавҳума бирлан тақсим қилгандурларки, мазкур олти доира ҳаммаси бир-бирини нуқтаи қутби шимолий ва қутби жанубийда тақотиъ қилгон (кесишган)дур. Яъни, қутби шимолийдин қутби жанубийғача фалак атрофидин гўё қовуннинг тилим нақшидек ўн икки тилим хатт ҳосил бўлиб, ҳамма хатларнинг бир-бирига узоқ ва яқинлик нисбати баробардур. Бас, бу фалакнинг ҳажмидин ўн икки тилим ҳосил бўлурки, ҳар бири бир бурж тилими бўлур. Ва тилим яна ўттиз қисм ва бир миқдор касрға мунқасимдурки, ҳар бир қисмнинг номи даражадур.

¹ Кимки Ҳақ таъоло мамлакатларини ақл тарозуси билан ўлчашни хоҳласа, бас, батаҳқиқ катта адашиш билан адашибди.

² Иккинчи боб саккизинчи фалак баёнидадур.

Бас, бу фалакдаги даражаларнинг ҳаммаси уч юз олтмиш беш ва чорак даражадур. Ва ҳар даражаси Офтобни сайри махсусаси учун бир кеча кундузлик йўлдур. Ва ҳар бир бурж тилимида қудрати Илоҳий бирлан бир неча юлдузлар ижтимоъидин ҳар бир нимарсанинг шакли ҳосил бўлгондур. Бинобарин, ҳар буржни ўзида ҳосил бўлгон шакли махсусасини номи бирлан ном қўйилгондур. Чунончи, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Далв, Ҳут. Ва фалон юлдуз фалон буржда демоқдин мурод шундоғ бўлурки, заминнинг марказида туриб қараган тақдирда мазкур юлдуз бирлан мазкур бурж бир нуқтада қабат бўлиб кўринмоқ даражада муҳозий бўлмоғи ирода қилинур. Ва илло сайёра юлдузлар паст табақа фалаклардадур. Ва бурж саккизинчи табақа фалакдадур. Ва фалакда икки қутб бордур ва ҳар бир қутбда бир юлдуз воқидур, чунончи, шимолий қутбдаги юлдуз маълумдур. Аммо жанубий қутб юлдузи жанубий Амриқодаги Кўнго ва Анголия ва Домородин, хусусан Овстролиё ва Калоҳорий чўлларидин равшан кўринмоғи мумкин дур. Ва бошқа қитъадин кўринмас, чунки жой шимол тарафда дурлар. Бас, саккизинчи фалакнинг даври ҳам бошқа фалаклар даври кабудур. Ва бу даврдин ҳосил бўлгон доирани номи минтақат ул-бурждур.

Ва билмоқ керакки, саккизинчи фалакни қутби тўққизинчи фалакни қутбиға назаран андак эгрироқ воқид бўлгондурки, саккизинчи фалакнинг қутби шимолийси андак ғарб тарафға мойил. Ва тўққизинчи фалакни қутби шимолийси шарқ тарафға мойил бўлуб, жануб тарафи бунинг аксидур. Бинобарин, тўққизинчи фалак даврасида фараз қилинган хатти муъаддил ун-наҳорни юқори ва паст тараф маҳаллидин саккизинчи фалакнинг минтақат ул-буружи тақотиъ қилиб ўтар. Ва батадриж муъаддил ун-наҳордин узоқлашиб бориб, машриқ ва мағриб тарафда яна батадриж яқинлашмоқға авд қилур. Бас, муъаддил ун-наҳор ила минтақат ул-буружнинг доираи инҳирофиялари (этилган доиралари)дин икки қавс ҳосил бўлур. Бири мағриб тарафда муъаддил ун-наҳорнинг жануб тарафида ва бири машриқ тарафда муъаддил ун-наҳорнинг шимол тарафида воқид бўлур. Сўнгра учинчи бир хатти доираи уфқийа фараз қилмоқ керакки, қутби шимолийдин тортилиб машриқға бориб, андин қутби жанубийға етиб, андин мағрибға бориб, андин яна шимолийға келиб тамом бўлур. Яъни фалакни икки палласига ба-

робар тақсим қилиб, паллаи фавқоний (юқори палла) ва паллаи таҳтоний (пастки палла) ҳосил қилур. Бас, бу хатти мафруза албатта маълумдурки, хатти минтақат ул-буружни ва хатти муъаддил ун-наҳорни тақотиъ қилгон икки нуқталарини васати ҳақиқийсидан ва ҳар икки қавсни васати ҳақиқийсидин тақотиъ қилуб ўтар. Ва шунинг учун доираи минтақат ул-буружни тўрт тарафида тўрт адад нуқтаи мутасовий ул-буруж ҳосилдурки, икки адад нуқтаи мутақобила муъаддил ун-наҳорни тақотиъидин юқорида ва пастда ҳосил ва икки адади учинчи хатти мафруза тақотиъидин мағрибда ва машриқда ҳосилдур.

Ва бу хатти мафрузанинг минтақат ул-буруждин ғарб тарафдаги нуқтаи тақотиъини майли куллийи жанубий ва нуқтаи инқилоби шатавий дерлар. Чунки бу нуқта минтақани муъаддил ун-наҳордин тақотиъи сабаблик шарқ ва ғарбда ҳосил бўлгон икки қавсни васати ҳақиқийси ва муъаддил ун-наҳордин четга моил бўлиб кетган минтақани энг ниҳоят узоқ мойил бўлгон икки нуқтаи мутақобиласи бўлғони учун баъзи ҳукамо наздида бу икки нуқтани номи майли куллий бўлмоғини муносиб кўрилгондур. Ва ҳам шул нуқтағача минтақат ул-буруж муъаддил ун-наҳордин узоқлашиб бориб, бул нуқтаға етгондин сўнг, яна бильакс яқинлашмоқға шуруъ қилғони учун ва ҳам Офтоб ўзини сайри махсусаси ила шул икки мутақобила миёнасида сайр қилиб нуқтаға етгондин сўнг, яна орқасиға қайтғони учун бу икки нуқтани инқилоб демоқ муносиб кўрилгондур.

Аммо жануб тараф нуқтаи инқилоби шатавий демоқни сабаби зоҳирдурки, Офтоб ўз сайри махсусаси ила жануб тараф нуқтаға етганда самт ур-раъсдин узоқ кетғони учун заминға ҳарорати камроқ таъсир қилур. Ва ҳаво ғоят даражада совуқ бўлурки, қиш фасли шундин иборатдур. Бинобарин, нуқтаи инқилоби шатавий дерлар. Ва шимол тараф нуқтаи инқилоб буни акси бўлиб, Офтобни ҳарорати ғолиб бўлғони учун ани нуқтаи инқилоби сайфийи ва майли куллийи сайфийи дерлар. Ва минтақат ул-буружни муъаддил ул-наҳордан тақотиъ қилгон икки нуқтаи мутақобилани бирини нуқтаи рабиъ ва бирини нуқтаи ҳариф дерлар, яъни баҳор нуқтаси, куз нуқтаси демакдур. Чунончи отий (келгуси)да баён қилинур.

Бас, билмоқ керакки, ҳукамо нуқтаи инқилоби шатавий бирлан доираи муъаддил ун-наҳор миёнасини олти қисмға тақсим қилгондурлар. Ва инчунин, доираи муъаддил ун-наҳор бирлан инқилоби сайфийининг ҳам миёнасини олти қисм тақсим қилгондурларки, мажмуъи

ўн икки қисм бўлур. Ва ҳар қисми Офтобни сайри махсусаси ила ўн беш кунлик масофадуру. Ва ҳар икки даражада бир ойлик масофадуру. Ва ҳар бир қисмда қудрати Илоҳий бирлан бир неча юлдузларни ижтимоъларидин саккизинчи фалакни ҳар бир тилимида бир шакл ҳосилдурки, бир махлуқнинг шаклига мушобиҳдур. Ва ҳар шакл бир-бирлариға муҳозий бўлмай, жанубдин шимолға мойилроқ бўлиб, нуқтан инқилоби шатавийдин нуқтаи инқилоби сайфийғача олти шакл ҳосил бўлиб, сўнгра яна майлон ила нуқтан инқилоби сайфийдин то нуқтан инқилоби шатавийғача яна олти шакл аввалғи олти шаклнинг муқобил тарафида воқиб бўлиб, бир доираи ашкол ҳосил қилғондурлар. Чунончи, муъаддил ун-наҳорнинг шимол тарафидаги нуқтаи инқилобда биринчи қисм бўлиб, анда Саратон шакли воқибдур. Модомики, Офтоб шул қисмнинг тўғрисидадур, шу замоннинг номини Саратон дерлар. Ва бу қисмнинг масофасини Офтоб ўн беш кунда сайр қилиб, нуқтаи инқилобға етар. Яна ўн беш кунда ружуъ қилиб, шу қисмнинг ниҳоятига келур.

Ва иккинчи қисмнинг ғарб тарафида Жавзо ва шарқ тарафида Асад шакли воқеъдур. Ва бу нуқтани Офтоб сайр қилмоқда шимол тарафға сайр қилмоғини эътибори ила Жавзо ва жануб тарафға сайр қилмоқ эътибори ила Асад дерлар. Ва учинчи қисмнинг ғарб тарафида Савр ва шарқ тарафида Сунбула шакли воқибдур. Ва бу нуқтадин Офтоб шимол тарафға сайр қилмоқ эътибори ила сайр муддатини Савр дерлар. Ва жануб тарафға сайр қилмоқ эътибори ила муддати сайрни Сунбула дерлар. Тўртинчи қисмни ғарб тарафида Ҳамал ва шарқ тарафида Мезон шакли воқибдур. Ва бу нуқтадин Офтобни шимол тарафға сайр қилмоқ эътибори ила муддати сайрини Ҳамал ва жануб тарафға сайр қилмоқ эътибори ила муддати сайрини Мезон дерлар.

Ва бешинчи нуқтанинг ғарб тарафида Ҳут, шарқ тарафида Ақраб шакли воқибдур. Ва бу нуқтадин Офтобни шимол тарафиға сайр қилмоқ эътибори ила Ҳут ва жануб тарафиға сайр қилмоқ эътибори ила Ақраб дерлар. Ва олтинчи қисмни ғарб тарафида Далв ва шарқ тарафида Қавс шакли воқибдур. Ва бу нуқтадин Офтобни шимол тарафиға сайр қилмоқ эътибори ила муддати сайрини Далв ва жануб тарафиға сайр қилмоқ эътибори ила номини Қавс дерлар. Ва олтинчи қисмни ниҳоятда еттинчи қисм мавзеъи бўлгон нуқтаи инқилоби шатавийда Жадий шакли воқибдурки, Офтоб ўн беш кун муддатда мазкур нуқта-

ға етиб, яна ўн кун муддатда ружуи давр нуқтасига етиб келурки, бу муддат номини Жадий дерлар. Ва Офтобни нуқтаи инқилоби сайфий ила нуқтаи инқилоби шатавий миёнасидаги сайри ва ружуининг мажмуини муддати бир йилдур. Ва буни тўрт қисмга тақсим қилиб, ҳар қисмини фасл дерлар. Ва ҳар фаслдаги Офтобни даражаи таъсирига алоҳида исми махсус ила арабда рабиъ (баҳор), сайф (ёз), ҳариф (куз), шито (қиш) дерлар. Ва форсийда баҳор, тобистон, тийрамоҳ, зимистон дерлар. Ва туркийда кўклам, ёз, куз, қиш дерларки, ҳар бир фасл уч ойдин бўлур. Масалан: Ҳамал, Савр, Жавзо – баҳор; Саратон, Асад, Сунбула – ёз; Мезон, Ақраб, Қавс – куз; Жадий, Далв, Ҳут - қишдур.

ИНТИБОҲ. Маълум бўлдики, Офтоб хатти муъаддил ун-наҳорға етган вақти Ҳамал, нуқтаи инқилоби сайфийға етган вақти Саратон ва боз хатти муъаддил ун-наҳорға қайтиб келган вақти Мезон ва нуқтаи инқилоби шатавийға келган вақти Жадий бўлдики, Офтобни Саратон буржиға келган вақти ҳароратни гоят зўрайган вақтидур. Ҳам нуқтаи инқилоби шатавийға етган вақти совуқни багоят зўрайгон вақтидур. Ва Ҳамал ила Мезон хатти муъаддил ун-наҳорда бўлгонлари учун аларда ҳаво мўътадил бўлур, то ҳисий тажрибада собитдурки, ҳаво Асадда зўр иссиқ ва Далвда зўр совуқ ва Савр ила Ақрабда хўб мўътадил бўлур. Чунки Офтоб Саратон буржиға етган бўлса ҳам, лекин ҳавода баҳор фаслининг табиатидин ориз бўлгон рутубати ҳавоийадин воқийдурки, ҳароратнинг шиддатиға андак монёьдур. Ва Асадғача ул рутубати ҳавоийа қуруб тамом бўлур ва шунинг учун Асадда иссиқ шиддатлик сезилур. Ва Офтоб Жадийға боргонда ани багоят узоқ бўлғони учун таъсири камайуб, ҳаво багоят совуқ бўлгон мавсумидур. Лекин ёз ва кузлар табиатидин ҳосил бўлгон қуруқликдин ва иссиқдин ҳануз ҳавода боқийдурки, совуқни шиддатиға андак монёьдур. Ва баҳор ила куз ҳам инчуниндур. Ва шунинг учун Саратоннинг йигирма олтинчи кунидин то бешинчиғача бўлгон қирқ кунни ёз чилласи ва йигирма олтинчи Жадийдин то бешинчи Ҳутғача бўлгон қирқ кунни қиш чилласи дерларки, бу ҳисоб зоҳиран ҳис қилинадургон иссиқ ва совуқликға биноандур. Ва ўн бешинчи Жадийда Офтоб инқилоби шатавийға етиб, ўн олтинчи Жадийда андин ружу қилгон куни ҳам нуқтаи инқилоби сайфийға етиб, ўн олтинчи Асадда ан-

дин ружуъ қилгон кунни турк истилоҳида қайтар дерларки, ёз қайтари ва қиш қайтари дерлар. Аммо Ҳамалнинг аввали ва Мезоннинг аввали нуқтаи муъаддил ун-наҳордур.

Бас, Офтобни сайри махсусаси маълум бўлдики, нуқтаи инқилоби сайфидин то нуқтаи инқилоби шатавийғача олти ой муддатда сайр қилур. Ва андин яна қайтиб нуқтаи инқилоби сайфийға олти ойда келиб, бир даврани тамом қилур. Аммо Ойнинг сайри махсусаси ҳам шундоқ ҳар бир буружни босиб, икки нуқтаи инқилобга бориб, даврасини тамом қилур. Лекин Офтобга назаран Ойни сайри тездур. Ҳатто Офтоб икки нуқтаи инқилобнинг ўртасида олти ой сайр қилиб борадур ва яна олти ойда қайтиб келиб, бир йилда даврасини тамом қилур. Аммо Ой ўн кун саккиз соатда нуқтаи инқилоби сайфийдин нуқтаи инқилоби шатавийғача бориб, андин яна ўн тўрт кун ўн саккиз соатда нуқтаи инқилоби шатавийғача қайтиб келиб, йигирма тўққиз кун ўн икки соатда даврини тамом қилур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бу мавриддаги ақсоми буружни баёнида ғарб тараф ва шарқ тараф деб таъйин қилмоқ шакли мусаттаға (текис шаклга) биноандур ва илло шакли мужассамаи куравийада саккизинчи фалакни олти адад хатти доира билан тақсим қилиниб, мазкур доиралар қутби шимолий ва қутби жанубий нуқтасида бир-бирларини тақотиъ қилгонларидин ҳосил бўлгон ўн икки адад тилимларни ҳар бир тилимида бир бурж воқеъ бўлгондурки, фалакнинг ҳамма атрофида бурж воқеъдур. Ва фақат ғарб ва шарқга махсус эмасдур.

ФОИДА. Бу баёнға назаран қаю қисмларда баҳор буржи, яъни Ҳамал, Савр, Жавзо воқеъ бўлса, куз буржи бўлгон Мезон, Ақраб, Қавс ҳам шул буржда воқеъ экан. Фақат Офтобни ружуъ вақти эътибори илағина куз фасли ва Офтобни зиҳоб (кетиш) вақти эътибори илағина баҳор фасли, деб ном берилмоғи амри эътиборийдур ва мизожға дахли йўқдур. Бас, баҳор ила кузни ҳар иккиси бир мизожда бўлса керак деб, шубҳа қилинмасин. Чунки Офтобни ружуъи (қайтиши) ила заҳобнинг миёнасида зўр тафовут собитдур. Чунончи, қиш фаслининг ҳавосини мизожи совуқ ва ҳўл мизожликдур. Бас, қиш фасли ўтиб, баҳор фасли кирса, Офтобни самт ур-раёсга яқинлашган сабаби ила ҳарорат зиёда бўлуб, қишни совуғини иътидол даражаға келтиргон бўлур. Ва ҳам шул ҳарорат қишнинг ру-

тубатини таҳлил бериб, иътидол даражаға келтиргон бўлур. Аммо куз фасли ёз фаслини сўнггида бўлур. Ва ёз фаслини ҳавоси гоят даражада иссиқ ва қуруқ бўлур. Ва ҳавода рутубат мутлақо таҳлил топиб, тамом бўлгондур. Ва куз фаслиға ўтгандин сўнг Офтобни самт ур-раъсдин узоқлашгани учун ҳавони ҳарорати зойил бўлгон, лекин ҳануз борон (ёмғир) ва бошқа сабаблардин рутубат ҳосил қилмагандурки, ани мизожи совуқ ва қуруқ мизожлик ва иътидолдин узоқдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бу мавридда баён бўлгон тўрт фасл хатти истивоода сокин бўлмоғон ва шимол тарафда бўлгон кишиларга назарандур. Ва илло хатти истивоода сокин бўлган кишилар учун бир йил саккиз фасл бўлур. Чунки Офтобни сайрида шимол тарафға сайр қилгонда ҳам самт ур-раъсға келиб ўтар ва шимолдин жанубға ружуида ҳам самт ур-раъсға келиб ўтар. Бинобарин, бир йилда икки ёз фасли ҳосил бўлур. Ва инчунин, нуқтаи инқилоби жанубийға боргонда ҳам самт ур-раъсдин узоқлашиб, қиш фасли ҳосил бўлур. Ва ҳам нуқтаи инқилоби шимолийға боргонда ҳам самт ур-раъсдин узоқлашиб, қиш фасли ҳосил бўлур. Ва инчунин, ҳар бир тараф нуқтаи инқилоб ила хатти истиво миёнасида Офтобни заҳобидин икки баҳор фасли ва ани вужудидин икки куз фасли ҳосил бўлур. Лекин хатти истиво заминни жануб тарафға бир четигина бўлғони учун анда бўлгон сокинлар оз миқдорда бўлиб, хатти истиводин шимол тарафда сокин киши кўб бўлғони учун аксарият-ни фусули бўлгон тўрт фасл машҳурдур. Ва аҳли нужумлар наздида тўрт фасл ушбулардин иборатдур.

ИККИНЧИ БАҲС АРЗ (ЕР) БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, тамоми ажроми афлок (осмон жисмлари)нинг маркази ва ҳамма ажсоми аносирийянинг маркази ва мағзи Арз, яъни Заминдур. Ва Замин хусусида кўб тафсилотни мабҳаси арконда баён қилгон эдим. Лекин бу мавридда ҳам бақадри зарурат бир қадар баёни лозимдур. Бас, Заминнинг вазъийятида ҳукамо миёналарида ихтилоф воқеъдур. Чунончи, баъзилар Замин ярим

курра шаклида бўлиб, сув устида турғонлигини ва баъзилар Заминнинг қалқон шаклида бўлиб, ҳаво устида турғонлигини даъво қилғондурлар. Лекин ҳукамои мутақаддиминнинг мўътабар ва эътамид (ишонч)ликларининг наздларида Заминнинг умумий шакли курравий шаклдур. Ва зоҳирий сатҳи ҳақиқий курравий бўлмай, пастлик ва баландликлари бордур. Бинобарин, пастлик маҳалларини сув курраси ўраб олиб денгиз бўлғон ва баландлик маҳаллари сувдин юқори қолиб рубъи маскун бўлғондурки, жамиъи афлок ва аносир ҳаммаси курравий шаклда махлуқ бўлиб, баъзиси муҳит (ўраб олувчи) ва баъзиси муҳот (ўраб олинган)дур. Ва тўққизинчи фалак ҳамма афлок ва аносирга муҳот ва Замин ҳаммасига муҳит ва марказдур. Ва бошқалари баъзида муҳит ва баъзида муҳот бўлиб, пиёзнинг жирмидек табақадордур. Ва инчунин, ҳукамо ўрталарида ихтилоф бордурки, баъзилари Замин ҳаракат қилур, фалак сокинур, дерлар. Ва Заминнинг икки хил ҳаракати, яъни ҳаракати дулобий ва ҳаракати давриййаси борлигини ва ҳаракати дулобийсидин, яъни думаланиб айланғонидин тағаййуроти йавмиййа (қунлик ўзгаришлар) ва ҳаракати давриййасидин тағаййуроти санавиййа (йиллик ўзгаришлар) ҳосил бўлур, дерлар. Аммо ҳукамои муҳаққиқин бул қавлни ботил ва бадиҳий ул-бутлон (нотўғрилиги ошкоро) дерлар. Балки Заминни сокинлигини ва афлокни ҳаракати дулобиййасини исбот қилурлар. Ва зоҳирдурки, Замин куррасининг хатти истивоси ҳукамо тахминларича қирқ икки минг миллион метрдур. Бас, агар фалак сокин ва Замин мутаҳаррик (ҳаракатланувчи) бўлса эди, ҳамма ашъи унсуриядин Заминни ҳаракати тез бўлур эди. Чунки йигирма тўрт соатда қирқ икки минг миллион метр масофага сайр қилиб, даврасини тамом қилувчи Замин ҳар бир соатда бир миллиону етти юз эллик минг метрлик масофага сайр қилмоғи лозим келур. Ва бул миқдорни бир соатда сайр қилмоқда сайрнинг тезлигидин Заминнинг ҳамма дарахт ва иморатлари тўқинғон ҳавонинг, яъни шамолнинг шиддатидин йиқилиб хароб бўлур эдилар. Чунончи, маълумдурки, усти очиқ пойизда турғон киши шамолдин нафаси қайтиб, нақадар озурда бўлур, ваҳоланки пойизда бир соатда фақат олти ёки етти минг метргина масофа йўл юрар. Ва агар Замин ҳаракат қилур дегув-

чиларнинг фикрича, замин ўзининг қувваи жозибаси ила ҳавони ҳам жазб қилиб, ўзига ҳамроҳ қилиб боргони учун шамол бизга махсус бўлмаса, бул тақдирда ҳамма вақт шамол бўлмаслиғи лозим келур эди. Ва-лайса фа-лайса.

Ва инчунин, агар замин бул тариқа тез ҳаракат қилса эди, ҳаракатнинг шиддати ва садма (зарба)си бирлан денгиз сувлари ҳаво тарафга отилиб кетгон бўлур эди. Ва ҳеч вақт сувлар ўз маҳаллида сокин ва барқарор туrolмас эдилар. Ва-лайса фа-лайса.

Ва инчунин агар замин мағрибдин машриқ тарафқа бу қадар тез ҳаракат қилур бўлса неча соатда машриқдаги Офтобга етиб боргон учун биз Офтоб чиқди деб гумон қилсак ва неча соатда Офтобдин ўтиб узоқ кетгони учун биз Офтоб ботди, деб гумон қилсак, бу тақдирда паррандаларнинг учмоғидаги суръати ҳамма тарафга баробар бўлмас эди. Ҳатто шарқга учмоғида заминнинг сайрига етолмай, тобора кейин қолмоқлари лозим эди. Ва-лайса фа-лайса.

Ва инчунин, агар биз ҳеч тарафга мойил қилмай, тўғри осмон тарафга амудий (тўғри) ўқ отсак, албатта бир неча дақиқадин сўнг мазкур ўқ шул отилгон жойга қайтиб тушар. Бас, агар замин шарқ тарафга бу қадар тез ҳаракат қилур бўлса эди, мазкур ўқ қайтиб тушар вақтигача, масалан, беш дақиқада замин ўн саккиз минг метр йўлга сайр қилгон бўлиб, осмон тарафга отилгон ўқ ҳам ўн саккиз минг метр ғарб тарафга тушмоғи лозим келур эди. Ва-лайса фа-лайса.

Бас, далоили ақлий ва нақлийлар ила собитдурки, замин сокиндур ва афлок мутаҳарриқдур. Ва билмоқ керакки, замин уч табақага тақсим қилинур. Биринчи табақа хориж тараф қисмидурки, анга сув ва ҳаво мураккабдур. Ва иккинчи қисми миёна қисмидурки, анга сув сингиб мураккаб бўлгондур. Аммо ҳаво мураккаб бўлмоғондур. Ва учинчи қисми марказдурки, холис замин баситадур. Ва анга сув етолмас. Ва шул қисмнинг нуқтаи авсати бутун аносир ва афлокнинг марказидур. Бас, заминнинг ҳақиқий ўртасидин бир хатти доира фараз қилингондурки, шарқдин ғарбга тортилиб, даврасини тамом қилмоғи ила гўё заминни икки паллага баробар тақсим қилиб, паллаи шимолий ва паллаи жанубий ҳосил қилгондур. Ва мазкур икки палла гўё бир-бирига тўнкарилгон икки коса шаклида бўлиб, ҳар косани васати ҳақиқийси (ҳақиқий ўртаси) бўлгон нуқта бир қутб бўлиб, паллаи шимолий ва жанубийдин қутби шимолий ва жанубий

муҳозий ҳосилдур. Ва мазкур икки косаларнинг бир-бирига тегиб турган чоклари хатти доирадурки, номини хатти истиво (экватор чизиги) дерлар.

Чунки замин тўққизинчи фалакни васати ҳақиқийсида воқеъ бўлиб, бу хатт ҳам заминнинг васати ҳақиқийсида воқеъ бўлғони учун тўққизинчи фалакнинг хатти муъаддил ун-наҳориға муҳозий ва баробардурки, замин марказидин қараган тақдирда бул икки хатт гўё бир хатт бўлиб қабат кўринар даражада баробардур. Ва Офтоб муъаддил ун-наҳор нуқтасиға баробар келгонда шул хатти истивоға баробар келган бўлиб, кеча ва кундуз ҳам баробар ва муставий бўлур. Бинобарин, хатти истиво дерлар. Ва яна замин атрофидин иккинчи бир хатти доираи уфққиййа фараз қилинғондурки, бир қутбдин бошлаб мағриб заминға бориб андин ўтуб, иккинчи қутбға етиб, андин машриқ заминға бориб, андин яна аввалғи қутбға келиб, даврасини тамом қилмоғи ила гўё заминни икки паллаи фавқониййа ва таҳтониййаға (юқори ва пастки палласиға) баробар тақсим қилғон бўлур. Бас, ҳар икки хатти доираи истиво ва хатти уфқиййа бирлан замин тўрт ҳиссаға тақсим қилинғон бўлур.

Ва муқаррардурки, жанубий Амриқони ва Ҳабашистонни жанубидан Конго ва Анголияни истисно қилғонда заминнинг ҳар икки ҳиссаси ва шимолий ҳиссаси сувға ғарқ бўлғондур. Ва боқий бир ҳиссаси очикдурки, рубъи маскун шул бир ҳиссадур. Ва тамоми етти иқлим ва бошқа харобалар ва тоғлар шул бир ҳиссаға мунҳасирдурлар. Ва бу ҳиссанинг ниҳояти саккизинчи фалакнинг қутби шимолийсини тўғрисиғача етгандур. Ва яна замин атрофидин учинчи бир хатти доира фараз қилинурки, заминнинг қутби шимолийсидин бошлаб рубъи маскуннинг ҳадди васатидин ўтуб, хатти истивони қатъ қилиб, сўнгра қутби жанубийға бориб, андин ўтиб, яна хатти истивони қатъ қилиб келиб, қутби шимолийда даврасини тамом қилмоғи ила заминнинг баробар икки ҳисса шарқий ва ғарбийға тақсим қилурки, номини хатти меҳвар ва хатти минтақат ул-ақолим дерлар. Ва меҳвари мазкур икки нуқтаи фавқоний ва таҳтонийда хатти истивони қатъ қилғон бўлур. Бас, рубъи маскуннинг хатти васатидин ўтуб, хатти истивони қатъ қилғон нуқтаи тақотиъини номини қуббат ул-арз, яъни заминнинг қуббаси дерларки, бизларға нисбатан заминнинг энг баланд жойи шул нуқтадур. Чунки, маълум бўлдики, уч адад хатти доирадур, яъни

хатти истиво ва хатти уфқиййа ва хатти қуббат ул-арзларнинг бир-бирига тақотиъларидин заминда олти адад нуқтаи тақотиъ ҳосил бўлдики, алардин иккиси шимол ва жанубда ва иккиси шарқ ва ғарбда ва иккиси ост ва устдадур. Бас, устда бўлгон нуқта бизга маълум ва сувдин макшуф (очиқ)дур. Ва бошқа ҳамма нуқталар сувга ғарқ бўлгондур. Ва соир қитъалар ҳаммаси муҳандислар кашфиётлариға назаран бу нуқтаи қуббат ул-арздин пастлиги собит бўлгондур. Ва қутби шимолий бирлан қуббат ул-арз миёнасидаги хатти солисни нисфи наҳор дерлар. Чунки шу хатт устида амудий санчилиб турғон нимарсани сояси ҳам шулі хаттға муҳозий (параллел) турса куннинг нисфи ўтган бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, тўрт жиҳати оламни баён қилмоқда ҳар тарафни исмини баъзи ҳукамо шарқ ва ғарб ва жануб ва шимол лафзи бирлан баён қилгондурлар. Ва баъзилар сабо ва дабур ва ҳарр ва бард лафзлари бирлан баён қилгондурлар. Ва қорини киромларимизга бу истилоҳни баён қилиб ўтмоқ лозим кўрилди. Чунки отийда бу истилоҳлар мукаррар зикр қилинур, чунончи, жиҳатларнинг номи кун чиқар тарафга қараб турган кишига назаран муқобил тарафи шарқ ва сабодур. Ва орқа тарафи мағриб ва дабурдур ва ўнг тарафи жануб ва ҳаррдур ва чап тарафи шимол ва барддур. Бинобарин, шарқдин келган шамолни боди сабо ва ғарбдин келган шамолни боди дабур дерлар. Ва Офтоб аксари вақт жануб тарафга мойил бўлғони сабабдин жануб тараф ҳавоси иссиқ бўлғони учун бу тарафни мажозан тасмия маҳалл ба исми хол қабилдин ҳарр (иссиқ) дерлар. Ва шимол тараф ани хилофида совуқ бўлғони учун бу тарафни бард (совуқ) деб тасмия қилгондурлар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳукамо хатти истиводин то қутби шимолий замингача ўртада бўлгон рубъи маскунни тўқсон даражага тақсим қилиб, мазкурдин қутб тарафдаги ўттиз даражани эътибордин соқит қилгондурлар. Чунки бу даражалар Офтобдин ғоятда узоқ ва қаттиқ совуқликдин масканликға ва иморат биносига ва ер гиёҳ кўкармоғига ноқобилдурлар. Ва боқий олтмиш даражани етти иқлимға мунҳаср (тақсим) дерлар. Ва баъзи ҳукамо хатти истиво тарафдин ҳам ўн даражаси ғоятда иссиқ ва анда яшамоқ мумтанидур деб тарҳ қилиб, боқий эллик даражани етти иқлимнинг энига тахсис қилурлар. Аммо иқлимларнинг бўйи шарқдин ғарбга чўзилиб, ибтидоси денгиздан бошлаб охири ҳам денгизда тамом бўлур.

Биринчи иқлим хатти истиводин бошланиб, жанубий ёни хатти истиводур. Ва бўйи йигирма тўрт минг чақирим йўлдур. Ва эни бир минг икки юз чақиримдулки, ҳамма иқлимларнинг каттасидур. Аммо еттинчи иқлим қутби шимолий тарафда бўлиб, бўйи ўн икки минг ва эни олти юз чақиримдур.

Ва ҳамма иқлимнинг ичида қисқароғи шул еттинчи иқлимдур. Ва бундин нарида маъмура ва ободонлиқ йўқдур. Ва бошқа иқлимларнинг бўйи ва эни ҳам батартиби адад батадриж мутафовутдур. Чунончи, биринчидин иккинчининг бўйи ва эни камроқ ва иккинчидин учинчи камроқ ва учинчидин тўртинчи камроқ ва андин бешинчи камроқ ва андин олтинчи камроқ ва андин еттинчининг бўйи камроқдур. Ва ҳар иқлимнинг ҳавоси бошқа иқлимдин ва аҳлининг мизожи бошқа иқлим аҳлининг мизожидин тафовутликдур. Ва ҳар иқлимда кундузнинг узоқлик соати фарқликдур. Аммо иқлими аввал деб шундоқ мамлакатларни айтилулки, ани хатти истивоға етган ёнидаги мамлакатни энг узоқ бўлган ёз куни ўн икки соат ва ўн беш минут бўлур. Ва миёнадаги мамлакатни энг узоқ куни ўн соат бўлур. Ва шимол тарафи, яъни охири ва иккинчи иқлимни аввалини энг узоқ куни ўн уч соат қирқ беш минут бўлур. Ва миёнасининг энг узоқ куни ўн тўрт соат бўлур. Ва бунинг шимол тараф охири ва учинчи иқлимнинг аввалини энг узоқ куни ўн тўрт соату ўн беш минут бўлур. Ва миёнасининг узоқ куни ўн тўрт соату ўттиз минут бўлур. Ва охирги ва тўртинчи иқлимнинг аввали ўн тўрт соату қирқ беш минут бўлур. Ва миёнаси ўн беш соат бўлур. Ва ани охири ва бешинчи иқлимнинг аввали ўн беш соату қирқ беш минут ва миёнаси ўн олти соат ва охири ва олтинчи иқлимнинг аввалини узоқ куни ўн олти соат ва қирқ беш минут бўлур. Ва миёнаси ўн етти соат бўлур. Ва охири еттинчи иқлим аввалининг энг узоқ куни ўн етти соату қирқ беш минут ва миёнаси ўн саккиз соат ва охири ўн саккиз соат ва охири ўн саккиз соату йигирма икки минут бўлур. Ва бу иқлимдин сўнг харобаликдур. Ва совуқ ва қор ниҳоят кўб бўлур ва аҳли нужум ҳар бир иқлимнинг тасарруфини ҳар бир ситора (юлдуз)га нисбат берур ва ҳар иқлимдаги тағаййур кайфияти ва табаддул мизожи амри Илоҳий бирлан мазкур юлдузларнинг таъсири ила бўлур, дерлар. Ва аларнинг фикринча, Зуҳал биринчи иқлимнинг тасарруфиға

мутасаддидурки, бу иқлимнинг аксари Ҳинд шаҳарларидур. Ва иккинчи иқлимга Муштарий мутасаддидурки, ани аксари Чин шаҳарларидур. Ва учинчи иқлимга Миррих мутасаддидур. Ва ани аксари Турк шаҳарларидур. Тўртинчи иқлимга Офтоб мутасаддидур. Ва ани аксари Хуросон шаҳарларидур. Ва бешинчи иқлимга Зуҳра мутасаддидур. Ва анинг аксари Моварауннаҳр шаҳарларидур. Ва олтинчи иқлимга Аторуд юлдузи мутасаддидур ва анинг аксари билоди Яъжуж ва Маъжуждур. Ва еттинчи иқлимга Ой мутасаддидур. Ва ани аксар жойи билоди Балхдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, баъзи вилоятлар хос бир иқлим ичида воқеъдур ва баъзи вилоят икки иқлимга муштарак воқеъдур, яъни ул вилоятнинг баъзи қитъаси бир иқлимда воқеъ бўлуб, баъзи қитъаси бошқа иқлимда воқеъдур. Шунинг учун бу вилоятларни иқлимга таъйин қилмоқга баъзиси тўғри келмас. Бинобарин, ҳар бир иқлимда воқеъ бўлгон шаҳарларни қайси вилоятдин эканини ушбу мабҳас охирида алоҳида баён қилурман, токи бу шаҳар қавли асаҳҳ (тўғри сўз) бирлан қайси иқлимда воқеълиги осонроқ маълум бўлғай.

ФОИДА. Ҳукамо миёналарида асбоби арзийадин қатъи назар қилгонда афлокнинг вазиятига назаран қайси иқлим мўътадилроқ экани тўғрисида ихтилоф воқеъдур. Чунончи, Шайх ур-раис ва ҳукамои мутақаддимийн наздларида хатти истиво ҳаммадин мўътадилроқ ва ҳаким Қарший ҳам шуни маъқул қилгондурлар. Ва ҳукамои мутааххириннинг аксарлари ҳам шул фикрни таржиҳ (маъқул) қилгондурлар. Ва баъзи ҳукамои мутақаддимин тўртинчи иқлимни мўътадилроқ дерлар. Имоми Розий ҳам шул сўнги раъйни ихтиёр қилгондурлар. Ва ҳар қаюлари ўз муддаоларини исботига далиллар баён қилурлар. Аммо шайх Абу Али ибн Сионинг далиллари шулки, ҳеч шак йўқдурки, Офтоб доим хатти истиводин четда юрар. Янги хатти истиводин шимол тараф ёки жануб тарафда юрар. Ва йилда бир марта хатти истивонинг устига келур. Лекин тез фурсатда андин ўтиб кетар. Ҳам бу маҳал нуқтаи иътидоли маҳаллийдур. Бас, ушбу сабаблар бирлан хатти истивога ҳарорат ҳам шиддатли бўлмас, инчунин Офтоб ҳар икки нуқтаи инқилоб тарафига боргонда ҳам бошқа иқлимларга назаран хатти истиводин кўб узоқ кетмаган бўлур. Шунинг учун совуқ ҳам шиддатлик бўлмас. Бинобарин, хатти истиво мўътадилроқдур, дерлар. Бас, бунга шубҳа қилинмасинки, хатти

истивоға Офтобни яқин келмоғининг ўзи энг шиддатли ҳароратға боисдур. Бас, хатти истивоода ҳарорат нима учун шиддатли бўлмас, деб шубҳа қилинмасин. Чунки ҳар бир кайфият асарининг зоҳир бўлмоғи учун ўшал асарлар муассир (таъсир қилувчи)ини давоми шартдур. Ва тажрибада собит бўлғондурки, ҳар қандоқ ўткир муассирни давоми бўлмай, тез зойил бўлса асари шиддатлик бўлмас. Ва агар мазкур муассир кўброқ фурсатғача зоил бўлмай давом этса, агарчи ўткир бўлмаса ҳам кўб таъсир қилур. Масалан, кўб офтобда исиган тошни кўброқ ушлаб турсак қўлимизни куйдирар. Аммо тезроқ олиб тезроқ қўйсак худди чўғ оловни ушласамиз ҳам қўлимиз куймас, ваҳоланки олов тошға нисбатан кўб даражада ўткир иссиқдур. Бас, Офтоб ҳам агарчи хатти истиво устиға келгонда ҳарорати ўткирроқ бўлса ҳам, лекин мизожға таъсир қилгунча ўзи яна узоқлашиб кетур. Ва инчунин, саҳар вақтининг совуғи ярим кечанинг совуғидин ўткирроқ бўлур. Ваҳоланки, саҳар кун чиқиш вақтиға яқинроқ ва ярим кеча кун чиқиш вақтиға узоқдур. Чунки саҳар ғуруб (кун ботиш)дин бошлаб узоқ вақтғача Офтобдин бебаҳрадур. Ва ярим кеча саҳарға нисбатан Офтобдин камроқ фурсат бабаҳрадур. Бинобарин, саҳарни совуғи ғолиброқдур. Бас, Офтобнинг таъсири бошқа иқлимларда кам бўлса ҳам, лекин анда давоми кўброқ бўлғони учун таъсири ҳам кўброқ бўлур.

Ва яна бир далил шулки, хатти истивоода сокин бўлғон кишиларни аҳволини кўрармизки, аларни кечаларнинг совуғи кундузларни иссиғиға баробар бўлғони учун ҳамма ҳоллари бир-бириға мушобиҳ ва муносибдур. Чунки аларни кеча-кундузлари баробардур. Аммо бошқа иқлимларда Офтоб шимолий буржларға келса, аларни кундузлари узоқ ва кечалари қисқа бўлиб, аларни ҳоллари бир-бириға ташобух ва таносиби бўлмас.

Ва яна бир далил шулки, хатти истиво қутби шимол ила қутби жанубнинг васати ҳақиқийсида воқеъ бўлғони учун Офтоб нуқтаи инқилоби жанубийға борғонда ҳам хатти истивоға келиб ўтар. Ва инқилоби жанубийдин қайтганда ҳам хатти истиводин босиб ўтар, яъни бир йилда икки ёз фасли ва икки қиш фасли ва икки баҳор фасли ва икки куз фасли такрор бўлиб, мажмуъи саккиз фасл бўлур. Ва шул сабабдин ҳар бир фасли халқға кўб мутаассир бўлмай, тезроқ икки фаслға интиқол қилғон бўлурки, буларнинг ҳаммаси хатти истивони бир-бириға яқин мушобиҳ ва муносиблиғини ва аввалғи одатланғон ҳаво

сўнгиндин келган ҳаво зид бўлмаслигини исбот қилур. Бас, гўёки хатти истивода сокин кишилар бир мўътадил ва мутавассит ҳолатдин яна шунча мушобиҳроқ иккинчи бир ҳолатга интиқол қилурлар.

Аммо бошқа иқлимда турғувчилар бир фаслда Офтоб алардин кўб узоқ кетгони ва бир фаслда кўб яқин келгони учун гўё бир зид ҳолдин яна бир зид ҳолга интиқол қилиб турарлар ва ҳеч шак йўқки, бу маъно ҳавода кўб накбат (қийинчилик)ларни ижоб ва ижод қилур, албатта. Ва шу сабаб ила мухталит ҳаволарнинг таъсири баданга кўброқ асар қилур. Зероки, одам ўзи қилгон (аралаш) ҳавосига бутун муҳолиф бўлгон зид ҳавога дафъатан кирса ани зидлик таъсирини кўброқ эҳсос қилур. Бас, ушбу далиллар бирлан собитдурки, хатти истиво ва биринчи иқлим ҳамма иқлимлардин мўътадилроқдур.

Аммо тўртинчи иқлимни ҳаммадин мўътадилроқ экани учун имом Розийнинг далиллари шулки, хатти истивони мўътадиллигига кўрсатилган далиллар ҳаммаси ани аксига, яъни мўътадил эмаслигига далолат қилур дерлар. Чунки Офтоб хатти истиводин кўб узоқ кетмас. Ва ҳам ҳар йилда Офтоб икки бора хатти истивонинг устига келур. Бас, булар хатти истивонинг ҳавосини кўб иситуб иътидолдин чиқарғувчи сабаблардур. Бинобарин, хатти истиводин то ўн даража шимол тарафда ободонлик йўқдур. Аммо тўртинчи иқлим ҳамма иқлимларни ўртасида воқеъ бўлгондур. Ва хайр ул-умур авсатуҳо¹ мазмунича, бошқа иқлимларга назаран мўътадилдур. Ва ҳам бу иқлимдин Офтоб узоқ кетмоғони ва кўб яқин ҳам бўлмоғони учун бу иқлимнинг совуқ ва исиги бир-бирига баробардур. Ва ҳам бошқа иқлимларга нисбатан тўртинчи иқлимда таволуд (кўпайиш) ва таносул (туғилиш) ва таъмиротни кўблиги бу иқлимни мўътадиллигига далилдур, дерлар. Лекин Имом Розийни биринчи ҳужжатларини дафъи юқорида мазкур бўлдики, хатти истивога Офтоб икки бора келса ҳам, лекин тез фурсатда андин ўтуб, узоқлашгони учун таъсири кам бўлур ва кўб иситмас. Ва иккинчи ҳужжатларини дафъиға жавоб таволуд ва таносул асбоби арзий ила бўлмоғи мумкиндур. Аммо Шайх ур-раиснинг сўзлари хатти истивони умури самовий жиҳатидин мўътадил бўлмоғига вобастадур.

Ва Шайх ур-раси ила Имом Розийнинг ихтилофларини татбиқ қилмоқ учун ҳаким Довуд Антокий соҳиби тазкираи «Улил-албоб» дерлар-

¹ Ишларнинг яхшиси унинг ўртасидур.

ки, агар иътидолдин ташобухи аҳвол мурод бўлса, бу албатта шаксиз, хатти истивода аблағ (кўп)дур. Ва агар иътидолдин мурод такофйн кайфиягайн (ҳолатнинг бир хиллиги) бўлса, бу бешак тўртинчи иқлимда аблағдур. Ва хатти истивода совуқ ва иссиқ баробар эрмас. Ва бунга хатти истивода сокин бўлгон зангий ва ҳабашийларнинг ранги қаро ва мўйи жингалак бўлмоғи далилдурки, ҳароратнинг ғалабасидин ориз бўлур, дерлар. Ва бунга жавобан Шайх ур-раиснинг тобеъларидин соҳиби «Комил»: «Инна ҳазо илло мин асбоб ил-арзи ва ҳува хорижун мин маҳаллин-низоъи», яъни бу кайфият асбоби орзийдин ориз бўлур ва музокара асбоби самовий хусусида бўлғони учун кайфияти асбоби арзий маҳалли низодин хориж, деб жавоб бергандурлар. Баҳар тақдир жумҳури ҳукамо наздларида хатти истиво ҳаммадин мўътадилроқдур.

Сўнгра тўртинчи иқлим мўътадилдур. Ва бошқа иқлимлар би-л-итти-фоқ иътидолдин хориждур. Ва хорижийлиги ҳам тафовутликдур. Чунончи, иккинчи иқлимнинг охирлари ва учинчи иқлимнинг аввалларида Офтоб самт ур-раъса кўброқ давом этғони учун Офтоб узоқлашгандин сўнг ҳам ҳарорат бурудат (совуқ)ға нисбатан ғолиброқ бўлур. Аммо бешинчи иқлимнинг охирлари то еттинчи иқлимнинг охири ва андин нариларидин Офтоб доим узоқ бўлғони учун аларда совуқ ғолиб бўлур. Лекин учинчи иқлимнинг охирлари ва бешинчи иқлимнинг авваллари тўртинчи иқлимға яқинлиғидин иътидолға яқиндур.

Ва Ҳиндистон ҳукамои мутааххиринларидин Саййид Афзал Алихон Файзободий шундоқ шубҳа қилиб китоблариға ёзғонларини фақир ўқидимки, баъд аз хатти истиво ҳаммадин мўътадилроқ иқлим тўртинчи иқлим бўлса эди, давоий афовиййа, яъни хушбўй даволар каби манфаатлик даволарни шул иқлим кўброқ етуштиргон бўлур эрди. Ваҳоланки, бу даволар бошқа иқлимларда кўброқ кўқарурки, бошқа иқлимларни иътидол ва қобилиятлариға далилдур демишлар. Ва мазкурға жавобан фақир ҳам ушбунни ёзарға лозим кўрдумки, ҳар давои мутлақда кайфиййоти арбаъадин бир кайфиййат ғолиб бўлмаса даво бўлолмас ва таъсир беролмас. Бас, давода баъзи кайфиййатни ҳадди иътидолдин ғолиб бўлмоғи ўз манбати (ўсиш жойи) бўлгон иқлимни ҳадди иътидолдин хорижлигиға далили қотий (қатъий далил)дур. Ва иътидолдин хорижлик бошқа иқлимларға ансаб (муносиб)дур. Аммо тўртинчи иқлим мўътадил бўлғони учун бундаги набот (ўсимлик)лар ғизои мутлақ ёки ғизои давоий бўлмоқлари ва кайфиййоти арбаъадин ҳеч бири аларда ҳадди иътидол-

дин хориж бўлмаслиги алиқ (лойиқроқ)дур. Токи, жузви бадани инсон-ға мушобаҳати ашадд ва аглаб бўлғай. Бас, энди боқий ихтилофдин қатъи назар қилиб, ҳукамои мудаққиқийни мутақаддимийн ва ҳукамои мутааххирийн наздларида муттафақун алайҳ (келишилган) қавлларни ихтиёр қилиб, етти иқлимни ва алардаги машҳур вилоят ва шаҳарларини қорини киромға фаҳми осон, маром бўлмоғи учун ҳам собиқда маъруф исмлари ва ҳам ҳозирда машҳур исмлари бирлан ҳар иқлимда мавжуд вилоят ва шаҳарларни шул иқлим бағнининг охирида теъдод қилиб кўрсатмоқ лозим кўрилди. Бинобарин, етти иқлимнинг баҳсини етти фатҳ (фасл) ила баён қилинур.¹

Бас, мабҳаси афлок ва арздин фориғ бўлдимиз, энди яна асл муддао-ға ружуъ қилурмизки, ҳавони тағаййуриға биринчи сабаб иқлим бўлғони каби иккинчи сабаб мужоварати жибол ва биҳордур, яъни замини тоғ ва катта тепа ва дарёларға ҳамсоялиқдин ул заминнинг ҳавоси ўз иқлимидаги бошқа заминнинг ҳавосидин тафовутлик бўлур. Чунки агар шаҳарнинг жануб тарафи тоғ бўлса ул шаҳарға бод шимол тарафидин келур. Ва жанубдин боднинг келмоғиға тоғ монёе бўлур. Бинобарин, бу шаҳарнинг ҳавоси ўз иқлимининг табиатиға нисбатан совуқроқ бўлурки, шимолӣ иқлимлардин келган ҳаводур. Ва маълумдурки, ҳар шимолӣ иқлимнинг ҳавоси жануб ҳамсоя иқлимнинг ҳавосиға нисбатан совуқроқ бўлур. Ва агар шаҳарнинг шимолӣ тарафида тоғ бўлса, бу шаҳарға ҳаво жануб тарафдин келур. Ва шимол тарафдин бод келмоғиға тоғ монёе бўлур. Бинобарин, бу шаҳарни ҳавоси шул иқлимда бўлгон бошқа шаҳарнинг ҳавосиға нисбатан иссиқроқ бўлур. Чунки жануб тарафда хатти истиво бўлгон сабабдин ул тарафни ҳавоси иссиғ бўлур.

Ва яна шимол тарафдаги тоғни ёни офтобға муқобил бўлғони учун офтоб шуъои (нури)ға тоғни ҳарорати инъикоси кўшилур, ҳавони зиёда исимоғиға сабаб бўлур. Аммо жануб тарафдаги тоғни шаҳар тараф ёни офтобға муқобил бўлмоғони учун андин ҳарорат мунъакс бўлмас. Ва агар шаҳарни ғарб тарафида тоғ бўлса, шарқ тарафида бўлгондин яхшироқ бўлур. Чунки бу шаҳарға шарқ тарафдин боди сабо келур. Аммо ғарбдин боди дабур келмоғиға тоғ монёе бўлур.

Ва маълумдурки, боди сабо дабурға нисбатан иссиқроқ ва ҳавоси бошқа моддалардин мусаффороқ бўлур. Ва агар шаҳарнинг шарқ та-

¹ Бу ерда дунёдаги барча шаҳар ва қишлоқлар номи келтирилган бўлиб, бу катта ҳажмии эгаллаши ва табобатға алоқаси йўдлигини ҳисобға олиб тушириб қолдирилди.

рафида тоғ бўлса, анга ғарб тарафидин боди дабур келур. Аммо шарқдин боди сабо келмоғига тоғ монё бўлур. Бинобарин, ул шаҳарнинг ҳавоси бошқа ғарбида тоғ бўлгон шаҳарнинг ҳавосига нисбатан андак совуқроқ ва ҳаво моддасига бошқа модда ҳам андак мухталифроқ бўлур. Ва шаҳарнинг ғарб тарафида воқеъ бўлгон тоғ шарқда воқеъ бўлгон тоғдин яхшироқ эканига иккинчи сабаб шулки, шарқ тарафга воқеъ бўлгон тоғ узоқроқ вақтгача офтобни шуъоьига монё бўлуб, ҳавони салқинликлигига сабаб бўлур. Сўнгра офтоб баланд кўтарилган сабабдин шуъоьни тушганда шиддатлик иссиқ шиддатлик салқин ҳаво узра дафъатан тушади. Бас, бу икки зид табиатни бир-бирига табаддулидин сокин кишилар табиатиға азият ориз бўлур. Аммо ғарб тарафда воқеъ бўлгон тоғ бундоғ азиятга сабаб бўлмас. Чунки кундузда исиб латиф бўлгон ҳаво ғурубни аввалида чандон совумагон бўлур. Ва совуса ҳам тафовути ғоят оз ва мўътадилга яқин бўлур. Бинобарин, аксари ҳукамо боди сабо ва боди дабурни мўътадил деб ҳисоб қилғондурлар. Шунинг учун бул мавридда татвиши калом (сўз узайиши) бўлса ҳам бир миқдор изоҳ бермоқ фоидадин холи эрмасдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, боди сабо боди дабурдин иссиқроқ ва софроқ бўлур, чунки боднинг ҳаракатиға бухороти мойийа ва бухороти духониййа сабабдур, яъни сув моддаси бўлгон буғ ва замин моддаси бўлгон тутун сабабдур. Ва (буларнинг) ҳусули ва суъудиға албатта ҳарорат лозимдурки, офтобни шуъоьидин ҳаво исиганда ҳавони ҳажми кўпаюр ва денгиздин буғ чиқиб анга кўшилур. Бинобарин, ўз маконига сиғмай зиёдаси бошқа салқинроқ тарафга таралурки, ани номи боддур. Шунинг учун боди сабо эрта бирлан кундузнинг аввал вақтида турар, токи офтоб чиқарға яқин бўлиб, ўзига муқобил бўлгон ҳавони иситар. Ва ҳавони ҳажми кўбайиб, ўз ўрниға сиғмогон зиёдаси ҳануз офтобдин узоқ салқин тарафга жорий бўлур. Ва Офтоб ҳам сабо сўнгидин таъқиб қилиб юриб, анга кўброқ таъсир қилиб, бодни латиф қилур. Ва андаги фазла бўлгон сув моддаларини таҳлил берур. Ва замин моддаларини ажратиб, осмон тарафга чиқорғон бўлур. Бинобарин, боди сабо боди дабурға нисбатан иссиқроқ ва софроқ бўлур.

Аммо боди дабур кечқурун куннинг охирида бўлур. Чунки офтоб мағриб тарафга борганда ондаги ҳавони иситар, лекин анга таъсир қилолмас. Чунки офтоб дабурни таъқиб қилмас. Балки, бил-акс боди дабур шарқ тарафга ва офтоб ғарб тарафга узоқлашиб, офтобни таъ-

сири тезроқ зойил бўлғони учун дабур боди сабодек латиф ва соф бўлмоғон бўлур.

Аммо боди сабо ила боди дабурнинг баъзи ҳукамо мўътадил демоқларидин муродлари иътидоли ҳақиқий бўлмай, балки иътидоли мажозийдур. Яъни, ҳар иқлимда воқеъ бўлгон боди сабо ва боди дабур шул иқлим ҳавосини мизожиға мувофиқ демоқ муроддур. Чунки маълумдурки, офтобнинг даври шарқдин ғарбга бўлиб, ҳар кун таъсири шарқ ва ғарбига баробар бўлур. Бинобарин, иқлимнинг маҳаллида боди сабо ва боди дабур воқеъ бўлса ҳам, албатта шул иқлимдаги ҳавони боди бўлғони учун мизожи ҳам кўб тафовутлик бўлмас. Ва иқлим ҳавосиға мувофиқ бўлур. Ва муҳолиф эрмас демоқ муроддур. Ва илло ҳар иқлимнинг сабоси бошқа иқлимнинг сабосиға нисбатан албатта таҳолуфликдур ва мўътадили ҳақиқий демоқ мумкин эрмас. Чунки хатти истивоға яқин ва ё узоқ даражасиға назаран иқлимларни ҳавоси муҳолиф бўлгондек, аларни сабо ва дабурлари ҳам албатта муҳолиф бўлмоқлари лозими табиийдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, шимол бодининг мизожи совуқроқ ва қуруқроқ бўлур ва совуқлигиға сабаб шулки, шимол тарафда совуқ зўр ва қор кўб бўлур. Чунончи, иқлимлар баънида маълум бўлди. Бас, шимолдин келган бод ҳам ўшал совуқни кайфиййати ила мутакаййиф бўлиб, асарланган бўлур. Ва қуруқ бўлғониға сабаб шулки, анга бухороти мойййа, яъни буғ камроқ мухталит (аралашган) бўлур. Чунки шимол тарафда ҳарорат камроқ бўлур ва буғни кўброқ ҳосил қилмоқ учун албатта кўб ҳарорат бўлмоғи лозимдур. Ва инчунин, шимол тарафда майъаи соила (эриб оқувчи) ҳам камдур. Чунки анда совуқ галабасидин тамоми қор ва яхдур. Ва маъдандаги моддани айриб сайлон қилмоғи ва андин буғ пайдо қилмоғи учун ҳам кўб ҳарорат лозимдурки, бу ҳарорат шимолда мавжуд эмас. Аммо жануб тарафдин келгон боднинг мизожи иссиқроқ ва ҳўлроқ бўлур. Чунки агар ул бод хатти истиводин келган бўлса, албатта шаксиз иссиқ бўлурки, чунки хатти истиво маҳабби ҳарорат ва офтобга қариброқдур. Агар бил-фараз боди жанубий қутби жанубийдин келгон бўлса, мизожи би-з-зот совуқлигида шак йўқдур, чунки қутби жанубий ҳам хатти истиводин узоқлик нисбатда қутби шимолий ила баробардур. Лекин ул бод бизға етиб келгонда хатти истиводин ўтиб, хатти истивони ҳарорати ила исиб, сўнгра бизға етиб келур. Бинобарин, иссиқ бўлур. Ва инчунин,

шимол тарафни боди агар хатти истиводин жануб тарафга борса, жанубда сокин кишилар учун иссиқ мизожлик бўлур. Аммо бизларга ҳануз мизожи ўзгарилмаган вақтда мулоқот қилғони учун бизни табии-атимизга совуқлик қилур. Аммо жанубий боднинг мизожи ҳўлликлигига сабаб шулки, жануб тарафда сувлар соил (оқувчи) ва музламоғон наҳрлар кўбдур. Ва ҳам денгизнинг соҳили хатти истивога кўб яқиндур. Ва хатти истивога офтобни ҳарорати ғолибдурки, денгиз ва наҳр сувларидин кўб буғлар ҳосил бўлиб, ҳавога қўшилиб, турмоғи-га боисдур. Бинобарин, боди жанубий ҳўлдур.

ТАНБИХ. Билмоқ керакки, ҳаким Файзободий ва тавобий (тобеъ)лари шубҳа қилибдурларки, жануб тарафни ҳарорати зўрлиги тақозо қилурки, жануб тарафни ҳавоси қуруқ мизожлик бўлса. Чунки зўр ҳарорат ўзи ҳаводаги рутубатни қуруб, фано бўлмоғи-га сабаб бўлур, демишлар. Лекин бу фикрда зўр хато қилғондурлар, чунки сувни қуримоғи сувлик ҳолидин ҳаволик ҳолига ўзгарилмоғидин иборатдур. Аммо ҳақиқатан фано бўлмас. Бас, нақадар сув ҳаво бўлиб ҳавога қўшилса, шул қадар ҳавода ҳўллик ҳосил бўлур. Ва сувга ҳақиқатан фано йўқликни далили маълумдурки, ҳар вақт ҳавога совуқ таъсир қилса, ҳаво ҳолида бўлғон сувлар боз сув ҳолига келиб, ёмғур ёки қор бўлиб тушар. Ва билжумла шимол тараф боди баданни мустаҳкам ва ҳавос (ҳислар)-ни ўткур ва димоғни бақувват ва рангни ҳусндор қилмоқ таъсири-ни берар. Бинобарин, ҳукамо ани маъкул кўргондурлар. Ва жануб тарафнинг боди баданни сушт ва заиф ва ҳавос (ҳислар)ни мукаддар ва ўтмас ва аъзода оғирлик пайдо бўлмоғига таъсир қилурки, гўё шимол тарафни боди совуқ сувдек ва жануб тарафни боди гўё иссиқ сувдек таъсир берур.

ФОИДА. Бод ҳавойи мутаҳаррик (ҳаракатдаги ҳаво)дин иборат экани юқорида мазкур бўлди. Лекин ҳукамо наздларида бодни ҳаракатиға етти хил сабаб бордур. Биринчи сабаб шулки, офтобнинг таъсири ила ҳаво исиб, ҳажми зиёда бўлур. Ва яна сувдин бухорот ва заминдин духон (тутун) чиқиб ҳавога қўшилур. Бас, ҳавони ўз ўрниға сигмаған зиё-даси атрофга таралурки, бод шул таралиб турғон ҳавои зоида (ортиқча ҳаво)дин иборатдур.

Иккинчи сабаб шулки, заминдин суъуд қилғон ҳавои бухориййа мақоми замҳарирға етганда ҳарорати зойил бўлғони учун анга яна оғирлик ориз

бўлиб, ўз оғирлиги ила паст тарафга нозил бўлур. Ва шул ҳолда ўз оғирлиги ила пастдаги ҳавони босиб, ҳавода мавж ҳосил қилур. Ва ҳавони ҳарорати шул мавждин иборатдур.

Учинчи сабаб шулки, агар суъуд қилгон (кўтарилгон) бухорот кўб ва зўр ва ҳарорати ғолиб бўлса, мақоми замҳарирда ҳам ҳарорати зойил бўлмай, андин ҳам юқориға суъуд қилиб курраи нориййаға етар. Аввал ҳолда курраи нория фалакни ҳаракати давриййасига мутобиъатан (тобеъ ҳолда) балки би-л-қаср итоатан ҳаракати давриййада тез айланиб турғони учун ўз ҳаракати бирлан анга мулоқот қилгон бухоротга садма ва зарба бериб, паст тарафқа шиддат бирлан рад қилур. Ва бухоротни шиддатлик нузули (тушиши)да пастдаги ҳаволарға тазийқ ва тамаввуж (мавжланиш) ҳосил бўлурки, бод шул тамаввуждин иборатдур.

Тўртинчи сабаб шулки, булутлар ҳаракати сайриййа ва ҳаракати суъудиййаларидин таскин топарлар. Ва ночор паст тарафга нозил бўлурлар. Ва пастдаги ҳавоға мавж ихдос қилурлар ва бод шул мавждин иборатдур.

Ва бешинчи сабаб шулки, баъзи сабаблар бирлан ҳавони ажзосида такосуф (зичлашув) ҳосил бўлурки, ажзо ҳаммаси сиқилиб, жамъ бўлуб ва ижтимоъ (бирлашув)ни таъсири ила албатта хулувви макон (бўш жой) мумкин бўлмоғони учун ночор атрофдаги ҳавони ўзига жазб қилур, ҳам бу такосуфни сабаби зойил бўлгондин сўнгра мужтамиъ бўлгон ҳавони ажзоси яна ёзилур. Ва атрофдин жазб қилгон ҳаволарни боз дафъ қилур. Бас, ушбу жазб ва дафъ ила ҳавоға ориз бўлгон ҳаракат боддин иборатдур.

Олтинчи сабаб шулки, ҳаво ба тариқаи жараён ўз табъича ҳам ҳаракат қилур. Чунончи, ҳукамо наздларида ҳавони жараёни мусаллам ва мақбулдур. Бинобарин, дерларки: «Ал-моу ва-л-ҳавоу баҳронни ло фарқа байнаҳумо фи-л-жарайони илло анна-л-моа ағлазу ва бутту-л-ҳаракати ва-л-ҳавоу алтафу ва сариъу-л-ҳаракати», яъни сув ила ҳаво ҳар иккиси икки дарёдур ва бир-бирларидин оқимда фарқлари йўқдур, магар сув ғализроқ ва ҳаракати оҳистароқ бўлур ва ҳаво латифроқ ва ҳаракати тезроқ бўлур, дерлар.

Ва еттинчи сабаб шулки, офтоб таъсири ила заминнинг дохилида баъзи маъданий моддалар эриб, бухорот ҳосил бўлур. Ва лекин муҳтабис (қамалиш)лик бирлан бухорот ажзосида тазийқ ва ижтимоъ

ориз бўлур. Ва тазйиқнинг камолидин ё заминда зилзила воқеъ бўлуб, натижада замин ёрилиб, муҳтабис бухорот хорижға чиқиб тарқалур ёки бир маҳмул жойдин, чунончи, ғор ё мағок (чуқур)дин йўл топиб неча муддатгача шул жойдин бухорот чиқиб, хориждаги ҳавоға мавж эҳдос қилурки, шул мавж боддин иборатдур. Ва агар бу мазкур бўлгон сабабларга мунҳасир бўлмай, яна бошқа сабаблардин бод ҳосил бўлса мақсудға мунофий (зид) эрмас. Ва ҳукамо мазҳаблари шул мазкур сабабларга мабний (биноан)дур. Аммо бизларки, аҳли шаръдурмиз, хоҳ бод ва хоҳ бошқа ҳаммаси амри Ҳақға маъмурдур. Ва бод ҳам жунуди Илоҳий (Аллоҳ лашкари)дин биридурки, ер остида муҳтабис (қамалган) ва амри Илоҳийға мунтазир турар. Ва фармони Илоҳийға мувофиқ бақадри ҳожат оламға зуҳур этар деб, эътиқод қилурмиз.

Ва тағайиури ҳавоға учинчи сабаб мужоварати биҳор, яъни дарёға ҳамсояликдур. Ва ҳамсоя шаҳарнинг ҳавосини тағайиуриға сабабдурки, агар шаҳарнинг жануб тарафида дарё воқеъ бўлса, ул шаҳарнинг ҳавоси шимол тарафида дарё воқеъ бўлгон шаҳарнинг ҳавосиға нисбатан иссиқроқ бўлур. Ва шимол тарафда дарё воқеълигини шул жиҳатдин қайд қилинди, то гумон қилинмасунки, дарёға асло ҳамсоя бўлмогон шаҳарнинг ҳавосиға нибатан иссиқ бўлур деб. Чунки бу ботилдур. Ва агар шаҳарнинг шимол тарафида дарё бўлса, ул шаҳарнинг ҳавоси жанубида дарё бўлгон шаҳарнинг ҳавосидин совуқроқ бўлур.

Аммо шаҳарнинг ҳар қаю тарафида дарё воқеъ бўлса ҳам, бетафовут ул шаҳарнинг ҳавоси дарёға мужовар бўлмогон шаҳарнинг ҳавосиға нисбатан ҳўл мизожлик бўлур. Чунки албатта, дарёдин бухорот суъуд қилиб, ул шаҳарнинг ҳавосиға мухталит бўлур. Ва бухоротнинг ихтилоту сабаблик ҳавода ғилзат ҳосил бўлғони учун ул ҳаво баъзи муассиротнинг таъсиридин тез мунфаъил бўлмай ўз табиатида боқий турар. Бинобарин, дарёға мужовар шаҳарни ҳавосини баъзи ҳукамо мўътадил фаҳм қилгондурлар ёки мўътадил деб таъбир қилгондурлар. Ва жанубида дарё бўлгон шаҳар ила шимолида дарё бўлгон шаҳарни фарқ қилмогондурлар. Ва баъзилар жанубида дарё бўлгон шаҳарнинг ҳавосини мўътадил деб билурлар. Чунки совуқ мизожлик бухороти мойийани ихтилоту сабаблик жанубий ҳавони ҳарорати сўнуб, мўътадил ҳолға келур дерлар. Ва шимолида дарё бўлгон шаҳарнинг ҳавосида совуқ ғолиб деб билурлар. Чунки шимол тарафни

ҳавоси совуқдур ва анга бухоротнинг ихтилоти яна муъиндур, дерлар. Ва шул фикрларига биноан Ибни Маҳмуд Чағминий раҳматуллоҳи алайҳнинг матни «Қонунча»ларидаги: «Мато кана-л-бахру фий ноҳиййати-л-жануби кона ҳавоу-л-балади асхану»¹ деган қавлларига эътироз ва тағлит (хато санаш)га журъат қилғондурлар. Лекин ҳақ шулки, алар мотин (муаллиф)нинг муродларини тушунолмоғон ва ул мудаққиқ (тадқиқотчи)нинг каломи ғумузлари (чуқур сўзлари)га зафар тополмоғондурлар. Ва мотиннинг бу иборотларидин мақсудлари шулдурки, субутға етгандурки, иссиқнинг асари ва феъли совуқнинг асари ва феълига назаран қавий (кучли)дур. Бас, боди жанубий мизожии иссиқ ва асари голибдур. Агарчи дарёдин ўтиб келса ҳам ўз ғалабаси ила мунфаъил ва ҳадди иътидолға мойил бўлмай, шаҳарға етган ва ўзига кўб миқдор бухоротни қўшиб келгони учун қивоми ҳам ғализ бўлиб, яна ўз феълида матонат ва пойдеворлик ҳосил қилғон бўлур. Бинобарин, ўз таъсири табиийси бўлғон ҳарорат асари анда боқий бўлур демоқ муддаода «Кона ҳавоу-л-балади асхану» (шаҳар ҳавоси иссиқ бўлади) деган эрдилар. Аммо мақсудлари боди жанубийнинг йўли дарё устидин бўлғони учун ҳароратини зиёда бўлмоғига дарё боис бўлур, деган эмаслар, чунки бул сўз бадиҳий ул-бутлон (очиқ хато)дур, валлоҳу аълам би-с-сабоб.

Аммо шаҳарнинг шарқ тарафида дарё воқеъ бўлса ул шаҳарнинг ҳавоси ҳўл мизожлик бўлур фақат. Ва совуқ мизожлик ва ғализ бўлмас, чунки анга офтобнинг таъсирининг ҳарорат лоҳиқ (етишган) бўлуб, мўстадил ҳолга келур. Ва ҳавони қивомида ғализлик бўлмас, чунки офтобнинг таъсири ани латиф ҳолга келтургон бўлур. Ва агар шаҳарни гарб тарафида дарё бўлса ул шаҳарнинг ҳавоси ҳам ҳўл мизожлик ва ҳам совуқ ва ҳам ғализ бўлур, чунки офтоб ғурубға кетар ва ҳавоға таъсир қилолмас. Бас, дарёдин суъуд қилиб, ҳавоға мухталит бўлғон бухорот ўзини табиий ғилзати ва бурудатида боқий бўлур.

ФОИДА. Агар ирод қилсаларки, дарёи шўр бешак баданға қуруқлик таъсир берур. Бас, анга мужовар (қўшни) шаҳарнинг ҳавоси нечук ҳўллик таъсир олур? Бас, анга жавоб шулки, дарёи шўр сувини ажзосига замин ажзосидин бўлғон туз ва бура ва бунга ўхшаш маъданий жисмлар мураккабдурки, баданға ориз бўладургон қуруқлик асари шул

¹ Агар шаҳар дарёнинг жануб томонида бўлса, шаҳар ҳавоси иссиқ бўлади.

жисмларнинг таъсиридур. Аммо ҳавоға мухталит бўладурғон бухорот мазкур жисмлардин ажраб чиқган холис сувдин иборатдур. Ва ҳароратни таъсиридин холис сувгина бухорот бўлуб, суъуд қилур. Аммо замин жинси бўлғон модда суъудға қобил эрмаслар. Бинобарин, ёмғурни суви шириндур, чунки бегона жисмлардин холий ва мусаффордур. Ва баданға мубаррид (совутувчи) дурки, сувлик табиатиға табрид (совутиш) ва совутмоқ лозими табиийдур.

Ва ҳавони тағаййуриға тўртинчи сабаб худ заминдурки, заминни ҳоли ҳам бўш ва қаттиқликда мухталифдур. Масалан, тошлоқ заминнинг ҳавоси қуруқ бўлур, чунки қаттиқ ва қуруқ заминдин бухорот камроқ суъуд қилур. Ва агар лойлик замин бўлса, ҳавоси ҳўл мизожлик бўлур, чунки лойлик ва рутубатлик жойдин бухорот кўб ҳосил бўлиб, ҳавоға мухталит бўлур. Ва билмоқ керакки, шаҳарнинг тупроғи фақат ҳавоғагина тағаййур бермай, балки ҳавоға ва риёҳға ва булоқларға ва гиёҳларға, ҳатто ҳайвонларға ҳам тағаййур таъсирини берар. Масалан, олтингугурдлик жойда қурутмоқ ва иситмоқ таъсири кўбдур. Ва қумзор ва шўразор жой олтингугурдлик жойға қариб таъсир берур. Ва сизотлик жой мизожға мураккаб, ҳам ахлотға муъаффиндур, яъни мизожға рутубатни зиёда қилур. Ва ахлоти арбаъа (тўрт хил хилт)ға уфунат пайдо қилур.

ИККИНЧИ АСБОБИ СИТТАИ ЗАРУРИЙЎА (ОЛТИ ЗАРУР САБАБЛАРНИНГ ИККИНЧИСИ)

Маъкул ва машруб (ейиладиган ва ичиладиган)лар баёнидадурки, умрнинг давоми ва баданнинг бақоси ёмоқ ва ичмоқға мавқуфдур. Чунки бадан доим таҳлил ва фаноликдадурки, ҳар онда бадандин миқдори таҳлил топиб, фано бўлиб ва ани нуқсонига ҳар онда физодин қон ҳосил бўлуб, қондин гўшт ҳосил бўлиб, баданға қўшилиб турар. Бас, таҳлил топғон миқдордин қўшилғон миқдори зиёдароқ бўлса, батадриж бадан зиёда бўлурки, ўсмоқ ва семирмоқ шундин иборатдур. Ва агар таҳлил топқон миқдор қўшилғон миқдордин зиёда бўлса, батадриж баданға нуқсон ориз бўлурки, ориғламоқ шундин иборатдур. Чунончи, адвори арбаъа (тўрт девр)да батафсил баён қилинди. Яна кайфиятини забул касалининг бобида муфассал баён қилурман, иншааллоҳу таъоло.

Бас, бақойи бадан гизо (овқат)га мавқуф (боғлиқ)дурки, агар гизо бўлмаса баданда музтарлик лозим бўлур. Аммо ичмоқ учун баданнинг ҳожати шулки, сув гизосини ютмоқ учун суюлтуруб бадан масомлариға киргизмоқ учун зарурийдур, яъни сув гизосини гизолик вазифасини камолиға еткурғувчи мутаммим (мукаммал қилувчи)дур. Бинобарин, бадан сувға ҳам муҳтождур. Ва сувнинг ўзи аркони арбаъа (тўрт руки) дин бўлғони учун гизои баданға дохил бўлса ҳам, танҳо ўзи гизо бўлломас, магар бошқа таомға қўшилиб гизо бўлур. Чунончи, юқорида баёни кўб ўтди.

ФОИДА. Билмоқ керакки, сувдин бошқа ҳар нимарсаикси баданға кирса, яъни меъдаға кирса, ул нимарса бирлан бадан миёнасида феъл ва инфиёол, яъни меъда бирлан меъдаға киргон нимарсани бири таъсир қилур. Ва бири таъсиридин асарланур ёки ҳар иккиси таъсир қилур ва асарланур, яъни тағйир (ўзгариш) берур ва тағйир топур. Бас, шул эътибор бирлан баданға дохил бўлғон нимарса етти эҳтимол бирлан етти қисмға мунқасим бўлурларки, биринчи гизои мутлақ, иккинчи давои мўътадил, учинчи давои мутлақ, тўртинчи гизои давоий, бешинчи давои гизоий, олтинчи давои саммий, еттинчи самми мутлақдур.

Аммо гизои мутлақ шундай нимарсадурки, меъдаға киргандин сўнг баданнинг ҳарорати ғаризийҳасидин асарланиб, гизолик суратидин чиқиб, хилтлик сувратига ўзгарилур. Сўнгра баданлик сувратига ўзгарилур, яъни фанойи баданға бадан бўлур. Аммо ўзи баданға таъсир қилиб, ҳеч қандоқ ўзгартирмас, яъни баданни ажзои табиийҳасидин чиқармас. Ва мажрои табиийға мувофиқ таъсири ўз моддаси ва жавҳари бирлан бўлур. Аммо кайфият ва қувват бирлан бўлмас. Ва ани мисоли нон ва гўштдур.

Иккинчи давои мўътадилдур. Ва ул шундоқ нимарсадурки, баданға киргандин сўнг бадан ҳароратидин асарланиб тағйир топар. Аммо баданға тағйир бермас, яъни ул нимарсани табиатида ҳарорат ё бурудат ё бошқа бир ҳолат ихдос қилмоқ одат бўлмоғон бўлур ва жузви бадан бўлмас. Ва билмоқ керакки, давои мўътадилға мўътадил лафзини тақйид (қайд) қилмай, фақт даво лафзини итлоқ қилинмас. Агар итлоқ қилинса батариқаи мажоз итлоқ қилинғон бўлур. Чунончи, агар бир тошни кема сувратига қилиб ишланган бўлса, ани тош кема демоқ раводур. Аммо фақат кема демоқ дуруст эмас. Чунки анда кемани феъли мафқуд (йўқ)дур. Бас, давои мўъта-

дилда ҳам даво феъли мафқуддур. Чунки даво баданга киргандин сўнг одатда андин баданга бир асар ҳосил бўлур. Чунончи, давои мутлақда баён қилинур.

Учинчи давои мутлақдур, бу шундай нимарсадурки, баданга киргандин сўнг баданни ҳарорати ғаризийасидин асарлануб ўзгарилур, ҳам ўз кайфияти бирлан таъсир қилиб, баданни ўзгартирар. Масалан, ани кайфияти иссиқ ёки совуқ ва ҳўл ёки қуруқ бўлса, баданни ҳам ўз кайфиятига мутакаййиф қилиб, бадан кайфиятидин зиёда бир кайфият ориз қилур. Ва охир натижада ўзи бадан ҳароратидин асарланиб, мутағаййир ва ҳазм бўлур. Аммо андин моддаси баданга қўшилиб жузви бадан бўлмас.

Тўртинчи ғизоий давоийдур. Ва бу шундоқ нирсадурки, баданга киргондин сўнг баданнинг ҳарорати ғаризийасидин асарлануб мутағаййир бўлур, ҳам ўзини кайфияти бирлан баданни ҳам мутағаййир қилур, лекин ани олгон асари кайфияти бирлан берган таъсиридин голиб бўлур, яъни модда баданга мушобиҳ бўлуб, кўброқ миқдор жузви бадан бўлур. Аммо кайфияти заиф бўлуб, баданга камроқ кайфият ихдос қилур. Бас, маълум бўлдики, ани асарланмоғи модда ила бўлур ва таъсир қилмоғи кайфият ила бўлур. Ва модда ила асарлануб суврати мутағаййир ва жузви бадан бўлгон эътибори ила ғизо дерлар. Ва кайфият ила таъсирини эътибори ила даво ҳам дерлар. Ва ғизолик жиҳати голиблиқдин ани исм мақомида муқаддам зикр қилинур. Ва даволик жиҳати камроқ ва мағлуб бўлғони учун ани сифат мақомида қайд қилурлар. Ғизои давоийнинг мисоли кашкобдурки, ғизолик жиҳатидин моддаси бадан ҳарорати ила ўзгарилуб, қон бўлур. Ва даволик жиҳатидин ҳосил бўлгон қоннинг мизожи ичган кишининг ўзида аввалан мавжуд бўлгон қонга нисбатан совуқроқ бўлур. Ва совуқлик кайфияти ила суришини таскин берур. Ва яна бир фарқ шулки, ғизои давоий тезроқ ўзгарилур. Ва давои ғизоий кечроқ ўзгарилур. Чунончи, ибтидоий ўзгарилув бўлгон ҳазми меъдани ҳам тезроқ ва кечроқ ҳазмидин ҳам маълум бўлурки, жузви бадан бўлмоғи ҳам ҳазмга қиёсандур.

Бешинчи давои ғизоийдур. Ва буни таърифи айнан ғизои давоий таърифидур. Ва фарқи фақат шулдурки, буни баданга таъсирида кайфият ила таъсири модда ила таъсирига голиб бўлур. Яъни, жузви бадан бўлгон моддаси камроқ ва баданга ориз қилгон кайфияти кўброқ бўлур. Бинобарин, бунга даволикни исм ўрнида муқаддам ва ғизоликни сифат ўрнида қайд қилиб, ғизои давоий дерлар.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, баъзи ҳукамо бунга хилоф қилиб да-
вои ғизоийнинг ўзи мутағаййир бўлса, анда кайфият мафқуд (йўқ) ва
зойил бўлмоғи лозимдурки, кайфиятга суврат иллат ва сабабдур. Ва
кайфият маълул ва мусаббабдур. Ва маълулни вужуди бевужуди ил-
лат мумтаниъдур. Бинбарин, давои ғизоий нимарсанинг вужуди да-
вои маҳздур, деб китобларида ёзгонликларини кўрдим. Агарчи тат-
вили калом (сўз узун) бўлса ҳам, мазкурға икки тариқа далил ила
жавоб бериб ўтмоқни лозим билдим. Токи, бошқа қорини киром ҳам
мазкур ироддин шубҳаяланмасинлар. Жавобга биринчи далил шулки,
маълулнинг вужудиға вақти ижодда иллат шартдурки, муважжид
(вужудга келтирувчи)дур. Ва вужуд бемуважжид ҳосил бўлмас. Аммо
баъд аз ижод ҳар иллатни бақоси ҳар маълул (сабабчи)ни бақосиға
шарт эмас. Чунончи, сувнинг қайнамоғи оловнинг вужудиға мавқуф-
дурки, ани иссиқлиги оловни кайфиятиға мутакаййифлигинин иборат-
дур. Аммо қайнагондин сўнг оловни ўчирилса, сувни ҳам қайноқлиги
зойил бўлмас ва неча вақт иссиқлиги боқий турар. Ва инчунин, давои
ғизоийнинг ҳам суврати ўзгарилгон бўлса ҳам андин ҳосил бўлгон
қондаги кайфияти боқий бўлур ва мураккаботи унсурийиғада собит
бўлгондурки, суврат тобеъдур ва кайфият матбуъ (тобе қилувчи)дур.
Бас, сувратни заволидин кайфиятни заволи лозим келмас. Аммо ано-
сири басоит бун ақсича бўлур, чунончи аркон мабҳасида муфассал
баён қилинди, фа-л-йаржиъ илайҳи (ўша жойға қаралсин).

Иккинчи далил шулки, давои ғизоий моддалари ҳазми кайлул ва
ҳазми каймуси увлода ўзгарилиб, хилт сувратига кирарлар, аммо
каймуси соний ва каймуси солисда ани ғизоий моддаси жузви бадан
бўлур. Аммо давоий моддалари жузви бадан бўлмай, ўз ҳоли зо-
тиййасида боқий турар. Бинобарин, кайфиййати ҳам боқий бўлур.
Чунончи, коҳудин ҳосил бўлгон қон албатта совуқроқ бўлур. Ва бо-
динжон (бақлажон)дин ҳосил бўлгон қон андақ иссиқ, кабоб ва қала-
дин ҳосил бўлгон қон кўб иссиқдурки, албатта булар моддани кай-
фиятидин бошқа эрмас. Ва ани баданға айни жузв бўлмай, балки
мултасиқ бўлуб турмоғи гўё мутараҳҳил ва суст аъзода айни ғизони
жузви бадан бўлмай фақат баданға мултасиқ бўлиб турғони каби-
дур. Ҳояти фарқ шулки, тараҳҳулда аъзони қуввати заифликдин мод-
дани жузви бадан қилмоқға ожиз бўлур. Ва ғизон давоийнинг мод-
даи давоиййаси қобили ташаббуҳ бўлолмагани учун жузви бадан

бўлолмай, ридоат бирлан турар. Ва миқдори ғоятда кам бўлғони учун боиси таҳаййуж ҳам бўлмас. Бинобариндурки, мутараҳҳил киши, агарчи ғизои мутлақдин тановул қилса ҳам, аъзоси заиф ва камқувват бўлур. Аммо давои ғизоий тановул қилғон кишини аъзоси қувватлик ва ўзи ғайратлик бўлурки, бу ғайрат ва қувват албатта моддаи давони кайфиятидур. Ва бил-жумла ғизои латиф тановулиға одат қилғон кишиларни аъзоси бўш ва сустроқ бўлур. Ва ғизои ғализ ва давои ғизоий тановулиға одат қилғон кишиларни аъзоси сахт ва тавоно бўлур.

Олтинчи давои саммийдур, яъни заҳарлик даводур. Ва бу даво шундоғ даводурки, баданға киргандин сўнг баданнинг ҳарорати ғаризийҳасини таъсиридин ўзи ҳам мутағаййир бўлур. Ва ўзини кайфияти бирлан баданни ҳам мутағаййир қилур ва ўзи жузви бадан бўлмас. Ва натижада баданни фосид қилур. Бар тақдир миқдори шўрбатда еган бўлса ва ул давони ислоҳ қилинмаган бўлса. Ва агар миқдори шўрбатдин зиёда еган бўлса муҳликдур. Ва ани мисоли афюн ва фарфиюн ва сақамуниё ва шунинг мисолидур. Ва буларни давоий саммий демоқни сабаби шулки, булар ҳам заҳардек қотилдур. Лекин фарқ шулки, булар кайфиятлари бирлан ўлдурар. Аммо заҳар суврати навъийҳаси ва моддаси бирлан ўлдира. Ва шул маврида баъзилар ирод қилғондурларки, атиббо давои саммийға вазн ва миқдори шўрбат муқаррар қилғондурлар. Ваҳоланки, шўрбат миқдори муаййаналари ҳам муҳлик кўрилгондур, ҳам давои саммий тўртинчи даражададурки, анга қотиллик лозимдур. Ваҳоланки, тибб саноатининг вазифасининг қатл хориждур. Ва муносиби табобат эрмас. Бас, анга жавоб шулки, давои саммийнинг ўлдурмоғи шундоғ одамнинг ҳаққиға тўғри келурки, ани ичган одамнинг мизожи ҳам шул давои саммий мизожиға мушокил ва ҳаммизож бўлса. Чунончи, фарфиюнни иссиқ мизожлик одам еса ва кофурни совуқ мизожлик одам еса қотил бўлур. Ваҳоланки, тақдири миқдор муҳолифи мизож кишиларни ҳаққиға тўғри келур. Бинобарин, табибға вожибдурки, қабл аз даво ташҳиси амроз ва таъйини даражоти амзижа ва тафриқи аломат ва таъарруфи асбоб учун хўб муболаға қилғай. Ва агар ирод қилсаларки, аксари таъйини миқдорни мўътадил ул-мизож кишиға назаран бўлғони кутуби атиббода манзурдур. Бас, бу мақомда муҳолиф мизож учун деган тавжиҳ кутуби мутақаддимийнға тўғри келмас десалар, анга жавоб шулки,

давои мутлақнинг миқдори шўрбати мўтадил мизожнинг ҳолига назаран таъйин қилинур. Чунки маризнинг қувваи баданиййаси ва тоқати руҳиййаси кам ва зиёдликда мухталит бўлғони учун эҳтиётан мизожи мўтадил кишини ҳолига назаран таъйин қилинур ва давои мутлақни истеъмоли аксар бўлғони учун мўтадил ул-мизожга заъам миқдор таъйин қилмоқ аксариййа ва шойиъдур. Ва илло қавий ул-мизож ва заиф ул-мизожларга нисбатан ҳам миқдори шўрбат (бир ичим миқдори) таъйин қилинғондур. Хусусан, давои саммийни истеъмол қилмоқ давои мутлақдин истифода қилолмаган маъюс киши учун тажвиз (тавсия) қилинғон ва бошқаларга истеъмоли мамнуъ (манъ) бўлғони учун буни миқдори шўрбати муҳолиф ул-мизож маъюсларга назаран тақдир қилинғондур. Аммо эҳтироз (эҳтиёт) учун мўтадил мизож ҳатто мувофиқ ул-мизожлар ҳолига назаран ҳам таъйин қилинур. Ул миқдор муҳолиф ул-мизожларга истеъмол учун таъйин бўлғон миқдордин кам бўлур ва эҳтироз учун таъйин миқдор эса саноати тиббия (табобат санъати)ни айни вазифасидур. Ёки давои саммий ҳаттоки самми маҳзни таркиби мусолиҳ ёки тадбири мусолиҳ бирлан ислоҳ қилинғонда собиқдаги қотиллик ҳукми ўзгарилур. Ва истеъмоли ҳам жоиз ва анга таъйин миқдор ҳам жоиз бўлурки, бунинг ҳукми ғайри ислоҳ давои саммийдин бошқадур ва қодиҳи мақсуд эмас.

Бас, бу тариқа шубҳалар билан атиббои мутақаддимийнни тағлит (хатокор) қилмоқ хатодин холи эрмас. Чунки тажрибакор атиббои мўтаמידун (ишончли табиблар) ашёни моҳиятига воқиф бўлмоқ учун кўб нимарсаларни кўб тариқа ва турлик миқдор ва турлик тадбир ва таркиб ила истеъмол қилиб, қатъий тажриба ҳосил қилғондурлар. Ва баъзан иттифоқи истеъмол бирлан ҳам тасодуфан муддаолари ҳосил бўлғон. Ва заҳарга дофиъ (даф қилувчи) тарёқи мужаррабалар кашф қилиб, баъд аз истеъмол заҳри қотили тарёк ила заҳарни зарарини дафъ қилғондурлар.

Бас, агар ҳозирда аларни асарларидин баъзиси муҳолиф келса, ул таҳолуфи замоннинг таъсиридин бўлмоғи мумкиндур. Зероки атиббои собиқнинг таъйин қилғон миқдори шўрбатлари албатта ўшал замон аҳлига назаран мувофиқи ҳикмат, аммо ҳозирги замон аҳлига ул миқдорни истеъмоли жоиз эрмас. Чунки ул замоннинг аҳли қувватлари зўр ва жуссалари катта бўлур эди. Ва ҳозирги одамлар аларга нисбатан қувватлари заиф ва жуссалари кичик бўлғони учун аларни мўтадил мизо-

жи ҳам ҳозирғи мардум (одамлар)ни мўътадил мизожини миёнасида фарқ кўбдур. Бинобарин, аларға таъйин бўлгон миқдори шўрбат ҳозирғи инсонлар учун зўрлик қилур. Шунинг учун атиббои мутақаддимийни галатға нисбат бермоқ туҳмати маҳздор.

Ва иссиқ мизожлик заҳарни янгисида нақадар ҳиддат ва қувват бўлса, ул заҳарни қуввати то бир муддатғача нақадар эски бўлса, шул қадар ҳиддат ва қуввати зўр бўлур. Ва муддати муайянадин ўтгондин сўнг яна таназул ила батадриж камаюр. Бас, мумкиндурки, атиббои мужаррибин (тажрибакор табиблар) заҳарни янгисини тажриба қилиб, анга миқдори шўрбат таъйин қилғондурлар. Лекин заҳарни эскирғондин ўшал миқдори ўткирлик қилур ёки бир заҳарни асари бир иқлимға хос бўлур, мужарриб (тажрибакор)лар тажрибада бехато билиб ёзгон бўлмоқлари, лекин ул заҳар бошқа иқлимда бошқа таъсир бермоғи мумкиндур. Ва кутуби қудамо (қадимгиларнинг китоблари)да марқум (ёзилган)дур. Бас, табиби замонға лозимдурки, атиббои мутақаддимийнға танқид қилмағай ва заҳарлик даво истеъмолидин ҳадд ал-имкон ихтироз қилмоқ ва зарурат вақтида камоли эҳтиётға рия қилмоқни вожиб билғай.

Ва еттинчи самми мутлақ, яъни холис заҳардур ва бу шундоқ нимарсадурки, ҳарорати ғаризаи баданийадин ўзи таъйир топмас ва баданни албатта фосид қилур. Башарти беислоҳ ва беъътибор ва бағайри муътодун биҳи (одатдан ташқари ичса) ва агар ани ислоҳ ва шароитини эътибор қилингон бўлса ёки анга одат қилгон бўлса, бу ҳукмдин хориждур. Чунки машҳурдурки, мисра:

Кори шақкар мекунад чун заҳр муслаҳ мешавад.¹

Чунончи, маргимуш муқаррардурки, заҳри қотилдур. Лекин заҳрини ислоҳ ва шароит ва миқдорини эътибор қилғонда кўб фойдалиқ даводур.

Ва самми мутлақнинг мисоли биш (аконит)дур. Бас, заҳарни баёнида бадани инсонни шунинг учун қайд қилиндики, баъзи заҳарни зарари бадани инсонға башиддатдур. Лекин баъзи ҳайвон ҳаққиға заҳар эмас, балки ғизодур. Чунончи, мисоли бишдурки, бадани инсонға заҳри қотил-

¹ Заҳар ислоҳ қилинган бўлса, шақарнинг ишини қилади.

ларнинг энг ашаддийдур. Лекин сичқонға гизодур. Бас, бадани инсонни қайди бирлан бишни сичқонға гизолиги эътибордин соқитдур. Ва би-лак мағзи бодом инсон учун гизои латифдур, лекин отни ҳақиға бир донаси заҳри қотилдур. Бас, бадани инсонни қайди бирлан бодомни от учун заҳарлиги ҳам эътибордин соқит бўлур.

ТАНБИҲ. Заҳарни бадан таъсиридин мутағаййир бўлмаслигинин му-род баданни ҳарорати ғаризиййаси заҳарни иситолмаслигинин мута-ғаййир бўлмас, деб гумон қилинмасун. Чунки баъзи заҳарлар бордур-ки, то меъдада ҳарорати табииййа бирлан исимаса баданға заҳри таъ-сир қилмас. Бас, заҳарни тағйир топмаслигинин мурад шулки, ани сув-рати табииййаси ўзгарилмас. Ва баъзи заҳарлар бордурки, то меъдада исимоқ фурсатиға қолмасдин таъсир қилур. Ҳатто ани ичмай туриб, мужаррад (ёлғиз) бўйини ҳидламоқ бирлан ҳалок қилур. Ҳаттоки, баъ-зи заҳарни мужаррад кўрмоқ бирлан заҳари таъсир қилур. Чунончи, бир навъ йилонни ҳикояси машҳурдур.

ФОИДА. Агар савол қилсаларки, заҳарни тағаййури таърифида иф-соди бадан қилур, деб баён қилинди, ваҳоланки баъзи жойларда заҳар баданни ислоҳ қилғони машҳурдур. Ва инчунин, ҳақим Қарший саргу-заштидин ҳикоя қилғондурки, ман бир вақти шиддатлик сарсом (менин-гит) касалиға мубтало бўлғон эдим, шул аснода мани бир чаён чақиб эди, дафъатан сарсом касали мандин зойил бўлуб, ифоқа (саломатлик) топдим, дегандур. Ва инчунин, бир одамға суиқасд бирлан кўб миқдор афюн едирган эдилар ва ул одам афюн заҳридин асарланиб, ўлар ҳолға етган асносида ани бир йилон чақиб эди, дафъатан афюн ҳалокатидин озод бўлди. Бас, бу аҳвол самми тағаййуриға хилофдур, деса анга жа-воб шулки, заҳар баданни фосид қилмоғиға неча шароит маршрут (шар-т)дур. Чунончи, заҳарни ислоҳ қилинмаслиги ва анга аввалдин одат қилинмагонлиги ва шул жумладин заҳар истеъмолидин бурун заҳарға зид бўлғон нимарсани истеъмолдин холий бўлмоғи ҳам шартдур. Ва агар аввалан заҳарға зид бўлғон муҳлик (ҳалок қилувчи) воқеъ бўлиб, сўнги-дин заҳарни истеъмоли иттифоқи воқеъ бўлғон бўлса, мумкиндурки, за-ҳар ўзини зидлиги ила ул муҳликни зойил қилур. Бас, бул вақтдаги ис-лоҳи аразийдур ва би-з-зот эрмас. Ва калом эса осори зотий баёнидадур. Ва заҳар би-з-зот муфсида бадандур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ҳар бир маъкул ва машруб нимарса ал-батта жисмдур. Ва ҳар жисм моддадин мураккабдур. Ва ҳар сувратда

кайфийат лозимдур. Зероки модда ва суврат ҳар иккиси жавҳардур. Ва кайфиёт анга аъроздур. Бас, бу кайфиётнинг баъзиси сувратга мутааллиқдур, чунончи, ҳарорат оловга мутааллиқдур. Ва баъзиси кайфияти моддага мутааллиқдур. Чунончи, йубусат олов моддасиға мутааллиқдурки, бу муқаддима мабҳаси арконда батафсил мазкур бўлғондур. Бас, энди шул қадар билмоқ лозимдурки, мазкур жисмни бадани инсонға таъсири етти эҳтимолдин холи бўлмаски, ё таъсир басуврат бўлур, ё бамодда бўлур, ё бакайфият бўлур, ё басуврат ва бамодда бўлур, ё басуврат бакайфият бўлур, ё бамодда ва бакайфият бўлур, ё ҳар учи бирлан, яъни ҳам басуврат, ҳам бамодда, ҳам бакайфият бўлур.

Ва ҳақим Қарший «Шарҳи Қонун»ларида ёзгондурларки, мани наздимда ҳақ фикр шулки, ҳар уч хил таъсирнинг муассири фақат сувратдур, магар тасмияда шул қадар фарқ қилурларки, ҳар феълики бамужарради суврат бўлса, ани фойили бажумлаи жавҳар ёки фойил басуврати жавҳар дерлар. Ва ҳарчи бавоситаи кайфият таъсир қилса, ани фойил бакайфият дерлар ва дегондурлар. Аммо ҳақирни фикри қосиримча, андоғ бўлмоғи мамнуъ эрмас ва лекин таъсир бакайфиятни феъли таъсир басувратнинг феълиға тамом муғойирлигидин буни фойили фақат кайфият бўлмоғи ҳам фақат мустақил бўлмас. Чунончи, сақамунӣ сувратини таъсири бирлан исҳол қилур. Аммо кайфият таъсири бирлан баданни таскин қилур ва таскин ила исҳол бир-бирига муғойир (қарама-қарши) ва бемуносабатдурлар.

Аммо феъл бамодда гизоға махсусдур, хоҳ гизои мутлақ, хоҳ гизои давойи бўлсин, ҳар бирини мисоллари ила кўрсатилур.

Билмоқ керакки, агар жисмни таъсири кайфиятдин бўлса, ул жисмни давойи мутлақ дерлар. Мисоли занжабил ва мунга ўхшаш нимарсалардур. Агар таъсири фақат моддадин бўлса, ул жисмни гизои мутлақ дерлар ва мисоли гўштдур ва бугдой ва мунга ўхшаш нимарсалардур. Ва агар таъсири фақат суврати навъийадин бўлса, ани зу-л-хосият дерлар. Ва зу-л-хосият икки навъ бўлур. Бири шулки, мизожи инсонийға мувофиқ ва ани ҳаётига муъовин (кўмакчи) бўлур. Бас, бу ҳам икки навъ бўлурки, муфрад (якка) бўлур ва ани подзаҳр дерлар. Ва ани мисоли ҳажар ут-тис ва мунга ўхшашлардур. Агар ул нимарса мураккаб бўлса, ани тарёқ дерлар ва ани мисоли тарёқи форуқ ва тарёқи афъойилардур. Ва иккинчи навъи мизожи инсонға зид ва муфсиди бадан бўлур ва ани самми мутлақ дерлар ва ани мисоли маргимушдур.

Ва билмоқ керакки, заҳри қотилни баданға таъсири фақат суврати навъийяси ила бўлур. Ва кайфиётидин қатъи назар қилинур. Бовужуди инки, ҳеч заҳар кайфиятдин холи бўлмас. Зероки, заҳар жисмдур ва жисмға кайфийёт лозимдур. Бас, заҳарни ўлдирмоқ таъсири фақат суврати навъийясидин бўлмоғи ва кайфиятдин эримаслиғиға далил шулки, оловнинг ҳарорати бошқа ҳар қандоқ мураккабалар иссиғидин шаксиз ғолибдур, чунки олов баситдур. Ва баситнинг қуввати мураккаба қувватидин зўрроқ бўлур. Бо вужуди машҳурдурки, заҳар ичган кишини озори оловға куйғон кишининг озориға нисбатан неча ҳисса зўрроқ бўлур. Чунончи, юқорида зикр қилиндикки, баъзи заҳар мужаррад ҳидлаш бирлан ўлдирар ва баъзиси мужаррад кўриш билан ўлдирар. Ваҳоланки, олов тамоми баданни куйдирса, бул қадар тез ўлдирмас. Ва яна олов агар баданнинг бир мавзъиға тегса шул мавзъени куйдирар ва бошқа тарафни куйдира олмас, ба хилофи заҳар, агар бадандин бир мавзъға етса, ўшал он тамоми баданға таралуб, ҳамма жасадни баробар куйдирур, ончунонки, хорихдин бир мавзъени йилон чақса, дафъатан ани заҳари ботин тарафға сироят қилуб, тамоми жасадни баробар фосид қилур.

Ва яна тажрибада кўрилғондурки, иссиқ нимарсани истеъмолидин натижада томурлар тўлишиб йўғон бўлур. Ва рангда қон ғалаёнидин ранг қизарур ва баданда ҳарорат зиёдароқ бўлур. Аммо ҳар қандоқ иссиқ заҳар ичган кишида бил-акс бадан совуқ, ранг сариқ, томур суст ва беҳаракат ва нозик бўлур. Бас, бу осордин муқаррар маълум бўлурки, заҳарни таъсири суврат ва хосияти бирлан бўлур. Аммо кайфият бирлан эмас.

Билмоқ керакки, фарфиюн ва йилон ва жаррора чаёни иссиқдур. Чаён икки навъ бўлур. Бирини жаррора ва бирини шаййола дерлар. Ва ҳар иккисини бир-биридин фарқиға аломат шулки, юрган вақтида шаййола чаёни думини осмонға кўтариб қайриб юрар. Ва жаррора чаёни орқа тарафға узатиб сурғалиб юрар. Ва жаррора чаёни иссиқдур ва шаййола чаёни совуқдур. Ва жаррора, яъни думи паст чаёндур.

Ва баъзилар шул мавридда ирод қилғондурки, жисмлардин ҳеч бири кайфиёти муассарадин холи эрмаслиғи собитдур. Ва бул мавридда баъзи нимарсаи мазкурларнинг таъсири сувратдин бўлур ва кайфиятдин бўлмас демоқлиғ лағв ва беасос бўлса керак, дегондурлар. Бас, анга жавоб шулки, ҳар нимарсани бир муътаддун биҳи (одат қилган) феъли ва таъсири бор-

дурки, бу мақомда мақсуд ҳам шул таъсирдур. Ва баъзи давои зу-л-хосиятларда ҳарорат ва бурудат кайфиятларни санамоқға ва баён қилмоқға ҳожат йўқдур. Чунки бу мақомда онча суврат ва хосиятға лозим бўлгон феъл ва таъсир устида калом жорийдур. Ва далиллари ҳам мазкур ва мубайян бўлгондур. Масалан, заҳар шаънидаги қатл таъсири ибтидоий хилқатида кайфиятидин қатъи назар ани суврати навъийи-асиға ҳамроҳдур. Бинобарин, ани кайфиятидаги осори эътибордин соқитдур.

Аммо баъзи нимарсада суврати навъийиани таъсири устиға кайфият таъсири ҳам малҳуз (кузатилган) бўлур. Ул вақтда иснодни ҳам ҳар иккисига берилур. Чунончи, баёни сўнгра келур.

Ва агар жисмининг таъсири ҳам бамодда ва ҳам бакайфият бўлса, лекин бамодда таъсири кўброқ бўлса, ғизои давоий дерлар ва мисоли кашкобдур. Ва агар бакайфият таъсири кўброқ бўлур эса, ани давои ғизоий дерлар, бамисоли зирк ва инаб ус-саълаб (итузум)дур. Агар таъсири ҳам басуврат, ҳам бакайфият бўлса, ани давои зий хосият дерлар, мисоли косний (сачратқи)дур. Зероки, ани мизожи кўб совуқдур. Лекин масомларни суддаси (тугуни)ни очадур. Ваҳоланки, совуқ кайфият суддани очолмас. Бас, маълум бўлдики, коснийнинг судда очмоғи албатта, суврати навъийининг таъсири биландурки, муқтазои кайфиятға хилофдур, шунинг учун жигарни совуқдин ориз бўлгон касаллариға ҳам косний нофиъдур.

Ва агар жисм таъсири ҳам бамодда ва ҳам басуврат бўлса, ани ғизои зу-хосият дерлар ва мисоли ёғ ва сутдур. Зероки, булар ўзи ғизодур, ҳам заҳарни дафъи учун би-л-хосият муқовамат ҳам қилур, хусусан, сигирнинг сариқ ёғи нофиъроқдур.

Ва агар таъсири ҳам бамодда, ҳам басуврат, ҳам бакайфият бўлса, ани ғизои давои зу-л-хосият дерлар, мисоли олмадур. Зероки, олма ҳам ўз моддаси ила ғизодур ва ҳам ўз кайфияти ила баданни табрид (совуқ) ва салқин қилур, ҳам суврати навъийиаси бирлан дилға қувват берур.

НУКТА. «Шарҳи Куллиёт»да бул мавридға икки тариқа ишкол ёзилгондур, бири шулки, ғизои мутлақ би-л-феъл, хоҳ иссиқ ва хоҳ совуқ бўлса, албатта баданға ҳам ё иссиқ ё совуқ асар берадур. Бас, ғизони бу таърифға назаран ғизо деб бўлмаса керак, чунки таърифи ғизода баданға тағйир бермас, дегандурлар. Ваҳоланки, ғизони ғизолиги

қобили инкор эмас. Ва инчунин, ғизои давоий деб ҳам бўлмаса керак, чунки ани таърифида аввалан ғизони ўзи бадандин мутаассир ва мутағаййир бўлмоғи шартдур. Ваҳоланки, ғизо ўзидин қабл азтағйир (ўзгаришдан аввал) ва баъд аз вуруд (киргандан сўнг) би-л-феъл иссиқлик ёки совуқлик асари зоҳир бўлур. Бас, бу ғизони таърифиға назаран ғизоий мутлақ ҳам ва ғизоий давоий ҳам деб бўлмаса керак. Энди нима деб айтмоқ мумкин бўлур? Ва иккинчи ишкол шулки, олов баданни куйдуриб, фосид қилмоғи муқаррардур ва ҳам ўзи бадандин асарланиб, мутағаййир бўлмас. Бас, бу таърифиға назаран олов ҳам заҳар таърифиға дохил бўлса керак. Ваҳоланки, оловни заҳарлигиға ҳеч ким қоил бўлғон эмас. Бас, собит бўлурки, таърифи шойиста ва мувофиқ эмас, деб ёзғондур. Лекин анга шу тариқа жавоб берилурки, баданға жисмни таъсиридин бу мақомда мурод шулки, жисм меъдаға киргондин сўнг баданға би-л-қувват таъсир қилғой. Ва ғизони би-л-феъл таъсири мабҳаси мақсуддин хориждур. Ва инчунин, таърифида жисм баданға дохил бўлмоғи шартдур. Ва олов ғайри маъқуладурки, бизни каломимиздин хориждур ва қодиҳи мақсуд эмас. Бас, ажсоми ғизоий ва давоийларни таърифи мувофиқи нафс ул-амрлиги собит бўлди. Ва таърифиға назаран даво ва ғизони бадан ила таъсир ва таъсирлари маълум бўлди. Энди таъсирини даражаи иътидолдин нақадар хорижлиги хусусида ҳам даражаи бўъдиййат кўрсатмоқ лозими табииййадур. Бинобарин, таъйини даражотни навбати келди ва буни икки мақулада баён қилинур.

БИРИНЧИ МАҚУЛА ДАВОЛАР ДАРАЖАЛАРИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, давони даражасини атиббои мутақаддимийн тўрт даражаға тақсим қилғондурлар. Бас, даражаи аввал шулки, истеъмол қилинғон давонинг кайфиятидин баданға бўладурғон таъсир ҳеч маҳсус бўлмас, хоҳ оз миқдор ва хоҳ кўб миқдорни тафовути бўлмас. Магар узоқ муддатдин сўнгра натижаси баданға мавжуд бўлур. Бинобарин, биринчи даражалик давоға таъйини миқдор ҳам қилинғон эмас ва

буни зиёда тафсиллари кўбдур. Ва сўнгра муфассал баён қилурмиз, иншааллоҳу таъоло.

Ва иккинчи даража шулки, ани истеъмол қилгондин сўнг баданда ани иссиқлик ёки совуқлик асари андак сезилур, лекин ул асар баданнинг афъоли табиийаларига бир зарар ҳосил қиладиган даражасига етмаган бўлур, балки, безарар сезилур.

Ва учинчи даража шулки, ани истеъмол қилгондин сўнг таъсири ошқора зарарга мўвжиб ва боис бўлур, лекин зарари ўлдирмоқ ёки баданни фосид қилмоқ даражага етмас.

Тўртинчи даража шулки, баъд аз тановул (егандан сўнг) ани ўлдирмоқ ёки баданни фосид қилмоқ даражага етар, яъни ани емоқни натижаси ўлим ёки баданни фосидлиги муқаррардур. Аммо бу таъсир заҳарлик доруға хосдур. Лекин бу таъсир агар суврати навъийадин бўлса, ул жисми мутлақ заҳар дерлар ва агар ани кайфиятидин бўлса, ани давоий заҳардор дерлар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, атиббои мутақаддимийннинг таъйин қилгон тўрт даражаларидин ҳар бирини баъзи мутааххирийн яна уч ҳиссага тақсим қилуб, мажмуъини ўн ҳиссага, чунончи, аввал ва охир ва васат эътибори ила биринчи даражанинг аввалида ёки биринчи даражанинг ҳадди васатида ёки биринчи даражанинг охирида дерлар. Баъзилар тўрт даражани ҳар бирини яна тўртга камоли таҳқиқ ила тақсим қилуб, даражани ўн олтига етказгандурлар. Чунки аввалги тўрт даражани ҳар қаюсида бўлгон неча адад давони ўз ҳадди ичида туруб, яна бир-бирларидин андак бақувват ёки камқувват тафовути бўлмоқ мумкиндур. Бинобарин, ҳар даражани тўрт касрға тақсим қилуб, миқдори қувватни шул касрлар қайди бирлан кўрсатилур. Масалан, атиббои мутақаддимийн наздларида учинчи даражада иссиқ бўлгон тўрт адад даво яна ўз ҳаддида бўлуб, бир-бирларидин қувватлари андак мутафовутларини атиббои мутааххирийн яна таҳқиқ ила тўрт тақсим қилуб, бирини учинчи даражани аввалида ва бирини учинчи даражани иккинчисида ва бирини учинчи даражани учинчисида ва бирини учинчи даражани тўртинчисида деб кўрсатгандурлар. Ва бошқа уч даражада ҳам шунга қиёсдур.

ФОИДАИ ДИГАР. Таъсири давони юқорида ижмолий баён қилинди ва бу ижмолни (қисқача) тафсилли баъзи туллоб (толиблар) учун маҳфий ва мастур қолмасин учун яна бу муқаддимаи мужмал (қисқа му-

қаддима)ни муфассал ёзмоқ лозим келди. Токи, туллоб учун даво асари ва баёнда воқеъ бўлгон алфоз қайдларини нуктаи ғомиза (сирли нуқта)лари равшан бўлғай.

Билмоқ керакки, ҳар давоики ани саҳиҳ ва мўътадил мизожлик бир инсон еса, албатта, икки эҳтимолдин холи эрмаски, ул даво ё ўзини кайфияти бирлан ул инсонни баданиға баданда мавжуд бўлгон кайфиятдин зиёдароқ бир кайфият ихдос (пайдо) қилур ёки қилмас. Бас, агар бадан кайфиятидин зиёда бир кайфият ихдос қилмаса, ул давои мўътадилдур. Ва агар зиёда бир кайфият ихдос қилса, ани хориж аз иътидол (мўътадилликдан хориж) дерлар. Ва ҳар бирини бир бошқа қисм ила баён қилурмиз.

Ва маҳфий қолмасунки, аксари атиббони истилоҳларида даво деб шуни айтурларки, ул даво баданға киргондин сўнг бадан ҳароратидин мунфаъил ва мутаассир бўлуб, тағйир (ўзгариш) топса, сўнгра андин баданға хоҳ маҳсус (ҳис қилинган), хоҳ ғайри маҳсус бир асарки, хоҳ мўътаддун биҳи (одатланилган), хоҳ мувофиқи бадан, хоҳ мухолифи бадан пайдо бўлсин ва лекин ани моддаси баданға ҳеч қўшилиб жузви бадан бўлмаса, бас, даво шулдур. Ва баданға таъсири ҳадди иътидолдин хориж бўлмоқ ҳам давоға хосдурки, ҳадди иътидолдин хориж сўзини итлоқи давоға ҳақиқатдур. Ва даводин бошқа нимарсаға агр итлоқ қилсалар, мажозандур. Ва таърифда қайд қилингон алфозни фондасини ҳам тушунмоқ лозимдурки, давони емоқға қайд қилинди, чунки хорижи баданға истеъмол қилмоқ бирлан ҳеч қандоқ давони даражаи таъсирини имтиҳон ва таҳқиқ қилмоқ мумкин эрмас.

Ва тановули инсонни қайди шунинг учундурки, биш (аконит) сиқон учун гизо бўлса ҳам, лекин инсон учун заҳри қотилдур. Ва мағзи бодом от учун заҳри қотил бўлса ҳам, лекин инсон учун гизои латифдур. Бас, табибнинг мансаби бадани инсон аҳволидин баён қилмоқдур. Бинобарин, тановули инсонни қайд қилинди, токи биш заҳар таърифиға ва бодом гизо таърифиға дохил бўлғай. Ҳаттоки, агар даражаи таъсирни имтиҳониға тановули инсонни қайд қилунгон тақдирда баъзи даволарда икки хил бир-бириға зид кайфият собит бўлса, мумкин бўлур эди. Масалан, рованд (равоч) таъсири бадани инсон учун андак иссиқдур ва отни ва йўлбарсни ҳақиға совуқдур. Аммо сигир ва қуённи ҳақиға қўб иссиқдур. Чунки буларни мизожи табиийлари совуқдур. Ровандни таъсири аларға қўб

таъсир қилур, воҳаланки, бир жисмда икки хил кайфияти мутазодда бўлмоғи ботилдур. Бинобарин, тановули инсонни қайд қилинди. Ва инсонни мўътадил мизожлиғини шунинг учун қайд қилиндик, мўътадил мизож бўлмоғон инсон даво таъсирини имтиҳонига шойиста ва сазовор бўлолмас. Зероки, иссиқ одамга давои мўътадил ҳам сезилур. Ва совуқ мизожлик одамга иссиқроқ сезилур. Ва инчунин, андак иссиқ даво иссиқ мизож кишига кўб иссиқ сезилур. Ва андак совуқ даво совуқ мизожлик кишига кўб совуқ сезилур. Бас, то мизож мўътадил бўлмаса, даво таъсирини таҳқиқи мумкин бўлмас. Ва кайфиятни қайди шунинг учундурки, бамодда таъсир қилғон нимарса даво эмас, балки ғизодур. Ва суврати навъиййаси бирлан таъсир қилғон нимарса ҳам даво эмас, балки заҳардур. Ва даво мабҳасидин хориждур.

Эмди мўътадил ва иътидолдин хорижни баёни лозимдурки, **БИРИНЧИ ҚИСМ** мўътадил баёнидадур.

Ва мўътадилдин мақсуд мўътадили мафрузадур, зероки мўътадили ҳақиқийнинг вужуди оламда мавжуд эмас, чунончи, мабҳаси амзижада муфассал зикр қилинди. Ва давои мўътадил баданни тағйир бермас, деган таърифга шубҳа қилинмасинки, давони таърифида баданга эҳдос қилмоғи шарт қилинғон эди. Аммо давои мўътадил баданга эҳдоси кайфиййат қилмаса даво эмас экан ёки давони таърифи ноқис экан, деб гумон қилинмасин. Чунки давои мўътадил таъсиридин ҳам холи эрмас. Ва таъсири зоҳиран маҳсус ҳам эрмас. Ва таъсири борлиғига далил шулки, иссиқ мизожлик саҳиҳ киши агар давои мўътадил тановул қилса, совуқ кайфият ориз қилур, яъни ҳароратини камайтирур. Ва агар совуқ мизожли киши тановул қилса, анга иссиқ кайфият ориз қилур, яъни совуғини камайтирур. Ва шак йўқдурки, иссиқ ила совуқ ҳар иккиси ҳам кайфиййатдурки, қайси важҳ бирлан қаю баданда ориз бўлса ҳам, кайфияти ила муассир бўлғон жисмдин ориз бўлмоғи ул жисмни даво эканига далилдур. Аммо давои мўътадилни таърифида баданга таъсири бўлмас, демакдин мурод шулки, мўътадил баданга сезиладурғон даражада таъсир бермас демакдур. Аммо ғайри маҳсус таъсири албатта бордур.

ВА ИККИНЧИ ҚИСМ иътидолдин хориж таъсири баёнидадур. Хоҳ бир кайфиятда иътидолдин хориж бўлсин, чунончи, ҳарорат ёки бурудат ёки рутубат ёки йубусат кайфиятида иътидолдин хо-

риж бўлсин, хоҳ икки кайфиятда бўлсинки, ҳарорат ҳам рутубатда ёки ҳарорат ҳам йубусатда ёки бурудат ҳам рутубатда ёки бурудат ҳам йубусатда иътидолдин хориж бўлсин. Ва ҳукамо наздларида қондаи куллиядурки, ҳар давоики мизожи иссиқ ва ҳўл бўлса, ани иссиғлиги биринчи даражадин зиёда бўлмас. Чунки иссиқни зиёда бўлмоғиға ҳўллиги монёъ бўлур. Ва агар иссиқ биринчи даражадин зиёда бўлса, ҳўллик кайфиятини қурутиб, фоний қилур. Шунинг учундурки, ҳар давони иссиғлиги агар иккинчи даражада ёки андин ортиғ бўлса, албатта, қуруқлик кайфияти ҳам анга лозим бўлур. Лекин қуруқлиги иссиқлиги ила баробар даражада ё андак ва ё андак зиёда бўлмоғи мумкиндур. Аммо агар иссиқлиги тўртинчи даражага етса, қуруқлиги ҳам албатта, андин кам бўлмас. Лекин рутубати ғариба, яъни ғайри табиий бирлан пайваста ғариза, яъни пайваста табиийа бир-бирлариға зид эмаслар. Чунки ҳайсийятлари муғойирдур. Масалан, қуриғон ёғочни сувға солинғон бўлса, табиий эътибор ила қуруқ демоқ ҳам ростдурки, рутубати табиийаси тамом зойил бўлиб, қуруган бўлур. Ва ғайри табиий эътибор бирлан ҳўл демоқ ҳам ростдурки, рутубати фазлийа бўлғон сувға бўкиб турубдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, давони ҳадди иътидолдин хорижлиги албатта, тўрт эътибордин холи бўлмас. Биринчи эътибор шулки, давони совуқ кайфиятлик даво ила иссиқ кайфиятлик давонин мураккаб қилинур. Бир ҳисса иссиқ ва бир ҳисса совуқ ҳавонин мураккаб бўлса, мўътадил ҳолға келмоғи ва ҳеч қандоқ таъсир беролмаслиги маълумдур. Бас, вазни баробар бўлғон икки зид кайфиятлик давони ушбу тариқа бирлан имтиҳон қилиб олғондин сўнг совуқ мизожлик дорудин бир ҳисса ва иссиқ мизожлик дорудин икки ҳисса таркиб қилинуб, сўнгра тановул қилинса, бу давони таъсири биринчида бўлур. Чунки бир ҳисса совуқ ила бир ҳисса иссиқ муқовамат ила таноқизи (ўзаро зидлиги) тасоқут қабилли ила эътибордин соқит бўлиб, бир ҳисса иссиқ жузв боқийдурки, баданға берилган таъсир шул ҳиссанинг таъсиридур. Ва ҳар иссиқ давоики, баданға таъсири шул давоий мураккабанинг таъсириға баробар келса, ани таъсири биринчи даражада деб ҳукм қилинур. Ва иккинчи эътибор шулки, бир ҳисса совуқ мизожлик ва уч ҳисса совуқ мизожлик давони таркиб қилинса, бир ҳисса совуқни бадалида бир ҳисса иссиқ

даво ҳам соқит бўлиб, боқий икки ҳиссани таъсири иккинчи даражада, деб таъсир берғон даволарни ҳам иккинчи даражада, деб эътибор қилинур.

Ва учинчи эътибор шулки, бир ҳисса совуқ ва тўрт ҳисса совуқ даводин таркиб қилинур. Сўнгра имтиҳонда ани баданга берган бир ҳиссаси таноқиз учун соқит бўлғондин боқий сўнғги уч ҳисса иссиғни таъсирини ва бу таъсирга баробар таъсир берадиган ҳар давони учинчи даражада, деб эътибор қилинур.

Ва тўртинчи эътибор шулки, бир ҳисса совуқ доруға беш ҳисса иссиқ доруни таркиб қилинур. Бас, ани баданга берган таъсири соқит бўлғон ҳиссадин боқий тўрт ҳисса иссиқнинг таъсиридурки, ани ва анга баробар таъсир берадургон даволарни тўртинчи даражада иссиқ деб эътибор қилинур, яъни ҳадди иътидолдин тўрт даража узоқ, деб ҳукм қилинур.

Ва ҳар даражани бир нишони бордур. Масалан, биринчи даражани нишони шулки, андин одатда мустаъмал бўлғон миқдорни агар бир мўътадил мизожлик одам еса, ани баданига бир кайфияти ғайри маҳсусни эҳдос қилур. Ва анда ғайри маҳсус кайфият борлиғиға далил шулки, агар одатда мустаъмал бўлғон миқдордин зиёда ёки батакор еса кайфияти маҳсус ҳам бўлур, чунки, агар анда кайфияти ғайри маҳсусани эҳдоси бўлмаса эди, миқдорини кўб еса ҳам кайфият зоҳир бўлмас эди.

Ва шул имтиҳон бирлан биринчи даражалик даво ила мўътадил давони фарқи маълум бўлурки, мўътадилни кўб миқдори ҳам ҳеч кайфият эҳдос қилмас. Ва иккинчи даражани нишони шулки, миқдори мустаъмални тановули баданга бир кайфияти маҳсусани зиёда қилур. Лекин ул кайфият бадан феъллариға бир зарар еткузмас, яъни феъли нафсоний ва ҳайвоний ва табиийлар саломат турарлар. Яъни, агарчи ҳақиқатан бадан феъллари ҳам зарардин холи бўлмас, лекин зарари зоҳир бўлмас. Магар миқдори мустаъмаладин зиёда етса маълум бўлур. Ва миқдордин зиёдасида зарар зоҳир бўлғони далилдурки, миқдори муъайянасида ҳам зарари хафий (яширин зарар) муқаррардур. Бас, шул мақомда шундоқ шубҳа қилмоқ мумкинмурки, баъзи даволар иккинчи даражада иссиғдур, лекин миқдори муъайянаси ҳам афъоли баданийға зарари зоҳир бўлур. Масалан, турбуд ва маҳмуда ва шаҳми ҳанзалларни миқдори муъайянаси ҳам гоҳи

ифрот даражада исҳол қилур ва мажройи табиийда тағйир ва афъолда зарар пайдо бўлур. Бас, бунга назаран даражани таърифи нотўғри бўлса керак, деб шубҳа қилмоқ мумкиндур. Ва анга жавоб шулки, мусҳил (сурги) даводин етадурган зарар даво кайфиятидин эмас, балки исҳол (ич кетиш) сабабидин бўлур. Ва исҳол бир амри аразийдурки, кайфият устига зиёда замм топғондур. Ва бизни зарари зоҳир бўлмас, деганимиздин муродимиз зоти давоға назарандур. Ва авориздин қатъий назар лозимдур. Бас, даража таърифидида ҳеч нуқс йўқдур ва эҳтимол шулки, аксар вақтда машҳуд бўлурки, баданда изо бергувчи модда кўб миқдорда маҳбус (қамалган) бўлур. Бас, ул бадан соҳиби мусҳил даво ичса, мусҳил ўз ҳарорати ила мазкур моддаларни сайлон қилдурур. Бас, моддаи сокина (тўхтаб қолган модда)нинг сайлони ва андин суъуд қилғон (кўтарилган) бухоротлари афъоли баданийға зарар берур. Бас, бул ҳам бизни мабҳасдин хо-риждурки, сайлон амри аразийдур. Ва давони кайфиййати зотиййасиға муғойирдур, албатта. Давони учунчи даражада бўлғониға нишони шулки, ани миқдори муъаййанасидин афъоли баданийға зарар зоҳир бўлурки, бу зарар давони ўз тақозойи кайфиййати зотиййаси ила бўлур, лекин ҳалок қилмас, магар миқдори муайянадин зиёда еса ҳалок қилур. Ва давони тўртинчи даражада эканиға нишони шулки, ани миқдори маҳсусасини еса ўлдирар, ўз тақозойи зотиййаси бирлан. Магар ислоҳға яқин қилинғон бўлса ва ани дафъиға тадорук қилинса ўлмай қолмоғи мумкин, ҳаттоки, заҳри мутлақ ҳам ислоҳ бирлан безарар даво ҳукмида бўлур. Ва ҳам заҳарни истеъмолидин сўнг бетаваққуф тадорук қилинса зарари маълум ҳам бўлмай қолса, мумкиндур.

ТАНБИҲ. Ба даражаи арбаъа (тўрт даража) атиббои мутақаддимийнинг макшуфа (кашф)лари бўлиб, сўнгра атиббои мутааххирийнлар яна камоли эҳтиёт учун бу даражани ҳар бирини тўрт ҳиссаға тақсим қилиб, ўн олти даража исбот қилғонларини ва баъзилар ўн икки даража исбот қилғонларини ижмолан зикр қилиб ўтғон эрдим. Ва тафсили шулки, баъзилар наздида ҳар бир даражани бир вусъати (кенглиги) ва ҳудуди (чегараси) бордурки, ани бир тарафи ифрот ва бир тарафи тафрит бўлур. Ва ўртада ҳадди васат (ўрта чегара) ҳам лозим бўлур. Ва шул эътибор бирлан ҳар бир даража яна уч даражаға мунқасим бўлиб, мажмуъи ўн икки даража бўлур, дерлар.

Ва тариқан истихрожлари шулки, аксари даволар бордурки, атиббон мутақаддимийн наздларида икки хил давони бир даражага таъйин қилингон ва миқдори шўрбат (доза)лари ҳам баробар бўлур ва лекин таъсирлари кўб тафовутлик бўлур. Бас, бундин маълум бўлурки, таъсири камроқ бўлгон даво даражайи мазкурни аввалида бўлур. Таъсири кўброқ бўлғони аввал даражани васати (ўрта) ёки охирида бўлур. Ва ани таҳқиқ қилмоқ тариқаси шулки, масалан, бир давони даражаси биринчида ва миқдори шўрбати бир миқол бўлса, шул давони агар икки миқол ёки андин камроқ ичганда асари маҳсус бўлса, бас, билмоқ керакки, ул даво биринчи даражани охирида бўлур. Ва агар икки миқол ичганда ҳам асари маҳсус бўлмай, уч миқол ичганда маълум бўлса, ул даво биринчи даражани ўртасидадур. Ва агар уч миқолидин ҳам таъсири маҳсус бўлмай, тўрт миқол ичганла таъсири маҳсус бўлса, ул даво биринчи даражани аввалидадур, дерлар. Лакинна ла камола фий ҳаза-т-таҳқиқ.¹ Ва баъзи муҳаққиқийнинг тариқан таҳқиқлари шулки, икки давои мутаоздат ул-кайфийётни биридин бир ҳисса ва биридин икки ҳисса миқдор таркиб қилиб ичганда ани таъсири маҳсус бўлмаса ва андин зиёдасида таъсири маҳсус бўлса, билмоқ керакки, ул даво биринчи даража аввалидадур. Ва агар бир ҳисса зид давога икки ҳисса зидни қўшиб ичганда таъсири маҳсус бўлмай икки ярим ҳисса ичганда таъсири маҳсус бўлса, ул даво биринчи даражани иккинчи дақиқасида бўлур. Ва агар икки ярим ҳиссани таъсири маҳсус бўлмай чорак кам уч ҳиссани таъсири маҳсус бўлса, ул даво биринчи даражани учинчи дақиқасида бўлур. Ва агар чорак кам уч ҳиссасини асари маҳсус бўлмай, уч ҳиссаси маҳсус бўлса, ул даво биринчи даражани тўртинчи дақиқасида бўлур. Даражалар ҳам шунга қиёсдур, дерлар. Ва ҳува ақрабу ила-с-са-воб. (Шуниси тўғрилиқка яқинроқдур).

НУКТА. Билмоқ керакки, даражаларни давога муъайян ва маҳсус бўлмоғида ҳам атиббо миёналарида ихтилоф бордур. Чунончи, баъзилар дерларки, давога даража зотий эрмас, балки амри зътиборийдур, дерлар. Чунки ҳар давога миқдори муқаррар бордурки, ўшал миқдорни таъсири хафий (яширин) ва ғайри маҳсус бўлур. Бас, агар

¹ Лекин бу текширувда мукамаллик йўқ.

ул миқдордин зиёда тановул қилинса таъсири маҳсус кам бўлур, бинобарин, миқдори муқаррарасидаги даражадин сўнгги даражага интиқол қилгон бўлур. Ва даво доим бир даражан маҳсусага муттасил бўлиб турмоғи лозим эрмас, дерлар. Бас, бу тоифани назарларида даражан зотиййаси бир даражадин яна бошқа миқдор сабаби ила интиқол бўлуб турар.

Ва ҳаким Қарший ҳам шу тоифа афродидиндурлар. Бинобарин, «Шарҳи Қонун»ларида: «Мо ҳува фий даражатин фаиннаҳу изо каррара ав касура амкана ан йантақила ила-д-даражатиллатий фавқаҳо» деб ёзгондурлар. Ва баъзиларнинг наздларида миқдори шўрбатдин қатъий назар, ҳар давони зотиға назаран даражайи муъаййанаси собитдурки, ул даво кўб миқдор такрор бирлан ўзини сифати зотиййаси бўлгон даражадин чиқиб, бошқа даражага ўтмаслиғи ҳақиқатдур, дерлар. Ва ҳаким Садид Козруний ҳам шул тоифадиндурлар, чунончи, «Шарҳи Куллиёт»ларида ёзгондурларки, ҳар давони батановул батакрор ва батакасури миқдор ўзини маҳсус даражасидин бошқа даражага интиқол қилур, деб гумон қилмоқ сазовор эрмас, зероки, ҳар даво мин ҳайсу-з-зот даражоти арбаъадин бир даражага мавсуфдурки, агарчи кўб миқдор ёки батакрор тановулда таъсири зоида (зиёда) ва кам миқдорда таъсири кам бўлса ҳам ҳаргиз ўз сифати зотиййаси бўлгон даражадин чиқмас. Ва ани баҳасби миқдор ихтилофи таъсири шул миқдорни таъсиридур. Ва миқдор эса шаксиз зоти даводин бошқа бир сифатдур. Масалан, биринчи даражада иссиқ бўлгон бир давои мураккабани фараз қилсамиски, анда бир ҳисса совуқ жузв ва икки ҳисса иссиқ жузв бордур. Бас, совуқ билан иссиқ жузвнинг миёнасидаги нисбатики, бирини икки ҳиссалиғи ва бирини бунга назаран ярим ҳиссалик нисбати ҳамма ажзосиға сорий ва шомилдур. Ва андин ҳар неча миқдор тановул қилгон киши албатта, бир ҳисса совуқ ва икки ҳисса иссиқ даво тановул қилгонлиғи шубҳасиздур.

Лекин ҳар давони таъсирида эҳдос кайфияти маҳсус бўлмас даража учун муъаййан бир миқдори бордурки, албатта, шул миқдор муътабардур. Ва бул миқдорнинг зимнида таъсири номаҳсусдин бошқа ҳеч аъроз йўқдур. Бас, агар бул миқдордин зиёда тановул қилинса, албатта, шаксиз миқдори муқарраранинг таъсириға зоидни таъсири кўшилиб, то таъсир ҳам зиёда бўлур. Лекин ажзои давонинг миёнасидаги нисбати тахаллуф

қилмаган бўлур, албатта. Яъни, ҳар даводин миқдори шўрбатга икки ҳисса тановул қилмоқ гўёки икки бошқа бир мизожда бўлгон давони ҳар бириндин бир миқдор шўрбатини қўшуб ичғони кабидур.

Ва бу ҳолда зоҳирдурки, ҳар бир даво ўзини лозимаси бўлгон эҳдоси кайфияти ҳорраси (иссиқ кайфияти)ни ва икки давони бир-бирига ўхшаган кайфияти ҳорраси жамъ бўлса, номаҳсуслик миқдордин ўтуб, албатта, маҳсус бўлур. Бас, собитдурки, давони кўб миқдор бўлмағи агарчи асари кўб бўлса ҳам, зоти давони ўз даражаи зотиййасидин чиқара олмас, деб ёзгондурлар. «Фа-ифҳам ғумузаҳу фаиннаҳу ақрабу ила-савоби».¹

ФОИДА. Билмоқ керакки, даволар учун миқдори шўрбат таъйин қилмоқдин ғараз фақат ани кайфияти зоҳир бўлмағи учун эрмас, балки бошқа ғаразларга ҳам таъйин қилингон бўлурки, ул ғаразни матлуб миқдорда ҳусули шул миқдорга маҳсус бўлур. Масалан, санои-ки, ундин танқийа мўътаддун биҳи матлуб бўлса, ани суфуфи (талқони) учун уч дирам ва қайнатиб ичмоқ учун етти дирам кифоя қилур. Ва инчунин, бошқа ҳар қаю даводин ҳар бир бошқа ғараз бордур. Ва ғаразни мувофиқи матлуб даражада ҳусулига кофий бир миқдори муқарраси бордурки, миқдори шўрбатлар шул ғаразлар учун таҳсис қилингондур. Сўнгра даволарни таъсири кайфиятларини тафаҳхус қилмоқда шул миқдори шўрбатни тановули қайси даражага баробар келгон бўлса, мазкур даражани изофа қилгондурлар. Бас, бундин мустафод бўлурки, даражани таъйин қилмоқ давони зотиға назар бўлмай, балки миқдори шўрбатиға назарандур. Ва миқдори шўрбатни таҳсис қилмоқ ҳар хил ғаразларга назарандур. Ва давони зотиға назаран таҳсис қилингон эрмас. Бинобариндурки, баъзи давони миқдори шўрбати кўб ва даражаси кам бўлур. Ва баъзи давони миқдори шўрбати кам ва даражаси кўб бўлур. Бас, даража давони зотиға назаран бўлса эди, таҳсиси даражот учун миқдори шўрбатни шарт қилмай, балки жисми давони мутлақ бағайри миқдор тановул қилмоқни шарт қилинур эди. Ва баҳар тақдир даражотни таҳқиқи давони зотиға эмас, балки кашфийётиға назаран бўлғони муҳаққақдур.

ТАРИҚАИ ДИГАР даволарга таъйини даражот баёнида. Маҳфий қолмағайки, бадани инсонда меъда каби аъзолар ва томур каби мажролар ва

¹ Бу ҳақда чуқур фикр қил, чунки у тўғрилиқка яқинроқдур.

томурда маҳбус турғон ахлот ва уруқи шаъриййалар ва анда маҳфуз рутубати сониййалар ва уруқи савоқийларни аъзоға муттасил бўлгон даҳан ва ниҳоятлари ва соири аъзо бордур. Ва буларни ҳамма ажзосиға албатта, руҳ сорий ва жорийдур. Бас, агар давони бетафрит ва беифрот бир миқдори муъайянада тановул қилинса, албатта, шул эҳтимоллардин холи бўлмаски, даво бадан кайфиййатидин мутағаййир бўлгондин сўнг ани таъсири меъда ва соири фазоларда ҳавоға қўшилуб, мафқуд ва нобуд бўлиб кетар. Ва ани муътадил дерлар. Ёки баъд аз тағаййур ани асари боқий қолур. Ва ани ҳадди иътидолдин хориж дерлар. Бас, агар ул давони таъсири ўзини мажросининг атрофидаги руҳға таъсир қилса ва руҳдин бошқаға таъсир қилмаса, ани даражаи увло (биринчи даража) дерлар. Ва агар ҳам руҳ ва ҳам ахлотға таъсир қилса ва андин бошқасиға таъсир қилмаса, ани даражаи сониййа (иккинчи даража) дерлар. Ва ҳам агар руҳ ва ҳам ахлот рутубати сониййаға таъсир қилса, ани даражаи солиса (учинчи даража) дерлар. Ва агар ҳам руҳ ва ҳам ахлот, ҳам рутубати сониййа, ҳам аъзоға таъсир қилса, ани даражаи робиъа (тўртинчи даража) дерлар. Ва бу даража энг охиринчи даражадурки, заҳардин холий эрмас. Хусусан, даражаи робиъани яна охиринчи мартабаларида бўлгон даво заҳри қотилдур, магар ани суврати навъиййасида тарёқлик модда ҳам мураккаб бўлса, саломат қолмоқ эҳтимоли бўлур.

ТАНБИҲ мураккаб ул-қувво баёнидадур. Маълум бўлғайки, ҳар давода икки мизож мавжуддур. Бири шулки, ул давони зотидаги аносири арбаъасининг ҳар бирининг бошқа бириға қилгон таъсири ва олгон асаридин миёнада бир кайфият ҳосил бўлурки, аносири арбаъаға муташибих бўлур. Ва ул кайфиятни мизожи увло (биринчи мизож) дерлар. Ва ани мисоли ёки иссиқ ёки совуқ ёки ҳўл ёки қуруқ танҳо ёки таркиби мумкин тариқада мураккаб бўлур. Яъни, ўзини зидди бўлмоғон навъи ила мураккаб бўлур.

Ва иккинчи мизож шулки, мизожи увлонинг таъсиридин яна бир кайфиййат ул давода зоҳир бўлурки, ани мизожи соний (иккинчи мизож) дерлар. Ва ани мисоли дофиъ (ҳайдовчи)лик ва жозиб (тортувчи)лик ва мулойимлик ва қобиллик ва бошқалардурки, даво баданға ворид бўлгондин сўнг зоҳир бўлурки, кайфиййоти арбаъадин бошқа мизождур. Ва бунга ранг ва бўй дохил бўлмас. Бас, бу мабҳас ғоятда ғомиз ва нозик бўлғони учун яна тафсилға муҳтождур. Бинобарин, муфассал баён қилинур.

Билмоқ керакки, даво қувватларини мартабалари жумҳури атиббо наздларида уч мартабаға мунҳасирдур. Ва қувват, деб феъл вужудиға сабаб бўлғувчи нимарсани айтилулки, ҳақиқатда даво мулоқий бўлгон узвда маҳсус бўлодурғон феъл шул қувватдин бўлур. Аммо биринчи мартаба, деб давони ибтидоний хилқатда аносирни арбаъа таркибидин ҳосил қилгон кайфиятнинг сабаби ила баданға мулоқий бўлгонда маҳсус бўладурғон феълни айтурлар. Ва мизожи увло шулдур.

Ва иккинчи мартаба мизожи сонавиййаға мансуб бўлгон давонинг ҳосил қилгон кайфиййатлари сабабидин ҳосил бўлиб, давони баданға мулоқий бўлгонидин сўнг маҳсус бўлгон феълни айтурларки, бу мартаба мартабаи увлонинг лозималаридин бўлур. Чунки мизожи сониййа мутгасиф бўлгон даво албатта мураккабдулки, кайфияти увлони асари ул ажзони асарлариға мухталиф бўлурлар. Чунончи, бири иситмоқ ва бири совутмоқға таъсир қилурки, бир-бириға зид бўлгон бу икки хил таъсир мизожи увло ила мизожи соний ижтимоъи ва бир-бириға таъсиридин ҳосил бўлур. Ва ани мисоли дафъ ва қабз (ҳайдаш ва ушлаш) ва мунга ўхшаш таъсирлардур.

Бас, энди билмоқ керакки, ҳар давони мизожи сонийси агар табиий бўлса, ани мураккаб ул-қуво дерлар. Ва агар табиий бўлмаи суноъий (сунъий) бўлса, кўрмоқ керакки, агар мизожи соний давонинг ажзои муфрадасини осориға мувофиқ асар бўлса, ул мураккабни мутавофиқ ул-қуво дерлар. Агар муҳолиф бўлса, чунончи, ҳам тасхин (қиздириш) ва ҳам табрид (совутиш) асари бўлса ёки мураккаб бўлмаи муфради суноъий бўлса, чунончи, ҳеч нимарса қўшмай танҳо узумдин қилингон сирка каби бўлса, ани мураккаби мутазодд ул-қуво дерлар. Бас, бундин маълум бўлулки, лафзи мураккаб ул-қуво адвиййайи муфрада (ёлғиз дорилар)ға маҳсусдур. Зероки, маснуъ нимарсада ҳаргиз табиий мизож бўлмоқ мумкин эрмас, яъни сунъий мизож ҳаргиз табиий бўлмас. Бинобарин, маснуъ давони мураккаб ул-қуво демак батариқайи мажоздур. Ва сиркани мураккаб ул-қувовлиғи ҳам мажозандур.

Ва билмоқ керакки, ҳақиқатда мураккаб ул-қуво бўлмаган ҳеч даво бўлмаски, ҳаммаси ҳам мураккаб ул-қуводур. Зероки, мизожи соний албатта, мизожи увлони лозимасидур. Бас, ҳар давойинки хоҳ иссиқ, хоҳ совуқдур, албатта, анда мизожи соний осори бўлгон таҳлил ва дафъ ва қобиз асарларидин холий бўлмас. Ва лекин урфи оммада бу лафзни

фақат бир-бирига зид бўлгон икки хил қувватли давоға итлоқ қилинур. Чунончи, ҳам иссиқ ва ҳам совуқ кайфиятга мутакаййиф бўлгон бўлса, масалан, агар атиббо наздида ҳўл кашниз (кашнич) каби. Аммо мураккаби мутавофиқ ул-қувонинг вужуди то давои мураккабанинг ҳамма ажзоси бир мизож ва бир даражада бўлмоғунича муяссар бўлолмас. Чунки албатта, ани ажзоси агар мухталиф бўлса, иссиқ ажзодин иссиқ қувват ва совуқ ажзодин совуқ қувват ҳосил бўлурки, бир-бирлариға мутавофиқ бўлолмас. Ва инчунин, мураккаби мутазоддат ул-қуво ҳам то модомики, ҳамма ажзолари мухталифат ул-кайфиййёт бўлмоғунча муяссар бўлмас. Зероки, албатта иссиқ ажзосидин иссиқ қувват ва совуқ ажзосидин совуқ қувват ҳосил бўлуб, бир-бириға муқовамат қилиб, сўнгра ғолиб тарафиға мойил бўлур. Ва агар ғалабада иссиқ ила совуқ баробар бўлса қувват ҳам баробар бўлурки, мураккаби мутазоддат ул-қуво шундин иборатдур.

Билмоқ керакки, бул маврид бағоят ғомиз ва маҳалли иштибоҳдур. Бас, агар иссиқ даво ила совуқ давони баробар даражада ва баробар миқдорда қўшиб таркиб қилингон шарбат лозимдурки, мўтадил мизожлик бўлса ва анда иссиқлик ва ёки совуқлик таъсири бўлмаса, анда мураккаб ул-қуволик қайдин ҳосил бўлур экан деб, шубҳа қилинмасин. Чунки мураккаби мухталиф ул-кайфиййёт бўлгон давони ажзосида ҳар бирини кайфияти алоҳида ҳодис бўлиб турар. Ва мунтафиъ бўлуб кетмас. Зероки, ҳар бир даво мураккаб бўлгондин сўнг ҳам ўз суврати навъийасида боқий турар. Ва ҳар бирини ўз табиий асари собит бўлур. Ва иссиқ ажзодин иссиқ кайфият, совуқ ажзодин совуқ кайфият албатта, ҳодис бўлур. Ғоят шулки, икки зид кайфият бир-бирлариға муқовамат қилурлар. Бас, агар ажзойи мутазодда даражалари бир-бириға баробар ва моддалари суръати таъсирда ҳам куфв (тенг) бўлиб, кайфиятларини бир замонда баробар эҳдос қилса, ул кайфияти мутазодда бир-бириға баробар қоришиб турғонлари сабабидин ҳеч асар маҳсус бўлмай, гўё мўтадилдек гумон қилинур. Лекин ҳақиқатан икки кайфиййати мутазоддаи ғайри маҳсуса бордур.

Ва агар ул кайфиятни баъзиси муқаддам ва баъзиси муаххар ҳодис бўлса, ул вақтда муқаддам ҳодис бўлғони маҳсус ҳам бўлур. Сўнгра ани зидди бўлгон кайфият ҳодис бўлуб, муқовамат ва қоришувлик қилғони учун аввалғи маҳсус бўлгон кайфият зоил ва ғайри маҳсус бўлиб

қолур. Бас, аввалғи кайфиятни тездин заволи айнан сўнгғи кайфиятни махсуслигиндин иборатдур. Бинобариндурки, амрози мураккабада да-
вои мураккаб истеъмол қилинур. Ва табиат Холиқи Акбар изни бирлан
иссиқ давони асарини совуқ моддаға ва совуқ давони асарини иссиқ
моддаға еткизуб, касални дафъиға муқовамат ва ҳаракат қилур. Ва
натижада даво фойда қилур. Бас, агар ҳар бир давони таъсири боқий
бўлмаса эди, давои мураккаб амрози мураккабға манфаъат бермас
эди. Ва агар табиатға мазкур марҳамати Илоҳий мавдӯъ (қўйилган)
бўлмаса эди, давои мураккабани иссиқ таъсири иссиқ моддаға ва со-
вуқ таъсири совуқ моддаға иъонат (кўмак) беруб, мариз (бемор) ҳалок
бўлур эди. Фа ниъма-л-Ҳаким ул-ҳозик.¹

ФОИДА. Махфий қолмағайки, адвиййан мураккабот (мураккаб до-
рилар) ҳам неча қисм бўлурлар. Чунончи, баъзи маъжунлар ва шарбат-
ларни ажзоси бир-бириға ғоят даражада мумтазиж (қоришган) бўлғони
учун бошқа ҳукм ҳосил қилур. Ва баъзи адвияи мураккабадин, чунон-
чи, суфуф ва қўрс (кулча дори)ларда бўлғон мизож ва таркиб ажзои
муфрада ҳукмида бўлурлар. Ва андак тафовутли бўлур. Шунинг учун-
дурки, баъзи маъжунларни истеъмол қилмоқда то ҳама ажзоси бир-би-
риға хўб мумтазиж бўлғонлиғи умид қилинадурғон бир муддати мах-
сусғача таваққуф қилмоқни шарт қилингандур. Аммо суфуф (талқон
дори) ва қўрсларни фавран (тезда) истеъмол қилинур. Ва учинчи марта-
баи мураккаб ул-қуво мартабаи увло ва сонийнинг лозималаридиндур-
ки, суврати навъийа афъолининг воситаси ила ҳосил бўлур. Ва таъсир
би-л-хосиййат шундин иборатдур, хоҳ ул таъсир давои муфрада, хоҳ
давои мураккабада бўлсин, чунончи, мазкур бўлди. Ва бу таъсир ми-
зожи увло ва мизожи сонийдин хориж амри эътиборийдур. Фа-ифҳам
(фуаросат югуртир).

ИККИНЧИ МАҚУЛА ҒИЗО БАЁНИДАДУР

Аммо ғизо икки қисм бўлурки, ғизои латиф ва ғизои касифдур.
Бас, ғизои латиф деб шундоқ ғизони айтурларки, андин суюқ қон пай-
до бўлур. Бул ғизони сифати хоссаси шулки, меъдада тез ҳазм бўлур ва

¹ Бас, Ҳакими ҳозик, яъни Аллоҳнинг иши нақадар соз.

инчунин, бадандин тез таҳлил топиб, тез фано бўлур. Ва ғизои касиф, деб шундай ғизони айтурларки, андин ғализ ва қуоқ қон пайдо бўлур. Ва бул ғизони сифати хоссаси шулки, меъдада кеч ҳам бўлар ва инчунин, баданға муташобиҳ ва жузви бадан бўлмоғи ҳам кеч бўлур. Ва бу икки хил ғизони таърифиди қиёс ила ғизои мўътадил ҳам равшандурки, баёни ҳожат эрмас. Чунки ғизо аносири арбаъадин мураккабдур. Бас, ани таркибида бир ё икки унсури ғолиб бўлса, ул ғизо латифдур. Ва агар бир ё икки унсури ғализ ғолиб бўлса, ул ғизо ҳам ғализдур. Ва агар таркибида унсуларни ғализлари латиф ва баробар бўлса, ғизо ҳам мўътадил бўлур.

Ва ғизои латиф ва касийфларнинг ҳар бири яна икки қисмға ажр-лурки, бирини касийр ул-ғизо ва бирини қалил ул-ғизо дерлар. Бас, касир ул-ғизо шундоғдурки, андин кўб қон пайдо бўлур ва қалил ул-ғизо ани хилофидурки, андин кам қон пайдо бўлур. Ва мўътадил ғизодин мўътадил миқдорда қон пайдо бўлур. Ва яна бу касир ул-ғизо ва қалил ул-ғизолар икки қисм бўлурки, бирини ҳасан ул-каймус ва бирини ради

Латиф, қалил ул- ғизо ради ул-каймус	Латиф, қалил ул- ғизо ҳасан ул-каймус	Латиф, мутавассит ул-ғизо ради ул- каймус	Латиф, мутавассит ул-ғизо ҳасан ул- каймус	Латиф, касир ул- ғизо ради ул-каймус- дур	Латиф, касир ул- ғизо ҳасан ул-каймус
Мўътадил, қалил ул- ғизо ҳасан ул-каймус	Мўътадил, қалил ул- ғизо ҳасан ул-каймус	Мўътадил, мутавассит ул-ғизо ради ул- каймус	Мўътадил, мутавассит ул-ғизо ҳасан ул- каймус	Мўътадил, касир ул- ғизо ради ул-каймус	Мўътадил, касир ул- ғизо ҳасан ул-каймус
Касиф, қалил ул- ғизо ради ул-каймус	Касиф, қалил ул- ғизо ҳасан ул-каймус	Касиф, мутавассит ул-ғизо ради ул- каймус	Касиф, мутавассит ул-ғизо ҳасан ул- каймус	Касиф, касир ул- ғизо ради ул-каймус	Касиф, касир ул- ғизо ҳасан ул-каймус

ул-каймус дерлар. Бас, ҳасан ул-каймус шундоғ гизодурки, андин пайдо бўлгон қон яхши ва солиҳ бўлур. Ва ради ул-каймус шундоғ гизодурки, андин фосид қон пайдо бўлур. Бас, билмоқ керакки, гизони ақсоми мазкур тақсимға биноан ўн саккиз қисм бўлурки, ушбу жадвалдин маълум бўлур:

Ва бу ўн саккиз хил гизони ҳар бириға бир мисол кўрсатмоқ лозим бўлди, токи толиблар учун истифодаси осон бўлғай.

Билмоқ керакки, латиф, касир ул-ғизои ҳасан ул-каймуснинг мисоли чала пиширилган тухумнинг сариғидур. Ва латиф, касир ул-ғизои ради ул-каймусни мисоли ўпкадур ва кабутар бачадур. Ва латиф, мутавассит ул-ғизо ҳасан ул-каймуснинг мисоли узумдур. Баъзи қавлға назаран, аммо баъзилар узумни касир ул-ғизодин ҳисоб қилгондурлар. Ва латиф, мутавассит ул-ғизои ради ул-каймуснинг мисоли анжир қоқидур. Ва латиф, қалил ул-ғизои ҳасан ул-каймусни мисоли ширин олма ва анордур. Ва латиф, қалил ул-ғизои ради ул-каймуснинг мисоли хардал (қичи). Ва ақсар бақавл ҳарифадур. Ва касиф, касир ул-ғизои ҳасан ул-каймуснинг мисоли кўб қайнатиб пиширилгон тухумдур. Ва бузоқ гўштани кабоб ва қовурдоғи ҳам шул қабилдиндур.

Касиф, касир ул-ғизои ради ул-каймус ҳўкиз гўштидур ва ўрдак гўшти ва от гўшти ҳам инчуниндур. Ва касиф, мутавассит ул-ғизои ҳасан ул-каймусни мисоли ҳайвонотнинг калла ва пойчасидур. Ва касиф, мутавассит ул-ғизои ради ул-каймуснинг мисоли ов гўштлири ва кийик гўшти ва қуён гўштидур. Ва касиф, қалил ул-ғизои ҳасан ул-каймуснинг мисоли панир, яъни сутнинг тафлидурки, туркийда ани оғиз дерлар.

Касиф, қалил ул-ғизои ради ул-каймуснинг мисоли тузланган эски қоқ гўштдур ва бодинжон (бақлажон)дур. Аммо мўътадил, касир ул-ғизои ҳасан ул-каймуснинг мисоли ёввойи сигирнинг бир яшар бузоғининг гўшти ва нони покиздур. Ва мўътадил, касир ул-ғизои ради ул-каймуснинг мисоли карам ва бир ёшдин ошган ёввойи сигир гўштидур. Ва ғизои мўътадил, мутавассит ул-ғизои ҳасан ул-каймуснинг мисоли урғочи қўйнинг гўштидур. Ва ғизои мўътадил, мутавассит ул-ғизои ради ул-каймуснинг мисоли қуритилган балиқдур ва эчки гўштидур. Лекин эчки гўштининг ридоати ёввойи сигирнинг гўшти даражасида эрмас. Ва ғизои мўътадил, қалил ул-ғизои ҳасан ул-каймуснинг мисоли шал-

гам ва ёнгоқдур. Ва мўътадил, қалил ул-ғизои ради ул-каймуснинг мисоли сабзидур. Бас, ушбу ўн саккиз хил мисоллар ўн саккиз қисм ғизоға кофийдурлар.

Бас, ғизолар ва аларнинг баёнидин фориғ бўлдимиз, эмди ғизои ғализ ва давоий ғализ ва давоий муғаллизларни ва ғизои латиф ва давоий латиф ва давоий мулаттифларни фарқининг баёни лойиқроқ кўрилди. Бинобарин, ани баёниға шуруъ қилдимиз.

Билмоқ керакки, ғизоий ғализдин қуюқ қон пайдо бўлур. Бинобарин, ғализ дерлар. Ва мисоли қоқлонгон гўштдур. Аммо давоий ғализ шулки, ани ҳазм қилмоқда майда ажзоларға ажратиб, эзмоқға меъдани қуввати ва ҳарорати кифоя қилмас. Бинобарин, ғализ дерлар. Мисоли буссад, яъни бихи маржондур. Ва давоий муғаллиз шулки, бадандаги ахлотни қуюлтирар. Ва мисоли афюндур. Ва ғизоий латиф шулки, андин суюқ ва покиза қон ҳосил бўлур. Ва мисоли шўрбо ва қуймоқдур. Аммо давоий латиф шулки, меъданинг ҳарорати ва қувватидин тезроқ асарланиб эзилур. Ва мисоли заъфарондур. Ва давоий мулаттиф шулки, бадандаги модданинг қивомини суюлтирар. Ва мисоли зуфодур. Бас, ҳаёт учун лозим бўлгон ситгаи зарурийанинг иккинчи қисми бўлган маъкул ва машруб, ғизо ва даво қисмларини баёнидин фориғ бўлдик.

Эмди баданға аларни таъсири учун васила ва раҳбар бўлгон сувларни анвоъ ва авсоф ва мановиъларини баён қилинур.

АММА-Л-МОУ (АММО СУВ БАЁНИДА)

Билмоқ керакки, сувнинг танҳо ўзи ғизо бўлолмас. Чунки тўрт арконнинг бири сувдурки, басит (ҳеч нарса аралашмаган, танҳо)дур. Ва басит нимарса ғизо бўлолмас, зероки басит бўладургон ила ғизо қиладурганнинг миёнасида муносабат шартдур. Чунончи, юқорида мазкур бўлди. Яъни, сув ғизо бўлмас, демакдин мурод шулки, ҳеч нимарсаға қўшилмаган танҳо сувнинг ўзи ғизо бўлиб, баданға жузви бадан бўлмоқға қобил эмас. Лекин агар бир ғизоға, хусусан, қуруқ ғизоға аралашса, мажмуъидин жузви баданға қобилят-

лик бир жисм ҳосил бўлиб, гизо бўлур. Ва шу важҳ ила сув ҳам гизодур. Ва буни мисоли биринчи қисмда зикр қилиндики, ҳавонинг ўзи руҳ бўлолмас, магар дилға кириб, дилдаги қонларға қўшилса, мажмуъидин руҳ ҳосил бўлур. Хулоса, аркони арбаъадин бу икки рукнаға, яъни ҳаво ила сувға ҳайвонот ҳожати собитдурки, булар бўлмаса ҳаётнинг бақоси мумкин эрмас ва сувнинг баданға фойдаси кўбдур.

Биринчи фойдаси шулки, баданнинг энг тор ва ингичка мажролариға кирмоқ учун гизони суюлтириб, қобил қилур.

Иккинчи фойдаси шулки, гизони ҳазм учун қобил қилур, чунки аксари гизода ажзои арзийъа ғолиблиги шаксиздур. Ва ани ҳазми учун меъдани таъсирини қабул қилмоғи қийинлиги ҳам шубҳасиздур. Бас, сув ани суюлтириб, ҳазмға қобил қилур. Ва шунинг учундурки, ҳўл мевани ҳарчанд кўб егандин сўнг ҳам сувға ҳожат бўлмас. Ва агар ирод қилсаларки, баъзи ҳайвоноти ҳашара гизо ерлар, аммо сув ичмаслар. Ва аларни ҳаётлари нечук мумкиндур? Бас, анга жавоб шулки, аларни ҳароратлари ғолибдур. Ҳаттоки, ажзойи арзийъайи гизойъа аларни меъдасида эриб ҳазм бўлур ва сувға муҳтож бўлмаслар. Чунки ҳар бир ҳайвоннинг истеъдодиға лойиқ фазли Илоҳий мутаҳаққиқдурки, замин остидин сув топмоқға ожиз бўлгон майда ҳашоратни сувни мустағний тариқада мундоқ мизож ато қилмоқ Холиқнинг карамидиндур. Аммо инсон ҳамма махлуқотға назаран мўътадил мизожда бўлғони учун ҳам сувни талабиға қодир бўлғони учун ани мизожи сувға муҳтождур ва сувсиз ҳаёт мумтаниъдур.

Ва учинчи фойдаси шулки, гизо меъдани ҳароратидин куймоғиға сув монё бўлур. Ва маълумдурки, гизони тановул вақтида ҳарорати ғаризийъа ботиний баданға, яъни меъда тарафға таважжуҳ қилур. Шул вақтда агар сув бўлмаса ҳарорат таъсиридин гизо куюб, баданға офат етказур.

Ва тўртинчи фойдаси шулки, сув гизони танг мажроларға оқизиблиб борурки, бадрақ яъни раҳбарликни маъниси шулдур. Ва бул сувни миқдори кўплик қилиб, бадан ҳожатидин зиёда миқдори агар ортиб қолса, ани баъзи миқдори тер бўлуб, бухор бўлуб, мундафиъ бўлур. Ва баъзи боқийси яна жигарға қайтиб келиб, сийдик йўли бирлан дафъ

бўлур. Ва ҳано бирлан баданини бўяган кишининг сийдиги ҳам рангдор бўлмоғи шул сабабдиндур.

Ва бешинчи фойдаси шулки, бадандаги фазлаларни сув суюлтирар. Токи алар сийдик бирлан ва тер ва бошқа тариқлар бирлан осонроқ мундафиъ бўлурлар.

Олтинчи фойдаси шулки, сув ўзини бурудати зотиййаси бирлан бадандаги ҳарорат ва йубусатни ҳиддатини таскин берур.

Ва еттинчи фойдаси шулки, бадан ўз ҳарорати ғаризиййаси ва руҳни таъсири ва ҳаракат таъсиридин қизиб кетмоғига монез бўлуб, доим қўллаб турар.

Ва ҳоказо, фойдалари беҳисобдур. Аммо мисол учун шул қадар баён кофийдур.

Ва сувларни ҳаммадин афзали бир неча шароитга мувофиқ бўлса булоқ суви афзал бўлур. Аммо биринчи шарт шулки, булоқ сувини асл манбаи холис бўлса, яъни сувнинг энг боши бўлгон замин баъзи маъдандин, чунончи, туз, натрун ва олтунгугурд ва бунга ўхшаш ажзойи арзийиадин пок ва холи бўлса.

Иккинчи шарт шулки, булоқни оқиб келар йўли ҳам пок бўлса ва пок тош бўлса, чунки тошдин оқиб келадурган сув уфунат эҳтимолидин узоқ бўлур. Зероки, туфроқ аралаш бўлса, сув уфунат ҳосил қилмоқга истеъдод ҳосил қилур. Ва бовужуди агар пок ва холис туфроқ аралаш бўлгон сув бўлса, тошдин оқиб келгон сувдин афзал бўлур. Зероки, холис туфроқ сувга аралашгандин сўнг яна таҳнишин бўлмоқда сувдаги баъзи жавҳари арзийиа бўлгон ғуборни ҳам ўзига қўшуб, таҳнишин қилиб, сувни пок қилур. Ва ўзи холис бўлғони учун уфунатни ҳам қабул қилмас.

Ва учинчи шарт шулки, булоқ сувини ва хоҳ бошқа жорий сувни оқиши жанубдин шимолга ва ғарбдин шарқга қараб оқур бўлса. Зероки, шимол тараф ва шарқ тарафни бодлари бошқа тарафни бодларига наза-ран афзалдурки, ани сувга ҳаракати ва тадохулидин сувни жавҳари солиҳ бўлур.

Ва тўртинчи шарт шулки, сув баланддин пастга қараб оқур бўлса. Зероки, бул маъний сувни тезроқ оқишига сабаб бўлур. Ва тез оқмоқдин сувга латофат ҳосил бўлур.

Ва бешинчи шарт шулки, сув манбаидин узоқ бўлмоғидур. Зероки, узоқ жойдин оқиб келгон сув қўб ҳаракат қилгон бўлур ва

ҳаракати жавҳарийни латофатиға сабаб бўлур. Лекин йўлда бошқа сувларға қўшилмаса, ҳам йўлда ёмон ерлардан оқиб ўтмаса, бу шарт маъқул бўлур. Ва илло андин ўз манбаиға яқин бўлгон сув афзал бўлур.

Ва олтинчи шарт шулки, сувни вазни энгил бўлса, зероки, сувни вазни энгиллиғи анга жавҳари арзиййадин ҳеч нимарса қўшилмонгон соф ва холислиғиға далилдур. Чунки арз табақоти оламнинг биринчиси ва марказидурки, бошқа ҳамма аркондин оғирлигининг марказ бўлгондур. Ва сув арзға нисбатан энгилдур. Масалан, туз ва натрун ва гугурд ва зок ва тўтиё ва аччиқтош ва бошқа ҳар қаю жавҳари арзиййани агар сувға солинса, ҳаммаси ҳам сувға чўкадур. Бас, собитдурки, сувни бузуқлиғиға сабаб бўлғувчи жавҳари арзиядин қаю бири агар сувға аралаш бўлса, албатта, сувни вазни бошқа покиза сувға нисбатан оғир бўлур. Ва сувни энгиллигини имтиҳон қилмоқ учун бир зарф (идиш)ни бир сувға тўлдириб олиб, тарозуда тортилур. Сўнгра шу зарфда бошқа сувни тўлдириб олиб тортилур. Бас, қаю бири энгилроқ бўлса, шул сув холисдур ёки, икки бошқа пахтани тарозуда баробар вазнлик қилиб тортилур, сўнгра ҳар икки пахтани икки бошқа сув бирлан ҳўл қилиб, сўнгра яна қуридилур, сўнгра мазкур пахтани тортилур. Бас, қайси бир пахта энгил бўлса, шул пахтани ҳўлланган сув холис бўлур. Чунки оғир келган пахта сувдин олгон жавҳари арзиясини вазни бирлан оғирлашган бўлур.

Ва еттинчи шарт шулки, сувни ичган кишиға сув андак ширинроқ сезулса, чунки сувни ширинлиғи латофатиға далилдур. Зероки, сувни латофати тилининг рутубатини ҳам суолтириб, тилни жирмиға кирғизар. Ва оғизни рутубати зотан андак ширин бўлур. Ва бу ширинликни тил эҳсос қилгондин сўнг ичган сувини хаёл қилурки, шириндур ва илло сув жавҳари баситдур ва басит нимарса, албатта, таъмдин ва бўйдин холи бўлур.

Ва саккизинчи шарт шулки, андак сувни кўброқ хамирға қўшгонда хамирни ҳарофати (аччиқлиғи) ва ҳиддати (ўткирлиғи)ни таскин берса, зероки, сув хамирға то шиддатлик ва комил аралашмаса, ани ҳиддатини таскин беролмас ва комил аралашмоқ латофатни лозимасидур.

Ва тўққизинчи шарт шулки, сувни миқдори кўб катга бўлса, зероки, кўплик сабабидин баъзи муфсид нимарсалар ихтилофидин тезда мутаассир бўлмас.

Ўнинчи шарт шулки, шадид ул-жараён, яъни тез оқадурган бўлса, зероки, ҳаракати қавиййа (кучли ҳаракат) боиси зиёдати латофат бўлур.

Ва ўн биринчи шарт шулки, андак совуқ ҳаво таъсиридин тез совуса ҳам андак иссиқ ҳаво таъсиридин тез исиса, зероки, ани латофати қобил таъсирға боис бўлур.

Ва ўн иккинчи шарт шулки, ичгандин сўнг меъдани устидин тез ўтса ва меъда атрофиға тамаддуд ҳосил қилиб турмаса. Зероки, бетаваққуф ўтмоғи латофатиға далилдур. Аммо таваққуф (тўхташи) ва тамаддуди (узоқ туриши) гализликға ва хилофи табиатлигиға далилдур.

Ва ўн учинчи шарт шулки, ул сувда пиширулгон таом тез пиши муҳарро бўлса. Зероки, таомни тез муҳарро бўлмоғи сувни нофизлигиға далилдурки, нофизлик латофтни лозимасидур.

Ва ўн тўртинчи шарт офтобға муқобил ва очиқ бўлса. Зероки, офтобни тобиши боиси латофат ва риққат бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, аксар китобларда наҳр сувини булоқ сувидин афзал деган баён воқеъ бўлгондур. Аммо «Қонун»да булоқ сувини таъриф қилинур. Бас, бу маънийда атиббо миёналарида ихтилоф воқеъ экан, деб гумон қилинмасин. Зероки, лафзи булоқ атиббо наздларида хоҳ усти очиқ, хоҳ усти ёпиқ бўлгон сувни айтурлар. Ва наҳр, деб фақат усти очиқ сувни айтурлар. Ва оммаи халқ истилоҳларича булоқни фақат бир тешукдин чиқиб турмоғи шарт эмасдур. Ва ҳеч шак йўқдурки, усти очиқ бўлгон сув усти ёпиқ бўлгон сувдин афзалдур. Ва лафзи булоқни маънисини ва тариқи ҳудусини шул мабҳаснинг охирида зикр қилинур.

Ва сувларнинг ҳамма анвоъини бошқа-бошқа баён ила кўрсатмоқ лозимдур. Масалан, ёмғир сувининг афзали тошлик чуқурға жамъ бўлгонидур. Зероки, тош қаттиқдур, қаттиқ жойдин жавҳари арзиййа чиқиб, сувға қўшилмоғи эҳтитимолдин узоқроқдур. Хусусан, ул чуқурни усти очиқ бўлса, токи офтобнинг тобишидин ва боднинг мулоқотидин латофат ҳосил қилса. Ва ҳеч шак йўқдурки, ёмғир суви ҳамма сувларнинг афзалидур. Ва бундин сўнгги дара

жадағи сув мазкур шароитға мувофиқ бўлгон анҳор сувидур. Бас, ёмғир сувини афзаллигига далил шулки, физои бадан учун қобилиятлироқ ва баданға сингишликроқ ва тезроқ қайнағувчи ва таомни тезроқ пиширтирғувчидурки, бу сифатлар ҳаммаси латофатларнинг лозимасидур. Ва собитдурки, ёмғирнинг ҳудуси икки эҳтимолдин холи бўлмас, чунончи, ё заминдин ва сувдин суъуд қилгон бухорот яна совуқ ҳавонинг таъсири бирлан сув ҳолиға келиб, осмондин қатра бўлиб тушар ёки ҳавонинг ўзи сув ҳолиға айланиб, қатра бўлиб тушар. Баҳар тақдир ҳар иккиси ҳам латифдур. Ва ёмғир сувини фазилатиға яна бир шарт шулки, ёз фаслида раъд (момақалдиروқ)лик булутдин ёғилгон бўлғай, зероки, ёзда ҳавонинг исигидин ёмғир моддаси бўлгон бухорот бағоят латиф бўлиб чиқар ва ёғар вақтида иссиқни таъсиридин баҳра олиб, латиф бўлиб тушар. Ва раъднинг шартлиғи шуки, яъни булутни овозики, ани турк истилоҳида момақалдиروқ дерлар. Ани ҳодис бўлмоғи булутни орасида муҳтабис (қамалган) бўлгон бухороти духониййани ҳаракатидин ҳодис бўлур. Чунончи, мақоми замҳарирға етган булутларга замҳарирнинг совуғи таъсир қилиб, такосуф (қуюлиш) ориз бўлур. Ва такосуфнинг лозимаси бўлгон ижтимоъи ажзо ва тазйиқ ҳам булутға ориз бўлғони учун бухороти духониййаға макон танглик қилиб, ночор булутларни ёриб чиқиб кетар. Ва бухороти духониййани бундоқ шиддатли ҳаракатидин ва булутларни шиддатлик тафоруқи (тарқалиши)дин ҳосил бўлгон овозни раъд дерлар. Бас, раъд булутдин тушган ёмғир суви духондин ажралиб, поклангон булутни ҳосиласи бўлгон латиф сувдур.

Ва Шайх ур-раис ва атиббои салаф ва халаф шунга муттафиқдурлар. Аммо Ҳаким Абу Саҳл ал-Масиҳийнинг раъйларича, ёз ёмғирининг қиш ёмғири латифроқ дерлар. Зероки, қиш вақтида ҳаво чангу ғубор ва духондин холисроқ бўлур. Бинобарин, ёмғир ҳам мазкурлардин холисроқ бўлур, дерлар. Ҳам қиш вақтида офтобни таъсири кам бўлур ва кам ҳароратдин ҳар бир сув бухор бўлолмас. Магар энг латиф сув бухор бўлур, дерлар.

Ҳаким Садид Козруний ҳам шул раъйни савоб кўриб, «Шарҳи Куллиёт»ларида ёзгондурларки, «ва йашбаху йақуна қавлуҳу фий ҳазо ажваду лианнос-сайфа ло йахлу ан ғуборин ва духонин» (Бу борада унинг сўзи тўғрироқдур, чунки ёз ғубор ва духондин холий бўлмаиди).

Ва ҳақири ҳечмадон, агарчи ул зотларнинг ақволидин бирини таржиҳ ва бирини тавбих учун иқтидорим йўқдур, лекин ўз фикримни ҳам андак илова қилмоқда монъ ҳам бўлмас. Ва фақирни фикри қосиримча, раъдлик булутни ёмғурини фазилати учун раъд овозидин сўнғи тушгон ёмғургина афзаллигини илова қилмоқ лойиқ бўлур эди. Чунки раъд аксар баҳор асносида бўлур. Ва фусули арбаъа баёнида муқаррар бўлгондурки, баҳор табиати ахлотни эритар ва хом хилтни пишурар ва ҳатто ашжор ва наботот ва маъданиётни ўз ҳароратидин асар қилиб, ғалаёнға киргизар. Бас, бу ҳароратни таъсир ва тазвинидин албатта, бухороти духонийа ҳам кўпроқ муртафиъ бўлиб, раъдга сабаб бўлмоғи мумкиндур.

Бинобарин, раъд овозини ҳудусидин муқаддам тушган ёмғур албатта, духонға мухталит бўлмоғи эҳтимолға яқин бўлур. Ҳаттоки, агар раъдлик булутни ибтидои зуҳурида риёҳи осифа, яъни шидатлик бод ҳосил бўлиб, заминдин анвоёи ғуборни кўтариб, ҳавоға мухталит қилур. Бас, ул вақтда нузул қилгон ёмғир суви албатта, ғубор ва духон ва бошқа шавоиби ғариба (ҳар хил нуқсон)дин холи бўлмас. Бинобарин, раъдлик булутни зуҳуриға рийҳи осифадин холи бўлмоқни ҳам иловатан шарт қилмоқни лойиқ билурман. Ва агар риёҳ осифалик бўлса, андоғ ёмғир сувидин бераъд ёмғир сувини фазилати қобили инкор эрмас. Ва-л-ҳаққу инда-л-Ҳаққи.

Ва яна ёмғир сувини фазилатиға, учунчи, жаййид (тоза) ва янги бўлмоғини ҳам иловаси сазовор деб билурман. Чунки назди атиббода қоидаи куллиядурки, ҳар нимарсани ҳазми ва инҳидори (ўтиши) нақадар осон бўлса, ани фасоди ҳам шул қадар осон бўлур. Яъни, қобили инҳидор нимарса албатта, қобили фасоддур. Бас, анҳор сувиға нисбатан ёмғир сувини инҳидори ва суръати табхи (тез қайнаши) маълумдур. Инчунин, андак муассирнинг асари бирлан фасоди ҳам мумкиндур. Бас, агар ёмғир сувиға фасод лоҳиқ бўлса, анга уфунат ориз бўлур. Ва ани уфунати ахлоти баданни таъаффуниға боис бўлур. Ва инсоннинг сийнасиға ва овозиға зарар берур. Шунинг учун агар ёмғир суви зотан анҳор сувидин латиф бўлса ҳам, лекин нуқсони оризи ва таъаффуни сабаблари илан анҳор сувидин фозил бўлмас.

Ва маълумдурки, қаю нимарсани зарари камроқ бўлса, шул нимарса яхшироқ бўлур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, ёмғир сувиға нима сабабдин тезроқ уфунат (айнаш) ориз бўлмоғида байн ал-атиббо ихтилоф бордур. Масалан, Шайх ур-раис ва баъзи сиқот (ишончли кишилар)-нинг раъйлари шулдурки, ёмғир суви ғоятда суёқ ва ғоятда латифдурки, ани лозимаси суръат ул-инфиёлдур, яъни тез асарни қабул қилмоқдур. Бинобарин, хоҳ заминдин, хоҳ ҳаводин андак таъсир ориз бўлса, андин мутағаййир ва мутаъаффин (бузувчи) бўлур, дерлар. Ва ҳува ақрабу ила-с-савоб. Ва баъзилар дерларки, ёмғир сувининг ҳусули ҳар жойда бўлгон ҳар турлик рутубати мухталифдин суъуд қилгон бухоротдин ҳосил бўлур. Бас, турлик мухталиф моддаларни ҳар бирини жудо-жудо ҳазм қилмоқдин табиат қосирлик қилур. Ва шу сабаб ила уфунат ориз бўлур. Ва оқибат табиат ожиз бўлур, дерлар. Ва бу даъво зоҳир ул-бутлон (ошкоро ботил)дур. Зероки, ёмғир бухороти ҳар қандоқ анвоъи мухталифа ва рутубатдин суъуд қилса ҳам, лекин холис сув моддаси суъуд қилгондур. Ва бошқа моддаси жавҳари арзиййадин бўлғони учун қобили табаҳҳур ва қобили суъуд эмас. Бинобарин, ёмғир сувида моддаи мухталифа зотан мураккаб бўлмоғи мумкин эрмас ёки бемоддаи мухталифа ҳам ёмғир зотан ўзи радиий бўлмоғи, ҳатто ани ҳазмиға табиат ожиз бўлмоғи ҳам зоҳир ул-бутлондур. Чунки, агар ёмғир суви зотан бундоқ ридоатлик ва фасодлик бўлса эди, жумҳури атиббо тарафидин бу қадар сифоти ҳамидаларға муттасиф бўлмас эди. Хусусан, муаллими аввал ва устоди кулл бўлгон Арасту ва Буқрот айтгандурларки, «инна моа-л-матари ажваду-л-мийаҳи ва аъзабуҳа ва ахаффуҳо вазнан».¹ Ва инчунин, машҳуд ва маълумдурки, бадани уфунатдин холи бўлгон одам агар ёмғир сувидин ичса, сўнгра бошқа муъаффинотдин сақланса, ул кишиға асло бул зарар маҳсус бўлмас. Бас, маълум бўлурки, ёмғир суви зотида латофати муқаррардур ва ҳеч ридоат йўқдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, агар баданидағи ахлооти уфунатға қобил ва мустаъид бўлгон кишиға анҳор суви муяссар бўлмай, ёмғир сувидин ичмоқға изтирор ва ночорлик рўй берса ичмоқда нордон нарса қўшиб ичғай, балки ёмғир сувини ичган сўнғидин нордон нимарса қўшиб ичғай, балки ёмғир сувини ичган сўнғидин нордон ни-

¹ Албатта ёмғир суви сувларнинг яхшиси, ширини ва вазни енгилидур.

марса тановул қилгай, чунки нордонлик уфунатга монёв бўлур. Албатта, хусусан, агар ул нордоннинг мизожи қуруқ ва совуқ бўлса, бамисоли сирка ва лиму, масалан, ёмғир сувини ислоҳи учун энг яхши тадбир ани қайнатмоқдур. Чунки агар ани уфунати фасод ҳаводин бўлса, шубҳасиздурки, қайнатмоқ ила мазкур фасод ҳавога муртафиъ бўлур. Ва агар жавҳари арзийъа таркиби боис бўлгон бўлса, сув қайнағонда зиёда рақиқ ва суюқ бўлур. Ва шу сабаб бирлан анга мухталит бўлгон моддаи ғарибалар аввалда ўз журмларини ғоятда резалигидин сувни фил-жумла ғализ ва қуюқлигидин таҳнишин бўлмаи туриб, энди қайнамоқдин ҳосил бўлгон суюқлик ва қайнамоқдин ориз бўлгон суслик ул моддаларни ажралиб, таҳнишин бўлмоқларига муъин бўлур. Бинобарин, сув қайнамоқ ила мусаффо бўлур. Ва ҳам ёмғир суви ва анҳор сувидин бошқа ҳамма анвоъи сувлар ридоатлик бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, анҳор суви ва ёмғир сувини айн дерлар. Ва бундин бошқа сувлар тўрт хил бўлурки, рокид, қиний, биър ва назз дерлар. Бас, буларни ҳар бирини маъни ва аҳкомларини ҳам баён қилиб ўтмоқни лозим билдим. Токи, толибларни истифодаси осон бўлгай.

Билмоқ керакки, офтобни ҳарорати бирлан дарё ва денгиз сувларидин бухорот суъуд қилиб (кўтарилиб), ҳаво ҳолиға айланиб, доим ҳавога мураккаб бўлмоғи маълумдур. Инчунин, офтобнинг ҳароратидин ҳам замин қизиб, андин бухороти духонийъа ажралиб суъуд қилиб кетар. Ва заминда тахалхул ҳосил бўлур ва оламда бўшлик ва холийлик мумкин бўлмоғон сабаблик мазкур тахалхулларга бухороти мойийъа (сувли бухорот)лар кирар. Ва бухоротни лозимаси бўлгон норийъат сабаби бирлан яна заминнинг ичидин чиқмоқни тақозо қилиб, ҳар тарафга ҳаракат қилиб, замин остида бўлгон ҳамма тахалхул ва бўшлиқ мазкур бўлса, анга мазкур бухороти мойийъа таралур. Бас, шул таралиб заифланмоқ ҳам кўброқ муддат ўтмоқ ила маконни совуқлиги анга асар қилиб, бухорлик ҳолидин яна сувлик ҳолиға авд қилурлар. Сўнгра яна бухороти мойийъалар пайдар-пай бир-бирлариға қўшилур, сув бўлиб турар бўлса, сувнинг миқдори кўпайиб, заминнинг қаю тарафи бўшроқ бўлса, шул тарафдин тешиб чиқиб турар. Бас, агар бухороти мойийъани пайваста етишмоғи

кўб бўлиб, андин ҳосил бўлиб чиқадурган сув жараён қилса, ани «айни жорий» дерлар.

Ва агар жараён даражасида бўлмаи кам бўлса ва заминдин чиқиб, шул жойда тўхтаб қолгон бўлса, лекин андин ҳар қанча сув олинса ҳам бадалига сув тўлиб турса, ани номини «айни воқиф» дерлар. Ва назз ила воқифнинг фарқи назз баёнида зикр қилинур.

Ва маълумдурки, аини воқифдин аини жорий яхшироқ бўлур, башарти мазкур сифатларга мувофиқ бўлса. Ва илло, чунончи, сувни оқиб келар йўли шўра бўлса ва бошқа ридоатлик бўлса, ул вақтда албатта, аини жорийдин покиза жойдин чиққан аини воқиф яхшидур. Ва бу ҳолатда яна сувни манбаи узоқ бўлгондин ҳам яқинроқ бўлғони афзаллик қилур.

Аммо қинй ба касри қоф ва сукуни нун ва йойи таҳтоний бамаънойи ҳафраи маснуъдур, яъни кавланган заминга жам бўлгон сувдурки, ани санъат бирлан жорий қилингон бўлур. Ва форсийда кориз ва туркийда тазр дерлар. Ва аксар баъзи жойларда аини жорийдин бир жойга шўба чиқармоқ мақсуд бўлса, лекин ўртада тепалик бўлса, шул тепанинг остидин кавлаб тешуб, сув ўтказилгон бўлур. Ва урфда ҳам ани мажозан қинй ёки кориз ва ё тазр дерлар. Ва илло бул сув аини жорийдур. Ва инчунин, аини рокид, яъни кўл сувидин ҳам сунъий равишда жорий қилингон бўлуб, номини қинй дерлар. Ва бул ҳам мажозандур. Аммо ҳукми ҳам кўл ҳукмидадур.

Аммо биърки, ба касри бойи муваҳҳада ва сукуни ҳамза ва ройи мўҳмала луғати арабийдур ва форсийда чоҳ ва туркийда қудуқ дерлар. Ва заминни кавлаб чуқур ўра қилинур, токи анга сув жамъ бўлур ва ҳожат вақтида сувидин тортиб олиб истеъмол қилинур. Бас, агар андин ҳам санъат бирла сувини жорий қилинса, номини мажозан кориз дерлар. Ва илло ҳукми ҳамон қудуқни ҳукмидур. Ва қудуқни ҳукми ҳам қудуқни жойининг эътибори ила ҳам андин олинадургон сув миқдорининг эътибори ила мухталиф бўлур. Ва энг яхши қудуқ шулдурки, ани суви ширинроқ ва энгилроқ, таомга ҳозимроқ ва авраси ҳам кенгроқ ва оғзи очиқ бўлса ва андин кўб миқдор сув сарф бўлиб тургон бўлса.

Ва ҳаким Муҳаммад Акбар Арзоний раҳматуллоҳи алайҳ ҳикоя қилурларки, Ҳиндистон мамлакатаида сувни латофати ва энгиллиги ва ширинлиги ила оламга машҳур бўлгон наҳри Ганг исмлики

айни жорийга баробар, балки андин ҳам афзал сувлик қудуқни ҳам кўрилгон эмиш. Баҳарҳол мазкур бўлгон сифатлари кўброқ бўлгон сув сифати маҳмудаси камроқ бўлгон сувдин афзал бўлур. Ва одатни ҳам дахли кўбдур, чунончи, саҳронишинлардин баъзи кам сув шаҳар халқидин кўб кишилар қудуқ сувиға одат қилгондурларки, аларға асло зарари маълум бўлмас. Лекин бу одат бизни мабҳасдин хориждур. Аммо назз бафатҳи нун ва зойи мўъжамаи мушаддада луғати арабийдурки, форсийда зах ва туркийда сизот ва иза ҳам дерлар, номаснуъ ва худ махлуқ чуқур жойдурки, рутубатнок жойда воқеъ бўлиб, атрофидаги рутубатлар сизиб, шул чуқурға жамъ бўлурлар. Ва ҳеч сарф қилинмаслар. Бас, бул сув қудуқни сувидин ридоатликроқ ва ёмонроқ бўлур. Ва сизот суви бирлан айни воқифни фарқи шулки, айни воқифни суви заминнинг остидин чиқар ва сизотнинг суви заминнинг юзасидин ҳар хил жавҳарға мухталифлик эҳтимоли бўлгон жойлардин сизиб келур. Ва сизот сувларининг ёмонлиғиға далил шулки, сизот сувлари узоқ фурсатгача чуқурға қамалиб, ҳар хил жавҳарларни, хусусан, гиёҳларни илдизини ширасиға мухталиф бўлгондурлар. Ва рутубати арзийга мураккабликдин ва ҳаракатсизликдин тамоми латофатлари йўқолиб, ғализ бўлгондурлар. Хусусан, анда қомич кўкариб тўқай бўлгон бўлса, кўб ридоатлик бўлур. Аммо рокид ба фатҳи ройи мўҳмала ва алиф ва касри коф ва сукуни доли мўҳмала луғати арабийдурки, форсийда кўл дерлар. Яъни, замин юзасида номаснуъ бўлгон чуқурроқ жойда қамалиб тургон беҳаракат сувдур. Ва ани ҳукми сизот сувидин фил-жумла кам ридоатдур, чунки кўл суви аслида ёмғир сувидурки, холис ва латиф сувдур, фақат беихтилоти ғайри ҳаракатликдин ғализ бўлур. Ва бовужуди усти очиқ ва сатҳи кенг бўлгони учун офтобни тобишидин ҳам баҳра олиб, андак латофат ҳосил қилур. Бинобарин, ани фасоди сизот сувини даражасиға етмас. Магар андин ҳам қомич кўкарса фасоди ғолиб бўлур ва ани арабда мой ожом дерлар. Ва ожом жамъи уждадурки, бамаънийи тўқай суви демақдур. Ва атиббо наздларида ҳаммадин ёмон ва фосид сув шулки, аригда тўхтаб қолиб, уфунат пайдо қилгон бўлса. Ва ани арабда мо ул-батойиҳ дерлар. Баҳарҳол хоҳ рокиди ожомий бўлсин ва хоҳ батойиҳий бўлсинки, меъдаға номувофиқдур ва кўб офатларға сабаб бўлурки, андин ихтироз (эҳтиёт) вожибдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, маъдан сувлари ва алафзор сувларини ҳукмлари манбаъи ихтилофийга назаран мухталиф ҳукмида бўлурларки, манбаъда қандоқ жавҳари арзийа ва қандоқ модда сувга мухталит бўлса, сув ҳам ўшал модданинг кайфиййатиға мутакаййиф ва мизожига мумтазиж бўлур. Ва бил-жумла ҳар қаю навъ гиёҳ бирлан гиёҳзор бўлгон сувни ҳукми тўқай ҳукмидадур. Аммо маъдан сувларидин олтин маъдани ва кумуш ва темур маъданидин бошқа маъдан сувлари ҳаммаси радий ва фосиддур. Лекин ридоати ҳам асли маъдан жавҳарини фасодиға нисбатан бир-бирларидин мутафовут ва мухталифдур. Зероки, маъданнинг жавҳари қаю мизож ва кайфиятда бўлса, андин чиққан сув ҳам шул мизож ва кайфиятға мутакаййиф бўлур. Бас, ҳамма маъдани жавҳарнинг мизожлари мухталиф ва мутанаввиъдур. Ва инчунин, алардин мутакаййиф бўлгон сувлари албатта, мухталифдурлар.

Аммо мазкур бўлган уч хил коннинг суви фойдалиқдур. Ва аъзоға қувват ҳосил қилар. Чунончи, олтин ва кумушнинг хосияти дилға фараҳ ва хурсандлик пайдо қилур. Ва руҳи ҳайвонийға қувват берур. Ва темурнинг мановиъи ичакларни бақувват қилур ва аъзони қаттиқ ва пишук қилур ва талоқни варами (шиш)ни зойил қилур ва зарб касалға нофиъдур ва жимоъ шаҳвати (жинсий қувват)ни ҳаракатға киргизур. Ва инчунин, аларни маъданларидин чиққан сувлари ҳам шул тариқа нофиъ (фойдали)дур. Ва агар мазкур маъдан суви ҳожат вақтида муяссар бўлмаса, мазкур маъдан жавҳарини ўзини неча маратаба такроран оловға қизитуб, бир покиза сувға солиб совутилса, шул сув ҳам мазкур жавҳардин қувват олиб, гўё мазкур жавҳарни маъдан суви каби нофиъ бўлур. Масалан, оловда қизитиб, сувда совутилса, шул сув олтин маъданининг суви ҳукмида бўлур. Ва кумуш жавҳари ва темур ҳам инчуниндур.

ТАНБИҲ. Бу уч хил маъдан сувини нофиълигини таъриф қилинго-ниға биноан айни жорийдин ва ёмғир сувидин ҳам яхши бўлур экан, деб гумон қилинмасин. Зероки, бу уч хил маъдан сувида мазкур фойдалар бўлса ҳам, лекин баъзи фойданинг зуҳури ила фазли куллий лозим бўлмас ва оқар сувидин ва ёмғир сувидин кутилгон ғаразлар, чунончи, баданни салқин қилмоқ фано бўлгон рутубатға бадал бўлиб, аъзони ҳўлламоқ ва мўътадил мизожларға мувофиқ келмоқ ва бошқалари ҳеч бири бу уч хил маъдан сувида муяссар эмасдур. Ва ғоят

шулки, бошқа маъданларни сувлариға назаран буларни ридоат ва фасоди кам ва фойдаға яқинроқдурки, баманзалаи даводур. Ва ани оқар сув каби доимий ичмоқ нораводур. Зероки, мариз (бемор)ларға нисбатан баъзи файдаси бўлса ҳам, лекин мўътадил мизожға зарари муҳаққақ ва муқаррардур. Ва ҳамма анвоъи маъданларни суви ҳам уср ул-бавлға, яъни сийдикни тутилмоғиға боис бўлурлар. Ва бошқа маъданлар сувини ва бунға ўхшаш сувларни бошқа фойда бирлан баён қилинур.

ФОИДА. Қор суви ва ях суви ва бунга ўхшаш сувларнинг аҳкоми баёнидадур. Билмоқ керакки, қор суви ва ях сувини ҳар бири ҳам соф бўлса, яъни фосид бир нимарсаға аралаш бўлмаса, ҳукми салоҳиятға яқинроқдур. Магар оқар сувдин касифроқ ва гализроқ бўлур. Зероки, ўзи ғоят шиддатлик совуқни таъсиридин асарланиб яхлагандур. Бас, шиддатлик совуқни таъсири албатта, ғилзат бўлур. Шунинг учун пай оғриғи касаллигики, кишига кўб зарар қилур, лекин агар ани қайнатилса ғилзати зойил бўлиб, ҳол салоҳиға авд қилур. Зероки, қайнатмоқ ғилзатни, яъни шиддатлик совуқни таъсириға хилоф кайфиятдур. Ва ях ўзи зотан ридоатлик ва ёмон сувдан яхлаган бўлса, маълумдурки, ёмонлик устиға ёмонроқ бўлур. Ва инчунин, қор суви ҳам агар ҳавои мутағаййирдин ва бухороти ғуборноқдин ҳосил бўлгон қор бўлса, ёмонлик устиға ёмонроқ бўлур. Ва ани қайнатмоқ бирлан ғубордин холи бўлгон қор суви яна солиҳ бўлур ва ғуборликни арақи солиҳ бўлур. Бас, шу тариқа қор суви ва ях сувидин эҳтироз лозимдурки, зинҳор ичадурган сувға аралаштирумасин. Аммо агар бир тоза сувни бир зарф (идиш) ила қор сувиға қуйиб совутмоқни зарари йўқдур.

ФОИДА. Кайфийяти мутанаввий бўлгон сувларни аҳкоми, яъни иссиқ ёки совуқ ёки мўътадил ҳолда ичмоқни мухталиф аҳкоми баёнидадур.

Билмоқ керакки, совуқ сувдин мўътадил миқдорини ичмоқ меъдаға қувват берур. Ва иштаҳа пайдо қилур. Зероки, меъдани касиф қилиб, ҳамма ажзои меъдани жамъ қилур ва меъдани мияға бухорот суъуд қилмоғиға нофиъ бўлур. Ва зоҳирдурки, совуқ сувни мўътадил миқдори кўб миқдор ичмақдин мустағний қилур. Зероки, меъда ўзидаги ҳарорат ва илтибоҳнинг иқтизосиға биноан кўб миқдор сув ичмоқға иштаҳа қилур. Лекин мўътадил миқдор сувни таъсири ул ҳароратни таскин бергандан сўнг меъдани аввалғи иштаҳаси худ бахуд

зойил бўлур. Ва совуқ сув аъзони ва ахлотни таъдил (мўътадил) қилмоғи гўё совуқ ҳаво руҳни таъдил қилмоғи кабидур. Ва ахлотни уфунат ва ғалаёндин манъ қилмоқда зўр таъсири бордур. Шунинг учун атиббо ғалаёнлик иситмада агар ичакда бир офат бўлмаса, фақат совуқ бирлан илож қилмоқни ташвиқ қилурлар. Лекин шиддатлик совуқ сув пайға ва варамлик ичакға зарар қилур.

Ва билмоқ керакки, совуқ сув ҳақидаги бу манфаъатлар ҳаммаси ўзича биз-зот совуган сувда бўлур. Чунончи, кечаси салқинда совуган сув каби. Аммо амалий совутилган сувда, чунончи, ях қўшилган сувда ёки бошқа нимаарса қўшиб совутилгон сувда бул хосият бўлмас. Ва иссиқ мизож кишиларға иссиқ фаслда совуқ сувда чўмилмоқ қувватға муовин бўлур. Ва ҳарорати ғаризийға ҳофиз бўлур, яъни ҳарорати оризани зиёдати ҳужуми ила ҳарорати ғаризийғани мағлуб бўлмоғи ва куймоғидин муҳофаза қилур. Ва териға қувват берур. Ва шунинг учундурки, аксари амрози жилдийға (тери касалликлари)ни танқийға қилгондин сўнг совуқ сувға чўмилмоқға буюрилур. Ва чўмилса, кўб фойда қилур ва баданға ҳавойи мутааффина тадохулиға ва сироятйға монё бўлур. Бинобариндурки, вабо вақтида совуқ сувға чўмилмоқни маъкул дерлар. Аммо совуқ сувға кўб мартаба чўмилмоқдин ориз бўлдурган иситма ва безгак ва масомни банд бўлғонидин ориз бўлгон аразийдурки, эътибордин соқитдур.

Аммо иссиқ сув оловда исиган ёки офтобда исиган ва кўб исиган ёки кам исиган эътибори бирлан ва ани наҳорға ичмоқ ёки таомни устидин ичмоқ эътибори бирлан ҳукми мухталиф бўлур. Ва ҳар бирини бошқа-бошқа баён қилурмиз.

Ва махфий қолмасунки, иссиқ сув агар таомни устидин ичилса, ҳазми фосид қилур ва кўнгилни беҳузур қилур. Хусусан, илиқ сув зиёда фосид қилур. Магар жуда иссиқ сув таомни сингдирар. Ва иссиқ сув таомни фосид қилмоғиға сабаб шулки, иссиқ сувдин меъдаға руҳоват ва суслук ориз бўлур. Ва ҳам таомни ғалаёни ҳазмидин тўхтатур. Ва меъдани бош тарафиға таомни кўтариб, ҳазмға нофиъ бўлур. Ва м. ълумдурки, қувваи ҳозима меъдани тагида кўб бўлур. Ва агар таом қаъри меъдадин юқориға кўтарилса ҳазмдин маҳрум бўлур. Ва гоҳи иссиқ сувни кўб ичган кишини жигарига ҳам руҳоват ориз бўлиб, истисқо бўлур. Ва гоҳи бу иссиқ дилға ҳам таъсир қилиб, тапи диққ эҳдос қилур. Ва ҳазми жайийдни фа-

содға табдил қилур. Ва аташи содиқ (хақиқий чанқаш)ни тезроқ таскин бермас, лекин аташи козибни тамом таскин берур. Чунки сабабни зоил қилур. Зероки, меъдани ҳароратидин бўлгон ташналикни аташи содиқ дерлар. Ва балғами ғализ ва балғами лазиж ва балғами шўрдин ҳодис бўлгон ташналикни аташи козиб дерлар. Бас, аташи содиқ ҳароратдин пайдо бўлғони учун бурудатға, яъни совуқ сувға муҳтождурки, иссиқ сув иссиқ меъдани совута олмас. Аммо аташи козиб мазкур балғамни кайфиятидин ҳодис бўлғони учун агар совуқ сув ичса, балғамни кайфиятини совуқ сув зойил қилолмас. Балки, тобора балғам қотиб, мустаҳкам бўлмоғиға ва ташналикни иштидодиға сабаб бўлур. Аммо иссиқ сув ичса, балғамни эритиб, зойил қилур. Бинобарин, ташналик таскин топар. Ва аташи козибни хосияти шулки, совуқ сув ичмоқдин кўпаюр. Ва жуда иссиқ сувни журъа-журъа ичмоқдин ёки сабр қилмоқдин таскин топар.

Аммо иссиқ сувни наҳорға ичмоқ меъдада бўлгон балғам ва бошқа хилтларни эритиб, ювиб, меъдани покиза қилур. Ва рутубати фазлияни дафъ қилур. Ва меъда жирмини ва ичак жирмини юмшатур. Лекин иссиқ сувни кўб ичмоқ радиё ва зарарликдур. Ва меъда қувватларини суст ва табоҳ қилур. Шунинг учун доимий иссиқ сув ичмоқни одат қилгон кишиға андак-андак мастакий ҳам ютиб турмоқни атиббо амр қилгондурлар. Аммо жуда қайноқ иссиқ сув ичмоқ боддин бўлгон қўланж ва қабзиятдин бўлгон қўланжға нофиъдурки, тез кушойиш ҳосил қилур ва талоқни бодини ҳам таҳлил берур.

Ва билмоқ керакки, иссиқ сув оғруқни таскин ва сийдикни ва ҳайзни равон қилур. Хоҳ ичмоқ ва хоҳ бир идишдин қуйиб турмоқ ва хоҳ кўб миқдор иссиқ сувни ичида ўлтирмоқ бирлан манфаъат қилур. Ва яна моддани эритиб таҳлил берган сабабидин саръ, яъни қуянчиқ касалиға нафъ қилур. Ва ҳам баданни иситиб, ҳўллаб, моддани суюлтириб, латиф қилғони учун молихулиё, яъни васвос касалиға нафъ қилур. Ва ҳам оғриқни таскин бергани учун совуқдин бўлгон бош оғриғиға нафъ қилур. Ва ҳам моддани пишурмоғи ила рамад касалиға нафъ қилур. Лекин рамадға нафъи дафъатан маҳсус бўлмай, охир вақтда маълум бўлур. Зероки, кўздаги моддадин андак миқдор боқий бўлса ҳам гўё тамоми иллат ҳануз боқий деб сезилур. Ва вақтики, моддани бақийҳасини ҳам пишируб таҳлил бергондин сўнг нафъи зоҳир бўлур. Ва яна ҳалқи (томоғи)да ва тишни милкида бусур, яъни майда жароҳат бўлгон ёки қулоқни орқасида варам (шиш) бўлгон кишиға нофиъдур. Зероки, қайноқ

сув моддани пишируб, юмшатур. Чунки оғиз ва гардан совуқ сув ичганда пайнинг воситаси бирлан зарарланиб, касал ҳодис бўлур. Ва ҳам ҳижоби ҳожизда, яъни ўпка ила меъдани миёнасидаги пардасини қурух бўлгон кишига ва сийна атрофида тафарруқи итти-сол ҳодис бўлгон кишига нафъ қилур.

Аммо офтобда исиган сувни ичмоқ ёки хориждин истеъмол қилмоқ бил-хосият барас (пес) эҳдос (пайдо) қилур. Хусусан, мис идишда туриб исиган бўлса, тезроқ таъсир қилур. Ала-л-хусус иссиқ шаҳарда туриб, иссиқ вақтида истеъмол қилинса, бешак барас пайдо қилур.

ФОИДА. Баъзи ёмон ридоатлик сувларни баёнидадур. Билмоқ керакки, шўр сув баданни ориглатур. Ва терини куйдируб, рангини бузар. Бир ичганда аввал исҳ ол қилиб, сўнгидин яна ичакни қурутган сабабидин қабзият эҳдос қилур. Бинобарин, ичган кишига қичима ва кўтир пайдо қилур. Аммо зоҳири баданни шўр сувга ювилса, балки кўтирға нафъ қилур. Ва қувабо ва гўш касалига ҳам нафъ қилур. Ва терини остида ивиган қонларни таҳлил берур. Ва бит ва сиркани ўлдирур. Ва раъша ва фолиж ва истисқо каби пай касаллариға кўб нафъ қилур. Хусусан, шўр дарёни суви таъсирликдур. Ҳатто йилон чақғон ва ҳашоратдин алам етгон киши дарҳол шўр дарёни сувиға солинса, заҳарни кулфатидин саломат бўлур. Ва бавосирли киши анга истинжо қилса, бавосирни тўкиб тушурмоқға тез таъсир қилур. Хусусан, ёш болаға жуда тез таъсир қилур. Ва қай қилмоқға толиб кишини шўр дарё лабида макон қилиб истиқомат қилмоғи ёки кемаға тушиб сайр қилмоғи бил-хосият ва бил-кайфият кўб зўр қай қилдируб, баданни пок қилур ва сўнгра қай қилдурмас.

Ва истилоҳи атиббода дарё демакдин фақат шўр дарё муроддур. Аммо шўр сув оммадурки, хоҳ шўр дарёни суви, хоҳ шўрлик заминдин пайдо бўлгон сув, хоҳ ширин сувға туз кўшиб шўр қилингон бўлсин, ҳаммасига шомилдурки, булар ҳам манфаъати дарё сувиға қариб нофиъдурлар. Агар юқорида мазкур бўлгон баъзи хавосси махсусалар буларда йўқдур. Ва шўр сувни ислоҳ учун тарёқи ёғлик ёки ширинлик нимарса тановул қилмоқдур.

Аммо ҳар навъ жавҳари арзиййаға мухталит ва ғализ бўлгон сувни ҳаммаси ҳам масона (қовуқ)ға тош пайдо қилур. Бинобарин, бундоқ сувни ичмоқға мубтало кишиларға сўнгидин сийдикни равон қилгувчи даво истеъмолини атиббо лозим дерлар. Токи, сувдаги ажзойи ғарибаларни ихрожи бирлан эмин қилғай. Лекин меъдан заифлигидин исҳол

(ич кетиш) ориз бўлгон киши ғализ сувдин ичса, исҳолни аксар вақт зойил қилур. Зероки, меъдадин тез мунҳадир бўлмай, кўб таваққуф қилур. Аммо нушодир (новшадил)лик сув исҳол қилур. Хоҳ ичмоқ, хоҳ ҳўқна қилмоқ, хоҳ анга чўмилмоқ бирлан таъсир қилур.

Аммо аччиқтошлик сув ичган кишини ичидин қон ўтмоқ ва бошқа фазлалар ўтмоқ касали бўлса, ани таскин берур. Ва иччунин, бавосирдин сайлон қилгон қонни ҳам тўхтатар. Ва лекин анга чўмилган кишига ҳумойи йавмий (бир кунлик иситма) истиҳзомий эҳдос қилур. Ва ичган кишига ҳумойи уфунийа эҳдос қилур. Чунки баданга судда (тиқилма) ориз бўлиб, бухоротни таҳлилига монъ бўлурки, бу маъни боиси уфунатдур. Лекин тап пайдо қилмоғи ҳамма инсон учун баробар эрмас. Балки мизожи иссиқ ва баданининг масоми танг бўлгон кишиларгагина пайдо қилурки, аларни масомлари андак сабаб бирлан масдуд (бекилган) ва танг бўлур.

Аммо олтингугурд конидин чиққан сув баданни иситар, бадандаги рутубати фазлияни қуритар. Ва ҳам мусҳил (сурги)дур ва агар ани ичига тушиб ўлтирса, зоҳири бадан касалларидин гўш касалига ва баҳақ касалига ва ани турк истилоҳида «меъда» дерлар ва терининг тақашшурига, яъни пўст кўчмоғига ва ҳам мафосил (бўғин) оғриғига ва совуқ бодға ва талоқни қотғониға ва жигар ва раҳм оғруқиға ва тиззани кўзини оғруқиға ва саъфа касалиға, яъни ширинча жароҳатиға ва пайда ҳодис бўлгон таъаққуд ва тугунларға ва ҳайвоноту дарандаларнинг тишидин ориз бўлгон жароҳатларға нофиъдур. Ва ани ичилса, меъдани ва кўзни қувватини заиф қилур. Ва жигарни қизитар. Аммо зифт ва ё қир конидин чиққан сувни ичса, баданни семиртирар. Ва масомни очар ва ранги баданни қизартирар. Ва бадандаги қарҳа (яра)ларни битирар, лекин ўзи ичакға қарҳа эҳдос қилур ва бошқа амрози ҳорралар ҳам эҳдос қилур. Ва ани маслаҳати ғизоий ратабалар ва самғи арабий (араб елими) ва гили арманийдур. Аммо аччиқ сувни ичулса, баданни суддаларини очар ва ахлооти ғализани латиф қилур. Лекин қонни фосид қилур ва ани маслаҳати қайнатмоқ ҳам шакар ва асалдур. Аммо мис конидин чиқгон сув ёки мисни неча маротаба оловға қизитиб, бир сувға босиб совутилгон бўлса, анга мазмаза қилмоқ (чаймоқ) оғизни жароҳатиға ва ҳалқни варамиға нофиъдур. Ва томузмоқ қулоқ оғриғиға нофиъдур. Ва аъзойи заифани бақувват қилур. Ва анга чўмилмоқ истисқоға ва бошқа фасод мизожға

нофиъдур, лекин ани ичмоқ зўр хатарнокдур. Ва муслиҳи (созловчи-си) ҳам қайнатмоқ ва шакар ва асалдур.

Аммо кўрғошимни неча бора қизитиб, бир сувга солиб совутилса, ани ичмоқ қўланж (ичак санчиги) касали эҳдос қилур ва сийдикни тутилишини эҳдос қилур. Ва агар сувга қалайни батакрор қизитиб солинғон бўлса, ул ҳам кўрғошим сувиға қариб бўлур. Ва юқорида мазкур бўлдики, маъдан сувларини ҳаммаси ҳам ихтибоси бавл (сийдик тутилиши)ға сабаб бўлур. Хусусан, агар кўпроқ муддатға ичилса, ҳатто тилло, кумуш ва темур конларининг суви ҳам ихтибоси бавл эҳдос қилур.

ФОИДА. Солиҳ сувларни тарбия қилмоқ ва радиъ сувларни ислоҳ қилмоқ ва кудуратлик сувларни мусаффо қилмоқ баёнидадур.

Ва билмоқ керакки, агар солиҳ сувларни яна зиёдароқ латиф қилмоқ мақсуд бўлса, янги сопол идишға солиб, ул идишни иккинчи бир идиш ичиға солиб қўймоқ керак. Бас, биринчи идишдин сизиб ўтуб, иккинчи идишға жамъ бўлғони латиф сув бўлур. Хусусан, биринчи идишни нақадар юқори тарафидин сизиб ўтғони шул қадар латифроқ бўлур. Ва инчунин, майдин майи нобни ажратмоқ шул тариқадур.

Магар майи ноб ҳавоға кўтарилуб, зое бўлмасин учун иккинчи идишнинг оғзини ҳам маҳкам беркигмоқ лозим бўлур. Ёки оғзи каттароқ бўлғон идишға май солиб, майнинг ичиға бир бўш янги сопол идишни оғзини маҳкам беркутиб солиб қўйилур. Майдин сизулуб мазкур сополға кируб, жамъ бўлғони майи нобдурки, ҳозирғи машҳур истилоҳда испирт дерлар.

Ва солиҳ сувдин олинғон латифини ичмоқ иссиқдин мутаассир бўлғон дилни тезроқ табрид қилмоқға ва иссиқ хафақонға бағоят нофиъдур. Ва агар ридоатлик сувни латиф қилмоқ лозим бўлса, мазкур сувдин тасъид ва тақтир қилинур, яъни шу сувдин арақ¹ тортиб, арақини тановул қилинурки, энг латиф сув арақдур. Ва агар арақ тортмоқ учун зарурий асбоб муяссар бўлмаса, ул вақтда бир қозонға сув солғондин сўнг қозонни оғзиға мутақотиъ (устма-уст) чўблар териб, чўбни устиға қозонни беркитар миқдорда покиза ва беғубор йунг ёки пахта қўйиб, сўнгра қозон тагиға ўт ёқуб қайнатилуб. Ва сувлар буғ бўлуб, макур йунг ёки пахтада сув ҳолиға келуб, андин яна қозонға тома бошлагон вақтда ул пахтани олиб, бошқа бир идишға сиқиб олинурки, арақ

¹ Арақ буғлатиб буғини идишға томчилатиб олинган сув.

шулдур. Ва шул тариқа бирлан икки-уч бора арақ олгондин сўнг қозоннинг сувини тўкиб, бошқа сув солинур, ҳоказо. Ва агар ридоатлик сувни ўрнига яқин жойдин бир катта чуқур қазилса, ул сув тарашшуҳ қилиб, мазкур чуқурға жамъ бўлса ҳам латиф бўлур. Ва агар латифлиги комил бўлмай сувда ё бошқа таъмдин ҳануз боқий бўлса, ани ёнидин яна бошқа чуқур қазиб, бир чуқурдин яна бир чуқурға тарашшуҳ бирлан ўтса яна латиф бўлур, ҳоказо неча адад чуқурдин чуқурға тарашшуҳ қилса, тобора латифроқ бўлур. Ва агар сувни тўрт ҳиссадин бир ҳисса зойил бўлғунча қайнатилса ҳам латиф бўлур. Ва инчунин, тадбирлар қўбдур, лекин шул қадари кофий бўлғони учун мухтасар қилдим.

Ва билмоқ керакки, қайнатилган сувни латиф бўлмоғида атиббони миёналарида ихтилоф бордур. Баъзилари дерларки, сувни қайнатмоқ бирлан латиф бўлур ва ридоати зоил бўлур. Ва Шайх ур-раис ҳам шул фикрни тарафдоридурлар. Ва баъзилар қайнатмоқ доимо боиси латофат бўлмоғи мумкин бўлмас, дерлар. Бас, ҳар бирлари ўз муддаоларини исботиға далиллар баён қилурлар. Ва Шайх ур-раиснинг далиллари шулки, аввалан тажрибада собит бўлгондурки, қайнаган сувда нафх, яъни бод камроқ бўлур. Ва ҳам меъдадин тезроқ мунҳадир бўлуб кетадурки, бул икки сифат латифликни сифати хоссасидур. Ва иккинчи далил шулки, қайнаган сув қайнамағониға нисбатан енгилроқ бўлурки, бул ҳам нишоани латофатдур, дерлар. Ва баъзилар дерларки, сувни қайнамоғи би-л-акс боиси ғилзат ва касофат бўлур дерлар. Ва далиллари шулки, оламда ҳеч басит сув йўқдур. Ва ҳамма сув ҳам жавҳари арзийядин холий эмаслар. Бас, ани қайнатилса, ажзои латифлари бухорот бўлуб, суъуд қилурлар. Ночор касифлари боқий қолурки, боиси касофат бўлур. Ва сувни ҳамма вақт қайнатмоқ ила вазни ва нафхи камаймоғи лозим эрмас. Чунки тажрибада маълум бўлгондурки, баъзи қайнаган сув бошқа қайнамаган сувдин оғир эрди, дерлар. Ва аларға Шайх ур-раис жавоб берурларки, оламда басит сув демоқ собит эрмас, бас, қайнамоқда суъуд қилгон сув агарчи боқий қолгон сувға нисбатан енгил бўлса ҳам, лекин боқий қолғони ҳам басит ва холисдур ёки баситға яқин ҳолдадур. Зероки, ҳар иккиси бир-бириға муташобиҳ ул-ажзодур. Ва бир ридоатлик сувни қайнағони бошқа бир латиф сувни қайнамағонидин оғир бўлмоғи хилофи мақсуд эрмас, чунки ридоатлик сувни қайнағони ўзини аввалда қайнамагон ҳолиға нис-

батан енгилдур. Ва ўзи зотан латиф бўлгон сувдин оғирроқ бўлса, бизни мабҳасдин хориждур, дерлар.

Ва сувни қайнамоғидин латофат ҳосил бўлмоғига Шайх ур-раис наздларида иллат шулки, сувни ғилзати икки сабаб бирлан бўлурки, ё анга совуқни шиддатли таъсири бирлан ғализлик ориз бўлур. Ва бу ғализлик қайнамоқ бирлан зойил бўлмоғи, шубҳасиз, ҳаммаға маълумдур. Ва иккинчи сабаб, сувға ажзон арзийяни ихтилотидур. Ва бул ҳам қайнамоқ бирлан зойил бўлур. Чунки қайнамаган сувда андак ғализлик бордур. Ва анга мухталит бўлгон жавҳари арзийяни асли табиати тасаффул ва сувға чўкмоқдур. Лекин ғоят даражада реза бўлғони учун ани вазни сувни ғализликиға зафар топиб, чўколмас. Бас, сувни қайнатилса, ғилзати зойил бўлур. Ва мазкурлар ҳам ўз оғирликларини муқтазосича сувдин ажраб, чўкарлар. Бинобарин, сув латиф бўлур, дерлар. Ва бу икки қавли мухталифнинг бир-бирига тадбиқ қилмоқ учун шориҳ (шарҳ қилувчи) ўз тарафларидин дебдурларки, ажзон арзийнинг сувға ихтилоти икки навъ бўлурки, ё комил даражада имтизож топилиб, бир-биридин ажралмоғи мушкул ҳолда бўлур ёки имтизожи ул даражаға етмоғон ноқис бўлур. Чунончи, мой акар, яъни ҳовузнинг тагида оз миқдор қолиб, тағаййур топқон сув каби. Бас, агар шул жумла ноқис ул-имтизож сувни қайнатилса, шак йўқдурки, албатта, латиф бўлур. Аммо агар ихтилоти комил ул-имтизож бўлса, чунончи, маъданлар суви ва шўр дарё суви каби, шак йўқдурки, ани қайнатмоқ боиси ғилзат бўлур, албатта. Ва фақир ҳам фикри қосирини тақдим қилурманки, онча ҳақ Шайх ур-раис тарафларида кўринур. Чунки маъдан сувларида тасфия (софлик) қатъан мумтаниъ эрмас, балки фил-жумла бақадри ҳол қобили тасфиядур. Ҳатто шориҳи мазбурнинг ўз шарҳларида «Тадбири ислоҳи миёҳ» («Сувларни тозалаш тадбири») бобида шўр дарё суви бошқа бир ридоатдин холи заминға элтуб, анда бир чуқурға тўлдируб, сўнгра мазкурни ёнидин яна бир чуқур қазуб, биринчи чуқурдин иккинчи чуқурға батариқан тарашшух ўтказилса латиф бўлур, деган тадбир марқумдур (ёзилгандур). Бас, собит бўлурки, ҳамма сувлар ҳам қобили тасфия ва талтиф (поклашга ва латифлаштиришга қобил)дурки, жавҳари арзиялари баъд аз табх (қайнатгандан сўнг) албатта ажралуб, батариқан русуб (чўкиш билан) таҳнишин бўлмоғи муқаррардурки, магар бул икки қавли мухталифни тадбиқи таъйини мурод бирлан мумкиндур.

Аллоҳумма, магар Шайх ур-раиснинг муродлари қайнатилгон сувнинг ажзои арзийси таҳнишин бўлгондин сўнг мусаффо бўлгон сувдур. Ва ирод қилғувчи боҳис (баҳс қилувчи)нинг қайнамоқ боиси ғилзат бўлур, дегандин муроди ҳануз ажзои арзийяси таҳнишин бўлмоғон сувдур. Ва илло, ҳамма анвои сувни ғилзати қайнамоқ бирлан зойил бўлмоғи муқаррардурки, қоили инкор эрмас. Ҳаттоки, ажзои арзийяси таҳнишин бўлмоғон қайноқ сув ҳам қайнамоғон сувға нисбатан латифроқ, демак мумкиндур. Зероки, қайнамоғон радий сувнинг тановулида сув ғализ бўлиб, меъдадин тез мунҳадир бўлмай (ўтолмай), меъдани мутаассир қилур. Ва ҳам ани ажзои арзийяси сувдин ажрамай баданға бирга сингиб, бадан ва масомларини банд қилур. Ва масомларға бориб таҳажжур (тош) пайдо қилиб, тош бўлмоғи ва бошқа зарарлари эҳтимолликдур. Аммо қайнагандин сўнг ҳануз мусаффо бўлмоғон вақтда тановул қилингон сув ғоятда латиф ва суюқ бўлгон сабабидин меъдада зуд таҳнишин бўлмоғи ва боқий соф сув ўзи холис баданға нуфуз қилмоғи ва меъдада таҳнишин бўлгон ажзои арзийя батариқаи буроз (ахлат) безарар хориж бўлмоғи яқин эҳтимолдиндур.

Ва яна бир тадбир шулки, покиза соғ тупроқни сувға аралаш қилиб, бир замон қўймоқ керак, токи тупроқ таҳнишин бўлғай ва сувға мухталиб бўлгон жамъи ажзои арзийяни ўзиға жалб қилуб, таҳнишин қилғай. Ва сув холис ва латиф бўлур. Ва эскиликдин тағаййур топгон ғализ сувни тозаламоқ тадбири шулки, ўрикни данагини янчиб, сувға қўшилса ёки гили арманий, яъни гилбўта қўшилса ёки буғдойни қовуруб, қовурмочини қўшилса ёки андак аччиқтош ёки андак зокни майдалаб солинса, сувни ҳамма кудуратини зойил қилиб, мусаффо қилур. Лекин мумкин қадар бошқалари муяссар бўлгон вақтда аччиқтош ила зок қўшмаслик лозимдурки, зарардин холий эрмас. Ва ридоатлик сувнинг ислоҳи учун мазкур бўлгон муслиҳларни ҳаммаси ҳам сувни кудуратини тасфия қилур ва ридоатлик сувдин тановул қилгон кишиға сўнгидин пиёз емоқ ул сувни зарариға тарёқи дофиъ (даво)дур. Ва ҳалила ҳам инчуниндур. Ва сувларни ҳам манфаъат ва мазаррат (зарарлари ва ичмоқни манъ қилингон вақтлари – ҳаммасини тадбири маъкул ва машруба бобида баён қилурмиз, иншааллоҳу таъоло.

ВА УЧИНЧИ ҚИСМ НАВМ (УЙҶУ) ВА ЙАҚЗА (УЙҶОҚЛИК) БАЁНИДАДУР

Яъни, бадани инсон аҳволини тағйир бергувчи (ўзгартирувчи) асбоби ситтаи зарурийя (олти зарур нарса)нинг учинчи қисми уйқу ила уйғоқликдур. Аммо навм, яъни уйқу зоҳири баданни совутар ва ботинни иситар, чунки уйқу вақтида руҳ зоҳири баданга таважжуҳ қилмас. Бинобарин, совуқ бўлур. Ва ботин тарафда руҳ барқарор ва собит бўлур. Бинобарин, ани иситур. Ва агар уйқу қисқа фурсатлик бўлса, ботинни ҳам иситар ва рутубатни ҳам зиёда қилур. Чунки руҳни ва ҳарорати ғаризани зиёдалиғи меъдадин бухоротни суъуди (кўтарилиши)га сабаб бўлурки, боиси рутубатдур. Ва агар узоқ муддат ухланса, ул уйқу ботини баданга йубусат ва қуруқликни зиёда қилур. Чунки ҳарорати ғариза меъдадаги ғизони ҳазмидин фориф бўлгондин сўнг руҳга таъсир қилуб, руҳни таҳлил берар. Бинобарин, мизожда хўшкийят пайдо бўлур. Бас, уйқуни ками ҳам ва кўби ҳам ёмондур. Ва миёнаси яхшидур. Ва бедорлик тамом уйқуни зиддича таъсир берур.

Ва махфий қолмасунки, уйқу икки навъ бўлурки, табиий ва нотабиийдур. Аммо бул мақомдаги бедорликга зид бўлгон уйқудин табиий уйқу муроддур. Ва инчунин, бедорлик ҳам икки навъдурки, табиий ва нотабиийдур. Ва бул мақомда табиий бедорлик муроддур. Ва бул уйқу ила бедорликни ҳар иккиси мўътадил бўлса, маҳмуд (яхши) ва илло мазмум (ёмон)дур. Аммо ғайритабиий бўлгон уйқу ва бедорлик ҳар иккиси мутлақо мазмумдур. Зероки, ҳар бири мустақил бир касалдурки, мисоли субот (оғир уйқу) ва саҳар (бедорлик)дур. Аммо уйқуни атиббо шундоқ таъриф қилмишларки, «ан-навму ҳува тарк ун-нафси истиъмол ул-ҳавосси таркан табиийһан», яъни уйқу шулки, нафси нотиқа қувваи ҳавосс истеъмолини батариқаи табиийя тарк қилур ва аъзо беҳис қолмоғи уйқудин иборатдур. Ва тариқаи табиийяни қайди шунинг учундурки, ғайритабиий тарки истеъмоли ҳавосс уйқудан хориж бўлғайки, бу тарк ё ўлум ё касалдур. Чунончи, нафси нотиқа агар тамоми бадан истеъмолини тарк қилса, номи ўлумдур. Ва агар соири баданни тамом тарк қилмай, балки қувои ҳоссани тамом тарк қилса, номи сактадур. Ва агар баъзи бадан ҳавоссини тарк қилса, номи фолиждур. Ва агар баъзи бадан ҳавоссини ноқис истеъмол қилса, номи раъша

(қалтироқ)дур. Ва агар бир узви мураккабда бўлгон бир узви муф-
раднинг ҳавоссини тарк қилса, номи хадар (увишиш)дурки, ҳар
бири бир мустақил касалдур.

Бас, уйқунинг тариқаи ҳусули шундоғдурки, бадандин суъуд қил-
гон бухороти мўътадила уруқи суботий воситаси бирлан чиқиб, мия-
да жамъ бўлуб, пайларни суст қилур. Ва пайлар маслақини касиф
қилур ва руҳни ҳам ғализ қилур. Бас, ночор руҳи нафсоний пайларга
нуфуз қилмоқда ноқис бўлур. Бинобарин, ҳавосси зоҳирийда суқун
пайдо бўлур. Ва ҳаракат йўқ бўлур. Аммо руҳи нафсоний пайга ну-
фуздин тамом тўхтамас. Бинобарин, уйқуда бир нимадин агар ба-
данга озор етса, ани эҳсос қилуб, уйғонур ва ҳам уйқуда ҳавосси
ботинийларни хаёлоти ахлобийяси қуввати воҳима учун аҳамиятсиз
ва нафси нотиқани иқтисоси ила ҳавосси зоҳирий ҳам зажран мута-
ассир бўлур. Ва ҳатто бедор каби сўз ва ҳаракат зоҳир бўлур. Чу-
нончи, кобусда машҳуддурки, ани турк истилоҳида уйқусирамоқ дер-
лар. Аммо ҳаракати ҳаётийя ҳаргиз йўқ бўлмас. Чунончи, дилни
ҳаракати ва ўпканинг танаффуси ва меъдани ҳаракати ҳазмийяси ва
буйракни ҳаракати нақлийяси ва жигарни ҳаракати ҳазмийя ва ҳар-
кати нақлийяси ва умуман баданнинг ҳаракати намувси каби ҳаёт
учун сазовор ҳаракатлар тўхтамаслар.

Аммо бедорлик уйқунинг тамом зидди ва хилофидур. Ва ани таъри-
фида атиббо шундоғ дебдурларки: «Ал-йақзату ҳолатун табииййатун
йастаъмили фиҳи-л-ҳайвон олот ул-ҳисси ва-л-ҳаракати инда инсибо-
би-р-руҳин нафсониййати фиҳо мувассирату», яъни бедорлик бир ҳола-
ти табиийядурки, бу ҳолатда руҳи нафсоний олоти ҳавосс ва ҳаракатга
нуфуз ва таъсир мавжуд бўлгон вақтда ҳайвон ҳам олоти ҳавосс ва
ҳаракатини истеъмол қилур, дебдурлар. Ва руҳи нафсонийяни нуфузи
ва таъсирини қайд қилмоқ шунинг учундурки, фолиж кишини бедорли-
ғига ҳам таъриф шомил бўлғай, чунки алар бедордурлар. Лекин олоти
ҳаракат бўлгон узларини истеъмол қилмоқдин ожиздурлар, чунки онча
руҳи нафсоний нуфуз қилмоғон ёки андак нуфузи бўлса ҳам таъсир
учун кофий бўлмоғондур ёки таъсирга кофий миқдорда бўлса ҳам оло-
ти мазкур таъсирга қобил бўлмоғондур. Чунончи, фолиж касалида му-
фассал баён қилурмиз, иншааллоҳу таъоло.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бу уйқу ила бедорликни инсон, балки
умумҳайвон учун заруратининг важҳи маълумдурки, ҳис ва ҳаракат-

нинг ва асбоби ухравийяни низоми ва умури дунёвийяни эҳтимоми ва усули маишатнинг мароми ҳаммаси бедорликга мавқуфдур. Бас, собитдурки, бедорлик ҳаёт учун зарурийдур. Лекин бедорликнинг давоми феъли нафсонийянинг боиси ташвиш ва беинтизоми ва руҳнинг сабаби таҳлил ва инъидоми ва баданнинг мўвжиби ҳалокат ва инҳидомидур. Бинобарин, уйқуға ҳам эҳтиёж зўрдур, токи бедорликни ҳаракат ва ҳарорати ила руҳни ажзосидин нақадар харж бўлгон бўлса, ани узвиға уйқуда яна руҳ ҳосил бўлуб, нуқсонни тўлғай.

Ва билмоқ керакки, атиббо бедорликни ҳаракатга ва уйқуни сукунга ўхшатгондурлар. Аммо бедорликни ҳаракатга ўхшатмоқ шунинг учундурки, ҳаракат баданни қизитар ва қуритар ва енгил қилур ва руҳни таҳлил берур. Ва ҳам руҳни зоҳири баданга мутаважжиҳ қилур ва бедорлик ҳам шул тариқа руҳни ва ҳарорати ғаризийяни қўзғатиш бирлан баданни қизитур ва қуритур.

Ва ғизони камайтирмоқ бирлан баданни таҳлил ва таҳфиф (енгил) қилур. Ва ҳарорати ғаризийяни хорижга чиқармоқда руҳни ҳам зоҳири баданга мутаважжиҳ қилур. Аммо уйқуни сукунга ўхшатмоқ шунинг учундурки, сукун руҳни сокин қилур ва баданда таҳлил кам бўлғони сабабидин баданни рутубатини зиёда қилур. Ва аёни, яъни баданнинг чарчоғонини зойил қилур, ғизони ҳазмига иёнат берур ва моддани пиширар ва моддани ҳаракатга кирғузмас. Ва инчунин, уйқу ҳам руҳни ва баданни сокин қилур. Ғизони кўброқ ҳазм қилғони учун баданга рутубатни зиёда қилур. Башарти иътидол ва бадандин меҳнат асарини зойил қилур. Ва ғизони ҳазмига ва моддани назжиға иёнат берур ва моддани ҳаракат кирғузмас. Шунинг учун ҳазмни фасод вақтида ва хилтни қўзғолон вақтида ҳаммадин яхши тадбир ухлатмоқ, деб атиббо қарор бергандурлар.

Аммо уйқу ила бедорликни тадбирини ва қандоқ уйқу яхшию қандоқ уйқу ёмонлигини ва қандоқ уйқу мўътадиллигини ва мўътадил уйқуда қандоқ фойда борлигини ва қандоқ одам учун фойда бермоғини «Тадбири навм ва яқза» (уйқу ва бедорлик) мабҳасида муфассил баён қилурман, иншааллоҳу таъоло.

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ ҲАРАКАТ ВА СУКУН БАЁНИДАДУР

Яъни, аҳволи бадани инсонни тағйир бергувчи асбоби ситтаи заруриййа (олти зарур нарса)ни тўртинчи қисми ҳаракат ва сукундур. Ва ҳаракати бадан омдурки, хоҳ тамоми бадан ҳаммаси жойидин кўзғолсун, хоҳ баъзи ажзоси баъзи жойдин кўзғолсун - ҳаммаси ҳаракатдур. Ва ҳаракат тўрт навъ бўлурки, ҳаракати айний ва ҳаракати вазъий ва ҳаракати камий ва ҳаракати кайфийдур. Ва ҳар бирини таърифини кўб фойда бирлан кўшуб, мабҳаси набз (томир боби)да муфассал баён қилурман, иншааллоҳу таъоло.

Алҳол инсоннинг ҳаракат ва сукун учун изтирор ва эҳтиёжини баён қилинур. Аммо ҳаракат учун инсонни ҳожати шулки, ҳарорати ғаризиййа доим баданга кирғон нимарсаға феъл ва таъсир қилмоқға машғулдур. Бас, агар ани феъли доимий бўлғони учун натижада ҳарорати ғаризиййаға чарчамоқ ориз бўлуб, фазлаларни таҳлилиға ожиз бўлмоғи лозим келур. Бас, агар ҳар кун андак-андак фазла таҳлил топмай зоид қолса, бир неча вақтдин сўнг кўб миқдор фазла жамъ бўлуб, ҳарорати ғаризиййа ғолиб бўлуб, ани совутар ва фано қилур. Ва шул сабаб ила ҳаёт мунқариз (ўлувчи) ва тамом бўлур. Бинобарин, инсонға ҳаракат зарурийдур. Токи, ҳаракат воситаси бирлан зиёда қолғон фазлани таҳлил бермоқда ва ҳаракатдин ҳодис бўлғон ҳароратни илҳоқ қилмоқда ҳарорати ғаризиййаға муъин бўлғай. Ва шунинг бирлан баданни ҳаёти маҳфуз бўлғай «Лианна ал-ҳараката мин шаъниҳо ат-тасхину»,¹ ҳаттоки Ибни Абу Содик алайҳир-рахма дедиларки, ҳамма ҳайвоннинг асли таъби мутаҳаррик махлуқ бўлғондур. Бас, ҳар ким ҳаракат учун махлуқ бўлғон бўлса ҳаракатдин тўхтаб, маътал қолмоқ маҳолдур. Бас, би-з-зот ҳаракатға муҳтождур. Аммо инсонни сукунға изтирор ва эҳтиёжи шунинг учундурки, ҳаракатни меҳнати ва риёзатидин баданға роҳат бермоқ учун зарурдур. Чунки агар ҳаракат доимий бўлса, баданнинг рутубати тамом таҳлил топиб, фоний бўлур. Балки, асло рутубат ҳосил бўлолмас. Ва шул сабаб бирлан ҳарорати ғаризиййа ҳам зойил бўлуб, ҳаёт мафқуд (йўқ) ва нобуд бўлур. Бинобарин, инсон сукунға ҳам муҳтождур. Ва ҳикмати Илоҳийнинг ажойибларидиндур-

¹ Чунки ҳаракат ҳарорат шаъни туфайлидур.

ки, асбоби заруриййани ҳар бири учун бир муҳааррик ва боиси табиий муқадар ва муқаррардурки, ани сабаби бирлан инсон аввало асбоби заруриййанинг иртиқобиға музтарр ва муҳтождур. Чунончи, очлик таом емоқға ва ташналик сув ичмоқға ва ҳоримоқ истироҳат ва уйқуға ва таом ва либос ва масканни маснуълиғи иктисоб ва ҳаракатга музтарр ва муҳтож қилур. Ва ала ҳоза-л-қиёс. Бас, агар шундоқ бўлмаса эди, зарурий ишларға путур етиб, ҳалокат ориз бўлур эди. Фа-таборакаллоҳу аҳсан ул-Холиқийн.

Аммо ҳаракат баданни иситар. Ва сукун баданни совутар. Ва жимӯ ҳаракати баданни куритар ва ҳарорати ғаризиййани камайтирар. Бас, натижада баданни совутар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳаракат даражаи эътибори бирлан олти навъ бўлур: қаттиқ ва бўш ва тез ва оҳиста ва кўб ва кам бўлур. Бас, қаттиқ ҳаракат, деб кўб куч бирлан воқеъ бўлгон ҳаракатни айтилар. Ва бўш ани зиддидур. Ва тез, деб андак фурсатда кўб миқдор воқеъ бўлгон ҳаракатни айтулар. Ва оҳиста ани зиддидур. Ва кўб, деб узоқ фурсат ичида кўб миқдор воқеъ бўлгон ҳаракатни айтулар. Ва кам ҳаракат ани зиддидур. Ва бу ҳар навъ ҳаракатни таъсири ва ҳукми бошқа-бошқаду. Ва инчунин, бу уч хил зидларни миёналарида уч хил мўътадил даража лозимдур.

Бас, ҳамма зидлар ва мўътадиллар мажмуъи тўққиз адад бўлур. Ва бир одамда бу ҳаракатларни бир-бириға тамом зид бўлғони жамъ келолмаслиғи ҳувайдодур. Аммо тамом зид бўлмоғон муғойирлари жамъ келмоғи ҳам мумкиндур. Бас, мазкур тўққиз навъдин қабули ижтимоъ қиладурган ҳайъати мураккаблари бирлан мажмуъи йигирма тўққиз навъ ҳосил бўлур. Ва инсондин содир бўлган ҳаракат ҳаммаси шул йигирма тўққиз навъдин холий эрмаски, шул жадвалда маълумдур:

Кўб ва зўр ва тез ҳаракат	Кўб ва зўр ва оҳишта ҳаракат	Кўб ва зўр ва мўътадил маром ҳаракат	Кўб ва заиф ва тез ҳаракат
Кўб ва заиф ва оҳишта ҳаракат	Кўб ва заиф ва мўътадил маром ҳаракат	Кўб ва тез ва мўътадил қувват ҳаракат	Кўб ва оҳишта ва мўътадил қувват ҳаракат
Кўб ва мўътадил маром ва мўътадил қувват ҳаракат	Зўр ва кам ва тез ҳаракат	Зўр ва кам ва оҳишта ҳаракат	Зўр ва кам ва мўътадил маром ҳаракат
Зўр ва тез ва мўътадил миқдор ҳаракат	Зўр ва оҳишта ва мўътадил миқдор ҳаракат	Заиф ва тез ва мўътадил миқдор ҳаракат	Заиф ва оҳишта ва мўътадил миқдор ҳаракат
Заиф ва кўб ва мўътадил маром ҳаракат	Заиф ва кам ва мўътадил маром ҳаракат	Заиф ва кам ва оҳишта ҳаракат	Заиф ва кам ва тез ҳаракат
Заиф мўътадил маром ва мўътадил миқдор ҳаракат	Кам ва мўътадил маром ва мўътадил қувват ҳаракат	Кам ва тез ва мўътадил қувват ҳаракат	Кам ва оҳишта ва мўътадил қувват ҳаракат
Тез ва кам ва мўътадил қувват ҳаракат	Тез ва мўътадил қувват ва мўътадил миқдор ҳаракат	Оҳишта ва мўътадил миқдор ва мўътадил қувват ҳаракат	Ҳамма навъда мўътадил ҳаракат
Кам ва заиф ва оҳишта ҳаракат	—	—	—
—	—	—	—

Билмоқ керакки, ҳаракат би-3-зот баданни иситар ва таҳлил берур. Аммо кўб ифротлик ҳаракат баданни совутмоғи аразийдур. Чунончи, баён қилинур. Лекин баъзи ҳаракатни иситмоғи таҳлилидин кўброқ ва баъзининг таҳлили иситмоғидин кўброқ бўлур. Аммо кўб ва зўр ва тез ҳаракат кўб иситар ва таҳлил берур. Ва таҳлилига назаран иситмоғи неча ҳисса зиёда бўлур. Аммо тез ва зўр, лекин кам миқдор ҳаракатни

иситмоғи таҳлилига нисбатан ғолиброқ бўлур. Аммо сушт ва заиф, лекин кўб ҳаракатни иситмоғидин таҳлили ғолиброқ бўлур. Зероки, ҳаракат зўр ва тез бўлса, андак замонда баданни кўб қизитар ва андак таҳлил ҳам берар ва кўб таҳлил беролмас, чунки таҳлил учун моддани суюлуб, бухорот ҳолига келмоғи шартдур. Ва бунинг учун кўб фурсат лозим бўлур. Ва андак фурсатда кўб бухорот муяссар бўлолмас. Аммо ҳаракат кўб ва зўр ва сушт бўлгонда кўб ва зўрлиги моддани суюлтирмоқ ва бухорот ҳосил қилмоқға боис бўлур. Ва суштиги кўб миқдор бухорот ҳосил бўлмоқ ва таҳлил топмоғиға ҳам фурсат ва имкон берур. Бинобарин, таҳлили ҳам иситмоғиға назаран қариброқ бўлур.

Аммо ҳаракат кам ва заиф ва сушт бўлса, ани иситмоғи камроқ, таҳлили кўброқ бўлур. Зероки, бу ҳолатда бадан қувватини аъзоға таважжуҳи ва иҳтикоки камроқ бўлур, чунки иситмоқни ғалабаси учун кўб ва шиддатлик иҳтикок лозимдур. Аммо ҳаддин зиёда ҳаракат баданни совутар, зероки, кўб ҳаракат рутубати ғаризийғани кўб таҳлил берур. Ва рутубатни таҳлили ила ҳарорат ҳам таҳлил топар. Аммо сукун албатта, баданни совутмоғи табиийдур. Зероки, сукун рутубатни таҳлил топмай йиғилиб қолмоғиға сабаб бўлур. Ва рутубатни йиғилиб кўпаймоғи ҳароратға ғолиб бўлуб, ани таскин берар. Ва ҳароратни мағлублиғи айни бурудат, яъни совуқдур. Лекин сукун ва беҳаракатлик таомни ҳазмиға ёрдам берур. Чунки маълумдурки, ҳазмни таъсири меъданинг жирмида бўлур. Бас, меъдаға тушган ғизони меъдаға тегиб тургон ажзосиға меъда аввалан таъсир қилур, сўнгра ани ёнидағи ажзоға таъсир қилур. Ҳатто батадриж ҳамма ғизоға таъсир қилур. Бас, агар ҳазм вақтида сукун бўлса, ҳазмнинг таъсири ҳамма ғизоға баробар ва текис етар. Ва агар ҳаракат содир бўлса, ғизо ҳам меъдада кўзғолиб, ҳаракат қилур ва ҳазм ноқис бўлур. Зероки, аъзони ҳамма ажзоси бири-бириға батадриж бадал бўлиб, меъдадин асар ололмай, бир-бириға қоришиб кетгони учун меъдани таъсири нотаомом бўлур. Ва шу сабабдин ҳазм ноқис бўлур. Магар енгил ҳаракатки, меъдани енгил чайқалишига сабаб бўлмас даражада бўлса, сукун ҳукмида ҳазмға зарар бермас. Балки бақадри ҳол ҳарорат пайдо қилиб, ҳарорати ғаризийғани ёрдами ила ҳазмға муъин ҳам бўлур.

Аммо ғизодин муқаддам ҳаракати мўтадил ҳазмни комил қилур ва қувваи ҳозимаға муқаввий (қувват берувчи)дур. Чунки ҳаракат меъдани иситиб, ҳарорати ғаризийғани кўзғатур. Ва аввалғи ҳазм

бўлгон ғизони меъдадин ичакка тушуруб, меъдани холий ва сўнгра ғизоға мутаважжиҳ қилур, чунки ғизонинг ҳазмидин сўнғи ҳаракат ул ғизони меъдадин мундафиъ бўлмоғиға иъонат берур. Ва ғизои мунҳазимаға қўшуб, бошқа фазлаларни ҳам ичакға туширар. Ва риёзат ҳам ҳаракат жумласидандур. Ва лекин ани алоҳида баён қилурмиз.

Аммо жимоъ (жинсий алоқа) ҳаракати баданни қуритар. Зероки, жимоъда жузви баданға қариб бўлгон маний нозил бўлур. Ва шунинг бирлан ҳарорати ғаризиййа нуқс (нуқсон) этар. Зероки, манийға қўшилиб, жавҳари руҳ ҳам чиқар. Бинобарин, баъд аз жимоъ заифлик ориз бўлур ва руҳни чиқмоғи олингон лаззатға биноан бўлур. Ва шунинг учун жимоъдин кўброқ лаззат олувчи одамнинг қуввати тезроқ зойил бўлуб, заифланур.

Ва маълумдурки, ҳар вақт руҳға нуқсон етса, баданға бурудат голиб бўлур. Бас, муқаррардурки, жимоъ баданни ҳам қуритар, ҳам совутар ва ҳам заиф қилур. Ва баҳарҳол жимоъни ифроти энг зарарли нимарсалардандур. Хусусан, мақруни инзол бўлса, зарарлироқ бўлур. Аммо мўътадил вақтда табиатға марғуб хотин бирлан табиат тақозосиға мувофиқ бемашаққат жимоъ воқеъ бўлса, балки руҳни тақвиййатиға ва ҳарорати ғаризиййани қўзғалишиға ва баданни мўътадил исимоғиға боис бўлур. Хусусан, қони кўб бўлгон ёш йигитларни кўб касалдин эмин бўлмоқлариға сабаб бўлурки, бу хил жимоъ заруриётидин ҳисобланур. Ва зарарлик эрмас. Ва зарарлик жимоъ беҳожат ва кўб машаққатли ва кўб инзол (кўп уруғ оқиш)лик бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, жимоъни тадбирида байн ал-ҳукамо (ҳақимлар орасида) ихтилоф бордур. Чунончи, ҳукамои қудамо наздларида жимоъни муносиброқ вақти шулки, ғизони биринчи ва иккинчи ҳазми тамом бўлиб, меъдадин ўтган вақтидур. Аммо Шайх ур-ранс ва бошқа муҳаққиқлар дерларки, бул қавлға эътиқод қилмаслик лозимдур, чунки бул вақт очлик ва меъданинг холилик вақтидур. Ва очликдаги жимоъ бағоят зарарлиқдур. Бас, жимоъ учун яхши вақт шулки, ғизо ҳазм бўлгон, лекин ҳануз меъдадин ўтмагон вақтидур, дерлар. Лекин ҳар кимни қувваи ҳозимаси баробар бўлмай, баъзи одамни қувваи ҳозимаси тезроқ ва баъзиники кечроқ ҳазм қилғони учун ҳаммаға баробар вақти куллиййа (умумий вақт) собит бўлмас. Бинобарин, бир соати муаййана бирлан таъйин қилмоқдин маъзур (узрли)дурман.

Магар аксар мизожни эътибориға назаран ғизони тановулиға энг ками уч соат ўтғунча жимоъға шуруъ қилмаслик лозимдур. Ҳатто

ки, то шул вақтгача мубошарат ўрини ҳам солинмаслиғи лозимдур. Чунки жимоеъни безарар вақтига аломат шулки, мужомаъат (жимоеъ)га иштаҳа чин ва содиқ бўлур. Ва авъийайи маний (уруғ идиши) тўла бўлур ва баданни қуввати бақувват ва саломат бўлур ва олат ҳам беҳаёл ва бемулоабат ва беламс худ бахуд мунташир ва қойим бўлур. Аммо агар вақти мазкурдин бурун ўрин солинса, муломасат (бир-бирига тегиниш) сабаби ила ҳосил бўлгон иқтидор ва рағбат эътибордин соқитдур. Ва ҳақиқий иқтидор бўлмас ва жимоеъ учун ҳавони мўтадил вақтида шуруъ қилмоқ керак. Ва идхол (қўшпилиш)дин муқаддам масс ва ийсол ва мулоъабани лозим билмоқ керак. Ва хотунни эмчагини молиш қилмоқ ва олатни қабл аз идхол мадхалга, яъни маҳалли махсусийни даҳлизига еткузуб турмоқни лозим билмоқ керак. То хотунни шаҳвати ҳам ғалаба қилғай, сўнгра идхол қилғай (қўшилғай). Ва илло хотундин инзол (оқиш) воқеъ бўлмай, жимоеъдин мақсуди аслий бўлгон таносул мумкин бўлмас. Ҳам хотунга лаззат кофий бўлмоғони учун маъюслик натижасида заволи муҳаббат ва ҳудуси мухосамат (душманлик) пайдо бўлмоғи мумкиндур. Ҳатто маъюслик баъзи касалларга боис бўлмоғи ҳам мумкиндур. Ва хотуннинг шаҳвати ғалаба қилғонига аломат шулки, кўзида қизиллик ва нотабийй бир тартиби ҳаракат пайдо бўлур, ҳатто оёғи бирлан сиқиб, ўз тарафига эрни тортган каби ҳаракат содир бўлур, шул вақтда идхол қилмоқ (қўшилмоқ) керак. Ва ҳаракатда ҳам идхолни (киритишни) тезроқ ва ихрожни (чиқаришни) мулойимроқ ва батадриж қилмоқ керак. Ва маний инзол учун кўзғолса, зинҳор ҳаракатдин тўхтаб ёки бошқа сабаб бирлан инзолни (оқизишни) танг қилмаслик лозимдурки, бағоят зарарлиқдур.

Ва атиббои муҳаққақийн наздларида кўб илҳоҳ ва кўб ҳаракат бирлан бўлган жимоеъ кўб зарарлиқдурки, охири боҳни (жинсий қувватни) заиф ва танни нотавон қилур. Ва инчунин, ҳайз кўрган хотунни жимоеъ қилмоқ ва ноболиға қизни жимоеъ қилмоқ ва кўб вақтдин бери мужомаъатдин холий турғон хотинни жимоеъ қилмоқ ва кўб бокирани жимоеъ қилмоқ ҳаммаси зарардур. Аммо ўзи ҳам иштаҳаи тамом ҳосил қилгон ва ҳам ҳусни ва ҳам хулқи ила ўзиға жалб қиладирган бокираики, гоҳи баъзи одамға муяссар бўлуб, унда ҳукми иксир бордурки, аҳли тажрибаларға маълумдур. Ва зарарлик эрмас, ҳатто ўзи мубаҳҳий (уйғотувчи)дур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, мизожи иссиқ ва ҳўл бўлгон одам жимоъ учун бақувват бўлур. Ва жимоъдин зарар ҳам камроқ бўлур. Ва мизожи иссиқ ва қуруқ бўлгон одам ҳам жимоъ учун бақувват бўлур. Лекин қуруқликни асари анга тезроқ зоҳир бўлуб, баданига ариғлик ва кўзиға чуқурлик пайдо бўлур. Аммо мизожи совуқ ва ҳўл ва ё совуқ ва қуруқ одам жимоъ учун заиф бўлур. Ва анга жимоъни зарари тезроқ зоҳир бўлур. Аммо ғизони ҳазми ноқис ва меъдаси қайнаган киши ва зўр истифроғ қилгон, яъни кўб қай қилгон ёки кўб исх ол воқеъ бўлгон ёки кўб қон олдиргон киши ёки кўб уйқудин қолгон ёки риёзат тортгон ёки чарчагон ёки озор чекиб тургон кишиларға ёки кўб ташвишлик ёки кўб ғамгинлик ҳолда бўлгон кишиларға жимоъ қилмоқ ҳаргиз дуруст эрмас. Зероки, бу ҳоллар ҳаммаси бадандин рутубати табииййани таҳлил қилурлар. Бас, анга жимоъ ҳам қўшулса, таҳлилни кўплиғидан ғаший ва бехудлик ориз бўлмоқни хавфи бордур. Лоақал жимоъни зарари тез зоҳир бўлуб, баданда заифлик ориз бўлур.

Ва инчунин, мастлик ва хуморлик вақтида ҳам жимоъ раво эрмас ва ҳам ғоят иссиқ вақтда ва ҳам бағоят совуқ вақтда жимоъ учун фурсат муяссар бўлса ҳам, андин эҳтироз вожибдур. Ва инчунин, одамийки, қуруқ мизожлик бўлса ёки ани дилида ва ё меъдасида ва ё ичағида ва ё кўзида ва ё пайларида заифлик бўлса, андоқ киши ҳам жимоъ учун камроқ ружуъ қилмоғи вожибдур. Токи, ҳарорати ғаризийясини кўброқ таҳлили ила баданға совуқ кўброқ ғалаба қилиб, мазкур касалларни зиёда бўлмоғидин эмин бўлғай.

Ва жимоъдин сўнг совуқ сув ва ё совуқ нимарса ичмоқ ҳам раво эрмас. Зероки, аззоға сустлик ёки раъша, яъни титроқ касали ёки истисқо касали ихдос қилур. Ва инчунин, жимоъ вақтида бош оғриғи ёки бел оғриғи пайдо бўлса ёки баданға ларза ва титроқ пайдо бўлса ёки андомларни биридин бадбўйлик пайдо бўлса, булар ҳаммаси ахлоти фосидани йиғилғониға аломатдур. Бас, бул вақтда жимоъдин эҳтироз қилиб туриб, ул баданни ахлоти фосидадин танқия қилмоқ лозимдур.

Ва жимоъдин сўнг совуқ сувға ғусл қилмоқ ҳам нораводур ва ҳам совуқ ҳаводин сақланмоқ лозимдур. Ва заиф кишилар учун бир неча луқма ёғлик ёки ширинлик нимарсадин тановул қилмоқ керак. Токи жимоъдин ҳодис бўладурган зарар ва заифликдин эмин бўлғайки, ёғ ва ши-

ринлик жимоъни зарариға муслиҳдур. Ва инчунин, доимий сигирнинг сутидин ичиб турмоқ ҳам қувватнинг бақосига боисдур. Ва инчунин, баданни, хусусан оёқни тагини хушбўй ёғлар бирлан ёғлаб турмоқ ҳам қувватни муҳофазат қилур. Ва ҳарорати ғаризийа ва боқни кучайтирар. Ва инчунин, нахудни (нўхотни) кечаси бир миқдор илиқ сувға ивитиб қўйиб, субҳда ани пўстини муқашшар қилиб, пўстини тушириб, қуввати ҳозимасига лойиқ миқдорда нахуддин тановул қилмоқ ва сувини ҳам ё қанд ва асал қўшуб ичмоқ ҳатто мардликдин қолиб, маъюс бўлгон кишини яна мардлик ҳолиға иъода (қайтувчи) қилур. Ва қариларни ҳам қуввати боқлариға мадад берур. Ва адвиййани муфрада (ёлғиз дори)лардин ҳеч бирини манфаъати нахудни манфаъатиға етолмас ва мужарраб (синналган)дур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, жимоъ вақтида энг яхши шакл шулки, хотун мулойим ёстуқ узра орқасини қўйуб, осмонға қараб ётгай. Ва эркак ани устида бўлғой, токи инзол (оқиш)да эркакни манийси раҳмға осонроқ етар ва бошқа фоидалари ҳам кўбдур. Аммо бошқа тариқа ва бошқа шаклда бўлгон жимоъ ҳаммаси зарарлиқдурки, ани теъдоди (саноғи) ҳам маҳол даражададур.

Ва билмоқ керакки, хотуннинг орқа тарафиға лаввота (орқа тешикка қўшилиш) шаръан ҳаром ва манҳий анҳудур. Ва инчунин, ҳикматда ҳам зарарлик дебдурлар. Ва тажрибада билгон эмишларки, ҳар ким хотуни ёки чўрисини лаввота қилса, хусусан лаввотаси ҳомила вақтида бўлса, ғолибан туғилгон бола иллоти машойихға мубтало бўлур демишлар. Ал-ийазу биллоҳи (Аллоҳ асрасин).

Ва билмоқ керакки, марғубларни сиҳҳати ва балоғатга етган нозу ишвалик маҳбубаларни мужомаъати мубошарат ишиға қувватни зиёда қилмоқда беадил (тенгсиз). Бо вужуди манийни қўб сарф бўлмоғи зарардин холи бўлмас. Ва камроқ бўлса ҳам баданға заифлик ориз бўлур. Бас, сиҳҳатликка толиб бўлгон оқил кишиға энг яхши сабоқ шулки, мумкин қадар бу ишдин ўзини сақлағай. Ва ҳар қандоқ бақувват одам ҳам ақалли уч кун тўлмоғунча бу ишға шуруъ қилмағай. Зероки, атиббо ҳар истифроғи манийнинг миёнасида бақувват кишилар учун ақалли уч кун муҳлатни лозим билгондурлар. Ва камқувватлар учун батариқан авло эҳтироз вожибдур. Ва ҳар вақт бу амални кўблигиндин баданға заифлик пайдо бўлса, шул ондин бошлаб қатъийан тар-

ки жимоъ вожибдур. Ва дилни тафриҳи ва баданга рутубати табииййани тавдиъа (қайтиши) ва аъзога тақвиййат (куч бериш) учун чорага машғул бўлмоқ лозимдур. Токи, бундин зўрроқ офатга анжом топмагай.

БЕШИНЧИ ҚИСМ ИСТИФРОҒ (ЧИҚАРМОҚ) ВА ИҲТИБОС (САҚЛАМОҚ) БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, тағаййури бадан инсонга сабаб бўлгон асбоби ситтаи заруриййани бешинчи қисми истифроғ ва ихтибосдур, яъни баданда бўлгон нимарсани чиқармоқ ва баданда сақламоқ баёнидадур.

Ва билмоқ керакки, баданни бақоси беғизо маҳолдур. Ва инчунин, ғизони ҳамма вужуди жавҳари узв бўлмоғи ҳам маҳолдур. Ва ҳар ҳазмда бир миқдор фазла боқий қолмоғи би-з-зарур маълум ва табиийдур. Бас, мазкур фазла баданда қолса, фосид бўлур. Ва анга бориб қўшилгон ғизони ҳам фосид қилур. Ва охир натижада ҳалок қилур. Бинобарин, ани ихрожи учун ифтиқор (эҳтиёж) ва ҳожат собитдур. Ва инчунин, бадан ҳам доим таҳлил топмоқда ва таҳлилни бадалига қойим мақом бўлиб, анга жавҳари ғизо етишмоқдадур. Лекин таҳлили бадан доимий ва бетаваққуф (тўхтовсиз)дур. Аммо ани бадали учун доимий ва бетаваққуф ғизони тановули мумкин эрмас. Бас, би-з-зарур аъзода жавҳари ғизони ҳам бутун таҳлил ва фанодин сақлаб турмоқга инсон ҳожатманддур. Бас, собит бўлдики, инсон ҳам истифроғ ва ҳам ихтибос учун муҳтождур. Шунинг учун Ҳақими Мутлақ истифроғ ва ихтибос асбоби бўлгон аъзони хилқати инсонийга вадиъиат (омонат) қўйгондур. Ва ани таҳсили учун қуввате муқаррар қилгондурки, қуввати мосика (тутувчи қувват) ва қуввати дофиъа (ҳайдовчи қувват) исми ила мавсум (номланган)дурки, ҳар бири ўз ишига масъулдур. Ва агар табиатнинг феълига андак футур ва қусур ориз бўлса, они иънати (кўмаги) учун хорижда неча хил доруи мусҳил (сурги дори) ва ҳобис (ични боғловчи)лар халқ қилгондурлар. Фа-ниъма-л-Ҳақим ул-Алийм.

Аммо ихтибос саккиз хил сабабдин холи бўлмас. Чунончи, ё қуввати мосиканинг зўрлигинин бўлур ва, маълумдурки, қуввати мосика бақувват бўлса, фазла (чиқинди)ларни мундафиъ бўлмоқга қўймас ва имсоқ қилиб (ушлаб) турар. Бас, фазла мағлуб ва муҳтабис бўлур ёки

қуввати ҳозима ва дофиъани заифлиғидин бўлур. Ва махфий эмасдурки, агар қуввати ҳозима заиф бўлса, ғизони кеч ҳазм қилур ва ғизо то замоне меъдада муҳтабис (қамалган) бўлуб турар. Зероки, ғизони мундафиъ бўлмоғи ҳазмға мавқуф (боғлиқ)дур, башарти қуввати дофиъани сабаби бирлан ҳаракатға кирмаса. Аммо қуввати дофиъани заифлиғи бадиҳий (равшан)дурки, то агар дофиъа дафъ қилмаса, ғизо ўзича мундафиъ бўлмас ва муҳтабис турар ёки мажрони танглиғидин бўлур. Лекин бул сувратда моддани танглиғи мундафиъ бўлуб турар, магар йўлнинг танглиғидин қуйуқ модда ўтолмай муҳтабис қолур. Ёки йўлни баландлиғидин ва ё моддани қуйуғлиғидин бўлур. Ва бул икки сувратда ҳам фазла осонлик ила мундафиъ бўлолмас ва ночор муҳтабис қолур ёки моддани кўблиғидин бўлур.

Ва маълумдурки, агар модда кўб миқдорда бўлса, қуввати дофиъани дафъиға дофиъ бўлолмас. Ва модда муҳтабис қолур ёки моддани лузужати ва ширадорлиғидин бўлур. Ва зоҳирдурки, ширадор модда ўз мақомиға ёпишуб турар ва тез мундафиъ бўлмай, муҳтабис қолур. Ёки дафъи лозим бўлгон фазлани борлиғидин огоҳ бўлғувчи қуввати ҳассосани мафқуд (йўқ)лиғидин бўлур. Чунончи, жигардаги ўт бирлан ичакни миёнасида воқеъ бўлгон мажро, яъни йўл банд бўлур. Ва сафро ичакка қуйилмас ва ичакдаги қуввати дофиъани огоҳ қилмас. Бинобарин, қуввати дофиъани дафъиға таважжуҳ қилмас. Бас, фазла мундафиъ бўлмай, муҳтабис қолур. Ва одамий дафъи буроз (ахлат дафъи) учун қодир бўлолмас. Ва қўланжи ярақоний ориз бўлур ёки табиат фазлани дафъидин бошқа аҳамиятлик ишга машғул бўлур. Ва фазлани дафъиға илтифот қилмас, чунончи, мисоли бўҳрон вақтида бавл (сийдик) ва буроз (ахлат)ни ихтибоси (чиқмай қолиши)дур. Чунки бўҳронда касални шиддатидин табиатға энг аҳамиятлик вазифаси касални дафъиға таважжуҳ ва муқовамат бўлиб, бошқа нимарсаға илтифот қилмас. Бас, ночор фазла муҳтабис қолур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, истифроғи (чиқарилиши) лозим бўлгон нимарсани баданда муҳтабис бўлиб (қамалиб) қолмоғидин кўб офатлар пайдо бўлур. Хоҳ ул офат мараз ут-таркибдин бўлсин, чунончи, истирхо (бўшашиш) ва ташаннужи ратб (томир тортишуви) каби ва хоҳ амрози мизожийдин бўлсин, чунончи, уфунати хилт ва ихтиқон (ҳуқна) ва интифойи ҳарорат (ҳарорат сусайиши) каби. Хоҳ амрози

муштаракдин бўлсин, чунончи, бош оғруғи ва сайлони маний (уруғ оқиши) каби. Аммо истифроғни сабаблари ихтибосда мазкур бўлгон сабабларни зиддидин бўлур. Ва такроран баёни ҳожат эрмас. Ва истифроғни ифрот (ортиқ) даражаси баданни қуритар, зероки, ахлот ҳўл жисмлардин иборатдур. Ва рутубатни ифрот даражадаги ихрожи (чиқиши) жавҳари аёзони қуримоғиға боисдур. Ва ҳаракатнинг моддаси рутубатдур. Бинобарин, рутубатни ифрот даражада истифроғидин ҳарорат камайуб, баданға совуқ ғалаба қилур. Аммо агар истифроғ ифрот даражада бўлмаса, балғам моддаси бўлгон рутубатни истифроғи, балки баданни иситар, чунки балғамни камаймоғи қон ва сафрони ғалабасиға сабаб бўлур. Ва инчунин, агар мустафриғ бўлгон (чиққан) модда савдо бўлса ва истифроғ ифротлик бўлмаса, савдони камаймоғи баданни мартуб ва ҳўл бўлмоғиға боис бўлур, би-л-араз. Зероки, маълумдурки, бир зидни йўқолмоғи иккинчи зидни истило ва ғалабасиға сабаб бўлур. Масалан, савдони мизожи совуқ ва қуруқдур. Бас, ани камаймоғи ўзини зидди бўлгон иссиқ ва ҳўл мизожлик қонни ғалабасиға боис бўлур. Ва инчунин, ихтибоси муфрит (кўп сақланиш) кўб офатларға сабаб бўлур, чунончи, зикр қилинди. Аммо ихтибос ва истифроғики, мўътадил бўлса ва ҳожат вақтида воқеъ бўлса, хоҳ таъъан бўлсин, чунончи, қувваи мосика ва қувваи дофиъани феъли ила бўлсин, хоҳ ихтиёран бўлсин, чунончи, давоий мусҳил ва давоий қобиз (ични боғловчи даво)ни таъсири ила бўлсинки, нофиъдур. Ва баданни офатдин маҳфуз (омон) қилур. Ва истифроғни анвоъи кўбдур, жумладин бири жимоъ эрди. Ани ҳаракат ва сукун баҳсининг охирида зикр қилинди. Ва боқий анвоъини фасд (томирдан қон олиш) ва ҳижомат (қортиқ билан қон олиш) мабҳаси (боби)да баён қилурман, иншааллоҳу таъоло.

ОЛТИНЧИ ҚИСМИ АҚСОМИ СИТТАИ ЗАРУРИЙИЯ

Яъни, бадан аҳволини тағайири (ўзгариши)га боис бўладурғон асбоб (сабаблар)ни олтинчи қисми аворизи нафсонийдур, яъни нафсга ориз бўладурган кайфиятлардур. Ва юқорида мазкур бўлғондурки, асли инсон нафсдур ва бадани инсон ани маҳалли тасарруфидур. Бас, гўё нафс баманзалаи ҳокимдур ва бадан ани мамлакатидур. Ва маълумдурки, ҳоким доим ўз мамлакатини ободони ва бошқа манофиъи (фойдалари) учун мутаважжиҳ бўлур ва баъзи ориз бўлғувчи касалларга ҳадд алимон монёъ ва дофиъ ва ҳофиз бўлур. Инчунин, нафс ҳам ўзини маъқеъи ва маҳалли бўлғон баданни манфаъатини ризо ва рағбат бирлан қабул қилур. Ва зарарни муқовамат ва нафрат бирлан мудофаа қилур. Бас, ҳодис бўлғон нимарса ҳавосси зоҳирий ё ботиний воситаси бирлан нафсга маҳсус бўлғондин сўнг нафсга рағбат кайфияти ёки нафрат кайфияти ориз бўлурки, бу кайфият аҳволи баданни тағйир берур. Ва ориз бўлғон кайфиётни мажозан ҳаракоти нафсоний дерлар. Зероки, нафснинг ҳаракати демакдин қувватларни ҳаракати мурод бўлур. Ва қувват ҳам ўзича ҳаракат қилолмас. Балки руҳни воситаси бирлан ҳаракат қилурки, руҳ қувватларни ҳомилидур. Ва руҳни ҳомиллиғи ҳам ўзича мумкин эрмас, балки руҳни ҳам маҳалли мақсуд тарафга тортиб борғувчи бир жозибга муҳтождур. Ва руҳни жозибни покиза ва тоза сууқ қондур. Бинобариндурки, руҳ баданнинг қаю тарафиға ҳаракат қилса, қон шул тарафиға ҳаракат қилур. Чунончи, ғазаб ва фараҳ (шодлик) вақтида юзни қизармоғи ва хавф ва хижлат вақтида юзни сариг бўлмоғи шунга далилдур.

Ва нафсга ориз бўладурғон кайфиёт олти қисмдурки, ғазаб ва фараҳ (шодлик) ва фазаъ ва ғам ва ҳамм ва хижлдур. Ва ҳар бирини маъносини тездин баён қилурмиз.

Ва ҳамма аворизи нафсонийда ҳам руҳни ҳаракати лозимдур, хоҳ рағбатлик ва хоҳ нафратлик бўлсин. Ва нафснинг ҳаракатиға сабаб шулки, нафсга ориз бўлғон ҳаводисдин албатта, бир инфийол ва таъсир ориз бўлурки, ул таъсир ё мулойим, ё борағбат бўлур ёки мунофир (нафратли) ва боиси ижтиноб (қочиш сабаби) бўлур ёки мулойим ва мунофир ҳар иккиси ориз бўлур, яъни қуввати мудрикаға хос бўлғон гидроки комил нафсда ҳосил бўлурки, бу маҳсус нимарса мулойим ва

мувофиқдур ёки мунофий ва мунофирдур. Бас, агар ул кайфият мулоийм ва марғуб бўлса, анга тезроқ етишмоқ учун нафс хориж тарафга ҳаракат қилур. Зероки, муҳаббат ва рағбат тақозосини ғояти маҳбубиға восил бўлмоқдур. Чунончи, аворизи муфарриҳада машҳуддур. Ва агар ориз нимарса мунофир бўлса, лекин ани дафъиға нафс қодир бўлса ҳам, нафс хориж тарафга ҳаракат қилур, токи анга қарши муқовамат қилгай. Зероки, муқоваматнинг ғояти ҳам йўлни тўсиб, қаршу чиқмоқдур. Чунончи, аворизи муғаззабада (ғазабда) машҳуддур. Ва агар муқоваматға нафс қодир бўлмаса, ночор нафс ўзини халоси ва озор топмаслиғи учун муҳолиф тарафга, яъни ботини баданға қочиб ҳаракат қилур. Чунончи, аворизи муфзиға (қўрқинч)да машҳуд (маълум)дур. Ва агар ориз нимарсада ҳам мулоиймлиқ ва ҳам мунофир (нафратли)лик сифати жамъ келгон бўлса, нафс бир дафъа оҳиста ва андак-андак дохил тарафга мунофирдин қочиб, ҳаракат қилур. Лекин ақл ул мунофирни ҳақир кўрсатиб, нафсға тасалли беруб, журъатға таклиф қилмоғи ила иккинчи дафъа хориж тарафга суръат бирлан муқоваматға ҳаракат қилур. Чунончи, аворизи муҳажжила (хижолатлик)да машҳуддур. Бас, гўё хижл фазаъ (қўрқинч) ила фараҳдин мураккабдур.

Баҳарҳол, ҳаракати нафсға ҳаракати руҳ албатта, лозим ва инчунин нафсни сукуниға руҳни сукуни лозимдур. Ва руҳдин мурод бу мақомда руҳи ҳайвонийдурки, мабдаъи дилдур. Зероки, аворизи нафсоний вақтида руҳи ҳайвоний ҳаракат қилур. Шунинг учун истилоҳи атиббода ҳаракати нафсонийни қуввати ҳайвонийиға изофа (қўшиш) бирлан зикр қилурлар. Ва илло ҳаракати нафсонийиани мабдаъи қуввати нафсонийиалиғи шубҳасиздур.

Ва аворизи нафсонийининг руҳи ҳайвонийиға ҳаракатиға боислиғи шул тариқададурки, хоҳ мулоийм ва хоҳ мунофир авориз агар нафсға ориз бўлса, нафс ани дилға хабар берур. Яъни ориз нимарса хусусида дилға таскин ва итминон ҳосил қилур. Бас, агар нафсға ориз бўлгон нимарса мунофир ва ёмон бўлса, андин нафрат учун дил мунқабиз (сиқилган) бўлур. Ва агар нафсға ориз бўлгон нимарса мулоийм ва марғуб бўлса, анга рағбат учун ёзилур. Ва қуввати ҳайвонийиға ила ҳаракати ғаризийиани маъдани дилдур. Бинобарин, агар дил мунқабиз бўлса, қуввати ҳайвонийиға ва ҳарорати ғаризийиға ҳам мунқабиз бўлиб сиқилур. Ва агар дил мунбасит (шод)

бўлиб ёзилса, қуввати ҳайвонийи ва ҳаракати ғаризийи ҳам ёзилур. Ва қуввати ҳаракати инқибозий (сиқилиш) ва инбисотий (ёзилиш)га руҳ ҳаракат қилур, чунки қувватни ҳомили (кўтариб юрувчиси)дур. Ва руҳни ҳомили ҳам қон бўлғони учун таъбан қон ҳам ҳаракат қилур. Ва ҳам ҳаракат бирлан таҳлил топқон руҳни бадалига қон янги руҳни етиштирмоқ вазифасини адо қилмоқ учун руҳ бирлан ҳамроҳ бўлуб юрар. Аммо ҳаракати нафсонийиға эҳтиёжни сабаби шулки, баданни ва маишатни умури зарурийиалари албатта, ҳаракати нафсонийиға вобастадур. Зероки, зарурийиоти баданийиани таҳсилига умури нафсоний боисдур. Ва ҳам ҳаракати баданийи аз жумлаи зарурийиотлиги собитдур. Чунончи, ҳаракат ва сукун мабҳасида мазкур бўлди.

Бас, бу ҳаракатни вужудиға аворизи нафсоний боисдур. Чунки бу авориз руҳни ҳаракотини лозим тутар. Ва мисоли шаҳват ва ғазабдур. Масалан, бас, бу авориз ҳам умури зарурийининг вужудиға боис бўлғони учун ўзини ҳам аз жумлаи зарурийиалиги собитдур. Аммо сукуни нафсонийиға эҳтиёжни сабаби шулки, руҳ ғоятда латиф ва иссиғликдин ани таҳаллули (эриши) ва фаноси (йўқ бўлиши) осондур. Бас, агар доим ҳаракат қилса эди, андак замонда ҳаммаси таҳлил топуб, фоний ва ҳалок бўлур эди. Бас, маълум бўлдики, сукуни нафсонийиға ҳам ҳожат зўқдур, токи ҳаракат вақтида фано бўлгон руҳни нуқсонига бадал учун сукун вақтида янги руҳ пайдо бўлғай.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳаракоти нафсоний хусусида агарчи шул қадар тақрир ҳамма мақсудга шомил (ўз ичига олувчи) бўлса ҳам, лекин мафҳуми (тушунилиши) ғоят даражада ғомиз (қийин)дур. Бинобарин, баъзи қорин (ўқувчи)ға мастур (пинҳон) қолмай, зиёда осон фаҳм бўлмоғи учун гарчи татаввули калом (сўз узун) бўлса ҳам, яна муфассалроқ баён қилмоқ фондадин холи бўлмас.

Махфий қолмасунки, руҳи ҳайвоний ва ҳарорати ғаризийининг ҳаракати икки эҳтимолдин холи эрмаски, гоҳ хорижи бадан тарафга ҳаракат қилур ва ё доҳили бадан тарафга ҳаракат қилур. Ва яна ҳар икки сувратда ҳам, ё дафъатан ҳаракат қилур ёки андак батадриж ҳаракат қилур. Бас, нафсга таъсир қилгон авориз руҳ ила ҳарорати ғаризийиани хорижи бадан тарафга дафъатан ҳаракатиға сабаб бўлса, ул оризани номини ғазаб ёки хижл (хижолатлик) ёки фараҳ (шодлик) дерлар. Чунки ул ориза мулоим ва нафс учун марғуб бўлса, нафс анга

шавқ бирлан ҳаракат қилур ва руҳ ва ҳарорат ҳам инчуниндур. Бас, ани номи фараҳ, яъни хурсандликдур. Ва агар ул ориза нафс учун мухолиф ва номарғуб бўлса, нафс ани дафъиға муқовамат (қаршилиқ) учун хорижи баданға дафъатан ҳаракат қилур, бас, бу оризани номи ғазабдур. Ва агар руҳ ва ҳарорати ғаризиййани хорижи баданға батадриж ҳаракатиға сабаб бўлса, ул оризани номини лаззат дерлар. Ва агар нафсға ориз бўлгон кайфиййат номарғуб бўлса ва ани дафъиға нафс қодир ва хавфнок бўлса, ани дафъиға нафс дафъатан бир дафъа хорижи баданға ва бир дафъа оризадин нафрат учун ботини бадан тарафға ҳаракат ила изтироблик бўлса, бу оризанинг номи хижлур. Ва агар ул ориза руҳ ва ҳароратни дохили бадан тарафға дафъатан ҳаракатиға сабаб бўлса, ул оризани номини арабда хавф ва туркийда қўрқинч дерлар. Ва агар батадриж ва оҳиста ҳаракатиға сабаб бўлса, ани номини арабда ҳузн, туркийда ғам ва қайғу дерлар. Лекин ғам асли арабий луғат бўлуб, турк истилоҳида кўб мустаъмал (истеъмолда)дур.

Ва агар ул оризани номарғуб руҳни ва ҳаркати ғаризиййани бир марра хорижи баданға ва бир марра ботини баданға ҳаракатиға боис бўлса, ул оризани номини ғазаб маъа-л-хавф (хавф билан бирга бўлган ғазаб) дерлар. Ва муфассал баён қилинурки, агар нафсға мутааллиқ бўлгон кайфиййати ориза мулоийм ва марғуб ва бақувват бўлса, мисоли фараҳи муфрит (ортиқча шодлик)дур. Ва агар номулоийм ва мунофир ва бақувват бўлса, лекин анга муқовамат учун нафс қодир бўлса, мисоли ғазоби муфрит (ортиқча ғазаб)дурки, бу икки сувратда руҳ хорижи бадан тарафға дафъатан ҳаракат қилур. Ва агар нафсға мутааллиқ бўлгон кайфиййат мулоийм ва камқувват бўлса, чунончи, фараҳи ғайри муфрит (ортиқча бўлмаган шодлик) ва лаззати ғайри муфрит каби, бул сувратда руҳ хорижи бадан тарафға батадриж ҳаракат қилур. Ва фараҳ ила лаззатни ғайри муфрит, демакдин мурод бу мавридда мўътадил демоқдур ва тафрит мурод эрмас. Чунки тафрит ва кам миқдор фараҳ ва лаззат эътибарғалойиқ эрмас.

Ва нафсға мутааллиқ бўлгон кайфият номулоийм ва зўр манфурун анҳу (нафратли) бўлса ва ани дафъи учун муқоваматға нафс қодир бўлмаса, чунончи, фазаъи муфрит (ортиқча қўрқув)да руҳ ботини бадан тарафға дафъатан ҳаракат қилур. Чунки имкони муқоваматдин маъюсдур ва фазаъи муфритға фараҳ мураккаб бўлмас. Чунки хижл каби фараҳ ва фазаъ мураккаб бўлса, ул сувратда ботини баданға руҳ дафъатан ҳаракат қилмас, чунончи, хижлда машҳуддур.

Ва агар нафсга мутааллиқ бўлгон кайфият манфурун анҳу заиф бўлса, чунончи, гамда руҳ ботини баданга батадриж ҳаракат қилур. Зероки, манфурун анҳунинг вуқуъи мутаҳаққиқ бўлгондур. Ва андин бошқа бир нимарса воқеъ бўлмай хавфи йўқдур. Ва воқеъ бўлуб қолмогон манфурни дафъи учун муқоваматдин ҳам умид кесилгондур. Бинобарин, ботин тарафга ҳаракатида шитоб ҳам қилмас. Ва зоҳир тарафга ҳаракатни ихтиёр ҳам қилмас. Ва мисоли вафот қилгон киши учун афсусдур. Ва вафотдин қаттиқроқ кулфатни эҳтимоли ҳам йўқдур. Ва мутаваффо (ўлган) яна тирилмоқ умиди ҳам йўқдур. Ва агар нафсга мутааллиқ бўлгон кайфиййат мулойим ва мунофирдин мураккаб бўлсаки, хавф ва ражо (умид)га мутазаммин бўлса, чунончи, ҳамм (андух)да бул сувратда ҳарорати ғаризиййа бир вақтда ҳам зоҳири бадан тарафга, ҳам ботини бадан тарафга ҳаракат қилур. Бас, ҳамм (андух) ва фараҳ (шодлик) ила фазаъ (қўрқув)дин мураккаб (иборат)дур. Магар ҳамм ила хижлини фарқи шулки, ҳамм фараҳ ила фазаъдин мураккаб бўлса ҳам, лекин фараҳдин фазаъ ғолиб бўлур. Бинобарин, нафсни ва руҳни ҳам умидидин нафрати ғолиб бўлуб, хориж тарафга ҳаракати ҳам сустроқ бўлур. Ва ботин тарафга ҳаракати ҳарчанд батадриж бўлса ҳам, хорижий ҳаракатга нисбатан андак тезроқ ва кўброқ бўлур. Ва охир натижада руҳни таҳлил беруб (тарқатиб), фано ва ҳалок қилур, чунончи, йўқолган кишига қайғудур. Зероки, ани мунофир жиҳати нақд ва ғолибдурки, алҳол (ҳозир) йўқдур. Ва мулойим тарафи заиф бир умиддурки, шояд топилса, демакдур. Ваҳоланки, топилмоғи эҳтимолки, мумтаниъдур, фаразан. Ва агар мумкин бўлса, алҳол номаълум насиядур. Бинобарин, ҳаммда умиддин йаъс (маъюслик) ғолиб бўлур.

Аммо хижл ҳам фараҳ ила фазаъдин мураккаб бўлур. Лекин ҳаммга хилоф бўлуб, буни мунофир жиҳати заифроқ ва мулойим тарафи ғолиброқ бўлур. Ва инчунин, руҳни ботин тарафга ҳаракати сустроқ ка камроқ ва хориж тарафга ҳаракати тезроқ ва кўброқ бўлур. Бинобарин, хижолатлик кишини ранги қизарур. Ва агар хижлини таркибида фазаъ жиҳати ғоятда ғолиб бўлуб, фараҳ жиҳати кўб заиф бўлса, руҳни ҳаракати ботин тарафга кўброқ ва тезроқ бўлуб, хориж тарафга сустроқ ва камроқ бўлур, бинобарин, жуда ва зўр хижолатда юзни ранги аввало қизарса ҳам сўнгра, сариқ бўлур. Ва бу даража хижолат жуда кам ва нодир бўлур. Бинобарин, баъзи атиббо фараҳи қалил (озгина шодлик)ни эъти-

бор қилмоғонларидин бўлса керакки, фазаъ (қўрқув) ҳисобиға қўшган-
дурлар.

ФОИДА. Агар ирод қилсаларки, ҳамм ила хижлда ҳаракат икки-
та руҳни бир вақтда ҳам хорижға ва ҳам дохилға нечук мумкин
бўлурки, бир нимарсани бир вақтда икки мутаҳолиф (зид) тарафға
ҳаракати маҳолдур, десалар, анга жавоб шулки, вақт деб қобили
тажаззий бўлгон (бўлинадиган) замонни айтилулки, бир вақт неча
ондин мураккабдур. Ва руҳни ҳаракати камоли изтиробда бўлғони
учун бир онда хориж тарафға ва яна бир онда дохил тарафға изтиро-
бан ҳаракат қилиб, мажмуъи бир вақтда демак мумкиндур. Ва ма-
ҳол эрмас, бул жавоб бирлан Шайх ур-раисға «Қонуни кабир»нинг
шарҳида баъзи шурроҳни (шарҳчиларни) қилгон эътирозлари мур-
тафиъ бўлур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, умури нафсонийда мўътабар бўлгон
алфози ситгани, яъни ғазаб ва фараҳ ва фазаъ ва ғам ва ҳамм ва хижл-
ни зикр қилинди. Энди алардин ҳар бирини маъноси ва зоҳир бўладур-
гон осорини баён қилурмиз.

Аммо ғазаб, деб нафсға ориз бўлгон бир кайфийятни айтурлар-
ки, ани тақозоси бирлан руҳ хорижи бадан тарафға хориждаги зар-
рлик нимарсадин интиқом олмоқ учун ҳаракат қилур.

Аммо фараҳ, деб нафсға ориз бўлгон бир кайфийятни айтурлар-
ки, ани тақозоси бирлан хорижи бадан тарафға хориждаги лаззатлик
матлубға восил бўлмоқлик талабида ҳаракат қилур. Ва фараҳни маъ-
носи шодликдур.

Аммо фазаъ, деб нафсға ориз бўлгон бир кайфийятни айтурларки,
ани таъсирлари бирлан руҳ хориждаги зарарлик нимарсадин халос
бўлмоқ талабида дохиши бадан тарафға қочиб ҳаракат қилур, хоҳ ул
зарарлик нимарса воқеъий бўлсин, чунончи, ани ҳалок қилмоқ қасдида
бир душмани қавийй ҳозир бўлгон бўлсин ёки хаёлий бўлсин, чунончи,
хатарнок ҳолатни кўриб, оқибатида бир фалокат воқеъ бўлмоқ эҳтимо-
лини хаёл қилиб, ул эҳтимоллик фалокатни кўрмоқдик нафрат учун
ҳаракат қилсун. Ва фазаъни маънисини кўрқмоқдур.

Аммо ғамм, деб хорижда воқеъ бўлгон бир зарарға афсус учун нафсға
ориз бўлгон бир кайфийятни айтурларки, ани бирлан руҳ ўшал зарардин
нафрат учун ботини баданға қочиб ҳаракат қилур. Ва ғаммни арабда ҳузун
ҳам дерлар ва форсийда андуҳ ва туркийда қайғу дерлар.

Аммо ҳамм, деб нафсага ориз бўлгон бир кайфийятни айтурларки, хорижда зоҳиран маҳсус бўлгон (сезилган) бир кайфийятни айтурларки, хорижда зоҳиран маҳсус бўлгон бир зарарлик нимарсани эҳсоси ила ҳосил бўлур. Ва нафсага таъбан руҳ ҳам ул зарардин нафрат учун бир дафъа ботин тарафга қочиб ҳаракат қилур. Лекин хорижда яна бир вуқуъи (юз бериш) эҳтимоллик бўлгон нимарсадин эҳтимоллик ёрдам ва нажот умиди бирлан хорижи бадан тарафга ҳаракат қилур. Ва яна зарарга мунтазир бўлур, яъни ҳамм, деб оз миқдор фараҳ (шодлик) ва кўб миқдор фазаъ (қўрқув)дин мураккаб бўлгон кайфийятни айтурларки, анда ҳам хавф, ҳам умид ҳосил бўлур.

Бас, фикрда хавф ғалаба қилса, руҳ ва ҳарорати ғаризийа ижтиноб ила дохил тарафга ҳаракат қилур. Ва агар умид ғалаба қилса, руҳ ва ҳарорат хориж тарафга ҳаракат қилур. Шунинг учун ҳукамо дерларки, ҳамм, яъни бир нимарсага эҳтимолдурки, ани маъоли фикри жиҳод (кураш)дур. Ва атиббо дерларки, ҳаммдин гоҳи ғазаб ҳосил бўлур, гоҳи ғам ҳосил бўлур. Чунончи, матлубни фавт бўлмағини фикр қилғонда ани тадорукни мақсадида руҳ ва ҳаракат хорижи баданга ҳаракат қилурки, номи ғазабдур. Ва яна матлубни фавт бўлгон ва тадорукни қазо (йўқ) бўлғонига фикр ғолиб бўлғонда маъюс бўллуб, ботини баданига ҳаракат қилурки, ани номи ғамдур.

Ва ҳукамо ва атиббони баёнлари ила ҳамм ва ғаммни фарқи равшан бўлса ҳам, лекин ҳеч кимда шак қолмаслиғи учун шу тариқа фарқ баён қилмоқ муносибдурки, зое бўлгон матлубнинг сўнғидин андак умид ҳам бор бўлса, ани номи ҳаммдур. Масалан, қўшинга кетгон кишини маҳалли ҳалокатга бормоғи ва соҳиби ҳаммнинг ҳузуридин зое бўлмоғи зоҳир ва муҳаққақ бир кулфатдур. Лекин қазоси етмаган бўлса, яна қўшиндин саломат келмоқ умиди боқийдур. Ва агар зое бўлгон матлубни вужудидин умиди ҳам тамоман кесилгон бўлса, ани номи ғамдур. Масалан, бир киши вафот қилгон бўлса ёки зое бўлгон матлубга сўнгра восил бўлмоқ учун бир зўр сабаб монезлигидин умид кесилса, ул зое учун афсус кайфияти ғаммдур.

Аммо хижл, деб бир кайфиятни айтурларки, анга таъбан руҳ ва ҳарорати ғаризийа хорижда воқеъ бўлгон макруҳ (ёқимсиз) ҳодисадин нафрат учун дохили баданга қочиб ҳаракат қилур. Лекин ҳамийят ва номуснинг ғалабаси ила журъатланиб, ул макруҳнинг дафъига муқовамат учун хорижи бадан тарафига ҳаракат қилур. Бас, нафрат фикри

голиб бўлгон вақтда ранг ўчиб, юзда сариқлик ҳосил бўлур. Ва номус ва ҳамийят голиб бўлгон вақтда юзда қизиллик ҳосил бўлур. Чунки юқорида зикр қилиндики, ҳар вақт руҳ ҳаракат қилса, албатта, анга ҳамроҳ бўлиб қон ҳам ҳаракат қилур ва юз қизарур. Бас, руҳ нафратни галабаси бирлан дохил тарафга ҳаракат қилса, албатта, қон ҳам дохил тарафга ружуъ қилиб, зоҳирда қон қолмас. Бинобарин, юз сариғ бўлур. Бас, қон ва руҳ ва ҳарорати ғаризийа қайси тарафга ҳаракат қилсалар, буларни таъсири бирлан ул тарафда қизиллик ва иситма ва тер пайдо бўлур. Ва муҳолиф тарафида рангсизлик ва совуқлик ва сустлик пайдо бўлур. «Ли-нуқсонидами ва-р-руҳи ва-л-ҳарорати-л-ғаризийати анҳу».¹

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, руҳни ҳаракати қайси тарафга бўлса ҳам ифрот (ортиқ) даражада бўлмоғи қотил ва муҳликдур. Аммо руҳни хориж тарафга ифротлик ҳаракати қотил бўлмоғига сабаб шулки, ҳар вақт агар руҳни аксар миқдори хориж тарафга ҳаракат қилса ва дохил тарафда қолгон руҳ ҳам хулуви бадан мумкин бўлмоғон сабаблик хорижга кетгон руҳларни ўрнига бўш ўринларни тўлдирмоқ учун оз руҳ кифоя қилмас, ночор руҳдин холи жойга совуқ ва фасод ориз бўлур ва ани дафъи учун заиф ва ожиз бўлур. Ва инчунин, хорижга ҳаракат қилгон руҳлар ҳам мизожни ғизосига мувофиқ фано ва таҳлил топиб, ани бадалига ботиндин мадад етмағони учун ночор хорижда совуқ ориз бўлуб, ҳаёт фоний бўлурки, ифроти фараҳ (ортиқча шодлик) ва ифроти ғазаб (ортиқча ғазаб) ориз бўлур ва бу ҳолни урфда шодмарг (шодлик ўлими) дерлар.

Лекин ғазаб сабаби бирлан воқеъ бўлгон ўлимга нисбатан фараҳ сабаби бирлан воқеъ бўлгон ўлум кўброқ бўлур, зероки ғазабда руҳ бақувват бўлур. Ва қувватиға эътимодан зарарлик нимарсадин интиқом қасди бирлан хорижга ҳаракат қилгон бўлур. Ва яна ғазабда қон кўпроқ галаён бирлан хорижга йиғилган бўлурки, баданга тезда совуқ галаба қилмоғига монеъ бўлур. Чунки хориж тарафга интиқом учун хориж бўлмоқ, албатта, заиф руҳни феъли бўлмас. Ва бақувват руҳ тезда фано бўлмас, магар ғашй (ҳушдан кетиш)га боис бўлмоғи ўлимга боис бўлмоғидин кўброқ воқеъ бўлур. Магар нодиран ғазабни зўрли-

¹ Қон, руҳ ва ҳарорати ғаризийанинг нуқсон топгани учун.

ғидин рух ботинда ғоят даражада оз қолиб, дохили бадан тарбиясиға кифоя қилолмаса ва ғазабни давоми сабабдин хориждаги рух ботинга ружу қилмай туриб, ҳароратни ва мизожни таъсири бирлан таҳлил топса, ҳаёт тамом бўлуб, ўлум воқеъ бўлур.

Аммо руҳни ботин тарафга ифрот даражада ўлимға сабаб бўлмоғини сабаби шулки, агар рух ва қон ботин тарафга ифрот (ортиқча) даражада ҳаракат қилса, хорижда совуқ ғалаба қилур, чунки рух ва қон ва ҳаракати ғаризийадин холи қолур. Ва ботин тарафга рух ва қонни кўб миқдор ижтимоъи (йиғилиши)дин мажро (йўлда танглик ва зиқлик ориз бўлуб, қонни ва руҳни ихтиноқи (бўғилиши) ила ҳарорати ғаризийа сиқилиб таҳлил топар. Бас, ночор ботинга ҳам совуқлик ориз бўлурки, ўлум шул ҳолдин иборатдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳаракати нафсонийнинг ифроти (ортиқлиги) қандог зарарли бўлса, инчунин, сукуни (ҳаракатсизлиги) ҳам зарарлиқдур. Чунки сукун бурудат (совуқлик)ни эҳдос қилур ва зеҳнға балодат ва заифлик ориз қилур. Зероки, баданни исимоғи ва зиёда рутубатни таҳлил топмоғи ва зеҳнни ўткир бўлмоғиға ҳаракат ва ҳарорат ва руҳни латофати боисдурки, булар сукунни зиддидур. Ва би-л-жумла Ҳакими Мутлақ баданға ҳар нимани вадият қилғондур ва анда неча минг ҳикматлар бордурки, анга ақл ожиздур. Ва Ҳакими Азал ўз азаматлигини изҳори учун баъзи уқалоға (оқилларга) баъзи ҳикматни идрокини намуна учун муяссар қилғондур. Чунончи, муҳаққиқлар наздида собит бўлғондурки, гоҳи бадан ҳайъати нафсонийа таъсири бирлан бир ҳолатиға келурки, ул ҳолатда мазкур бўлғон олти хил ҳолатдин бошқа бўлур, яъни ғазаб ва фараҳ ва фазаъ ва ҳамм ва ғамм ва хижлдин бошқа бир ҳолат пайдо бўлур. Ва ул ҳайъатни мисоли тасаввуроти нафсонийадурки, умури табииййани осори каби таъсир қилиб, вужуди мумкин бўлмоғон кайфийятларни ижод қилур. Ва ани ҳозирги Оврўпо истилоҳида гипнотизм дерлар. Ва бу бир муқаддимадурки, фалосифа (файласуфлар) хориқи одат бўлғон мўъжиза ва кароматларни ҳам шул ҳайъати нафсонийаға биноан мумкин, дерлар. Ва айтурларки, тасаввуроти ваҳмийа камоли таважжуҳ ила бўлса, гоҳи бир ҳодисни ҳуду-сиға (юз беришиға) ҳам сабаб бўлур.

Ва бу қавл ростлиғиға Шайх ур-раис ҳам тасдиқларини изҳор қилиб, «Қонун»ларида: «Ва аммаллазина лаҳум ғавсун фи-л-маъ-

рифати ла йанкарунаҳа инкарун ма ла йажузу вужудуҳу»¹, деб ёзгондурлар.

Ва ҳақим Қарший ҳам бул хусусда баъзан ўз саргузаштидин ва баъзи бошқалар саргузаштидин неча ҳикоятлар ёзгондурларки, ани нақли боиси татвили калом (сўз узайишига сабаб)дур. Магар муҳолифларга ҳужжат учун баъзи мисолларни кўрсатиб ўтмоқ кифоя қилмағай. Махфий қолмасинки, ҳақим Абу Саҳл ал-Масиҳий ва соҳиби «Комил» китобларида марқумдурки, тажрибага етгандурки, ҳар ким жимоъ (жинсий алоқа) вақтида, хусусан инзол (уруғ оқиши) вақтида ҳар навъ инсон шаклини, хоҳ ҳусндор ва хоҳ баднамо (хунук) шаклини таъаммуқи назар (чуқур назар) бирлан кўрса ёки тасаввур қилса, ул маний (уруғ)-дин ҳосил бўлгон фарзанд аксари ўшал тасаввур қилингон шаклда таваллуд топарки, тасаввури нафсонийнинг асаридур. Аммо тасаввури нафсоний фарзандни навъиййатиға таъсир қилмас, яъни навъи инсон шаклидин бошқа ҳайвон шаклини тасаввур қилгон бўлса, тасаввури фарзанд шаклини тағйир беруб, тасаввур қилингон ҳайвон туғилмас. Зероки, тасаввур нафси навъиййатни тасарруф қилолмас, дебдурлар. Ва инчунин, бир одам нордон нимарсани тановул қилгонини бошқа бир одам кўрса ва ани нордонлигини тасаввур қилса, ўшал он оғзида сув ҳосил бўлурки, ани ҳосил қилғувчи албатта, тасаввури нафсонийдур. Ва инчунин, кўзи оғриган одамни кўзиға қараб нафрат ёки тараҳҳум (раҳм) тариқасида ани ҳолини бошқа бир одам тасаввур қилса, ғолибан ул одамни кўзида ҳам шул дард пайдо бўлурки, ани муҳдиси (пайдо қилувчиси) тасаввури нафсонийдур. Ва инчунин, бир одамни қони ғолиб бўлиб, бошиға суъуд қилса (кўтарилса), ул одамни қизил ранглик нимарсаға қарамоғи ёки қизил нимарсани тасаввур қилмоғи тезроқ қонни қайнамоғиға сабаб бўлурки, тасаввури нафсоний анга боисдур. Ва инчунин, хавфлик ва хурсандликни фикри ва тасаввури мизожни тағйириға сабаб бўлур. Ва бунга бешак далолат қиладургон мисол ошиқларни ҳолидурки, маъшукни зулм ва жафосидин йиқилмоқ даражасиға етуб, ҳалокатға яқин тургон ошиқға агар маъшукни дийдорини ногаҳон кўрмоқ насиб бўлса, шул онда яна ошиқни ҳоли салоҳ топиб, мизожиға истиқомат ва ростлик ҳосил бўлурки, ани муслиҳи тасаввури

¹ Бирор нимарсанинг асл моҳиятига кириб борувчилар борки, инкор қилувчилар ҳам ўша нарсанинг борлигини инкор қилолмайдилар.

нафсонийдур. Ва шул жумладиндурки, агар бир одам сиҳхатни ёки касални сувратини кўброқ мустакмал (тўлиқ) тасаввур қилса, тасаввурига мувофиқ касал ёки сиҳхат анга ҳосил бўлурки, ани ҳосил қилгувчи албатта, тасаввури нафсонийдур. Чунончи, «Маснавийи Мавлавий»и Румий раҳматуллоҳи алайҳни ўқигон кишиларга маълум бўлгон устод ила шоғирдларни воқеъаси бунга мисолдур.

Ва инчунин, баланд жойда воқеъ бўлгон танг йўлдин юрмоқдаги йиқилмоқни тасаввури албатта, йиқилмоқни эҳдос (пайдо) қилурки, бу муҳдис (пайдо қилувчи) кайфиййати нафсониййадур. Ва илло бу тасаввурдин холий мўътод (одат қилган) кишилар баланд ҳавода тортилгон арқоннинг устида ҳам юра олурлар. Чунончи, дарбоз ва ўйинчиларда машҳуддур. Бас, баҳарҳол умури нафсонийнинг таъсири мутайаққин (аниқ) ва мутаҳаққиқ (ишончли)дурки, тасаввури нафсонийнинг ҳаводис эҳдоси (ҳодисалар пайдоси)га дахли муқаррар ва собитдур. Ғоят шулки, осорнинг маҳалл ва мақом судурига нисбатан даражалари тафовутликдур. «Камо ҳува зоҳирун инда-л-ҳумом».¹

УЧИНЧИ ФАСЛ АСБОБИ МУМРИЗА (КАСАЛЛИК ПАЙДО ҚИЛУВЧИ САБАБЛАР) БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, учинчи мақоланинг учинчи фасли касалнинг вужудиға боис бўлгувчи сабабларни баёнидадур. Ва сабабни маъний мутлақини шул мақолани аввалида баён қилингон эди. Алҳол (ҳозир) фақат шул мақомға тааллуқлик маъниси баён қилинур.

Ва сабаби мумриза уч навъ бўлурки, бири сабаби бодия ва бири сабаби собиқа ва бири сабаби восиладур. Ва бу уч навъга мунҳасрли (бўлинган)лигини важҳи шулки, албатта, сабаб икки ҳолдин холий эрмаски, ё ул сабаб баданда бўлур, ё бадандин хорижда бўлур. Ва агар баданда бўлса, яна икки ҳолдин холий эрмаски, ё сабаб ул ҳолатга, яъни касалға бевосита ёки бавосита бўлур. Бас, бадандин хорижда бўлгон сабабни бодия дерлар. Ва баданда бўлиб, касал ила миёна-

¹ Чунончи, бу ақл соҳиблари олдида зоҳирдур.

сида воситаси бўлгон сабабни сабаби собиқа дерлар. Ва бевосита сабабни сабаби восила дерларки, ҳар бирини муфассал баён қилурмиз, иншааллоҳу таъоло.

Аммо сабаби бодия хилтдин ёки мизождин ёки бадан таркибидин бўлмас, балки бадандин хориж нимарсадин бўлур. Чунончи, ҳавои ҳорр (иссиқ ҳаво) ё ҳавои борид (совуқ ҳаво) ёки умури нафсонийдин бўлур. Чунончи, ғазаб ва ташвиш.

Ва маълумдурки, ҳаво кўб иссиқ ва офтоб зўр тобишлик бўлса, бош оғриғи ва хафақоң каби касаллар эҳдос қилур. Ва агар ҳаво зўр совуқ бўлса, истирхо ва бод каби асабий касаллар пайдо қилур. Ва инчунин, ғазаб ҳам қонға ғалаён ва баданға ҳарорат ва ҳуммо йавмийа (бир кунлик иситма) эҳдос қилур. Ва бошқа умури нафсоний ҳам таб (иситма) ва бошқа асарлар эҳдос қилур. Ва ҳеч шак йўқдурки, нафс баданға муғойир ва бадандин хориждур. Бас, баҳар тақдир умури хорижий ва умури нафсонийдин бўлгон сабабни сабаби бодия дерлар. Ва бодия демоқға уч хил тавжиҳ (тушунтириш)ни эҳтимол бордур. Бир эҳтимол шулки, бодий бадв (сўзи)дин муштақ (олинган)-дурки, зуҳур маъносидадур. Ва ҳавони иссиғи ҳам бош оғриғига сабаб бўлғони хоҳ табибға, хоҳ касалға зоҳир ва маълумдур. Бинобарин, бу сабабни сабаби бодий дерлар. Ва иккинчи эҳтимол шулки, бу сабаблар бадандин хориждур, гўёки бодия, яъни саҳро мадинадин, яъни шаҳардин хорижда бўлғони кабидурки, бадани инсон шаҳри обод каби маъмурдур. Ва анга касал эҳдос қилгон сабаб бадан жинсидин хориждур. Ва бул тақдирда бодияни байдодин иштиқоқ қилгон бўлурларки, байдо ба фатҳи бои муваҳҳада ва сукуни ёйи таҳтоний ва фатҳи дол ва алиф бамаънойи саҳродур. Ва учунчи эҳтимол шулки, маълумдурки, умури хорижийлар аксар касални мабдаъидур. Чунончи, баданнинг имтилоси (тўлиши) ва рутубати фазлиййани кўпаймоғи ғизони кўблигидин ҳосил бўлур. Бас, имтилони мабдаъи ғизодурки, бадани инсондин хориждур.

Ва инчунин, ҳавони фасоди хилтнинг фасодиға сабабдурки, вабода машҳуддур. Ва бас, вабони мабдаъи ҳаводур. Ва бул тақдирда бодиянинг асли бодия бўлуб, бадаъадин муштақ (олинган)дурки, бамаънойи ибтидо (бошлаш)дур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, сабаби бодия оммдурки, хоҳ мараз бирлан ўртасида, хоҳ нимарса восита бўлсин, хоҳ восита бўлмасин, бас,

воситалик бодиянинг мисоли такасури таом (овқатнинг кўплиги)дурки, бодия ва бадандин хориждур. Ва имтило (бўкиш)ни эҳдос қилур. Бас, такасури таом ила маразни миёнасида имтило воситадур. Ва бевосита сабаби бодиянинг мисоли иссиқ ҳаводурки, бошга оғриқ эҳдос қилур. Ва бош оғруғи бирлан иссиқ ҳавони ўртасида ҳеч восита йўқдур. Ҳосил шулки, сабаби хорижи баданни мутлақо бодия дерлар.

Ва бодия ила мараз (касаллик) миёнасида воситани баъзисини собиқа ва баъзисини восила дерлар. Чунончи, собиқа деб шундоқ сабабни айтурларки, ани бирлан маразнинг миёнасида яна бир восита бўлса, воситалик сабаби баданиййани сабаби собиқа дерлар. Ва бевосита сабаби баданиййани сабаби восила дерлар. Ва сабаби собиқанинг мисоли ҳуммойи уфуниййани имтилосидур. Ва сабаби восиланинг мисоли ҳуммойи йавмиййанинг имтилосидур. Ва фарқи маълумдурки, ҳуммойи уфуниййа албатта, уфунатдин ориз бўлур. Ва бошқа сабаб йўқдур, лекин уфунатга имтило (бўкиш) сабабдур. Бас, бавоситаи уфунат имтило сабаби ҳуммодур. Ва имтилоға касрати таом (кўп овқат) сабабдурки, бадандин хориж бавоситаи имтило ҳуммоға сабабдур. Ва сабаби восила, деб маразга бевосита бўлгон сабабни айтурлар. Ва мисоли собиқа мисолининг зимнида маълумдурки, ҳуммойи йавмиййада маразга бевосита сабаб имтило бўлғони каби ҳуммойи уфуниййада бевосита сабаб уфунатдурки, номи восиладур. Ва бавоситаи уфунат имтило сабабдурки, номи собиқа ва бавоситаи уфуниййат ҳам касрати таом сабабдурки, номи бодиядур. Ва бу сабабларни маразга боис бўлмоғи ифрот (кўпи) ёки тафрити (ками) учундур. Аммо иътидоли би-л-акс боиси сиҳҳат ва ҳофизи сиҳҳат (сиҳҳатни асровчи) бўлур. Чунончи, касрати таом имтилоға сабаб бўлғони каби ани иътидоли комил ҳазмға сабаб бўлурки, мўътадил таом сиҳҳатни сабаби бодиясидур. Ва ҳазми комил сиҳҳатни сабаби собиқасидур. Ва ҳазми комил эса иътидол мизожға сабабдурки, сиҳҳатни сабаби восиласидур.

Ва билмоқ керакки, бу уч хил сабаблар ушбуларға сабабдурларки, суъи мизож (мизож бузилиши) пайдо қилур ва ё мараз ут-таркиб пайдо қилур. Ва тафарруқ ул-иттисол пайдо қилурки, буларнинг баёни биринчи фаслда мазкур бўлди. Алҳол буларнинг сабабларини баён қилинур.

Аммо суъ ул-мизож (мизож бӯзилиши) шулки, саккиз эҳтимолдин холи бўлмаски, иссиқ бўлур ёки совуқ ёки қуруқ ёки ҳўл ёки иссиқ ҳам ҳўл ёки иссиқ ҳам қуруқ ёки совуқ ҳам ҳўл ё совуқ ҳам қуруқ бўлур.

Аммо иссиқ суъ ул-мизожни сабаби Жолинуc наздида беш хил бўлур. Биринчи сабаб ҳароратки, иътидолдин зиёдароқ, лекин ифрот (ортиқ) даражаға етмаган ҳаракатдиндур. Чунки ҳаракат зотан ҳароратға сабабдур. Лекин ифротида таҳлили руҳ ва таҳлили ҳарорати ғаризийға кўб бўлғони учун би-л-акс бурудат (совуқлик) эҳдос қилур. Ва ҳаракат омм (умумий)дурки, хоҳ ҳаракати нафсонийға бўлсин, мисли ғазаб, хоҳ ҳаракати баданийға бўлсин, мисли риёзатки, ҳадди иътидолдин зиёдароқ ва ифрот даражаға етмаган риёзатдур. Чунки риёзати муфритида ҳам таҳлил кўб бўлғони учун би-л-акс боиси бурудат бўлур. Ва билмоқ керакки, умури нафсонийдин фақат ғазаб ҳамма ҳолда боиси ҳароратдур. Ва бошқаларига беифротлик шартдурки, агар ифрот даражада бўлса, боиси бурудат бўлурлар.

Ва иккинчи сабаби ҳарорати би-л-фёълға мулоқот қилмоқдурки, ҳадди иътидолдин зиёдароқ ва ифрот даражаға етмагон бўлса, боиси ҳароратдур. Ва ифротида кўб таҳлил бўлуб, боиси би-л-акс бурудат бўлур. Ва ҳарорати би-л-фёъл ҳам оммдурки, хоҳ шиддатлик офтобға, хоҳ шиддатлик оловға мулоқот бўлсин, бари бир ҳукмда бўлур.

Учинчи сабаби ҳарорати би-л-қувваға мулоқат қилмоқдур ва мисоли иссиқ табиатли аззо ёки иссиқ табиатлик даво тановул қилмоқдур. Ва билмоқ керакки, иссиқ давони истеъмоли хоҳ ичмоқ бирлан, хоҳ зоҳири баданға зимод қилмоқ (ёпиштирмоқ) бирлан бўлсин ўз кайфияти ила баданда ҳарорат пайдо қилур. Лекин зоҳирдин истеъмоли ифротлик бўлса, дохилдаги қонларни ўз тарафиға жазб қилгон сабабидин ботинда бурудат эҳдос қилур. Бинобарин, зот ул-жанб (зотилжам) касали хоҳ қондин ва хоҳ боддин бўлса, анга хардалнинг зимоди нофиъ бўлур, чунки агар зот ул-жанб ҳақиқий бўлса, боиси алам бўлгон қонларни хориж тарафға тортиб, аламлик жойдин қонни аламини камайтирар. Ва агар зот ул-жанб риҳий (еллик) бўлса, ҳарорат пайдо қилмоғи бирлан бодни таҳлил ва алам (оғриқ)ни таскин берар.

Ва тўртинчи сабаби ҳарорати масомни касиф ва ғализлигидур, хоҳ ул ғализликни боиси би-л-фёъл совуқ бўлсин, чунончи, совуқ ҳавоға ва қорға мулоқот воқеъ бўлуб ёки совуқ сувға гусл қилиб ориз бўлсин, хоҳ би-л-қувва бўлсин, чунончи, аччиқтош маъданидин чиқгон сувға гусл

сабабдин ориз бўлсин, хоҳ бошқа сабабдин бўлсин, боиси ҳарорат бўлур. Зероки, ғилзат ажзойи баданнинг ижтимоъи ва сиқилмоғидин иборат-дурки, ани ифроти масомда судда (тиқилма) ва бандлик эҳдос қилур. Ва ғайри ифроти танглик эҳдос қилур. Бас, ҳарорат баданга қамалиб, таҳлил тополмай, тобора ва зиёда ғолиб бўлур.

Бешинчи сабаби ҳарорат уфунатдур, зероки уфунатни ўзи ҳарорати ғарибаи нотабиййадин пайдо бўлур. Ва инчунин, ўзидан ҳам ҳарорати ғариба пайдо қилур. Ва уфунатни сабаби рутубатни асл таркибиға мумтазиж (аралаш) бўлгон ҳарорати нориядурки, хорижий ҳарорати ҳавоиййани ва ё бошқа ҳарорати ғарибаи нотабиййани мадади бирлан рутубатға ғалаба қилуб, ҳарорати ғарибаға ва ғалаёнға киргизар. Бас, мазкур рутубат фосид бўлур. Ва ул ҳолатидин ислоҳи мумкин бўлмас. Лекин ўз навъиййатида боқий турар ва навъиййатиға путур етмас. Масалан, қон ёки бошқа хилт сасиғон бўлса ҳам ҳануз қон ё фалон хилт, деб айтилуру ва қонлик навъиййати боқий бўлур. Магар уфунатни ҳарорати хўб шиддатлик куйдурса, ул вақтда хоҳ қон, хоҳ бошқа хилт ўз навъиййатидин чиқиб савдо бўлурки, бу мабҳасдин хориждур. Чунки ҳоли уфунат даражасидин ўтуб, ихтироқ (куйиш) даражасиға етгандур. Ва баъзи атиббо фикрда хато қилиб, уфунат пайдо қилгон қондин ҳодис бўладурган иситмани вужуди йўқдур, зероки қон агар уфунат пайдо қилса, ани суюқи сафро ва қуюғи савдо бўлур ва иситма эҳдос қилмас, дегандур. Бу қавли зоҳир ул-бутлоннинг раддини ва ахлоти муҳтариқани (куйган хилтларни) иситмалар мабҳасида муфассал баён қилурмиз, иншааллоҳу таъоло. Баҳарҳол агар рутубат исиб, уфунат пайдо қилса, андин бухорот кўб чиқиб, атрофидаги аъзони иситар ва қизишмоқ ва куйишмоқ ҳолатларни пайдо қилур.

Аммо совуқ мизожлик касални сабаблари саккиз хилдур. Биринчиси, би-л-фёъл совуқ ҳаво ва совуқ сув кабиларга мулоқот қилмоқдур. Ва мулоқот зоҳири баданга ибтидоан бурудат (совуқ) эҳдос қилур. Ва ифроти ёки давоми ботини баданга ҳам сироят қилур ва илло ботини баданни таксифи масом сабаблик, балки иситар. Чунончи, асбоби ҳарорат қаторида мазкур бўлди.

Иккинчи, би-л-қувва совуқ нимарсаға мулоқот қилмоқдур, масалан, табиати совуқ бўлгон давони зимоди (чапламаси) ёки тилоси (суртмаси) баданни совутар, агар чандики, би-л-фёъл иссиғ бўлса ҳам. Ва агар аввалда ани ичса, ботини баданни батариқаи авло со-

вутур ва таъсири ғолиброқ бўлуб, зоҳири баданга ҳам сироят қилур. Зероки, зоҳири бадан хорижий ҳавога яқин ва ботини ҳароратдин камбаҳра бўлгон сабабдин анга зимод таъсир қилур. Аммо ботини баданга сироят қилолмас, чунки ботинда ҳарорат ғолибдур. Аввалан ани таъсири ҳарорати ғаризийга асар қилиб, ани совутар ва натижада зоҳири баданга ҳам ботиндин мадад камаюр. Бинобарин, зоҳирга ҳам совуқ сироят қилур.

Учинчиси, таомни ғоятда кам емоқдур. Ва зоҳирдурки, агар таомни миқдори кам бўлса, бадандин таҳлил топгон рутубатга бадал учун кифоя қилмас ва рутубатни нуқсони ҳароратни нуқсонига боисдурки, моддаи ҳарорат рутубатдур. Бас, ҳароратни нуқсони бурудатни ғалабасига боисдур. Зероки, ҳарорат баманзалаи чироғдур. Ва рутубат баманзалаи ёғдур. Ва ёғни ўзи ҳофизи чироғ (чироқни сақловчиси)дурки, то ёғ тамом бўлмаса, чироғ ҳам ўчмас. Инчунин, рутубат ҳам ҳофизи ҳароратдурки, то рутубат тамом бўлмаса, ҳарорат ўчмас. Бас, рутубатни камаймоғи ҳароратни камаймоғига боисдурки, мусталзами бурудат (совуқни лозим қилувчи)дур. Ва яна бир важ шулки, маълумдурки, ҳарорат доим ғизони ҳазми ва таҳлилига машғулдур. Бас, ғизо кам бўлса, ҳарорат ночор рутубатни таҳлилига машғул бўлуб, ани фано қилур. Ва фанойи рутубат фанойи ҳароратга боисдурки, мусталзами бурудатдур. Ва билмоқ керакки, ҳар ғизонки андин қон кўб ҳосил бўлмаса, ул ғизони кўброғи ҳам кам ғизони ҳукмидадур.

Тўртинчиси, ғоят кўб ғизо емоқдур. Чунки агар ғизони миқдори кўб бўлса, имтило (тўлиш) ва тухма (бўкиш) сабаби бирлан ҳарорат ҳазмга ожиз бўлур. Ва муҳтақин ва мағлублик бирлан фано бўлур. Ва ночор бурудат зиёда бўлур. Ва кўб миқдори ғизони мисоли ҳам кўб миқдор ёғ кабидурки, мўътадил миқдор ёғ чироғни равшан қилур ва кўб миқдори чироғни ўчирар.

Бешинчиси, масомни ифрот даражада касиф ва ғализ бўлмоғидур. Зероки, ифрот даражалик масом бандлигида бухороти мойийа ва духонийанинг ботиндин таҳлил тополмай жамъ бўлиб қолмоғидин ҳарорат қамалиб, сиқилур. Сўнгра мунтафий ва фано бўлур. Бас, ночор аъзода бурудат (совуқ) ғолиб бўлур. Ва билмоқ керакки, масомни такосуфи би-з-зот сабаби ҳароратдур, лекин ифротига ҳароратга ихтиқон (қамалаш) ва зиқлик ориз бўлғони учун би-л-араз сабаби бурудатдур.

Олгинчи сабаб, ҳаракати муфрит (ортиқча ҳаракат)дур. Ва махфий эрмаски, агар ҳаракати ифрот (кўп) даражада бўлса, агар чандики, ҳозирда сабаб ҳарорат бўлса ҳам, охири натижада сабаби таҳлили ҳарорати ғаризийа сабаби бурудат бўлур. Ва ҳаракатдин мутлақ ҳаракат муроддурки, хоҳ ҳамма аъзони ҳаракати бўлсин, хоҳ баъзи узвға хос ҳаракат бўлсин ва хоҳ ҳаракати баданийа бўлсин, чунончи, риёзатлар ва санъат (ҳунар)лар каби ва хоҳ ҳаракати нафсонийа бўлсин, чунончи, ғазаб каби ва хоҳ ҳаракати табиийа бўлсин, чунончи, бедорлик каби.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бу мавридаги зикр қилинғон ифротдин мурод одатға нисбатан кўбликдур, аммо ғайрға нисбатан қиёс қилинмас. Зероки, бир одамни одатиға муътодун биҳи бўлғон (одат бўлган) миқдордин зиёда миқдор анга ифротдур. Лекин кўб миқдорға одат қилғон одамни ҳақиға ул миқдор ифрот эмас. Бас, мартабаи ифрот мизожни қувватлиғи ва ё заифликиға ва инсоннинг одат қилғон-қилмағониға назаран мухталифа амри нисбийдур. Бас, маълум бўлдики, мизожни қуввати ва заъфиға лойиқ ҳаракатни ифроти баданни қизитиб, ҳароратни кўб таҳлил берган сабабидин охир натижада эҳдоси бурудат (совуқ пайдо) қилур.

Бас, билмоқ керакки, баданни кўб қизитадурғон ғизо ҳам охир натижада эҳдоси бурудат қилур. Ва инчунин, баданни кўб қизитадурган давони хориж тарафдин истеъмоли ҳам охир баданға бурудат пайдо қилур. Зероки, баданни муфрит даража қизимоғи рутубат ва руҳни таҳлил топмоғиға сабаб бўлур. Ва таҳлил эса бадан масомларини тахалхул ва холий қолмоқлариға боис бўлур. Лекин хулувининг имтиноъи эса, би-з-зарур ботиндаги ҳароратни масом тарафиға жазб қилмоғиға боис бўлур.

Ва маълумдурки, ботиндаги ҳароратни зоҳир тарафға мунжазиб бўлмоғи ботинда бурудатни ғалабасиға мусталзимдур. Бас, гўё бадан бамушобаҳаи (гўёки) бир қизиган танурдурки, агар танурни атрофини очилса, ботиндаги ҳамма ҳарорат зоҳир тарафға мунжазиб ва хориж бўлиб, танурнинг ҳарорати камаюр. Ва бошқа қизитувчи нимарсаларға мулоқот қилмоқ ҳам шул қабилдиндур. Чунончи, оловнинг ва ҳавонинг ва сувнинг ҳарорати ўткир бўлуб, хорижий баданға мулоқий бўлса, ботиний бадандин ҳароратни жазб қилиб, баданда бурудатнинг истилосиға сабаб бўлур. Аммо ҳар сувики, ўзи би-т-табъ иссиқ бўлса, чунончи, қаро

балчуқ лойнинг суви, ани ҳам хорижи бадандин истеъмоли агарчи иссиқ бўлса ҳам, жазби ҳарорат сабаблик ботинда бурудат эҳдос қилур. Лекин баданни қизитадурган давони дохили бадандин истеъмол қилмоқ, яъни ичмоқ ва ё дохили баданда бир хилтдин уфунат пайдо бўлмоқ соҳиби «Нафисий»нинг қавлларича, ботини баданга истилоийи бурудатга боис бўлур, деган сўз аслсиз ва беасосдур. Аммо соҳиби «Мўвжиз»ни каломларидин ҳам шундоғ маълум бўлурки, бул ҳам бурудати ботинга боис бўлур. Лекин ул кишининг қавлларида ифротга тақаййуд қилинғондурки, ҳар нимарсани ифрот даража тасхини (қиздириши) мусталзими табрид (совуқ) бўлур, демишлар. Ва шул қавл ҳақдур. Зероки, баданнинг ифрот даража қизимоғида ҳарорати ғаризийи куйуб фано бўлмоғи ҳам ҳарорати ғаризийининг асл манбаи бўлғон рутубати табиийининг фано бўлмоғи шаксиз, мусталзами бурудат бўлурки, хоҳ ул қизитмоқ би-л-фeyл бўлсин, хоҳ би-л-қувва бўлсин.

Ва соҳиби «Нафисий»нинг «Китоби Нафисий»да ёзган иборатлари иссиқ давоий машруба табриди ва уфунатни табриди, деб давони машрубага қайд қилғондурлар. Аммо уфунатни ифротга қайд қилмай муаллақ зикр қилғондурлар. Бас, агар бу сўзни яхши тааммул қилинса, табрид учун ҳеч важҳи мафҳум бўлмай қолғонлигига, яъни махфий бир важҳи борлигига тавжиҳ (тушунтириш) топилмас. Зероки, ҳарорати ғарибани ифроти рутубати ғаризийини таҳлил қилмоқ воситаси ила ҳарорати ғаризийини заиф қилур. Ва ани заиф бўлмоғи мўвжиби табрид бўлур. Лекин иборатда ифроти қайди йўқлиғи шоёни таажжубдур. Ва яна боиси табрид бўладурган ҳарорати ғариба ҳақиқатдан оммдурки, хоҳ хорижи бадандин мустаъамал бўлсин, хоҳ ботиндин истеъмол қилинсин, ҳеч фарқсиз мўвжиби табриддур. Бас, ани машрубага тақаййуди яна шоёни таажжубдур. Ва яна ҳаммадин ажаброғи шулки, соҳиби «Нафисий»ни ўзлари қоилдурларки, ғизои мусаххин, яъни қизитадурган таомни ифрот даражада қизитмоғи боиси бурудати ботиндур. Чунончи, ўз китобларида зикр қилғондурлар. Бас, ғоят даражада ажиб кўринарки, иссиғ ғизои қизитмоғи мўвжиби табрид экан, эмди иссиқ давони ёмоқлиғи мўвжиби табридлиғи на учун ул кишига махфий бўлғондурки, ғизога хос қилиб «ғизои мусаххин ба ифрот мўвжиби табрид» дебдурлар. Ваҳоланки, ғизои мусаххин (қиздирувчи)дин ғизои давоийни англамоқ вожибдур. Зероки ғизои мутлақда аслан тасхин мумкин эрмас. Чунончи,

юқорида сабаблари ила мазкур бўлди. Ва агар тасхини ғизодин мани муродим би-л-феъл тасхиндур ва давони тасхини би-л-қуввадур, десалар лонусаллиму (қабул қилмаймиз)ки, тановули ғизодин би-л-феъл сахунат (иссиқлик) асло ба ифрот бўлолмас. Агар фаразан бўлса мутаазирот қабиласидин бўлурки, ҳоли инсонни мабҳасидин хориж бўлур. Ва бартақдир ва таслим қилсамиз ҳам би-л-феъл давои ҳорр (иссиқлик даво) ичилганда ҳам, боиси табрид бўлмоғи мумкиндурки, баҳарҳол ғизо ила давони миёнасида ҳеч фарқсиз баифрот ҳарорати мўвжиби бурудати ботиндур. Ва ғизоға тақаййуди беаслдур. Ва инчунин, баифрот уфунат ҳам оқибати бурудат ва йубусат эҳдос қилуб, ҳуммойи савдовийға (савдо иситмасига) анжом топмоғи шул қабилдиндур. Фа-тааммул (ўйлаб кўр).

Ва еттинчи сабаб, сукуни муфрит (ортиқча ҳаракатсизлик)дурки, бун боиси бурудат бўлмоғи рутубати фазлиййани кўпаймоғи ила ҳарорати ғаризиййани сиқилмоғиға биноандур. Ва маълумки, агар ҳарорати ғаризиййа мухтаниқ (бўғилган) ва мағлуб бўлса, би-з-зарур анга бурудат ғолиб бўлур, яъни рутубати фазлиййани ҳазми ёки дафъиға ҳарорати ғаризиййа ожиз бўлуб, муқтазои ажз ила фоний бўлур.

Саккизинчи сабаб, бурудат қаю сабаб ила мумкин бўлса, бадан масомларини баифрот катта ва кенг очилмоғидур. Зероки, зоҳирдурки, агар масом кенг очилса, ҳарорат кўброқ таҳлил топарки, андин бурудати бадан ҳосил бўлур.

Аммо қуруқ мизожлик касални ҳудусиға тўрт хил сабаб бордур. Биринчи сабаб, би-л-феъл қуруқ нимарсаға мулоқот қилмоқ, чунончи, оловға ёки иссиқ ҳавоға мулоқот қилмоқ ва ё иссиқ қумға кўмулуб ётмоқ ва қизуқ тупроқға кўмилмоқ ёки би-л-қувват қуруқ нимарсаға мулоқий бўлмоқ. Чунончи, табиати қобиз ва қуруқ бўлгон сувға чўмилмоқ, масалан, олтингургурд ва маъданийнинг сувиға ёки туз кони ва ё аччиқтош кони ва новшадир конининг сувиға чўмилмоқ каби сабаблардур.

Ва иккинчи сабаб, би-л-қувва қуруқ бўлгон нарсаларни хоҳ хорижи бадандин ва хоҳ доҳили бадандин истеъмол қилмоқдур. Ва учинчи сабаби шулки, ғоят даражада камхўрак қилмоқдур. Агарчи қуввати ҳозимани заифлик сабабидин бўлса ҳам, зероки ғизо кам бўлса, бадандин таҳлил топгон қон ва рутубати табииййани нуқсонига бадал учун ки-

фоя қилолмас. Бас, ночор баданға қуруқлик эҳдос қилур. Ва инчунин, ҳар ғизоики анда ғизолик модда камроқ бўлса, агарчи миқдори кўб бўлса ҳам, кам ҳукмида нуқсонға бадал бўлмоқға кифоя қилмас ёки ғизолик моддаси кўб бўлгон ғизони кўб миқдор еса ҳам, лекин меъда ёки жигарни қуввати ҳозимаси заифликдин яхши ҳазм қилиб, ғизодин лозиминча баҳра ололмаса ёки ғизоси ҳазмдин бурун истифроғ бирлан бадандин хориж бўлуб турса ҳам, баданнинг нуқсонига бадал бўлолмоғони учун баданға қуруғлик эҳдос қилур.

Ва тўртинчи сабаб, ифроти ҳаракатдур. Ва ҳаракат оммдурки, хоҳ баданий ва хоҳ нафсоний ва хоҳ табиий бўлсин, ҳаммаси ҳам баданға қуруқлик эҳдос қилур. Зероки, ҳамма навъи ҳам рутубатни таҳлил берур. Ва ҳаракати баданий маълумдурки, ҳам рутубатни таҳлил берур ва ҳам ҳароратни зиёда қилурки, ҳарорат рутубатни қуритуб, фоний қилур. Ва ҳаракати нафсонийга, чунончи, ғам ва доимий ташвиш ҳам маълумдурки, руҳ ва ҳарорати ғаризийгани ботини баданға мойил қилиб, дилни қизитуб, руҳни ва рутубати ғаризийгани таҳлил берар. Ва ҳаракати табиийганинг мисоли саҳр, яъни уйқусизлик ҳақиқатдин табиий эмас, чунки бу бир касалдур, касал табиий бўлмас. Лекин уйқу бирла бедорлик ўз вақтида ҳожати табиийга муқтазосича воқеъ бўлуб турғони учун агарчи саҳр ҳожат бирлан бўлмаса ҳам, мажозан табиий дерлар.

Ва юқорида мазкур бўлдики, бедорлик ҳаракатга муносабатликдур. Ва уйқу сукунга муносабатликдур, феълан.

Ва ҳўл мизожлик касалларни сабаби ҳам тўрт хил бўлурки, қуруқ мизожлик касаллар сабабининг зиддидур. Масалан, биринчи сабаб, би-л-феъл баданни ҳўл қилғувчи нимарсаларға мулоқот қилмоқ, чунончи, мўътадил ҳавога мулоқот қилмоқ ёки мўътадил ҳароратлик ширин сувга чўмилмоқ. Агар таомдин сўнг бевосита ёки ҳазм бўлгондин сўнг бевосила воқеъ бўлса ва агар очликда воқеъ бўлса, би-л-акс баданни қуритар. Зероки, баъд аз таом бевосита дофий бўлса, ҳазмға муъин бўлур. Ва ҳазми комил бўлса, андин рутубати табиийга кўпроқ ҳосил бўлур. Ва агар баъд аз ҳазм (овқатдан сўнг) ва қабл аз жуъ (очликдан аввал) воқеъ бўлса, рутубати табиийгадин бухорот кўпроқ ҳосил бўлур. Ва агар очликда воқеъ бўлса, ҳарорат руҳ ила рутубати ғаризийганинг таҳлилига машғул бўлурки, бу маъни боиси йубусат (қуруқлик)дур.

Ва иккинчи сабаб, баданни би-л-қувва ҳўл қилғувчи нимарсаға мулоқот қилмоқдур, чунончи, ҳўл табиатлик бўлуб, баданни би-л-қувва ҳўл қилғувчи даволарни хоҳ хорижи бадандин ва хоҳ дохилдин истемол қилмоқдур. Ва дохилдин ғизои мураттаба (ҳўл овқат) тановули ҳам сабаб бўлур.

Ва учинчи сабаб, кўб миқдор таом емоқдур. Ва зоҳирдурки, ғизои кўпидин кўб бухорот суъуд қилурки, баданни ҳўл қилур. Ва маълумдурки, кўб таом еган кишининг ҳоли икки эҳтимолдин холи бўлмаски, ё бадани иссиқ бўлур, ё совуқ бўлур. Бас, агар иссиқ баданлик бўлса, яъни баданда ҳарорати ғаризиййаси ғолиб бўлиб, иссиқ мизожлик бўлса, кўб еган таомдин кўб қон ҳосил бўлур. Ва агар совуқ мизожлик бўлса таомдин кўб балғам ҳосил бўлур. Бас, қон ва балғам ҳар иккиси ҳўл мизожлиқдурки, қаю бири ғолиб бўлса ҳам шаксиз, баданни мартуб (ҳўл) қилур. Ва яна ҳўл мизожлик касалларда кўб таом емоқни сабаблигини иккинчи важҳи шулки, кўб миқдор таом ҳарорати ғаризиййаға ғолиб бўлуб, ани сўндирар. Ва маълумдурки, баданға сазовор миқдордин зиёдароқ совуқ баданни албатта, зиёдароқ совуқ бўлмоғиға сабаб бўлур. Чунки ҳарорат мағлуб бўлса, рутубатни таҳлил беролмас. Ночор баданда рутубат зиёдароқ жамъ бўлур.

Ва тўртинчи сабаб шулки, сукун ва ифрот баданға рутубатни ғалабасиға сабаб бўлур, чунки ҳаракат рутубатни таҳлил берур. Ва сукун ба ифрот (ортиқча ҳаракатсизлик) таҳлилға монень бўлур.

Бас, ночор таҳаллул лозим бўлгон рутубатлар мужтамиъ (жам) бўлуб қолурлар. Ва инчунин, тани соғ киши бесабаб парҳез қилиб, муҳаллилот (таҳлил қилувчилар)дин жоҳилона ижтиноб (парҳез) қилмоғи ёки мизожни яхши ташхис қилолмай, бадан рутубатиға муслиҳ (созловчи) бўлуб тургон сафройи табииййа ёки савдойи табииййани исҳол ёки қай бирлан камайтирмоғи ҳам баданға рутубатни ғолиб бўлмоғиға сабаб бўлур. Лекин бунни камоли возиҳлигиға (ошкоролигиға) иктифо (кифоя) қилгонликдин бўлса керак, кутуби мутақаддиминда (ўтмишдошлар китобларида) зикр қилинмоғондур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бул мақомда мизожи муфрадаларнинг сабабларини баёни ила сўзни мухтасар қилдим. Чунки мизожи мураккабалар ҳам шул муфрадаларни мумкин ул-ижтимоъларининг таркибидан ҳосилдурлар. Масалан, ҳароратки, рутубатға мунофий (зид)

қобил ул-ижтимоъдур ва ҳам йубусатға қобил ул-ижтимоъдур. Ва инчунин, бурудат ҳам мазкур рутубатға ва йубусатға қобил ул-ижтимоъдур. Бас, буларнинг таркибида ҳар бирининг таъсири ва аломати бир кишида мавжуд бўлмоғидин зоҳир ва ҳувайдодур. Бинобарин, мураккабанинг ҳам алоҳида зикри нолюйиқ кўрилди, маъфу тутқайлар (кечиргайлар).

Ва билмоқ керакки, бу сабабларни сабабликлариға уч жиҳат шартдур. Биринчи жиҳат сабаби фозилийнинг миқдоридурки, агарчи анга мулоқот бир дафъа воқеъ бўлса ҳам, лекин ани миқдори голиблигидин баданға бир кайфият эҳдос қила олур. Ва иккинчи жиҳат мулоқот фурсатининг узоқлигидурки, бу тақдирда агарчи сабаби фозилийнинг миқдори кўб бўлмаса ҳам, лекин узоқ фурсатгача мулоқотнинг давоми батадриж бир кайфият эҳдос қилур. Ва учинчи жиҳат сабабни таъсири учун баданни қобилиятидурки, масалан, бадан мартуб (ҳўл) мизожлик бўлса, боиси йубусат бўлгувчи сабаб анга таъсир қилолмас. «Ва қис алайҳи-л-ухро» (Ва бирини иккинчисига қиёс қил).

Ва билмоқ керакки, то шул жойғача марази муфрадни (ёлғиз касалликларни) биринчи қисми бўлгон суъ ул-мизожни (мизож бузилишини) баён қилинди. Энди иккинчи қисм бўлгон суъ ул-таркибни баён қилинур.

Ва суъ ул-таркиб тўрт хил бўлур: марази хилқат ва марази адад ва марази миқдор ва марази вазъ дерлар. Ва билмоқ керакки, марази хилқатдин мурод нутфанинг раҳмда туриб ҳосил қилгон суврати ғарибасидурки, асбоби ботинийа таъсири ила ориз бўлур. Ва хилқати Илоҳийада нуқсон бор, деб гумон қилинмасин. Ал-ийозу биллоҳи (Аллоҳ асра-син). Бас, марази хилқат тўрт хил бўлурки, фасод уш-шакл ва мараз ул-мажори ва мараз ул-авъийа ва мараз ус-сафойиҳ исми ила зикр қилинур. Аммо фасод уш-шакл, яъни мажройи табиий шаклдин бошқа ва фосид шаклда бўлмоқ икки навъ бўлур. Бирини шулки, бола раҳмда тарбия топиб тургон вақтида баъзи асбоби ботинийа таъсири ила раҳмда бир фасод ва тағайури ғайри табиий ориз бўлур. Баъд аз таваллуд (туғилгандан сўнг) шул фасод боқий турар ва номини марази хилқат дерлар, ҳақиқатан.

Ва иккинчи навъи баъд аз таваллуд хорижий сабаблар ила ориз бўлур. Лекин болани таваллуд вақтида ул фасодни борлиги ва ё йўқлиги маҳсус бўлмаса ҳам, хорижий сабаблар ҳам ғоятда махфий бўлғони учун эҳдос қилолмай омман халқда ани ҳам халқий, деб гумон қилинур.

Бинобарин, ани ҳам номини халқий дерлар, мажозан. Ва ҳар бирини сабабларини бошқа-бошқа баён қилинур.

Аммо ҳақиқатан марази халқий бўлгон фасод уш-шакл яна икки навъ бўлурки, бири қувват жиҳатидин бўлур, чунончи, қуввати мусаввира заиф бўлуб, ота ва онанинг нутфаларини ҳар бир жузвини мушокил сувратда ишлаб етқизолмас ё қуввати муғаййирни қосир ва заифлиги сабаб бўлуб, ота ва онанинг нутфасини матлуб шаклға салоҳиятлик мизожда қилуб, бир узви махсусға қобил ва мустаъид қилмоқдин ожиз бўлур. Бинобарин, фарзандға фасоди шакл ориз бўлур.

Ва бири модда жиҳатидин бўлур. Ва бул ҳам икки навъ бўлур. Аввали шулки, моддани миқдори жиҳатидин бўлур, масалан, моддаи маний кўб миқдор бўлса, табиий ададдин зиёда узв ҳосил бўлур. Чунончи, панжанинг адади беш ададдин зиёда бўлур. Ва агар модданинг миқдори камроқ бўлса, табиий ададдин камроқ узв ҳосил бўлур, чунончи, панжа адади беш ададдин камроқ воқеъ бўлмоғи бунга мисолдур. Ва иккинчи навъи моддани кайфияти жиҳатидин бўлур. Масалан, моддаи фарзанд бўлгон нутфа мўътадил қивомдин ё қуюқроқ ва ё суюқроқ бўлур. Ва ношоисталигидин қуввати мусаввираға итоат қилмас, яъни қуввати мусаввира бақувват бўлса, ани тарбия ва таъсириға модда ноқобил бўлур. Бинобарин, фасоди шакл ориз бўлур. Ва бул навъни камоли возиҳлигиға иктифо қилгонликдин бўлса керак, аксари кутуби мутақаддиминда зикр қилинмагандур.

Ва мумкиндулки, қуввати мусаввиранинг заифлиги атиббои мутақаддимин наздларида омм бўлуб, хоҳ қувват ўзи заифлигидин ва хоҳ модданинг ноқобиллик жиҳати ила ани тасарруфиға қувватни ожизлигиға шомил бўлса, бу тақдирда аларни китобларида ҳам мажозан мазкур деб ҳисоб этмоқ мумкин бўлур. Аммо фасоди шаклки, ғайри халқий бўлса, бул ҳам икки навъ бўлур. Бири шулки, қуввати мусаввира ва қуввати муғаййира ҳам заиф бўлмас ё модда ҳам миқдорда ва қивомда мўътадил бўлур. Лекин раҳмада (бачадонда) тафаттути увло вақтида фасоди шакл пайдо бўлурки, бу фасод марази фасоддур ва мисоли мохов ва силдур. Бас, маний ғоят даражада нафис ва ғомиздур, бинобарин, гарчи татвили калом (сўз узайиши) бўлса ҳам, муфассал баён қилмоқ лозимдур.

Билмоқ керакки, атиббо истилоҳларида тафаттути увло, деб шул ҳолатни айтурларки, аввалан ота ва онанинг манийларини қуввати

мусаввира раҳмда ишлаб, мажмуъи ажзойи маний мажмуъи жасади инсон бўлмоқға қобил қилур. Ва номини ибтидои хилқат дерларки, ҳар икки манийнинг ақди ва инъиқоди (қуюлиши) шундан иборатдур. Сўнгра ота ва онани манийси томоми бадандин ҳосил бўлуб келганлиги тариқаи ҳусули маний бобида мазкур бўлгон эди. Бас, ота ва онанинг қаю узларидин ҳосил бўлгон маний ажзосини раҳмда қувваи муғаййира ажратиб, фарзандни ўшал узви ҳосил бўладургон маҳалиға тартиб берурки, бу тартибни номини тафаттути увло дерлар. Сўнгра фарзандни ҳар бир узви-мураккабининг моддасидин узви муфрад моддасини муғаййира ажратиб, иккинчи тартиб берур, яъни баъзи моддани устихонга ва баъзи моддани гўштга ва баъзини пайға ва ҳоказо ажратиб берурки, бу тартибни номини тафаттути сониййа (иккинчи бўлиниш) дерлар.

Энди мақсудга ружуъ қилурмизки, агар ота ёки онада бир касал бўлса, масалан, мохов ёки сил касали ориз бўлгон бўлса, ўшал уздин ҳосил бўлгон манийда ҳам мазкур нуқсон ҳосил бўлғони учун тафаттути увло вақтида фарзандни ҳам шул узвида фасоди шакл пайдо бўлур. Аммо моховнинг тафаттут аззосидин фасод шакл аксар баъд аз балоғат (балоғатдан сўнг) зоҳир бўлур. Ва қабл аз балоғат (балоғатдан аввал) маҳфий турар, чунки сағираликда бадан нозик ва серругубат бўлгани учун бу фасодлик зуҳури ва имтиёзиға монёъ бўлур. Ва сил ҳам инчуниндур. Баъд аз балоғат ибтидои зуҳурида аввалан тирноқдин таҳаддуб (букилиш) ва ҳам (эгри)лик пайдо бўлуб, сўнгра ўпкани нуқсони зоҳир бўлур. Ва фасодни зуҳури сўнгроқ маҳсус бўлғониға биноан атиббо ғайри халқий, деб мажозан таъбир қилгондурлар. Ва илло асли модданинг нуқсонни қадимий ва халқийлиги шубҳасиздур.

Ва ғайри халқийнинг иккинчи навъи ҳақиқатан ғайри халқийдурки, бу ҳам икки навъ бўлур. Бири вақти валодатда ва бири баъд аз валодат ориз бўлур. Аммо вақти валодатда ориз бўладургон фасоди шакл шулки, агар боланинг хуружи (чиқиши) табиий тариқада бўлмай, балки букулуб, орқа тарафи билан келса ёки оёғи билан келса, наъувзан биллоҳки, инфитоли варк, яъни сон устихони ьона устихонидин чиқмоқ ёки тизза бўғиғи буралмоқ ёки қўл устихони китф устихонидин чиқмоқ каби кулфат ва фалокатлар бирлан фасоди шакл ориз бўлур. Чунончи, такаввунни жанин (бола пайдо бўлиши) бобида ҳам бул маънийға ишорат қилингон эрди.

Ва гоҳи нотабиий хуружни сабаби бирлан боланинг баъзи аъзоси раҳмга банд бўлуб, чиқолмай қолиб, шу ҳолда бола ҳалок ҳам бўлур. Аммо иккинчи навъи баъд аз балоғат бўлур. Чунончи, болани йўрмага (йўргакка) ўрагон вақтда ҳамма аъзосини муносиб ҳолга мувофиқ қилмай бепарволик ила фосид вазиятда ўраб боғлаган бўлур. Ва бу ҳолда муддатгача ечилмай, шул ҳайъатда қолур ва болани аъзоси ғоятда мулойим ва нозик бўлғони учун мазкур ҳолатга муташокил (шаклдош) бўлуб, фасоди шакл ориз бўлур. Ва бу ҳолат бизни мамлакатларда аксар бешик боғламоқни касридин кўб воқеъ бўлурки, боғлогон побанди (оёқ боғичи)нинг касри ила ҳар икки оёқ, аксар вақтда чап тарафга мойил бўлуб, буралиб қолгон бўлур. Ва ўсув даврида бўлгон боланинг оёғи ҳам шул ҳолга одатланиб ўсиб, фасоди шакл ва кажполик (эгри оёқлик) ориз бўлур. Ва ё хориждин бир ҳодиса воқеъ бўлуб, фасоди шаклга боис бўлур, чунончи, йиқилмоқ ёки зарб емоқ каби воқеъалар фасоди шаклга боис бўлурки, ани зарари ҳаммага маълумдур. Ва ё ҳануз аъзоси мустаҳкам бўлмоғон ҳолда ҳаракатга шитоб қилмоқ ила фасоди шакл ориз бўлур, чунончи, ҳануз аъзоси қотмаган ва ҳаракатга лозим истеъдод ҳосил қилмаган бола тоқатидин хориж ҳаракат қилса, албатта, мумкиндурки, бул сувратда боланинг баъзи аъзосига фасоди шакл ориз бўлғай. Чунончи, аъзосининг бир-бирига ўралиб ёки бир узви камқувватликдин буралиб, шакли фосид бўлғай.

ИНТИБОҲ. Фасоди шакл баёнидин фароғат ҳосил бўлуб, навбат мараз ул-мажорий сабабларни баёнига етди. Билмоқ керакки, мажорий жамъи мажродурки, интиқол (ўтиш) йўли демак маъносидадур. Ва мажро касали уч хил сабабдин бўлмоғи мумкиндурки, бири кенглик ва бири танглик ва бири бандликдур. Бас, мажроларнинг ҳадди иътидолидин кенг бўлмоғининг сабаблари шулардурки, ё қуввати мосиканинг заифлигидин бўлур, ва маълумдурки, қуввати мосика аъзони қабз ва жамъ қилиб ушламоқ учун заиф бўлса, ани муҳолифи бўлгон қуввати дофиъа анга ғолиб бўлур. Бас, ночор мажрони ҳамма ажзосини хориж тарафга дафъ қилур. Ва мажрони ҳамма ажзоси хорижга ва атрофга мундафиъ бўлмоғи, албатта, мажрони кенг бўлмоқига мусталзимдур. Ҳатто агар қуввати мосика мағлуб ва қуввати дофиъа бағоят ғолиб бўлса, ичаклардаги кўзга кўринмоғи мумтаниъ бўлгон ғоятда танг мажролар шул қадар кенг бўлурки, жигарнинг катта-кат-

та қитғалари мазкур мажродин ичакға ўтуб, исҳол ила мундафиъ бўлурлар. Чунончи, мараз ул-мажорида бул қадар вусъатни имкони ни ва ҳам мажройи нотабийни янгидин ҳодис бўлмоғи мумкинлигини баён қилинғон эди.

Ва қуввати мосиканинг заъфиға сабаблар кўбдур ва лекин ала-литлоқ сабаб ахлооти муҳолифи табиат ёки кайфият муҳолифи табиат бўлур. Бас, қориини киромға фаҳми саҳл ул-маром (тушуниш осон) бўлсин учун баъзи мисолини кўрсатиб ўтмоқни лозим кўрарманки, масалан, рутубати борйда (совуқ рутубат)ки, миқдори бағоят зиёда бўлуб, ҳазм ва таҳлили табиатнинг тоқатидин зиёда бўлса, ночор табиат ани таважжуҳидин имтиноъ ва ихтироз қилур. Бас, табиатни таважжуҳиға олат бўлғон қуввати мосика маътал қолур. Ва қуввати дофиъа эса табиатға олатлик вазифасини адо қилмоқлик учун муҳолиф табиат бўлғон рутубатни дафъиға зиёда кўшиш (ҳаракат) қилур. Ва зоҳирдурки, қуввати мосика сокин бўлуб, мажро ажзосини забтиға илтифот қилмаса ва ажзои мажро беҳомий қолса, сўнгра би-л-акс ани хилофиға қуввати дофиъа ғалаба қилиб, мажро ажзосини атрофи хорижийға дафъ қилса, би-з-зарур мажроға тамаддуд (чўзилиш) ва вусъат (кенглик) ориз бўлуб, мазкур рутубатлар мажро воситаси ила мундафиъ бўлуб турар. Чунончи, болаларни заъфи меъда ва истисқо касалларида машҳуддур.

Ёинки, ахлооти ҳодда (ўткир хилтлар)нинг ҳиддати вусъати мажроға сабаб бўлур, масалан, жигарни варами (шиши)да маълум бўлурки, баданға сафрони тараладурғон мажроси варама бирлан сиқилиб банд бўлса, ўтни сафроси ғалаба қилиб, меъда ва ичакға кўпроқ тўкилур ва ҳиддати (тезлиги)дин табиат озурда бўлуб, андин ихтироз (эҳтиёт) қилур. Бинобарин, олати табиат бўлғон қуввати мосика ҳам муҳолиф табиат бўлғон сафрони имсокиға (тутиб туришиға) илтифот қилмай, мажро ажзосини бўшатиб юборур. Ва би-л-акс қуввати дофиъа ул озордин табиатни халос қилмоқ учун мажро ажзосини атрофға дафъ қилур. Ва равшандурки, қуввати мосика нафрат бирлан мажро ажзосини бўшатиб турғон ҳолда қуввати дофиъа ани ҳамма ажзосини атрофи хорижийға дафъ қилса, ло маҳолата (нонлож) мажроға вусъат (кенглик) ориз бўлуб, тобора сафроға йўл очилур. Ва пайдарпай сафро мундафиъ бўлуб турар. Чунончи, заҳир, яъни юрак буруғи касалида машҳуддур.

Ёинки, дохилдин бир заҳари кайфий ёки аразий лоҳиқ бўлур. Чунончи, бир хилт ҳиддати ғариба ҳосил қилурки, ул ҳиддат табиатға тамом хилоф бўлур. Бинобарин, табиати мазкур муҳолиф ҳиддати-дин халос бўлмоқ учун ўз олати бўлгон қуввати мосикани имсоқдин манъ ва наҳй қилур. Балки бил-ъакс ани дафъи учун қуввати дофиъаға фармон берур. Ва ҳувайдо (равшан)ки, мажро ажзосини забтидин мосика мамнуъ бўлгон ҳолда қуввати дофиъа ани ҳамма ажзосини атрофға дафъ қилса, би-з-зарур мажроға васиълик ориз бўлуб, ахлот ва рутуботи табиийи ва ғайри табиийиалар мундафиъ бўлуб турарлар. Чунончи, ҳайза (ич кетиш) касалида машҳуддур. Ва инчунин, маълумдурки, агар бир киши заҳари ҳақиқийдин ичган бўлса, ани заҳаридин табиат ижтиноб қилиб, қуввати мосикани мажро имсокидин наҳй қилур. Ва би-л-акс қуввати дофиъаға заҳарни дафъи учун фармон берур ва бадиҳийдурки, қуввати мосика мажро ажзосини имсокидин мамнуъ бўлгон вақтда қуввати дофиъа ани ҳамма ажзосини атрофға дафъ қилса, би-з-зарур мажроға васиълик ориз бўлуб, заҳарнинг таъсириға тобора йўл очилиб, тамоми баданға сироят (таъсир) қилур. Ва баданнинг рутубатлариға йўл очилиб, исҳол (ич кетиш) ила мундафиъ бўлуб турарлар, чунончи, заҳар ичган кишиларни ҳоли машҳуддур. Балки хориждин бир заҳари ҳақиқий ва ё заҳари кайфий ориз бўлуб, мажрони вусъатиға сабаб бўлур. Чунончи, хориждин ориз бўлгон заҳари ҳақиқийнинг мисоли заҳардор ҳайвонотни чақмоғидурки, буларни тамоми баданға ва ё баъзи узвға сирояти ва мажрони ҳам кўб васиъ қилмоқлари мазкур заҳарни қуввати ва ё заифлигиға назаран тафовутлик бўлур.

Ва инчунин, баъзиси қотил ва баъзиси зойил бўлурки, мунга ҳам сабаб заҳарнинг қуввати ва заъфининг тафовутидур. Баҳар ҳол заҳар зоҳири баданға ориз бўлса, табиат андин нафрат қилуб, ани имсокидин қуввати мосикани наҳй (манъ) қилур ва қуввати дофиъа ани дафъиға жиддий ҳаракат қилур. Ва ошкородурки, қуввати мосика мажро ажзосини тасарруфиға мамнуъ ҳолида қуввати дофиъа мажрони ҳамма ажзосини атрофға дафъ қилса, шубҳасиз, мажро ва масомға вусъат пайдо бўлуб, заҳарнинг баданға сирояти учун йўл очилур. Лекин заҳар заиф ва камқувват бўлса, баданға андак сироят ила паришон бўлғони учун яна заифланур. Сўнгра табиат анга голиб бўлуб, дафъ ва зойил қилур. Бинобарин, заиф заҳарни

номини заҳри зойил дерлар. Чунончи, ари чаққандаги заҳрининг заволида машҳуд бўлур. Ва агар бу даражадин бақувватроқ бўлса, баданнинг кўброқ миқдориға сироят қилуб, сўнгра паришонликдин заифланур. Ва табиат ани бамашаққат зойил қилур. Чунончи, шаййола чаённинг заҳарида бу ҳол зоҳирдур. Ва агар бу даражадин ҳам бақувватроқ бўлса, баданға сирояти ҳам кўброқ ва заволи ҳам қийинроқ бўлур. Ва ҳатто баъзан ўлдирмоқ хавфи ҳам бўлур, чунончи, шаййола чаёнининг заҳарида машҳуддур.

Ва агар гоят даражада заҳар бақувват бўлса, баданға сирояти ва паришонлиги бирлан заифланмас, балки тобора табиатға голиб бўлур ва табиат нафрат бирлан андин ижтиноб қилур, оқибат тамоми баданға заҳар мунташир (ёйилган) бўлуб, ҳалок қилур. Бинобарин, ани заҳри қотил дерлар. Чунончи, йилон чақғонда ёки ёмон ўргимчак чаққанда бу ҳолат машҳуд бўлур. Ва бу хил ўргимчакни арабда рутайло ва туркийда бий ва қорақурт ҳам дерлар. Ва инчунин, хорихдин заҳари кайфий ориз бўлса ҳам баданға лоҳиқ бўлғонида табиат андин нафрат қилур. Ва қуввати мосика ани имсокидин ҳазар қилур. Бинобарин, мажро ажзосини забтиға ҳам илтифот қилмас. Ва қуввати дофиъа ани дафъи учун жиддий ҳаракат қилур ва натижада мажро ажзосини атрофға дафъ қилғон сабаблик мажролар ва масомларда вусъат ва тамаддуд ҳосил бўлуб, мазкур заҳарни тамоми баданға таралмоғи учун йўл очиқ бўлур. Ва табиат ҳам ҳамон нафрат ила ижтинобда давом этуб, оқибати аксар ҳалок бўлур. Чунончи, ҳавои вабойда машҳуддур.

Ва мажрони вусъатиға боис бўлғувчи бошқа сабабларни шул мисолларға қиёсан бишмоқ мумкиндур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, қуввати мосика ва қуввати дофиъа ҳақиқатан қуввати нафсониййани шўъбаларидин бўлуб, қуввати табииййадин муғойир (ўзга)дур, лекин заҳарни кайфиятидин табиат нафрат ва ижтиноб қилса, анга итоатан мосикани ўз феълидин тўхтамоғи ва дофиъани ҳам табиатан ҳимояси учун жиддий ҳаракат қилмоғи ҳақдур. Бинобарин, одати атиббода ушбу қувватларға табиат ҳукм ва фармон берур, демоқ мажозан расм бўлғондур. Ва илло ҳақиқатан қуввати нафсониййа фармон берур, чунки қуввати нафсониййа ва қуввати ҳайвониййа ва қуввати табииййа ҳар бири баданни тарбия ва тасарруфиға машғул

бўлгонлигини иттиҳоди мақсуд (мақсад бирлиги) муқтазосича, бир-бирларига ҳомий ва муъин (ёрдамчи) ва бир-бирларини мановиёга жалиб (фойдасига қизиқувчи) ва музор (зарар)ларига дофиъ (даф этувчи)дурлар. Бинобарин, ҳар бирлари он дигар (бошқа)ларига муъованат (ёрдам)да гўё бир қувват каби жалби манфаъат ва дафъи мазарратда иштирок этурлар.

Ва ё мажроларни ҳадди иътидолдин кенгроқ бўлмоқиға қуввати дофиъани шиддатлик ва жиддий ҳаракати сабаб бўлур. Ва маълумдурки, агарчи қуввати мосика зотан заиф бўлмаса ҳам, ани муҳолифи бўлгон қуввати дофиъани ҳадди иътидолдин зиёда ҳаракати, албатта, қуввати мосикаға ғолиб бўлур. Бинобарин, мажро ажзосида ҳар тарафдин хорижға ва тамаддуд ориз бўлурки, ани ҳосиласи ла маҳолат (чорасиз) вусъатдур. Бу икки сабаб, яъни заъфи мосика ила қуввати дофиъа баданий сабабдур. Лекин қуввати дофиъани иттисоъи мажро (йўл кенгайиши)ға сабаблиғи би-з-зотдур. Аммо заъфи мосикани сабаблиғи би-л-араздур. Чунки мажрони мосика кенгайтирмас, балки мажро ажзолари қабз ва забт таъсиринин холий қолсалар, худ-бахуд (ўз-ўзидан) бўшашиш ёки дофиъа қувватиға мағлубликдин вусъат ориз бўлур.

Ва ё мажроларни очиб, кенг қилғувчи давои муфаттиҳлар (очувчи дорилар)ни истеъмоли сабаб бўлур, чунончи, оқирқарҳо (назла ўти) ва дорчиний (долчин) бунга ўхшаш моддани зойил қилиб, мажрони очадурган даволарни истеъмоли сабаб бўлур. Ва ё давои мураххийларни (суст қилувчиларни) истеъмоли, чунончи, хитмий ва иккилул-малик (қашқарбеда) ва лодан ва бунга ўхшаш иссиқ ва ҳўл мизожлик мураххий даволар мажрони иттисоъиға (кенгайишиға) сабаб бўлур. Бас, бу икки хил сабаб ғайри баданий сабаблардур. Лекин иттисоъи мажроларға давои муфаттиҳнинг сабаблиғи би-з-зотдурки, давои мазкурни асли табиий феълидур. Аммо мураххий давои сабаблиғи би-л-араздурки, мураххий бамаънои сусткунанда ва бўшаштирғувчи демакдур. Ва мазкур даволар мажрони суст қилиб, бўшаштирар ва мажро ажзосинин ижтимоъ (ийғилиш) ва инқибоз (торайиш)ни зойил қилур. Ва бу ҳолат ўзича иттисоъ (кенгайиши)ни ориз бўлмоғини лозим тутар.

АММО МАРАЗ УЛ-МАЖОРИЙ (ЙЎЛЛАР КАСАЛИ)нинг иккинчи қисми мажронинг танг (тор)лиғидур. Ва анинг сабаблари ҳам мажро кенглиғи учун кўрсатилган сабабларни зидлари, чунончи, қуввати мосикани

бақувватлиги ёки қуввати дофиъани заифлиги ёки адвиййаи қобизани истеъмоли каби сабаблардурки, анга тақрор баёниға ҳожат йўқдур.

АММО МАРАЗ УЛ-МАЖОРИЙнинг учинчи навъи мажронинг бандлигидур. Ва мажро бандлигиға беш хил сабаб бўлурки, ё мажроға бир жисми ғариб пайдо бўлуб, мажрони банд қилур. Ва жисми ғариб (бегона жисм) оммдурки, асли бадан жинсидин бегона бўлгон ва жузви бадан бўлмагон нарсаларға шомилдур, чунончи, масона (қовуқ) мажроси (йўли)ға пайдо бўлгон тош каби. Ва маълумдурки, бул тош бадан жинсидин тамоман хориж ва бегона жисмдур. Ва ё жисмики, ани ғаробати (бегоналиги) миқдор жиҳатидин бўлур, чунончи, қўб миқдор тафл (чўкма) ва фазла (чиқинди) мажроға келуб, жамъ бўлур. Ва миқдорни кўблиги мажродин ўтмоқға монёъ бўлуб, мажро банд бўлур. Ва тафл ўзи тош каби жинси бадандин зотан хориж бўлмаса ҳам, лекин фазлан хориждур, яъни жинси бадан бўлгон ғизодин ва ёки андин ҳазмда ажралгон фазласидур. Ва ул жисмни ғаробати кайфият жиҳатидин бўлур. Чунончи, жинси бадан бўлгон рутубати табииййа бўлса ҳам, лекин кайфиятида ғализлик ва лузужат (ёпишмоқ)лик бўлгон сабабидин танг мажродин ўтмоқға қуюқлиги ва шираси монёъ бўлуб, мажрони банд қилиб, тўхтатиб қолур.

Ва ё мажро ғўшт билан тўлиб, банд бўлиб қолур. Чунончи, мажро маҳаллидин бир жароҳат пайдо бўлуб, сўнгра яна битиб қолгон бўлур. Ва жароҳатни битмоғида мажро ҳам битиб қолгон бўлур. Ва мажро ўз-ўзиға мунтабиқ, яъни бир тарафи иккинчи тарафига тегуб, ўртадаги йўлни банд қилиб қолур. Ва бу интибоқ (тегиб қолиш) ҳам оммдурки, хоҳ аразан (энига) ва хоҳ тавлан (узунасиға) бўлсин, чунончи, аразан интибоқнинг мисоли мажронинг ёнида ориз бўлгон варам (шиш)-дин ҳосил бўлурки, варамнинг ҳажми зиёда бўлса, ёнида воқеъ бўлгон мажрони сиқиб йўлини банд қилур. Чунончи, варами жигарда ўтни мажроси банд бўлуб, ярақон (сарик) касали ориз бўлур ёки ажваф томурини мажроси банд бўлуб, истисқо (сарик сув) касали ҳосил бўлур. Ва тавлан интибоқни мисоли шулки, ичаклардин бири букланиб қолиб, юқоридаги ичакда бўлгон тафл ўз оғирлиги ила тобора букланган маҳаллни босиб, ёзилмоқға имкон қўймас, чунончи, қўланж ва ийловус касалларини баъзи навъларида машҳуддур.

Ва ё шиддатлик совуқ таъсири бирлан мажро мунқабиз (торайган) ва банд бўлур. Зероки, шиддатлик совуқ мажронинг ҳамма ажзолари-

ни ҳамма жониб (томон)дин тортиб жамъ қилур. Ва ажзоларни бир нуқтада жамъ бўлмоқлари мажрони банд бўлмоғига мусталзимдур. Ва ё қуввати мосикани бағоят бақувватлигидин мажро банд бўлур. Зероки, қуввати мосика, агар бағоят бақувват бўлса, мажронинг ҳамма ажзоларини тортиб, жамъ қилуб, мажрони ўзиға лозим бўлган вазиятини тағйир берур, яъни банд қилур. Баҳарҳол варамнинг мужоварати ва шиддати барднинг ва қуввати мосиканинг қабзи мажрони мунтабиқ (мувофиқ) қиладурган сабаблардандур. Ва интибоқ ва илтиҳоми жароҳат (жароҳат битиши) ва вуқуъи жисми ғариб инсидодни, яъни мажронинг банд бўлмоғини сабабларидиндур. Ва марази авъийяни сабаблари ҳам айнан мараз ул-мажорий сабабларидур. Бинобарин, такрор зикриға ҳожат бўлмади.

ФОИДА. Билмоқ керакки, мараз ул-мажорийда мажро кенглиги ва танглиги ва бандлигиға баён қилинғон сабаблар аксари муддати ҳаёт асносида ориз бўладурган сабаблардурки, мазкур маразлар шул сабаблар ила ориз бўлурлар.

Ваҳоланки, бизни мабҳасимиз (баҳсимиз) мараз ул-хилқат (яратилишдаги касаллик) ақсом (қисмлар)ининг баёнида эрди. Бинобарин, мавриди иштибоҳдур. Бас, билмоқ керакки, мараз ул-мажорий икки навъ бўлурки, халқий ва оризий бўлур. Халқий бўлғон навъи ибтидои хилқатда (яратилишда) асбоби ботинийя (ички сабаблар) ила раҳмда воқеъ бўлурки, анга илож мумкин эрмас. Ва бу мабҳасда шул навъ муроддур. Ва оризий навъи баъдаз валодат (туғилишдан сўнг) мазкур сабаблар ила ориз бўлур ва қобил ул-илождур. Бас, вазифаи атиббо аҳволи бадани инсондин баён бўлғони учун ва ҳам бу китоб аҳволи бадани инсон баёнида қонуни басит (кенг қонун) бўлғони учун оризий ва қобил ул-илож бўлғон сабабларни ҳам қориийни киром хотирлариға тақдим қилиб ўтмоқни лойиқ кўрдимки, фониддин холи бўлмас.

Аммо мараз (касаллик)нинг тўртинчи қисми мараз ус-сафойиҳдур, яъни зоҳири бадан касалидур. Ва бадан икки ҳолдин холи бўлмаски, ё хушунатлик ва дағал бўлур ё малосатлик ва текис бўлур. Аммо хушунатнинг сабаби гоҳи доҳили бадандин бўлур. Чунончи, ҳиддатли ва шадид ул-жило ва сарий ун-нуфуз (тез ўтувчи) бўлғон модда доҳили баданда пайдо бўлур. Сўнгра ўзининг ҳиддати ила бадан сатҳида бўлғон лузужатли рутубатлардин ўтиб, зоҳири бадан-

ға ва пўстға чиқар. Ва пўстда хушунат ва дағаллик эҳдос қилур. Чунончи, гўш касалида машҳуддур. Ва гоҳи хорижи бадандин бўлур. Чунончи, дуд ва ғубор ва лой ва гаж каби қуруқ нимарсалар баданға мулоқот қилуб, ўз йубусати (қуруқ) мизожийлари ила баданға хушунат ва дағаллик эҳдос қилурлар. Бас, бу дағаллик ҳам аразий ва ҳодис касалдурки, ҳодис сабабдин ориздур. Ва марази хилқат навъи асбоби ботиний сабаби ила раҳмда пайдо бўлур. Аммо сабаби малосат ва текислик ҳам гоҳи дохили бадандин бўлур. Чунончи, лузужатлик ва ширадор бир хилт зоҳири баданға чиқар. Ва маълумдурки, агар хилти лазиж зоҳири баданға сироят қилса, пўст ажзоларини чуқурлари мазкур хилти лазиж бирлан тўлиб текис бўлур. Ва ҳеч чуқурлик ва дўнглик маҳсус бўлмас. Бас, би-з-зарур сатҳи баданда сафолик пайдо бўлур. Ва гоҳи бул сабаб хорижи бадандин бўлур. Чунончи, ёғ бирлан қўшиб эритилгон мумки, номини қийрутий дерлар, зоҳири баданға ани истеъмоли албатта, сафҳайи узвдин (аъзо юзидин), такосуф (зичлик) ва дуруштликни (дағалликни) зойил қилур. Ва бу сабаблар ҳам баъзан халқий ва туғма бўлур. Масалан, туғма барас ва туғма гўш ва заҳм каби. Ва марази хилқатдин мурод шулдур.

Аммо мараз ут-таркибнинг иккинчи ва учинчиси бўлгон мараз ул-миқдор ва мараз ул-адад икки хил бўлурки, узви табиийдин зиёда бўлур ёки кам бўлур ва ҳар бири яна икки навъ бўлурки, ё ани моддаси яхши ва солиҳ бўлур ёки ёмон ва фосид бўлур. Бас, зиёда миқдор ва зиёда ададни сабабларидин бири модданн миқдори табиийдин зиёдалигидурки, зиёдаси ҳам қадри ҳожат моддага бориб замм (қўшилиш) топар. Ва модданн зойид омдурки, хоҳ қобили узв ва солиҳ бўлур ёки ғайри қобил ва фосид бўлур. Аммо солиҳ модда баданға бир зиёдаликни эҳдос қилурки, ул зиёдани мисли баданда мавжуд бўлур. Чунончи, панжани беш ададдин зиёда бўлмоғидур. Аммо моддаи ғайри солиҳ ва фосидни зиёдаси баданда бир зиёдаликни эҳдос қилурки, ани мисли баданда мавжуд эрмас. Ва мисоли сўгал ва гуддалардур. Аммо миқдор ва адади табиийдин аъзони ноқис бўлмоғиға сабаб ҳам асли моддани ноқислигидур. Чунончи, панжани беш ададдин кам бўлмоғи ва ё бошни миқдори табиийдин кичик бўлмоғи ёки қулоқни ярим шаклда чиноқ бўлмоғи кабидур. Ва ё миқдори табиий узвдин зиёдаликни сабаби қуввати жозибани бақув-

ватлиги бўлурки, такаввун вақтида ва ёки баъд аз валодат моддани кўпроқ жазб қилур. Хоҳ қуввати жозибани ўзи бақувват бўлур, хоҳ молиш бирлан унга иъонат берилгон бўлур ва хоҳ зифт (смола) ва хардал (қичи) каби баданни қизитадурган даволарни зимод қилинган (боғланган) бўлур, аларни иъонати бирлан қувваи жозиба кучайган бўлур. Ва зоҳирдурки, баданга қизитадурган давони истеъмоли ва молиш (уқалаш) масомларни кенгайтириб, ҳарорати ғаризийяни қўзғатиш бирлан қуввати жозибага иъонат берур.

Ва жозиба ҳам зиёда қувват ҳосил қилиб, моддани қадри ҳожатдин зиёда жазб қилур. Ва зиёда моддадин зиёда миқдор узв ҳосил бўлур. Аммо адади табиий ва миқдори табиийдин ноқис бўлмоқни сабаблари ё қуввати мусаввирани хатосидурки, раҳмда моддани шакли аъзога тасвир қилмоқда миқдори таркибда хато қилиб, миқдори табиийдин камроқ моддани тасарруф ва тасвир қилгон бўлур. Аммо ҳақим Абу Саҳл ал-Масиҳий бу маънини қабул қилмай, қуввати мусаввиранинг хатоси сабаби нуқсон бўлолмас, зероки, агар модда ноқис бўлмай, комил миқдорда бўлса, мусаввиранинг шаклидагина бўлмоғи мумкиндурки, шакли фосидда тасвир қилур ва миқдорда хато қилмас, дерлар.

Ва жумҳури атиббо ҳақим Абу Саҳл ал-Масиҳийнинг бу қавллариға рад учун дерларки, бовужуди аслда моддаи аъзо кўб бўлса ҳам, лекин ани тасвир қилмоқда қуввати мусаввира хато қилса, узвда нуқсон бўлмоғиға албатта, сабаб бўлур. Зероки, агар қуввати мусаввира тасвирда моддаи узвнинг миқдорида хато қилса, албатта, икки ваҳждин холи бўлмаски, ё ҳамма моддани бир узвга сарф қилур ва бошқа узвни қадри ҳиссасини ажратмаган бўлур. Масалан, беш адад панжа учун кофий бўлган моддани хато ила бир адад ёки икки адад панжани тасвирға сарф қилгон бўлур. Бул тақдирда, агарчи, модда комил миқдорда бўлса ҳам, лекин мусаввиранинг хатоси бирлан панжанинг ададида нуқсон бўлур. Ва панжани адади беш адад бўлса ҳам, лекин ҳар бир панжа моддасини миқдорида хато қилгон бўлур, бир панжаға ўз қадри ҳиссасидин кўброқ моддани сарф қилиб, бошқа панжаларда ўз қадри ҳиссаларидин камроқ модда сарф қилгон бўлур. Ва бу тақдирда, агарчи модда кофий ул-миқдор (старли) бўлса ҳам, лекин мусаввиранинг хатоси бирлан баъзи панжалар миқдори табиийларидин ноқис бўлурлар. Бас, мусаввирани хатосидин нуқсон ҳосил бўлмоғи мумкин ва мутасаввурдур, дерлар.

Аммо фақир дерманки, жумҳури атиббо ила ҳақим Масиҳийнинг миёналарида низоъ лафзий бўлуб, маъний мақсуд (мақсад маъноси) муттаҳид (ягона) кўринар. Ва таъйини мурод бирлан ҳар икки қавл бир-бирлариға мувофиқ ва муттаҳид бўлурлар. Зероки, хатои мусаввира нуқсонға сабаб бўлмас, деганларидин ҳақим Масиҳийнинг муродлари зоти хатоға назарандур. Ва зоҳирдурки, фоъили комил ҳар вақт моддаи қобилға таъсир қилса, даражаи таъсири баъътибори фоъилият албатта, собит бўлур, хоҳ савобан, хоҳ хатоан бўлсин. Аммо нуқсоннинг зоти хатоға, яъни баданни нуқсонига ҳеч дахли йўқдур. Аммо жумҳурнинг хатои мусаввира сабаби нуқсон бўлур, демакдин муродлари билараздур, на би-з-зот. Зероки, қавли жумҳурдин ҳам хатои мусаввирани нуқсондин мунҳасирлиги мустафод бўлмас. Чунки алар дерларки, агар баъзи узвға кўброқ моддани сарф қилса, боқий узв учун модда ноқис қолур ва зоҳирдурки, баъзи узвға мусаввира моддани кўброқ сарф қилса, албатта, ул узвда зиёда миқдорлик пайдо бўлур. Бас, мусаввиранинг хатосидин би-з-зот нуқсон бўлмайди. Балки моддани бир тарафға зиёда сарфидин иккинчи тарафида модда би-л-араз ноқис бўлдики, бу маъни бизни мабҳасдин хориждур. Бинобарин, низоъ лафзийдур. Фа-тааммул (фикр юрит).

ФОИДА. Билмоқ керакки, мазкур бўлгон сабаби нуқсонлар ҳаммаси асбоби халқийдиндур. Ва булардин бошқа асбоби нуқсон ҳам кўбдурки, алар баъд аз валодат асноий умрда ҳодис бўлмоғи мумкиндур. Бас, бу сабабларнинг баъзиси хорижи бадандин ориз бўлур. Чунончи, бир узвнинг кесилмоғи ва ё куйиб нобуд бўлмоғи каби сабаби нуқсонлардур. Ва ё доҳили бадандин ҳодис бўлур. Чунончи, моддаи окила (еювчи модда) доҳилдин пайдо бўлуб, узвни фосид ва баданни ноқис қилурки, турк истилоҳида ани ел дерлар. Ва буларнинг камоли равшанлигига эътиборан кутуби мутақаддиминда асбоби мунқисс (нуқсонли сабаблар) қаторида баён қилмагандурлар.

Аммо асбоби фасоди вазъки, мараз ут-таркибнинг тўртинчи қисмидур ва вазъни маъниси юқорида мазкур бўлгондур. Бас, бу сабаби фасоди вазъ бир узвни яна бир узвға яқинроқ ёки узоқроқ бўлмоғи жиҳатидин бўлур. Чунончи, бир моддаи мушаннижа, яъни тортувчи модда бўлурки, пайни ва работни тортиб турар. Ва узвни инбисоти ва қуввати муҳаррикаға итоат учун монез бўлур. Бас, ул узвлар на бир-бириға яқин келмоққа ва на узоқлашмоққа қодир бўлолмас. Чунончи, ташаннуж (тортишув)

ва тамаддуд (чўзилув) касалларида машҳуддур. Ва ё ул сабаб моддаи мураххий, яъни узвни сушт қилгувчи модда бўлурки, узлаларни ҳаракати иродийга иттифоқи монъе бўлур. Бас, сушт бўлгон узвлар бири-бирига табиат муқтазосича, яқинлашмоқ ёки узоқлашмоқлари мумкин бўлолмас. Ва ё жароҳат асари сабаб бўлур. Ва зоҳирдурки, гоҳи жароҳатнинг битмоғи иттифоқан чунон бўлурки, бир тарафи тортилгон ҳолда битиб, узвнинг ҳаракатиға монъе бўлур ва бу ҳол аксар кўзни юқори пилкида пайдо бўлгон жароҳатни даво қилмоқда суъи тадбирнинг касри билан юқори пилк тортилиб қолур ва паст тараф пилкға етолмас. Ва ё мафсил (бўгин)да бир хилтни қотиб ё қуриб қолмоғи сабаб бўлурки, узвнинг ҳаракатиға монъе бўлур ва хилтни мафсилда қурумоғи ила қотмоғининг фарқи шулки, хилтни қурумоғиға сабаб ҳароратдур.

Зероки, қурумоқ ажзон рақиқани, яъни ҳўлликни таҳлил топиб, фано бўлмоғини лозим тутарки, ҳўлликни фаносиға сабаби фобийий албатта, ҳароратдур. Аммо хилтнинг қотмоғи омм (умумий)дурки, ҳарорат билан қуриб қотмоқға ва совуқ асаридин жамод бўлиб қотмоқға шомилдур. Аммо бу мавридда ҳарорат билан қотгони биринчи қисмға дохил бўлгони учун иккинчи қисм мураддурки, совуқ асаридин мунжамид бўлгон хилт сабаби фасоди вазъ бўлур. Ва ё ҳаракати нотабийининг ифроти ҳам сабаби фасоди вазъ бўлур, зероки, ҳаракат баифрот таҳлили рутубот ила йубусат ва қуруқликни эҳдос қилур ва фазлани ва бодни ҳаракатға киргизуб, мазкур ҳаракати нотабийий шаклиға мушокил (шаклдош) қилур. Ва узв ҳам мазкур шаклға одат қилур. Чунончи, аксари муқаллидларни ҳоли машҳуддурки, тақлид қилгон шакллариға ўзлари мубтало бўлурлар. Ва мардум ани дуойибад асари дерлар.

ТАНБИҲ. Ушбу мазкур бўлгон сабаблар ҳаммаси оризий сабаблардурки, баъд аз валодат ориз бўлуб, вазъияти узвға фасод эҳдос қилурлар. Аммо фасоди вазъи мавлудий (туғилишдаги фасод) ҳам бўлурки, ботиний сабаблар ила раҳмда ҳодис бўлур. Чунончи, баъзи болаларда машҳуд бўлурки, баъзи панжаси баъзисиға ёпишган бўлур.

Ва билмоқ керакки, то шул жойғача марази муфраднинг иккинчи навъи бўлгон мараз ут-таркибни асбобининг (сабабларининг) баъни мазкур бўлди.

Энди учинчи қисми бўлгон тафарруқ ут-иттисол сабабларининг баъниға шуруъ қилурмиз.

АММО ТАФАРРУҚ УЛ-ИТГИСОЛ икки навъ бўлурки, ё дохийий сабаблардин бўлур, чунончи, хилти аккол (еювчи хилт)ки, ўз ҳиддати (ўткирлиги) бирлан узвнинг ажзоларини фосид ва фано (йўқ) қилуб, ҳануз фано бўлмоғон ажзони бир-биридин тафарруқ ва жудолиғига сабаб бўлур. Чунончи, баъзи жузом, яъни мохов касалида машҳуд бўлур. Ва ё хилти муҳриқ ва куйдиргувчи бир узвга голиб бўлуб, узвнинг ажзосини куйдириб, мутафарриқ қилур. Чунончи, жигариға зусанториё касали ориз бўлғон кишиларнинг баъзисида машҳуд бўлурки, жигар ажзоси мутафарриқ ва қитъа-қитъа бўлиб, бироз (ахлат)ға қўшилиб тушар. Ва бу тафарруқға мазкур хилтнинг ладғи (санчиши) ва ихроқ (куйдириш)идин бошқа сабаб бўлмас. Ва ё хилти содиъ, яъни ўз хўшкийяти (қуруқлиги) ила узвни ёрадургон хилт бир узвга жамъ бўлиб, узв ажзосини мутафарриқ (жудо-жудо) қилур, чунончи, савдо ёки сафро бир узвга жамъ бўлуб, зоҳири баданға тўда (жам) бўлғон кишиларнинг мазкур узвларида ёрилиш пайдо бўлур.

Ва маълумдурки, ҳўл узвнинг зоҳир тарафиға агар қуруқлик ориз бўлса, ани ажзосидаги рутубати фоний бўлиб, рутубатни ўрни холи қолмоғи лозим бўлур ва холийлик мумкин бўлмас ва боқий ажзо ҳам ани нуқсонини тўлдирмоқға кифоя қилолмас. Ва ноқис бўлғон зоҳири ажзони ичиға ботин ажзони ҳажми сиголмас. Бас, ночор зоҳирда ташаққуқ ва ёрилиш воқеъ бўлур. Ва ё имтилоий мумаддид сабаб бўлур, яъни бир узвга ўзини ажзосидин бошқа бегона нимарсалар келиб, ажзони бир-биридин мутафарриқ қилиб, аросиға кирарлар. Ва бу сабаблар кўб хил бўлурлар, лекин мисол учун тўрт-беш хилини кўрсатурларки, биринчиси боддур. Ва зоҳирдурки, бир узвга кўб миқдор бод ҳужум қилса, албатта, бод учун макон лозимдур. Бас, бир узвнинг ажзосиға аралашиб, ўзиға макон ҳосил қилғон бод мазкур узвнинг ажзоларини бир-биридин мутафарриқ қилмай туриб, ўзиға макон тополмас ва мутафарриқ қилса, миёнада холий бўлғон жойдин макон олур.

Иккинчиси хилтдурки, хоҳ узвни ҳўл қилғувчи хилт бўлсин ва хоҳ қуригувчи хилт бўлсин, оммо (умумий)дур. Аммо ҳўл қилғувчи хилтнинг тафарруқи итгисолға сабаб бўлмоғи шу тариқадурки, аввалан мазкур хилтнинг рутубати узвнинг работларини суст қилиб, андак баҳона бирлан бир-биридин кўчмоқ ва тойилмоғиға қобил ва муқтадир (қодир) қилур. Сўнгра батадриж мазкур рутубат ажзони тойдируб, аро-

сиға сингиб кирар. Аммо қуруқ ва қуритувчи хилтнинг тафарруқи ит-тисолға сабаб бўлмоғи зоҳирдурки, хилти содиъда мазкур бўлди.

Ва учинчи сабаб қуввати дофиъанинг мажрои табиийдин зиёда ҳаракатидурки, қўб миқдор фазлани бир узвға дафъ қилурки, ани имтилосидин узвға тамаддуд ва таранглик ориз бўлуб, ночор тафарруқ эҳдос қилур.

Ва тўртинчи сабаб имтило ҳолатида узвнинг ҳаракатидур. Хоҳ у ҳаракат шиддатлик ва меҳнатлик бўлсин, хоҳ бешиддат бўлсин. Зероки, ҳаракатнинг би-з-зот таъсири тахсин ва қизитмоқдур. Ва қизимоқда узвнинг ҳажми йўғон ва мағзида тахалхул пайдо бўлур. Ва узвнинг зоҳир тарафи ботиниға танглик қилиб, ночор тафарруқ пайдо бўлур.

Ва бешинчи сабаб сайҳадур, яъни куч бирлан қаттиқ овоз қилмоқдур. Ва маълумдурки, зўр сайҳада тамоми баданға, хусусан, ўпка ва ҳижоби ҳожизға тамаддуд ориз бўлур. Ва тамаддуднинг натижасида бадандаги бухоротға тазийқ ва маконлариға танглик ориз бўлур.

Ва бухорот ўз маконлариға сиғолмай ночор атрофларидин тафарруқ эҳдос қилурлар ва ҳоказо ботиний сабаблар кўбдур. Аммо хорижий сабаблар, чунончи, тиг бирлан кесилмоқ ва арқон бирлан маҳкам боғланмоқ, оловда куймоқ ва зарб бирлан ёрилмоқ ва эт узилмоқ ва зўр тамаддудға боис бўладургон оғир юк кўтармоқ ва дарранда ҳайвонотнинг тишламоғи, ҳашороти ҳайвонотийнинг чақмоғи каби воқеъалар ҳаммаси сабаби тафарруқи иттисолдур. Бас, шунинг бирлан асбоби мумризанинг (касалик пайдо қилувчи сабабларнинг) навълари тамом бўлди. Энди учинчи мақоланинг тўртинчи фаслиға шурув қилурмиз.

ТЎРТИНЧИ ФАСЛ БАДАНИ ИНСОННИНГ АҲВОЛИҒА МИЗОЖ ЖИҲАТИДИН ДАЛОЛАТ ҚИЛАДУРГАН АЛОМАТЛАР БАЁНИДАДУР

Ва бу аломат тўрт қисм бўлур ва ҳар қисмини алоҳида баён қилур-миз.

Аммо ҳозирда аломатнинг мънисини равшанроқ баён қилмоқни муносиб кўрилур. Билмоқ керакки, тиббий саноатда аломат, деб шундоқ нимарсани айтурки, ани воситаси бирлан бадан ҳолатларидин бир ҳолатға истидлол қилмоқ (далил олмоқ) мумкин бўлса,

чунончи, сиҳҳатга ёки маразга ёки Жолинус мазҳабиға назаран сиҳҳат ила мараз миёнасиға восита бўлгон ҳолатға истидлол қилиб билмоқға сабаб бўлса. Ва атиббо урфларида аломат ва далил ва араз ҳар учи ҳам маънода бир-бирларига яқиндурлар. Лекин Ҳаким Қарший дерларки, аломат далилға назаран омм (умумий)роқдур ва аломат ила далил ҳар иккиси аразға назаран оммдур. Зероки, муҳаққиқин (текширувчилар) наздларида аломат ила далил сиҳҳатға ва маразға мустаъмал (ишлатилувчи)дур, аммо араз фақат маразға мустаъмалдур, дерлар. Ва аксари атиббо дерларки, араз табиб учун аломатдур, токи ани воситаси бирлан истидлол қилиб, аҳволи баданға илми жазмий ва ҳазоқат ҳосил қилур. Ва мариз (бемор) учун араздур, токи ани бирлан маризға мараз (касаллик) ориз бўлур.

Ва билмоқ керакки, аломат икки навъ бўлур. Бири шулки, аломат бирлан ҳолатни миёнасида бошқа восита бўлмас, чунончи, титрамоқ безгакни аломатидурки, сўнгидин безгак иситмаси муқаррардур. Ва безгак деб, томурдин хорижда уфунат (саситиш) пайдо қилгон хилдин ҳосил бўлгон иситмани айтурлар ва зоҳирдурки, титроқ сўнгидаги иситманинг миёнасида ҳеч восита йўқдур. Ва инчунин, бир ҳолатға бевосита далолат қиладургон аломатлар кўбдур. Ва иккинчи навъ аломат яна бир бошқа аломатға далолат қилурки, ул аломат ҳолатға далолат қилур, мисоли зоҳири баданнинг совумоғи ва керишмоқдурки, сўнгидин титроқ бўлмоғиға аломатдур. Ва титроқ безгакға аломатдур. Бас, ҳолат бирлан керишмоқни миёнасиға титроқ воситадур. Ва инчунин, бавосита аломатлар кўбдур.

Ва билмоқ керакки, аломат ҳолатларға далолати уч хил бўлур. Бир хили ўтган замонда бўлиб, ўтган ҳолатға далолат қилур ва ани мисоли баданнинг заифлиги ва томурнинг чуқур ва сустлиги баданда надоват ва намноклик йўқлигига далилдурки, ани бирлан ўтган замонда терлаганликға истидлол қилинур. Ва бу далолатнинг номини истилоҳи атиббода «музақкир» дерлар, яъни ўтмиш ҳолатни эслатувчи демақдур. Ва иккинчи (хили) ҳозирғи ҳолатға далолат қилур, мисоли томур ҳаракати ва бунга ўхшаш аломатлардурки, ани бирлан ҳозирғи ҳолатға истидлол қилинур ва ани номини истилоҳи атиббода «долл» дерлар, яъни мараз (бемор) ҳолиға далолат қилғувчи демақдур.

Ва билмоқ керакки, ҳар уч қисмнинг ҳаммаси маризни ҳолига далолат қилур. Лекин биринчи ва иккинчи қисмини ўзиға махсус исми бўлуб, учинчи қисмиға махсус исм бўлмағони учун, бу исми оммни, яъни аломатни шул учинчи қисмға тахсис қилғондурларки, учинчи далолат шулки, келадургон замонда ҳодис бўладургон ҳолатға далолат қилур. Ва мисоли қуйи лабнинг титрамоғи ва учмоғидурки, ани бирлан сўнгра қай воқеъ бўлмоғиға истидлол қилинур. Ва ани номини тақаддумат ул-маъраза ва собиқ ул-илм ва ахбор ҳам дерлар. Лекин ахборни танҳо беизофа итлоқ қилинмас, магар келғусида ориз бўладурган яхши ҳолат бўлса, анга далолат қиладурганни ахбори башорат дерлар. Ва агар ёмон ҳолатға далолат қиладурган бўлса, ани ахбор ул-анзор дерлар. Ва бу аломатларнинг баъзиси табиб учун фойдалиқ бўлур. Зероки, ани ҳазоқати (зийраклиги)нинг зуҳуриға сабаб бўлур.

Ва баъзиси мариз (бемор) учун фойдалиқ бўлур, зероки, ўзиға ориз бўладургон можароға воқиф бўлиб, эҳтиёт ила ҳозирлик кўриб турар. Ва баъзиси ҳам табиб ва ҳам мариз учун фойдалиқдур. Ва мизожнинг жиҳатидин далолат қиладурган аломатларнинг навъи кўбдур. Ва мажмуъини тўрт қисм ила баён қилурмиз.

БИРИНЧИ ҚИСМ АЛОМАТИ ЛАМС (ТЕГИНИБ СЕЗИШ БЕЛГИЛАРИ)ДУР

Яъни, маризнинг баданини мўтадил ҳаволик шаҳарға мўтадил мизож ва мўтадил кайфиятлик табибнинг ушламоғидурки, агар маризнинг баданидин табибнинг қўлиға ҳарорат сезилса, маризнинг мизожи иссиқлиғиға истидлол қилинур. Ва агар бурудат (совуқ) сезилса, маризнинг мизожи совуқлиғиға истидлол қилинур. Ва ушламоқ учун табибнинг мўтадил мизожлиғи шунинг учун шарт қилиндики, ғайри мўтадил мизожнинг эҳсоси эътибордин соқитдур. Ва инчунин, мўтадил кайфиятлиғи шунинг учун шарт қилиндики, агар табиб мўтадил мизожлик бўлса ҳам, лекин қўли оловнинг ёки ҳаркатнинг таъсиридин қизиб турган вақтда ушласа, зоҳирдурки, агар иссиқ мизожлик мариз бўлса ҳам, ани бадани табибнинг қўлиға нисбатан совуқроқ сезилур. Ва агар табибнинг қўли совуқдин асарла-

ниб турғанда ушласа, гарчанд маризнинг бадани совуқ бўлса ҳам, лекин табибнинг қўлига нисбатан иссиғроқ сезилурки, эътибордин соқитдур.

Ва инчунин, мўтадил ҳаволик шаҳарни шунинг учун шарт қилиндики, агар ҳарорати ўткир жойда бўлса, совуқ мизожлик кишининг бадани ҳам ҳавони таъсири ила қизуб тўрғони учун ушлагон кишига иссиқ сезилмоғи ёки ҳавоси зўр совуқ бўлгон жойда иссиқ мизожлик кишининг бадани ҳам совуқ ҳаводин асарланиб турғони учун совуқроқ сезилмоғи мумкинмурки, эътибордан соқитдур. Ва мизож кайфиятига далил бўлолмас. Ва агар табиб ушлаганда маризнинг бадани иссиқ ва совуқликда мўтадил бўлуб, лекин юмшоқ ва мулойим эҳсос қилса, мулойимлик рутубатнинг галабасиға далолат қилур. Ва агар маризнинг баданини иссиқ ва совуқликда мўтадил, лекин қаттиқроқ эҳсос қилса, бу қаттиқлик мизожда қуруқликни галабасиға далолат қилур. Бас, рутубатни галабасиға баданни мулойимлиги ва қуруқлик галабасиға баданни қаттиқлиги далолат қилмоғи учун баданни иссиқ ва совуқликда мўтадил бўлмоғини шунинг учун шарт қилиндики, агар бадан мизожда қуруқлик голиб бўлса ҳам, лекин анда ҳарорат бўлса, бадани мулойим сезилур. Бинобарин, хато қилиб рутубат галабасиға ҳукм қилмоқ мумкин бўлур, зероки табиий ҳарорат жисмни мулойим қилур. Ва инчунин, агарчи мизожда рутубат голиб бўлса ҳам, лекин баданда совуқ голиб бўлса, совуқни таъсири жисмни қаттиқ эҳсос қилдирарки, совуқни шаъни қотирмоқдур. Ва мисоли қордурки, ҳақиқатан қор рутубатдур. Лекин совуқни таъсиридин қуруқ ва қаттиқ сезилур. Бас, бу мулойимлик ва қаттиқликни таҳқиқ қилмоқ учун албатта, иссиқ ва совуқликда иътидол шартдур.

ИККИНЧИ ҚИСМ АЛОМАТИ ГЎШТ ИЛА ЧАРБИДУР

Яъни, агар баданда гўшт бўлса, мизожда ҳарорат ва рутубатнинг галабасиға далолат қилур, зероки, гўштнинг моддаси пишган қондур. Ва қоннинг мизожи иссиқ ва ҳўллигида шак йўқдур. Ва яна гўштнинг сабаби фоъилийси мўтадил ҳароратдурки, ҳароратни таъсири ила қоннинг суюқ ажзоси бухорот бўлиб, таҳлил топар ва боқий

куюқ ва пишуқ ажзоси қайтиб гўшт бўлур. Бас, ҳеч шак йўқдурки, сабаби моддий бўлгон қон иссиқ, ғайри ифрот бўлса ва ани сабаби фозилийсн ҳам ҳарорати мўътадил бўлса, ани мусаббаби бўлгон гўшт ҳам албатта, ғайри муфрит иссиқ бўлмоғи лозимдур. Ва инчунин, қонни асл моддаси рутубати табиий бўлғони учун ани рутубат экани ҳам зоҳирдур. Ва шунинг учун мизожи иссиқ ва ҳўл бўлгон кишида гўшт кўпроқ бўлур. Ва баданда қаттиғлик ва устиворлик бўлур. Ва агар мизожда совуқлик ва қуруқлик ғолиб бўлса, гўшт кам, бадан ориқ ва қаттиқ бўлур. Ва қувватда заифлик ва беустиворлик бўлур. Зероки, гўштлик ва ориқлик қуруқликнинг ғалабасиға далолат қилур. Ва беустиворлик ва заифлик ҳарорати табиийнинг камлиғиға ва мизожни совуқлиғиға далолат қилур. Ва агар баданда оз миқдор гўшт бўлса ва лекин кўб миқдор чарби бўлмаса, мизожда ҳарорат ва қуруқликни ғалабасиға далолат қилур. Яъни, гўштнинг оз миқдор борлиғи ҳаракатға далолат қилур.

Ва чарбининг кўб бўлмаслиғи рутубатни камлиғиға ва қуруқлиғини ғалабасиға далолат қилурки, чарбининг асл моддаси рутубатдур. Ва ани камлиғи хўшкийат (қуруқлик)нинг ғалабасиға далилдур. Аммо чарби ва тарош ёғ ҳар иккиси ҳам совуқ ва ҳўл мизожликға далолат қилур. Ва анга тараҳҳул ва гўштда руховат ва суствлик лозимдур. Зероки, чарби ва ёғни би-3-зот таъсири юмшатмоқ ва суств қилмоқдур.

Ва билмоқ керакки, чарби ва ёғни сабаби моддийси рутубат ва гўштнинг сувидур. Ва сабаби фозилийсн совуқдурки, ани бағариқаи инжимоқ қотирар. Шунинг учун совуқ аъзода ва асабоний узвларда, чунончи, ичак ва ҳасилларда ва қорин пардаларида кўпроқ пайдо бўлур. Чунончи, аъзойи муфрада ташриҳида муфассал зикр қилинди. Аммо тарош ёғ гўштининг зоҳир тарафида гўштдин ажралған сувдин мунъақид (қотган) бўлиб ҳосил бўлурки, ани ҳам сабаби фозилийсн терининг илдизи бўлгон асабоний жисмлар ва хорихдин совуқ ҳавони таъсиридур. Ва шунинг учундурки, совуқ ҳавода тарбияланған ҳайвонда тарош ёғ кўпроқ ҳосил бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, чарби ва тарош ёғни кўплиғиға яна мизожға рутубат ғолиблиғиға далолат қилғучи бошқа аломатлар ҳам қўшилған вақтдағина чарби ва ёғни кўплиғини ғалабаи рутубатға истидлол қилмоқ мумкин бўлур. Чунончи, томурнинг танглиғи ва қоннинг камлиғи каби аломатлар ҳам жамъ бўлса, хусусан мартуб (ҳўл) мизож-

ликка хос аломати шулки, соҳиби очликга тоқатсиз бўлиб, тез заифланур. Бас, агар чарби ва ёғни кўплиги ила ушбу аломатлар ҳам жамъ бўлса, фақат чарби ва ёғни кўплигига мизожи табиий кўплиги мизожи табиийга далолат қилолмас, балки мизожи муктасибий ва оризий бўлур. Чунончи, самини муфрит бобида ва ани хилофи бўлгон ҳизол бобида сабабларини муфассал баён қилурман, иншааллоҳу таъоло.

Аммо чарби ва ёғни камлиги мизожда ҳарорат ғолиблигига далолат қилур. Зероки, ҳарорат ёғни эритиб, таҳлил бериб турмоғи ила аларни кўб миқдор пайдо бўлмоғига монёъ бўлиб турар. Ва буларнинг кам миқдорлиги албатта, моддаи рутубнинг камлигининг бўлурки, қуруқ мизожликда мусталзимдур. Аммо гўшт ҳам чарбининг кўплиги мизожда рутубатни ифрот даражада ғолиблигига далолат қилур. Зероки, гўштни ва чарбини сабаби моддийлари айни рутубатдур.

УЧИНЧИ ҚИСМ АЛОМАТИ МЎЙНИНГ АҲВОЛИДУР

Ва мўйнинг пайдо бўлишининг тариқаси аъзойи муфрада ташриҳида мазкурдур. Алҳол фақат ани аҳволидин баён қилинур. Бас, мўйнинг тез ўсмоғи мизожда қуруқликни ғолиблигига далолат қилур. Ва зоҳирдурки, мўйнинг тез ўсмоғи албатта, моддасининг кўплигининг бўлур. Ва мўйнинг моддаси бухороти духонийдур. Ва равшандурки, бухоротнинг то ажзoi мойияси қуриб тамом бўлмаса, духонлик ҳолат ҳосил қилолмас. Бас, маълумдурки, мўйнинг тез ўсмоғи қуруқ мизожликни лозим тутар.

Ва агар мўйнинг ўсмоғи бағоят тез бўлса, мизожда ҳам ҳарорат, ҳам йубусатнинг ғолиблигига далолат қилур. Зероки, моддани тез қурииб духон ҳолига етказмоқ, албатта, ҳароратнинг феълидур. Аммо мўйнинг кўплиги, шаксиз мизожда ҳарорат ғолиблигига далилдур. Зероки, мўйнинг кўплиги духоннинг кўплигининг ҳосил бўлур. Ва духоннинг кўплиги то ҳарорат кўб бўлмаса, мумкин бўлмас.

Аммо мўйнинг камлиги мизожда рутубатни ғолиблигига далолат қилур. Зероки, духоннинг баъзи ажзоси баъзисиға муттасил бўлмоғига миёнада мухталит бўлгон рутубат монёъ бўлур. Билмоқ керакки, мўйнинг моддаси бўлгон бухороти духоний баданда мав

жуд бўлган ҳолда, мўйнинг камлиги ғалабайи рутубатға далолат қила олур. Ва илло, далил бўлолмас, зероки савдовий мизож кишиларда албатта, рутубат ва ҳарорат мағлубдур. Бинобарин, аларда духон ҳам камдур ва духоннинг камлиги рутубатни лозим тутар. Лекин ул рутубат рутубати фазлиядур. Аммо мизожида шаксиз қуруқлик ғолибдур.

Аммо мўйнинг ғилзати, яъни йўғонлиги духоннинг баданда кўплигиға ва мизожда ҳарорат ғолиблигиға далолат қилур. Зероки, юқорида мазкур бўлдики, бухороти духонийяни кўб ҳосил қилувчи сабаби фўйлийси албатта, ғалабайи ҳароратдур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, «Қонунча»нинг шориҳларидин баъзилар мўйнинг йўғон бўлмоғининг сабабида саҳван номулойим мутолаа бирлан нолойиқ фикр баён қилиб, фикрлари туллоб (толиблар) миёнасида бонси иштибоҳдур. Чунончи, мўйнинг йўғон бўлмоғиға сабаб ҳароратнинг ғалабаси эмас, балки масомнинг кенглиги сабабдурки, мўйнинг ҳажми масомнинг вусъатиға (кенглигиға) мутаносиб бўлмоқға мажбурдур, дерлар. Ва бу фикрда хатолари сариҳ (ошкор) ва эътибордин соқитдур. Зероки, масомнинг вусъати мўйнинг йўғон бўлмоғиға сабаб бўлмай, балки мўйнинг ҳусулиға монёъ бўлур. Зероки, бухоротнинг ажзон мойиёси батадриж таҳлил топиб, моддаи духонийя боқий қолса, ул моддаи духонийядин мўй ҳосил бўлур. Ва бунинг учун бухоротнинг баданда таанний (оҳисталиги) ва таваққуфи (тўхташи) зарурдур. Бас, агар масом васиёъ бўлса, модда баданда таваққуф қилмай, духонийят ҳолати ҳосил қилмай таҳлил топиб кетар ва мўй учун модда ҳосил бўлолмас. Бинобарин, масоми васиёъ (кенг) бўлгон кишида мўй камроқ мавжуд бўлур. Ва агар бартақдир масомни васиёълиги ила анда йўғон мўй ҳам мавжуд бўлса, ул вақтда албатта, мўй моддаси бўлгон бухороти духонийянинг кўплигидин ҳосил бўлурки, бухороти духонийянинг кўб бўлмоғи, шубҳасиз, ҳароратнинг кўплигини лозим тутарки, духоннинг сабаби фўйлийси, албатта, ҳароратдур. Бас, баҳарҳол мўйнинг йўғонлиги бухороти духонийянинг кўплигиға ва ани сабаби фўйлийси ҳароратнинг мизожда ғалабасиға далолат қилур.

Аммо мўйнинг борик (ингичка) ва нозиклиги модданинг камлигиға ва ҳароратнинг заифлигиға далолат қилурки, йўғонлик сабабининг зиддидур.

Аммо мўйнинг жаъудати, яъни жингалаклиги мизожда иссиқ ва қуруқлик ғолиблигига далолат қилур. Зероки, ҳарорат мўйнинг қаю тарафига аввал таъсир қилса, шул тарафда андақ қисқалик ҳосил бўлур. Мўйнинг шул тарафга ҳам (эгри) бўлмоғига сабаб бўлурки, жингалак шул хамликдин иборатдур. Ва инчунин, қуруқлик ҳам моддаи духонийяи арзийяни кўпайтирар ва андин кўб миқдор мўй ҳосил қилур. Бас, мўйнинг қаю тарафига қуруқлик аввал таъсир қилса, мўйнинг шу тарафи бошқа тарафига нисбатан қисқароқ бўлурки, хамликни мусталзимидур. Бас, собитдурки, мўйнинг жингалак ва анбуҳлиги (қалинлиги)га сабаб, албатта, ҳарорат ва йубусатнинг мизожда ғолиблигидур.

ФОИДА. Ва яна масомни эгрилиги ҳам мўйни жингалаклигига сабаб бўлур. Чунончи, масомни ичида маҳбус (қамалиб) турғон мўй моддаси масом шаклига ҳамшакл бўлиб турғон ҳолида мунъақид бўлиб, масом эгрилигига мутаносиб эгри бўлур. Лекин бунга ҳам сабаб ҳароратни ғалабасидур. Ҳаттоки, биринчи қисм жингалакни ҳароратидин ҳам ғолиб бўлур. Зероки, масомни эгрилиги бир миқдор чуқурликдин хорижга чиқғунича батадриж ҳосил бўлур. Бас, чуқурдаги моддани ҳам мунъақид қилмоқ, албатта, зўр ҳароратга мусталзимдур. Лекин бу навъ жингалак бағоят нодир бўлур. Бас, бу навъ жингалак биринчи қисм жингалакни миёнасида фарқ шулки, биринчи навъда мўй ҳар тарафга беинтизом эгри бўлурки, мўй илдизини қаю нуқтасида қаю тарафидин ҳарорат таъсир қилса, шул тарафга эгри бўлур. Аммо масом эгрилигидин бўлғон жингалак масом шаклига махсус бир интизомда эгри бўлиб, доира шаклида фақат бир тарафга эгри бўлур ва ани ҳарорати ғолиблигидин моддаси ҳам кўб бўлиб, бағоят тез ўсиб турар. Ва ҳам бу ҳайъати доимий бўлур ва ёшлик ва қарилик тағайюри (ўзгариши) бирлан мутағаййир бўлмас. Аммо биринчи қисм бўлғон жингалак мизожи тағаййорот ила мутағаййир бўлур, яъни ёшликдаги жингалак қаригонда ростланур. Зероки, қаригонда агарчи асл мизожда қуруқлик ғолиб бўлса ҳам, лекин рутубати ғайри табиийя кўб бўлиб, жингалакликга монъе бўлур. Ва бошқа жиҳатдин, масалан, баданда ҳарорат ва йубусатнинг бошқа аломатлари, чунончи, кам уйқулик ва серфикрлик ва зеҳнда кундлик (ўтмаслик) ва тилда қуруқлик ва баданда ориқлик каби аломати савдовийялар ҳар икки қисмида мавжуд бўлур.

Аммо мўйнинг тўғри ва текислиги буни аксига, яъни мизожда рутубат ғолиблигига далолат қилур. Бу рутубат ҳарорати зиёда башиддат бўлмаслигига мусталзимдур. Зероки, мўйнинг тўғрилиги мизожда рутубатни ғолиблигининг ҳодис бўлур. Чунки мўйнинг атрофи рутубатдин насибадор бўлғони учун ҳеч тарафида нуқсон ва ташаннуж (тортишиш) ориз бўлмағондур. Ва мисоли дарахтларда ҳам мушоҳада қилинурки, намнок ва сероб жойда кўкарған дарахт тўғри ва дароз бўлур.

Аммо мўйнинг ранги қоралиғи мизожда ҳарорат ва йубусат ғолиблигига далолат қилур. Зероки, юқорида мазкур бўлдики, мўй бухороти духонийдин ҳосил бўлур ва сабаби фоъилийси ҳароратдур. Бас, ҳарчанд мизожда ҳарорат кўпроқ бўлса, мўйнинг ранги ҳам қорароқ бўлур.

Аммо мўйнинг суҳубати, яъни маллароқ қўнғирлиги мизожда рутубатнинг ғалабасига далолат қилур, зероки, бу ранг оқ рангга яқин рангдурки, ғалабайи балғамнинг нишонасидур. Аммо мўйнинг шуқрати, яъни қизилга мойил қўнғир ёки қизиллиги мизожни эътидолга яқинлигига далолат қилур. Зероки, агар ҳарорат ғолиб бўлса, мўйни қорайтирар ва агар бурудат ғолиб бўлса, мўйни оқартирар. Ва агар мўътадилга яқин бўлса, мўйнинг ранги ҳам қаро ила оқнинг миёнаси бўлурки, қўнғирлик шундин иборатдур, лекин ҳадди эътидолдин андак ҳарорат ва рутубатга мойилроқ, яъни қон зиёда бўлса, мўйнинг ранги қизил бўлур. Ва агар рутубат ва йубусатда ҳам мўътадил бўлса, яъни қонни рутубатиға муқобил савдо ҳам бўлса, мўйнинг ранги тўқ қўнғир бўлур. Ва агар ҳадди эътидолдин андак бурудатга мойилроқ бўлса, мўйнинг ранги ҳам малла рангга яқинроқ қўнғир бўлур.

Аммо мўйнинг оқлиги икки эҳтимолдин холи бўлмаски, ё мизожда рутубат ва бурудатнинг ғалабасига далолат қилур, чунончи, қариган вақтда ҳарорат камайғони сабабли балғам ғалаба қилур. Ва мўй моддасига ҳам балғамнинг ранги таъсир қилуб, оқартурар. Ва табиий оқартурар. Ва табиий оқармоқнинг сабаби Арастатолис (Аристотель) наздида шул ҳолдин иборатдур. Аммо Жолинус (Гален) наздида табиий мўйсафидликнинг сабаби такраждур, яъни мағол ва фикдурки, қарилликда баданни ҳарорати ғаризийяси заиф бўлғон сабабли мўй моддасини тамом духонлик ҳолга еткизмоқдин ожиз бўлур. Ва ҳам табиат ул моддани тезроқ масомға дафъ қилолмас. Ночор модда дохили баданда таъхир қилур ва уфунат ҳосил қилур ва зоҳир тарафида бир

қават пардаи гириҳ пайдо қилурки, ани арабда такраж ва туркийда фикх ва мағол дерларки, рутубатнок нимарсалар ҳўл ҳавода уфунат пайдо қилур бўлса, зоҳир тарафида оқ ранглик бир қават жисм ҳосил қилмоғи маълумдур. Ва мўй моддаси ҳам шул тариқа фикх ҳосил қилуб оқарур, дер.

Аммо баъзилар дерларки, мўй моддасиға совуқ ва рутубат ғалаба қилур ва бухороти моййи духонийяға ғолиб бўлур. Чунончи, ҳароратнинг заифлиғи бухороти моййяни таҳлил бермоқдин ожиз бўлуб, бухороти моййя кўпроқ жамъ бўлгон бўлур. Бас, би-з-зарур моддан мўй духон бўлломмай, ночор қиров каби оқлик ила мунжамид бўлур. Зероки, совуқ мизожлик мўй моддаси зоҳири бадандағи масомға етганда хорижий совуқ ҳаводин асарланмоғи боиси инжимода бўлур ва ани мисоли сиркадурки, агарки қизил узумдин солинган бўлса ҳам сиркалик ҳиддат ва қувват пайдо қилса, мизожиға табиий совуқлик пайдо бўлгондин сўнг ранги оқарур, дерлар. Ва ё мизожда қуруқлик ғалабасиға далолат қилурки, қуруқликнинг ғалабаси рутубатни таҳлил бериб қуритар. Бас, мўйнинг моддасида қуруғон рутубатнинг ўрни холи қолиб, тахалхул пайдо бўлур ва холилик бежисм мумкин бўлмоғони учун мазкур тахалхулға ҳаво кириб жойлашур. Ва ҳавонинг ҳулули (таъсири) мўйни оқлигиға сабаб бўлур. Ва бу ҳол набототда мушоҳада қилинурки, агар сабз (яшил) ранглик гиёҳ қуриса, рутубат ўрниға ҳулул қилгон ҳавонинг таъсиридин гиёҳнинг ранги оқарур. Ва инчунин, бир бошқа ранглик жисми янчиб, майда қилинса, аросиға ҳаво ҳулул қилғони учун ранги оқарур. Ва муқаррар собит бўлгондурки, ҳар нимарсада ҳавони тадохули (аралашуви) боиси баёз бўлур. Ва бу навъ мўйнинг оқлиги иссиқ ва қуруқ мизожлик кишиларға аксар амрози мужаффаға сўнгида ориз бўлур. Чунончи, шиддатли иситма ва терлама касаллари сўнгида ориз бўлур. Ва аксари касалдин янги шифо топқон кишиларда кўрилгондурки, аввало бадан мўйлари оқ бўлуб, сўнгра ҳолати аслиларига келгонда яна мўйлари қорайған ёки ул оқ мўйлари соқит бўлуб, ўрнидин қора мўй кўкарғондур. Ва бу ҳол гиёҳларда ҳам машҳуд бўлгондурки, аввалан ташналик билан қуриган гиёҳ сўнгра яна сув билан тарбияланса, оқ япроқлари батадриж сабз бўлгон ва баъзилари оқ япроқни исқот қилуб, ўрнидин бошқа сабз япроқ чиқорғондур.

Аммо оризий сабаблардин холи бўлиб, фақат қарилик ила оқарган мўй асло қораликга авд қилмас (қайтмас). Ва бул хусусда мардум миёнасида машхур бўлгон ҳикоялар ёки мўйни қора қилгучи давои сунна исмлиқ машхур сафсаталар музхариқоти маҳз (бемаънилик)дур. Магар ани шароити ила тезроқ оқармасликга ва қароликни бироз муддат муҳофазатиға боис бўлмоғи мумкиндур. Аммо оқни яна қораликга авд қилмоғи афсонали шуҳратдур. Валлоҳу аълам.

ФОИДА. Билмоқ керакки, мўйнинг аҳволиға соҳибининг ёши ва турган иқлим ва шаҳарининг ҳам дахли бордур. Бинобарин, мўйдин бадан аҳволиға истидлол қилмоқда соҳибининг ёши ва шаҳарининг ҳавосини риоя қилмоқ зарурдур. Чунончи, сағир боланинг мўйи кўб бўлмоғиға назаран ҳозир ани амзожида савдо ғолиблигиға ҳукм қилинмас. Балки шул бола қаригон вақтида мизожиға савдо ғолиб бўлмоғиға далолат қилур. Зероки, савдони мизожи совуқ ва қуруқдурки, қарилик мизожиға мутаносибдур. Ва сағир боланинг мизожиға муҳолифдур. Ва сағир (кичкина) боланинг табиий мизожи иссиқ ва ҳўлдур, лекин ҳўллигиға назаран иссиқлиги ғолибдур. Бас, агар бундин ҳам яна ғолиб бўлса, баданда бухороти духонийяни кўб эҳдос қилур. Ва андин кўб мўй ҳосил бўлур. Бас, сағирлик вақтида мағлуб ва ноқис бўлгон рутубат тобора ёши зиёда бўлгон нисбатда яна ноқис бўлур. Ва маълумдурки, рутубатни нуқси (нуқсон)и касрати савдо (савдо кўпайиши)ға мусталзимдур. Бас, собит бўлдики, сағирлик ёшда мўйни кўблиги қаригон вақтида савдони ғалабасидин хабар бергучи мухбирдур. Ва инчунин, иқлим ва шаҳарнинг риояси зарурдур. Чунки мўйнинг ранги қизил ёки тўқ кўнғирлигидин мизожнинг эътидолиға истидлол қилмоқ Занж шаҳридин бошқа шаҳарларда мумкиндур. Аммо Занж халқи, яъни зангий ва ҳабашийлар мизожлари ҳарчанд мўътадил бўлса ҳам, лекин мўйлари ҳаргиз қародин бошқа рангда бўлмас, зероки Занж биринчи иқлимда воқеъ бўлуб, офтобнинг ҳароратидин зиёда мутаассирдур. Бинобарин, анда сокин кишиларнинг баданларида ҳарорат ғолиб бўлуб, бухороти духонийяни қора ва қуюқ рангда тайёр қилур. Ва инчунин, ақсои шимолда воқеъ бўлгон Сақлаб шаҳари халқининг насибалари доим оқ мўйдур. Зероки, мазкур шаҳар ҳамма иқлимлардин ҳам хориж ва офтобдин ғоят узоқ бўлғони учун халқини мизожи ҳам заиф ва баданида ҳарорати кам бўлур. Бас, алардин баъзиларини мизожи бошқалариға назаран ҳарчанд мўъта-

дил бўлса ҳам, лекин ҳарорат камлигининг бухороти баданийяларининг қаро духон ҳосил бўлмас, балки моддаи мўй батариқани инжи-мод мунъақид бўлур. Бинобарин, доим аларни мўйларини оқ бўлуб ва бошқа ранглик мўй ул шаҳарда муяссар бўлмас.

ТҶРТИНЧИ ҚИСМ АЛОМАТИ БАДАННИ РАНГИДУР

Яъни, бадан аҳволига мизож жиҳатидин далолат қиладурган ало-матларнинг тўртинчи қисми худ баданнинг рангидур. Чунончи, бадан-нинг оқлиги баданда ҳароратни камлигига ва совуқни ғалабасига да-лолат қилур. Зероки, совуқ мизожлик баданда қон ва сафро ва савдо кўб ҳосил бўлолмас, токи бошқа ранг ҳосил қилса, балки совуқ мизож баданда кўпроқ балғам ҳосил бўлурки, рангини оқдур. Ва баданга оқ ранг эҳдос қилур. Ва агарчи озроқ миқдор қон ва сафро ва савдо ҳосил бўлса ҳам, лекин мизожда совуқни ғалабасидин аларни қивомлари куюқ бўлғони учун зоҳири баданга чиқолмас. Бинобарин, аларни ранглари махсус бўлмас. Бас, ночор баданнинг рангини оқ бўлурки, терининг асл рангини оқдур. Чунончи, аъзойи муфрада ташриҳида мазкур бўлдики, ҳамма аъзони асли рангини оқдур. Фақат ичида мавжуд бўлгон ахлот-нинг рангини бирлан ҳамранг бўлиб кўринар.

Ва жилд ҳам узви асабонийдурки, ахлотдин холи бўлғонда асл рангини табиий оқ кўринур. Ва совуқ мизожлик баданнинг оқ бўлмо-ғига ҳақиқий иллат шулдур. Ва гоҳи баданни рангини оқ бўлмоғи-га балғамни зоҳири баданга сирояти (таъсири) ҳам сабаб бўлур. Лекин балғамдин ҳосил бўлгон оқ ранг ила ҳақиқий оқ рангининг фарқи шулки, балғамни оқлигида балғамни бошқа аломатлари ҳам мавжуд бўлур. Чунончи, баданда сустлик ва бўшлик ва те-рида намлик ва ушлағонда баданни совуқ эҳсос қилмоқ ва ҳавос-си ашара (ўнта сезги)да кудурат ва фаромушлик ва ташна бўлмаслик каби аломати балғамийлар ҳам зоҳир бўлур. Ва бо-шқа ахлотни лозимаи ҳақиқийси бўлгон аломатларни мавжуд бўлмаслиғи ҳам бунга далилдур. Бахилофи баъзи ҳақиқийки, ҳар бир хилтнинг лозимаи ҳақиқати бўлгон аломатлар бақадри ҳол мавжуд бўлур. Фақат балғамни аломати кўпроқ маҳсус бўлур,

аммо бадан рангининг камудатиға ҳаким Ибн Маҳмуд Чағминий соҳиби «Қонунча» бирлан шайхур-раис Абу Али ибн Сино миёналарида ихтилоф воқеъдур.

Чунончи, «Қонунча»да марқум (ёзилган)дурки, «ва камудатуҳу тадулу ала касратиҳо», яъни бадан рангининг камудати иссиқнинг ғалабасиға далолат қилур, дегандурлар. Аммо Шайх ур-раис «Қонуни кабир»ларида «ва-л-камуду далилун ала шиддат ил-барди», яъни камудати бадан мизожда ўткир совуқ ғолиблигиға далилдур, дерлар. Камудат бир рангдурки, оқ ила қародин мураккабдур. Масалан, кўрғошимни бир оқ нимарсаға молиш берганда, ул нимарсада кўрғошимдин ҳосил бўлгон ранг камудат рангидур. Бас, бу икки зоти мўътамадун алайҳ (ишончли зотлар)нинг қавлларини (сўзларини) тавфиқ учун ҳақир дерманки,¹ Аллоҳумма, магар бу зотларнинг мақсудлари бир-бирларига мувофиқ бўлуб, ихтилофлари (сўзда) лафзий бўлса керак, яъни камудатнинг асли сабабини ҳаким Чағминий зикр қилиб, ҳозирги ориз бўлгон кайфиятни Шайх ур-раис эътибор қилгон бўлсалар, мумкиндур. Зероки, Шайхнинг назарларида камудат рангининг ҳусули қон миқдорини озлиғидин ва ул оз қон ҳам ивиб, савдоға айланмоғидин бўлурки, қоннинг озлиғи ҳам ивигони учун териға сингиб киролмағани учун бадан оқ бўлиб кўринар. Лекин терининг остида ивиган қон ҳам борлиғи учун ани асари ҳам фи-л-жумла қаро бўлиб кўринур. Бас, оқ ила нимранг ва хира қарадин мураккаб бўлиб кўринган ранг камудатдин иборатдур. Ва қоннинг ивиган, демакдин Шайхнинг муродлари уруқи савоқийда, яъни то териғача етиб келган зоҳири бадандаги майда томурда ивиган демакдур. Зероки, дохилдаги катта томурларда ивиган қон зоҳирға сироят қилолмас ва ботиндин кўринмас. Бинобарин, камудат рангиға сабаб бўлмай, балки оқлиқға сабаб бўлур. Чунончи, мазкур бўлди.

Аммо ҳаким Чағминийнинг муродлари ҳоли ҳозирда эмас (ҳозирги онда), балки собиқда ҳарорат ғолиб бўлганлигиға далолат қилур, демак бўлса керак. Чунки савдо ҳар хилтни куймоғидин ҳосил бўлур. Ҳатто савдойи ҳақиқий ҳам ҳазмда ҳарорати ғаризийянинг зиёда таъсиридин ҳосил бўлурки, рутубати табиийяси таҳлил топгон ва ҳарорати табиийяси куйиб, фоний бўлгон, натижада қуруқлик ва совуқлик кайфият ҳосил қилгондур. Бинобарин, ибтидои сабабнинг эътибори ила

¹ Бу ерда муаллиф ўзини назарда тутмоқда.

ҳақим Чағминий, камудат ғалабаи ҳароратға далолат қилур, демақлари ва хулосаи кайфиятнинг эътибори ила Шайх ур-раиснинг камудат совуқнинг шиддатли ғалабасиға далилдур, демақлари ҳақ ва мувофиқи нафс ул-амрдур.

Аммо баданда рангинг қизил бўлмоғи баданда қоннинг кўплиғиға ва мизожда ҳароратнинг ғолиблиғиға далолат қилур. Ва бу маъни зоҳирдур. Аммо ранги баданнинг сариқлиғи ёки кўнғирлиғи мизожда ҳароратнинг байфрот (ўта) ғолиблиғиға далилдур. Зероки, сариқ ранг сафрони кўплиғиға далилдурки, агар сафро кўб бўлса, ранги қоннинг ва терининг рангиға ғолиб бўлур. Ва инчунин, кўнғир рангни ҳудуси ҳам суёқ қонға сафро аралашлиғидин бўлурки, бу ҳам ҳароратсиз бўлмас. Аммо гоҳи қоннинг камлиғидин ҳам баданда сариқ ранг пайдо бўлур. Чунончи, касалдин янги турган кишиларда машҳуд бўлур. Аммо бул сариқ ғалабаи ҳароратға далолат қилмас. Бас, бу икки навъ саригни фарқи шулки, ғалабаи сафродин бўлгон сариг ялтироқ ва рангдор бўлур, ғалабаи ҳароратни бошқа асарлари ҳам зоҳир бўлур. Чунончи, оғизда қуруқлик ва аччиқлик ва ташналик ва иштаҳасизлик ва бош оғриғи ва тушида аксар сариқ ранглиқ нимарсаларни кўрмоқ ва нордон нимарсани тановулидин фойда кўрмоқ каби осор ҳам сафрони ғалабасиға шоҳид бўлур. Аммо қон камлиғидин бўлгон саригда бул осордин ҳеч бири бўлмас. Балки, фақат қон камлигининг асари ва қувват камлиғи ва иштаҳанинг ғолиблиғи ва баданнинг ғизоға муҳтожлиғи асари зоҳир бўлуб турар. Аммо ранги баданнинг қаролиғи иссиғнинг ғалабасиға далилдур. Зероки, ҳарорат қонға нақадар таъсир қилса, шул қадар рутубатини таҳлил беруб, қуюлтирар. Ва қон нақадар қуюлса, шул қадар ранги қаро бўлур. Чунки ҳарорат таъсиридин қуюлгон қонда бухороти духония зиёда бўлурки, духоннинг асли ранги қародур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ранги баданнинг қаролиғи ғалабаи савдодин ҳам ориз бўлур. Бас, лозимдурки, рангни қаролиғиға иловатан яна бошқа аломатларни ҳам истидлоли лозимдурки, агар қаролик бирлан яна бошқа ғалабаи қон аломатлари мавжуд бўлса, қоннинг ғалабасиға ҳукм қилинур. Ва агар қон ғалабасиға далолат қиладурган бошқа аломат мавжуд бўлмай, балки ғалабаи савдо аломатлари мавжуд бўлса, ғалабаи савдоға ҳукм қилинур. Ғалабаи савдо аломати сўнгра баён қилинур. Аммо ранги баданнинг бодинжоний (бақла-

жон) ранг бўлмоғи, яъни қоға ила бинафша рангдин мураккаблиғи мизожда совуқ ва қуруқликни ғалабасиға далолат қилур. Зероки, бу рангни ҳудуси ё қоннинг ивиганидин бўлур ва ё қонға савдони ихтилотидин бўлур. Ва зоҳирдурки, қоннинг ивимоғиға совуқни асаридин бошқа сабаб йўқдур.

Ва мунжамид (қотган) нимарса қуруқ ҳукмидадур. Ва агар савдони ихтилотти сабаб бўлса, савдони мизожи шаксиз, совуқ ва қуруқдур. Аммо ранги баданнинг жасий, яъни гаж рангида бўлмоғи мизожда совуқни ва балғамни ғалабасиға далолат қилур. Зероки, ранги жасий оқ рангдурки, андак сариқ ва андак кўк ранг бирлан мураккабдур. Бас, балғамни шаъни оқликни эҳдос қилмоқдур. Ва совуқни шаъни мунжамид қилуб, қотирмоқ ва инжимод (қотиш)нинг шаъни нимарсани андак сариқ ва андак кўк рангга мойил қилмоқдур. Аммо ранги баданни қалай рангида бўлмоғи мизожда совуқ ва рутубатни ғолиблиғиға далолат қилур. Зероки, қалай ранги оқ рангдурки, анга андак сабз ранг ва ғоятда оз қора ранг мураккаб кабидур. Бас, оқлик балғамни рангидур ва андак қароға мойил кўклик ивиган қоннинг асаридурки, балғамни совуқ таъсиридин андак ивигандур. Бас, мутаҳаққиқ (ишончли) бўлдики, қалай рангни ҳодис қилғон фоъили моддаи балғамдурки, андак йубу-сати савдовиятға, яъни қон инжимоди (ивиши)ға мураккабдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, юқорида мазкур бўлғон рангларни аксари муаллифлар тарафидин ва баъзилар шориҳлар тарафидин зикр қилин-ғон ранглардур. Ва булардин бошқа икки ранг бордурки, муаллиф ва шориҳлар ани баёниға кирмагандурлар. Лекин мизожға далолати со-битдур. Ва ҳақир¹ ани ҳам баёнға киргузмоқни муносиб кўрдумки, ани бирини арабда удмат ва бирини ожий дерлар. Удмат рангини умрат ҳам дерлар. Ва таржимаси форсийча гандумий ва туркийча буғдой ранг демақдур ва буғдой ранг яна икки хил бўлурки, бири ялтироқ ва ранг-дор бўлур ва бу ранг мизожда ҳароратни ғалабасиға далолат қилур, зероки, бу ранг ахлотни эҳтироқиға, яъни ҳарорат таъсиридин мутаас-сир ва куймоқда эканиға далолат қилур. Ва иккинчиси хийра ва берав-нақ ранг да бўлур. Ва бу ранг қонға совуқ таъсир қилғонлигидин қонни инжимодиға (ивишиға) далолат қилур. Аммо ожий ранги оқ ранг да бўлиб, андак сариқ рангга мойил бўлур ва бу ранг мизожда совуқни

¹ Бу ерда муаллиф ўзини назарда тутмоқда.

ғалабасиға ва кўб миқдор балғамға ва андак миқдор сафрони аралашганиға далолат қилур. Ва балғамға сафрони аралашмоғи икки навъ бўлур. Бири шулки, жигарға совуқни ва балғамни ғалабасидин варам пайдо бўлур ва варамни тазйиқи сабабли сафрони меъдаға қуядурган мажроси сиқилуб, банд бўлур. Бас, ночор сафро балғам ва қонға қўшилуб, баданға таралур. Бас, балғамни ғалабасидин баданда оқ ранг ва мизожда совуқ ғолиб бўлур. Ва андак сафрони ихтилотти сабабли мазкур оқ ҳам андак сариқликға мойил бўлур. Чунончи, варамни жигар (жигар шиши) ва истисқо касалида машҳуддур. Ва иккинчи навъи шулки, жигарда варам бўлмаса ҳам, балғамни ғолиблик вақтида бир сариёул-истиҳола (тез ўтувчи) нимарсани тановули иттифоқан воқеъ бўлур. Чунончи, балғами ғалаба қилган киши қаттиқ ҳаракат сўнгида ва ё ҳаммомдин чиқиб қизиб турган ҳолида тарбуз тановул қилгон бўларки, қизиб тургон меъдада тарбуз сафроға мустаҳил бўлуб (айланиб), балғамға ва қонға қўшилуб, баданға таралган бўлур. Бас, балғамнинг ғалабасидин оқ ранг ҳосил бўлиб, анга сафрони ихтилотидин андак сариқликға мойил ранг ҳодис бўлур.

ФОИДАИ ДИГАР. Билмоқ керакки, бу баён қилингон ранглар ҳаммаси баданни саломат вақтида фақат баъзи ахлотни баъзиға ғалабаси ва ё кайфияти ила ориз бўладирган ва аксар воқеъ бўладурган ранг ва аломатлардур. Ва илло, бадан рангини тағаййури баъзи узвни махсус касали сабаблик ҳам мумкиндурки, масалан, жигар ва талоқ ва меъда ва бунга ўхшаш узвларни касали ҳам ранги баданни тағаййуриға (ўзгаришиға) сабаб бўлур. Чунончи, жигар касали ранги баданға сабаб бўлғониға мисол жигарни заифлиги ва суъи мизожи ранги баданни оқ ва сариғ бўлмоқлигиға сабаб бўлурки, бу сувратда бадан ранги сариғ бўлмоғиға қонни камлиги сабабдурки, суъи мизож ва заъфи жигарни лозимасидур. Ва оқ бўлмоғиға рутубати моййи балғамий сабабдур. Ва жигарда қон кам ҳосил бўлғони учун ранги баданни қизартура олмай, ночор тери қондин бебаҳра ва ўзининг асл рангида оқариб қолмоғидур. Талоқнинг ранги бадан тағйириға сабаб бўлмоғи сариқ ва қора ранг ҳосил қилмоқ ила бўлур. Бас, баданда сариқ ранг ҳосил қилмоғининг важҳи талоқни фосидлиги сабаблик жигар ўзида ҳосил бўлгон қонни камлигиға илова жигар ўзидаги савдони талоққа ўткура олмагани ва ночор баданға дафъ қилмоқда оз миқдор савдоға қўшуб, бабаҳона кўб миқдор сафрони дафъ қилмоғидур.

Ва қаро ранг ҳосил қилмоқни ваҳжи шулки, жигарни баданға дафъ қилгон савдосиға иловатан талоқ ўзида бўлгон моддаи савдони меъдага тўкмай, баданға дафъ қилмоғидур. Ва меъдани тағайюри ранги баданға сабаб бўлмоғи ҳам гўё жигарни сабаб бўлмоғи каби ранги баданни сариғ ёки оқ бўлмоғиға сабаб бўлур. Лекин меъда, аксар ранги баданни оқ бўлмоғиға сабаб бўлур. Ва сариғ бўлмоғиға камроқ сабаб бўлур. Ва жигар билъакс, ранги баданни сариғ бўлмоғиға кўпроқ сабаб бўлур ва оқ бўлмоғиға камроқ сабаб бўлур. Ва инчунин, бошқа касалларни тағайюри ранги баданға сабабликлари кўрилуру. Чунончи, бавосир касали аксари ранги сариғ бўлмоғиға ва гоҳи кўк бўлмоғиға сабаб бўлур ва бошқалар ҳам шунга қиёсдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳамма баданнинг рангидин умумбадан мизожига истидлол қилмоқ мумкиндур, лекин қорин ва ичак ва жигарни мизожига истидлол учун тилнинг ранги қавий (кучли)поқ далилдур. Ва димоғни мизожи учун кўзни ранги саҳиҳ (яхши)роқ далилдур. Ва гоҳи бир касалда икки узвнинг ранги икки хил муҳолиф рангда бўлмоғи ҳам мумкин бўлур. Масалан, тилни ранги оқ бўлуб, бошқа аъзо ҳаммаси қора рангда ёки оқ ила сариғдин мураккаб рангда бўлур. Чунончи, баъзи ярақон (сариқ касали)да машҳуддур. Ва ани сабаби шулки, сафрони меъда тарафға мажроси банд бўлур ва шул сабабдин сафро меъдаға тушолмай, ночор қон бирлан қўшилиб, баданға таралиб, ранги баданни сариқ қилур. Лекин меъдаға тушолмаган сабабдин меъда ва ичакға совуқ ғалаба қилуб, буларда балғам кўпроқ пайдо бўлур. Ва тил меъдаға муҳозий ва алоқадорлик сабабидин ул балғамлар тилни оқартируру. Бас, юзни ва тамоми баданни ранги сариғ бўлуб, фақат тилни ранги оқ бўлур. Ва инчунин, ярақони асвадда ҳам меъда балғамни таваллуди кўб бўлғони учун тилни ранги оқ ва бошқа баданни ранги қаро бўлмоғи мумкиндур.

БЕШИНЧИ ФАСЛДА БАДАН АҲВОЛИҒА АХЛОТ (ХИЛТЛАР) ЖИҲАТИДИН ДАЛОЛАТ ҚИЛАДУРГАН АЛОМАТЛАР БАЁНИДАДУР

Ва ахлоти арбаъа (тўрт хилт) биринчи мақолада мазкурдурки, қон ва балғам ва сафро ва савдодур. Бас, қоннинг ғалабасиға аломат бошнинг оғирлиғи ва керимоқ ва эснамоқ ва мудрамоқ ва ҳавоссинг

(сезгиларнинг) кудурати ва фикрнинг ўтмаслиги ва оғизнинг ширинлиги, юз ва тил ва соири баданни қизиллиги ва чипқон ва майда жароҳатларни зуҳури ва ёрилмоғи, осон бўлгон жойларда қон сайлон қилмоғи, чунончи, бурундин ва тишни милкидин қон чиқмоғи – ҳаммаси ғалабан хун (қон) аломатларидиндур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, қон ғалабасини лозималаридан бири шулки, баданда оғирлик, яъни ҳаракат учун малол ва машаққат маҳсус бўлур. Зероки, баданда қон кўбдур. Ва қивоми ҳам ғализдур. Бас, агар буни миқдори зиёда бўлса, албатта, аъзога оғирлик қилур. Ва яна бир важҳ шулки, қонни кўплиги ҳарорати ғаризийга ғолиб бўлур, яъни ҳарорат қонга тасарруф ва таважжуҳдин ожиз бўлуб, заифланур ва шул сабабдин баданни ҳамлига (кўтаришга) лозимича таҳаммулдин малул бўлур. Ва би-з-зарур баданда оғирлик эҳсос қилинур. Яна бир важҳ шулки, қонни кўплигинин руҳ ва пайларга рутубат зиёда бўлурки, боиси руховатдур, яъни руҳ ва пайларни ҳаракатга сушт қилур. Бас, андак ҳаракат ҳам пайлар учун қийин бўлур. Бинобарин, баданда оғирлик сезилур ва қон кўплиги омдурки, хоҳ ҳақиқатан миқдори кўб бўлсин ва хоҳ ҳарорат сабабидин қон қайнаб кўпайгон бўлсин, баданга оғирлик эҳсос қилмоқда баробардур. Лекин қон кўплигинин мурод нотабий қоннинг кўплигинидурки, табиат хоҳишига муҳолиф бўлур. Ва аъзонинг физосига нолойиқ бўлур. Зероки, муқтазойи табиатга мувофиқ ва қивомининг салоҳияти ила тамом аъзога марғуб бўлгон қоннинг кўплиги, балки баданни равнақи ва қувватига боис бўлур ва оғирлигига сабаб бўлмас.

Ва билмоқ керакки, нотабий қон кўб бўлгон вақтда оғирлик бошда маҳсус бўлур. Зероки, бошда қавак жойлар кўбдур. Ва бухорот бошга пайваста суъуд қилуб турар. Бас, агар қон зиёда бўлса, ондин бухорот ҳам зиёда суъуд қилур ва қоннинг ғализлиги сабабидин андин суъуд қилгон бухорот ҳам ғализ бўлур. Ва бошнинг қавакларига кўброқ миқдор бухороти ғализа жамъ бўлса, би-з-зарур бошда оғирлик эҳдос қилинур. Чунки ҳарчанд, бухороти ғализа бошқа жирми касифларга нисбатан енгил бўлса ҳам, лекин фи-л-жумла, оғирлиги зоҳирдур. Бас, бўш ўринга андак оғирлиги бўлгон бухоротнинг фи-л-жумла оғирлиги албатта, маҳсус бўлмоқлиги табиийдур. Хусусан, мазкур бухорот маҳсус ғализликдин таҳлил тополмай, кечи-

киб турмоғи ва анга пайваста суъуд қилғон бухоротни қўшилиб турмоғида оғирлик кўпроқ маҳсус бўлур. Магар ул қонға сафро қўшилғон бўлса, сафрони латифлигинин бухорот ҳам латифроқ бўлиб, ани оғирлиги холис қон ғалабасини оғирлигинин камроқ маҳсус бўлур. Лекин баҳарҳол бошни оғирлиги бошқа баданни оғирлигинин кўпроқ маҳсус бўлур.

Аммо кўзнинг илдизида ва икки чеккасида маҳсус бўлғон оғирлик, бошнинг бошқа ажзосида бўлғон оғирликдин зиёдароқ бўлур. Зероки, кўзнинг илдизиға келғон пай бошқаларға нисбатан мулойимроқ ва ҳам мужавваф, яъни ичи кавак ва ҳам бошқа пайларға нисбатан бунда руҳ кўпроқдур. Бас, бу жойларға суъуд қилғон бухороти мазкур зотан рутубатлиги маълумдур. Ва юқорида зикр қилиндики, пайға ва руҳға рутубат кўпроқ лоҳиқ бўлса, пай ва руҳни суст қилур. Бинобарин, узвни ҳамли (кўтариш) анга душвор (оғир)роқ бўлурки, оғирлик шундан иборатдур. Аммо икки чеккада оғирликни кўпроқ маҳсус бўлмоғиға сабаб шулки, бадандин бошға чиққан томурларнинг аксари чеккадин ўтар. Ва зоҳирдурки, кўб миқдор ғализ қон бирлан тўлғон томурларни бул маҳаллда ижтимоъи шубҳасиз оғирлик эҳсосиға сабаб бўлур.

Аммо қон ғолибликда керишмоқни сабаби шулки, баданнинг узлалари бухорот бирлан тўлиб табиатға халаллик бўлур. Бас, табиат ани дафъи учун ҳаракат қилур. Ва шул вақтда хоҳ инсон ва хоҳ бошқа ҳайвон ҳамма аъзосини ёзмоқға музтар ва мажбур бўлурки, бу ҳолатни арабда таматтий ва форсийда хамёза ва туркийда керишмоқ дерлар. Аммо эснамоқни сабаби шулки, икки чакакни узлалари қоннинг бухороти ила тўлуб, табиатға халал берур. Бас, табиат ани дафъиға ҳаракат қилур. Шул вақтда инсонға бир ҳолати ориз бўлурки, оғизни катта очиб, нафас чиқармоқға музтар бўлур. Ва бу ҳолатни арабда тасовуб ва форсийда фоза ва даҳандара ва туркийда эснамоқ дерлар. Аммо мудрамоқни ва кудурати ҳавоссни ва балодати фикрни (фикр ўтмаслашувини) сабаби бошқа бухороти ғализ суъуд қилмоғидурки, бу бухорот мияға етганда руҳи нафсонийни ҳам ғализ қилуб, афъолиға халал пайдо қилур. Ва инсоннинг ҳоли филжумла маст кишининг ҳолиға мушобиҳ (ўхшаш) бўлур ва сиҳҳат кишининг ҳолиға нисбатан ани шуъури камроқ бўлур. Ва баданни тасарруфиға руҳнинг феъли нуқсонлик бўлур. Бас, бедорликдин уйқу

тарафга мойилроқ бўлурки, бу ҳолатни арабда нуъос ва форсийда пинак ва туркийда мудрамоқ дерлар.

Ва инчунин, эҳсос ва фикр ҳам руҳи нафсонийнинг феълидурки, анга ҳам нуқсон ориз бўлуб, сезги қуввати ва зеҳнда суслик пайдо бўлур. Ва зоҳирдурки, ушбу сабабларни ҳаммасини моддаси қондур. Ва қоннинг ғалабасиға булардин бошқа ҳам аломатлар ва сабаблар кўбдур. Лекин тилнинг териси юпқа, гўшти мутахалхал, яъни ковақдор ва сертомирлигиндин тилни рангида қизиллик равшанроқ ва бошқа баданнинг қизиллигиндин кўпроқ бўлур. Бинобарин, тилнинг рангини бошқа бадан рангиға иктифо (кифоя) қилмай, алоҳида тақрор зикр қилғондурлар.

Ва қоннинг ғалабасиға далолат қилғувчи бошқа аломатлар ҳам кўбдур. Лекин аларни камоли возиҳ (равшан)ликлариға иктифо қилиб, атиббо китобларида зикр қилинмагандур. Ва ҳақир алардин баъзиларини мисол учун қорини киrom (азиз ўқувчилар) хотирлариға тақдим қилуб ўтмоқни муносиб кўрдумки, ул аломатлардин бири мизождурки, иссиқ ва ҳўллик кайфиятни эҳдос қилғучи даво ва бошқа сабабларни тақаддумидин мизожда бир қувват ҳосил бўлурки, шул қувват бирлан мизож ғизодин кўб қон ҳосил қилғон бўлур. Ва бул кайфиятни мизожда ҳосил бўлғони инсонға маълум бўлур ва аломати шулки, инсон бағайрат ва серҳаракат бўлур. Лекин тез-тез ухламоқға муҳтож бўлур. Ва жасадида енгиллик ва аъзода қувват ва табнатда равшанлик ҳис қилур ва андак иссиғликдин асарланур ва совуқдин роҳатланур ва андак ҳўлдин ҳам асарланур ва қуруқликдин нафъ олур. Бас, шундоқ кайфиятни собиқда пайдо бўлганлиги сўнг вақтда қоннинг ғалабасиға аломатдур. Ва бири собиқда қонни кўпайтургувчи нимарсалардин кўпроқ тановул қилмоқ, чунончи, кўб вақтгача доим гўшт ва тухум каби нимарсадин кўб тановул қилмоқдурки, булардин кўб қон ҳосил бўлур, сўнг вақтда ҳақиқатан қонни ғалабасиға аломат бўлур.

Ва ё собиқда қонни ғалаёниға сабаб бўлғувчи нимарсалар иттифоқ келур. Чунончи, май, қимиз ва бошқа мукаййифотдин (кайф берувчилардин) ичмоқ ва ё бағайри одат бир ғизон муғаллийдин (ғалаён қилдирувчи) кўб миқдор тановул қилмоқ, чунончи, кабоб ва қовурдоқ ва қуймоқ каби. Ва ё асал ва ё шакар ва заъфарон каби. Ва ё офтобнинг шиддатлик ҳароратида сафар қилмоқ ва ё хумдон каби шиддатлик олов бирлан ишламоқ бунга ўхшаш нимарсалар қонни

ғалаёнға киргузуб, агарчи зотан қон ғолиб бўлмаса ҳам, лекин кай-фан ғолиб бўлур.

Ва бир аломат фасли баҳордурки, баҳорнинг хоссаи шаъни қонни кўпайтирмоқ ва ҳамма хилтларни эритмоқдур. Ва хилтларни эримоғидин ҳосил бўлгон бухорот ҳам қонни қайнамоғиға муъин (ёрдамчи)-дур. Ва бир аломат ёш йигитлик давридур. Зероки, сағирликда ҳарчанд ҳарорат ғолиб бўлса ҳам, лекин ул вақтда рутубат ҳам ғолиб бўлурки, қоннинг ғалаёниға монёъ бўлур. Ва қариликда ҳарорат заиф бўлур ва ғалаёнға сабаб бўлолмас. Аммо йигитлик даврида ҳарорат ғолиб ва рутубат муътадил бўлур ва ғалаёнға ҳарорат сабаб бўлур, лекин анга рутубат монёъ бўлолмас. Бас, би-з-зарур қонда ғалаён ҳосил бўлур.

Ва бир аломат одатдур, яъни баданнинг одатда серқон бўлуб юрмоғидурки, бу ҳол соҳиби баданға аввалдан маълум бўлғони учун бошқа мисол ва далилға ҳожат йўқдур. Ва бир аломат одати табиатдур, яъни қон олдирмоқға ҳожат бўлуб олдирилса, сўнгра табиатнинг вазифасидурки, қоннинг нуқсони тўлғунча қон кўпайтирмоқға таважжуҳ қилур. Бас, агар ул киши тўрт-беш йилгача ҳар йил қон олдирган бўлса ва ани нуқсонини тўлдирмоқға табиат мутаважжиҳ бўлгон бўлса, бул кишининг табиати бошқа одам табиатиға нисбатан кўб қон ишламоқға одат қилур. Бас, агар ул киши муътод (одат) вақтида қон олдирмаса, ночор қон ғолиб бўлур, хусусан, бошқа одамға назаран қони кўпроқ ҳосил бўлуб юрган кишини табиати олдуրгон қонни нуқсонини тўлдирмоқға одат қилгон бўлса, қон кўпроқ ғалаба қилгон бўлур.

Ва бир аломат уйқуда қизил ранглик нимарсаларни туш кўрмоқдур, зероки назди атиббода муқаррар бўлгондурки, ғолиб хилтнинг рангидин руҳ ҳам мутакаййиф бўлуб, асарланур. Бас, қуввати ҳоссанинг олдиға бир нимарса келса, ани ўшал хилтни рангида эҳсос (ҳис) қилур. Бас, қонни ранги қизилдур, бинобарин, тушда кўринган нимарсанинг аксари қизил рангда кўринур. Ҳаттоки, агар руҳға мазкур кайфият маҳкамроқ ўрнаган бўлса, бедорлик вақтида ҳам ғолиб хилтни рангида бўлгон нимарсаларни кўпроқ хаёл қилур. Ва ҳатто кўзга ҳам шундоқ нимарса кўринган каби шубҳа қилур.

Ва бир аломат шулки, томурлар йўғон бўлур. Зероки, маълумдурки, ғолиб қоннинг бадан ҳожатидин зиёдаси ҳаммаси томурда айланиб,

оқиб юрарки, даврон уд-дам (қон айланиши) шундин иборатдур. Бас, томурда зиёда миқдор қоннинг ҳажми, албатта, томурни йўғон бўлмоғига боисдур. Ва яна кўб миқдор қондин кўб миқдор бухорот ҳосил бўлуб, қон бирлан ҳамроҳ бўлиб юрарки, бухорот ҳам томурни йўғон бўлмоғига мусталзимдур.

Ва бир аломат ҳумрати бавл (сийдик қизиллиги)дур ва ташриҳи аъзои муфрададин жигар ва томир ва буйрак ташриҳларида маълум бўлдики, жигар ғизодин ҳазми каймуси увлода ахлоти арбаъа ҳосил қилуб, андин фазла бўлғон селни ажваф номлик томур воситаси бирлан буйракга юборадур. Ва буйракдин ҳолиб исмлиқ томур воситаси бирлан масонага боруб, андин мажрои махсуса воситаси бирлан хориж бўлур. Бас, агар қон ғолиб миқдорда бўлса, андин масона тарафга мундафиъ бўлғон сел ҳам кўб миқдор бўлур. Бинобарин, сийдук сел рангга яқинроқ қизил ранглиқ бўлур. Ва ҳоказо қоннинг ғалабасига далолат қиладурган аломатлари кўбдур. Лекин садади баёнға (баён мақсадиға) бундин зиёда татвили калом (сўз узайиши) ноллойиқдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, қоннинг ғалабасига далолат қиладурғон аломатларнинг баъзиси хосса ва баъзиси ғайри хоссадур, яъни баъзи аломат бир хилтға хос бўлурки, ҳаргиз ул бошқа хилтда мавжуд бўлмас. Чунончи, қон ғалабасида рангни қизиллиги ва оғизни ширинлиги бошқа ҳар қаю хилтда мавжуд бўлмас. Ва баъзи ғайри холис бўлғон аломатки, мисоли ҳароратдурки, қонни ғалабасидин иссиқ бўлур. Лекин бу иссиқ қонға хос эмас, балки сафрони ғалабасида ҳам ҳарорат мавжуддур. Балки, қонни ҳароратидин ҳам зиёда бўлур. Ва ҳар бир хилтнинг аломатидин кўпроғи ёки камроғи зоҳир бўлмоғи мазкур хилтни кўпроқ ёки камроқ ғалабасиға назаран тафовутлик бўлур. Ва инчунин, ул аломатларнинг енгилроқ ва ё шиддатликроқ бўлмоғи ҳам мазкур хилтнинг фасодиға назаран фарқлик бўлур.

Ва яна билмоқ керакки, ҳар бир аломатнинг зуҳури учун анга монёв сабаблардин ҳеч бири бўлмаслиги шартдур. Зероки, масалан, ранги баданнинг қизиллиги қон ғалабасининг аломатларидиндур. Лекин агар ғолиб қонни қивоми қуюқ ва ширадор бўлса, зоҳири баданнинг танг масомлариға сироят қилиб чиқмас. Бас, ночор терида қон кам бўлғони учун ўзининг табиий ранги бўлғон оқ рангда кўринур.

Ваҳоланки, ул кишининг қони шиддатли ғолиб бўлур. Бас, шул тан-биҳни бошқа хилтлар ғалабасида ҳам фаромуш қилмаслик керак. Ва ҳар қачон қаю хилтни ғалабаси учун баъзи аломат муҳолиф келса, яна бошқа аломат ва далил бирлан тафтиш қилиб, сўнгра ҳукм қилмоқ лозимдур. Ва баҳарқол ҳар бир хилтни аломати хоссасини тафтиш вақтида фаромуш қилмаслик вожибдурки, монёнинг манъи аломати хос-сани хоссалиқдин чиқара олмас, яъни ҳеч вақтда аломати хосса номаълум бўлмас. Ва ҳар қачон икки хил ва ё уч хил хилт ғолиб бўлса, аларни ҳар бирини ва миқдор ғалабасини ўз аломати хоссасидин ва ани кўпроқ ва ё камроқ зуҳуридин билмоқ мумкиндур.

АММО БАЛҒАМ ҒАЛАБАСИНИНГ АЛОМАТИ

Ранги баданнинг оқлиги ва гўштнинг бўш ва сустлиги ва ушлаганда бадни мулойим сезилмоғи ва ҳам совуқроқ сезилмоғи ва ҳазм заифлиги ва кекурукнинг турш таъмлиги ва уйқуни кўплиги ва фикрни ўтмаслиги ва фаромушхотирлик ҳаммаси ғалабаи балғам аломатларидиндур. Ва яна тупукни кўплиги ва ташналиқни камлиги ғалабаи балғамга аломатдур. Магар балғамга сафро аралашса, бу икки аломат нобуд ва номаълум бўлур. Аммо ранги баданнинг оқлиғига сабаб ғолиб бўлгон моддаи балғамнинг рангидурки, оқ ранглиқдур. Ва баданнинг сустлиги ва ушлаганда мулойим сезилмоғи рутубат сабабидундурки, балғам маҳзи рутубатдур. Ва баданнинг совуқ сезилмоғи моддаи балғамни мизожи сабабидиндурки, совуқ мизожликдур. Аммо серуйқуликни сабаби балғамни лузужати ва ширасидурки, ўз шираси ила руҳи нафсонийнинг масомларини банд қилуб, руҳни зоҳири баданга мутаважжиҳ бўлмоқдин, фи-л-жумла, манъ қилур. Ва руҳ ботини димоғда маҳфуз турарки, бу ҳолни номи уйқудур.

Аммо фикр ўтмас бўлмоғининг сабаби зоҳирдурки, фикр ва зеҳн учун ҳаммадин зарарлик нимарса рутубатдурки, балғамдур. Аммо заъфи ҳазм ва турш таъмлик моддаи мураххийянинг (бўшаштирувчи модданинг) совуқлигидурки, балғамдур. Зероки, ҳазми яхши бўлмоғи ҳарорати мўътадилани таъсири ила бўлур. Ва балғам совуқлигидин ғалабаи балғамда ҳарорат ҳадди эътидолдин албатта, камроқ бўлурки, заъфи ҳазмга боисдур. Ва инчунин, ҳароратнинг тасарруфда заифлигини

лозимаси ғизони муддати ҳазмдин кечикмоғидурки, шул сабаблик меъдада ачимоғи ва анинг лозимасидурки, аччиқ ғизодин аччиқ бухорот ва аччиқ риёҳ (бод) ҳосил бўлур.

Аммо сертупукликни сабаби оғизға бадандин суъуд қилғон (кўтарилғон) рутубатлардур ва мядин оғизға жалб қилинғон рутубатлардур. Ва ҳам меъда оғиздин тупукни жазб қилмоғонлиқдур. Зероки, ҳар вақт меъдада рутубат бўлса, оғизни рутубатини жазб қилмоқдин мустағний (эҳтиёжсиз) бўлур ва илло меъдада ҳарорат пайваста бўлғон сабаблик меъдани вазифаси доим оғиздин рутубат жазб қилмоқ бўлур. Ва ташналикни камлиғиға сабаб ҳам совуқ рутубатдур. Ва балғамни асл табиатидур. Лекин бу ҳол бир балғамни ғалабаси учун мутлоқ эмас, балки шўр балғамдин бошқа балғамлардагина бул аломат мавжуд бўлур. Зероки, муқаррар (такроран) зикр қилиндики, балғамни шўрлиғиға сабаб анга сафро ҳам аралашмоғидур. Бинобарин, шўр балғамни ғалабасида би-л-акс аташи козиб (ёлғон чанқаш) ғолиб бўлур. Лекин сафрои холиснинг ғалабасидин пайдо бўладурган ташналикни даражасида бўлмас. Ва шўр балғамдин ориз бўлғон ёлғон ташналикни аломати шулки, совуқ сув ичмоқ бирлан таскин топмас, балки сабр қилса, ўз-ўзидин таскин топар. Ва қайноқ сувни қайноқ жойдин журъа-журъа (бўлиб-бўлиб) ичса таскин топар. Аммо сафрони ташналиғи то совуқ нимарса ичмаса, бошқа нимарса бирлан ҳаргиз таскин топмас. Ва ушбу мазкур бўлғон аломатлар ҳаммаси ғалабаи балғамнинг аломатларидурки, атиббои мутақаддимин (ўтмиш табиблари) китобларида марқумдур (зикр қилинғандур).

Аммо ғалабаи балғам учун бошқа аломатлар ҳам кўпдурки, жумладин, мисол учун баъзисини кўрсатиб ўтмоқ лозимдур. Чунончи, бир аломат баданнинг қоҳил ва ҳаракатға нотолиблиғидур. Зероки, баданнинг совуқ рутубат ила тўла бўлмоғини оғирлиғи ҳаракатға мунофий (зид) ҳолатдур. Ва ҳам рутубат пайларни суст қилур. Зероки, пайларни қуввати қуруқлиқдағина бўлур. Хусусан, ҳароратнинг қуруқлиғидин баданнинг пайлари бағоят бақувват бўлур. Шунинг учундурки, сафрони ғалабасида асло баданда оғирлик сезилмас. Ва бошқа хилтларда оғирлик сезилса ҳам, балғам ғалабасида оғирлик қон ва савдо ғалабасидаги оғирликға нисбатан зиёда бўлур.

Ва бир аломат шулки, балғам мизожлик одамни томури юмшоқ бўлур. Ва оҳиста ҳаракат қилур. Ва ҳаракати инбисотий ва ҳаракати инқибозий (ёзилиш ва сиқилиш ҳаракатлари) ҳам бу икки ҳаракати зидларни миёналарида сукуни равшан ва бир-биридин тафовути зоҳир бўлур. Зероки, рутубат ва бурудатнинг ғалабасида зоҳирдурки, рутубат юмшоқликга сабабдур. Ва ҳам ҳаракатда узвни сушт ва оғирлигига сабабдур. Ва совуқ ҳароратнинг камлигига мусталзимдур. Ва маълумдурки, ҳарорат кам бўлуб, дил ва руҳ тарвиҳ учун кўб муҳтож бўлма-са, шараённи ҳам батаанний (секин) ва оҳиста ҳаракат қилдирур. Ва оҳисталик ҳаракатни бир-биридин тавофутига мусталзимдур.

Ва яна бир аломат ёшнинг катталиги ва яна бир аломат фаслнинг қишлиги ва табиатнинг одати ва тадбири мураббатнинг тақаддуми ва ҳаракат ва саноат (ҳунар) ва уйқуда оқ ранглик нимарсаларни кўпроқ туш кўрмоқ каби қон ғалабасини аломатларини хилофида бўлгон аломатлардурки, такроран зикри сазовор эмасдур.

АММО САФРО ҒАЛАБАСИНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Сафро ғалабасининг аломатлари шулки, ранги баданнинг сариғлиги ва кўзнинг сариғлиги ва тилнинг сариғ ва дағаллиги ва оғизнинг аччиғлиги ва қуруқлиги ва буруннинг қуруғлиги ва ташналикнинг кўплиги ва иштаҳанинг камлиги ва қўнғил айнамоғи ва бадан мўйларини қойим (тик) бўлмоғи ва баданга гўё сўзан (нина) қадалгандек санчиқ эҳсос қилмоқ ҳаммаси сафро ғалабасига далолат қиладургон аломатлардур. Аммо ранги бадан ва тил ва кўзнинг сариқ бўлмоғига сабаб сариғ ранглик хилтни, яъни сафрони ғалабасидур. Аммо оғизнинг аччиғлигига сабаб моддаи сафронинг аччиғлигидур. Аммо тилнинг дағаллиги ва оғизу буруннинг дағаллигига сабаб сафронинг иссиқ ва қуруқлигидур. Ва ташналикни ғалабасига ҳам сабаб сафронинг иссиқ ва қуруқлигининг даражаи қувватидурки, бул қувват бадандин рутубатни камайтирадур. Бас, бу ҳароратни таскин бермоқ ва фоний бўлгон рутубатни бадалига рутубат ҳосил қилмоқ учун табиат сувга толиб бўлурки, ташналик шундин иборатдур. Аммо иштаҳони камлигига сабаб шулки, сафро ўз ҳарорати ила фами меъдани илитар ва сушт қилур. Зероки, бу китобни муқаддимисида зикр қилиндики, иштаҳога сабаб меъдага моддан савдонинг қуюлмоғидур.

Ва савдонинг мизожи совуқ, таъми нордон ва афс, яъни аччиқтош ва мозу таъмидадурки, фаами меъда ажзосини бир-бирига жамъ қилуб ачитадурки, шул кайфият очликдин иборатдур. Бас, ҳарорати нотабиий бул кайфиятни муҳолифи ва мубаттали (йўқ қилувчиси)дур. Ва яна мумкиндурки, сафрони ҳарорати бирлан атрофдаги рутубати мунжамидалар эриб, латиф бўлса. Ва шул сабаб бирлан меъда оғзиға қуюлур, фаами меъда ул рутубатлардин мустархий ва суст бўлғони учун иштаҳа соқит бўлса. Чунки зоҳирдурки, меъдани ажзосининг касиф ва қуруқлиги боиси иштаҳа бўлғонда ани руховати ва суслиги ани хилофича боиси суқути иштаҳа бўлур. Ва шунинг учундурки, кўнгул айнамоқ ғалабаи сафрони лозимасидур.

Аммо мўйларни қойим (тик) бўлмоғиға сабаб сафронинг шиддатлик ҳароратидур. Зероки, шиддатлик ҳарорат бухороти духонийяни кўб миқдор ҳусулиға ҳам аларни зоҳири баданға тезроқ таҳлил топмоғиға сабаб бўлур. Ва маълумдурки, бухороти духонийядин ҳосил бўлғон мўйнинг тагидин ёрдам учун кўб миқдор бухороти духонийя пайваста етуб турса, мўйларни зоҳир тарафға итариб, тазийқ қилурки, бу кайфият мўйларни музтариб ва қойим бўлмоғиға боис бўлур.

Аммо баданға гўё игна қадалғон каби озор ва сўзиш эҳсос қилинмоғиға сабаб ҳиддатлик сафродин ҳосил бўлғон ҳиддатлик бухоротдурки, ўз ҳиддати бирлан терининг масомларидин чиқмоқда масомларни куйган каби ачитар. Ва яна кутуби мутақаддиминда мазкурни аломатларидин бири шулки, совуқ ҳаводин лаззат ва роҳат топмоқдур. Зероки, совуқ ҳаво ҳароратининг фи-л-жумла таҳрифиға (йўқолишиға) боис бўлур. Ва инчунин, баданни совутадурган мубарридотдин ҳам роҳат олмоқ ғалабаи сафроға аломатдур.

Ва яна бир аломат томурни тез ва пайдар-пай ҳаракатидур. Зероки, сафро ҳароратидин руҳ ва дил тарвиҳ (совутиш) учун муҳтож бўлуб, тезроқ ҳавои насимда фоида олмоқға ҳаракат қилур. Ва дилни ҳаракатиға томурни ҳаракати тобеъдур. Бинобарин, бу изтироблик ҳаракат томурдин маҳсус бўлур.

Ва яна бир аломат сариг ва ё кўк рангда қай қилмоқдур. Зероки, сариг ранг моддаи сафрои табиийяни рангидур. Ва кўк ранг сафрои муҳтариқани, яъни куйган сафрони рангидурки, баҳарҳол қай бирлан тушган нимарса сафро жинсидиндур.

Ва яна бир аломат сафрони ғалаёниға ва кўпаймоғиға сабаб бўладурғон нимарсалардин аввалроқда истеъмод қилғанликдур.

Ва яна бир аломат ёшнинг сафроафзолик вақти, яъни йигитликнинг ўткир иссиқ вақтидур. Ва яна бир аломат аввалда сафро мизожликдур. Ва яна бир аломат одати табиатдур. Ва яна бир аломат турғон шаҳарни ҳавоси иссиқ ва қуруқлигидур. Ва яна бир аломат қилиб турган ҳаракат ва санъатининг боиси ҳарорат ва муваллиди сафролигидур (сафро туғдирувчилигидур). Ва яна бир аломат тушида оловни ва оловранглик нимарсаларни кўрмоқдур. Хаттоки, моддаи сафро ғолиб бўлса, бедорликда ҳам оловранг нимарсалар кўзга кўрингандек хаёл қилинур. Ва яна бир аломат сийдукни оловранг сариқ бўлмоғидур, лекин агар сафро бош тарафга ва ё бошқа зоҳир тараф аъзоға мойил бўлса, ул вақтда сийдукдин асари зоҳир бўлмас. Чунончи, сарсоми сафровийнинг буҳрон вақтида сийдик сув каби беранг бўлур. Ва инчунин, сафро ғалабаси учун ҳар узвға зоҳир бўладургон асарларни шиддати ва ё каму енгиллиги ҳам моддаи сафрони кўплик ва ё камлик нисбатига мутаносиб тафовутлик бўлур.

АММО САВДО ҒАЛАБАСИНИНГ АЛОМАТЛАРИ

(Савдо ғалабасининг аломатлари) баданнинг ориғ ва қуруқлиги ва бадан рангининг камудати, яъни кўрғошим ранглиги ва қоннинг қуюқлиги ва бефойда фикр ва васваснинг кўплигидур. Хусусан, ваҳмлик ва кўрқинч фикрнинг зиёдалиги ва меъданинг бошида ачишмоқ асари зоҳир бўлмоғи ва сериштаҳа бўлмоқ ва тез фурсатда қорин очмоқ ва сийдикнинг кўрғошим ранг ва ё қора ранг ва ё тўқ қизил рангда рангдор бўлмоғи ва зоҳири баданнинг қора ва сермўй бўлмоғи ва мўйнинг тез ўсмоғи – ҳаммаси ғалабаи савдо аломатларидиндур.

Аммо баданнинг ориғ ва қуруқлигига сабаб моддаи савдони қуруқ ва арзийят табиатидалигидур. Ва зоҳирдурки, баданнинг тўла ва болида бўлмоғи рутубати табиийяни пайваста ахлотдин ҳосил бўллуб, баданда сироят қилуб, ажзои баданға кўшилиб, жузви бадан бўлмоғи ила бўлур. Бас, агар савдо ғолиб бўлса, ани қуруқлиги сабабли андин рутубати табиийй ҳосил бўллуб, баданға жузви бадан бўлолмас, балки бадан рутубатини ҳам жазб ва таҳлил қилуб, камайтирар. Бинобарин, анда ориғлик ва қуруқлик ориз бўлур.

Ва билмоқ керакки, сафронинг мизожи қуруқдур. Лекин баданга бул қадар ориқлик ва қуруқлик эҳдос қилолмас. Чунки ани қуруқлиги савдони қуруқлиғига нисбатан камроқдур. Аммо қон моддаси ҳам рутубатдур, ҳам иссиқдурки, ҳарорати ила рутубати ғализаларни эритиб, баданга сингдирар, бинобарин, баданни тўла ва болида қилур. Ва балғам моддаси зоҳирдурки, маҳзи рутубатдур, бинобарин, бу икки моддани ғалабасида ҳаргиз ориғлик ва қуруқлик воқеъ бўлмас. Аммо баданнинг қўрғошим ранглик бўлмоғига сабаб ҳам қора ранглик хилтнинг ғалабасидурки, моддаи савдодур. Ва инчунин, қонни ранги қора ва қивоми ғализ бўлмоғига ҳам савдони ахлотга ғолиблигидур. Аммо фикри фосид ва васвоснинг зиёда бўлмоғига сабаб худ савдони би-л-фёъл асаридур. Зероки, моддаи савдони асли шаъни шулдурки, агар савдо нақадар зиёда бўлса, шул қадар бухороти духонийя, яъни тутунни зиёда қилур. Ва мазкур тутунлар мияга чиқиб, руҳи нафсонийяга ва баданда руҳи ҳайвонийяга аралашурлар. Ва руҳни равнақи ва руҳонийятини хира қилурлар. Бас, нурга зулматни қўшилмоғидин руҳга ваҳшат пайдо бўлур ва натижада васвос ориз бўлур. Зероки, жавҳари руҳ жисми латифи нуронийдур. Ва нурга муносабати комилдур. Шунинг учун нурдин ва нурнинг тобишидин руҳ қувват ҳосил қилур. Бинобарин, ёруғ ва мунаввар жойда дилга фараҳлик ва табиатга равшанлик ҳосил бўлур. Чунки руҳга хурсандлик ва бастлик муяссар бўлғондур. Ва қоронғу жойда хафалик ва ваҳм ва хавф ориз бўлур. Зероки, қоронғулик нурга зид ва мухолифлиғидин ани таъсири ва тахолуфидин дилга зиқлик ва руҳи ҳайвонийяга қабзлик ва руҳи нафсонийяга ваҳм ва хафалик ва ваҳшат ориз бўлур. Бас, хорижий нур ила зулматнинг таъсири руҳ учун бул қадар тағйир берганда худ руҳ бирлан мухталит бўлғон нури дохилий ила зулмати дохилий бўлғон бухороти духонийяи савдовийяни руҳга нақадар тағйири ва таъсири зоҳир ва бадиҳийдур.

Аммо меъданинг ачишмоқ ҳолати маҳсус бўлмоғига ва иштаҳойи козиб (ёлғон иштаҳа) бўлмоғига сабаб ва тезроқ фурсатда яна қорин очмоқга сабаб моддаи савдони ҳиддатидур. Зероки, фасли ахлоти арбаъада муфассал зикр қилиндикки, савдо жигарда ҳазми каймуси увлодин ҳосил бўлғондин сўнг жигардин талоқга ўтуб, талоқда ҳам маҳсус ҳазми комил бўлғондин сўнг, андин меъдани оғзига қатра-қатра томуб турар. Ва меъда таомга тўлалиқ вақтида меъда таомга муъин (ёрдам-

чи) бўлур. Аммо ани миқдори оз ва таомни миқдори кўплигинин савдони ҳиддати ҳеч маҳсус бўлмас. Магар таом меъдадин ичакга ўтуб, меъда холий бўлгон вақтда томиб-томиб меъдани оғзиға етган савдони ҳиддати меъдаға таъсир қилиб, ачитар. Ва бетоқат қилурки, таомға иштаҳо ва қориннинг очлиги шул меъда оғзини ачишмоғидин иборатдур. Бас, агар савдо миқдори табиийдин кўб ва ғолиб бўлса, албатта, талоқда ҳам миқдори табиийдин кўб жамъ бўлуб, меъдаға миқдори табиийдин кўб қуюлуб турар. Ва бу миқдор албатта, меъдадаги таомға ғолиб бўлуб, ани меъдадин ичакга тезроқ дафъ қилур. Бинобарин, тезроқ қорин очар. Ҳам бул миқдор савдони ҳиддати меъдаға кўб маҳсус бўлуб турар. Бинобарин, доим меъдани боши ачишиб турар. Хусусан, меъда таомдин холий бўлгонда кўб бетоқат қилуб, ачитар. Ва инсонни кўб миқдор таом тановулиға муҳтож қилурки, иштаҳоии козиб (ёлгон иштаҳо) шул ҳолдин иборатдур.

Ва таомни кўб миқдор тановулидин андак фурсатғача меъда роҳат олур. Зероки, таом миқдори савдоға ғолиб бўлғони учун ҳиддатини меъда эҳсос қилмай турар. Бинобарин, савдовий мизож одам сертаом бўлуб, лекин бу иштаҳо иштаҳоии козиб, яъни ёлгон иштаҳо дур. Чунки бадан ҳожати ва табиатни мароми учун сарф бўлмай, фақат савдо ҳиддатининг дафъи учун талаб қилинур. Лекин табиат меъда озордин халоси учун ани ичак тарафға дафъ қилур. Бинобарин, бунни иштаҳоии козиб дерлар ва баданнинг ғизодин кам баҳралигинин савдо мизож одам ориф бўлуб. Хусусан, талоқнинг савдоси агар кўб фосид бўлмоғон бўлса, бу аломатлар кўпроқ ва шиддатлироқ ориз бўлуб. Ва агар талоқнинг савдоси зиёда фасодлик бўлса, бул аломатлар камроқ зоҳир бўлуб. Зероки, зиёда фосид савдони табиат талоқдан ибтидоан ичак тарафға дафъ қилмоқға таважжух қилур. Ва фосид нимарсани меъдаға қуюлмоқига мумкин қадар монъе бўлуб. Бинобарин, меъдаға қуюлгон савдо кўпроқ фасод ва ридоатдин холий ва табиий бўлмоғи зарурийдур. Аммо сийдукни ранги қора ёки қўрғошим ранглик бўлмоғига сабаб асли савдони рангидур.

Ва зоҳирдурки, ғолиб ва кўб миқдор бўлгон нимарсаниннг ранги ўзиға аралашган нимарсани рангиға ғолиброқ бўлуб. Аммо савдо ғолиб бўлгон ҳолда сийдукни қизил бўлмоғи савдойи дамавийға, яъни қонни куйғонидин ҳосил бўлгон савдони ғалабасиға аломатдур. Ва сийдукни қора бўлмоғига сабаб савдо моддасини қуюқлигидур. Зероки, моддаи савдо

бошқа ахлотға назаран қуюқ бўлур, чунки ҳар хилт куйиб, рутубати фоний бўлса, номи савдодур. Ва савдойи ҳақиқий ҳам бошқа ахлотни русуби, яъни дурдасидурки, жавҳари арзийятдин иборатдур. Ва зоҳир-дурки, анинг дурдаси моъийятидин қуюқ бўлур. Бинобарин, савдолик сийдукни қивоми қуюқ бўлмоғи зарурийдур. Лекин сийдикнинг қуюқмоғи савдо баданда комил пишуб етулғондағина зоҳир бўлур. Ва бундин муқаддам гарчи савдо голиб бўлса ҳам, сийдукни қивоми суюқ бўлур, то савдо пишмаса, ани дафъига табиат таважжуҳ қилмас. Бинобарин, савдо сийдукға келуб қўшилмас. Ва билмоқ керакки, моддаи балғамнинг ғалабасида ҳам сийдик қуюқ бўлур, лекин савдо ғалабасидаги қуюқлик даражасидин камроқ ва ҳам ранги оқроқ бўлур.

Аммо баданнинг қаролигига сабаб моддаи савдонинг қоралигудурки, қонға аралашиб, зоҳири баданға етуб, тери остидин кўринур. Ва билмоқ керакки, табиий қоннинг ғалабасида ҳам ранги бадан қаро бўлур. Лекин ғалабаи савдо аломати бўлган қародин фарқлик бўлурки, қон ғалабасидаги қаро қизилға мойилроқ бўлур ва савдо ғалабасидаги қаро оқға мойилроқ бўлур.

Ва бошқа аломати хоссалари ҳам шоҳид бўлур. Баданнинг сермўй бўлмоғига сабаб савдодин ҳосил бўлғон бухороти духониййани кўплигидурки, ҳамма масомдин чиқиб мўй ва мўйнинг тез ўсмоғига сабаб ҳам духоннинг кўплигидурки, масомға пайваста ва пайдарпай етуб, бир-бирига лоҳиқ бўлуб турар. Ва ғалабаи савдонинг далолатиға бошқа амрози савдовиййаларни зуҳури, чунончи, баҳақи асвад, яъни қора доғ ва қуруқ қўтир ва мунга ўхшаш касалларни зуҳури ва инчунин, соҳиби мизожнинг ёши ва одати ва турган шаҳарининг ҳавоси ва фасли ва бурундин тажриба қилиб юрган мизож ва муқаддамда савдоафзо (савдони кўпайтирувчи) тадбирлари иттифоқи ва машҳур бўлган касби ва тушида аксар қора ранглик нимарсаларни кўриши ва бунга ўхшашлар ҳаммаси шоҳиддур. Ва бу аломатларнинг гоҳи ҳаммаси зоҳир бўлур ва гоҳи баъзиси ва инчунин, булардин баъзиси аломати хоссадур. Ва баъзиси ғайри хоссадур. Чунончи, ушбу фаслни муқаддимасида қон ғалабасини асарлари баёнида мазкур бўлди.

Алҳамдулиллаҳки, «Қонуни Мабсут»нинг биринчи жилдидин фонриғ бўлдик, яъни биринчи китоби тугади.

ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР

А

Абдон – баданлар
Абозир – зираворлар
Авд - қайтиш
Авориз – бирлиги ариза, аслида бўлмай, кейин пайдо бўлган нарсалар
Аврида – бирлиги варид, ҳаракат қилмайдиган томирлар (Фарҳанг алмабсут, 22-бет).
Адам – йўқ...сиз
Адвиян мураккабот – мураккаб до-рилар
Адвиян муфрада - ёлғиз (содда) до-рилар
Адим ул-ҳаракат – ҳаракатсиз, ҳаракати йўқ
Адно – энг паст даражада
Ажсом – жисмлар
Ажроми афлок – осмон жисмлари
Ажуз - қуймиш устихони
Аз рўйи – юзасидан
Азлоъ – ён, биқин
Азм уд-думуъ – кўз ёшлари устихони
Азм ул-амуд - қулоқдаги болға у-стихони
Азм ул-моқ - кўзнинг бурун тараф бурчагидаги суяк
Азми хосира – таҳиягоҳ, яъни очбиқин
Азми муқла – кўзнинг бурчак ва унда жойлашган суяк ҳамда умуман, кўз касали
Азми сандалиий - қулоқдаги сандон устихони

Азми рикобий - қулоқдаги узанги устихони
Азми саржий - қулоқдаги эгар у-стихони
Азм ул варк – тос (чаноқ) суяги
Азм ур-русуғ - билак суяги
Азми Ёна – корсон ёки қуймиш у-стихони
Азми ғузруфий – тоғай суяги
Азуд-бозу – қўлнинг елка қисми
Айн ур-рукба – тизза кўзи
Аклил ул-малик - қашқарбеда
Аклу шурб – еб-ичиш
Алал-ихтилоф – ихтилофда бўлган-лар
Алақа – бачадонда эр ва аёл уруғи-нинг ўзаро қўшилиб, ивигани
Ал-валаду сиррун ли-абиҳи – бола ота учун сирдур (ҳадис).
Алиқ - лойиқроқ
Амзижа – мизожлар
Амиёқ - чуқур (маъно)
Амлас – силлиқ, юмшоқ
Амроз – касалликлар
Амрози дамавий - қондан пайдо бўладиган касалликлар
Амрози мутавориса – мерос бўлиб ўтадиган касалликлар
Амрози мутаъаддийа – юқиб ўти-ши мумкин бўлган касалликлар
Амуд – болға
Анбуба – найча, труба
Аносир – унсурлар: ҳаво, сув, туп-роқ ва олов
Анқарийб – тезда, яқинда
Араз – аърозга қаранг
Арвоҳ – руҳлар
Ариз – кенг
Арз – ер
Арзий – ерга тааллуқли нарса
Арзоқ – ризқлар
Аркон – рукнлар: сув, ҳаво, олов ва тупроқ

Асаби рожиъ - қайтувчи асаб
Асноф – синфлар
Атиббо – табиблар
Ажром – жисмлар
Атфол – болалар
Афлоки тисъа – тўққизта осмон
Афс-мози – мози таъмидаги нарса
Афрод – одамлар
Афусат – мозининг таъмига эга бўлиш (мози-русча галлы)
Афъол – феъллар
Ахбори зангий – қўнғироқ хабарчи
Ахлоти арбаъа – тўрт хилт, яъни қон, сафро, савдо, балғам
Ашжор – дарахтлар
Ашраф – шарафли
Аъвар – кўричак, пўкон
Аъзам – улуг, катта
Аъзон раиса – узви раисага қаранг
Аъроз – бирлиги араз, бир касаллик туфайли иккинчи бир касаллиكنинг келиб чиқиши, мас., жигар шиши ва тиқилмаси сабабли сариқ касалининг юз бериши
Ашкол – шакллар
Ақвол – сўзлар
Ақволи мардуда – рад қилинган сўзлар
Ақраб ба савоб – тўғрига яқин
Ақсом - қисмлар
Ағлаб – кўпроқ, қолиброқ
Ағрос – бирлиги ғарс, кўчат, янги ниҳол
Ағшийа – пардалар
Аҳлил – эркак олатининг тешиги

Б

Баввоб – дарвозабон
Бавл – сийдик
Бадиҳий – очиқ, равшан
Ба ин тариқаки – шу йўл биланки
Байза – тухум
Байи ал-ҳукамо – ҳакимлар орасида
Балодат – зеҳннинг пастлиги
Баль – ютиш
Балғами жасий – ганжсимон балғам
Балғами зижожий – шишасимон балғам
Бани Одам – Одам фарзандлари
Бараҳна – яланғоч
Бард – совуқ
Бард – шимолнинг иккинчи номи
Барас – пес
Бард - совуқ
Баромад – чиқиш
Барқавли асаҳҳ – тўғри сўзга биноан
Басит – ёлғиз, бошқа нарсалар аралашмаган нарсалар, масалан, сув ва ҳаво каби
Басотат – кенглик ва ёзиқлик
Батадриж – даражама-даража
Бати - қорин
Батни муқаддами димоғ - миянинг олдинги қоринчаси
Бафатҳатайн – икки фатҳали, яъни иккита «а»га ўқиладиган ҳарфлар
Бақойи инсоний – инсоннинг боқийлиги
Бақойи навъ – насл қолдириш
Баъд аз... - ...дан кейин

Баъд ал-мавт – ўлимдан сўнг
 Баъид ул-истиҳола – кеч ҳал бўлиш
 Баҳақ - тери юзасидаги юпқа оқлик,
 халқ ичида меъда дейилади
 Ба ҳасби... - ...мувофиқ, мос, қараб
 Баҳри Мунжамиди Шимолий –
 Шимолий муз океани
 Бебизоат – бечора, камбағал
 Бедуни... - ...сиз, мас., китобсиз
 Беманзаъат – мақсадсиз, интилишсиз
 Бил-бидоя - бошланишда
 Било-хилоф - хилофсиз
 Бил-қаср - зўрлик билан ҳаракат
 қилдириш
 Бирниж – гуруч
 Буроз – ахлат, чиқинди
 Бит-табъ – табиатга мувофиқ
 Биър - қудуқ
 Биш – заҳарли ўсимлик номи (аконит)
 Боб – эшик
 Бо вужуди - ...қарамай
 Боди дабур – ғарбдан эсадиган шамол
 Бодий назар - оддий қарашда
 Бодинжон – бақлажон
 Боди сабо – шарқ томондан эсади-
 ган шамол
 Боиса - қуввати боиса, яъни ҳара-
 катни хоҳловчи қувват
 Боло – юқори
 Борон – ёмғир
 Босира – кўриш қуввати
 Боҳ – жинсий қувват
 Бурудат – совуқлик
 Бунийя – гавда, жисм
 Бухорот – буғ

Бухороти духонийя – тутунсимон
 буғ
 Бухороти монийя – сув моддаси
 бўлган буғ
 Бўй – ҳид
 Бўъдиййат – узоқлик

В

Вадий – сийдикдан сўнг келадиған
 ёпишқоқ ва ширали сув
 Вадийят – омонатга қўйилган нар-
 са
 Валлоҳу аълам – Аллоҳ билувчи
 Варам – шиш
 Варам ул-кабид – жигар шиши
 Ватр – пай, сингир, кемирчак
 Ватира – йўл, тартиб, шакл
 Ва ҳува ақрабу ила-с-саваб – бу
 тўғрилиқка яқинроқдур
 Воҳия – сушт, камқувват
 Вусъат – кенглик
 Ва-л-ҳаққу инда-л-Ҳаққи – тўғри-
 лигини Аллоҳ билур

Г

Гарм – иссиқ

Д

Дабур – ғарбнинг иккинчи номи
 Давогузир – давони тақозо қилув-
 чи
 Далк – уқалаш, силаш
 Дар...-да, мас., дар сифат – сифатда
 Дар роиҳа – ҳидда
 Дар лавн – рангда
 Дар сифат - сифатда
 Дарақ - қалқонсимон без
 Даромад – кириш

Дарқ ва туре - қалқон
Дастгир бўлмақ - қўлламоқ, ёрдам
бермоқ
Дигар – яна, бошқа
Дигар инки... - яна шуки...
Доман – этак
Дорсиний – долчин (корица)
Дохил – ич, ичкари
Доъ ул-ҳаййа – «илон касаллиги»
ва доъ-ус-саълаб – «тулки касаллиги»
яъни соч-соқолнинг тўкилиб кетиши
Доъ ул-фил – «фил касаллиги», оёқ
томирларининг шиши
Доҳия – маҳкам, қаттиқ
Думуъ – кўз ёшлари
Дуруз – мия суюғининг чоки
Дуруд – саловат (дуо)
Духон – тутун
Дуҳният – ёғлилик

Ж

Жабҳа – пешона
Жавониб – томонлар
Жавҳари арзиййа – ерга тааллуқли
моддалар
Жадовили аврида – томирларнинг
анҳорлари
Жамжамаҳ ёки жумжума – мияни
ўраб турган бош косаси
Жас – гаж (алибастр)
Жасий – гаж (алибастр)га мансуб
нарса
Жирм – бирор нарса таркибидаги
жисм ёки жавҳар
Жомид - қотувчи, мас., муз
Жомодот – жонсиз жисмлар
Жуъ – очлик

Жувба - қулоқ ичидаги бўшлиқ
номи

Жузви бадан бўлмақ - баданнинг
бир қисми, парчасига айланиш

Жузом – мохов касали

Жузъ - қисм, бўлим

Жузъи аввалиййа, жузъи сониййа
ва жузъи солиса – биринчи, иккинчи
ва учинчи жузълар (қисмлар)

Жузъиёт – майда нарсалар

Жуммал – арабча ҳарфларнинг сон
миқдори бўйича йилларни ҳисоблай-
диган усул, уни ҳисоби абжад ҳам дей-
дилар

Жумуд – бирорта аъзо ёки бадан-
нинг қотиб қолиши, ҳис ва ҳаракат-
нинг йўқолиши

Жунуд – лашкар, армия

З

Зубул – ориғликка сабаб бўлувчи
иллат

Заврақ - кемача, бу ерда оёқ кафти-
даги суюк номи

Закар - эрлик олати

Замҳарир – ўткир совуқ

Занн – гумон

Зарб – овқатнинг ҳазм бўлмаи, ўз
ҳолида ич кетиш билан чиқиб кети-
ши

Зардаи байз – тухум сариғи

Заррот – зарралар

Зарроти мунташира – тарқалиб тур-
ган зарралар

Зарроти мухталифа – ҳар хил зар-
ралар

Зарроти мутафарриқа – тарқалиб
турувчи зарралар

Зарф – идиш
Захим – йўғон, қалин
Зағаб – шафтоли ва беҳи каби ме-
валарнинг юзидаги туки
Заҳоб – жўнаб кетиш
Заҳир – юракбуруғ
Зижож – шиша
Зийқ ун-нафас – нафас сиқиши
Зильи қусайрий - қисқа қобирга
Зикри омм баъд аз зикри хос – улуғ-
лардан сўнг кичиклар зикри
Зоида – ортиқчалик, зиёдалик
Зойид – зиёда, ортиқча
Зок – купорос
Золлийн – адашувчилар
Зот ул-араз – кўкрак пардасининг
курак ости қисмининг шамоллаши
Зот ус-садр – кўкрак пардасининг
шамоллаши
Зубаҳа – томоқнинг ич томондан
шишиб, нафас ололмай қолиши
Зурафо – закий, доно кишилар
Зухҳор – киндик остидаги мўй чи-
қадиған жой

И

Ибтидон назар – бир қарашда
Ибтол – ботил қилиш, бузиш
Ижмолан - қисқа ҳолда
Ижлос – ўтириш, мажлис
Издирод – оғиздаги овқатни ичга
юттиш
Излоқ - тойдирмоқ
Изтирор – ўта камбағаллик, муҳ-
тожлик
Изом – суяклар
Изофа қилмоқ - қўшмоқ

Ийлож – бирор нарсанинг орасига
бошқа бир нарсани киргизмоқ
Иктифо қилмоқ - кифояланмоқ
Илллати машойих – «кексалар каса-
ли», яъни ҳезлик, бесоқоллик
Иложпазир – даволанишга муҳтож
Илтиём – яранинг битиши
Илтимоқ - битиш
Имтизож - қўшнилиш, аралашиш
Имтило – тўлиш, бўкиш
Имтисол – амал қилиш, бўйсунуш
(мас., фармонга)
Инаб ус-саълаб – итузум
Инжимод - ивиш, қотиш
Инизмом – юмилиш, бирлашиш
Интибоҳ – огоҳлантириш, ҳушёр-
ликка чақиритиш
Интишор ун-нур – кўз қорачуғи
йўлининг кенгайиши ва нурнинг со-
чирилиб кетиши
Инфитоҳ – очилиш
Иньиқод - қуюлиш, қотиш
Инҳироф – эгилмоқ, бир томонга
мойил бўлмоқ
Инҳитот – ўсишдан тўхтамоқ,
кўпинча қариллик даври маъносида
Исрор – маҳкам туриш
Истиво – экватор
Истидлол – далил кўрсатиш ва да-
лил талаб қилиш
Истидлоли ақлий – ақлий далиллар
Истирхо – бўшашиш, увишиш
Истисқойи лаҳмий – гўштли исти-
сқо (сарик сув касаллиги)
Истиҳоза – ҳайз қони

Истиҳола – бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўзгарिश

Истиҳсол – ҳосил қилиш

Исфино – исмалоқ

Исҳол – ич кетиши

Исҳол уд-дам – ичдан қон кетиш

Итминон – ишонч

Итгисоъ – кенгайиш

Ифоза – бадан юзасига текис етқи-зиш, тўлдириб юбориш

Ифоқа – тандурустлик, саломатлик-нинг қайта тикланиши

Ифрот – ҳаддан зиёда бўлиш

Ифсод – фасод қилиш, бузиш

Ифтиқор – ҳожатмандлик, фақир-лик, камбағаллик

Ихтилож – аъзонинг учиши

Ихтилот – аралашув

Ихтиромий ўлим – ўз ажали билан бўлмаган ногаҳоний ўлим

Ихтисори калом – сўзни қисқа қилиш

Иштаҳойн козиба – ёлғон иштаҳа

Иштаҳойн содиқа – чин иштаҳа

Иштибоҳ – шубҳа

Иштидод – шиддатли

Иъто – ато, ҳадя қилиш

Иътизо – овқатнинг баданда тўлиқ ҳазм бўлиб, қувватга айланиши

Иҳтибоси бавл – сийдик тутилиши

Иҳтикок – тирнамоқ, қашимоқ

Иҳтироз – эҳтиёткорлик

Й

Йубусат – қуруқлик, мас., мизож қуруқлиги

К

Кабид – жигар

Кавокиб – юлдузлар

Казолика – шунингдек

Камудат – оч бинафшаранг

Камо янбағий – кераклича, лойиқ миқдорда

Карими бебадал – тенгсиз Карим, яъни Аллоҳ

Касолат – касаллик

Касир – кўп

Касир ул-вужуд – бирор нарсанинг ўта кўплиги

Касийр ул-жаҳл вал-ғафлат – но-донлиги ва ғафлати кўп

Касир ул-уруқ – кўп томирли

Касийф – совуқ таъсирга эга бўлган нарса

Кашкоб – арпа суви, иситмали ка-салликларда ишлатиладиган мурак-каб таркибли овқат

Каъб – тўпиқ

Кили – буйрак

Комил ут-гадвир – тўлиқ доира

Косний – сачратқи, талха

Кофий – етарлик

Кубро – катта

Куллиёт – барча нарсалар

Кулл, куллиййа – тўлиқ, бутун-лай, барча

Куллиятан – бутунлай

Куравийёти байзо – қон билан ара-лашган табиий балғам, бунда қон ҳали тўлиқ пишмаган, хом бўлади

Куррайи норийа – «олов тўп», муаллифнинг фикрича, бутун дунёни «олов тўпи» ўраб туради

Куравиёти ҳамро - қоннинг қизил шаклда кўринадиган бир курраси, яъни юмалоқ гоят кичик шакли (Фарҳанг ал-мабсут, 180-бет)

Куррос – гандано (порей пиёзи)

Кутуби илоҳийя – илоҳий китоблар

Кутуби адвия – дори ҳақидаги китоблар

Кутуби ташхис – ташхис (диагностика) қўйиш ҳақидаги китоблар

Куҳулат – қарилик

Л

Лабс – бир жойда кечикиб турмоқ, бир ишда донмий бўлмоқ

Лаввота - орқа тешикка алоқа қилиш

Лазиж – ёпишқоқ

Лазъ – куйдириш, ачиштириш

Лаъоб ва луъоб – тупук, шира

Лақва – юз фалажи, юзнинг қийшайиши

Лаҳматай ас-садй – эмчакнинг икки тугмача гўшти

Лаҳми ғудадий – гўштгли ғудда, тугун

Лисони арабийя – араб тили

Лисони шаръ – шарият тили

Ли-ҳаза – шунинг учун

Лобуддий – зарур, керакли

Ломиса – тегиниб сезиш

Ло маҳолата – чорасиз, ноилож

Ло нусаллиму – лойиқ кўрмаймиз, қабул қилмаймиз

Лузужат – ёпишқоқлик, ширадорлик

М

Мабдаъ – зоҳир ва ошкор бўлган жой, бошланиш

Мабний – биноан, асосида

Мабний мар аксарият – кўпчиликка биноан

Мабраз – ҳожатхона

Мабҳас – баҳс

Мавдуъ – омонат қўйилган, жойланган

Маволиди салоса – ҳайвонот, наботот ва жамодот (жонсиз жисм)лар

Мавқуф – боғлиқ бўлиш

Мадфаъ – ҳайдайдиган жой

Мажмаъ ун-нурайн – икки нурнинг қўшилиши

Мажъул – тадбир билан бирор ҳолатга олиб келиш

Мазий – сийгандан сўнг келадиган уруғсимон модда

Мазҳар – зоҳир бўладиган жой

Майлон – мойил бўлиш

Макси тавил – узоқ туриб қолиш

Малолат – малоллик, чарчаш

Малҳуз – кўз учи билан қараб кўрилган нарса (Фарҳанг ал-мабсут, 222-бет)

Манавия – маний (эрлик уруғи)дан пайдо бўлган нарса

Манбита – ўсадиган жой, мас., ўсимликлар

Манфаз – ўтадиган йўл

Маншаъ – келиб чиқиш жойи

Манқул – нақл қилинган

Манқуш – нақшланган
Манҳий анҳу – бирор нарсадан қайтарилиш, манъ этилиш
Маразиййа – касаллик
Мараз ул-авъийа – эрлик уруғи идишига етадиган касаллик
Мараз ул-адад – бирорта аъзонинг ўз миқдоридан ортиқча бўлиши
Мараз ул-мажорий – йўллар касали, яъни бир аъзодан иккинчи аъзога борадиган хилт ёки руҳ йўли
Мараз ул-миқдор – бирорта аъзонинг ўз миқдоридан катта ёки кичик бўлиши
Мараз уш-шакл – шакл касали, яъни тўғри аъзонинг эгри бўлиб қолиши
Марбут – бир-бирига алоқадор
Марзиййа – ёқимли
Мариз – бемор
Марий – қизилўнғач
Маркуз – ботган, ботиб жойлашган
Марратан баъда марротин – кўп маргалаб
Маръий – кўзга кўринадиган нарса
Маръус – ходим, тобеъ
Марқум – ёзилган
Масих – таъмсиз
Масом – бадандаги тер чиқадиغان майда тешиқлар
Масона – буйрак
Матбуъ – тобе қилувчи
Мафиз – чиқиш жойи
Мафлуж – фалажланган
Мафруза – фараз қилинган
Мафсил – бўғин
Махрутий – конус шаклли

Маъа золика – шу билан бирга, шунга қарамай
Маълул – сабабчи
Маъодин – маъданлар
Маъуф – офат етган, офатга дучор бўлган аъзо
Машт – бармоқлар бириккан суяқлар номи
Машима – бачадон йўлдоши
Мақрун – яқин, бирга
Мақъад – орқа тешиқ
Мағок – чуқур, ғор
Маҳабб – шамол юрадиган йўл
Маҳмо-амкан – иложи борича, имконият даражасида
Маҳсур – ҳимояга олинган, махсус
Маҳсуе – ҳис қилинган
Маҳсуот – ҳис қилинадиган нарсалар
Мино – шиша унидан қилинган хамир, деворларни ялтиратиш учун суртилади, яна тишнинг эмаль қисми
Мирра – ўткирлик, шиддаткорлик (сафрога нисбатан)
Мисқол – ўлчов бирлиги, бир мисқол 4,25 г.
Миъойи мустақим – тўғри ичак
Мо – сув
Мои ожом – тўқай суви
Мосариқо – меъда, ичак ва юракка борадиган томир (Қонун ал-мабсут, 31-бет)
Мосариқойи суфло – ҳасип ва мустақим (тўғри) ичакка тарқалган томирлар
Мосариқойи улё – меъда ичига тарқалган томирлар

Мотақадам – илгари ўтган, мас., ҳақимлар

Мотни – матни ёзувчи, яъни муаллиф

Мо ул-лаҳм – гўшт суви, яъни шўрва

Мо фи батни торам – осмон тагидаги нарсалар

Моятаҳаллал – сингмаган, таҳлил топмаган, эрмаган

Моқ - кўзни бурун тарафдаги бурчаги

Муаддий – етказувчи, бир ҳолдан иккинчи ҳолга айланишда ёрдам берувчи

Мубҳамот – тушунарсиз нарсалар

Мубоҳаса – баҳслашув, тортишув

Муважжид – вужудга келтирувчи

Муваллид ул-мо – сув пайдо қилувчи ҳаво

Муваллид ул-лаъоб – тил остидан сув чиқарувчи

Муваллид ул-ҳамуза – меваларни пиширадиган бир нав ҳаво (Фарҳанг ал-мабсут, 240-бет)

Мудааван – тузилган, ёзилган

Мудаавар – юмалоқ

Мужонисат – ўхшашлик

Музга – манийнинг бачадонда гўштлик ҳолатга айлангани

Музлиқа – тойғоқ, сирпанчиқ

Мукаллаф – бўйнига олган, мажбуриятли

Мукибб – юзтубан йиқилувчи

Мулосиқ – ёпишган

Мулоъабат – ўзаро ўйнаш

Муҳолиф ул-мизож – мизожи қарама-қарши, зид

Мултасиқ - ёпишган

Мумкин ул-вуқуъ – юз бериши мумкин бўлган

Мумтазиж – ўзаро бир-бирига қўшилиш, аралашув

Мунбита – кўкартирадиган

Муидариж қилмоқ – жойламоқ

Муидафий – дафъ бўлиш

Мункасир – синиш, парчланиш

Мунофий – қарама-қарши, зид

Муиҷамид – ивиган, қотган

Муниж – хилтни пиширадиган даво

Мунтафий бўлмоқ – фойда олмоқ

Мунтақила – бир жойдан бошқа жойга ўтадиган нарса

Мунтаҳоси – охири

Муиףаъил – бирор нарсадан таъсирга тушиш, аҳвол ўзгариши

Муншаъиб – шўъба, бўлимларга бўлинган

Муನ್ъатиф – қайрилиш, мойил бўлиш

Муನ್ъақид – қуюлган, ивиган

Муиқариз – ўтувчи, йўқолувчи

Мураббаъ – тўртбурчак

Мураввиж – ривожланган

Мураккаб – таркиб топган, таркибли

Муртабит – боғланган нарса

Мураххий – суи ва қарахт қилувчи

Мурур – ўтиш

Мусаббаб ул-асбоб – сабабларни юзага чиқарувчи, яъни Аллоҳ

Мусадас – олтилик нарса

Мусаллам – шубҳасиз

Мусаллас – учбурчак

Мусаттаҳ – текис, силлиқ

Мусаттаҳа – текис сатҳ
Муслиҳ – ислоҳ қилувчи
Мустилиз – лаззат олувчи
Мустилизм – лозим тутилган, шарт қилинган
Мустифод – чиқариб олинган, ифода қилинган
Мустиъид – истеъдодли ҳозир ва тайёр
Мустиъмал – истеъмол қилинган
Мустиҳийл – ўзгарилувчи
Мустиҳил – сурғи
Мустиассир – таъсирланган
Мустиавозий – ёнма-ён, параллел
Мустиавотир – оғиздан оғизга ўтувчи, узатиувчи
Мустиавзир – узрли
Мустиазодда – зид, қарама-қарши
Мустиамим – комил ва тугал қилувчи
Мустианаввий – ҳар хил
Мустиарадлуд – иккиланиш, тараддудга тушиш
Мустиасид – юқорига кўтарилиш
Мустиафариққа – тарқалган
Мустиафиқ ул-қивом – барча ажзо (қисм)лари ўзаро тенг бўлган модда
Мустиавасита – ўртача
Мустиазаммин фавонд – фойдаларни ўз ичига олган
Мустиазодда – бир-бирига зид, қарама-қарши
Мустиаййини – тайинли, аён
Мустиасил – ёпишган
Мустиакыйиф – ўзида бир кайфият, яъни ҳолат пайдо қилувчи нарса
Мустиафовит – бир-биридан фарқ қилувчи нарсалар

Мутиашокил – шаклдош
Мутиаъдид – кўп, беҳисоб
Мутиақадимин – ўтмишдаги кишилар, мас., олимлар
Мутиаҳаррик ба ирода – ўз хоҳиши билан ҳаракат қилувчи
Мутиаъин бўлмоқ – ишонч ҳосил қилмоқ
Мутиаҳаввил – бир ҳолдан бошқа ҳолга ўзгарувчи
Мутиаҳид биз-зот – моҳияти билан битта, ўзаро ягона
Мутиасиман биҳаблит-тавфиқ – тавфиқ арқонига маҳкам осилган ҳолда
Мутиаззал – афзал, устун
Мутиафаттиҳ – очувчи
Мутиалит бўлмоқ – аралашган бўлмоқ
Мутиалиф – ҳар хил, ихтилофли
Мутиалиф ул-азлоъ – қабиригаларнинг ҳар хиллиги
Мутиалиф ул-қивом – барча ажзо (қисм)лари ўзаро тенг бўлмаган нарса, мас., бири оз, бири кўп
Мутиаддил ун-наҳор – тўқизинчи фалакда мавжуд деб фараз қилинган доиравий чизиқ
Мутиаттал – ташланган, эътиборсиз қолган
Мутиаффиот – сасиган ва бадбўй бўлган нарсалар
Мутиалит бо ғайр – бошқа (модда) билан аралашган
Мутиотий – бурундан оқадиган чиқинди сув моддалар
Мутизилот – қийин ишлар
Мутиованат – ёрдам
Мутиусир – меваларнинг сиқиб шарабатини олиш; қулоқ ичидаги суяклардан бири

Муътал – бекор, бекфойда қолиш
 Мушобиҳ – ўхшаш
 Мушаввиқа - қизиқтирувчи, шавқ
 уйғотувчи
 Мушоракат – ўзаро шерик бўлиш
 Мушорик – ўзаро шерик бўлувчи
 Муштамил – ўз ичига олиш, иборат
 бўлиш
 Муқаввам - қуюқ ҳолга келтирилган
 Муқаъар – чуқур қилинган
 Муқовамат - қаршилиқ
 Муҳот – ичига олинган, ўраб олинган
 Муҳра – умуртқа поғонаси
 Муқтадир - қодир бўлувчи
 Мўътаддун биҳи – одат қилинган
 Мўътадил ул-қивом - қуюқлик ва суюқликда мўътадил, яъни ўртача
 бўлиш
 Муғойир - қарама-қарши, зид
 Муфорақат – айрилиш, жудо
 бўлиш
 Муҳ (муҳиййа) – тухумнинг сариғи
 Муҳаввил – ҳавола қилинган
 Муҳаййий – таҳия, тайёр қилувчи
 Муҳаллил – эритиб тарқатувчи
 Муҳаққақийн – таҳқиқ қилувчилар,
 текширувчилар
 Муҳозий – муқобил, рўбару
 Муҳтариқ - куйган
 Муҳтожун илайҳ – бирор нарсага
 муҳтож бўлиш

Н

Набот – ўсимлик
 Наботот – ўсимликлар
 Набиз – майздан қилинган шароб
 Назз – зах ва сизот сув
 Назжи увло ва назжи соний – биринчи
 етилиш ва иккинчи етилиш
 Наздида – фикрида, ҳузурида
 Назъ – жон бериш олдидаги ҳолат
 Надрат – нодир
 Накбат - қийинчилик
 Намуд – кўриниш
 Намув – ўсиб-улғайиш
 Нафс – жон
 Нафси нотиқа – гапирувчи жон
 Нақр – майда тешиқлар
 Ниқрис – подагра
 Ниёйиш – таҳсин, офарин
 Нисби – ярми
 Нисён – унутиш, хотиранинг бузилиши
 Нитоқат – белбоғ, бу ерда куч-қувват
 маъносида
 Нишоб – эгик, чуқур пастлик
 Номаъдуд – саноқсиз
 Номий – ўсувчи
 Нор – олов
 Носиъ – сариққа бироз мойил
 бўлган тўқ қизил ранг
 Носиъ ул-ҳумрат – олов рангига
 мойил қизил ранг
 Нофиъ – фойдали
 Ночаспон – ёпишмайдиган
 Ноқих – касалдан янги турган
 киши
 Нузул – тушиш

Нукта – нозик маъно
Нутфа – бачадонда қарор топган
эрак уруғи

Нухоъ – ҳаромағз томири
Нуқуши мухталифа – ҳар хил на-
қшлар
Нўкот – ҳикматли, чуқур маъноли
сўзлар

О

Овон – вақт
Озурда – азиат чеккан, қийналган
Ойнайи зону – тизза кўзи
Ориз бўлмоқ – юз бермоқ, пайдо
бўлмоқ
Осом – гуноҳлар
Очор – маринад
Оқида – қуюлтирувчи, қотирувчи,
ивитувчи
Оқирқарҳо – назли ўти (русча –
слюногон)

Р

Рабиъ – баҳор
Равозиъ ус-савоқий – томир ариқ-
чаларидан ичувчилар
Рағ – томир
Ридоат – тузилиш, яроқсизлик, фо-
сидлик
Разфа – тизза кўзи
Рамад – кўз яллиғланиши
Рамя – қум
Ратл – ўлчов бирлиги, тўққиз ярим
қодоғу нимчорак (Қонуни Боситий,
28-бет)
Раъша – қалтироқ

Рақиқ – суюқ
Раҳм – бачадон
Ризиш – оқиш
Рихв – бўш, суст
Рихоқ – балоғат ёши
Риёҳи осифа – шиддатлик шамол
Робийан – тўртинчидан
Рожий – қайтувчи
Рокид – кўл
Рубъи маскун – ернинг одамлар

яшайдиган чорак қисми
Рўзий – ризқи рўз
Рутайло – қорақурт, бий
Рутубат – ҳўллик, суюқлик
Рутубати зижожийя – кўздаги ши-
шасимон суюқлик
Рутубати байзийя – кўздаги оқсил-
симон суюқлик
Рутубати маъобий – тупукдан ибор-
рат ҳўллик
Рутубати солиса – учинчи ҳўллик,
овқатнинг меъдада ўз кўринишини
ўзгартириб, ҳали тўлиқ ҳазмга айлан-
маган шакли

Рутубати фазлийя – ортиқча ҳўллик
Руьоф – бурун қонаши
Руқни суфло – қуйи руқн
Руқни улё – юқори руқн

С

Сабавот – ёшлик
Сабз – яшил
Сабий – ёш бола
Сабо – шарқнинг иккинчи номи
Сабъа – етти; сабъата ашара – ўн

етти

Савоқий – кичик ариқчалар
Савоқийи жадовил – томир анҳорининг ариқлари
Саврот – бирорта нарсанинг тез ва ўткирлиги
Сади байн – икки нарса орасидаги тўсиқ
Садма – урилиш
Саййиба – эр кўрган аёл
Сайлон – оқиш
Сайлон қилмоқ – оқмоқ
Сайҳа – қаттиқ овоз, қичқириқ
Салот – намоз
Самт ур-раъс – зенит (осмоннинг қузатувчи боши устидан кўринган энг юқори нуқтаси)
Санад – ҳужжат, исбот
Сано – сурги дори номи
Саржун – эгар
Сариъ ун-нуфуз – тез таъсир қилувчи
Сариъ ул-ҳазм – тез ҳазм бўлувчи
Сармадия – доимий, ҳамиша
Сарсом – бошдаги парданинг шамоллаши, менингит
Сарфи назар қилмоқ – кечмоқ, юз ўгирмоқ
Саръ – хуёнчиқ, тутқалоқ
Сафийр – элчи
Сақамуннӣ – ўсимлик елими (скаммоний)
Саҳв – хато
Саҳр – узоқ муддатли уйқусизлик
Сиканжубини асалий – асалга сирка қўшиш билан тайёрланадиган дори (укусомед.)
Симох – қулоқ тешиги
Синн – ёш
Сирф – холис ва пок нарса

Ситойиш – мақтов
Сифоқ – қориннинг ич томондаги пардаси
Сиқот – ишончли кишилар
Сожаж – хилт ёки моддасиз, мизож ўзгаришидан юз берадиган касаллик
Соир – бошқа, ўзга
Сойил – оқувчи
Сокибай ил-лаъоб – сўлак бези
Солисан – учинчидан
Сониян – иккинчидан
Сониъи бемасал – тенгсиз яратувчи, яъни Аллоҳ
Соқ – пойча
Субот – қаттиқ уйқу
Суда – ишқаланган
Султон ул-ҳайвонот – ҳайвонларнинг султони
Сурад – тил остидаги томир номи
Суфuf – талқон дори
Суъуд қилмоқ – кўтарилмоқ
Суқба – тешик
Сугро – кичик
Сўзини – куйишиш, яллиғлианиш
Сўлб – эркаклардаги орқа (бел) томондан уруғ келадиган томирнинг номи
Сўрин – тос (чаноқ) суяги

Т

Таазур ул-ажфон – кўз қовоқларини юмиб-очишнинг қийинлашуви
Табаввул – сийиш

Табақан машинийа – кўздаги йўлдош табақа
Табарруз – ични бўшатиш
Табақан анкабутийа – кўздаги ўргимчак тўрсимон қатлам
Табойиъ – табиатлар
Табхир – буғлаш, дудлаш
Таваққуф қилмоқ – тўхтамоқ
Тавбих – маломат қилиш, таъна уриш
Тавлид – туғдириш
Таволий ул-буруж – фалакларнинг мағриб тарафдан машриқ тарафга сайр қилиб, ўз айланишларини тугатишлари
Таволуд – туғилиш, кўпайиш
Тажассус – тадқиқ этмоқ, зимдан текширмоқ
Тазаввуб – эриш
Тазкия – покланиш, тозаланиш
Такаввув – пайдо бўлиш
Такаййуф – бирор нарсанинг таъсири остида бўлмоқ
Такбиб – чўғ воситасида қилинадиган кабоб
Такосуф – қуюқ бўлиш
Такофу – тенглик, етарлилик
Тамаввуж – мавжланиш
Тамаддуд – чўзилиш
Тамосук – ўзини тутиш
Таносул – кўпайиш, туғилиш
Танеқиз – икки нарсанинг бир-бирига зид бўлиши
Танқия – тозалаш, моддаларни дори-дармон билан йўқотиш
Танқих – бирор нарсани пок ва мусаффо қилиш
Тараъруъ – ўсиш, улғайиш
Тарвиҳ – елпиниш

Таржих – юқори кўйиш, зиёда деб билиш
Таромб – аёлларнинг кўкрагидан уруғ оқиб келадиган томир
Тартиб – совитиш
Торам – осмон, гумбаз
Тасмия – исм бериш, номлаш
Тасхия – қиздириш
Тасғир – кичрайтириш
Татвили калом – сўзни узайтириш
Тафаррус – бирор нарсанинг ҳақиқатига етиш
Тафаттут – майда-майда бўлиш, парчаланиш
Тафаттути увло – биринчи бўлиниш, яъни ота ва она уруғларининг бачадонда бола аъзоларига бўлиниши
Тафаҳхус – сўраб суриштирмоқ, қидирмоқ
Тафл – чўкма, қолдиқ
Тафрит – ҳожатга яраша бўлмаслик, кам бўлиш
Таффа – хом, бетам, мас., балгами таффа (хом балғам)
Тахалхул – орадаги бўшлиқ
Ташаккул – бирорта шаклга кириш, шакл кўринишини олиш
Ташаннуж – томир тортиши, чангак
Ташаққуқ – ёрилиш
Ташриҳ – аъзолар ҳақидаги тушунтириш (анатомия)
Таъаллум – таълим олиш, ўрганиш
Таъаммуқ – чуқур
Таъаффун – сасиш, ҳидланиш
Таъаққуд – қотиш, қуюлиш
Таъдил – тенглаштирмоқ
Таълим ва тастир – ёзув ва чизув

Таъоруж – баланд-пастлик
Тақвия – кучайтириш
Тақотий – икки нарсанинг бир-бирини ўзаро кесиб ўтмоғи
Тақрирот – тушунтиришлар, баёнлар

Тағаййуроти явмийа ва санавийа – кунлик ва йиллик ўзгаришлар

Тағаний – ашула

Тағзия – озиқлантириш

Тағйир бермоқ - ўзгартирмоқ

Тағйир топмоқ - ўзгармоқ

Тағойир - ҳар хиллик

Таҳажжур – тошга айланиш

Таҳмил – кўтариш, ташиш

Таҳнишин – тиниб қолган (мас., сув)

Теъдод – адади, сони

Тифулийат – гўдаклик

Тобиши – нур сочиши, иситиши

Тоъун – вабо, ўлат

Тоқа – бир дона, тоқ

Тулуъ – қуёш чиқиши

У

Убна – ҳезлик, бесоқол

Убло – аввал, биринчи

Ужма – тўқай

Узв – аъзо

Узви раиса – уч бошлиқ аъзо, яъни юрак, мия ва жигар

Узла – мушаклар

Узмо – азим, улуғ

Улул-албоб – ақл соҳиблари

Улум – илмлар

Умур – ишлар

Унвон ул-ҳаёт – ҳаётнинг асл сабаби

Унсайин – икки моюк

Унсий – ичкари

Уруқ - томирлар

Уруқ уд-диқоқ - нозик томирлар

Уруқ уз-завориб – жон томири

Уруқ ус-савокит - қон томири, маъноси: «Тинч ёки урмайдиган томирлар»

Уруқ уш-шаърий – мўй томири

Уруқи ғайри завориб – урмайдиган томирлар

Усъус – думғаза суяги

Уфин – бадбўй, сасиган нарса

Уфина – бадбўй

Уфунат – бадбўйлик, сасиш

Ф

Фарфиюн – евфорбия ўсимлигининг шираси

Фавонд – фойдалар

Фавран – тезда

Фавқ ут-табия – табиатдан ортиқча

Фажж – икки тоғ оралиғидаги йўл

Фазав – қўрқинч

Фалаки аввал – биринчи осмон, яъни Ой турган фалак

Фал-ҳаққу индал-Ҳақим ал-мутлақ – ҳақ мутлақ ҳақим, яъни Аллоҳ ҳузуридадир

Фами раҳм – бачадон оғзи

Фам ул-меъда – ошқозон, меъда оғзи

Фаннӣмас Соний ул-Ҳақим – яратувчи Аллоҳнинг ишлари нақадар соз

Фано – йўқ бўлиш, ўлиш

Фараҳ – шодлик

Фард – ёлғиз, ягона

Фаръ-шоҳ; фаръ ул-фаръ – шоҳларнинг шоҳчалари

Фасд – томирдан наштар орқали қон олиш

Фасд қилмоқ - наштар билан томирдан қон олмоқ

Фато – йигит

Фа тоборакаллоҳу аҳсан ул-холиқийн – бас, бобаракотдур Аллоҳ ва у яратувчиларнинг яхшироғидур

Фасли хариф – куз фасли

Фасли рабиъ – баҳор фасли

Фавқ ул-ҳожат – ҳожатдан ортиқ

Фатааммул – бас, ўйлаб кўр

Фатқ - дабба

Фаҳз – сон

Фақра – умуртқа

Фий-зотиҳи – ўз зотида

Фикри қосир – нуқсонли фикр

Фолиж – фалаж, шал

Фоъила – қуввати фоъила, яъни ўзи фаол ҳаракат қилувчи қувват

Фузла ёки фазла – чиқинди

Фусули арбаъа – тўрт фасл

Фурудо – ёлғиз, танҳо

Фиқор – умуртқалар, бўғимлар

Фиқор ус-садр – кўкрак, тўш суяк-лари

Х

Хайшум – бурун ичида жойлашган ва ҳидни сезадиган тугмачасимон гўшт. Яна қ.лаҳматай ас-садй

Халлоқи Акбар – улуг яратувчи, яъни Аллоҳ

Халь – чиқиб кетиш, суғурилиш

Халқ қилмоқ - яратмоқ

Хаmr – ароқ

Ханак – бурундан томоққа қадар ўтган тешик

Хариф – куз

Хасий – бичилган, ахта қилинган

Хатти истиво – экватор чизиги

Хафиф ул-вази – вазни енгил

Хилт – кўплиги ахлот, инсон баданида мавжуд бўлган тўртта суюқлик: қон, сафро, савдо ва балғамга айтилади

Хилқат – яратилиш

Хитмий – гулхайри

Хиффат – енгиллик

Хориқи одат – авлиёлардан юз берадиган каромат

Хулув – ёлғизлик, кимсасизлик

Хуни сафровий – сафроли қон

Хунсур – жимжилоқ

Хуса – тухум

Хўшк - қуруқ

Ч

Чуну чаро демоқ - ундай-бундай демоқ, тортишмоқ

Чоряк – чорак, тўртдан бир

Ш

Шабҳ – соя, шакл

Шавонб – доғ, айб

Шаид ул-шараён – тез оқар (сув)

Шаид ул-иттисол – қаттиқ чатишган

Шайхлик - қарилик

Шайхухат - қарилик

Шамае – бир оз, бир томчи
Шароин – шараённинг кўплиги,
ҳаракат қиладиган «жон томири»

Шараён – ҳаракат қиладиган томир-
ки, уни халқ ичида «жон томири» дей-
дилар (Фарҳанг ал-мабсут, 122-бет)

Шаръ – шарият

Шаръи шариф – улуғ шарият йўли

Шаҳвати калбия – «ит очлиги» ка-
саллиги

Шикам - қорин

Шодмарг – хурсандликдан ўлиб
қолиш

Шона – курак

Шориҳ – шарҳ қилувчи, тушунти-
рувчи

Шоша – сийдик

Шуъоъ – шуъла, нур

Шукргўё – шукр айтувчи

Шурроҳ – шарҳ қилувчилар, тушун-
тирувчилар

Шуруъ қилмоқ - бошламоқ

Шутурлаб – туя лаби, яъни лабнинг
ўз миқдоридан узун бўлиши

Шўрбат – бир ичим миқдори (доза)

Э

Эҳтилом – уйқуда уруғнинг оқиб
кегиши, «шайтон» бўлиш

Эҳеос – ҳис этиш

Эҳсос би-л-мушоҳада – мушоҳада
билан ҳис этиш

Эҳсоси ламсий – тегиб ҳис қилиш,
сезиш

Эҳтироқ - куйиш

Эҳё баъд аз мавт – ўлимдан сўнг
тирилиш

Я

Ялий – яқин

Яминан – ўнгдан

Ясоран – чапдан

Қ

Қабл аз...дан олдин;...дан аввал

Қабзу баст – ушлаш ва қўйиш

Қавл - сўз

Қавли жумҳур – кўпчиликнинг сўзи

Қавлуҳу таъоло – Аллоҳ сўзи

Қадри ҳожат – эҳтиёжга яраша

Қазои ҳожат – ҳожат ушатиш,
бўшаниш

Қай - қусиш

Қалил ул-қувват вал-қудрат – куч
ва қуввати оз

Қамар - ой

Қариб ул-истиҳола – ҳал бўлиш
(эриш)га яқин

Қаробат – яқинлик

Қасаба - қамиш

Қасабаи рия - кекирдак

Қаср – зўрлаб ҳаракат қилдириш

Қасран – куч билан ҳаракат қил-
дирган ҳолда

Қать этмоқ - кесиб ўтмоқ, босиб
ўтмоқ

Қивом – бирор нарсанинг қуюқлик
ва суюқлик даражаси

Қиллат - озлик

Қодиҳ - бузувчи

Қодири азалий – доимий қудратли
зот, яъни Аллоҳ

Қозуврот - нажосатлар

Қоний - қаноатли

Қорийи – ўқувчилар

Қосир - қисқа, нуқсонли

Қоъида – бирор нарсанинг йўғон
томони

Қубур - қабрлар; труба (найча)

Қудамо - қадимгилар

Қувваи дофиъа – ҳайдовчи қувват

Қуввати жозиба – тортувчи қувват

Қувваи мониъа – сувлик қуввати

Қуввати мосика – ушловчи, сақлов-
чи қувват

Қуввати мудрика – сезувчи,
ҳақиқатига етувчи қувват

Қуввати муфаккира – фикрловчи
қувват

Қуввати муҳаррика – ҳаракатга кел-
тирувчи қувват

Қуввати ҳозима – ҳазм қилувчи қув-
ват

Қуво – кучлар

Қути - пахта

Қутр – шакл, ҳайъат

Қўрс – кулча дори

Ғ

Ғайр аз - ...дан бошқа

Ғайри мужаваф – тешик бўлмаган

Ғайри мустаҳийл - ўзгармайдиган

Ғамз – аъзони боғлаш ва сиқиш
билан оғриқсизлантириш

Ғомиз – тушуниш қийин масала

Ғашй – ҳушдан кетиш

Ғизо – овқат

Ғизои бил-феъл – овқатнинг меъда-
да ўз шаклини ўзгартиргани, бироқ
тўлиқ ҳазм бўлмагани

Ғизои бил-қувват ил-қарийба – бу
меъдадаги овқатнинг рутубати сон-
яси (иккинчи ҳўллиги) бўлиб, рутуба-
ти солиса (қ.нинг бадали ва ўрнига
ўтувчисидир

Ғизои бил-қувват ил-баъийда -
ҳали ейилмаган ёки ҳазм бўлиб улгур-
маган овқат

Ғишойи асабоний – асабдан иборат
парда

Ғишойи решадор - патли, попукли
парда

Ғойй – ҳар бир нарсанинг ниҳоясидан
кутилган нағижа

Ғудад – гудда, безга ўхшаган тугун

Ғузруф – тоғай

Ғудда - тугун

Ғуруб - қуёш ботиши

Ҳ

Ҳавосс – ҳислар, сезгилар

Ҳавоссии ҳамса – бешта сезги қуввати

Ҳадақа – кўз қорачуғи

Ҳадди эътидол – мўътадиллик че-
гараси

Ҳажар ут-тис – ёввойи эчкининг жигарида бўладиган тош ва у подзаҳр (заҳарга қарши дори)дир

Ҳамду сепос – шукр ва мақтов

Ҳамм – андуҳ, қайғу

Ҳарофат – куйдуриб ачиштириш

Ҳараж - қийинчилик; қийин, оғир

Ҳарқат – куйиш

Ҳасоти килия – буйрак тоши

Ҳарр – жанубнинг иккинчи номи

Ҳасоти масона - қовуқ тоши

Ҳасри нафас – нафасни ичида тутиш, нафас олмаслик

Ҳайза – вабо; ич кетиш

Ҳечмадон – ҳеч нарсани билмайдиган

Ҳибси нафас – нафасини ичига ютиш, дамани чиқармаслик

Ҳожиз – айирувчи, тўсиқ

Ҳодис бўлмоқ - пайдо бўлмоқ

Ҳожиз – ушлаб турувчи

Ҳокими ламязал – ўлмайдиган ҳоким, яъни Аллоҳ

Ҳонл – тўсиқ, икки нарсани бир-биридан ажратиб турувчи нарса

Ҳомиз – нордон

Ҳомиз ул-қорбун – табиати соф ҳавога нисбатан савдо табиатига яқин бўлган ғализ ҳаво. (Фарҳанг ал-мабсут, 62-бет)

Ҳомил – ташувчи, элтувчи

Ҳоққ - бир нарсанинг ўртаси

Ҳубуб – шамол

Ҳудус - пайдо бўлиш

Ҳувайдо - очиқ, равшан

Ҳузол – озғинлик

Ҳукамо – ҳакимлар, илм аҳллари

Ҳулума – эмчак тугмаси

Ҳуммойи йавмиййа – бир кеча-кундуз давом этадиган иситма

Ҳуммойи диққиййа – мулойим иситма, суяк қизиши билан ўтадиган иситма

Ҳумом – ақл ва ҳиммат эгаси

Ҳуққ ул-фаҳз – сон косаси

Ҳуққат ул-узи - қулоқнинг ковағи

МУНДАРИЖА

Улуғ меросни ўрганиш йўлида	3
Ўзбек тилидаги биринчи «Қонун»	9
Мақолаи аввалда инсондаги табиий ишларни баён қилинур	23
Аммо амзижа, яъни мизожлар демақдур	31
Иккинчи фаслда ахлотни баёнидур	39
Аммас-сафроу (сафро баёнида)	42
Аммад-даму (қон баёнида)	43
Аммал-балғам (балғам баёнида)	45
Аммас-савдау (савдо баёнида)	46
Аммо табиий қон	47
Аммо ғайритабиий қон	49
Ва иккинчи навъ ғайритабиий қон	50
Аммас-сафра ут-табиийя (табиий сафро баёнида)	51
Аммо аз рўйи қивом тўрт қисми баёнида	57
Аммас-савдо ут-табиийя	57
Аммо савдои ғайритабиийя	59
Таваллуди ахлот баёни	60
Даврон уд-дам (қон айланиши)	73
Нузужи арбаъа (тўртта назжлар)	80
Учинчи фаслда аъзонинг баёни	84
Тўртинчи фаслда қувватларни баёнидур	98
Амма-сомиъа (эшитиш ҳисси)	111
Аммо босира (кўриш қуввати)	115
Аммо қувваи шомма (ҳид билиш қуввати)	118
Аммо қувваи зоиқа (таъм билиш қуввати)	120
Аммо қувваи ломиса (тегиниб сезиш қуввати)	121
Аммо ҳавосси ботинийя (ички сезгилар)	124
Аммо ҳисси муштарака (муштарақ сезги)	125
Аммо қуввати хаёл (хаёл қуввати)	127
Аммо қуввати мутасаррифа (гасарруф қуввати)	128
Аммо қувваи воҳима (ваҳима қуввати)	130
Аммо қувваи ҳофиза (сақловчи қувват)	131
Аммо қувваи муҳаррика (ҳаракатлантирувчи қувват)	134
Аммо қуввати фоъила (фоъила қуввати)	136

Аммо қувваи ғаризийя (табиий қувват)	138
Бешинчи фасл – умури табиий (табиий ишлар) баёнида	140
Аммо арвоҳи арбаъа (тўртта руҳлар)	142
Адвори арбаъа (тўрт давр)	146
Аммо даври таваққуф (тўхташ даври)	148
Алвони арбаъа (тўрт хил ранг)	156
Иккинчи мақолада ташриҳи аъзонинг баёни	165
Биринчи фасл азм (устихон)ни баёни	168
Устихонларнинг ҳайъати ва таркибларини манфаъати	177
Иккинчи шуъба қўл устихонларини баёнида	183
Аммо тўртинчи шуъба – таркут	190
Аммо бешинчи шуъба – изом ур-рижл	192
Иккинчи фасл – бошқа ёлғиз аъзолар баёнида	198
Боби аввал (биринчи боб)	199
Аммо иккинчи боб асаблар баёнида	201
Аммо асаби нуҳоъий (ҳароммағз пайлари)	207
Учинчи боб автор баёнида	213
Тўртинчи боб работот баёнида	214
Бешинчи боб узалот баёнида	215
Олтинчи боб шароин баёнида	217
Еттинчи боб лаҳм (гўшт) баёнида	223
Саккизинчи боб шаҳмни баёнида	225
Тўққизинчи боб ағшийя (парда) баёнида	227
Ўнинчи боб жилд (тери) баёнида	230
Ўн биринчи боб мўйнинг баёнида	231
Ўн иккинчи боб зуфр (тирноқлар) баёнида	234
Учинчи фасл ташриҳи аъзои мураккаба	
баёнидадур	237
Амма-л-айнон, яъни икки кўзни баёни	242
Амма-л-узнон, яъни икки қулоқ баёнидадур	248
Амма-л-лисон, яъни (забон) тил баёнидадур	252
Тўртинчи фасл ўпка ва дил	
баёнидадур	253
Жузви аввал ҳанжара баёнидадур	253
Аммо иккинчи жузви қасабаи рия (кекирдак) баёнида	255
Аммо учинчи жузви худ ўпкани баёнида	257

Амма-л-қалбу, яъни дил баёнида	261
Бешинчи фасл ҳижоб ус-садр (кўкрак пардаси) ва меъда ва амьо (ичаклар) баёнидадур	269
Олтинчи фасл жигар, ўт қопи ва талоқ анатомияси баёнидадур	284
Еттинчи фаслда боқий аъзойи мураккабани баёнидадур	290
Амма-л-масона, яъни қобуқ халтаси	292
Амма-л-унсаён (икки мояк) баёнида	298
Амма-л-авъйиа (уруғ идиши) баёнида	301
Амма-л-маниййу (эрлик уруғи) баёнида	302
Амма-л-қазибу (жинсий олат) баёнида	313
Амма-л-фаржу (аёллар жинсий аъзоси) баёнида	317
Амма-л-унсаёни ва-л-авъййату ли-н-нисон (аёллардаги икки мояк ва уруғ идиши) баёнида	319
Амма-р-раҳму (бачадон) баёни	321
Тариқи таваллуди жанин (боланинг туғилиш йўли) баёнида	327
Ал-мақолат ус-солиса (учинчи мақола)	332
Фи аҳволи бадан ил-инсон ва асбобиҳа вал-аломат ид-доллати ва таштамилу ала хамсати фусулин	332
Биринчи фасл сиҳҳат ва касалнинг баёнида	334
Икинчи фасл бадани инсоннинг аҳволини муҳофаза қилмоқ ва тағйир бермоқ учун зарурий бўлгон сабабларнинг баёнидадур	345
Муқаддима афлокнинг тўлиқ баёнида	353
Кашфи аввал тўққизинчи фалак баёнида	356
Кашфи соний фалаки сомин (саккизинчи фалак) баёнида	358
Иккинчи баҳс арз (ер) баёнида	364
Олти зарур сабабларнинг иккинчиси баёнида	381
Биринчи мақула даволар даражалари баёнида	392
Иккинчи мақула ғизо баёнида	405
Амма-л-моу (сув) баёнида	409
Учинчи қисм навм (уйку) ва йақза (уйғоқлик) баёнида	429
Тўртинчи қисм ҳаракат ва сукун баёнида	432
Бешинчи қисм истифроғ (чиқармоқ) ва ихтибос (сақламоқ) баёнида ...	440
Олтинчи қисм ақсоми ситтаи зарурийя	443
Учинчи фасл асбоби мумриза (касалик пайдо қилувчи сабаблар) баёнида	453

Тўртинчи фасл бадани инсоннинг аҳволига мизож жиҳатидин	
далолат қиладурган аломатлар баёнида	479
Биринчи қисм аломати ламс (тегиниб сезиш белгилари)	481
Иккинчи қисм аломати гўшт ила чарби	482
Учинчи қисм аломати мўйнинг аҳволи	484
Тўртинчи қисм аломати баданни ранги	490
Бешинчи фаслда бадан аҳволига ахлот (хилтлар)	
жиҳатидин далолат қиладурган аломатлар баёнида	495
Аммо балғам ғалабасининг аломати	501
Амма сафро ғалабасининг аломати	503
Аммо савдо ғалабасининг аломати	505
Луғат ва изоҳлар	509
Мундарижа	528

Илмий-мерос нашр

Қонуни Боситий

Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший

**Махсус муҳаррир Абдукарим Усмонхўжаев
Муҳаррир Рустам Сафаев
Бадий муҳаррир Уйғун Солиҳов
Мусаҳҳиҳ Мавжуда Саидова
Компьютер устаси Екатерина Назарова**

ИБ 3477

**Босишга рухсат этилди 21.02.2003й. Бичими 60x84 1/16.
Босма табоғи 33,25. Адади 500 нусха. Буюртма № 132
Баҳоси келишилган нарҳда**

**«Янги аср авлоди» нашриёт-ишлаб чиқариш корхонаси, 700113,
Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол, 60.**